

# ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ



КУП ТОМЛИК

# СУВ ҚИЗИ



фантастик  
эртақлар

«ТОШКЕНТ» БАДИИЙ АДАБИЕТ НАШРИЕТИ 1966

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ  
ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

РЕДКОЛЛЕГИЯ:

ОҒБЕК, **ҒАФУР ҒУЛОМ,** ЯШИН, САРВАР АЗИМОВ,  
Ҳ. ЗАРИФ, М. АЛАВИЯ, РАМЗ БОБОЖОН

Нашрга тайёрловчилар:

М. И. АФЗАЛОВ, Э. ҲУСАИНОВА, Н. С. САБУРОВ


Ўзбек халқ афтаклари  
Томларини тузувчи:

М. И. АФЗАЛОВ

Рассомлар.

А. ЦИГЛИНЦЕВ, П. МУДРАҚ

Индекс 7-3-3



## Моҳистара

Бағдод шаҳрида шоҳ Одил деган подшо ўтган экан. Шоҳ Одил ўзини кўп одил подшо деб танитган экан. Унинг учта хотини бўлган. Хотинлари узоқ вақт туғмаган экан. Охири кичик хотини Дилора ойим бир ўғил туғибди. Унга Шовкат деб исм қўйибдилар. Шовкатни атлас, кимхобга ўрабдилар. Неча энага уни тарбия қила бошлабди.

Шовкат кўп чиройли, худди осмондаги чўлпон юлдуздай экан. Одил шоҳ ёши бир жойга бориб ўғилли бўлганидан кўп хурсанд бўлибди. Мамлакат халқини чақириб бир неча кун тўй-томоша қилиб, элга ош-нон берибди, жамми камбағалга инъомлар улашибди...

Ойдан ой, йилдан йил ўтиб, шаҳзода Шовкатнинг ёши етти-саккизга борибди. Отаси Бағдод шаҳрида исми уламо бўлса, тўплаб олиб шаҳзодани ўқита бошлабди. Шаҳзода Шовкат кўп бийрон ва ақлли, тетик экан. Муаллимлари берган дарсларини тез ва осон, берилиб ўқир экан. У ўн беш ёшларга етгунча отасининг ўрдасида тўпланган ўткир муаллимларда ўқиб мулла бўлибди. Дунёда у билмаган илм кам қолибди. Шовкат турли илмлардан ташқари созандалик, ашулачилик ва охирида уруш илмини ҳам ўрганибди. Отаси Шовкатдан кўп миннатдор бўлибди.

Шовкатнинг ёши ўн етти-ўн саккизларга борибди. Бу вақтда Шовкат уруш илмидан яхши хабардор бўлиб, ўз ёнига аскар тўплаб, икки-уч минг аскарга бош бўлибди.

Кунлардан бир кун Шовкат аскарлари билан дашт шикорига чиқибди. Узоқ бир жойга борибди. Бир тоғнинг водийсида қўнибди. Бу водий сердарахт, серсув, гулзор,

чаманзор, обод ер бўлиб, турли илвасинларга ва ов ҳайвонларига бой экан.

Шаҳзода аскарлари билан чодир чаманини қуриб, ов овлаб, овдан тушган илвасинларни кабоб қилиб еб, турли хил овқатлар била: ўзларини парваришлаб, кайф қилиб ётаверибди. Орадан уч кун ўтибди. Тўртинчи кун Шовкат ўз мерганлари билан тоғ дарасида ов овлаб юрган экан, бирдан унинг қаршисидан ажойиб бир кийик чиқиб келибди. Бу кийикнинг тўрттала оёғининг туёғи садафдан, ҳар қайси оёғида иккитадан саккизта олтин ҳалқаси бор эмиш. Икки шоҳига олтиндан, кумушдан, марвариддан, брильянтдан нақшлар ўйилган. Кийикнинг жунлари оқ, қора, кўк, қизил, сариқ, пушти, напормон — қўйингки, ўттиз икки хил бўлиб, бу кийик шаҳзодага ўзини кўрсатиб, неча ғамза ва жилвалар қилиб, турли мақомда ўйинлар кўрсатибди. Ўйнаганда оёқларидаги олтин ҳалқалардан турли хил овозлар чиқибди ва жунлари ўттиз икки хил товланибди. Шаҳзода бу кийикни кўриб кўп ҳайрон қолибди: «Умрим бунёдга келиб бундай кийикни энди кўришим!»— дебди ва аскарларига: «Шу кийикни тирик ушланглар!»— деб буйруқ берибди.

Аскарлар кийикни қувлаб-қувлаб ушлай олмабдилар. Бундан шаҳзода аччиғланиб, ўзи ушламоқчи бўлибди. Ўзи ҳам қувлаб ушлай олмабди. Охирида кийикнинг атрофини қуршаб, ўртага олиб ушламоқчи бўлишибди. Шовкат аскарларига:

— Кийикни ўртадан чиқарманглар. Кимки орадан чиқариб юборса, ўлдиртираман!— деб ғазаб қилибди. Аскарлар кийикнинг атрофини қуршаб, секин-секин доирани торайтириб, кийикга яқинлашиб борибдилар. Кийик бўлса ўртада, ҳеч нарсага писанд қилмай, дикллаб турли ғамза ва турли ўйинларни кўрсатиб юраверибди. Охирида доира торайиб, неча аскар олдинги сафга сиғмай, иккинчи сафга қолиб келаверибдилар. Булар кийикга яқин келиб қолган эканларки, кийик бир ирғибди, шу ирғишда шаҳзода Шовкатнинг оти сағрисига тушибди, ундан бир ирғиб, сафдан ташқарига тушибди-да, тоққа қараб қочиб кетаверибди. Шаҳзода кийикни ўзи қочиргани учун бошқаларни айблаб олмабди ва улардан уялганидан, кийикни ушлаб келиш учун якка ўзи унинг кетидан от қўйиб жўнабди.

Кийик чопиб кетиб бораверибди. Шаҳзоданинг оти кучли ва югурдак экан, йўлни терсига солиб, кийикнинг олди-

дан тўсиб чиқибди. Лекин ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам, кийикни ушлай олмабди. Шаҳзода кийикни ушлай олмаслигига ақли етиб, отиб ўлигини бўлса ҳам олиб кетишга қарор берибди. Шу ерда отдан тушиб, бир тошга суяниб, ёй билан кийикни мўлжаллаб отибди. Бироқ, ўқ кийикка тегмабди. Яна отибди, кийик бир томонга қийшайиб, ўқни бир ёнидан ўтказиб юбораверибди. Тагин отса, у ёнидан ўтказиб юборибди. Шундай қилиб, шаҳзода ота берибди, кийик уни писанд қилмай, турли қиёфада ўйнаб шаҳзоданинг кўзини куйдириб, отган ўқини у ёнидан, бу ёнидан ўтказиб юбора берибди. Шаҳзоданинг беш юз ўқи бор экан, қизиқ устида ҳаммасини отиб битирибди, лекин кийикни йиқита олмабди. Шаҳзоданинг ўқи тугагандан кейин кийик тоққа қараб қочибди. Шаҳзода унинг кетидан қувлабди. Кийик бориб тоққа улашибди ва тоғнинг устига уриб чиқиб кетибди. Кетидан шаҳзода ҳам оти билан чиқиб кетаверибди. Кийик тоғнинг устига чиқиб, шаҳзодага қараб яна бир жилва берибди-да, тоғнинг нариги томонига тушиб кетибди. Тоғ жуда ҳам баланд экан. Шаҳзоданинг оти бақувват экан. Тоғнинг паст-баландлиги билан ўрлаб, бу ҳам тоғнинг қир учига чиқибди. Шовкатнинг фикри ёни кийикда, ишқилиб шу кийикни тириклайин, ёки ўлдириб бўлса ҳам ушлаб кетсам дер эди. Шовкат тоғнинг нариги томонига қараса, у ёғи ҳам кенг диёр экан. Бир томони кўкаламзор ерлар, бир томони дарахтзорлик. Кийик шу майдонда турли мақомда ўйинлар кўрсатиб, жуни қуёш нури билан ўттиз икки хилда товланиб, шаҳзоданинг кўзини куйдира берибди.

Шаҳзода отига қамчи бериб, эгарга маҳкам ёпишиб, пастга қараб отини ҳайдабди. Гоҳо отлиқ, гоҳо яёв юриб, бир замон пастга тушибди. Отига ҳордиқ бермай, кийикнинг кетидан қувлабди. Шунда кийик шаҳзодани кўриб қочибди ва ўрмонзорликка кириб, шаҳзоданинг кўзидан ғойиб бўлибди.

Шаҳзода кийикнинг орқасидан ўрмонзорга от қўйиб кирибди. Ўрмонзор турли-туман дарахтлар, гуллар билан тўла экан. Бунда ажойиб ва хушқомат дарахтлар бор эканки, буни шаҳзода илгари кўрмаган экан. Ўрмонзорда турли-туман хушовоз қушлар, булбуллар сайраб ётибди. Шаҳзода ўрмонзорни қидира-қидира кийикни тополмабди. Шу куни кеч бўлибди. Шаҳзода орқасига қуруқ қайтишни ўзига эп кўрмабди ва бугун шунда тунаб, эртага ҳам кийикни қидиришга қарор берибди. Шовкат ўрмоннинг

бир очиқлик жойига чиқибди. Отига дам берибди, терларини қуришиб, устидан эгар, тўқимни олибди: «Эй, жонвор, бу яхши ўтлардан еб, қорнингни тўқлагин!» деб, бошидан юганини олиб, бошбоғини бўйнига боғлаб, ҳайдаб юборибди ва ўзи тўқим-терликни остига солиб, бошига эгарни қўйиб ухлашга ётибди. Шаҳзоданинг кўзи эндигина юмилган экан, қулоғига қаттиқ бир овоз келиб чўчиб уйғонибди. Уйғониб қараса, ҳар тарафдан ҳар хил қўрқинчли овозлар келармиш. Бу ўрмонзорда ҳар турли йиртқич ҳайвонлар бор экан, улар кечалари ҳар тарафни овлаб, бақириб, чақириб юрар экан. Шовкатнинг қулоғига эшитилган айиқ, шер, йўлбарс, бўриларнинг овозлари ҳамма ёққа даҳшат солар экан. Шунда шаҳзода Шовкатнинг кўзидан уйқу қочибди ва «Балодан хазар!» деганларидек, шунда катта бир дарахтнинг тепасига чиқиб кетибди, оти пастда қолаверибди. Ордан бир оз вақт ўтгач, бу ерга арслонлар, йўлбарслар, шерлар, қоплонлар, айиқлар, бўрилар ва ҳар турли илонлар келиб кетишибди. Шовкат дарахтнинг устида эрталабгача ухлай олмабди. Эрта билан дарахтдан пастга тушибди. Энди: «Отим эсон қолдим, ваҳшийларга ем бўлдим?»—деб отидан хабар олибди. Хабар олса, оти бир жойда дам олиб ётибди. Бундан хурсанд бўлиб, отини етаклаб келиб қашлаб, силаб, эгарини босибди ва устига миниб, кийикни излагани кетибди. Шу куни шаҳзода пешингача ўрмонни айланиб, кийикни тополмабди ва ўрмоннинг бир чекасидаги катта бир тўқайзордан чиқибди. Шовкат шу тўқайзорни ҳам қараб кўриш учун уни оралаб кетибди. Тўқайни оралаб юриб кўнни кеч қилибди, кийикни тополмабди: «Энди нима қилсам экан, қайтиб кетсаммикан?» деб ўйлабди. Лекин ўзи қандай келди ва энди қайси томондан кетиш кераклигини билмабди. Шу сабабли бугун ҳам шу тўқайнинг қирғоғида қолибди. Кечаси оти пастда, ўзи дарахтнинг тепасида бўлибди. Бу кеча ўтган кечагидан ҳам ваҳимали бўлиб ўтибди.

Тонг отибди. Шаҳзода дарахтдан тушиб қараса, оти омон экан. Отини эгарлаб минибди-да, таваккал қилиб шу тўқайни ёқалаб кетаверибди. Тахминан, тўрт соатча юрган экан, бир бўшлиқ ердан чиқибди. Бўшлиқнинг бир томонида адирликда, кичкина бир қўрғон кўринибди. Шовкат: «Шу қўрғонда одам бўлса керак, шундан бориб йўл сўрайман»,—деб, қўрғонга қараб от қўйибди. Юриб-юриб адирликка етибди ва адирнинг устига чиқибди. Қараса, адирнинг нарёғи пастлик, бир томонида катта бир сой оқар

экан. Унинг икки томони сердарахт бўлиб, бояги қўрғонча шу сойнинг ёқасида экан. Шовкат сойни ёқалаб юрибди. Соининг суви оппоқ сутдай ўйноқлаб оқибди. Сувнинг шабадаси шу атрофни сўлим қилиб турибди. Шовкат қўрғонга етибди. Бу қўрғон тўртбурчак шаклида эмиш. Чор атрофидаги деворлари баланд, ҳаммаси ҳаво рангли мрамардан ишланган эмиш. Устидаги кунгураси олтиндан. Қўрғоннинг дарвозаси олтин, кумуш ва баъзи жойлари садафдан ишланган, бироқ икки қаноти ҳам очиқ эмиш.

Шовкат дарвозадан қўрғоннинг ичига кирибди. Қўрғоннинг ичкараси катта ҳовли экан. Бир томони қўрғон девори бўлса, уч томони қатор кетган уй, бу уйларнинг бири яшил, бири қизил, бири сариқ, бири пушти, бири зангори ва турли хилда чиннилардан ишланган эмиш. Ҳовлининг ўртасида катта бир ҳовуз, атрофи мрамардан эмиш. Бу ҳовузга кирган сув худди сут кириб, сут чиқиб кетаётгандай оппоқ эмиш. Ҳовузнинг тўрт бурчида тўртта дарахт бор эмиш. Бундай дарахтларни Шовкат илгари кўрмаган экан. Бир томонда отхона, ҳамма охурлари ҳам мрамардан, бирида беда, бирида майиз, бирида ем бор эмиш. Бироқ бу ҳовлида бирорта ҳам одам йўқ эмиш. Шовкат ҳайрон бўлибди ва: «Шу ерда бир оз дам олайн, одами бўлса чиқар, бирор жойга кетган бўлса келар, одами йўқ бўлса чиқиб кетарман», дебди ва отдан тушиб, отини яланғочлаб: «Бор, жонивор, ҳув, беда ва емлардан еб қорнингни тўқлаб олгин!» деб, отни охурга ҳайдабди ва ўзи кўп чарчаган экан, ҳовузнинг бўйига, дарахтнинг тагига келиб, остига тўқим-терликни ёзиб, бошига эгарни қўйиб, ётиб ухлабди. Бир вақт бир товуш қулоғига кириб уйғонибди. Уйғониб қараса, бояги уйлардан бирисининг эшиги очилиб, ёши ўн саккизларга борган, бўйи басти ўзига келишган, зағча кўз, кундуз қош, оқ бадан, оппоқ ипакка ўралган бир қиз қўлида олтин кўза кўтариб секин-секин оёқ босиб, ҳовузнинг бўйига келибди ва кўзани тўлдириб олиб яна бояги эшикка кириб кетибди. Бироқ у Шовкатга гапирмабди ва лоақал бир боқиб ҳам қўймабди. Шовкат: «Ийи, бу нима деган гап бўлди. Бу қиз чиқиб, менга гапирмай ва қарамай яна кириб кетди!» дебди. Лекин қиз жуда ҳам нозанин, барно қиз экан, Шовкат уни кўриши билан юраги ўйнаб кетибди. Орадан ўн минутлар ўтар-ўтмас бояги қиз кириб кетган эшик яна очилибди. Бу сафар эшикдан ёши эллик бешларга борган, соқоли мош-гуруч, жуда чиройли, икки



юзидан нур томиб турган бир киши чиқиб келиб, Шовкатга:

— Ҳа, меҳмон, келинг!— деб қўл узатибди. Шовкат ўрнидан туриб, тавозе билан салом қилиб сўрашибди. Бу одам:

— Нима хизмат, меҳмон?— дебди.

Шовкат:

— Мен йўлда кетаётиб чарчадим. Сизнинг жойингиз салқин жой экан, бир дам олай деб кирган эдим. Сиздан изинсиз кирдим, гуноҳимни кечиринг,— дебди.

У киши:

— Бу нима, туринг ўрнингиздан! Бу сиз ётадиган жой эмас, қани, менинг кетимдан юринг!— дебди.

Шовкат: «Бу одам мени қаерга таклиф қилади, нима қилсам экан? Кирсамми, йўқми?» дебди ўзинча ва:

— Қаёққа борамиз?— деб сўрабди.

— Менинг орқамдан юраверинг, отингиздан хижолат бўлманг, отингизга қарайдиган одамлар бор,— дебди ва ўзи бояги чиққан эшикка қараб юрибди. Кетидан Шовкат ҳам юрибди. Шовкат бу одамнинг кетидан юриб, бояги эшикдан ичкари кирса, яна бир ҳовлига чиқибди. Лекин бу ҳовли ундан алақанча обод. Ҳовлининг чор томони қатор уйлар, бу уйлар шу қадар чиройли уйларки, бунинг сингари чиройли уйлар Шовкатнинг отасининг ўрдасида ҳам йўқ эмиш. Ҳовлининг ичи гулзор ва турли хил мевали дарахтлармиш, мевалари пишиб турганмиш. Шовкат бу меваларга кўп ҳаваси келибди ва кетаётиб бирини узиб олиш учун қўл узатиб ушлаган экан, мева тош сингари қаттиқ ва сира узилмайдиган даражада маҳкам эканини кўрибди. Бу дарахтнинг мевалари ҳақиқий мевалар бўлмай, бири ёқут, бири забаржад, бири марварид, бири олтин, бири зумрад каби қимматли тошлардан иборат эмиш. Ҳовлининг бир томонида супа. Бу супа мрамрдан, атрофига тилладан панжаралар ишланган. Супанинг устида қип-қизил ипак гилам, унинг устига атлас, шоҳи, кимхоб кўрпачалар тўшалган. Ҳалиги киши Шовкатни супага таклиф қилибди. Супанинг чиқаверишида бир хотин икки қўлини кўксига қўйиб, таъзим билан Шовкатни кутиб олибди. Олдин чол, кетидан Шовкат чиқиб, гиламни босиб бориб кўрпачага ўтирибди. Сўнгра хотин келиб: «Хуш келибсиз?»— дебди. Шовкат: «Хуш вақт бўлинг!»— дебди. Бу хотин ёши ўттиз-ўттиз беш ўрталарида. Икки юзи нақш олмадек, бадани оппоқ дурдай, ўзи бўладан келган, икки

қош худди ёйдай қайрилган, киприклари кишига гўё ўқ бўлиб санчилаётгандай, икки кўзи шахло, икки лаб пиёзнинг пўстидай юпқа ва қизил, лабининг бир четида қопқора холи бор, иягининг остида бағбақаси осилган. Соч деган қопқора, кокиллари гўё икки илондек қилиб орқасига ташланган, учи бориб ошигига тегади. Икки чеккасида икки зулфи юзига тушиб турибди. Бу хотин келибди-да, чолнинг ёнига ўтирибди, бир оздан кейин бояги сувга чиққан қиз келиб, Шовкатга бир неча мартадан эгилиб салом қилиб:— Хуш келибсиз, меҳмонжон!— дебди. Шунда ҳалиги хотин қизга:

— Меҳмоннинг олдида дастурхон келтиринг,— дебди. Қиз, қуллуқ қилиб бир уйга кириб кетибди, бир оздан сўнг шу қизга ўхшаган, балки ундан ҳам гўзалроқ ва латиф бир қиз юз ғамза, ноз ва ишва билан келиб, Шовкатнинг қошида қаддини букиб:— Келинг, азиз меҳмон!— дебди.

Шовкат ҳам ўрнидан туриб, қуллуқ қилибди. Сўнгра бу қиз орқасига қайтиб бояги уйга кирибди ва дастурхон кўтариб чиқиб, буларнинг олдиларига ёзибди. Дастурхон кимхобдан, зарпоукларининг ҳар бирига биттадан олтин тақилган экан. Шу пайт яна бир қиз чиқиб келиб, салом берибди ва алик жавоби олгандан кейин, у ҳам қайтиб кириб кетибди. Сўнгра қизлар қўлларида турли идишларда турли-туман овқатлар кўтариб чиқиб, дастурхонга қўя бошлабдилар. Идишларнинг бири кумуш, бири олтин, бири ёқут, бири забаржаддан, хулласи калом, қимматли тош ва маъданлардан ишланган экан. Идишларда нуқул сут ва ёғ билан пишган оппоқ нонлар, қатламалар, варақи, бўғирсоқ, қанд, асал, новвот, қиём, писта, бодом, товуқ гўшти, тухум каби овқатлар эмиш. Қизлар овқатларни қўйгач, чолнинг ёнидаги бояги нознинг хотин нонларни синдирибди ва меҳмонни овқатлардан олиб ейишга таклиф қилибди. Шу пайт биринчи қиз бир олтин самоварни қайнатиб чиқибди, жонон пиёлалар келтириб чой қуйиб Шовкатга, кейин мезбонларга узатибди. Узи ҳам ўтириб, булар билан ҳамтаом бўлибди. Чой ичилиб бўлгач, у ёқдан-бу ёқдан гаплар бўлиб ўтибди. Шунда чол қизларга:

— Меҳмон чарчаб келган, жой тайёрланглар. Бир ухлаб олсин!— дебди.

Қизлар ҳовузнинг бўйидаги қуйи дарахтнинг тагига олтин каравотни қўйиб, устига қават-қават атлас кўрпалар ва шоҳи дужжаларни ёзиб, пар ёстиқларни қўйибдилар. Шовкат чолнинг таклифи билан шу каравотга келиб ётиб

ухлабди. Шовкат уйқудан турса, устида икки қиз навбатманавбат уни елиб турганини кўрибди. Шовкат уйғониши билан қизлар олтин офтобада сувлар келтириб, Шовкатнинг юз-қўлларига сув қўйибдилар, оппоқ ипақ сочиқлар билан унинг қўл-юзларини артибдилар. Шунда кеч ҳам кирган экан. Чол билан хотини Шовкатнинг ёнига келиб:

— Меҳмон, яхши ухлаб турдингизми?— дебдилар. Шунда қизлардан бири келиб, кечки овқат тайёр бўлганидан хабар берибди. Чол, хотин ва Шовкат, уларнинг кетидан нозанин қизлар бояги супага чиқиб ўтирибдилар. Дастурхонлар ёзилиб, кечки овқат келтирилибди. Бу овқатлар турли илвасинларнинг гўшtidан тайёрланган, худди уни тайёрлаган гўзал қизлар каби мазали экан. Овқатлар келтириб қўйилгач, қизлардан бири олтин кўзада май келтирибди ва олтин пиёлаларга қўйиб ўтирганларга бирин-бирин узатибди, ўзи ўрнидан туриб: «Қўлингиздаги майни келган азиз меҳмоннинг шарафига ичишингизни сўрар эдим!»— дебди. Майлар ичилибди, овқатлар ейилибди. Ўтирганлар ширакайф бўлганда бояги уйдан бўй-бастлари бирдек, ёшлари ўн етти-ўн саккизларда, бўйинлари марварид ва гавҳарлар, қулоқларига олтин сирғалар таққан, нозик, ҳарир кўйлақлар кийган, қалам қош, қора кўз, нозик бадан қизлардан бир тўдаси чиқиб келибдилар ва Шовкат билан эсон-туганлик сўрашгач, ўтирибдилар. Буларнинг қўлларига соз келтириб берибдилар. Бири уд, бири танбур, бири гижжак, бири дотор, бири най, бири чанг, бири чилдирма олиб майин бир мақомга чалибдилар, ашулалар айтибдилар ва турли-туман ўйинлар қилибдилар. Шу кун саҳаргача базм бўлибди, охири ҳаммаси чарчаб ўтирган жойларида ётиб ухлабди. Эртаси эрта билан ҳамма уйғонибди. Шовкатнинг атрофида қизлар парвона бўлиб, унга хизмат қилибдилар: бири олтин обтобада сувлар келтириб юз-қўлига сув қўйибди, бири оппоқ сочиқ келтириб тутибди. Сўнгра, нонуштага ўтирибдилар. Нонуштага ҳам турли-туман овқатлар тортилибди. Бу овқатлар шу қадар таъмлики, Шовкат ўз ўрдасида бундай овқатлар еган эмас экан. Бундан ташқари унинг ҳузурда шўх, барно қизлар бирга ўтириб, ҳамтовоқ бўлганидан, ҳар сафарги овқат жуда ҳам кўнгилли ўтаверибди.

Нонуштадан сўнг, чол, унинг гўзал хотини ва шўх қизлар шахзодани боғ сайрига таклиф қилибдилар. Ҳаммалари бирга шу ҳовлининг кетидан боққа ўтибдилар. Бу боғ

жуда ҳам обод ва кўнгилёзар жой экан. Унда ранг-баранг гуллар очилган, ҳидлари ҳамма ёққа сочилган, гул ишқида булбуллар сэйраган. Булар боғда шаҳзодани узоқ сайр қилдирибдилар. Бир вақт кун туш ҳаддидан ўтиб, тушлик овқат ҳозирланибди. Тушлик овқатни ебдилар, майларни ичибдилар. Кечгача айш-ишрат, ўйин-кулги билан ўтирибдилар ва кундузги хурсандчилик, кечки овқатга, ундан тунги хурсандчиликка уланиб кетибди. То саҳаргача шундай айш-ишрат, базм, кайф-сафо, ўйин ва кулгилар бўлибдики, сонда қизларнинг созлари ва ёқимли овоз билан айтган ашула товушлари кўкларга етибди. Базмдан сўнг, ҳамма ўз ўрнида донг қотиб ухлабди.

Тонг отибди. Шаҳзода бет-қўлини ювибди. Яна нонуштага ўтирибдилар. Нонуштадан сўнг чол қизларнинг ҳар бирини ҳар хил ишга буюрибди. Бу ерда чол, хотини ва Шовкат уччаласи қолибдилар. Шунда чол айтибди:

— Меҳмон, келганингизга икки кун бўлди. Келган кунингизда сизнинг ким эканлигини сўраш одобдан эмас эди. Мана анча хордиқ чиқардингиз. Энди ўзингизнинг ким эканлигингиз ва қандай қилиб бу жойларга келиб қолганингизни бизга айтсангиз,— дебди.

Шунда шаҳзода бу кишининг кўрсатган холис меҳмондўстлиги самимий эканини англаб сўз бошлабди:

— Мен шу тоғнинг ортидаги Бағдод деган шаҳарнинг шаҳзодасиман. Отамни Одилшоҳ дейдилар. Мен кунлардан бир кун аскарларим билан овга чиқдим. Тоғнинг дарасида ов овлаб юрсам, қаршимдан бир кийик чиқди. У кийикнинг тўрттала оёғи оппоқ садафдан, икки шоҳи олтин, кумуш, марварид ва брильянтдан нақшланган. Ҳар қайси оёғида иккитадан саккизта олтин ҳалқаси бор, устидаги жунлари ўттиз икки хил товланарди. Бу кийик юз ишва, ғамза ва ноз билан турли мақомда ўйинлар кўрсатди. Мен аскарларимга шу кийикни тириклай ушлашни буюрдим, тирик ушлаб бўлмади. Уни отиб олишга қарор бердим. Отдан ўзимни ташлаб беш юзта ўқим бор эди, ҳаммасини отсам ҳам тегмади. Шунда кийик тоққа қараб югурди, унинг кетидан от кўйдим. Кийик тоққа улашди. Мен ҳам улашдим. Кийик тоғнинг бу томонига ўтганда ўрмонзорга кириб йўқолди. Мен унинг кетидан излаб, ўрмонга кирдим,— дебди.

Шу пайтда қаршидаги уйлардан бирисининг эшиги очилибди. Бу эшик очилиши билан уй ичидан қуюқ бир шуъ-

ла чиқиб, бутун ҳовлини ёритгандай бўлибди. Ундан ёши ўн олтига борган, икки кўзи чаросдек, икки қалам қош қулочни ёйган, қоп-қора сочлари бурам-бурам бўлиб думбага урган, ингичка бел, кўкраги нақш олмадек энди бўртиб чиққан, лаблари пиёзнинг қобиғидек, оппоқ юзи анордек, бағбақаси момикдек, тишлари дурдек, ўзи мисоли жаннатдаги ҳурдек, сарвиқад, шўх бир қиз қаҳ-қаҳ уриб югуриб чиқибди ва шаҳзодага бир намойиш бериб, яна кулганича орқасига қайтиб кириб, эшикни беркитибди. Чол эса, унга кўлини булғаб «ҳа, шум!» деганича қолибди.

Бу қизни кўриб шаҳзоданинг эси оғиб қолибди. Қилаётган ҳикоясини ҳам унутиб, бошидан ақли, оғзидан гапи қочибди.

Чол:

— Гапни бошлайверинг, Шовкатбек!— дебди.

Шовкат чолнинг гапидан кейин ақл-ҳушини тўплаб, чол билан хотинидан изза тортиб, гапни давом эттирибди:

— Мен кийикнинг изи билан ўрмонга қувлаб кирдим, кечгача қидириб тополмадим. Шу куни ўрмонда қолдим, эртаси яна излаб тополмай, охирида бир тўқайзорга чиқдим. Шу жойда кийикни тутолмасликка ақлим етгач, қайтиб кетмоқчи бўлдим. Бироқ, йўлдан адашдим, қаёққа кетишни билмай, таваккал қилиб шу томонга қараб юравердим. Охирида сизнинг жойингизга келдим,— дебди. Шунда ҳалиги эшик яна очилиб, бояги шўх қиз яна бир чиқиб кўриниш берибди ва чолнинг: «Ҳа, шум!» деган сўзини эшитиб, қаҳ-қаҳ уриб кулиб, яна қайтиб кириб кетибди. Шаҳзоданинг бўлса яна унга ақли кетибди. Бир оздан сўнг ҳушини тўплаб чолга:

— Мен ўзимнинг кимлигимни айтдим, энди гап навбати сизга,— дебди.

Чол:

— Бизнинг ҳикоямиз ҳар вақт бўлаверади. Олдин ўйин-кулги қилиб олиш керак,— дебди ва қизларини чақириб, ҳаммалари яна боғ сайрига кирибдилар. Орадан уч-тўрт кун ўтибди. Боғ сайридаги қизлар билан бўлган ўйин-кулгилар вақтида шаҳзода жуда шодланиб, чеҳраси очилар экан. Шу куни у қовоғини очмабди. Қизлар бундан ташвишланиб, меҳмон нимадан хафа экан?— деб, уни хурсанд қилиш учун тобора яхши гаплар айтиб, ажойиб ўйинлар кўрсатишар экан. Булар шаҳзодага татимабди. Овқат вақтида ва базмларда ҳам у жилмайиб кулмабди. Нега де-

сангиз уни қаҳ-қаҳ уриб қочган қиз ўзига мафтун қилган экан.

Бир куни шаҳзода чолни маҳкам тутибди ва:

— Сиз ҳам ким эканлигингизни ва бу кимсасиз жойларда нимага макон тутиб ўтирганингизни айтинг!— деб қистабди. Чол сўзни бошқа ёққа бурса ҳам шаҳзода уни сўзлашга зўрлабди. Шунда чол ўзининг ким эканини айтишга киришибди:

— Мен Ҳирот шаҳридан бўламан. Отам катта савдогар эди. Унинг бир неча минглаб туяси бор эди. У Ҳиротдан шу туяларга мол ортиб, бошқа шаҳарларга олиб бориб сотар ва у шаҳарлардан мол ортиб, Ҳиротга келтириб сотар эди. Отам кексайди, мен ўсиб йигит бўлдим. Бир куни отам мени ўз қошига чақириб айтди:

— Ўғлим, Содиқ! Мана энди сен катта йигит бўлдинг, ақлинг тўла. Ҳар ишни буюрсам уdda қила оласан. Мен бўлсам қаридим, бундан буён карвон бўлиб шаҳарма-шаҳар юриш қўлимдан келмайди. Энди мен савдо ишларимни сенга топшираман, шаҳарма-шаҳар юриб, савдо ишларимни ўзинг олиб бор!..— деди. Шунда мен отамнинг иззатини жойига келтириб:

— Хўп, отажон! Агар сиз буюрсангиз, йўл-йўриқ кўрсатсангиз, жон-дилим билан қиламан,— дедим.

Орадан кўп вақт ўтмай, шаҳримиздан бир тўда карвон Ҳиндистонга жўнамоқчи бўлди. Отам бош бўлиб, менга минг туяга мол ортиб бердилар. Мен минг туя молни олиб, бир қанча туячиларим билан Ҳиндистонга жўнадим. Туяларга Ҳиндистон аҳолиси суядиган турли-туман моллар ортилган, туяларнинг олди зарлар, ипақлар билан ясатилган, бир неча туяга бир туячи, туячилар ёш йигитлар эди. Мен гоҳо отлиқ, гоҳо туяда, гоҳо пиёда юриб борардим. Туяларнинг бўйнидаги қўнғироқлар шалдир-шулдир этиб, ҳамма ёқни бузарди. Биз шаҳардан шаҳар, қишлоқдан қишлоқ ошиб, охирида кенг саҳрога чиқдик. Сувсиз, ўлансиз даштларда бир қанча кунлар йўл юрдик. Йўл азобини кўп кўрдим. Охири Ҳиндистонга бордик. Бир шаҳарга етиб, ҳар қайси карвон биттадан карвон саройни эгаллаб тушдик. Шу куни туякашларга ва туяларга дам бердик. Ўзим саройдан бир ҳужра олиб, шул ҳужрада гурдим. Эртаси кундан бошлаб, бизга бу шаҳарнинг савдогарлари келиб таниша ва келтирган молларимизни кўриб, савдолаша бошладилар. Келтирилган молларни сотишга киришдик. Шу куни кеч бўлди. Кечки овқатни еб, ҳужрада бир оз чақчақла-

шиб, сўнг ухлашга ётдик. Сахар ўрнимдан туриб, таҳорат қилдим-да, мачитга кирдим. Номозни ўқиб бўлгач, одамлар шошилган ҳолда ташқарига чиқа бошладилар. Мен ҳам улар билан ташқарига чиқдим. Кўчада шу қадар одам кўп эдики, кўчанинг бўш жойи йўқ. Бу одамлар орасида ёш болалар, йигитлар, ўрта яшарлар, қарилар, қизлар, келинлар, хотинлар, кампирлар ҳаммаси бор. Улар ҳаммаси бири-бирига қарамай, бир томонга қараб оқиб борардилар. Мачитдан чиққан кишилар ҳам бирорталари ўз уйларига қайтмай, шу оломонга қўшилиб кетавердилар. Мен: «Шунча одам қаерга борар экан?» деб, шуларга аралашиб кетавердим. Оломон ҳеч жойда тўхтамай, кетар-кетгунча у кўчадан, бу кўчадан, у ҳовлидан, бу ҳовлидан, у мачитдан, бу мачитдан одам қўшилаверди. Олдинга қарасам, одамнинг олди қаерда кетаётгани, орқага қарасам, кети қаердалиги кўринмади. Оломон юриб-юриб шаҳарнинг чеккасига чиқдилар ва олдинда қандайдир ҳайбатли бир дарвоза кўринди. Кишилар шу дарвозадан ичкарига кирдилар, мен ҳам кирдим.

Дарвозанинг икки биқинида шомурти шопдай, дарғаб, яроқ тақинган кишилар турибди. Ичкарига кирганда қарасам, жуда ҳам кенг бир майдон, майдоннинг бир томони баланд ва узун девор. Уч томони дарахтзор. Майдоннинг бир томонида қатор от минган кишилар турибди. Буларнинг ҳаммаларининг отлари кўк, устида кумуш эгар, кумуш қуюшқон, кумуш ўмилдириқлик. Бу отлар серёл, сердум, кенг кўкрак, кажжак бўйин, новча ва семиз. Жуда ҳам кўриниши чиройли ва серсовлат отлар. Отларнинг устида ёши ўн тўққиз-йигирмаларда бири биридан чиройли ёш йигитчалар. Буларнинг ҳаммаларининг кийимлари бир хил, шоҳи ва кимхоблардан, кийимлари ўзларига жуда ҳам ярашиқли. Лекин бу отлиқларнинг олдида жуда ҳам катта, чиройли, тилла эгар, тилла юган, тилла қуюшқон, тилла ўмилдириқли от минган, устида қип-қизил ипақдан камзул ва шимлар кийган, белига тилла камар бойлаб, бошига тож ўрнатилган, ўн саккиз яшар бир йигит турибди. Бу йигит шу қадар хушқомат, қора кўз, қора қош, қизил юз йигитки, мисли икки юзидан қон томгандай кўринади.

Бу майдонга кирган одамлар майдоннинг бўш жойига қириб жойлана бердилар. Одамлар кириб бўлди. Одам шу қадар кўп бўлдики, мен умримда ҳали бу қадар кўп одамнинг бир ерга тўпланганини кўрган эмасман. Бу одамлар

ҳаммаси шу турган отлиларга қарайди ва уларнинг олдидаги қизил кийимли йигитга қараб:

— Ҳай аттанг! Жуда ҳам яхши йигит экан-да!— дейдилар. Бунда турганларнинг чеҳраси ғамгин, хафа. Ҳаммасининг оғзида: «Ҳай аттанг, шундай йигит нобуд бўлади-ми?»— деган сўз. Баъзи қари кишилар ва кампирлар йигитга қараб йиғлайдилар. Бу фурсат менга жуда гумонли ва жуда бир қўрқинчли туюлди. Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин, отлиларнинг олдидаги қора отли, қизил кийимли йигит илгарига қараб юрди ва бир жойга бориб тўхтаб, отдан тушди. Шу жойда ерга ўрнатилган икки устунга катта бир ноғора ўрнатилган экан, бола шу ноғоранинг ёнига келди ва устунга осилган ноғора чўпни олиб, ноғорани уч-тўрт урди. Шу пайтда одамлар майдоннинг бир томонидаги деворга кўз ташладилар. Бу деворнинг икки жойида дарвоза бор. Дарвозалардан бирининг икки томонидаги деворга қаторлатиб, одамларнинг каллаларини миҳлаб, қоқиб қўйилибди. Барабаннинг товуши чиққандан кейин, шу одам каллалари осилган деворнинг дарвозаси очилди ва ичкаридан ўн нафар, ёши ўн тўққиз-йигирмаларга борган, қора соч, қора қош, қора кўз, оқ бадан ва оқ ҳарирларга ўралган нозанин қизлар, юзларида табассум билан югургилаб чиқдилар ва ноғоранинг тагига келиб, йигитни ўртага олиб, бояги ўзлари чиққан дарвозадан ичкарига олиб кириб кетдилар. Булар киргандан кейин дарвоза ҳам ёпилди. Шу пайтда оломон жуда ҳам безовталанди. Орадан икки соатча ўтди. Ичкаридан карнай-сурнайнинг мунгли товуши эшитилди ва дарвоза тездан очилди. Шунда олдида шаполоқ-шаполоқ қизил доғлар теккан оқола ёпқич тутган, башараси бурушган, афти хунук бир киши, ўнг қўлида қонли пичоқ, чап қўлида бояги кириб кетган йигитнинг калласини қулоғидан ушлаб, қонини оқизиб чиқди ва девордаги каллаларнинг ёнига олиб бориб миҳлади.

Дарвоза очилиб, бу жаллод кўриниши билан оломоннинг орасидан бирдан қий-чув кўтарилди. Неча киши «дод!» деб ўзини ерга ташлади-да, ҳамма бирдан: «Вой аттанг, шундай ёш йигит ўлиб кетди-я!» дейишди. Баъзи хотинлар: «Вой сени онанг тугмай ўлсин, сени жаллодга ем бўлиш учун туққан экан-да!» деб йиғлар ва бақирар эдилар. Жаллод каллани деворга қоқиб, ичкарига кирди. Дарвоза ёпилди. Шунда одамлар кўз ёшларини артиб, афсусланиб, яна келган томонига қараб бурилдилар ва



ҳамма ўз жойига, ўз уйига тарқалди. Мен ҳам карвон саройига бориб, ҳужрамга кирдим.

Бироқ, шу икки-уч соат ичида бўлиб ўтган бундай даҳшатли воқеа нима сабабли бўлганини англамадим. Кўчада кетиб бораётганимда ва келаётганимда ҳар ким ўз дарди билан бўлганидан, бирор кимсадан гап сўраш менга жуда ўнғайсиз туюлган эди. Шу пайтда кўча томондан:

— Иллоллоҳ! Ҳақ дўст!— деган товуш эшитилди. Мен яна қандай воқеа бўла қолди, деб ўрнимдан туриб, кавушимни кийиб, шошилиб ташқарига чиқдим. Шунда оқ соқолли ва ҳассага таянган бир киши кўча томонидан «Ҳай аттанг, эй, дариг!» деб келаётир. Бу киши саройнинг бир бурчидаги ҳужралардан бирисининг қулфини очиб кириб кетди.

Менинг тобора юрагим уриб, безовталана бошлади ва бориб ўша чолнинг ҳужрасини чертдим. Ҳужранинг ичида гурунглиб турган чол келиб ҳужранинг эшигини очди ва:

— Марҳамат, болам, марҳамат!— деди.

Мен ичкарига кирдим ва чол билан қўл бериб кўришдим. Чол ўрин кўрсатди. Ўтирдим. Чол менинг кирганимдан ажабланиб:

— Бу ғариб отангизнинг ҳужрасига қандай шамол учуриб кирди, меҳмон болам!— деди.

Мен ҳам бунга яраша жавоб қилдим ва бирга сўзлашиб ўтирдик. Чол мени чой-нон билан сийлади. Шунда мен бу чолга ўзимнинг мусофирлигимни билдириб, эрта билан бўлиб ўтган фожианинг сабабини сўрадим. Чол:

— Ўғлим, сиз мусофир экансиз. Бу воқеанинг тагини билмас экансиз, шу сабабли билмаганингизча кетаверинг, мен буни сизга айтмай қўя қолай,— деди.

Чолнинг сўзини қайтариб, айтсанг ҳам айтасан, деб туриб олиш ўнғайсиз кўриниб, бир оз ўйландим ва ўйимга келган нарсаларни чолга дедим, айтдимки:

— Эй, ота! Мен шаҳрингизга келиб шу воқеани кўрдим. Шаҳримга қайтиб бориб, ота-оналаримга, танишларимга сўзласам, улар бунинг сабабини сўраб қолсалар, билмадим десам яхши бўлмас. Шу сабабли қандай қилиб бўлса ҳам шунинг сабабини менга айтинг ва сўзимни қайтарманг!— дедим.

Чол менинг сўзимни фикрлаб кўрди ва сўзим маъқул тушди шекилли:— Бўлмаса, айтсам айтайин!— деб сўз бошлади.

— Шаҳримизнинг подшосини шоҳ Салом дейдилар. Шоҳ Саломнинг бир қизи бор. Унинг оти Моҳистара. Бу қиз билмадим, одамдан туғилганми, билмадим, паридан туғилганми, гўзалликда яккаю ягона. Ҳеч қаерда бу қиздан ўзадиган ҳусндор қиз оламга келган эмас. Бу гўзал қизнинг таъриф-тавсифи бутун оламга ёйилган. Бунга хуштор бўлмаган шоҳлар, шаҳзодалар, бойлар ва бойваччалар қолмаган. Моҳистарага хуштор бўлган йигитлар унинг саройига келиб кирадилар. Унга кўриниш бериб, арз-ҳолини айтадилар. Моҳистара йигитнинг олдига шарт қўяди ва: «Шу шартимни бажарсангиз сизга хотин бўламан, агар бажаролмасангиз хотин бўлмайман ва сизни ўлдиртираман!» — дейди. Йигит Моҳистаранинг ишқида куйиб ёниб, гўё шамга ўзини урган парвонадай, кўзига оқу қора кўринмай, Моҳистаранинг шартини бажаришга кўнади ва бажаролмагандан кейин, қизнинг жаллодлари йигитнинг калласини кесиб, ташқарига чиқариб, деворга қоқади. Моҳистаранинг номи кетгандан бери жуда кўп каллалар кесилди. Каллаларнинг кесила берганидан кейин, шоҳ Салом мамлакат аҳли шу воқеани ўз кўзи билан кўриб ибрат олсин деб, қизига совчи келган куни бутун шаҳарга хабар беради. Одамлар унинг ўрдасига бориб тўпланади ва фожиани ўз кўзлари билан кўриб, диллари вайрон бўлиб қайтади. Мана бугун ҳам шундай фожа бўлиб ўтди. Бу кунги калласи кесилган йигит Басра мамлакатининг шаҳзодаси экан, — деди.

Мен чолдан воқеани англаб, унга раҳмат айтиб, ўз ҳужрамга чиқдим. Менинг одамларим молларни сотиб ҳам бўлдилар. Энди шаҳримизга олиб кетиш учун ҳар турли моллар олишимиз керак эди. Мен бозорда юрсам бу жойда бир кампир бир тугунни ерга қўйиб турибди ва:

— Шу тугунни ким ўн минг тиллага сотиб олади! — деб тугунга харидор чақиради. Мен кампирдан:

— Она, тугунда нима бор? — деб сўрадим. Кампир:

— Ичида нима борлиги айтилмайди. Баҳоси ўн минг тилла. Уйингизга бориб очасиз. Нима чиқса бахтингиздан! — деди. Мен қизиқиб, шу тугунни ўн минг тиллага сотиб олдим ва шўшилганимча ҳужрага олиб бориб очдим. Очсам, ичидан бир кўйлак чиқди. Бу кўйлак нуқул зардач ва олтиндан ишланган тангачалардан тикилган хотинлар кўйлаги экан. Кўйлак шу қадар чиройли тикилганки, мен оламда шу қадар чевар тикувчилар борлигига ҳайрон қолдим. Кўйлакнинг у ёқ-бу ёғини кўрдим. Бироқ олд томонида, кўкрагида шапалоқдай жойда бир қизнинг сурати

бор. Остига «Маликаи Моҳистара» деб ёзиб қўйибди. Суратга қараб, бу қизнинг чиройли, ҳусндор эканидан, унинг ҳуснига маст бўлиб, ҳушимдан кетиб йиқилибман.

Бир вақт ҳушимга келиб, кўзимни очиб қарасам, тепамда одамларимдан ва бирга келган карвонларимдан бир тўдаси туришибди. Улар менинг кўз очганимни кўриб:

— Ана кўзини очди. Хайрият, тирик экан!— дейишдилар. Улар мени олдин ухляпти, деб гумон қилиб индамабдилар. Кейин уйғотибдилар, турмаганимдан кейин юзимга сув сочибдилар, турмабман. Мен уч кеча-кундузда ҳушимга келибман. Кўзимни очгандан сўнг, улар мендан ҳол сўрашдилар. Мен:

— Кўчада иссиқда юриб келиб, шу аҳволга тушдим,— дедим ва сир билдирмадим.

Улар хурсанд бўлиб, ҳужрадан тарқалишдилар. Улар кетгач, Моҳистаранинг суратини яна бир кўриш юрагимга орзу бўлиб тушди. Кўйлакни қўлга олиб, суратга қараб, яна ҳушимдан кетибман. Бу сафар ҳам уч кеча-кундузгача ҳушимга келмабман. Ҳушимга келсам яна тепамда шерикларим, бу сафар ҳам сирни уларга билдирмадим. Мен билан бирга келган карвонлар молларини сотиб бўлиб, бу шаҳардан моллар олиб, кетишга ҳозирланганлар. Улар тез-тез ҳузуримга келиб, менинг ҳам тезроқ ҳозирланишим кераклигини айтар эдилар. Бироқ, менга мол-дунёнинг кераги йўқ, фақат ҳуши-ёдим Маликаи Моҳистарада эди. Орадан бир қанча кунлар ўтди. Шерикларим йўл ҳозирлигини кўриб, бугун саҳар жўнашга маслаҳат учун менинг олдимга келганлар. Бунда мен Моҳистараойимнинг хаёлини суриб, ҳужрада туз тотмай, рангларим сарғайиб ётган эдим. Улар мени бу аҳволда кўриб ҳайрон бўлдилар ва мендан:

— Қачон кетамиз?— деб сўрашди. Мен уларга:

— Сизлар кетаверингиз, мен кетмайман!— дедим.

Шерикларим менинг сўзимдан ажабландилар ва кетмаслигимнинг сабабини сўрай бошладилар. Мен айтмадим, улардан бири бошқа шерикларимни кетказиб, мендан астойдил ҳол-аҳвол сўради. Мен воқеани унга баён қилдим ва ўзимнинг чинакам Моҳистарага ошиқ бўлганимни билдириб, «мен ҳам Моҳистаранинг саройига бораман, унинг шартини бажаришга уринаман», дедим. Шунда бу одам айтди:

— Эй, биродар! Сиз билан биз мусофирмиз, савдо ишлари билан келганмиз. Эсон-омон ўз жойимизга етиб олайлик, қўйинг бундай ишларни. Моҳистаранинг таъриф-

тавсифини биз ҳам эшитдик. Унга хуштор бўлган кишилар ҳаммаси унинг шартини бажаролмай ўлар экан, сиз ҳам ўлиб кетманг,— деди.

Мен бу одамнинг гапини бўлдим ва:

— Бир Моҳистара учун юзта калам бўлса тикаман. Моҳистаранинг шартини бажара олмасам, бир марта унинг жамолини кўриб ўлсам армоним йўқ!— дедим.

Шеригим менинг фикрим нотўғрилигини айтди ва кўп насиҳатлардан сўнг:

— Ахир, сиз Моҳистарага хуштор бўлсангиз бу одамларингизни, бундаги мол, туяларингизни сарсон қилиб қўйманг. Сиз керакли молларни олинг, биргалашиб жўнайдик. Молларни яъни отангизнинг омонатларини ўзига олиб бориб топширинг. Кейин бир ўзингиз келиб Моҳистарага ошиқлигингизни қилаверинг!— деди. Шеригимнинг гапи менга маъқул тушди ва жўнашга сўз бердим. Шунда бу одам менга ёрдамлашиб, йўл ҳозирлигимга киришди. Орадан икки кун ўтгач, биз бу шаҳар билан вақтинча хайрлашиб шаҳримизга жўнадик. Бир қанча кун йўл юриб, бояги поёнсиз қум саҳросига бориб етишдик. Чарчаган ерларда тўхтаб, дам олиб, қумлар ичида борар эдик. Бир куни кечаси ҳаво айнади ва аста шамол келди. Шамол тобора кучайиб, саҳронинг қумларини учириб, ҳамма ёқни чанг билан қоплади. Шамолнинг шиддати ва чангнинг зўридан туячилар ва туялар юришдан тўхтади. Туяларни тўхтатдик ва чўктириб, устларидан юкларни туширдик. Шамол зўрайиб, чўлнинг қумларини бошқа томонларга кўчириб олиб кетмоқда. Бу йўлда илгари ҳам юриб кўрган туячилар ваҳимага тушдилар, улар агар шамол зўрайиб кетса, ҳаммамиз қумнинг остида қоламиз, деб хавф қилар эдилар. Ҳаммамиз оғиз ва кўзларимизни тўсиб олдик. Бу кеча чўлда жуда ҳам даҳшатли ва хавфли минутларни ўтказамиз. Ҳаммамиз алақандай қўрқинчли хаёлларга чўмиб, қум устида шамолга юзимизни тескари қилиб ўтирар эдик. Шу пайт узоқдан бир қум қуюни пайдо бўлди. Бу қуюн ердан кўкка тегар, гўё ер билан осмон ўртасидаги йўғон бир устунга ўхшар ва илондек буралиб, милтиқнинг ўқидек шитоб билан келар эди. Бу қуюн йўлни биз томонга қараб бурди ва келди-да, мени ўраб, ўзи билан бирга олиб кетди. Мен қуюннинг ичида учиб кетаётиб, ўзимдан кетибман. Бир замон ўзимга келдим ва кўзимни очиб қарасам ўзимни шу боғда ва шу супада ётган ҳолда кўрдим, тепамда бир қанча нозанин қизлар бор. Мен бу аҳволдан ажиналарнинг ора-

сида турибман, деб жуда ҳам қўрқиб кетдим. Бироқ қизлар:

— Қўрқманг, энди ўрнингиздан туринг, ювининг!— дедилар. Мен қўрқа-қўрқа ўрнимдан турдим. Қизлар мени ювинтирдилар. Оппоқ уст-бошлар кийгиздилар ва мени жуда ҳам гўзал нозанин бир қизга дуч қилдилар. Қиз мени яхши қарши олди ва кулиб боқиб, олдимга келди-да, қўлимдан етаклаб олиб бориб, олтин курсига ўтказди ва ўзи ҳам олтин курсига ўтириб менинг кўнглимни топиш учун неча жилвалар билан ҳар хил ёқимли сўзлар қила бошлади. Бироқ мен воқеа нимадан иборат эканини билмас эдим ва қўрқиб, ҳадеганда гапира олмадим ва қизнинг бўлак саволларига қарши:

— Мен қаерда турибман?— деб сўрадим.

Қиз қаҳ-қаҳ уриб кулди. Келиб қўлимдан ушлади-да, турғизиб бошини кўксимга қўйди. Юзимни аста сийпалаб гап бошлади:

— Эй, гўзал йигит! Мен парилар мамлакатининг маликаларидан бири бўламан. Отим Санобар. Бир хато иш қилганим учун маликалар маликаси мени шу жойга кўчириб юборди. Мен бу жойга олтмиш йилга келганман. Бу жойларни маликамиз қуриб берган. Бу қизлар менинг измимда. Мен маликамдан бирорта одамзодни топиб эрга тегишга рухсат олганман. Келганимдан бери кўп жойларни қидириб, кўнгилга тўғри келган йигитни учратмадим. Охири бу кун чўлда каптар бўлиб учиб юрганимизда сизни кўрдик ва қуюн бўлиб бориб олиб келдик. Сиз чўлда қолган мол-дунёларингиздан қайгурманг. Улар эсон-омон отангизнинг қўлига бориб тегади. Бизда отангизникидан ҳам кўп мол-дунёлар бор. Энди гап шулки, сиз мени ўз никоҳингизга олинг. Иккимиз шу жойда эр-хотин бўлиб роҳатда яшайлик,— деди.

Мен қизнинг гапидан сўнг, воқеани англадим ва анча дадилландим. «Энди нима қилмоқ керак?»— деб ўйландим. Қиз эса, менинг атрофимда парвона бўлиб, қандай қилиб бўлса ҳам мени унатиш ҳаракатида эди. Мен ўйлана-ўйлана ўз-ўзимга дедим: «Мен Моҳистараойимни яхши кўрдим. Менинг фикр-ёдим унда эди. Унга етишини хатарли. Бахтинг йўл бериб етишсанг етишасан. Етишмасанг ўлиб кетасан. Бу қиз пари бўлса, бунинг ҳусни ҳам ўн тўрт кунлик ойда, бир мамлакатга бергисиз қиз экан. Моҳистараойимга етишгунча ҳозирги ҳузури дегандай, шу қиз билан бўла турайин»,— дедим ва қизнинг таклифига

рози эканимни билдирдим. Шунда қиз келиб бўйнимга қўлини ташлади ва воқеани чиқиб қизларга айтди.

Шу куни мен бунда меҳмон бўлдим. Мени жуда ҳам сийлаб, зиёфатлар қилдилар. Эртаси Санобаройимга никоҳладилар. Мен у билан бунда роҳатда яшай бошладим. Шундан бери шу ерданман. Ушал Санобаройим мана бу киши, деб ёнидаги бояги нозанин хотинни кўрсатибди, хотин кулимсираб ерга қарабди ва чол сўзини давом этиб:— Бундан бир қиз туғилди!— дебди.

Шу пайт бояги эшик очилиб, яна илгари чиқиб жилва бериб қочиб кириб кетган гўзал қиз чиқибди-да, яна кириб кетибди. Чол шу қизни кўрсатиб:

— Ушал менинг қизим. Бу қиз шу қадар шўх, шу қадар шўх бўлдики, гоҳо гул бўлиб очилиб, тепасида булбул бўлиб сайрайди. Гоҳо каптар бўлиб учадди, гоҳо балиқ бўлиб сувда сузади. Гоҳо кийик бўлиб тоғларга чиқиб кетади. Сиз ов қилиб юрганда, сизга кўринган кийик ҳам шу менинг қизим. У сизни яхши кўриб, сизни бу ерга етаклаб келган. Сиз турган ер билан бу ернинг оралиғи бир ярим ойлик йўл,— дебди.

Шунда Шовкат уялинқираб ерга қарабди. Қиз яна кўринибди, отаси уни:

— Ҳа, шум! Акангни бу қадар қийнамасдан, тўғри бошлаб келаверсанг бўлмасмиди?— дебди. Чол яна айтибдики:— Энди ўғлим, сиз бу жойга келибсиз. Бизнинг қизимиз сизга бўлсин. Сиз бизга куёв бўлинг. Бирга шу жойда яшайлик!— дебди. Шовкат чолнинг воқеасидан кейин унинг бошидан ўтказганларини эшитиб, ўз ичидан унга таҳсинлар айтибди ва илгари ўзига тортган гўзал қиз унинг қизи, у уни ўзи атайин бошлаб келганини билиб, янада унга меҳри ортибди. Лекин у чолнинг таклифига бирор жавоб айтмабди.

Шу пайт қизлар тушлик овқат тайёр эканини билдирибдилар. Ҳаммалари тушлик овқат учун ҳозирланибдилар. Шаҳзода, чол, унинг хотини Санобаройим ва ҳамма қизлар келиб ўтирибдилар. Чол қизлардан бирига айтибди:

— Сайёрага айтингиз, акасида уялмай, чиқаверсин?

Санобаройим эса:

— Қўйинг, уялади!— дебди.

Чолнинг гапига қарши айтилган бу гапга шаҳзода ичидан жуда ҳам норози бўлибди. Шу пайт у қизларга

қараб: «Киринг, олиб чиқинг!» дегиси келибди-ю, бироқ бундай дейиш мумкин эмасдек кўринибди.

Санобаройим «уялади» дегандан кейин қизлардан бириси:

— Уялса, бизнинг ёнимизда ўтирар-да, олиб чиқайлик!— дебди ва ўшал уйга кириб кетибди.

Бу қиз келиб кирган эшикдан кирилгач, яна бир ҳовлига ўтилар экан. Бу ҳовли ташқаридаги ҳовлига қараганда кичик, шинамгина боқча бўлиб, у чолнинг «кийик» қизи — Сайёраойим учун солинган, у шу ҳовлида ўз канизаклари билан ўйин-кулги билан машғул экан. Қиз бориб Сайёраойимнинг шаҳзода билан бирга ўтириб овқатланишга таклиф қилибди. «Кийик» қиз уялиши сабабли чиқа олмаслигини айтибди. Бироқ, қизларнинг қистови билан чиқишга мажбур бўлибди. Ташқарида ўтирганлар шаҳзодадан бошқалари бепарво, ҳар қайсилари ўз гаплари билан, бироқ шаҳзоданинг фикри-ёди «кийик» қизда ва кўзи ўша эшикда эмиш. Сайёра уялган, қизарган ва ерга қараган ҳолда, гоҳо орқага қараб қочмоқчи, гоҳо каптар бўлиб учиб кетмоқчи бўлиб, қадамини шиддат билан босиб келибди, мармар супага чиқиб, шаҳзодага:

— Келинг меҳмон!— дебди-да, қизларнинг орасига бориб ўтирибди. Овқатлар келтирилгач, ўтирганлар овқат ейишга бошлабдилар. Бу шундай бир завқли пайт бўлибдики, шаҳзоданинг назарида бутун табиат табассум билан унга:

— Қайлиқ муборак!— деб айтгандай, булбуллар, тўтилар ва қумриларнинг сайраш овозлари ёр-ёр куйини куйлаётгандай туюлибди ва Сайёра билан шаҳзоданинг кўзлари тез-тез узоқдан бир-бири билан бўса олишда давом этибди.

Тушлик овқатдан сўнг, Сайёра шаҳзодага кўз қирида: «Хайр» дебди ва яна ўз равзасига кириб кетибди. Шаҳзода билан Сайёранинг бу нозик муомилаларини пайқаган унинг онаси Санобар пари ўз ичидан жуда ҳам шодланибди. Чол билан шаҳзода суҳбатлашиб ўтирибди. Шаҳзода чолдан:

— Ўша кўйлакни нима қилдингиз?— деб сўрабди. Чол:

— Ул кўйлакни йўқотганим йўқ, уйда турибди,— дебди.

Шунда шаҳзода чолдан ўша кўйлакни бир марта кўрсатишни сўрабди. Чол Санобаройимнинг лаб ва қовоғи билан: «Бўлмайди» деган ишорасидан кейин:

— Болам, қўйинг, кўрмай қўяқолинг!— дебди. Шаҳзода яна шу жойда бир қанча кун турибди. Ҳар куни қизлар билан суҳбатлашибди. У Сайёра билан доим бирга бўлибди. Сайёранинг ойдек жамоли ва ўтдек сўзлари шаҳзодани ўзига шу қадар мафтун қилибдики, у Сайёрадан бирор минут ҳам ажралгиси келмас экан. Чол билан хотини эса энди Сайёра билан шаҳзодани никоҳлаш фикрига тушган эканлар. Санобаройим бир куни қизлар билан каптар бўлиб, атрофни томоша қилиб келмоқ учун учиб кетибдилар. Чол якка қолибди. Шаҳзода шу пайтдан фойдаланиб, чолга бояги кўйлакни кўрсатишни айтибди. Чол қанча қайтарса ҳамки, шаҳзода қистайверибди. Охирида чол уйга кириб, бир тугунча кўтариб чиқиб, шаҳзоданинг олдида ешибди. Тугундан бир кўйлак чиқибди. Чол кўйлакни шаҳзодага кўрсатибди. Шаҳзода кўрса, кўйлак ҳақиқатан қимматбаҳо ва жуда ҳам яхши тикилган. У шу кўйлакни Сайёрага кийгизиб, унинг жамолини ва қаддини томоша қилишни хотиридан ўтказибди. Шаҳзода кўйлакнинг у ёқ-бу ёғини томоша қилаётиб олд томонда кўкрагидаги Моҳистаранинг суратига кўзи тушибди. Шаҳзода суратга қараса, шундай гўзал бир қизнинг суратики, бунинг ҳуснининг олдида Сайёранинг ҳусни ҳеч нарса эмас. Моҳистара катта бир уйни ёритиб турган равшан бир чироқ бўлса, унинг олдида Сайёранинг чиройи хира чироқдек кўринибди ва унинг ҳуснига маст-аласт бўлиб, ҳушидан кетиб йиқилибди. Орадан бир қанча вақт ўтиб, шаҳзода ҳушига келибди. Қараса, тепасида чол, унинг хотини ва қизлар жуда хафа ҳолда турибдилар. Санобар пари чолни:

— Мен сизга кўйлакни кўрсатманг, деб кўп тайинладим. Нега кўрсатдингиз! Мана нима бўлди, энди?!— деб газабланиб турганмиш. Чол хафа. Сайёра эса, икки кўзига ёш олиб, йиғлаб турганмиш.

Шаҳзода ҳушига келгандан сўнг, ҳаммалари суюнибдилар. Бироқ, шаҳзоданинг муҳаббатини Моҳистара ўзига тамом тортган ва йигит унга ошиқи-беқарор бўлган экан. Шу сабабли, у Сайёрага назар ҳам солмабди ва яна бир марта кўйлакни кўрсатишни сўрабди. Лекин кўйлакни бу сафар кўрсатмабдилар. Шу пайтдан бошлаб, шаҳзоданинг вазоҳати ўзгарибди. У илгаригидек лаб ёриб гапирмабди ва қовоқ очиб кулмабди. Унинг бу аҳволдан ҳаммалари ташвишга тушибдилар. Айниқса, Сайёра жуда ҳам безовта бўлибди. Эртаси шаҳзода чолга:



— Менинг отимни беринг! Кетай,— дебди.

Бироқ, чол унинг отини бермабди ва қандай қилиб бўлса ҳам уни овутмоқ қасдига тушибди. Санобаройим хафа бўлиб, тез-тез чолини койир, унга кўйлакни кўрсатгани учун танбеқ берар экан. Орадан яна икки-уч кун ўтибди. Бу орада шаҳзоданинг хафачилиги азилмабди. Сайёра унга қанчалик ялинган ва ёлворгандай муомалада бўлса ҳам шаҳзода бунга парво қилмабди. Шаҳзоданинг фикри-ёди тамоман Маликаи Моҳистарага кетибди. Бир куни шаҳзода бу ердан кетишга астойдил қасд қилиб отини талаб қилибди. Отини бермаганларидан сўнг, отсиз бўлса ҳам кетишга тайёрлигини билдирибди. Шунда чол унга отни беришга мажбур бўлибди ва отни келтириб, шаҳзодага тўғри қилибдилар. Шаҳзода отни қашлаб, эгарлаб-юганлаб тайёрлабди ва хайрлашиш олдида чолдан сўрабди:

— Ота, сиз менга кўйлакни кўрсатдингиз. Мен кўйлакдаги суратни кўриб, Маликаи Моҳистарага ғойибона ошиқ бўлдим. Энди мен Моҳистаранинг олдига боришим керак. Шу сабабли, сиз менга Моҳистаранинг юртига бориш йўлларини айтиб берсангиз!

Чол айтибди:

— Эй, болам, сиз у ерларга якка ўзингиз боролмайсиз. У кўп узоқ шаҳар, йўллари жуда хатарли. Шу сабабли, мен сизга боришга маслаҳат бермайман.

Шаҳзода:

— Агар сизга йўлни айтиб бериш малол келса, майли, таваккал қилиб ўзим кетавераман!— дебди.

Чол кўрибдики, шаҳзода йўлдан қайтмайди. Энди бунга йўлни тайинлаб бермасам, ёш йигит бирор жойда нобуд бўлмасин,— дебди ва Ҳиндистонга борадиган йўллари тушунтириб берибди. Шунда шаҳзода чолдан, Санобаройимдан берган тузларига рози бўлишини ва қизлардан қилган яхшиликларига рози бўлишни сўрабди. Бироқ, Санобаройим шаҳзоданинг кетишига сира розилиги йўқлигини билдирибди. Шундай қилиб, шаҳзода булар билан хайрлашиб жўнабди. Сайёра эса, суйган ёридан ажраб, оғзида оши, кўзида ёши билан қолаверибди.

Шаҳзода отини ўйнатиб, сўлуғини чайнатиб йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Орадан олти кун ўтганда бир тоққа етиб борибди. Тоғ жуда азим тоғ экан. Шаҳзода тоғнинг у ёқ-бу ёғига боқиб, қорайган бир нарсани кўрибди. У шу қорайган томонга қараб юрибди ва етиб борибди. Борса, тоғнинг пастида ўн-ўн беш туп дарахт бор,

дарахтларнинг тагида бир қўрғонча, ичида иккита чалдивор уй бор. Тоғнинг бир жойидан сув тешиб чиқиб, нов билан пастга тушиб турганмиш. Ундан ариқ бўлиб оқиб, қўрғончага киради, ундан чиқиб, пастга қараб оқиб кетаётибди. Шаҳзода отдан тушибди ва қамчиси билан қўрғончанинг эшигини қоқибди. Бир оз ўтгач, қўрғончадан бир чол киши чиқиб эшикни очибди. Чол қараса, қора ёл, қора дум, қилич, бўйин сағрисининг устига тухум қўйса турадиган бедор саман отини етаклаб, бошида шаҳзодалар киядиган тожи, эгнида ҳарир ва кимхоб уст-бошлар, қилич-яроғ таққан, ёши ўн саккиз билан ўн тўққиз ўрталарида баркамол бир йигит турибди. У чолни кўриб таъзим қилибди ва отининг юганини қўйиб юбориб, келиб чолга қўл берибди. Чол ҳам у билан кўришиб, ичкарига таклиф қилиб олиб кирибди. Чол шаҳзоданинг отини олиб келиб дарахтга боғлаб, уйдан бир пўстак чиқариб ариқ бўйига ёзибди ва шаҳзодани шу жойга ўтқазиб:

— Хуш келибсиз!—дебди. Сўнгра бир чойдиш сув қайнатиб, иккита қотган нон ва пиширилган каклик гўшти билан меҳмон қилибди ва у билан суҳбатлашиб ўтирибди. Шаҳзода чойдан сўнг чолга:

— Ота мен йўл юриб келиб чарчаганман. Агар малол келмаса шу жойда бир оз мизғисам!— дебди. Чол:

— Жўним билан, болам. Йўл азоби — гўр азоби деганлар. Ухлаб ҳордигингизни чиқаринг,— дебди ва уйдан иккита лўлаболиш чиқариб шаҳзоданинг бошига қўйибди.

Бу кун ўтибди, тонг ҳам отибди, бироқ, чол шаҳзодани жуда ҳам хафа ва дардли кўрибди. Чол айтибди:

— Болам, биз шаҳардан йироқ шу тоғларда ота-боболаримиздан қолган ерларда яшаб келамиз. Биз ўлиб кетсак, болаларимиз қолаверади. Мана, мен шу жойда хотиним ва ўғлим билан тураман. Болалар уч кун бўлди элга кетишган. Бизнинг бунда тирикчилигимиз ов билан. Мен ҳозир овга боришим керак. Сиз шу жойда дам олиб ўтиринг. Мен овга бориб сиёнинг ризқингизга нима тушса олиб келаман.

Шаҳзода овга қизиқар экан. Чолнинг гапини эшитиб:— Бўлмаса, мени ҳам олиб бормайсизми?— дебди. Чол:

— Жуда соз бўлади, меҳмон йигит!— дебди ва иккалалари ов қилиш учун тоққа қараб чиқиб кетибдилар. Чол йўл-йўлакай шаҳзодага бу тоғдаги ҳаёт, бундаги ҳайвонлар, йиртқичлар ва уларни овлашга доир ўз хотираларини айтиб борар экан. Шаҳзода унинг сўзларига гоҳо аҳамият бериб тинглар, гоҳо ҳуши бошқа ёқларга учиб, ўз-ўзидан

уҳ тортар экан. Шу куни чол билан кечга қадар ов овлаб, какликлар отибдилар. Кечга яқин тоғнинг баланд бир жойида дўмбайиб чиқиб турган бир тошнинг устида қулоғини динг қўйиб, бутун атрофга кўз ташлаб бир кийик турганини кўрибдилар. Шаҳзода:

— Шу кийикни отаман,— дебди.

Чол уни отиш жуда қийин. Кийик кўп шайтон ва тездан ўзини у жойдан олиб қочажагини айтибди. Шунда шаҳзода бир тошга суянибди ва камонга ўқни солиб, кийикни мўлжаллаб отибди. Отиш ҳамони кийик тош устидан пастга қараб тўнтарилиб тушибди. Чол шаҳзоданинг мерганлигига қойил қолибди ва иккиси бориб кийикни кўтариб келибдилар. Шундай қилиб, орадан уч-тўрт кун ўтибди. Бир куни шаҳзода чолга ўзининг кетишини айтиб, Ҳиндистонга қайси йўл билан бориш маъқул эканини сўрабди. Чол ундан Ҳиндистонга бориш сўзини эшитиб, бу ҳам шаҳзодага Ҳиндистон йўлини узоқ ва хатарли эканини ва бир киши бориши мумкин эмаслигини айтибди. Бироқ шаҳзода учун ҳеч қандай хавф-хатар писанд эмас экан. Шу сабабли, кетишга қатъий қарор берганини айтибди. Шунда чол ўзининг овлаб олган ҳайвон териларидан иккита мешкоп тикиб, сув билан тўлдириб, шаҳзоданинг отига ортибди ва йўл учун гўштлар ва толқонлар қилиб берибди ва уни отига миндириб, Ҳиндистоннинг йўлини кўрсатиб, фотиҳани қуюқ қилиб жўнатибди.

Шаҳзода чолнинг тайинлаган йўли билан икки кеча-икки кундуз йўл юргандан сўнг тоғ тугабди. Йўл поёнсиз бир биёбонга бориб тақалибди. Шаҳзода шу чўлга қараб от солибди. Роса уч кеча-кундуз йўл юргандан сўнг, ҳатто бирорта гнёҳсиз, нуқул қумга бориб кирибди ва қумни кечиб бора берибди. Шу юрганча ўн беш кун йўл юрибди. Бир куни отда борар экан, бирдан отининг орқасига қандайдир бир нарса ирғиб минибди ва шаҳзоданинг бошига бир шаппати урибди. У шаппатининг қаттиқлигидан, шаҳзоданинг кўзидан ўт қақнагандай бўлибди. Шаҳзода бундан ҳайрон қолиб орқасига қараса, бир махлуқ мингашиб олибди. Ҳар кўзи шокосадай, бурни ялпоқ, жунлари бир қарич келади, одам деса одамга, маймун деса, маймунга ўхшамайди. Шаҳзодага қараб гоҳо ҳиринглаб кулади, гоҳо оғзини иржайтиб, тишларини гижирлатиб ириллайди. Шаҳзода: «Қандай махлуққа дуч келдим, буни нима қилсам бўлади!»— дебди. Гоҳо бирор нарса демаслик ва тегмаслик фикрига, гоҳо ўлдириш фикрига келибди. Шунда бу мах-

луқ от устига тикка чиқибди ва икки қўлини шаҳзоданинг елкасига солиб унинг устига ортилибди. Шаҳзода қарасаки, бу махлуқ бор кучи билан эзиб боряпти ва қўйиб берса, мажақлаб ташлайдиган. Буни от пайқаб, қулоқларини чимириб, этлари дир-дир учиб, пишқириб, дикир-дикир сакраб борар экан. Шаҳзода бу махлуқнинг икки қўлидан маҳкам ушлаб ва бор кучини йиғиб қаттиқ сиқибди-да, отдан кўтариб ерга бир урибди. Шунда бу махлуқнинг бир оёғи синиб, қийқирган бўйича қўрқиб қочибди ва йўқ бўлибди. Шаҳзода бу балодан қутулганига шукурлар қилиб борар экан. Орадан бир соатча ўтгандан кейин орқасидан дувур келибди. Шаҳзода отни буриб қараса, қумни чангитиб бир тўда махлуқлар келяпти. Шаҳзода ҳалиги балонинг шериклари гумон қилибди. Қочай деса, етиб олади. Қочмайин деса, улардан бир шикаст етиши мумкин. Шунда шаҳзода таваккал қилиб бу махлуқларга қараб от солибди. Ҳақиқатан ҳам, ҳалиги махлуқнинг юзга яқин шериклари экан. Келишиб, шаҳзодани ўраб олибдилар. Бу махлуқлар ё шаҳзодага яқинлашмайди, ё эса орадан чиқармабди. Шаҳзодани булар уч кеча-кундуз қамаб юрибдилар. Охирида шаҳзода булардан қутулиш қийин эканини билибди ва ёнидаги қиличини чиқариб, таваккал қилиб от солибди. Шу махлуқлар билан олишиб, кўпларини ўлдириб, ярадор қилиб, базўр қутулибди. Шаҳзода йўл-йўлакай чўлнинг турли ваҳшийларига йўлиқиб, улар билан олишиб уларга шикаст бериб бораверибди. Орадан бир ой вақт ўтибди. Энди шундай жойга етибдики, кундузи пешин ҳаддига борганда, кун жуда қизийди. Куннинг қизигидан шаҳзоданинг ҳам отининг тиллари осилиб кетади. Мешкопдаги сувни ҳам оз-оз ичиб тугатибди. Энди ичадиган сув ҳам йўқ. Чўл қизиган вақтда худди қизиган қозонни қоплагандай бўлибди. Кун пешин ҳаддига борганда иссиққа ўзи ҳам, оти ҳам чидамасдан йиқилиб ҳушидан кетибди, кечаси ярим кечага бориб, чўлдан сал совуқ шабада эсиб, ерлар совиганда ҳушига келибди ва вақтни ғанимат билиб жўнабди. Эртаси пешинга борганда яна ҳушидан кетиб йиқилибди, тунда ҳушига келиб, яна йўл юрибди. Шу аҳволда оч ва сувсизликда ўн беш кун йўл юрганидан сўнгра, сувсизликка чидаш беролмай оти ўлибди. Откининг ўлганига жуда ҳам қаттиқ хафа бўлибди. Бироқ чорасизликдан ўзи якка йўлга тушибди. Оч қолган ерида чўлда ўлиб қотиб қолган қўнғизларни еб, сувсизликдан ҳушсиз қолиб, тунда ҳушига келиб, яна ўн беш кун йўл босибди. Бир кун кечаси ҳуши-

га келиб, йўлда кетиб борар экан, орқа томондан бир нарсанинг товуши эшитилибди. Бурилиб қараса, бутун атрофдан чириллаган овоз келармиш. Бу овоз тобора яқинлаша бошлабди. Шаҳзоданинг юрагини ваҳм босибди. Тез-тез юриб қум тепалигининг устига чиқибди. Шунда овозлар тобора яқинлашиб келибди. Бир вақт атрофидан вишиллаб гала-гала илонлар ўта берибди. Улар жуда узун ва шу қадар кўпки, худди ўтиб бўлгунча бир ярим соат ўтибди. Шаҳзода ҳам ҳайрон қолибди ва тонг отгунча шу жойдан жилмасликка қарор бериб тураверибди. Саҳарга бориб, субҳи козиб яқинлашганда илонлар қайтиб ўтиб кетибдилар. Улар кетишда ҳам, келишда ҳам тепаликка чиқмабдилар. Эрта бўлиб, шаҳзода яна йўлга тушибди. Шаҳзода қанча кўп йўл босмасин, чўлнинг қирғоғи ҳеч кўринмабди. Шаҳзода бу чўлнинг поёнсиз ва хатарли эканини билибди, оти йўқ. Якка ўзи бу чўлдан қутулиб чиқиб кетишга ақли етмабди. «Йўл юраверай, ишим ўнгидан келса чиқиб кетарман, ўнгидан келмаса, ўлсам ўларман!» дебди-да, кетаверибди.

Орадан бир неча кун ўтгандан сўнг, узоқдан бир қора кўринибди. Шаҳзода шу қорага қараб юрибди. Бир қанча соат йўл юргандан кейин кўринган қора дарахт экани билинибди. Шаҳзода хурсанд бўлиб бора берибди. Куннинг иссиқлигига қарамасдан номозгардан илгарироқ шу жойга етиб борибди. Бориб қараса, булоқ қайнаб чиқиб, катта ариқ бўлиб оқиб кетаётган эмиш. Булоқнинг атрофида бир неча туп дарахтлар бор экан. Лекин жуда ҳам баланд ва сершоҳ экан. Дарахтларнинг шохлари анча ерга соя солиб ётганмиш. Шаҳзода шу жойга етганда чарчаганидан жони чиқай-чиқай дебди ва сувга етиб келолмасдан ўн қулочча нарида мадорсиз йиқилибди. Бирор соатдан сўнг ўзига қувват тўплабди-да, зўрдан сувга етиб бориб ўзини ташлабди. Тўйиб сув ичибди ва шу кеча шу жойда ором олиб ухлабди. Эртаси туриб қараса, баданлари тамоман кир, оёқлари ёрилиб, шилиниб яра бўлган. Шаҳзода сувда яхшилаб ювинибди. Оёғига тош қиздириб босибди ва ўсимликларни сиқиб боғлабди. Шундан шифо топиб, оёқлари тузала бошлабди. Шаҳзода беш-олти кунда ўзига келиб, хийла тетикланибди.

Бир куни ҳаво айнибди. Осмонни қора булут босиб хурпайибди ва узоқдан чанг пайдо бўлибди. Ҳамма ёқни чанг қоплаб бутун олам қоп-қоронғилашибди. Бир соатдан сўнг, қоронғилик секин-аста тарқаб, узоқдан тўртта қуюн

пайдо бўлибди. Бу қуюн шаҳзода турган томонга қараб йўналибди. Қуюн яқин келганда тарқалибди, орасидан бўйи булутга тегадиган, ҳар бурни гишт хумдонининг миноридай тўртта дев чиқиб келибди. Шунда шаҳзода девлардан қўрқиб, дарахтнинг қир учига чиқиб кетибди. Девлар келиб булоқнинг олдида тўхтабди ва узала тушиб ётишибди. Шаҳзода қўрққанидан дарахт шохини қучоқлаб, жим тураверибди. Бир замон девлардан бири гап бошлабди:

— Укалар, энди биз бир иттифоққа келмасак бўлмайди.

Яна бир дев айтибди:

— Иттифоққа келишимиз жуда қийинга ўхшайди.

— Нимага?

— Мен оламан деганни сен оламан дейсан, сен оламан десанг, мана булар, биз оламиз деб талашади. Қандай қилиб иттифоққа келамиз?

— Энди бизга холисдан бир киши керак бўлиб қолди. Шу киши ҳеч биримизнинг гапимизга қулоқ солмасдан мана бу сенга, мана бу унга, деб бўлиб берса, чекинга чиқса чекчайма дегандай, ҳар қайсимиз ўзимизга текканига рози бўлиб кетаверсак. Бу гап бошқа девларга ҳам маъқул тушибди.

— Бу жуда тўғри маслаҳат. Қани, шундай холис кишини қайдан топамиз?— дебдилар.

Ҳалиги гапни айтган дев:

— Холис кишини топиш қийин эмас, ҳозирнинг ўзида топамиз,— дебди ва дарахтдаги шаҳзодага қараб:

— Ҳой йигит, пастга туш!— дебди.

Шунда шаҳзода бу сўзни эшитиб жуда ҳам қўрқиб кетибди. Дев айтибди:

— Биз сенга зиён етказмаймиз. Сен тушгин, бизнинг ҳожатимизни чиқаргин, биз ҳам сенинг ҳожатингни чиқарамиз,— дебди.

Шаҳзода қўрққанидан тушиш у ёқда турсин, девнинг гапига гап ҳам қайтаролмабди. Девлар кутибди. Шаҳзода тушмабди. Шунда девлардан бириси ётган жойидан турмасдан қўл узатибди ва шаҳзодани кўтариб ерга қўйибди. У ёқдан-бу ёқдан олиб, юмшоқ гаплар гапириб, шаҳзодани гапга кўндирибдилар. Шунда шаҳзода девлардан:

— Нима ҳожатларинг бор?— деб сўрабди. Девлардан бириси айтибди:

— Биз тўрт оғанини бўламиз, отамиздан бизга мерос қолган. У мерос бир қалпоқ, бир гиламча, бир камон, бир

олтин жом. Шунн тўртталамиз тўрт йилдан бери бўлиб ололмай жанжалдамиз. Сен шу нарсаларни бўлиб бергин!— дебди.

Шаҳзода девлар арзимайдиган нарсаларни қандай қилиб бўлолмаслигига ҳайрон қолган экан, девлар унга шундай изоҳ беришибди:

— Бу нарсаларнинг хосияти зўр. Мана бу телпакни ким кийиб олса, кишининг кўзига кўринмайди. Гиламчага тушиб ўтириб «кўтар!» деса, осмонга кўтарилиб кетади ва бутун дунёни саёҳат қилдиради. Мана бу жомга сув қуйиб, шу сувга қараб нима десанг айтганинг бўлаверади. Мана бу камонга ўқ солиб отсанг, кўзлаган ерингга тегади ва теккан нарсангни бирга қайтариб сенга олиб келиб беради. Шунда шаҳзода, ундай бўлса буни қандай қилиб бўлсам бўлар экан, деб кўп ўйланибди ва ўйига бир нарса келиб, девларга айтибди:

— Мен шу тўрттала нарсани аъло авсат қилиб бўламан. Чунончи, қалпоқ — биринчи, гиламча — иккинчи, жом — учинчи, камон — тўртинчи бўлади. Мен шу камонга тўртта ўқ солиб отаман. Ҳамманг баробар чопасан. Қайси биринг ўқни тутиб, олдин келсанг, қалпоқни оласан. Иккинчи келганинг гиламчани, учинчи келганинг жомни, тўртинчи келганинг камонни оласан,— дебди. Бу гап девларга жуда маъқул тушибди. Шунда шаҳзода ёйга тўртта ўқ солибди ва бир чеккага чиқиб отишга ҳозирланибди. У ўқларга қараб:— Эй, ўқжонлар, мен сизларни отаман, бирортанг ҳам девларга тутқич берма. То девлар ҳолдан тойиб йиқилмагунча бирор ерга қўнмай учиб юраверинглар!— деб тўртта ўқни тўрт томонга қаратиб отибди. Девлар ўқларнинг кетидан югуриб кетибдилар. Шаҳзоданинг ўзи сеҳрли буюмлар билан ёлғиз қолибди. Орадан бир оз вақт ўтгач, шаҳзода ғанимат фурсатни қўлдан бермай, уларни олиб, гиламни ёзиб, устига ўтирибди ва гиламга:

— Мени маликаи Моҳистаранинг шаҳрига еткиз!— дебди.

Гилам шаҳзодани кўтариб осмонга олиб чиқиб кетибди ва тез орада бир шаҳарга келиб қўнибди. Шаҳзода гиладан ерга тушиб, гиламни буклаб қўлтиққа урибди ва аста-секин шаҳарни оралаб йўлга тушибди. Шаҳарни айланиб юриб, бир карвон саройга кирибди ва шу карвон саройдан бир ҳужра олиб, шу ҳужрага тушибди. Шаҳзода камонни ва қалпоқни қозикқа илибди. Гиламни ва жомни тоқчага қўйибди. Шаҳзода неча ойлardan бери на ноннинг

ва на бошқа овқатнинг юзини кўрмаган, оч ва ориқ экан. Хужрада ўтириб бир овқатлангуси келибди. Бироқ ёнида бирор тийин ҳам пули йўқ экан. Шунда жомни кўтариб ташқарига чиқибди. Саройнинг ўртасида ҳовуз бор экан, жомни сувга тўлдириб хужрага олиб кирибди ва жомга қараб:— Эй, жом! Менга бир халта тилла ҳозир бўлсин!— дебди. Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас шаҳзода Шовкатнинг қошида бир халта тилла ҳозир бўлибди. Шаҳзода шу тиллаларни катта-катта сарф қилиб, қорнини тўқлабди, устини бутлабди ва табибларга боқтириб яра-чақаларини тузатибди.

Бир куни Шовкат хужрада ухлаб ётганида қулоғига қаттиқ бир овоз кириб уйғонибди. Уйғониб қулоқ солса, ташқаридан карнай-сурнайнинг овози келаётган эмиш. Шаҳзода: «Тунда нега карнай-сурнай чалинади, ё бировга тўй келдими?»— деб, ўрнидан турибди ва кийиниб ташқарига чиқибди. Қараса, саройнинг томига қирқ карнайчи, қирқ сурнайчи, қирқ болабончи, қирқ ноғорачи чиқиб олиб шу қадар чалиб ётибдики, буларнинг карнай-сурнай, дўмбира-болабонининг овози ҳамма ёқни янгротиб ётибди. Бироқ ташқарида ва томда булардан бошқа ҳеч ким йўқ. Шаҳзода карнай-сурнайнинг товушига тоқат қилолмай, хужрасига кириб ётиб, уйқуси келмабди ва уйғоқ ётибди. Бомдод вақти бўлиб, сўфи азон ҳам айтибди. Шаҳзода таҳорат қилиб, намоз ўқимоқ учун мачитга кирибди. Одамлар билан намоз ўқибди. Ҳар куни бомдод намозидан сўнг, имом узоқ суралардан ўқир ва дуодан сўнг қавмларига амир, маъруф сўзлар қилар экан. Бугун эса, қисқа бир сурани ўқибди ва шошилганича қўлини юзига силаб, ўрнидан туриб, ташқарига йўл олибди. Қавмлар ҳам шошилганича унга эргашибди. Ҳамма тез-тез юриб кўчага чиқибди. Шаҳзода ҳам чиқибди. Шаҳзода кўчага чиқса, кўча тўла одам, ёш, қари, ҳаммаси шошилганича кеч қолган бозорчидай бир томонга кетиб боради. Бу мачитдан чиққан одамлар ҳам уларга қўшилиб кетаверибди. Шаҳзода ҳам кетаверибди. Кеча Моҳистарага қандайдир бир ошиқи шайдо келиб арз-аҳвол баён қилган ва Моҳистара унга бир шартни бажаришни буюрган. Отаси подшо карнай-сурнай чалдириб, элга йиғитнинг тақдирини келиб кўриб, ибрат олиш учун хабар берган экан. Шунинг учун одамлар подшонинг ўрдасига қараб бораётган экан. Оломон подшонинг ўрдасига етиб, ҳар қайси белгили жойдан жой олиб турибдилар.

Бир замон қайдандир, ёши ўн саккиз-ўн тўққизларга



борган, ғоятда гўзал, барно йигит ҳозир бўлибди ва майдоннинг ўртасидаги ноғорани бориб қоқибди. Шул пайт каллалар илинган деворнинг дарвозаси очилиб, ундан оппоқ ипакка ўралган «Мана мен» деган, билқиллама нозик қизлар чиқишиб, йигитни ўртага олиб, ўрдага олиб кириб кетибдилар. Дарвоза беркилибди, халқ эса жуда ҳам ҳаяжонга тушиб, унинг тақдирини кутибдилар. Орадан бир соат ўтгандан кейин, бир жаллод бир каллани кўтариб чиқибди-да, халойиққа бир кўрсатиб, деворга михлаб кетибди. Шул пайт халойиқ ўртасида «дод-вой» кўтарилибди, неча кампирлар ва қарилар «дод!» деб ўзларини ерга урибдилар. Шундан сўнг, халқ тарқалиб кетибди. Шовкат воқеани ўз кўзи билан кўргач, Моҳистаранинг ўрдаси шу эканини билиб, у ҳам ҳужрасига қайтибди. Орадан бир қанча кун ўтибди. Шаҳзода бу ҳужрада ётиб ўзини тарбиялабди ва хийла ўзига келибди. Бир куни Маликаи Моҳистаранинг ўрдасига бормоқ ва унинг ноғорасини чалмоққа қарор берибди. Пешин номозидан сўнг, ҳужрасига кириб, камонни бўйнига тақибди. Жомни ва қалпоқни гиламчага ўраб қўлтиққа урибди-да, аста-секин Моҳистаранинг ўрдасига равона бўлибди. Ўрдага ҳам етибди. Шу жойда бир оз турибди. Лекин бундан бир қанча кунлар илгари неча ўн минглаб кишилар билан тўлган бу майдонда энди шаҳзоданинг бир ўзидан бошқа ҳеч кимса йўқ экан. Шаҳзода ноғоранинг олдига келиб, чўпни олиб чала бошлабди. Моҳистара ўз ўрдасида қирқин қизлари билан ўйин-кулгида машғул экан, отаси ҳам ўз хонасида алланималарни ўйлаб ўтирар экан. Булар бирдан ноғоранинг товушини эшитибдилар. Шунда Моҳистара:— Яна қандай куни битган келди?!— дебди. Отаси шоҳ Салом:

— Яна қандай шўрли отанинг ўғли келди экан!— деб безовталанибди.

Моҳистара мағрур кулармиш.

Ўрда аҳллари эса ташвишга тушган эканлар. Ниҳоят, Моҳистаранинг одамларидан бири ўрда дарвозасини очиб, майдонга чиқибди. Майдон кишилардан холи, бироқ, кимдир ҳадеб ноғора қоқиш билан машғул. У киши:

— Ҳа, биродар! Нима учун ноғорани қоқасан?— дебди. Шаҳзода айтибди:

— Мен Маликаи Моҳистарага ошиқ бўлиб келдим. Унинг ҳузурига кириб ошиқлигимни изҳор қилмоқчиман,— дебди.

Моҳистаранинг кишиси ўрдага кириб, унинг қошида вгилиб, дебди:

— Эй, Маликам! Майдонга бир девона келибдур. Бўйнида бир камон, қўлтиғида эски-туски нарсалари ҳам бор. «Мен Маликаи Моҳистарага ошиқ бўлиб келдим. Унинг ҳузурига кириб ошиқлигимни баён этмоқчиман», дейди,— дебди.

Маликаи Моҳистара:

— Ундай девоналарга йўл бўлсин! Боринг, ишларингиздан қолманг?— дебди.

Шаҳзода ноғоранинг тағида кутибди. Бироқ, кириб кетган кишидан дарак бўлмабди. У яна ноғорани чалибди. Моҳистара унга парво қилмабди. Моҳистаранинг отаси ўз мулозимларидан бирига, майдонга чиқиб, ноғора чалаётган кимсани олиб киришни буюрибди. Мулозим чиқиб, шаҳзодани кўриб, бу ҳам унга эрмақлагаңомуз жилмайибди. ва уни ўрдага бошлабди.

Дарвозадан кирилгандан сўнг, кенг ҳовли, бутун ерлар мрамардан ишланган. Атроф нақшинкор уйлар, қаршида улкан бир уй бор экан. Мулозим шаҳзодани шу уйга қараб бошлабди. Уй ердан кўтарилиб ишланган экан. Қирқ зинапоядан кўтарилиб чиқибдилар. Унинг икки биқинида шомурти шопдай қуроли йигитлар эшикни қўриқлаб турган эмиш. Булар боргач, эшик очилиб, катта бир залга кирибдилар. Залнинг остига қип-қизил гиламлар тўшалган, деворлари арслонлар, шерлар, йўлбарслар, аждарларнинг қўрқинчли ва ҳайбатли суратлари билан турли рангда нақшланган, бу уйда ҳам бир неча қуроли йигит посбонлик қилиб турган эмиш. Мулозим шаҳзодани шу залнинг ўнг томонидаги эшикдан ичкарига, узун бир йўлакка олиб кирибди. Йўлакнинг икки томонида бир қатордан икки қатор қуроли қўриқчилар бор экан. Йўлакнинг нариги бошидаги кимҳобни кўтариб, олдин элчи ичкарига кирибди ва таъзим қилибди ва ичкаридан амр бўлгандан сўнг, шаҳзодани бошлаб олиб кирибди. Бу Моҳистаранинг отаси турадиган уй экан. Уй турли-туман қимматбаҳо нарсалар билан безалган, шоҳона уй экан. Қаршидаги олтин тахта соқоли мош-гуруч бир киши ўтирганмиш. У:

— Марҳамат қилинг, эй, азиз йигит!— деб жой кўрсатибди.

Шаҳзода бу кишини Моҳистаранинг отаси эканини тахминлабди ва кўрсатилган жойга ўтирмай, турган жойида эгилиб, таъзим қилибди. Таъзимдан бош кўтариб, икки қадам юриб, яна таъзим қилибди. Шундай қилиб, шоҳ Саломнинг қошига боргунча, етти ерда таъзим қилиб

унинг қўлини олиб ўпибди ва шунча таъзим билан, орқаси ила юриб бориб яна жойида тикка турибди. Шоҳнинг иккинчи марта қилган таклифидан сўнг, бориб ўтирибди. Шоҳ Салом шаҳзоданинг одобига ва ахлоқига хурсанд бўлиб, ўрнидан туриб келиб, унинг ёнига ўтирибди ва хизматчиларини чақириб, дастурхон келтиришни буюрибди. Шоҳнинг одамлари шоҳона дастурхонлар ёзибдилар ва турли-туман ноз-неъматлар тортибдилар. Шоҳ шаҳзодани зиёфат қилибди. Зиёфат тамом бўлибди. Дастурхонлар олингач, шоҳ Салом шаҳзоданинг ҳоли, нима иш билан келганлигини сўрабди. Шаҳзода ўз дардини айтибди:

— Эй, шоҳи олам! Бир қошиқ қонимдан кечинг!— дебди.

Шоҳ сўзлашга ижозат бергач, шаҳзода яна дебди:

— Ошиқ кишилар уялиш билан иши йўқ. Мен ошиқман. Худо сизга шундай ҳур талъат қиз берган экан. Унинг номи бутун оламга кетибди. Унга қанча кишилар ошиқи беқарор бўлибдилар. Мен ўша ошиқларнинг бири бўлиб келдим ва Моҳистаранинг шартини бажариб сизга фарзанд бўлсам дейман,— дебди. Шунда шоҳ Салом айтибди:

— Э, ўғлим! Худо менга фарзанд бермади, балки бир бало берди. Сиз шундай ёш ва яхши йигит экансиз, сиз ўзингизни у балога урманг. У қиз эмас, бир жаллод. Жаллод халқи ошиқликни биладими? Агар сиз уйланмоқчи бўлсангиз, мен сизга Моҳистарадан ҳам чиройли қиз топиб бераман. Аммо сиз Моҳистарага йўлиқа кўрманг!— дебди.

Шаҳзода Моҳистаранинг отасидан бу сўзни эшитиб, ўйланибди. «Ота наҳотки ўз боласини ёмон деса, бу мени синаш учун шундай деяётган бўлса керак», деган фикрни хаёлидан ўтказибди ва шоҳга:

— Моҳистаранинг ёмонлик билан эмас, балки гўзаллиги билан номи чиққан. Бу гаплар сизнинг томонингиздан менинг кўнглимни совутиш ниятида айтилаётган гаплар бўлса керак!

Шунда шоҳ:

— Йўқ, ундай эмас, меҳмон йигит! Худо Моҳистарага ҳақиқатан шундай гўзал ҳусн берибди. Лекин у шу чоққача ҳеч кимни ёқтирмайди. Уни гойибона севиб шоҳлар, шаҳзодалар, бойлар, бойваччалардан жуда кўплари келдилар. Мен уларни қайтардим, қайтмадилар ва Моҳистаранинг шартларини бажаролмай, ҳаммалари ўлдилар.

Уларнинг ҳар бири кўз олдимдан ўтадилар, тез-тез тушларимда улар билан олишиб чиқаман. Бундан бир неча кун илгари бир шаҳзода ўлди. Урданинг деворига қоқилган каллалар у билан икки мингга етди. Билмадим, бу қонларга ким зомин бўлар экан! Ҳозирги кунларда бу тўкилган қонлар учун жуда ҳам безовтаман. Бу жаллод қиз ё бировни ёқтириб тегиб кетмади, ёки ўлмади!— дебди.

Подшо шаҳзодани шу хилда гаплар билан кўп қайтарибди. Бироқ шаҳзода қайтмабди ва:

— Ошиқ киши учун ўлим чикора?! Агар унинг шартларини бажаролмасам, бир дийдорини кўриб ўлсам ҳам армоним йўқ,— дебди.

Шаҳзоданинг қайтмаслигини билиб, подшо қизларни чақириб, уни Моҳистарага тўғри қилишни айтибди. Қизлар Моҳистарага йўлиқиб қайтибдилар ва Моҳистаранинг: «Ундай девоналар билан сўзлашишга вақтим йўқ!» деган жавобини айтибдилар. Шунда хон:

— Ошиқлик шоҳга ҳам, гадога ҳам баробар!— дебди ва уни Моҳистарага йўлиқтиришни буюрибди.

Қизлар «қуллуқ!» қилиб, шаҳзодани бошлабдилар. Шаҳзодани дастлабки кирган катта уйга олиб чиқибдилар ва залнинг нариги томонидаги эшикдан ичкарига олиб кирибдилар. Ичкарида узун йўлак. Йўлакнинг икки томони қатор чиройли уйлар. Бу йўлакда бир қанча қурол тақинган қиз — қўриқчи аскарлар турган эмишлар. Қизлар шаҳзодани йўлакдан ўнг қўлдаги уйлардан бирига олиб кирибдилар-да, уни шу ерда тўхтатиб, қизлардан бири ичкари кириб кетибди ва ичкаридан рухсат бўлгандан сўнг:

— Марҳамат, азиз йигит!— дебди.

Шу вақтда қош қорайган экан. Шаҳзода ичкарига кирибди. Уй шу қадар озода ва турли-туман қимматбаҳо тошлар билан безалган, ерга қип-қизил ипак гилам, атлас кимҳоб кўрпачалар ёзилган эмиш. Уйнинг ўртасига оппоқ ипакдан неча қават парда тутилган бўлиб, унинг нариги томонида бир чироғ ёниб ва бутун уйни ёритиб турганмиш. Шаҳзода киргандан сўнг, парданинг нариги ёғидан овоз чиқибди:

— Келинг, меҳмон йигит! Марҳамат қилиб ўтиринг!

Шаҳзода тегишли жавобларни айтибди ва ўтирибди. Сўнгра қизлар шаҳзоданинг олдида дастурхон ёзиб, турли-туман овқатлар қўйиб, уни меҳмон қилибдилар. Дастурхон йиғиштирилиб олингандан сўнг, яна парданинг орқасидан товуш келибди. Бу товушни чиқарувчи Маликаи Моҳиста-

ра экан. Маликаи Моҳистаранинг ўзи чироқдек нур бериб, бутун уйни ёритар экан. Унинг гўзал жамолининг мунавварлиги ва нурининг ўткирлиги кирган кишининг кўзини олар экан. Шу сабабли, уйнинг ўртаси етти қават парда билан тўсиб қўйилган экан. Моҳистара айтибди:

— Эй, меҳмон, нима хизмат билан келдингиз?

Шаҳзода айтибди:

— Эй, Моҳистарахон! Жоним жонингизга тасаддуқ бўлсин, товушларингиздан ўргулай! Мен сизга ошиқи беқарор бўлиб келдим. Ё мақсадга етказинг, ёки бу жонимни олинг!— дебди.

Моҳистара айтибди:

— Сиз меҳмонжон, ёш ва яхши йигит экансиз, сиз бу фикрдан қайтинг. Негаки, менга ошиқ бўлиб келувчиларга мен шарт қўяман. Агар шу шартимни бажарса, мени олади, бажара олмаса, боши кесилар. Менинг шартим огир. Бажара олмасдан сиз ҳам ўлиб кетманг!

Шаҳзода айтибди:

— Эй, қадингиздан ўргулай, Моҳистарахон! Сизнинг йўлингизда бир каллам экан, агар минг каллам бўлса ҳам тикар эдим, тикканман.

Моҳистара айтибди:

— Йўқ! Агар сизга хотин керак бўлса, мен бошқа нованин қизлардан топиб бераман.

— Ошиқнинг дили учар қуш эмас-ку, гоҳо бу гулга қўнса, гоҳо у гулга қўнса, у ҳолда ошиқликнинг нимаси қолади. Мен сизнинг ҳақиқий ошиқингизман.

Моҳистара қанчалар қайтарса ҳам шаҳзода қайтмабди. Моҳистара бунинг қайтмаслигини билиб, дебди:

— Бўлмаса, сиз менга: «Мен Моҳистарага ошиқ бўлиб келдим. У мени бу йўлдан қайтарса-да, қайтмадим ва шартини бажаришга истак билан киришдим. Агар шартини бажаролмай ўлиб кетсам, ҳеч ким даъвогар бўлмасин», деб тилхат берасиз ва муҳрингиз бўлса босиб ҳам қўясиз. Сизга қизлар сиёҳ ва қалам берадилар,— дебди.

Қизлар сиёҳ ва қалам келтирибдилар. Шаҳзода тилхатни ёзиб, муҳрини босиб, Моҳистарага киргизибди. Моҳистара ўқиб кўриб:

— Яхши, шартим шуки, сиз бу кеча ўрдада қоласиз. Эртага кечқурун шаҳар халқи тўпланади. Сиз шуларга ўзингизни кўрсатиб ноғорани қоқасиз, қизлар сизни уларнинг кўз олдида ўрдамга олиб киради. Сўнгра сизга бир

кеча муҳлат, шу муҳлат ичида мени гапиртирсангиз мен сизникиман,— дебди.

Шаҳзода қабул қилибди ва бу кеча шаҳзода бошқа бир хонада ётибди. Эртаси шаҳарга карнай-сурнай билан хабар қилинибди. Майдонга халқ тўпланибди. Бир замон бир чекадан эски-тускиларини қўлтиқлаб, шаҳзода чиқиб келибди ва бориб ноғорани қоқибди. Халқ буни кўриб, бириси: «Бу девона-ку, бунга Моҳистара тегармиди?» деса, бири: «Бу ҳақиқий ошиққа ўхшайди, ўзини девонасифат қилиб опти», бири: «Бу девонани Моҳистара хонасига киргизмай ҳайдаб солади», бири: «Ҳай аттанг, ёш экан, бекордан бекорга ўлиб кетади»,— дебдилар.

Дарвоза очилиб, қизлар чиқибди ва шаҳзодани ўраб олиб, ўрдага киритибдилар. Халққа эртага эрта билан келиш кераклиги билдирилибди, халқ тарқалибди. Шаҳзода олдин қизнинг отаси шоҳ Саломга йўлиқиб салом берибди, сўнгра уни Моҳистаранинг кечаги бўлмасига олиб кирибдилар. Шаҳзода кечаги ўринда ўтирибди. Моҳистараойим парданинг нариги ёғида, ўзини кўрсатмай ўтирибди. Моҳистара шаҳзодани неча ширин гаплар билан қарши олибди. Олдига шоҳона дастурхонлар ёздирибди. Ширин-ширин сўзлар қилибди. Вақт хуфтондан ўтганда Моҳистара: «Мана, энди сизга рухсат, менинг шартимни бажаришга киришинг!»— дебди ва ўзи ўтирган жойида узала тушиб ётибди. Шаҳзода Моҳистарани гапиртириш учун ундан турли-туман гапларни сўрабди. Моҳистара жавоб бермабди. Ҳар хил ҳикоялар айтиб, киши ихтиёрсиз гапириши лозим бўлган гапларни келтирибди ҳамки гапирмабди. Гапира-гапира чарчабди, охирида лоақал бир кулар-ку,— деб, ҳар хил қизиқчиликлар ва ҳар хил қилиқлар, масҳарабозликлар қилибди ҳам, гапирмабди, бир вақт шаҳзода жим бўлибди ва: «Моҳистара уйғоқми, ухлоқми?»— дебди. Қулоқ солса жим, ухлаган бўлса керак, мен ҳам ётайин»,— дебди-да, узала тушиб бу ҳам ётибди. Бир вақт Моҳистара ўрнидан турибди, секин пардани кўтариб қараса, шаҳзода ухлаб ётибди, Моҳистара айтибди:

— Эй, бечора ошиқ! Аҳволинг шу экан-ку, мана энди эртага эрталаб ўласан, калланг деворга қоқилади!— дебди. Шаҳзода ухлამасдан, ўзини ухлаган кишига солиб ётган экан. Кўзини сал очиб қараса, Моҳистара шул қадар чиройли, шул қадар нозанинки, шу пайтда шаҳзода тамоман эриб, сув бўлиб кетибди.

Моҳистара пардани қўйиб юборибди ва нариги ёқдаги

эшикни очиб, бошқа бир уйга кириб кетибди. Шу пайт уй қоронғилашиб қолибди. Бундан шаҳзода ҳайрон бўлибди. Бу ҳам ўрнидан турибди. Қалпоқни кийибди, қолган нарсаларни қўлтиққа уриб, пардани кўтариб ичкарига кирибди, ундан Моҳистара кирган уйга кирибди. Бул пайт Моҳистара ундан нариги уйга кирибди. Орқасидан шаҳзода ҳам кирибди. Моҳистара қайси уйга кирса, унинг ўн тўрт кунлик ойдай жамоли қоронғи уйни ёритар эмиш. Бу сўнги уйнинг бутун деворларига уруш кийимлари ва яроқ-аслаҳа осилган. Моҳистара уст кийимларини ечибди. Девордан бошқа кийим олиб кийибди, худди ўн саккиз яшар бир йигит бўлибди. Яна девордан учига чангак боғланган қайиш арқон олибди-да, бу уйдан ҳам чиқиб кетибди. Орқасидан шаҳзода ҳам чиқибди. Бу томон катта бир боғ экан. Моҳистара шу боғни оралаб, дарахтлар ичида кетиб бориб, боғнинг четига етибди ва деворга арқонни ташлабди. Арқон деворнинг нариги томонига ошиб тушибди. Моҳистара арқонни тортиб, чангакни деворга илинтириб, сўнгра арқонга илашиб, деворга чиқибди. Ундан чангакни деворнинг бу томонига санчиб, арқонга ослиб, деворнинг нариги томонига тушибди.

Шунда шаҳзода гиламни ёзибди ва устига ўтириб, бу ҳам девордан ошибди. Қарасаки, Моҳистара кетиб бораётган эмиш. Ҳар қадамлаганда юз чақиримлик жойни бир қадамлайди. Моҳистара шу хил дев қадамлар билан бир соатча юрибди ва бир қўрғонга бориб деворидан ошиб кириб кетибди. Кетидан гилам билан учиб шаҳзода ҳам кирибди ва гиламдан тушиб, уни қўлтиқлаб олибди. Қўрғоннинг ичкарисиди бир уйдан чироқнинг ёруғи кўринибди. Моҳистара шу ёруғ чиққан уйга қараб юрибди, қалпоқнинг остида шаҳзода ҳам бора берибди. Моҳистара уйнинг эшигини очиб, ичкарига кирибди. Уни бир кампир қарши олибди ва:

— Келдингми, қизим Моҳистара, ўртоқларинг сенга маътал бўлиб қолишди,— дебди.

Моҳистара ҳам бу кампир билан сўрашиб, йўл кийимларини ечиб, бошқа яхши кийимлар кийиб, ичкариги уйга кирибди. Ичкари уй бениҳоят чиройли безалган уй экан. Бу уйда ўн тўрт кунлик ойдай тўлиб, икки барно қиз ўтирган экан, улар туриб келиб Моҳистара билан кўришибдилар ва:

— Эй, ўртоқжон, нега бугун кечикдингиз?— дебдилар. Шунда Моҳистара айтибди:

— Эй, ўртоқлар, ўрдамга бир девона келибди, «Сенга ошиқман», дейди. Кечадан бери бошимни қотиради. Уни ухлатиб келяпман. Эртага калласи кесилади. Бориб томоша қиласизлар!— дебди. Қизлар: «Бечора ошиқ!» деб кулишибди. Шунда кампир:

— Ош тайёр, келтираверайми?— дебди.

Бояги қизлардан бири:

— Келтиринг, кеч қолдик!— дебди.

Кампир қизларнинг қўлига сув берибди ва жонон чинида бир товоқ серёғ, сергўшт ош келтирибди ва ўзи ҳам қизларнинг ёнига ўтирибди. Буларга билдирмай шаҳзода ҳам ўтирибди. Ош ейила бошланибди. Энди шаҳзодага ўз ёрининг ёнида, худди эр-хотин ош ошаб ўтиргандек туюлибди. Ош ейилиб тугагач, қизлардан бириси:

— Она, бугун ошни оз қилганмидингиз, тўймадик?— дебди. Кампир айтибди:

— Билмадим, қизим! Кунда соладиган гуручни солган эдим. Ўзим ҳам тўймадим, ҳаммаларинг кеч қолган бозорчини егудай бўлиб келган экансиз,— дебди.

Шунда қизлар қаҳ-қаҳ уриб кулишибди. Кампир дастурхон ва товоқни йиғиштириб олиб, чой келтирибди. Ҳаммалари бир пиёладан чой ичиб бўлгач, Маликаи Моҳистара:

— Бўлмаса тезроқ қўзғолайлик, онамиз бизга интиқ бўлиб қолмасин!— дебди.

Қизлар ҳаммалари ўринларидан туриб ташқарига чиқибдилар. Ташқарида бир олтин каравот бор экан. Қизларнинг ҳаммаси шу каравотга, унинг устидаги гиламга чиқиб ўтирибдилар. Қизлардан бириси каравотнинг муфти гардонини бураган экан, каравот ўз-ўзидан қўзғолиб, осмонга кўтарилиб кетибди. Шаҳзода қараса, қизлар осмонда каравотнинг устида учиб кетиб бораётган эмиш. Шаҳзода ҳам гиламга ўтириб, қизларнинг кетидан осмону фалакка учиб чиқиб, қизлар билан қорама-қора кетаверибди. Бир неча фурсат учганларидан кейин қизлар пастлай бошлабдилар. Шаҳзода ҳам пастлаб учибди. Бир вақт шаҳзода пастга қараса, ер юзида бир жойда ёруғ кўринибди. Қизлар шу ёруғликка қараб борибдилар ва охирида шу ёруғлик чиққан жойга келиб қўнибдилар. Шаҳзода ҳам қўнибди. Бу жой катта боғ бўлиб, ёруғлик шу боғдан чиқаётган экан. Қизлар каравотни ташқарида қолдирибдилар ва ўзлари шошилганларича боққа кириб кетибдилар. Шаҳзода гиламни тахлаб, нарсаларини қўлтиққа жойлаб, қалпоқнинг



остида ҳеч кимга кўринмай, қизларнинг кетидан бу ҳам боққа кириб бораверибди. Богнинг чор атрофи мрамардан, кунгиралари олтиндан экан. Бог ичида турли томонга йўлкалар кетган, йўлканинг икки чеккасида ариқча, ариқчада оплоқ сутга ўхшаган сув шилдираб бир ариқдан бир ёққа, иккинчи ариқдан орқага қараб оқиб борар эмиш. Йўлакнинг икки томонида ҳар эллик қадам жойга мўмиқ, устига гавҳар ўрнатилган, гавҳарнинг ёруғидан бутун боғлар мунаввар бўлиб турганмиш. Ариқларнинг нариги ёғидаги бўш ерларга турли-туман гуллар экилган, гуллар очилиб, гулнинг ишқида булбуллар сайрашиб ётганмиш. Бу гулзорларнинг атрофига ҳар хил хушқомат дарахтлар экилган. Йўл жуда ҳам тоза, худди ёғ тушса ялагудек. Қизлар шу йўлдан юриб-юриб боғнинг ўрталигидаги бир майдонга бориб етибдилар. Бу майдоннинг ости мрамар ва чиннилардан ишланган эмиш бутун атрофга олтин курсилар ўрнатилган, лекин бир томонида бир олтин тахт қурилган эмиш. Майдоннинг атрофидаги ҳамма курсилар ҳусни ҳурталъат, зебо қизлар билан лиқ тўлган. Олтин тахт устида шу гўзалларнинг маликаси ўтирган экан. Қизлар майдонга киргандан сўнг бундагилар:

— Ана, ана, Моҳистаралар ҳам келишди,— деб овоз чиқарибдилар.

Қизлар олдин олтин тахт устидаги маликага сўнгра атрофдаги санамларга қараб эгилиб-букилиб салом қилибдилар. Шунда тахт устидаги гўзаллар маликаси:

— Синглим, Моҳистара! Бу кун жуда кеч қолдинг! Ҳаммамиз сенга кўз тутдик, нега кечикдинг?— дебди.

Моҳистара:

— Рост, опажоним, кечиринг, бу кун кечикдим. Сабаби бор. Бир бечора девона менга ошиқ бўлиб келибди. Сизни суяман, дейди. Сизга етмасам ўламан, дейди. Бу девонани алдаб-сулдаб ухлатгунча қийналдим. Ухлатиб келмоқдаман, эртага унинг ўлимини томоша қиласиз,—дебди. Малика Моҳистара ва у билан бирга келган гўзал қизлар ўзлари учун белгиланган жойга ўтирибдилар. Узаро бир оз чақчақлашиб ўтиришгандан сўнг, маликанинг рухсати билан унда тўпланган қизлар ўйин-кулги бошлашмоқчи бўлишибди. Бу жой парилар макони экан. Моҳистаранинг онаси шу парилардан бўлиб, у ҳар куни кечаси шу жойга келиб, парилар билан ўйин-кулги қилар экан. Бу боғ шу парилар мамлакати подшосининг гўзал қизи Бадиа парининг боғи экан. Олтин тахтда ўтирган хипча бел, юпқа то-

моқ, бодом қовоқ, қора кўз, қора қош, таннозойим шу Бадиа пари экан.

Қизлардан бир гуруҳининг қўлларида турли хил созлар бўлиб, бир нафас бир мақомга чалибдилар. Чолғу кетидан ашулалар ва ўйинлар бошланибди. Сўнгра ярим соатлик танаффус эълон қилинибди. Қизлар иккита-иккита, учта бўлишиб, боғларни айланиб кетишибди. Маликаи Моҳистара қизларга айтибди:

— Уртоқжонлар! Мен жуда чарчаган ва уйқудан қолганман. Лоақал танаффус ўтгунча, каравотга бориб, ярим соат бўлса ҳам ухлаб келай!— дебди ва боғдан чиқиб бориб, каравот устига узала тушиб ухлабди. Шунда шаҳзода олтин жомни сувга тўлдириб келибди ва жомга қараб: «Эй, жом! Шу пайтда менинг жоним Моҳистаранинг жасадига, Моҳистаранинг жони менинг жасадимга кирсин!»— дебди. Айтгани бўлибди. Моҳистаранинг жони шаҳзоданинг жасадига кириб, каравотда ухлаб қолаверибди. Шаҳзода Моҳистара бўлиб, боққа кириб кетибди. Танаффус тугаб, қизлар тўпланибдилар. Шаҳзода Моҳистара бўлиб, унинг ўрнида ўтирибди. Яна ўйин, ашулалар бошланибди.

Қизлардан бири туриб: «Энди Моҳистара бир ўйнаб берсин!»— дебди. Ҳамма қарсак чалибди. Шунда шаҳзода майдонга кириб Моҳистара бўлиб, бир ўйнаб кетибди. Бу қадар ёқимли ўйинни пари қизлар мутлақо кўрмаган эканлар. Шаҳзода ўйиндан тўхтагач, ҳамма унинг ўйинини олқишлабди. Сўнгра:

— Моҳистара ашула айтиб берсин!— деган таклиф тушибди. «Моҳистара» ўртага ўтиб шу қадар ёқимли ашула айтибдики, бунинг жозибали овозини эшитган қизларнинг бўғинлари бўшашиб, симобдай эриб кетибдилар. Қизлар уст-уст қарсаклар чалишиб «Моҳистара»ни қайта-қайта ашулага солибди. Шунда парилар маликаси хурсанд бўлибди ва «Моҳистара»ни ўз ҳузурига чақириб:

— Эй, қаддингдан кетай Моҳистара, шунчалик ўйинлар ва ашулалар билар экансан, шу қадар ёқимли овозинг бор экану, нега шу вақтгача билдирмадинг. Мен азбаройи сенин ўйин ва ашулаларинг менга ёққанидан ҳозир устингдан зарлар сочмоқчи эдим. Бироқ хазинадан узоқдаман. Кел, қўзим! Сенга оз бўлса ҳам, шу кун янги тиктириб келган шу кўйлагимни кийдирай,— дебди ва устидаги қимматбаҳо шаҳона кўйлагини ечиб «Моҳистара»га кийдирибди. «Моҳистара»нинг пешонасидан бир марта чўпилла-

тиб ўйиб олибди. Бу маросимни ҳамма олқишлабди. Сўнгра яна танафбус бўлибди. Шаҳзода дарров боғдан каравотнинг олдига чиқибди ва жомни ҳозирлаб, жомга қараб: «Энди менинг жоним ўз жасадимга, Моҳистаранинг жони ўз жасадига кириб, Моҳистара уйғонсин!»— дебди. Айтгани бўлибди ва дарҳол қалпоқни кийиб, кўринмайдиган бўлиб олибди. Моҳистара бир чучкуриб ўрнидан турибди ва:

— Вой ўлмасам! Мен кўпроқ ухлаб қолибман, тезроқ кирайин!— дебди-да, ўрнидан туриб, дарҳол боққа кирибди. Боққа кириб борса ҳали ҳам танафбус тугамабди, ҳамма қизлар боғни сайр қилиб юришибди. Моҳистара орадан қанча вақт ўтганини билмай, танафбус тугамаган экан, деб тушуниб, хайрият, кечикмабман!— дебди ва танафбусдан сўнг, қизлар билан бориб ўз ўрнига ўтирибди. Қачонки, ўйин бошланар чоқда қизлар: «Моҳистара ўйнаб берсин!» деган таклиф тушиб узоқ вақт чапак чалибди. Моҳистара «Мен ўйинни билмайман!» деган экан, Малика:

— Бўлмаса, синглим яна бир ўйнаб бер, ўйинни билмаганинг шу бўлса, билганинг қанақа бўлар экан?!— дебди.

Моҳистара ўртага тушиб ўйнашга мажбур бўлибди. Бироқ, Моҳистаранинг ўйини сира қовушмабди ва «илгаригидек» қилиб ўйнолмабди. Шунда қизлар:— Бўлмаса ашула айтиб берсин!— дейишибди. Моҳистара ашула айтса, овозлари дўриллаб, ашуласи ҳеч кимга ёқмабди. Шунда Малика айтибди:

— Моҳистара синглим! Ҳали бир яхши ўйнаган ва ашула айтган эдинг! Танафбусда боғда юриб шамоллаб қолганга ўхшайсан, овозларинг дўриллаб қолибди. Ўйининг ҳам, ашуланг ҳам келишмади!— дебди. Моҳистара эса ҳайрон қолиб ва уялиб:

— Билмадим, опагон! Шундаё бўлса, керак!— дебди. Сўнгра бошқа қизлар ўйин-кушоналдим. Шунда, Саҳар. Тун гилдираги гилдираб бир жойга боғда, саҳар қушлари товуш қила бошлаганда, қизларга боғда рухсат бўлибди. Улар билан хайрлашиб, ҳар қайси ўз келган жойига кета бошлабдилар. Моҳистара ва бояги икки қиз чиқиб, каравотга ўтириб парвоз қилибди. Кетларидан шаҳзода ҳам учибди. Булар кампирниқига тушиб, каравотни шу жойга қолдириб, бир-бирлари билан ва кампир билан хайрлашиб, ўз жойларига жўнабдилар. Шаҳзода ҳам Моҳистаранинг кетидан йўл олибди. Бир дамда Моҳистаранинг ўрдасига яқинлашибди.

Шаҳзода Маликадан олдин уйга кирибди ва ўзининг ўрнига ётиб ухлаган киши бўлиб, хуррак отаверибди. Моҳистара уйга кириб, сафар кийимларини ечиб, ўз кийимларини кийиб, ўз хонасига кирибди. Кириб қараса, шаҳзода хуррак тортиб ухламоқда. Моҳистара шаҳзодага қараб:

— Эй, бечора ошиқ, девона! Аҳволинг шу экан-ку, сенга ошиқликни ким қўйган эди. Мана энди, эрта билан сен ҳам ўласан!— дебди ва ўз ўрнига узала тушиб ётибди.

Орадан бир оз фурсат ўтгач, шаҳзода уст-уст икки марта чучкуриб, гўё уйқудан уйғонган бўлиб, ҳовлиқиб ўрнидан туриб ва ёрига қарата сўзлабди.

Моҳистара шаҳзоданинг бу аҳволига ўз-ўзича кулган бўлибди ва жойида ётиб, унинг аҳволини томоша қилмоқчи бўлибди.

Шаҳзода айтибди:

— Эй, жоним ва суюклигим, гўзал Моҳистара! Мен жуда ҳам ажаб туш кўрибман (Моҳистара, бу девона нима туш кўрди экан, деб кулимсирабди). Қулоқ солиб туринг, кўрган тушимни айтаман. Тушимда сиз ўриндан туриб нариги уйга кириб, эркакча кийим кийиб ташқарига чиқибсиз. Орқангиздан мен ҳам чиқибман. Сиз боғ деворидан ошиб, бир томонга жўнабсиз. Кетингиздан мен ҳам жўнабман. Бир қўрғонга етиб, қўрғоннинг ичидаги бир уйга кирибсиз. Сизни бир кампир кутиб олибди. Ичкарида ўртоқларингиз билан кўришибсиз. Кампир бир товоқ ош келтирибди, ебсизлар. Мен ҳам ебман, ошга тўймабсизлар. Ошдан сўнг олтин каравот билан учиб бориб бир боққа тушибсизлар. Боғда бир тўда гўзаллар ва уларнинг маликаси сизларни кутиб турган экан. Сиз Маликага:— Бугун кечикдим. Сабаби шу бўлдики, менга бир девона ошиқ бўлиб келибди. Шунини ухлатиб келаётирман. Эртага ўлимни томоша қиласиз!— дебсиз. Уйин-кулги бошланибди, ярим соатлик танафус вақтида сиз каравотга чиқиб ухлабсиз. Шунда мен, сизнинг жасадингизга ўзимнинг жонимни, менинг жасадимга сизнинг жонингизни киритиб, мен сиз бўлиб, қизларнинг ичига кириб қизлар ўртасида ёқимли ўйинлар ўйнаб, ёқимли ашулалар айтибман. Менинг ўйин ва ашулаларим базмдагиларга жуда ҳам маъқул бўлибди. Шунда парилар маликаси Бадидахон менинг юзимдан ўпиб, устидаги кўйлагини ечиб, менга кийгизибдир. Моҳистарахон, агар ишонмасангиз мана Маликанинг кўйлагини кўринг,— деб шаҳзода кўйлакни Моҳистаранинг олдига ташлабди.

Моҳистара кўйлакни кўрса, ҳақиқатан маликанинг кўйлаги. Шунда Малика ҳайронликдан тили дол бўлибди, юраклари дукурлаб, шошилиб қолибди. Шаҳзода сўзини давом этдириб яна айтибди:

— Менинг ўйинимдан сўнг танаффус бўлибди. Танаффусда мен сизнинг ёнингизга келиб, сизнинг жасадингизга ўз жонингизни киритибман. Сиз бир чучкуриб уйғонибсиз ва яна боққа кирибсиз. Танаффусдан сўнг, қизлар тўпанибдилар ва: «Яна Моҳистара ўйнаб берсин!»— дебдилар. Бироқ сиз ўйнаган экансиз ўйинингиз ҳеч кимга ёқмабди. «Ашула айтиб берсин!» дейишибди. Ашула айтибсиз. У ҳам маъқул тушмабди, ўйин тугагач, ҳамма тарқалибди. Сиз билан биз ҳам қайтиб, ўз жойимизга келибмиз. Шунда мен уйқудан уйғонибман,— деб сўзини тугатибди. Шунда Моҳистараойим, баданлари мулойим, шаҳзоданинг гапларини тўла эшитиб, унинг ҳамма айтганлари рост эканини билиб, ҳайрон ва саросимада қолиб, шу пайт телбалардек безовталанибди ва беихтиёр бориб пардани кўтариб шаҳзоданинг олдига чиқибди ва унга:— Эй, қадди шамшод, сўзлари шаҳду шакар гўзал йигит! Дунёда менинг ошиқларим кўп бўлди. Мен шу гўзал ҳусним билан дорлар шоҳиман, ошиқларим ҳуснимга ҳужум этувчи душман сифатида ўлимга гирифторм бўлдилар. Бу уйга кирганлардан бирортаси менинг шартларимни бажариб чиқмаган ва ўрдам дарвозасидан тирик қайтмаган эди. Сиз ҳам ошиқсиз. Мен ҳусн подшоси бўлсам, сиз ошиқлар подшосисиз, икки подшонинг жангида ҳусн подшоси енгилди... Эй, гўзал шаҳзода, келинг энди, мен сизга таслим бўлдим!— дебди ва ўзини шаҳзодага ташлабди. Оппоқ нозик билаклари бўйнидан қўлтиқларига ўтибди. Лаблар лаблари билан ўпишиб, гўё чирмовуқ дарахтга чирмашиб кетибди.

Шундай қилиб, шаҳзода Маликаи Моҳистаранинг шартини бажарибди. Умид гунчаларининг гуллари очилиб, гулларнинг очилишини булбуллар, тўтилар, қумрилар сайрашиб, олқишлабдилар. Булар Маликаи Моҳистаранинг олтин каравотида, пар кўрпалар устида чирмашиб ётиб, донг қотиб ухлаб қолибдилар...

Маликаи Моҳистаранинг ошиқлари унга йўлиқиб, шартини бажаришга киришганида бутун шаҳар халқи ва бутун ўрда аҳлининг дили ёниб, оғир ғам юки остида қолар ва ошиқнинг тақдирини кутар эканлар. Қачонки, шаҳзода Шовкат Моҳистаранинг хонасида қолибди, шундан бошлаб ҳамма: «Эй, бечора йигит, эрта билан ҳолинг ни-

ма бўлади!» деб, кўплар ухлай олмабдилар. Ўрда аҳли ошиқлар ўлимнинг фожиалари билан юраклари безиллаб қолган, булар ҳам туни билан ухлай олмай, шаҳзоданинг гамида қайғуриб чиқибдилар. Тонг отибди. Жаллодлар ўрнидан турибди ва керишиб, баданлари титраб, қозикқа илинган қиндан қонли пичоқни чиқариб, тошга қайраб, яна қинига солиб, тақиниб олишибди. Бутун туннинг тезроқ ўтишини кутган гоҳо ўйланиб, гўё ўзини янги ёш бир ғунчанинг кўзларини бақрайтиб калласини олаётган ҳолда кўриб, нашъаланиб, ўздан ўзи кулиб чиққан бу хунук ва совуқ киши икки кўзлаб маликанинг ўрдасидан «гуноҳкор»нинг чиқишини кутар экан.

Кўча майдонга халқ келиб тўпланибди. Моҳистаранинг олдига кирган ошиқнинг чиқиш вақти яқинлашибди. Ҳар кимнинг оғзида:

— Агар йигит Маликанинг шартини бажарган бўлса, шу чоққача чиқар эди, чиқмади. Демак, шартни бажаролмаган, у энг сўнгги дақиқадан ҳам фойдаланиб, ҳаракат қилиб кўрай, деб уриниб ётган бўлса керак. Барибир бажара олмайди. Демак, бу ҳам бугун ўлади,— деган ваҳимали гаплар юрар экан. Ҳамма уни ўлимга бичиб қўйибди.

Мана, йигитнинг чиқиш вақти бўлибди. Хонанинг ташқарисида қизлар кўзларидан ёшлар оқиб, йигитнинг чиқишини кутибдилар, бироқ йигит чиқмабди. Қизлар тезда бундан шоҳни хабардор қилибдилар. Шоҳ Салом ҳам ҳайрон қолибди. Орадан ўн минут ўтибди, шаҳзода чиқмабди. Қонхўр жаллод юраклари така-пука бўлиб, эмга интилган қушдай, кўзлари қонга тўлиб, безовталаниб кутармиш. Халқ шаҳзодани аллоқачонлар ўлимга ҳукм қилган деб билар, фақат дарвоза очилиши билан қўлида қонли калла кўтарган жаллоднинг чиқиб келишинигина кутар экан. Орадан бир соат ўтибди. Моҳистара билан йигитдан ҳамон дарак йўқ. Шунда шоҳ Салом бу аҳволдан хавфсирабди ва қизларни, гарчи Моҳистарадан рухсатсиз бўлса ҳам уйига кириб хабар олишга фармон берибди. Қизлар секингина Моҳистаранинг уйи эшигини очиб ичқари кирибдилар. Йигит ўз ўрнида йўқ. Шошилиб пардани кўтарган эканлар, бир ўринда Моҳистара билан шаҳзоданинг чирмашиб ётганини кўрибдилар ва: «Ошиқ Моҳистаранинг шартини бажарибди» дебдилар-да, қизлардан бирови чопқиллаб, аҳволни қизнинг отаси шоҳ Саломга билдирибди. Шоҳ Салом бу хушxabардан шодланиб, хазиначини

чақирибди ва хабарчи қизнинг бўйи барабар тилла сочиб, шу тиллани унга инъом қилибди. Сўнгра подшоинг буйруғи билан тездан ўрдага, ундан кейин шаҳарда шодиёна карнай-сурнай чалинибди. Аҳвол тездан ҳаммага маълум бўлиб ҳамма хурсанд бўлибди. Майдонда шаҳзоданинг тақдирини кутган халқ шодиёна карнай-сурнайни эшитиб, бир оз ҳайрон бўлса-да, тездан аҳволни тушуниб олибдилар, суюнибдилар. Халқ хурсанд бўлиб, шаҳзодага офарин айтиб тарқалибди. Фақатгина ўрдадаги жаллод бу ишдан хафа экан, холос. Карнай-сурнай товуши билан Моҳистара ва шаҳзода ҳам уйғонишибди. Шоҳ Салом қизнинг орқасидан кўп қонлар тўкила берганидан «Ё шу қизим бирор тага тегса, ё ўлса эди!» дер экан. Букун у ўзини шу тилакка етган ҳисоблаб, хурсанд бўлиб, шаҳзода билан қизини табриклаб, шаҳзодага шоҳона кийимлар кийдириб, хурсандликдан мамлакатга тўй берибди, ҳазинадан тилла-тангаларни сочаверибди. Орадан бир ҳафта ўтибди. Бир куни Моҳистара билан шаҳзода Моҳистаранинг Эрам боғида айш-ишрат билан машғул эканлар. Осмонда тўртта каптар пайдо бўлибди. Каптарлар ерга қўнғач, дарҳол пари қизларга айланибдилар. Улар буларга салом берибди ва Моҳистарага бир хат топширибди. Хатни парилар маликаси Бадиа пари ёзган экан. Моҳистара хатни ўқиса, Бадиаойим Моҳистаранинг бир ҳафтадан бери бормаганидан хавфсираб, хабар қилмагани учун хафа бўлиб ёзибди. Моҳистараойим, қўлига қалам ва қоғоз олибди ва бутун воқеани баён қилиб хат ёзибди, хатни пари қизларга топширибди. Парилар хатни олиб, каптар бўлиб учиб кетибдилар ва Бадиаойимнинг ҳузурига бориб, хатни топширибдилар. Бадиаойим хатнинг мазмуни билан ошно бўлгач, рангиқути ўчибди. Бутун баданини титроқ босибди ва пешонасига бир шаппати урибди-да, «ишим хароб бўлибди!» дебди ва оҳ уриб, ўзини кўрпага ташлабди. Бадиа паридеги бу ўзгаришни кўрган пари қизларни қўрқув босибди. Ҳар бирлари Бадиа парининг атрофида парвонадек изтиробга тушибдилар ва ундан:

— Нима бўлди, опажон! Бирор нарса бўлдими? Нега безовтасиз?— деб ҳол сўрабдилар. Бадиа пари хафаликдан уларга бир сўз ҳам айтмабди. Шундан кейин, Бадиаойим қўлига қоғоз ва қалам олиб, Моҳистарага қуйидагиларни ёзиб юборибди:

«Синглим, Моҳистара! Саломдан сўнг, маълум бўлғайки, мен бир ҳафтадан бери сенинг учун ташвишда эдим.

Хатингни олгач, воқеадан хабардор бўлдим. Сен хатингда, мени худо уриб қолди, дебсан, сенга қўшиб мени ҳам урибди. Биласанки, бу ишлар биз пари халқи учун жуда мушкул нарса, айниқса, мен учун. Энди гап шуки, сен ёринг билан тездан ҳузуримга келгайсан, нима маслаҳат бўлса, келганингдан сўнг бўлади». Хатни парилар маликасининг каптар қизлари олиб учибдилар ва шу учганларича Моҳистаранинг боғига бориб тушибдилар.

Моҳистараойим, сўзлари мулойим, ўзининг Эрам боғида ўз ёри билан айшу ишратини тугатиб, энди уйга кириб кетмоқчи экан. Осмонда бир тўп оқ каптар учиб келиб ерга қўнибди ва бир зумда бир тўда пари қизларга айланиб, печа одоб ва таъзим билан хатни Моҳистарага топширибдилар. Моҳистара хатни очиб ўқибди ва юзи бир қур оқариб, товланиб олибди. Бўлмаса сизлар бир оз туринглар, бирга жўнаймиз, дебди ва ичкарига кириб, сафар кийимларини кийиб, керакли совға-саломларини олиб чиқибди ва ўзини ҳам, Шовкатбекни ҳам каптар ҳолига киритиб, булар бу жойдан учибдилар ва Бадиа парининг гул боғига тушибдилар. Моҳистара юз фикр ва андишалар билан Бадиаойимга рўпара келиб, салом қилибди ва Шовкатбекни ҳам Бадиаойимга тақдим қилибди. Булар бир-бирлари билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, Бадиаойим Моҳистаранинг юзида изза бўлганлик аломатини кўриб, унинг кўнглига таскин бериш учун мулойим гапларни гапириб ўтирибди. Шу куни Бадиаойим бутун шаҳардаги қизларни чақириб, Моҳистара ва унинг куёви шарафига жуда катта зиёфат берибди.

Эртаси Бадиа пари Моҳистарани бир холи уйга чақириб, дебди:

— Гўзал Моҳистара! Ишлар нима бўлди, энди? Сен қандай қилиб ҳам ўша куни бу йигит — одамзодни бошлаб келдинг! Мен ўша кечаси унинг ашула ва ўйинларига таҳсин этиб, гўё, бу ўйин ва ашулаларни ижро этувчи сенсан, деб унинг пешонасидан ўпибман. Сен биласанки, пари халқининг танига одамзоднинг тани тегмаслиги керак. Агар тегдими, энди у бутун парилар оламида доғ теккан ва шарманда саналади, уни паризодга эмас, одамзодга уйлантириш керак бўлади. Мен ҳам энди шундай бўлдим. Бўлар иш бўлди. Агар сен рози бўлсанг шу эрингга мени ҳам никоҳлаб бер. Иккаламиз иттифоқ бўлиб, ўла-ўлгунча шунинг хотини бўлиб ўтамиз ва у қаерга бошласа, шу жойга кетамиз,— дебди.



Моҳистара Бадиа паридан жуда уятли экан. Унинг бу таклифига жон-дили билан рози бўлибди ва кечқурун Шовкатбекка Бадиа парини никоҳлаб, иккисини бир кўрпага киргизибдилар.

Эртаси Бадиа пари ҳамма қизлари ва бутун давлатлари билан, ота юртини ташлаб, Моҳистаранинг юртига учиб келибди. Булар келгандан сўнг, Моҳистаранинг отаси хурсандчилик учун қизига қирқ кеча-кундуз тўй берибди. Бадиаойимнинг тўйи ҳам бирга бўлиб, қирқ кеча-кундуз мамлакат хурсандлик, маъмурчилик ва ўйин-кулги, томоша билан қиёмат қойим бўлгандай бўлибди.

Қирқ кунлик тўйдан сўнг, Шовкатбек қайнатасидан рухсат олиб, икки хотини ва пари қизларни гиламга, қолганларини Моҳистаранинг олтин сўрисига ўтқазиб, учибдилар. Булар осмонда бир қанча вақт учиб боргач, Шовкатбек:

— Шу жойга тушиб, бир дам олиб кетсак,— дебди.

Сўнгра, булар осмондан пастлаб, ерга қўнибдилар. Бу жой Сайёраойимнинг боғи экан. Осмондан учиб тушган бу бир тўда одамларни кўргандан кейин, Сайёраойим онаси Санобаройим, отаси ва тамоми пари қизлар буларни югуриб келиб, жуда шодлик билан кутиб олибдилар, қанча эъвоз ва икромлар билан яхши жойларга ўтқазибдилар. Сайёраойим Шовкатбек кетгандан сўнг, узоқ вақтларгача вақтни йиғи-сиғиси билан ўтказган ва кеча-кундуз унинг яна бир қайтиб келишини умид қилар экан. Унинг ота-оналари ҳам қизларининг аҳволидан хабардор бўлганидан у билан тенг азоб тортар эканлар. Шовкатбек келгандан кейин Сайёраойим чуқур бир оҳ уриб, унинг қучоғига ўзини ташлабди.

Меҳмонлар ўтиришибдилар, улар билан мезбонлар ҳол-аҳвол сўрашгач, Содиқ савдогар ва Санобаройим шаҳзода Шовкатнинг Маликаи Моҳистарани қўлга киритиб келганини кўриб, унинг ғайрат ва ҳимматига таҳсин ва офаринлар ўқибдилар. Шу кеча меҳмонлар шарафига катта зиёфат ва уйин-кулгилар бўлибди. Эртаси эрта билан чойдан сўнг, Санобаройим Бадиа паридан ҳол-аҳвол сўрабди ва ундан:

— Эй, парилар шоҳи, гўзал Бадиахон! Қандай қилиб бу жойларга қадам ранжида қилдингиз?— дебди. Шунда Бадиаойим қизариб, бошидан ўтган саргузаштларни ва Шовкатбекнинг қандай қилиб, Моҳистарани қўлга кирит-

ганини ва ундан Бадиоойимни ҳам ўз никоҳига олганини бир-бир сўзлаб берибди.

Шунда Санобаройим айтибди: «Ана шундай бўлади Бадиахоним! Бир замон мен ҳам бир одамзод билан қўл бериб кўришиб қўйганим учун сиз мени айбдор қилиб, олтмиш йилга сургун қилиб юборган эдингиз. Энди мана ўзингизнинг ҳам бошингизга шундай иш тушибди-ку!»— деб, Бадиа парига таъзир берибди. Шунда пари Санобар парига айтибди:

— Ўзим ҳам Санобархон шундай таъна қилар деб ўйлаб турган эдим. Сиз ичингизга сиғдиролмайд гапирдингиз, лекин сизнинг олдингизда изо тортиб туришимнинг ўзи етар эди-ку!— дебди. Санобаройим меҳмонларни тўрт-беш кун хўп меҳмон қилибди, кўнгилларини чоғлабди. Шаҳзода Шовкат кечани бир кун Моҳистараойим билан, бир кун Бадиа пари билан ўтказибди, кундузлари боғда гулзорлар орасида Сайёрахон билан ўйнаб-кулиб юрибди. Сайёраойим ёри шаҳзода Шовкатнинг келганидан бери гоҳо гул бўлиб очилармиш, сумбулдай сочилармиш, гоҳо булбул бўлиб сайрармиш. Гоҳо кийик бўлиб сакрармиш. Бир куни Санобаройим Моҳистара билан Бадиоойимга айтибди:

— Шовкатбекни ёрим деб қаерлардан топиб, келган менинг қизим Сайёрахон эди. Тақдир шундай экан, гулимизни биз ҳидламай туриб, ҳидлашлик сизларга насиб бўлибди. Энди Сайёрахон ҳам ўксимасин. Сайёрахонни ҳам Шовкатбекка берайлик, уччалаларнинг муроса қилиб, кун ўтказинглар!— дебди.

Санобаройимнинг бу таклифига Моҳистара ва Бадиа парилар рози бўлибдилар. Шундан сўнг, Сайёрахон билан Шовкатбекнинг тўй тараддудига киришибдилар. Булар шу жойдан парилар мамлакатига хат жўнатибдилар. Парилар мамлакатининг парилари етиб келишибди. Ҳамма ёқни пари босиб келибди. Бу боғда қирқ кеча-кундуз тўй-томоша, айш-ишрат бўлиб, Сайёрахонни Шовкатбекка никоҳлаб берибдилар. Шундай қилиб, Шовкатбек бир эмас, учта паризод хотинлик бўлиб, буларни ўз ота юртига олиб бориб, у жойда ҳам хурсандлик ва шод-хуррамлик билан қирқ кеча-кундуз тўй-томошалар қилибдилар. Шовкатбек гоҳо париларни ўз ота юртларига олиб бориб, олиб келиб, гоҳо париларнинг ота-оналари бу жойларга келиб-кетиб, борди-келди алоқаларини қуюқ қилиб, дунёда қолган умрини фароғат билан ўтказибди ва мурод-мақсадга етибди.



## Воспирохун

Ўтган замонда Оқ подшо билан Қора подшо деган бўлган экан. Иккиси ҳам доимо бир-бири билан урушиб, бир-бирини енга олмас экан. Кунлардан бир куни Оқ подшо ўз вазирларига шаҳардаги бутун ботир ва полвонларни йиғиб, уруш майдонига жўнатиш учун буйруқ берибди. Вазир полвон қидириб, бозорга борибди. Унга бир Кал учрабди.

— Эй, Кал,— дебди вазир,— бозорда бирорта полвон учратмадингизми?

— Тақсир, полвон сизга нима учун керак бўлиб қолди?— дебди Кал.

Вазир:

— Оқ подшомиз Қора подшо билан бўлган урушда ениб чиқиши учун полвон керак,— дебди.

— Эй, тақсир, ўша сиз излаб юрган полвон мен бўлман,— дебди Кал.

Вазир асосий муддаони айтиб:

— Агар сен қўрқоқлик қилиб қочсанг, гутиб шартта каллангни оламан,— дебди.

— Агарда мен подшонинг буюрганини қила олмасам, мени сўйиб гўштаримни қийма қилиб, бозорда сарсон қилинг!— дебди Кал. Икковлон подшонинг олдига келишибди. Подшо Калнинг саломига алик олмай: «Хўш, Кал, нима учун келдинг?»— дебди. Кал подшога қараб:

— Сизнинг хизматингизга келдим, буюринг, бажарман,— дебди. Подшо вазирга газабланиб:

— Сен ҳали менга шу одамни олиб келдингми?— дебди.

Вазир таъзим қилиб:

— Эй, подшоҳим, сизнинг буйруғингизга биноан пол-

вон ва ботирларни қидириб бозорга борган эдим. Шу Калдан бошқа бирорта талабгорни учрата олмадим.— дебди.

Подшо ёстиққа суянгани ҳолда Калга қараб:

— Ҳа... Ҳа... Ҳали сен Қора подшони энгиб, унинг қизини ва молу дунёсини олиб берадиган бўлдингми?— дебди. Кейин бир оз ўйлаб:— Хўп, майли, агар урушда энгилиб қолсанг, у вақтда сени ўлдириб, гўштингни қийма қилиб, бозорда сарсон қилиш у ёқда турсин, танангни тегирмонга солиб, ун қилиб, гўштингдан чучвара пиширтириб, онангга бериб бозорда сотдираман,— дебди.

Кал подшога таъзим қилиб қўрқмай, ботирларча жавоб қайтарибди:

— Хўп майли, агар мен энгилсам, билганингизни қилинг! Борди-ю, Қора подшони энгсам, у вақтда подшонинг қизини ўзим оламан. Шу шартни мен олдиндан айтиб қўйишим керак,— дебди. Подшо:

— Ҳа... Ҳа...— дебди кулиб,— нима бўлса-да, майли, ишқилиб Қора подшони энгиб менинг обрўйимни олиб бер!

Вазир подшога таъзим қилиб:

— Тақсир, бўлмаса, вақтни ўтказмай, ишни бошлайлик,— дебди. Шунда подшо Калга:

— Хўш, Кал, сенга қанақа от керак?— дебди. Шунда Кал:

— Бўлмаса мен сизнинг отларингизни бир-бир кўздан кечириб чиқай-чи, менга лойиғи бормикин, шундан сўнг, танлаб оламан,— дебди.

Подшонинг отхонасида бир юз қирқта оти бор экан. Кал буларнинг ичидан ҳеч қайсисини ёқтирмабди. Отларни қараб юрганида, отбоқарлар:

— Ҳали, Қора подшони энгиб, қизини олиб берадиган ботир шуми, ва-а,— деб, уни калақа қилишибди.

Калнинг аччиғи чиқибди ва буларнинг шу қилганига бозордан бир от танлаб олай, сўнгра, Қора подшони энганимни томоша қилишсин деб, ўзига қаттиқ аҳд қилибди Кал билан вазир подшо олдига чиқибдилар.

Подшо:

— Хўш, Кал, сенга қайси от ёқди?— дебди.

Кал илжайиб ерга қарабди-да:

— Эй, тақсир, бу отларингиз ичида менга ҳеч бири маъқул тушмади,— дебди.

Подшо анча таъналардан сўнг, Калнинг бозордан ўзи

истаган отни сотиб олишига рози бўлибди. Подшо вазирга:

— Сен бу Кални бозорга олиб бор-да, унинг кўнглидаги отни олиб бер!— дебди.

Вазир Кал билан етти тилла олиб бозорга тушибди. Бозордаги отлар ҳам Калга маъқул бўлмабди. Улар бозорни айланиб юришганида, бир кекса деҳқон отини бозорга етаклаб кирибди. От бозорга кирибди-ю, йиқилибди. Кал отни кўриб вазирга:

— Эй, вазир, ана шу от менинг кўнглимдагидек экан, қани энди эгаси сотса, мен олар эдим, уни қаранг от мени кўриб уялиб ётиб олди,— дебди.

Вазир Калнинг бу сўзига кулиб:

— Эй, Кал, бу отингни итлар ҳам ҳидламайди-ку,— дебди. Кал:

— Эй, тақсир, мени йўлдан чиқарманг ва ўргатманг! Сиз ҳу анови Эррайимбойни танимайсизми, у ҳам очликдан йиқилиб, сўнгра бозорда гадойчилик қилган. Ҳозир у ҳаммадан ҳам бой бўлиб, подшога вазир бўлди. Яқинда Эррайимбой подшонинг қизини олиб, унинг тахтига ўтирмақчи. У мен билан илгаридан қалин ўртоқ ва таниш,— дебди.— Ажаб эмаски, бу от ҳам ўшанга ўхшаб, менинг ёнимда йўлдош бўлиб яхшиланиб кетса, иккаламиз Қора подшони енгиб қизини олсак. Мен шу ниятимга эришаман, албатта,— дебди.

Калнинг қистови билан мажолсиз, ҳароб отни савдо қилиб чол ярим тилла сўраса, Кал уч тилла бериб турганида, бозор оқсоқоли билан даллол келиб:

— Нима гап, нима гап, қанчага битишдингиз, ота,— дейишибди. Чол:

— Шу киши отимга уч тилла бермоқчи бўлиб турибди,— дебди. Оқсоқол ва бозор даллоли отнинг баҳосини минг чорак тилла,— дебдилар. Қолган тилла бозор ҳақимиз учун, деса, Кал бир дўқ қилибди-да, бозор оқсоқоли билан даллолни қувиб юборибди. Вазир қизариб-бўзариб уялиб четга чиқиб тураверибди. Кал чолга уч тиллани берибди. Чол дуо қилиб, хурсанд бўлиб кетибди. Кал бир аравакашнинг аравагини кира қилиб, отни аравага солиб, подшо олдига олиб келибди. Вазир эса, номус қилганидан Калдан кейин бир оз кечикиб подшо олдига келибди. Подшо Калнинг келтирган отини кўриб, қаҳ-қаҳ урибди-да:

— Эй, Кал, сен ҳали шу от билан Қора подшони енг-

моқчимисан, бу отинг шамолда қулайди-ку! Мен сенга бутга сакрайдиган яхши от олиб берай, ташла буни,— деса, Кал:

— Майли, нима бўлса ўзимдан, ишингиз бўлмасин, енгиб чиқсам бўлдими?— деб подшо, вазир ва отбоқарларнинг сўзига қулоқ солмабди.

Кал отни икки ой-ю етти кун боқибди, яна етти кун совутибди. Сўнгра, от етилиб яхши от бўлибди. Олдига бошқа одамни йўлатмайдиган бўлибди. Подшо Калга:

— Отинг тайёр бўлдими, урушмоқ учун тайёрмисан?— дебди ва отни кўриб:— Кал, энди омадинг келибди, менинг обрўйимни энди оладиган бўлибсан, лекин бошда ичган қасамингни унутма,— дебди. Отнинг тайёр бўлганини кўргач, подшо Калдан сўрабди:— Хўш, Кал, энди сенга қанақа қурол ва қанча аскар керак,— дебди. Кал:

— Менга отимдан бошқа ҳеч нарса керак эмас, на қурол ва на аскар... Менга рухсат этсангиз, отамдан қолган қурол бор эди, шуни бориб олиб келсам,— дебди.

Подшо жавоб берибди. Кал ўз уйига бориб:

— Она! Отамдан қолган уруш қуроallarини бер,— дебди.

— Вой, болам, отангдан ҳеч нарса қолган эмас. Ҳамма майда-чуйда уй-рўзгорларини ҳам сотиб сени тўйдириш учун сарф қилганман,— дебди онаси.

— Эй, она, отамдан жуда бўлмаса, эски ошпичоқ билан косов ҳам қолган эмасми,— дебди Кал.

— Ҳа, болам у бўлса бор, эшикнинг тепасидадир,— дебди онаси.

Кал ошпичоқ билан ўчоқ бошидаги косовни олиб жўнабди. Подшо бу ҳолни кўриб қўрқибди. Ўзидан хавф олибди. Ҳеч бўлмаса, бир қилич билан бир милтиқ ол, деса, Кал:

— Йўқ, менга ошпичоқ, косов ҳам шу отдан бошқа ҳеч нарса керак эмас, шулар менга йўлдошдир,— деб овқатларни ғамлаб олиб, подшо билан хайр-хўшлашиб урушга жўнабди.

Кал уруш майдонига бориб, бир толнинг тагида ётибди. Қорни очганидан қаттиқ нон еб ўтирибди. Шу вақтда, Калнинг олдига ўн тўрт-ўн беш ёшлардаги чиройли бир бола келибди. Бола Калдан:

— Эй, Кал, сен бу ерда нима қилиб ётибсан?— деб сўрабди. Кал болага:

— Эй, ўртоқ, менинг ишимни қўявер, бошимга шундай иш тушганки, тоғдан оғир, тошдан қаттиқ.

— Эй, Кал, айт сирингни, ёки мени дўст деб билмай-санми?— дебди бола. Кал:

— Агар сен менинг ишимга ёрдам берсанг айтаман,— дебди.

— Хўп бўлмаса, сенинг ишингга мен ёрдам берганим бўлсин,— дебди бола. Шунда Кал:

— Менга Оқ подшо тоғдан оғир, тошдан қаттиқ — ечиб бўлмайдиган бир ишни буюрди. Оқ подшо билан Қора подшо урушиб ҳеч бир-бировини енга олмас экан. Оқ подшо мени Қора подшо билан урушиб енгилди учун юборди. Вақт оз қолди. Уруш майдонида Қора подшо мени кутиб турибди. Иккиси гаплашиб турганида Қора подшонинг: «Урушни бошлаймиз, тайёр бўл душман!» деган хабари келибди. Кал:

— Ана, урушга буйруқ бўлди, дўстим энди нима қиламиз?— дебди. Бола:

— Қани бўлмаса, сен анови уйга бориб овқатингни қилиб ўтиравер! Отингни менга бер, сен аралашма! Ўзим енгил бераман,— дебди-да, отни миниб Қора подшога қарши уруш майдонига отни чоптириб кетибди. Бола уч дуони ўқибди: биринчисида ўзи пўлатдан кийинибди, иккинчисида оти ҳам пўлатга айланибди, учинчисини ўқиганда, йиғса бир газ, ёзиб юборса қирқ газ бўладиган бир қилич қўлида пайдо бўлибди. Қора подшо уруш эълон қилибди. Жанг қизиб кетибди. Бола урушиб, Қора подшо аскарларининг тўртдан уч қисмини қириб ташлабди. Бир бўлаги қолганда, подшо аскарларининг ҳаммаси қочиб кетибди. Бола билан отнинг баданига ўқ кирган экан, бола бир дуо ўқиб, ўзини ва отини силкитса дув этиб баданларидаги ўқлар тутдек тўкилибди. Уруш майдони душман аскарларининг ўлиги билан тўлган эди. Оқаётган қон эса, отнинг бўйнига етибди. Бола Қора подшони енгил, Калнинг олдига келиб душманни енгганини, Қора подшо аскарларининг тўртдан уч қисмини қириб ташлаганини ва подшо аскарларининг тўртдан бир қисми қолганини айтибди.

Кал билан бола овқатланиб олишибди. Овқат еб турганларида яна Қора подшо карнай чалдирибди. Бола шайланиб яна урушга кирибди. Бу охириги урушга подшонинг ўзи ҳам келган экан. Подшо болани кўриши билан тумтарақай бўлиб орқасига қарамай қочибди. Аскарларининг ҳаммаси енгилди. Бола Калнинг олдига келибди ва бутун

воқеани айтиб берибди. Бола билан Кал Оқ подшо олдига келишибди. Йўлда бола Калга:

— Мен бир ўзим Қора подшони енгдим, деб айтгин!— дебди.

Кал келиб хурсанд бўлиб, подшога бутун воқеани айтиб берибди. Подшо ва унинг одамлари бу ишга ҳайрон бўлибдилар. Калнинг оғзи қулоғига етибди. Оқ подшо суюнганидан Калнинг кал бошига қарамай, унинг пешонасидан ўпибди.

— Менинг обрўйимни олиб келибсан, кўп яша, Кал,— деб, елкасига қоқибди.

Эртасига Қора подшодан элчилар хат олиб келибдилар. Бу хатда: «Мени енгган баҳодир ким эди, мен ўшанга қизимни бераман», дейилган ва Оқ подшони одамлари билан келсин деб, чақиртирилган экан. Оқ подшо ўзининг энг яқин кишилари билан бирга Кал ва болани олиб Қора подшоникига борибдилар. Кал билан бола бир отга мингашиб борибди. Ҳар хил овқатлар билан Қора подшо уч кечаю уч кундуз уларни меҳмон қилибди. Оқ подшо одамлари. «Энди кетамиз!» деб турганларида, Қора подшонинг бир қари вазири туриб:

— Эй, дўстлар, ҳаммамиз бир пойга қилайлик, қайси биримиз маррага олдин етиб борсак, Қора подшо қизини шунга берсин,— дебди. Шу вақтда бола Кални бир чеккага чақириб олиб, бир дуо ўқибди-да, бир яхши от пайдо қилибди ва Калга қараб:

— Кел, сен шу отга мин ва пойгада иштирок қил, мен қараб тураман, чопиш бошланганда, сен жим туравер, қачонки, бошқалар сендан уч соат илгари чопганларидан сўнг, сен чопарсан. Сенинг отинг бир сакраганда олти чақирим йўлни босади деб, Калнинг қулоғини пишитибди. Оқ подшонинг одамлари рози бўлибдилар. Пойга бошланибди. Кал уч соат кейин чопибди ва улардан тўққиз соат илгари бориб турибди. Бу ишларга Қора подшо қойил қолиб, қирқ кечаю қирқ кундуз тўю томошалар билан қизини Калга никоҳлаб берибди. Оқ подшо ҳам қайтадан тўй қилиб берибди. Тўйдан сўнг, бола Калдан кетиш учун ижозат сўрабди. Кал жавоб бермабди. Бола: «Жуда ишим зарур»,— деб, кетишга тайёрланибди. Бола кетаётганида, Кал:

— Эй, қадрдон дўстим, жуда бўлмаса кетиш олдинда исмингни айтиб кет ва сендан менга бирорта ному нишона қолсин,— дебди.



Бола чўнтагидан паккисини чиқариб:

— Шунга қараб «Воспирохун» десанг, мен истаган жойингда бошингга ҳар қандай қийинчиликлар тушса ҳам ёрдам қилишга тайёр бўламан. Берган ошингга рози бўл деб, паккини бериб, бола жўнаб кетибди. Тўйдан уч кун ўтгандан кейин Кал хотинига:

— Маҳсимни торт!— дебди. Подшонинг қизи маҳсини тортганда, маҳси қўнжидан пакки тушибди, шунда Кал:

— Эй, Воспирохун,— деб, паккини уч марта ўпиб чўнтагига солибди. Калнинг бу сўзларини эшитган янгаси Калга:

— Эй, ҳали сиз Воспирохунни билар экансизу, Қора подшонинг қизини хотин қилиб нима қиласиз?— дебди. Шу вақтда Кал:

— Эй, хола, нима дедингиз, яна қайтариб айтинг,— дебди. Хотин яна қайтариб айтибди. Кал янгасига:

— Ҳали Воспирохун қизми?— деб сўрабди. Янгаси Калга:

— Ҳали Қора подшони енган ботир бўла туриб ўз олдингизда бирга юрган одамнинг қизми, эркакми эканлигини ажрата олмадингизми?— дебди.

Кал эҳ, деб, пешонасига бир уриб ўрнидан туриб жўнаб кетибди. Кал кўп юрибди, кўп юрса ҳам мўл юрибди. Бир даштга чиқибди. Даштда учта йўл учрабди. Бирига борса келар, иккинчисига борса даргумон, учинчисига борса келмас, деб ёзиб қўйилган экан. Кал ўйлаб туриб, борса келмасга қараб жўнабди. Кал бир жойга борибди ва бир чолни учратибди. Чол Калга:

— Эй, Кал, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган жойда нима қилиб юрибсан?— дебди.

— Мен бир ўртоғимни қидириб келдим,— дебди Кал. Чол:

— Ўртоғингнинг номи нима, айт!— деса, Кал:

— Исми «Воспирохун»,— дебди. Чол:

— Эй, болам Воспирохунга овора бўлмай қўя қол, чунки сендан бошқа катта подшолар ҳам шу Воспирохуннинг бир тола сочи сувда оқиб келармикин, деб сувга тўр ташлаб, интизор бўлиб юрибдилар. Сен овора бўлмасанг ҳам бўлади. Бу ердан ўтиш мумкин эмас. Қўрғон ичида девлар пойлаб ётишибди. Улар сени ўлдиришлари мумкин. Воспирохуннинг олдига фақат уни бирор номи-нишони, тутатқиси бўлган одамгина бора олади ва бу йўлдан ўта олади,— дебди.

— Майли, нима бўлса толеимдан,— деб Кал чолнинг сўзига қулоқ солмай ўтиб кетаверибди. Чолдан ўтиб бир жойга борса, бир дарвоза кўринибди. Дарвозани секин очса, ўнг томонда туя, чап томонда ит боғланган. Итнинг олдида похол, туянинг олдида сўнтак турибди. Ит суякка, туя похолга тикилганларича туришибди. Ҳар иккиси занжир билан маҳкам боғланган. Кал похолни туяга, сўнтакни итнинг олдига қўйибди-да, ўтиб кетаверибди. Яна бир эшик кўринибди. Эшикдан мўраласа, ҳовлида девлар ухлаган, фақат бир дев эшик олдида қоровул бўлиб турганмиш. Кал Воспирохундан ўрганган дуосини ўқиган экан, қоровул дев ҳам тарашадай қотиб ухлаб қолибди. Шу вақтда Кал орқасидан бир мушук келаётганини кўрибди. Мушукни секин ушлаб олибди-да, қараса, бўйнида қирқта калит осиглиқ экан. Кал чўнтагидан паккини олиб, мушукни ўлдирибди ва калитни чўнтагига солибди. Уйга кирса, ҳамма ёқ қулфланган, қаердан чиқиб кетишини билмай қолибди. Қирқ калитнинг ичидан каттасини олиб, уй эшигини очибди. Уйда бир катта дев ётган экан. Кал Воспирохун ўргатган дуони ўқиб, тутатқини тутатса, Воспирохуннинг қиличи пайдо бўлибди. Кал девни қийма-қийма қилиб ўлдирибди ва бу уйдан кўчага чиқиб кетибди. Кал кўп юрибди, охирида бир жойга келиб, яна қари бир чолга учрабди.

Чол:

— Эй, болам, сен бу жойда нима қилиб юрибсан?— деб сўрабди. Кал:

— Мен бир одамни излаб юрибман,— дебди. Чол:

— Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган бу жойда кимни излаб юрибсан,— дебди. Кал:

— Эй, ота, менинг излаб юрган кишимни ҳеч ким билмайди. Мен Воспирохун деган қизни излаб юрибман,— дебди.

— Тўғри кетаверсанг шу йўл учга бўлинади, сен ўнг томонга юргин. Анча юрганингдан кейин катта сув учрайди, сувни ёқалаб кетаверасан, уч тармоқли сув бирга қўшилиб кетадиган жой бор. Сен сувнинг ҳайбатидан қўрқма ва ўзингни сув ичига ташла, сувнинг ичига тушганингда чуқурроқ жойда бир уй кўринади. Сен боришинг билан бу уйнинг эшиги очилади. Эшикдан уйга кирасан, уйнинг тўрида бир кампир ўтирганини кўрасан. Бу кампир Воспирохуннинг ойсис. Сен шу кампирга паккини кўрсатиб Воспирохунни сўрайсан ва паккини кампирга берасан-да, менга Воспирохунни топиб беринг дейсан. Шу кампир сен-

га Воспирохунни топиб беради. Сенинг арзи додингга шу кампир етади,— дебди.

Кал чолнинг кўрсатган йўли бўйича бориб айтганини қилибди. Кал ўзини сувга ташлабди. Сув тагидаги уйга кирибди. Кампирни кўриб, Воспирохунни сўрабди. Кампир:

— Эй, болам, сен бу ерга қаердан келдинг, сени ким келтирди, нима учун келдинг?— дебди. Кал:

— Мен Воспирохун деган қизни излаб келдим. У менга шу пичоқни белги қилиб берган,— дебди. Кампир:

— Қизимнинг бахти сенга очилган экан, қизим сенга буюрган экан,— дебди. Кал:

— Қани, тезроқ айтинг, қизингиз қаерда ва қачон келади,— дебди. Кампир:

— Эй, болам, мана бу калитни олиб, шу йўлакдан тўғридаги кўриниб турган уйга борасан. Уй тепасида «Воспирохун» деб ёзиб қўйилган оят бор. Эшикни эҳтиёт бўлиб, очиб қарагин. Қизим яқинда уйқуга кирган, у қирқ кун ухлайди, ўзинга эҳтиёт бўл, тагин унинг ҳуснини кўриб ҳушингдан кетиб қолма. Деворларга қирқта тилла қоziқ қоқилган. Қизимнинг қирқ тола сочини шу қоziқларга боғлайсан. Сўнгра, қизнинг устига ўзингни ташлаб, уни маҳкам қучоқлаб оласан. Қизим уч марта қўзгалади, шу қўзғолишда эҳтиёт бўл, чопонингнинг бари деворга тегмасин, агар бари тегса, қизим сени қаердан келган бўлсанг, ўша жойга отиб ташлайди,— дебди. Кал кампирнинг айтганини қилибди. Эшикни очибди, қизнинг сочини тилла қоziқларга боғлабди. Ўзини қизнинг устига ташлабди. Қиз уч марта тўлғонибди. Калнинг бари деворга тегмабди. Қиз уйғонибди ва Калга қараб:

— Оббо Кал-эй, мени топиб келдингми?— дебди.

Кал билан Воспирохун бирга турмуш кечириб юраверибдилар.

Кунлардан бир куни Кал уйда зерикканидан Воспирохуннинг қиличини олиб овга кетибди. Кал овга кетиш олидида қизга:

— Мен узоқ жойга кетаётирман. Сени соғиниб қоламан. Шунинг учун расмингни берсанг,— дебди. Қиз:

— Мен сенга шу шарт билан суратимни бераманки, шамолда ва сув бўйида кўрмайсан. Чунки, менинг соямга ошиқ бўлган подшоларнинг сон-саноғи йўқ. Менинг бир тола сочимга зор бўлган подшолар сувга тўғон солиб, тўр ташлаб, пойлаб ётибдилар. Агар сувда менинг расмим бо-

риб қолса, иш чатоқ бўлади. Сен мандан ажраласан,— дебди. Кал:

— Хўп,— дебди. Қизнинг расмини олиб овга борибди. Ов жуда қизиб кетибди. Овдан қайтибди ва йўлда қизнинг айтган шартни кўнглидан кўтарилиб, кўп тутилган овга маҳлиё бўлиб сув бўйига келибди. Бирдан расм эсига тушиб қолибди. Қўйнидан олиб қарабди. Шу вақтда қаттиқ бўрон бўлиб, Калнинг қўлидаги расмни шамол учириб, олиб бориб сувга ташлабди. Сув расмни оқизиб кетибди. Кал уйига хафа бўлиб қайтибди. Қиз:

— Нима учун хафасиз?— дебди. Кал:

— Мен бугун кўп ов овладим. Шунга қизиқиб кетиб сенинг шартингни унутиб, суратингни сув бўйида кўрсам бўладими?.. Қаттиқ шамол туриб, суратингни учириб кетди,— дебди. Қиз:

— Э кал, мен сенга тайинлаган эдим-ку, энди майли, бўлар иш бўлибди,— дебди.

Булар ўз турмушларини кечира берсинлар, энди икки калима сўз суратдан эшитинг.

Сурат оқиб келиб бир подшонинг тўрига илинибди. Тўрни подшонинг одами кўтарса, бир қизнинг расми чиқибди. Балиқчи севиниб югуриб, расмни подшонинг олдига олиб борибди ва:

— Э подшоҳим, Воспирохун сенга тегмоқчи бўлибди, ўзидан илгари суратини юборибди,— деб подшога қизнинг суратини берибди.

Подшо севиниб, ўз вазир ва балиқчиларини чақириб, шу қизни қандай бўлмасин олиб келасанлар, кимда-ким шу қизни олиб келса, бўйи баравар тиллага кўмаман, агар топиб келмасангизлар бошларингизни оламан!— дебди. Ҳамма одамлари ҳар ёққа тарқалишиб қидириша бошлабдилар, сурат подшога қолибди. Кунлардан бир кун подшонинг бир вазири қидириб юриб бир тўйга кириб қолибди ва у жойдаги бир дастурхончи кампирга бу воқеани айтибди. Кампир:

— Воспирохунни топиб берадиган одамингиз мен бўлман,— дебди. Вазир:

— Агар қизни топиб келмасанг подшо сени майда-майда қилади-я,— дебди. Кампир:

— Агар подшо менинг айтганимни қилиб берса, ба-жараман,— дебди. Вазир:

— Сен нима истасанг подшо қилиб беради, мен бунга сени ишонтира оламан,— дебди.

Вазир кампирни подшо олдига олиб борибди. Дастур-хончи — шум кампир подшога салом бериб:

— Буюрган ишингизни мен бажараман,— дебди. Подшо:

— Фалон жойда Воспирохун деган бир қиз бор, шуни қандай бўлмасин олиб келишинг шарт, нима десанг бераман, олиб кела олмасанг, бошинг ўлимда, молинг талонда,— дебди. Кампир:

— Э подшоҳим, сиз шартингизни айтиб бўлган бўлсангиз, энди менинг ҳам икки оғиз шартим бор, қулоқ солсангиз айтаман,— дебди. Подшо «хўп, айт!»— дебди. Кампир:

— Мен ҳам нима десам, нима буюрсам, шу нарсаларни бажарасиз,— дебди. Подшо:

— Айтганингни юзага келтираман, бажармасам ўша кундан бошлаб подшоликдан тушганим бўлсин,— дебди.

— Менга бир кема ясаб келтирасиз, у жуда чиройли ва ғалати бўлсин. Чап қулоғини бурасам Воспирохун эшигида, ўнг қулоғини бурасам сизнинг уйингиз олдида тўхтайдиган бўлсин. Кема ичи турли-туман газлама-моллар билан тўлсин. Бир кўк эшак ва бир болта ҳам берасиз,— дебди. Подшо кампир айтганларини тайёр қилибди. Кампир кемага тушиб чап қулоғини бурабди, шунда кема Воспирохун эшиги тагида бўлибди. Шу вақтда Кал овдан қайтаётган пайт экан. Кампир Кални кўриб, кўк эшакнинг оёғига бир болта урибди-да, йиғлаб ўтирибди. Кал йиғлаб ўтирган кампирни кўриб қолиб, раҳми келиб:

— Э она, нима учун йиғлаб, дилингизни сиёҳ қилиб ўтирибсиз,— дебди. Кампир:

— Э болам, ҳеч сўрама! Мен ҳар йили Ҳажга уч марта борар эдим. Бу йил икки марта бориб, энди учинчи марта борай деб турганимда, сенинг эшигинг олдида эшагимнинг оёғи синди. Қаёққа боришимни билмай шу жойда тўхтаб қолдим. Эшагимнинг оёғи тузалгунча бир-икки кун уйингга кириб турсам савоб бўлар ахир, болам,— дебди.

Калнинг кампир ҳолига раҳми келибди ва онаси ҳам хотинининг «керак эмас, киргизма!» деганига қарамай, бу кампирни уйига олиб кирибди. Кампир икки-уч кун Калнинг уйида турибди. Икки-уч кундан сўнг Воспирохунга:

— Э келин, юринг бошингизни ювиб, томоша қилиб келасиз. Ташқарида кемада жуда кўп ҳар хил моллар ке-

либди. Агар ёқса, эрингизга олдиарсиз,— дебди. Воспирохун:

— Йўқ, мен эримдан сўрайин, агар у рухсат этса, чиқаман,— дебди.

Кечқурун Кал келганда, Воспирохун Калдан сўрабди. Кал:

— Сен нима билан хурсанд бўлсанг, мен шунга рози!— дебди. Биринчи кун Воспирохун онасининг қаршилигига қарамай, кемага кампир билан бирликда чиқибди, Кал эса овда бўлибди. Кампир бу пайтдан фойдаланиб:

— Қизим мана бу кийимликларни кўр, жуда чиройли ва яхши экан,— деб уни кемага туширибди ва кеманинг ўнг қулоғини бурабди. Кема подшо тахти олдига келибди. Воспирохун:

— Э, шум ялмоғиз кампир, мени сен қаерга олиб келдинг?— деб, кампирнинг елкасидан ушлаб кўтариб ерга бир урибди. Кампир ерга кириб кетибди. Подшо одамлари Воспирохунни тутиб олибдилар ва подшо олдига олиб келибдилар. Воспирохун подшога қўрқмасдан ботирларча:

— Э подшо, мени бу жойга нима мақсадда олиб келдинг,— дебди. Подшо:

— Воспирохун, мен сени олмоқчиман, шунинг учун бу ерга келтирдим,— деса, Воспирохун:

— Агар мени хотин қилиб олмоқчи бўлсанг, у вақтда бизнинг шаҳаримизда бир расм-одат бўлади, шуни бажариб оласан!— дебди. Подшо:

— Хўп, хўп, айт!— дебди. Воспирохун:

— Ўттиз кун муддат бераман, шу муддат ичида учта уй соласан, ҳаммаси шийпонлик ва подваллик бўлсин, ҳам-

бўлиб Воспирохунни излаб кетибди. Излаб кетатуриб, подшонинг шахрига бориб, бозорни айланиб юрибди.

Энди Воспирохундан эшитинг.

Тўй яқинлашган сари Воспирохун ўзини касалликка солаверибди. Қиз ўзининг касаллигини айтиб, яна уч кун муҳлат сўрабди. Подшо:

— Хўп,— деб яна уч кун муҳлат берибди. Қиз янги уйга кирибди ва подшога сўзламай диққинафас бўлиб, хафа ҳолда ўтирибди. Шу пайтда подшо қиздан: «Нима учун хафасиз?»— деб сўрабди. Қиз:

— Мен ниҳоятда зерикдим, қаердан бўлмасин мени овутадиган одам келтирсанг, кўнглим очилса,— дебди. Шунда подшо бутун машшоқ, ўйинчи, созандаларни келтирибди. Ҳеч бири қизни хурсанд қила олмабди. Энг охири вазирлардан бири бозорга тушиб қаландар кийимидаги Кални қизнинг олдига олиб чиқибди. Қиз қаландарни кўриб, ўзининг эри—Кал эканини билибди ва ётган жойидан имлаб қўйибди. Подшо қаландар ва қизни шароб билан меҳмон қилибди. Қиз ичмабди. Шаробнинг кўпини подшо ичиб, маст бўлиб қолибди. Қаландар бир оҳангини келтириб ғазал ўқибди-да, подшони жуда маст қилиб, ҳушидан кетказиб қўйибди. Қиз Калга:

— Пайтдан фойдаланиб қочмаймизми?— дебди. Кал:

— Хўп,— дебди.

Қиз ғазнага кириб, тилладан олиб чиқмоқчи бўлибди. Кал девол тепасида ўтирибди. Шу кечаси Воспирохунни ўғирлаш учун бир қанча ўғрилар келиб, девор орқасида турган эканлар. Кални кўрган ўғрилардан бири, бир уриб

нидан туриб қараса, на қаландар ва на Воспирохун бор. Ҳеч ким йўқ, у вазирини чақириб сўраса, билмайман дебди. Подшо Воспирохунни қидиришга буюрибди. Ҳеч қаердан топа олмабдилар. Подшо хазинага кирса, эшиги очиқ, олтинлар йўқ эмиш. Эҳ, мени роса боплаб кетипти-я, деб турган экан, ўрага кўзи тушиб қолибди. Қараса, Кал мингиллаб ётганмиш. Подшо қаландарни ўрадан арқон солиб тортиб олибди-да, ундан:

— Сен бу ерда нима қилиб ётибсан?— деб сўрабди.

— Ўзим ҳам қандай қилиб ўрага тушиб қолганимни билмайман. Кечаси мени биров бир уриб шу ўрага тушириб юборди. Бошқа ҳеч нарсани билмайман,— дебди Кал.

Подшо Калнинг қорнини тўйдириб: «Бор, энди кетавер»,— дебди.

Кал уйига қайтиб келибди. Келса Воспирохун бир қанча тиллолар билан уйда ўтирганмиш. Ҳар иккиси ҳам ўз бошларидан ўтган воқеаларни бир-бирларига сўзлаб берибдилар. Кал Воспирохунни ва онасини олиб ота шаҳрига — Оқ подшо олдига келибди. Кал келса, Оқ подшо ҳали ҳам халқнинг тазйиқи билан Қора подшонинг қизини Калга атаб, тегмасдан олиб ўтирган экан. Қирқ кечаю қирқ кундуз тўю томоша қилиб, ўз қизини, Қора подшонинг қизи билан Воспирохунни унга олиб берибди ва ўз ўрнига подшо қилиб қўйибди. Бу тўйда Калнинг онаси ҳам бор экан. Орадан бир-икки йил ўтибди. Кал подшо бўлгач, тез-тез овга чиқиб турибди. Овда юганида худодан ўғил тилабди. Уйига қайтиб келиб, хотинларидан нима туғишларини сўрабди. Воспирохун:

— Бир қиз, бир ўғил туғаман, боши тилло-ю, тани кумушдан бўлади,— дебди. Оқ подшонинг қизи икки ўғил, қора подшонинг қизи эса бир ўғил, бир қиз туғаман дебди. Орадан бир қанча вақт ўтибди. Воспирохуннинг бўйида бўлибди. Кундошлари эса, жимжит. Подшо овга чиқиб кетибди. Воспирохуннинг ой-куни яқинлашибди. Кундошлари буни кўра олмабдилар. Ҳар икки кундош Воспирохунни тўлғоқ тутаетганда, унга:

— Биз яхши доя хотин олиб келамиз,— деб бир кампирни пулга ёллаб, туғиладиган болани йўқотиш фикрига тушибдилар ва кампирга йўл ўргатибдилар. Кампир болаларни яшириб, ўрнига ўша куни туғилган икки ит боласини қўйибди-да, чақалоқларни чўл-биёбонга олиб чиқиб ташлабди.

Кал подшога:

— Хотиннингиз бир қиз, бир ўғил туғди,— деган хабар



кетибди. Подшо хурсанд бўлиб, овдан қайтиб келса, хотини одам эмас иккита ит боласини туққан эмиш. Буни кўриб газабланибди. Сўнг вазирига:

— Зиндонга ташланглар буни!— дебди.

Воспирохун кўзидан милт-милт ёш тўкибди. «Наҳотки мен ит туққан бўлсам», деб хафа бўлибди.

Воспирохунни зиндонга ташлабдилар.

Энди гапни Воспирохуннинг болаларидан эшитинг.

Иккита гўдак чўлда биғиллаб йиғлаб ётган экан, тепасига бир нуруний чол келиб қолибди. Унинг болаларга раҳми келибди-да, қўлидаги ҳассасини уларнинг атрофидан айлантирибди. Шунда бир катта, чиройлик темир қўрғон пайдо бўлиб қолибди. Шундан сўнг чол энди бу болаларни ким боқар экан, деб тоққа томон юра бошлабди, шу вақтда унинг қаршисидан бир кийик чиқиб қолибди. Чол кийикка:

— Эй жонвор, нега хафасан,— дебди. Кийик:

— Э тақсир, менинг иккита болам бор эди. Шулар тоғда ётишипти. Уларга сира сут еткиза олмаяпман, болаларим оч, сутим кам,— дебди. Чол:

— Э кийик, сен ўз болаларингни олиб анави темир қўрғонга бор. У жойда иккита инсон боласи ётибди. Шуларни ҳам ўз болаларинга қўшиб эмиз, сутингга сут қўшилади,— дебди.

Кийик болаларни тарбиялабди, болалар ҳам катта бўлишаверибди. Ўғилга Соҳибқирон, қизга Соҳибжамол деб, ном қўйибди. Булар катта бўлгач, кийик ўз болаларини олиб тоққа кетибди. Бола ов қилиб, ўз синглиси билан кунини ўтказиб юраверибди. Кунлардан бир кун доя кампир темир қўрғонга келибди. Бола овда экан. Қиз бўлса ташқарида ўйнаб юрган экан. Кампир қизни дарров танибди ва унга:

— Сен уйда бир ўзинг зеркиб, юрагингни қон қилиб ўтираверасанми?— дебди. Қиз:

— Бўлмаса нима қилай,— дебди. Кампир:

— Мен сенга айтсам, акани келганида хафа бўлиб ўтирасан. Аканг нима учун хафасан, дейди. Шунда сен фалон жойда бир гул ва булбул бор экан, шуни олиб келиб берсангиз, сиз овга кетганингизда мен шу гул ва булбуллар билан овнардим дегин,— дебди.

Кечқуруқ қизнинг акаси келибди. Қараса, синглиси хафа бўлиб ўтирган эмиш. Акаси:

— Хўш, синглим, сенга нима бўлди? Хафа кўринасан,— дебди.

Қиз кампир айтган гул ва булбулни келтиришни акасидан сўрабди. Акаси:

— Бисотимда фақат биргина синглим — сен бор экансану, айтганигни жойига қўймайманми,— деб жўнаб кетибди. Болага йўлда яна ўша донишманд чол учраб, ундан ҳол-аҳвол сўрабди. Бола гул билан булбулни қидириб кетаётганини айтибди. Чол:

— Эй ўғлим, бу жуда қийин ва узоқ йўл. Мана, сенга йўлдош бўлсин,— деб, ёзганда қирқ газ, йиққанда бир газ бўладиган қилич ва бир милтиқ бериб, жойини аниқлаб, тайинлаб жўнатибди. Бола бобо айтган жойга келиб бир чиройлик боғни кўрибди. Турли-туман гул ва булбуллар сайр этмоқда эканлар. Эшик олдида бир дев қоровул экан. Бола девнинг орқасидан келиб, қилич билан шартта калласини олибди. Шу боғдан яна уч-тўртта дев олдинма-кейин чиқа бошлабди, бола галма-гал ҳаммасининг калласини узибди. Сўнгра, боққа кириб, айтган гулни таги билан олибди-да, жўнабди. Булбуллар гулнинг атрофида гир-гир айланиб, бола билан бирга келишибди. Қиз гул ва булбулни кўриб жуда севинибди.

Яна иккинчи марта кампир келибди. Гул ва булбулни кўриб ҳайрон бўлибди ва боланинг ўлмагани учун ичидан қиринди ўтибди. Яна қизни ишга солибди.

— Э болам, энди ҳовлинг жойига тушибди, булбуллар сайраган, гуллар очилган, кайф қилиб зерикмай ётасан. Бироқ, энди яна бир камчилиги бор,— дебди. Қиз:

— Айтнинг онажон,— дебди. Кампир:

— Болам, бу булбулларнинг сайраши, гулларнинг очилган бўлиши устига энди фалон тоғда қанотли оқ от бор, қани энди аканг шу отни ҳам олиб келиб берса, олдингда кишнаб турса,— дебди.

Қиз кечқурун акаси овдан қайтиб келгач, ўзини яна хафаликка солибди. Акаси сабабини сўраса, қиз:

— Мен тушимда қанотли оқ от кўрдим. Шу отни келтирсангиз олдимда кишнаб турса,— дебди.

Бола хўп деб, отни ахтариб чиқиб кетибди. Йўлда яна бобо учраб, боладан ҳол-аҳвол сўрабди. Бола бутун воқеани айтибди. Шунда чол бобо:

— Э болам, бу отни қўлга киритиш жуда қийин ва мушкул иш-ку,— дебди. Бола:

— Қандай бўлмасин синглимнинг айтганини бажаришим керак,— дебди.

Бобо болага:

— Бундан бир қамишзорга борасан, кечки пайтда бир от ўтади, шу вақтда ирғиб устига миниб оласан, от осмонга кўтарилади-да, бориб бир тилла устунга ўзини уради, устун чил-чил бўлади. Сўнг кетига қайтади. Шунда сен отнинг бошини ўз уйинг томон бурасан. Шояд шундай қилиб отни қўлга киритсанг.

Бола донишманд бобо айтганининг ҳаммасини бажо келтирибди-да, отни ўз уйига омон-эсон олиб келиб боғлабди. Синглиси жуда хурсанд бўлибди.

Учинчи марта яна кампир қизнинг олдига келибди. Гул, булбул ва отни кўриб ҳайрон қолибди, ич-ичидан зил кетибди. Яна қизни ишга солибди. Кампир:

— Эҳ болам, яна бир камчилигинг қолди. У ҳам бўлса фалон юртда Сангил сополтош деган бир қиз бор. Акангга айтиб келтиргин, у сенга янга, акангга хотин ва йўлдош бўлсин,— дебди.

Қиз яна акаси овдан қайтганида ўзини хафаликка солибди. Акаси:

— Нима учун хафасан?— дебди. Синглиси:

— Гуллар очилиб, булбуллар сайраб, от кишнаб турса-ю, фақат менга бир овунчоқ, йўлдош бўлмаса.

— Бўлмаса, айт, нима қилай.— дебди акаси.

— Фалон юртда Сангил сополтош деган бир қиз бөр, шуни келтирсангиз экан. Мен бунни тушимда кўрдим,— дебди қиз.

Акаси отни миниб қизни ахтаргани кетибди. Йўлда яна бобо учрабди, боладан ҳол-аҳвол сўрабди:

Бола воқеани англагач, чол:

— Э болам, бу жуда оғир ва мушкул иш-ку! Хайр майли, мен сенга йўлини кўрсатай. Бундан боришингда бир дарё учрайди. Тўлқиннинг зарби отингни қайтаради. Сен етти-саккиз марта орқангга тисланасан. Сўнг сувни кечиб дарёнинг нариги ёғига ўтасан. Узоқдан бир қора эчки кўринади, бориб қарасанг қора тош бўлиб чиқади ва шу тош атрофида бир қанча одам ва ҳайвонларнинг тош ҳолида ётганларини кўрасан. Шу вақт сен: «Сангил сополтош» деб чақирасан. Биринчи чақиришингда оёгинг, иккинчи чақиришингда гавданг, учунчи чақиришингда томоғинггача тош бўлади, тўртинчи чақиришингда бутун атрофингдаги тошлар одам ва мол бўлиб тирпади ва: «Мени ким чақирди», деб бир қиз пайдо бўлади. Одамлар мен, мен деб, қизнинг атрофини ўраб олади. Шу вақтда қиз сенинг олдинга келади, сен:

— Мен чақирган эдим,— дейсан. Қиз:

— Сени ким юборди,— дейди. Сен:

— Мени донишманд бобом юборди,— дейсан. Қиз ўз номини айтиб:

— Сангил сополтош — мен сенга йўлдош,— дейди. Шундан сўнг қиз дуо ўқийди, одамлар ҳаммаси тош бўлиб қолади. Сен қизни ўз отингга мингаштириб жўнаб келаверасан,— дебди.

Бола чолнинг ҳамма айтганини қилибди ва қизни уйига олиб келибди. Хотин қилиб олибди.

Бола овга чиқиб кетганида яна кампир келибди. Қизни ҳам олиб келганини кўриб:

— Ана энди мақсадингга етибсан болам,— дебди.

Шу вақт кампирни кўрган Сангил сополтош қизга:

— Сиз нима учун бу кампирни бу ерга келтирдингиз?— дебди.

Қиз эса бутун нарсаларни шу кампирдан ўрганганини айтибди. Шу вақт Сангил сополтош:

— Аттанг, бу кампирни бу ерга келтириш керак эмас эди, деб турганида, эшикдан бола кириб келибди. У кампирга:

— Бизнинг уйда нима қилиб юрибсан?— деса, кампир:

— Бу нарсаларнинг ҳаммасини келтиришга мен сабабчи бўлдим,— дебди.

Шунда бола қиличини чиқариб, кампирни қийма-қийма қилиб ташлабди. Бола эртасига овга чиқиб кетибди. Бола даштда Кал подшо билан учрашиб қолибди. Булар бир-бирига йўлдош бўлиб ов овлашибди. Лекин, бахтга қарши, шу кун Кал подшо ҳеч нарса овлай олмабди. Боланинг эса, отган ўқи бекорга кетмабди. Подшо ов қила билмагач, боладан бир оз ўлжадан сўрабди. Бола йўқ демай, отиб олган ўлжаларининг бир қисмини подшога берибди, подшо олиб уйига кетибди. Бола иккинчи куни овга чиққанида яна подшо учрабди. У яна ов қила олмабди. Бола эса, ҳамма ўлжаларини бир жойга йиғибди. Подшога алам қилибди. Бу гал ҳам сўраб овнинг бир қисмини олиб жўнабди. Учинчи марта бола овга чиққанида яна шу ҳол такрорланибди. Подшо яна ўлжадан бир қисмини сўрашни ўзига ор деб билибди-да, болага қараб:

— Сен қандай қилиб овлаётирсан? Менга ҳам ўргат!— дебди. Бола:

— Қандай овлаш ўзингизнинг ихтиёрингизда, мен сизнинг нега ов қила олмаётганингизни қаёқдан билай. Агар

Ўлжа керак бўлса, олиб кетаверинг, менга озгина қолса бас, чунки менга қарашли онла жуда кам,— дебди.

Подшо:

— Бўлмаса, эртага мен сенинг уйингга ўз вазирларим билан меҳмонга бораман, тайёр бўлиб тур,— дебди.

Бола йўлда хафа бўлиб кетаётганида яна донишманд бобо учрабди. У боладан:

— Нима учун хафа кўринасан, бўтам?— деб сўрабди. Бола:

— Э ота, менинг ўзим бир камбағал бўлсам, кундалик турмушимни зўрға ўтказиб туриб эдим. Эртага менинг уйимга шу шаҳарнинг подшоси ўз вазирлари билан меҳмон бўлиб келмоқчи. Энди мен уларга овқатни қаердан оламан, отларини қаерга боғлайман ва кичик уйимда қандай кутаман, деб хафа бўлиб келаётиман,— дебди. Чол:

— Э болам, бунинг ташвишини тортма, ўзим ҳаммасини бажо қиламан. Подшони ҳам ўзим кутаман. Овқатингни ўзим пишираман. Отларига жой топиб бераман, хуллас, меҳмонларингни ўзим тинчитаман,— дебди. Бола:

— Бир кунда қайси бирини тайёр қиласиз? Подшога жой тайёрлайсизми, ош пиширасизми, отхона тайёрлайсизми? Қайси бирини қиласиз?— дебди. Чол:

— Уни сен қўявер, мен буларнинг ҳаммасини бажараман, уйингга кетавер, балки уйингга боргунингча тайёр бўлиб қолар. Хафа бўлма, бор уйингга!— дебди. Бола уйига кетибди. Бориб қараса, қатор янги иморатлар пайдо бўлиб қолибди. Ичкари-ташқари ҳовли, ост-устли иморат-подвал, отхона, усти шийпон, бедалар босилган. Бола ҳайрон бўлиб қолибди. Уйга кириши билан сингиси ва хотини хурсандлик билан қарши олибдилар. Буларнинг уйи тўйга айланбди. Озиқ-овқатлар тайёрлаш ва меҳмон қутуш учун тегишли бўлган харажатлар билан машғул бўлибдилар. Донишманд чол бобо ҳам келиб, ўчоқни қазиб, ошпазликка уриниб кетибди. Подшо ҳам етиб келибди. Уни тантана билан кутиб олишибди. Бобо уларни ўз жойига ўтқазибди, ҳаммасини саранжомлабди. Ўзи кичик бир декча қозонга олов ёқиб, палов дамлабди. Шу қозоннинг оши ҳамма келган меҳмонларга етиб, ортиб ҳам қолибди. Меҳмонларни уч кунгача кўнгилдагидек меҳмон қилишибди. Декчадан ошни сузган билан оши тамом бўлмабди. Подшо кетмоқчи бўлиб, ўрнидан турганида чол:

— Э тақсир, агар мумкин бўлса менинг ихтиёримда уч

соат ўтирсангиз, сизга айтадиган муҳим сўзим бор,— дебди. Кал подшо:

— Хўп, майли айтинг, эшитайлик,— деб, турган ўрнига қайта ўтирибди. Чол Соҳибқирон ва Соҳибжамолларнинг, сўнгра келини бўлмиш Сангил сополтошларнинг тарихини сўзлаб кетибди. Сўзининг охирида:

— Мана бу йигит ўғлингиз Соҳибқирон, мана бу қизингиз Соҳибжамол, мана бу келинингиз Сангил сополтош деб, таништирибди.

Подшо кўзига жиққа ёш олиб ўрнидан ирғиб турибди-да:

— Вой болаларим, бормисизлар,— деб, болаларини ўз бағрига олибди, қучоқлаб ўпибди. Шу вақт бобо:

— Мана шу болаларингни мен тарбия қилиб ўстирдим, энди топиб олдинг, хайр энди, мен кетдим,— деб кўздан гойиб бўлибди.

Кал подшо ўз болаларини олиб қўрғондан чиқибди. Шу вақт орқасига қараса, темир қўрғондан ҳеч бир асар йўқ эмиш. Подшо уйга келгач, Воспирохунни зиндондан чиқариб ювинтирибди. Кийинтириб ўз болаларини кўрсатибди. Воспирохуннинг кундошларини биянинг думига боғлаб чангалзорга ҳайдаб чиқарибди ва орқасидан айғирларни қўйиб юборибди. Кундошларнинг гўшти бир бурдадан бўлибди. Бошқатдан тўй-томошалар қилиб Сангил сополтошни ўғлига олиб берибди. Кал подшо ўз ўрнига ўғлини подшо қилиб кўтарибди. Кал ўз ажали билан ўлибди.

Кунлардан бир кун Соҳибқирон подшонинг хотини уч ўғил туғибди. Учаласи ҳам олдинма-кейин катта бўлибди. Соҳибқирон отасидан қолган меросларни текшириб юриб бир уйга кирибди. Қараса уйда отасидан қолган бир ойна жаҳон бор экан. Шунга қараб ухлаб қолибди. Подшо тушида шу ойнаи жаҳон ичида бир қиз чиқиб турганини кўрибди. Уйғониб қараса қиз йўқ эмиш. Бу ҳолни вазир ва ўғилларига айтибди. Уғиллари:

— Э ота, биз бориб, қидириб сиз истаган қизингизни келтирамиз,— дебдилар.

Отаси йўл бермабди. Болалар ҳам бўш келмагач, рухсат этишга мажбур бўлибди. Катта ўғлига милтиқ, ўртанчасига ханжар, энг кичигига камарини берибди. Болалар жўнабди. Бу уч оғайни бир муюлиш кўчага келибдилар, бу йўл учга бўлинибди:

Бирига, борса келар, бирига, борса келмас, учинчисига, борса хатар деб, ёзилган экан. Уч оғайни маслаҳат қилишиб-

ди. Каттаси борса келарга, энг кичиги борса келмасга, ўртанчаси борса хатарга жўнабдилар. Кичик ўғил узоқ юргандан сўнг, қорни очиб қаерга борарини билмай, бир ҳовуз бўйига келибди. Ҳовуздан бир кампир сув ололмай қийналиб турганини кўрибди. Бола югуриб бориб кампирнинг қўлидаги челақни олиб, ҳовуздан сувни ботириб олибди-да, кампирнинг уйига элтиб берибди. Кампир бола-ни тўйғизибди ва сўрабди:

— Э болам, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган бу жойда нима қилиб юрибсан? Бола:

— Э она, ҳеч сўраманг, мен жуда бир зарур иш билан шу йўлларга тушиб қолдим,— деб, айтмабди. Кампир:

— Мен шу жойда ёлғиз ўзим яшайман, ўғил ва қизим йўқ, сен менга ўғил бўлмайсанми?— дебди. Қаёққа боришини билмаган бола:

— Э она, ўғли йўққа ўғил, қизи йўққа қиз бўламан. Майли,— деб рози бўлибди.

Бола кампир уйида бир неча кун яшабди. Бола кечаси ташқарига чиқаман деса, кампир йўл бермабди. Эшикни маҳкамлаб ташлабди. Бу ҳолни кўрган бола кечаси ҳовлига чиқишни ҳар кун сўрабди ва кампирдан:

— Нима сабабдан ташқарига чиқармайсиз,— деб сўрабди. Кампир жавоб берибди:

— Осмонда икки ой бор, бири осмоннинг оёи, иккинчиси кун ботиш подшоси қизининг осмонга тушган шуъласи. Бу шуълага қараган ҳар қандай йигит ошиқ бўлмай, шу қизни қидириб топиш азобига учрамай қолмайди. Бу қизга эриша олмай қанча подшо ва унинг одамлари жувормаг бўлиб кетган. Шунинг учун кечаси сени ташқарига чиқармайман,— дебди.

Бола отасининг тушидаги ойнаи жаҳонда кўринган қиз шу бўлса керак дебди-да, кампирнинг қаршилигига қарамай кечаси ойдинга чиқибди. Подшо қизининг шуъласини кўриб, ҳушидан кетибди. Кампир нима қилишини билмабди. Бола ўзига келиб, шу қизнинг олдига қандай бориш йўлини кампирдан сўрабди. Кампир айтишга мажбур бўлибди. Бола белига уч нонни тугиб, катта йўлга тушиб олиб жўнабди. Бола йўлда хафа бўлиб кетаверибди. Йўлда бир бобо учрабди. Боладан ҳол-аҳвол сўраб қўлига бир газли қилич берибди. Бола бир кўрғонга келибди. Бу кўрғон девлар подшосиники экан. Қилич билан эшик олдида мудраб турган девни ўлдириб, ичкарига кирибди. Уйда жуда кўп девлар ухлаб ётган экан. Бола бир чеккадан ҳаммасининг

калласини олибди. Отхонада бир оқ учар от турган экан. Отни бориб ёлидан маҳкам ушласа, от кишнаб, ёли узилиб боланинг қўлида қолибди. От учиб кетибди. Сўнгра бола йўлга тушибди. У бир жойга келиб, чарчаб дам олиб ўтирса қаршисидан бир арслон чиқибди. Бола қўрққанидан нонининг ярмини берибди, арслон нонни еб, ўз ёлидан бериб болани ўтказиб юборибди, бола бир жойга келса, кўча тўла чумоли. Шу вақт чумолилар подшоси тўй қилмоқда экан. Бола чумолиларни кўчадан ўтиб бўлишини кутиб турибдида, бир нонни бурдалаб кўчага ташлабди. Чумолилар талаб кетибди. Чумолиларни босиб ўтишни лозим кўрмабди, уларни аябди. Шунда чумолилар подшоси:

— Э инсон фарзанди, нима истайсан,— дебди. Бола:

— Фақат мен шу йўлдан ўтиб кетсам бас,— дебди. Чумолилар подшоси йўлни бўшатибди, бола ўтиб кетибди. Узоқ юргандан сўнг подшо саройига келибди. Бу сарой кун ботиш подшосининг саройи экан. Подшонинг қизи қирқ метр баландликдаги шийпонда осмонга қараб ётар экан. Унинг акси осмонга тушар экан. Буни излаб келган ҳар қандай одам ҳам йўлда девларга учрар, улар дабдала қилар, ёки арслон ер, чумолидан ўтолмай хароб бўлиб кетар эканлар. Бутун хатарлардан қутулган бола секин сарой ичига кирибди. Саройда турли мамлакатлардан шу қиз ишқида келган подшолар, вазирлар, ботирлар тўла эмиш. Қиз кундузи ерга тушар, кечаси шу минора тепасида ётар экан. Қизнинг ишқида келган одамларга қизнинг отаси қўйидаги шартларни қўйибди:

— Кимда-ким тегирмон тошини отиб шу қирқ метр баландликдаги уйчани қулатса, шунга қизимни бераман,— дер экан.

Уч кунгача кишилар турли йўллар билан чирана-чирана бу тошни ўрнидан қўзгатолмаган экан. Хеч ким топилмагач, подшо одамларга — майли, ким бўлмасин, мусофир бўлса ҳам майли дегач, «Мен шу ишни бажараман» дебди бола. Подшо рухсат этибди. Бола тошни ердан кўтаришда арслон тутатқисини тутатибди. Арслон кишилар кўзига кўринмаган ҳолда тошни кўтарибди. Сўнгра бола отнинг тутатқисини тутатибди. От ҳам кўзга кўринмай пайдо бўлибди. Арслон тошни секин отнинг устига қўйибди. От осмонга кўтарилибди. Тошни иморат устидан ташлабди. Минора ер билан яксон бўлибди. Уй чилпарчин бўлиб кетибди. Подшо қизини болага тўю томоша қилиб берибди, ўз ўрнига подшо қилмоқчи бўлганда бола рози бўлмабди.




Агар истасангиз мен бир ота-онамни бориб кўриб келай дебди-да, отнинг тутатқисини тутатибди. Оқ отга қизни миндириб учибди. Акалари билан хайрлашган жойга келса, улар йўқ. Сўнгра, уларни қидириб топибди. Катта акаси ошпаз, кичик акаси гўлақ бўлиб қолган экан. Ҳар иккисини топиб олибди, уларнинг қорнини яхшилаб тўйгазибди. Сўнгра, кетишга ҳозирланибдилар. Бола хотини, икки акаси йўлда кетаверибдилар. Шу вақт икки акаси бир-бири билан маслаҳат қилибди. Каттаси ўртанчасига:

— Сен билан мен шундай қуп-қуруқмиз, отамизнинг олдига нима деб борамиз,— дебди. Ўртанчаси:

— Бўлмаса укамизни ўлдирамиз-да, чуқурга ташлаб, қизни биз келтирдик деб, олиб борамиз,— дебди.

Ярим йўлда укасининг қўл-оёқларини боғлаб, ўлдиришга кўзи қиймай бир чуқурга ташлаб кетибдилар. Оталари олдига борибдилар. Подшо кичик ўғлини эсга ҳам олмабди. Шу вақт қиз ҳадеб йиғлайверибди, овқат емабди. Сўнгра қиздан сабабини сўрабдилар. Қиз бутун воқеани айтиб, мени бу ерга олиб келишга сабабчи бўлган бу икки ўглингиз эмас, ўша энг кичик ўглингиздир,— дебди. Подшо одам чоптириб қидиришга буюрибди. Болани топа олмабдилар. Бола йўлда қизнинг қўлига отнинг тутатқисини берган экан. Шу вақт қиз от тутатқисини тутатибди. Ог тайёр бўлибди. Қиз келиб қараса, йигит чала ўлик бўлиб ётибди. Дарров отга болани ўнгариб олибди. От яна учибди. Подшо саройига келибди. Подшо қирқ кечаю қирқ кундуз тўю томошалар билан қизни кичик ўғлига олиб берибди. Муттаҳамлик қилганлари учун икки катта ўғлини биянинг думига боғлаб тиканзорга чоптириб, гўштларини бурда-бурдадан қилдирибди-да, кичик ўғлини ўз тахтига ўтказибди. Бола бир неча кундан сўнг кун ботиш подшоси томон қиз билан учибди. У ерда ҳам тўю томошалар бўлибди. Йигитни ўз ўрнига подшо қилибди. Қудалар бир-бирига бориш-келиш қилишибди. Шундай қилиб, бола оқ учар отида ҳам кун чиқиш, ҳам кун ботиш подшоларининг ўрнида ҳар икки катта мамлакатнинг подшоси бўлибди. Оқ учар от йигитни бир кун чиқишга, бир кун ботишга олиб борибди. Шундай қилиб, Қора подшони енган Қал подшонинг набираси икки мамлакатнинг подшолигини сўраб муроди-мақсадига етибди. Соқоли кўксига тушибди.



## Камбағал қыз

Замонларнинг замонида бир подшо бор экан. Унинг бир ўғли бор экан. У ўн икки ёшга етибди. Шаҳар халқи бунинг ёмонлигидан кўп зерикибди. Подшога халқ арз қилибди. «Ё ўғлинг турсин, ё биз турайлик», деб.

Подшо вазир билан маслаҳат қилиб, ўғлини мактабга берибди. Домласи: «Уриб-сўксам подшо мени ўлдиради» деб, тўртта ёнғоқ, битта соққа бериб, болалар билан ўйнатиб юрибди. Уч йил домланинг қўлида турибди. Подшо ўғлини олдириб келибди, тўрт юз уламога:

— Уғлимни ўқитиб кўринглар. Нима китоб ўқиди экан?— дебди.

Уламолардан бири:

— Домлада нима китоб ўқидингиз, ўғлим?— деб сўрабди.

Бола дарров чўнтагидан ёнғоқ, соққани олиб, икки жойга ганак тикиб «лошқанот» деб, соққани отиб юборибди.

— Уқиган сабоғим шу.

Подшонинг аччиғи келиб, домласини дорга остирибди. Домланинг еттита боласи етим қолибди. Подшо шаҳарга жарчи қўйдирибди. «Хар ким ўғлимни қирқ кунда мулла қилса қилсин, қилмаса шаҳарнинг кулини кўкка совураман. Итини авахта, мушугини қамоқда қиламан».

Шаҳарда бир камбағал, қашшоқ одам бор экан. Камбағал эшикдан йиғлаб кирибди.

Қизи ундан сўрабди:

— Нимага йиғлайсиз, ота?

— Қизим, ёш боласан, сўраб нима қиласан? Подшонинг ўғлини мулла қилинмаса, қирқ кундан кейин, сен билан менинг кулимиз кўкка соврилади,— дебди.

— Олиб келинг, мен ўқитаман, қирқ кунда жуда яхши мулла қиламан,— дебди. Камбағал подшога бориб:

— Малол келмаса, менинг қизим ўғлингизни ўқитадим,— дебди.

Подшо «хўп» деб ўғлини қўшиб берибди. Бола камбағалнинг уйига келибди, кўрса, бир кичкина қиз бола экан. Подшовачча дилида айтибди: «Бир тарсаки урсам, бу қиз мени ўқитмайди».

Қиз жуда билимдон экан, ўйлабди: «Те», «се», «жум», «ҳе» деб ўқитсам, ўн йилда ҳам мулла бўлмайди. Бир фикр қилайин, бир ойда ўқиш-ёзишни, ҳисоб-абжадни тамом биладиган бўлсин. Ўқитибди. Қиз:— Алиф,— дебди. Ўғил чўнтакка қўлини солиб соққасини олмоқчи бўлибди, қиз бир тарсаки урибди. Бола умрида бундай калтак егани йўқ экан, қўрққанидан, қиз «алиф» деса «А» дебди. Бир ойда тамом ўқиб, ёзадиган бўлиб, ҳисобни ўрганибди. Бола ёмонлигидан қиздан ҳар куни бир тарсаки ейдиган бўлибди.

Қирқ кун тамом бўлгандан кейин, камбағал болани етаклаб подшога олиб борибди. Подшо илгариги расмини қилиб, домлаларни йиғиб:

— Ўғлимни ўқитиб кўринглар-чи, нимани билади?— дебди.

Домлалар: «Қулаузунни ўқигандир ёки аммани ўқигандир» деб гумон қилибди. Домлалардан бири:

— Ўғлим, сабоғингизни ўқинг,— дебди.

Бола «Шамсия» китобидан сабоқ ўқиб берибди.

Подшо сўрабди:

— Ўғлим қандоқ бўлибди?

— Зеҳни яхши экан.

Подшо хурсанд бўлиб, камбағалга бош-оёқ усти-бош, бир қанча инъом берибди. Шаҳар халқи ўлимдан қутулибди.

Бола бир уйга сув сепиб, бир бўйрани ерга солиб, кўрагини захга бериб, қирқ кун бир бурда нон емай, бир хўплам сув ичмай ётаверибди. Подшо хафа бўлиб, чақиртирибдики: «Ҳар ким ўғлимни гапиртирса, боши тенги зар қуяман, бир қарқаралик қиз бераман».

Бир кампир бор экан, унинг пешонаси буришган, ҳамма билан уришган, оғзида битта тиши йўқ. Оғзига бир ўрикни солиб сўриб ҳимм... деб бориб, болани бир ходими қилибдики, симобдай эрибди.

— Эй... ўғлим, отанг подшо, сен подшозодасан, ейишишдан каминг йўқ, нимага гапирмасдан ётибсан?

Бола тилга кириб:

— Мени ўқитиб мулла қилган отин ойимни олиб берса гапираман, юраман; олиб бермаса, ўлгунимча ётганим-ётган,— дебди.

Подшо эшитиб, мударрисларига:

— Китоб кўрингларчи, отин ойини олишга йўл борми?— дебди.

Мударрислар:

— Йўқ-йўқ,— дебдилар...

Подшо даргазаб бўлиб жаллод чақирибди. Етти жаллод, мурғу саловат, «Қиличим бурро, забоним гўё, кимнинг ажали етди? Пойқадамингизда, офтобни сояга етказмай бош кесай» дебди. Тўрт юз уламнинг қўлини орқасига боғлаб, шаҳардан ташқарига олиб чиқибдилар. Мен сингари бир мулла бор экан. «Тўрт юз киши ўлгандан қолгани яхшироқ» деб:

— Эй подшо, мен бир ривоят кўрдим, катталиги Наманганнинг саксон газлик кўчасидек, ўттиз олти никоҳни бойласангиз, асло илинмай ўтиб кетаверади,— дебди.

Подшо суюниб тўй устига тўй, карнай устига карнай қўйдириб камбағалнинг қизини ўғлига олиб берибди.

Эрта билан подшозода, ҳовлига чуқур ковлатиб, қизни етаклаб, қирқ тол сочини битта қилиб тугиб, бир ходани ўтказиб, ўнг юзига бир тарсаки, чап юзига бир тарсаки уриб осиб қўйибди. Ўзи отга миниб овга кетибди. Кечқурун келиб чуқурдан олиб бирга ётибди. Эрта билан яна кечаги расмини қилиб кетибди. Қирқ кун шу тариқа ўтибди. Қирқ биринчи кун қиз йиғлаб: мен бир заиф нотавон, ожиз кишиман, эй камҳиммат, шу бугун менинг гуноҳимдан ўтсанг, бориб ота-онамни кўриб келсам, дийдор кўришмай қоладиганга ўхшайман,— деб зор йиғлабди.

— Боргину тезлик билан кел, ҳаялласанг, ўлдириб терингга сомон тиқаман, сендан бошқага ибрат бўлсин, эридан беижозат кўчага чиқмасин.

Қиз хурсанд бўлиб, маҳсисини чала кийиб, паранжисини эгри ёпиниб, бўйнида дастурхон ҳалпиллатиб икки зорғорани еб, ачасининг олдига келибди. Ачаси қизнинг рангини кўриб:

— Эй қизим, сенга нима бўлди, рангинг сомондек саргайиб, нозик белинг қилдек букилиб, ўлар ҳолатга етибсан?

— Менга ҳеч нарса бўлгани йўқ,— деб жавоб берибди қиз.

— Рост айт, қизим, рост айтмасанг, ўзимни ўлдираман,— деб қўлига пичоқ олибди. Қиз қўрқиб:

— Эй ача, куёвинг менга қирқ кундан бери шундай азоб беради. Бир тишлам нон йўқ, бир хўплам сув йўқ, икки тарсаки вазифа бор. Кечгача зиндонга солиб, кечқурун чиқариб қўяди,— деб оҳ урибди, оғзидан бир парча ўт чиқиб, ерга тушибди. Ачаси кўрса, жигарлари эзилиб кетган экан.

— Э қизим, ғам ема, бу ишнинг иложи осон,— деб ачаси қизнинг бош-кўзларини ювиб, сочнини тараб, ўриб, олдига дастурхон солибди, ноз-неъмат гуно-гун<sup>1</sup> ҳозирлаб тўкибди. Қизнинг қорни тўйиб, ғамлари бошдан кўтарилибди.

— Эй ача, жавоб бер, кетаман,— дебди. Ачаси бир қутини очиб, бир парча қоғозни олиб, қизнинг қўлига берибди.

— Эринг бир тарсаки урганда, қаҳ-қаҳ уриб кул, яна урганда қаттиқроқ кул! «Мен урсам, йиғламасдан нимага куласан?» деса, айтгинки, «Урганингиз ун оши, сўкканингиз сўк оши, ҳар нима қилсангиз ҳам майли, лекин менинг тепамага кундош қилиб мана шу суратдаги қизни олмасангиз бўлди» деб яна қаттиқроқ кул,— дебди.

Қиз уйига келгандан кейин, ачасининг айтганларини қилибди. Подшозода ҳалиги қоғоздаги қизни кўрса, бир маликаю зебочеҳра, ҳусни жамолда баркамол. Кўрган ҳамон ошиқи-беқарор бўлиб кўкрагидан бир жуводиз ҳаданги паррон ўтибди.

— Эй хотин, бу сурат одамзодми ё паризодми, бунинг жойи қайда?— дебди.

— Олти ойлик жойда. Эрам деган мамлакат бор, подшоси одамзод, хотини паризод, шундан бўлган битта қиз бор, отини Оқбилак пари дейдилар. Узи ўн беш ёшда, бетига етмиш қават пардаи замбурий<sup>2</sup> тортган, бир қаватини очиб қўйса, ҳусни жамолига ўттиз икки касаба чироқ ёқмасдан иш қилади: «Ҳар ким мени уч мартаба гапиртирсину олсин, гапиртирмаса бошини кесиб минора қиламан» деган,— дебди.

Подшозода қирқ хачир олтин юклаб, қирқта йигитни ўзига ҳамроҳ қилиб, «Боғи Эрам қайдасан?» деб жўнаб-

<sup>1</sup> Гуно-гун — хилама-хил.

<sup>2</sup> Пардаи замбурий — ҳарир, юпка нарса.

ди. Чўлма-чўл, кўлма-кўл биёбонма-биёбон, манзили мароҳил тай қилиб юрибди. Бир неча ой, бир неча кун ордан ўтибди. Бир гиё, бир сув йўқ. Чўлда юриб, бир баланд тоғ кўрибди. Тоғнинг тепасига чиқиб, ҳар тарафга қарабди. Кўзига бир тарафдан боғ кўринибди, боғни бориб кўрса, гуллар очилган, булбуллар сайраган, ўт ўрнига себаргалар мавж урган, лолаҳойи ранг-баранг, олтин тахт қўйиғлиқ, атлас кўрпалар солиғлиқ. Тилла ҳовуз сув ўрнига сут билан тўлғазилган. Подшовачча суюниб отини боғлаб, шоҳ супага чиқиб ўтириб бошидан тожини олиб, ёнига қўйиб, хизматкорларига:

— Чой қайнатинглар, уч-тўрт кун бу ерда дам олиб кетамиз,— деб буюрибди. Ҳали гап адо бўлгани ҳам йўқ экан, осмондан учта ҳаққу каптар учиб келиб, бояги олтин тахтнинг тепасига қўнибди. Бир юмалаб учта паризод қиз бўлибди. Бир тахта қоғозни ёзиб, сатранж ўйнабди. Биттаси тирриқлик қилибди, иккитаси айтибдики:

— Тирриқлик одамзодда бўлади, паризодда бўлмайди. Подшозоданинг аччиғи келиб:

— Тирриқлик паризодда бўлади,— дебди.

— Келиб ўйнанг бўлмаса ўзингиз,— дебди паризод. «Хўп» деб ана-мана дегунча, кампир шафтолининг данагини айириб егунча хаёл ўтмай, қирқ хачир зарни, қирқ йигитни бой бериб сувдан силлиқ, уч қоққан кунжутдек бўлиб турибди. Паризодлардан биттаси ўрнидан туриб:

— Эй ота ўғли, чиқинг! Бу жой сизга муносиб эмас,— деб орқасига бир тепибди. Бир пой йиртиқ ковуши илашиб, дарвозадан ташқарига чиқибди. Чарви еган мушукдай кўзлари йилтиллаб, кўп афсус ебди. «Отам олдиға шундоқ борганимдан, Оқбилак парининг қўлида ўлганим яхшироқ» деб ўйлабди. Айтган гапи оғзидан чиқиб ёқасига ёпишибди. «Оқбилак пари қайдасан?» деб жўнабди.

Манзил мароҳилларни<sup>1</sup> сайр-томоша қилиб шаҳарга етибди. Шаҳарнинг ташқарисидан кўрса, еттита минора кўринибди, бир қўйчивондан сўрабди:

— Бу минора қайси бойнинг мадрасаси?

Қўйбоқар йиғлаб жавоб берибди:

— Эй ўртоқ, бу мадраса эмас, бир золим подшо бор, унинг бир қизи бор. «Ҳар ким мени уч марта гапиргирсину олсин» деган. Гапиртира олмаса, бошини кесиб, ма-на шу кўринган минорага гуваланинг ўрнига уради.

<sup>1</sup> Мароҳиллар — йўллар.

Подшозода ҳайрон бўлиб, шаҳарга кириб, маликанинг равоғи тагига борибди. Малика қирқ поғонали равоқда ўтирган экан. Маликанинг хизматкорлари подшозодани кўтариб, унинг олдига олиб келибдилар. Подшозода маликани парданинг ичида кўрса, хотини айтгандан юз чандон зиёда экан. Подшозода маст-аласт бўлиб, гапини йўқотиб, лойга ботган эшакдай бошини солиб турибди. Оқбилак пари ишорат қилиб: «Нима дейди подшозода?» дебди. Подшозода қиморга тикай деса ҳеч нарса йўқ. Ўзини тикибди. Паризод қўлига тўртта олтин ошиқни олиб, иккита кумуш риштни қўйиб, узасига ташлабди. Ошиқ олчи келибди. Паризод ҳукми жаллод қилибди. Парининг ўнг қўл вазири боланинг ҳуснига ўлимни ҳайф кўриб:

— Маликам, арз,— дебди.— Бу беадабни менга беринг, бир хўрлик-зорлик билан ўлдирай, бундан бу ёққа сиз билан қуруқ жасад бўлиб ҳеч ким қимор ўйнамасин,— деб вазир подшозоданинг қўлидан етаклаб, чиқиб кетибди. Олиб чиқиб айтибдики:

— Эй ўғил, ўн гулингдан бир гулинг очилмаган экан, сенга ўлимни ҳайф кўриб, ҳийла билан қутқариб олдим, менинг эшигимда жувозхонам бор, бир ёғ ҳайдайдиган қари жувозкашим бор, унинг бошини минорага урай, сени унинг ўрнига қўяй, нима дейсан?

Бола йиғлаб:

— Ҳар нима қилсангиз ўзингиз биласиз,— деб жувозхонага кирибди. Ётиши жувозхона, ичиши мошова, шўрва, ҳайдаши уч калла қора чигит. Уч йил юрибди.

Кунлардан бир куни ўчоққа тезак ёқиб, мошовасини қайнатиб, дуторини машқ қилиб ўтирган экан, кўчадан отнинг шарпаси кўринибди. Югуриб чиқиб қараса, қирқта савдогар кетаётибди.

— Эй савдогарлар, йўл бўлсин, қаерга борасизлар?— дебди.

— Ажам мамлакатига борамиз.

— Ажам подшосига бир хат берсам, элтиб берасизларми?

Карвонбоши «хўп» дебди. Бола қўлига қалам-қоғоз олиб ёзибди: «Отайи меҳрибоним, мендирман нури чашм фарзандингиз, Боғи Эрамга келиб, Оқбилак парини оламан деб, қўлга тушиб, уч йилдан бери қиладиган ишим жувоз ҳайдаш. Отам сиз бўлсангиз, Ажам подшосисиз, битта камбағалнинг қизи мени шундай зулми меҳнатга солди. Хат

борган ҳамон етти пуштидан етмиш пуштигача қамишга ўлчаб, қирқмасангиз сиздан икки дунёда рози эмасман. Қўл қўйдим» деб, муҳрини босибди.

Хатни савдогарларга берибди. Савдогарлар Ажамга келиб хатни подшога бериш тўғрисида маслаҳат қилибдилар. Савдогарларнинг ичида менга ўхшаган бир камбағали бор экан. «Сизларнинг икки туядан юкинглар бор, менинг бир эшак юким бор, ундан бир бож берсам, менга нима қолади? Хатни менга беринглар, мен ўзим берай!» деб хатни қўлига олибди. Савдогарлар ҳар қайсиси ўз жойига қараб кетибдилар. Камбағал савдогар подшовачча хотинининг отасига қўшни экан. Келиб кўрса, бу камбағал қўшниси, қизининг донишмандлиги туфайлидан подшога вазир бўлибди. Вазир уйдан чиқибди. Қарасаки, савдогар қўшниси келиб, кўчада юк тушириб турибди.

— Ҳорманг, карвон! Бизга нима совға олиб келдингиз?— дебди.

— Сизга мана шу хатни олиб келдим,— деб қўлига берибди. Хатни олиб вазир уйга кирибди. Вазирнинг қизи чигин<sup>1</sup> тикиб ўтирган экан.

— Дада, қўлингиздаги қоғоз нима?— деб сўрабди.

— Боғи Эрамдан келган хат, нима ишинг бор!— дебди.

Қизнинг юрагида ўт пайдо бўлибди: «Менинг эримдан бўлса керак» дебди. Ирғиб ўрнидан туриб, отасининг қўлидан чанг солиб, хатни тортиб олиб қочибди. Отаси қувлабди. Қиз таҳоратхонага қочиб кириб кўйлагини ечиб отасининг олдига ташлабди.

— Мен яланғочман, тепамга келишингиз равоми?— дебди.

Дадаси ташқарида қолибди. Хатни ўқиса, иш ўзгача, бир оқ тортиб, хатни йиртиб ариққа оқизибди. Бир қоғозга ёзибди: «Эй отаи меҳрибоним, мендирман нури-дийдаю, жигарбанд — сенинг фарзандинг. Боғи Эрамга келиб, Оқбилак парини олиб, етти иқлимга подшойи—хафти кишвар бўлдим. Менинг дастимдан, девзод, паризод, инсу жинс, ҳеч нима қочиб қутулолмайди. Хат борган ҳамоно менинг хотинимнинг етти пуштидан, етмиш пуштигача сарпо кийдирмасанг, боши тенги зар қуймасанг, тиг дамидан ўтказаман. Уч ой ичида етти лак лашкарим билан бориб, сенинг димоғингдан рўзгорингни чиқараман. Қўлим қўйдим, муҳрим босдим». Хатни дадасининг қўлига берибди.

<sup>1</sup> Чигин — мунжи, янги рўмол.



Вазир подшога хатни берибди, подшо тўрт юз лак лашкарнинг ичида баланд овоз билан хатни ўқибди. Хатда қандай ёзган бўлса, шундай қилибди, камбағал вазир олтинга кўмилиб, эшикдан кириб келибди. Қизи кўриб:

— Эй дада, муборак бўлсин сизга бу давлат,— дебди ва:

— Мен қирқ кун чилла ўтираман, ҳар ким менга ош, нон берса, ё кўзимга кўринса, мени тилга олса, ўзимни ўлдираман,— деб уйга кириб эшигини маҳкам бекитибди. Эрининг овга минадиган отининг тўрт жойидан айилини зер-забартанг тортиб, бошга сувсар телпагини, така шимни кийиб, исфахон қиличини ёнига осиб, ярим кечада отга минибди. Урганчнинг ўн икки яшар йигитидан айириб бўлмабди. Бир заҳар қамчи, отнинг устихонига ботибди. От чидолмай саҳрога қараб, қулоғини қалам қилиб кетибди.

Эри сатранж ўйнаб ютқизган чорбоққа бориб ўтирибди. Бир пиёла чойни қўлига олиб, ҳануз ичиб бўлгани йўқ экан, илгаригидай осмондан учта ҳаққу каптар тушиб, сатранж ўйнабди. Бири тирриқлик қилибди, иккинчиси:

— Тирриқлик одамзодда бўлади,— дебди. Бу қизнинг аччиғи келиб:

— Тирриқлик паризодда бўлади,— дебди.

— Келиб ўйнай қолинг, подшозода,— дебди.

Қиз «хўп» деб, учала паризодни, бош қашигани тирноғини ҳам қўймай ютиб олибди. Паризод:

— Кўҳиқофдан хазина олиб келиб, сен билан тузуккина ўйнайман,— деб ўрнидан турибди. Қиз қўлига сатранжни олиб:

— Учалангга дов,— деб ташлабди. Паризод кўрсакки ўзларини ҳам ютқизибди. Қиз уларни чопмоқчи бўлибди. Паризод:

— Биз нима гуноҳ қилдик, бизни чопасиз?— деб сўрабди.

— Мен касалмандман, ҳукамоларга томиримни ушлатсам «учта паризоднинг бир қошиқдан уч қошиқ қонини ичсанг, тузаласан» деган эди,— деб астойдил чопадиган бўлибди. Парилар теракнинг баргидай қалтираб, йиғлаб:

— Сизга қон керак бўлса, мингта парини келтириб берайлик, бизнинг гуноҳимиздан ўтинг, чунки бизнинг ота-онамиз Боғи Эрам подшосининг қизи Оқбилак парига сотган. Биз ўлсак ота-онамизни ер юзида қўймайди. Қабул қилмасангиз, еттинчи Кўҳиқофда мушкул ишингиз бўлса

ҳам, кўз юмиб очгунча ҳожатингизни раво қиламиз,— деб қўл боғлаб турибдилар. Қиз дилда кўп хурсанд бўлиб:

— Менинг бир шартим бор, Оқбилак парини менинг никоҳимга киргизсангизлар гуноҳингиздан ўтаман,— дебди.

Парилар бир оҳ сардил жигардан тортиб дебдилар:

— У золим, қонхўр, жуда қаттиқ. Ун сажкиз ёшга кириб ота-онасининг гапини эшитмаган. Хўп. Биз бу хизматни сиз учун қиламиз, аммо бизнинг шартимиз бор. Биринчиси: биз сизга нимаики гап айтсак, ўргатсак, шуни маликанинг олдида қўрқмасдан айтасиз; иккинчиси: бизни олдингиз, маликани ҳам оласиз, тўй устида бизни овоз қиласиз. Унинг ҳужрасида битта зумрад, битта ёқут, битта лаъли каравот бор, қайси каравотга ўтирса, ёнидаги каравотга ўтириб каравотдан гап сўранг. Биз ҳар биримиз каравот тагига кириб ўнг гапирсак тескарисига олинг, пойма-пой бўлсин,— деб бир қанча панд-насиҳат қилиб, гап ўргатиб, патларидан бериб осмонга учиб кетибдилар.

Қиз отига миниб, Боғи Эрамга етибди. Шаҳарга кириб, маликанинг қаршисига қадам қўйибди. Кўрса, малика бетига етмиш қават пардаи ҳарир тортиб ўтирибди. Қирқ каниз моҳирўй, шаҳло чашм, пайваста абрў нозик тирноқларини тишлаб таъзим қилиб турибди. Қиз кирганданоқ:

— Эй золим, қонхўр! Отим Оқбилак, отам подшо деб хуни ноҳак, қачонгача одамларнинг қони билан ерни лола-ранг қиласан? Тез ўрнингдан туриб, менинг оёғимга йиқил! Йўқ десанг, дами тигдан ўтказаман! Менинг сенга ўхшаган етмишта хотиним бор, мен сенинг овозангни эшитиб, аччиғим келиб, кирибоқ эгаримнинг қошига каллангни қўйиб, томоғингдан қизил қон оқизаман деб, қасд қилиб эдим. Сенинг ҳуснингга раҳм қилдим. Уз жойимга олиб бориб қирқ минг лашкарга чой қуядиган косагул қилай. Кел, эй малика, бир дона қирмизак олмадай бўлиб ёқамдан тушиб, липамдан чиқиб, қўйнимдан кириб, қўлтиғимдан чиқсанг, искаб масту аласт бўлиб мурод ҳосил қилсам,— деб бир кулибди. Паризоднинг газаби шуъла уриб, оғзи эски қопдай очилиб, пешоналари суви йўқ саночдай тиришиб, вазирага ишора қилибди. Вазир дебди:

— Эй аҳмоқ, нодон! Мунча лоп-қоп урасан? Ҳозир ҳукм буюрса ўласан, тез корингни қил!

Қиз бир ханда қилиб:

— Бир ошиқ бўлса эди, паризодни қимор ўйнаб ютиб олар эдим. Паризод, илгариги расмини қилиб, кумуш ғишт, олтин ошиғини қўлига олиб, «Тикинг!» деб ишорат қилибди.

Қиз айтибди:

— Балли, сендек нотанти маликага! Келган меҳмоннинг пулини ютиб, ўзини ўлдирасан. Мен қорнимга хода боғлаб келганман, оғзингга кўндаланг тўсилиб қолади, ютолмайсан. Ошиқни менга бер. Мен келтиролмасам, сен отгин! Паризод ошиқни берибди. Бир хазинани тикибди. «Гардкам» деб келтирибди.

Сизга ёш берсин, бизга ҳаёт. Малика бошини қашигунча етмиш хазинасини ютиб олибди. Паризоднинг аччиғи келиб, ўз сочини ушлаб бир толини юлиб олиб, зумрад каравотга ўтирибди.

Қиз:

— Эй нодон, бир дона тукингга минг хазина бераман. Пулнинг аччиғи сенга ёмон бўлса, жон аччиғи ҳам менга ёмон,— деб ёнидаги каравотга ўтирибди.

— Эй каравот, сенинг отингни зумрад дерлар, дарёйи Шўрдан бўласан. Олти ойлик йўлдан ранжу машаққат тортиб келиб ҳайрон бўлиб қолдим: бирор гапинг бўлса айтиб, мендек мусофирнинг юрак зангини кўтарсанг,— деб бояги уч паризоднинг патини ўтга солибди. Дарҳол уч каравотнинг тагига уч пари ўзини олибди. Малика хабардор бўлмабди.

Каравот тебранибди. Малика дилида: «Оламда каравот ҳам гапирадими?» деб, каравотнинг қимирлаганига ҳайрон бўлиб қолибди. Каравот сўзга кириб:

— Сизга боғ берсин, бизга ҳаёт. Эй меҳмон йигит, хуш келибсиз, ажаб дилкаш экансиз. Раҳмингиз йўқ. «Ўлди-рим, куйди-рим», дейсиз, неча одамлар бош бераётир. Кўрганимдан айтайинми?

Қиз:

— Нимани кўрдинг, нимани билдинг? Аслинг тош, маликанинг оёғини кўрдинг, дарёйи Шўрда шагал қумни кўрдинг,— деб хаб турибди. Каравот:

— Айтиш мендан, эшитиш сендан, маъқул қилиш Оқбиладан,— деб тилга кирибди:

— Қадим замонда бир дурадгор бор экан. Овқат ўзидан, икки танга ишлар экан. Пул йиғиб, ҳаж қилишга жўнамоқчи бўлибди. Унинг бир заргар ўртоғи бор экан: «Биродар, мен ҳам бораман» дебди. Заргарнинг машиначи ўртоғи бор экан. «Мен ҳам бораман» дебди. Машиначининг битта муллаи қоқ ўртоғи бор экан: «Мен ҳам бораман» дебди. Ҳаммалари ҳажга жўнабдилар. Йўлда кеч бўлибди. Ҳаммамиз ухласак бўри еб кетади, биттамиз ухла-

майлик деб уч киши ухлабди. Дурадгор ўтирибди, бунинг ҳам уйқиси келиб, тешани қўлига олиб, бир тарашдан битта бут тараша қилиб, чироқнинг тагига қўйибди ва ухлабди. Заргар уйғониб: «Бу биродаримнинг иши, мен бир иш қилай» деб битта тангани эритиб, қош-кўз, тирноқ қилиб, чироқнинг тагига қўйиб ухлабди. Машиначи уйғониб: «Бу ўртоғимнинг иши» деб бир парча латгани қийиб, тикиб эгинига солибди. Бир қўғирчоқ қиз бола бўлибди. Чироқнинг тагига қўйиб ухлабди. Муллаи қоқ уйғониб: «Бу ўртоқларимнинг ҳунари, мен бир иш қилай» деб бошини ерга қўйиб, ўртоқларимнинг ичида мени шарманда қилма, шу суратга жон ато қил!» деб кўп йиғлабди. Бу ҳам ётиб ухлабди. «Туринглар, тонг отди кетайлик» деган бир товуш келибди. Ҳаммаси бошини кўтариб кўрса, бир малика оламда ҳеч киши кўрган эмас, унинг олдида Оқбилак пари чўл қурбақача ҳам эмас. Донишманд бўлсанг ажратиб бер менга! Ҳалиги қиз дурадгорникими, заргарникими, машиничникими, мулланикими?

Қиз айтибди:

— Балли, машиначи кўйлак тикмаса, одам бўлармиди?

Оқбилак пари дарғазаб бўлиб:

— Эй аҳмоқ, яланғоч ўтирсам ҳам шу париман, кўйлак кийсам ҳам шу париман,— дебди.

— «Гапирди» деб бир довул қоқилибди, маликанинг отаси суюниб бир хазинасини талатибди.

Қиз ёқут каравотга ўтириб айтибди:

— Эй ёқут каравот, сен ҳам бирор оғиз ҳикоят бўлса гапир, менинг кўнглим боғ-боғ очилсин. Каравот тилга кириб:

— Кўрганимданми, эшитганимданми, билганимданми? Зумрад каравотнинг гапини ковушдай пойма-пой қилдинг, менинг гапимни эшит, Паризод маъқул қилсин,— дебди.

— Хўш, замонларнинг замонида бир бой бор экан, бой бўлса ҳам кетида уч чекса лойи бор экан. Унинг уч ўғли бор экан. Катта ўғли: «Эй дада, менга юз тилла пул беринг. Олмаотага бориб катта-катта қўйлардан олиб келаман» дебди.

Дадаси суюниб пул берибди, кўчага чиқиб кўрса, ўнтача бола бир эски пўстакни улоқ қилиб, ўйнаб юрибди, йигирма бир жойида тешиги бор. Бойвачча: «Ҳай бола, пўстагинг неча пул?» деб сўрабди.

Бола айтибди: «Юз тилла», «Ия, нима ҳунари борки, юз тилла дейсан?» «Устига ўтирсанг, кўзингни юмиб оч-

санг машриқдан мағрибга етказади». Бойвачча юз тилла бериб уйига олиб келибди. Дадаси кўриб: «Сенинг қилган совданг шуми?» деб сўкибди. Уртанча ўғли:

— Жон дада, менга ҳам юз тилла беринг. Ўзганда гурч арзон экан, бориб олиб келаман!— дебди. Бунга ҳам юз тилла берибди. Кўчага чиқса, бир парча сири йўқ ойнакни болалар юзига қўйиб: «Мани кўр, ўртоқ» дебди. Бойвачча қараса, орқасидаги бола кўринади, хуштор бўлиб:

— Ойнак неча пул?— деб сўрабди.

— Юз тилла.

— Нима ҳунари бор ойнакнинг?

— Қўқон, Марғилон, Наманган кўринади,— дебди.

Ҳақиқатда сири йўқ ойна девор-тошни кўрсатибди. Юз тилла берибди. Уйга келибди. Дадаси:

— Эй аҳмоқ, менинг пулим ҳаромми, сири йўқ ойнани олибсан?— деб сўрабди.

Кенжа ўғли:

— Жоним дадам, менга ҳам юз тилла беринг, майда савдогарчилик қиламан,— дебди.

Бой аччиғланиб бунга ҳам юз тилла берибди. Кўчага чиқса, иккита бола таги йўқ бир тоснинг ичига ёш болани ўтқазиб баландликка олиб чиқиб, музгарлик вақти экан, музнинг тепасидан қўйиб юборса, ажаб тез кетибди. Бойвачча завқ қилиб: «Ажаб яхши нарса экан, ўт емайди, ем емайди югуради», дебди.

— Ҳой бола, тос неча пул?— дебди.

— Юз тилла.

Юз тилла бериб тосни олиб, уйига келибди. Бой бунни кўриб, игна еган итдай тиришиб, иккала қўлини гира қилиб:

— Эй хотин, бу болаларни ким туққан?— дебди.

— Мен туққанман,— дебди хотини.

— Уч ўғлингни ол, минг талоқ қўйдим,— дебди бой.

Хотин йиғлаб:

— Эй жувонмарглар, сен учалангни туққунча ит туққанам яхши бўлар эди,— деб қўлини гира қилиб, ўғлининг бошига бир урибди. Ўғли йиғлаб:

— Жон она, рост айтасан, юз тиллага шу пўстакни оламанми, ҳаммаси тешик бўлса,— дебди.

Кенжа ўғил айтибди:

— Ака, сизникига ямоқ солса ўчоқнинг олдига солса бўлади.

— Мен нодон, таги йўқ тосни олибман.

— Жон ука, таг солса сеникида қўй хашак ейди. Мен аҳмоқ сири йўқ ойнакни юз тиллага оламанми?— деб ойнакка қарабди ўртанчаси. Кўрса, Мағриби замин подшосининг бир қизи бор экан, ўлибди. Ювиб-тараб, тахтаин тобутга солиб, олам халқи йиғлаб турибди. Уйлаиб қараса, олти ойлик йўлда. Пўстакка ўтириб, кўзни юмиб, очибди. Ўзини Мағриб заминда кўрибди. Бояги теги йўқ жомда етти жом сувни маликанинг бошидан қуйибди, қиз акса уриб ўрнидан турибди. Чиройлилиги жуда ҳаддан ташқари. Оқбилак пари унинг олдида типратиконча ҳам эмас. Донишманд бўлсанг шу қиз пўстаги борникими, ойнаги борникими, тоғораси борникими?

Қиз айтибди:

— Балли, ойнакда кўрмаса одам бўларми эди?

Малика аччиғланиб:

— Эй аҳмоқ, мен ўлсам, бир йил менга қарасанг тири-ламанми? Ҳамма иш жомда,— дебди. Отаси иккинчи хазинани талатибди. Паризод хафа бўлиб, учинчи каравотга ўтирибди.

Қиз айтибди:

— Эй лаъли каравот, сенинг ҳам бирор оғиз гапинг борми? Гапир, юрагимни равшанликка чиқарсанг, паризодни олиб мурод ҳосил қилсам.

Каравот сўзга кириб:

— Қадим замонда бир подшо бор эди. У подшонинг битта тўтиси бор эди. Қафасга солиб тахтнинг тепасига осиб қўйган эди. Ҳар кун номозга бориб, уйига келгунча бир сиқим пистани чақиб, мағзини тўтига егизарди, тўти сайрарди. Сайраганда замин у замон, макину макон мумдай эрир эди. Тўти: «тиригимни иззат қилади, ўлсам нима қилар экан?» деб ўзини ўликка солибди. Подшо келиб кўрса, тўти ўлиб қолибди.

— Ҳо, мирохур, тўтининг ўлигини қафасдан олиб томга ташла,— дебди.

Мирохўр шу заҳоти унинг айтганини бажо келтирибди.

— Эй подшоҳи олам, мен ўлганим йўқ, тирикман, лекин қорнимга йиғламайман, қадримга йиғлайман,— дебди тўти.

Подшо ўз ишига пушаймон қилиб:

— Қорнингга нима бўлди, қадрингга нима бўлди?— дебди.

Тўти айтибди:

— Тиригим хандон писта ер экан, ўлигим томда ётар экан, энди менга жавоб бер, Ҳиндистон тоғига бориб, ота-

онамни кўриб келай, қирқ йилдан бери кўрганим йўқ,— дебди.

Подшо тутиб олишнинг иложини қилолмай: «Неча кунда келасан?» дебди.

— Ун олти кунда бораман, саккиз кун тураман, ўн олти кунда келаман, қирқ кун бўлади,— дебди.

Подшо ноилож жавоб берибди. Тўти парвоз қилиб учиб кетибди. Ота-онасининг олдига бориб, саккиз кундан кейин «кетаман» дебди. Отаси:

— Эй ўғлим, подшога қуруқ борасанми,— деб битта олманинг уруғини берибди. Тилининг тагига солиб, «Ўн олти кундуз дон есам, сув ичсам уруғ йўқолади» деб лаб ташна ва шамка гушна бечора тўти подшонинг тахтига қўнибди. Уруғни подшонинг қўлига берибди, ўзи қафасга кирибди. Подшо уруғни боғбонга берибди. Боғбон боққа кириб бир яхши жойга экибди. Эрта билан экиб пешинда кирса, олма бўқоқ бўлибди. Тўрт донга, кичкинаси бир пудлик тошдек, етти хил товланибди, лекин олманинг тагида бир йўғон илон ётибди. Боғбон илонни ўлдирибди. Шу илоннинг хотини эрини истаб чиқиб, ўлигини олма тагида кўрибди. «Бу боғбоннинг иши, олмани есин, боғбон ўлсин» деб заҳар солибди. Боғбон номозгарда боққа кириб, олтин лаганга тўртта олмани солиб, подшога тортиқ қилибди. Подшо олмани кўриб:

— Эй боғбон, бу олма қайси подшонинг мамлакатида бор экан?— дебди. Боғбон:

— Камина ғулом, халқа бағўса, ўшал олиб келган уруғнинг олмаси шу.

— Пичоғимни олиб бер, бир қалам кесиб ей,— деган экан подшо, вазир унинг қўлини ушлабди:

— Подшоҳи олам, султони боқарам, бу эрта пишар олмада бир ҳикмат бор, олдин емасдан имтиҳон қилинг.

Подшо ўз отини олиб чиқиб унга берибди. От еб қўйиб кул бўлибди. Подшонинг ранги ўчиб, қони қочиб, тўтига қараб дебди:

— Эй тўти, қирқ йил сенга хандонписта бериб оқибат шуми?— деб тўтининг калласини узиб ташлабди.

— Эй меҳмони асл, қани энди кўзингни очиб, ақлингни йиғиб, қўрқмасдан гапимга жавоб бер? Айб подшодами, боғбондами, тўтидами?

Қиз жавоб берибди:

— Уша тўти менинг ихтиёримда бўлса эди, қийма чиқарадиган машинага солиб гўштини қиймалатар эдим. Тў-

ти бўлмай ўлсин, шунча яхшилик қилса, одам ўлдирадиган олманинг уруғини олиб келадими?

Оқбиллак пари бир қадди камон сачраб туриб, бир қовза сочини юлиб, оҳ тортиб:

— Эй аҳмоқ, каллаварам, шу ақлинг билан мени ола-санми? Менинг замонимда ўшал тўти бўлса, ўлигини олтиндан тобут қилиб солиб, қирқ йил бошимда кўтарар эдим, бархитдан кафан қилиб, кўмар эдим. Ҳай дариг, қандай қилайки тақдир сенга насиб қилган экан. Неча минг подшолар келиб мени деб бош бериб эди, сен тирранча менга фириб бердинг. Тўй тадоригини кўр!

Парининг отаси бу хушxabарни эшитиб:

— Уч йиллик бож-хирож олинмасин,— деб ҳукм қилибди. Юртга ошу нон тортиб, парилар қондасида тўй қилиб, ширмон кулчани қўшалоқ кулчага топширибдилар.

Камбағал қиз чимилдиқда сиёсат билан ўтирибди. Хотинларни чиқариб юбориб, паризодни кўтариб кўрпага урибди. Ўзи тескари қараб ётибди.

Уч кунгача шу алфозда бўлибди. Янгалар сўрабди:

— Куёв поччам қарадиларми?

— Мен бахти қора, нотавон бўлмасам шунга тегаманми? У доим орқасини ўгириб ётади.

— Орқа-олдини силаб, ходими қилинг, шояд қараса,— дебдилар. Кечаси қиз маст уйқуда экан. Маликанинг қўли қизнинг кўкрагига тегиб кетибди. Қиз сачраб туриб, қиличини филофидан суғириб:

— Эй бадбахт, мен бошда айтмабми эдим, сенинг сингари етмишта хотиним бор. Сени ўртада йигитларга косагул қиламан, торт, қўлингни!— дебди.

Малика зор-зор йиғлаб қолибди.

Эрта билан қиз: «жувозкашларни йиғ» деб вазирга, буюрибди. Бафармони ҳайиллази улуғ сўзга урғочи тавба, саф-саф, гуруҳ-гуруҳ, пинжа-пинжа, фирқа-фирқа, тангла-тангла, охшом-охшом, чўққа-чўққа, даста-даста, ёр-ёр ҳамма баякбор йиғилибди. Дарё қумининг ҳисобини билса бўлади, жувозкашнинг ҳисобини олиб бўлмайди. Назар солиб кўрса, ўзининг эри йўқ.

— Яна борми?— деб сўрабди. Вазир:

— Йўқ,— дебди.

— Яна битта-яримта қолса, кейинча эшитсам, сенинг: авлод-аждодингни тигмурт қилиб қуриたまан. Бу камбағал меҳматкашларни қоронғи зиндондан ёруғлик жаҳон саҳнасига чиқараман, озод қиламан.



Вазир фикр қилиб, «Уйимдаги жувозкаш подшозодани олиб келмасам, кейинча билса, менинг бошимга қаттиқ кун келади» деб:

— Эй подшоҳи олам, ижозат беринг, мен бир ўзим ахтарай. Бўлса топиб келай,— дебди. Этагини турмушлаб, бошига бир муштлаб нон-қатиқни еб, уйига келиб подшозодага:

— Юринг, сизни мажлисга олиб бораман,— дебди.

Подшозода йиғлаб:

— Менинг аҳволимга қараб бўлмайди, ҳамма кулиб масхара қилади, бу кунимдан ўлганим яхшироқ,— деб ночор қадам қўйибди. Подшонинг ўрдасига келибди. Қиз назар ташлаб эрининг аҳволини кўриб, ўзини эрининг оёғига ташлашга яқин қолибди. Юз ҳийла билан ўзини тўхтатибди. Ичида хафа бўлиб: «Эй бечора, бу машаққатларингни назарга олиб, сенинг бошингга тож қўйиб, белингга тилла камар боғлатиб, жиловингда неча хизматкорлар тайёрлаб, Боғу Эрам, Ажам мамлакатининг, олти ойлик жойнинг ихтиёрини сенинг қўлингга қилмасам икки дунёда камбағал-қашшоқ бечоранинг қизи бўлмайман». дебди.

— Эй вазир, шу жувозкаш қолсин, ўзгаларини озод қилдим. От, тўн, пул бериб ҳар қайсисини ўз жойига жўнат. Бу камбағал жувозкашни ҳаммомга олиб бор: ҳаммомчига айт, бутун даҳада кўча-кўйларда, етти яшардан ағда, етмиш яшардан бағда одам қимирласа дами тигдан ўтказаман. Мен ҳам ҳаммомга бораман. Ҳаммомдан чиқишимга маофалик арава тайёр қилсин. Карнайни воғиллатиб, замбаракни гумбурлатиб, ас-аса-ю, даб-даба билан олиб келсан, мени эртага амаким кўрадиган кун,— дебди.

Вазир буйруқ қандай бўлса шундай қилибди. Бу ишдан вазир, қиз иккаласидан бошқа киши хабардор бўлмабди. Қиз эрининг орқасидан ҳаммомга кириб борибди. Кўрса эри усти-бошини ечиб қўйибди. Ўзи ичкарига кирибди. Эри ҳаммомнинг ўрта гулсангида ўтирибди, олдида бир тоғора сув, ҳар замон бошини сувга тиқиб турибди. Бошини кўтариб қараса, подшонинг куёви тепасида турибди. У уялганидан бош эгибди. Қиз қаҳри-зарби билан қиличини кўтариб айтибди:

— Бу нима? Қилич кишига дўст бўладими?

— Йўқ.

— Биласанми, мен кимман?

— Менинг хўжамсиз, янги куёвсиз. Боғи Эрам подшоҳининг кўрар кўзи, ёнар чироғи, нуридийдаи жигарбан-

ди — Оқбилак парининг эрисиз. Сиэни танимасам кўзим кўр бўлсин,— дебди.

Қиз айтибди:

— Эй кўр, мени танимадинг! «Менинг гисубурида хотинимни қамичга ўлчаб қирқ!»— деб отангга хат қилибсан. Отанг: «Менинг ўғлим мана шу аҳволга тушибди», деб қилган хатингни менга кўрсатди. Мен бу хизматга белимни боғлаб келиб, маликани қўлимга киритдим, олиб бераман, оласанми?

Подшозодайи жувозкаш: «Во дариг, менинг бу кўрган куним озми, агар «ҳа» десам, менинг устихонларимни майда-майда қилиб, гўштимни қурти-қушга хўрак қилади», деб фикр қилиб, қизнинг оёғига бош қўйиб, йиғлайверибди. Ҳеч гап айтмабди. Етти марта сўрабди. «Ҳа десам ўламан» деб ўйлаб, йўқ деяй деса, Оқбилак париниг ишқи фироқида кўзлари дилнам, юраклари пурғам, кеча-кундуз муҳаббати шуъла уриб, кўзига уйқи келмас экан. Шу сабабдан индамай турибди. Қизнинг аччиғи келиб, сиёсат қилиб қиличининг учи билан туртиб:

— Эй подшозода, рост айт, омон қоласан, ким бўласан, бегона бўлсанг ўлдираман,— дебди.

Подшозода бир оҳ тортибди, гўё ҳаммом ёрилгандай бўлибди, ҳушидан кетиб ётибди. Бир оз ўтгандан кейин кўзини очиб:

— Эй подшозода, ўтиринг, мен арзимни қилай, хоҳ ўлдиринг, хоҳ куйдиринг, нима қилсангиз ихтиёр сизда. Сизга боғ берсин, бизга ҳаёт,— дебди.

Бошдан ўтган саргузаштини қизга бир-бир баён қилибди.

Қиз дебди:

— Уч кун бўлди, маликани олдим. Номаҳрамга назар солганим йўқ. Ҳаммомда менинг уст-бошларимни киясап, чиқиб аравага ўтирасан. Тўғри равоққа чиқиб маликанинг қўйнига кирасан. Тезлик билан кеч қолмай, сатранж ўйнаб ютқизган боққа борасан. Мен кўз тутиб тураман. Давлатга мағрур бўлиб қолсанг, келиб бошингни кесиб кетаман. Бу ишни сен бил, мен билай, ўзга киши билмасин,— деб бир ҳамён зари нақдина бериб, бояги жувозхонадаги усти бошларини олиб биёбон тарафга қараб кетибди.

Сўзни подшоваччадан эшитинг:

Ҳаммомдан чиққан ҳамон оқсоқол, қорасоқоллар кўтариб, аравага ўтқазиб ўрдага олиб келибдилар. Подшозода шошилиб бир поғонага оёқ қўяман деб, уч поғонага оёқ қўйибди. Равоққа чиққунча шу тариқада йиқилиб, қоқилиб,

етти жойи қашқа бўлибди. Маликанинг ёнига чиқибди. Малика кўриб хурсанд бўлиб, ипак дастрўмол билан эрининг пешона терини артибди, подшозоданинг ишқ-муҳабати жўш уриб маликанинг нозик белидан қизил гулнинг новдасини эггандек қучоқлаб кўтариб тўшакка урибди.

• Энди Боғи Эрамдан, подшодан сўз эшитинг.

— Эй вазири! Менинг бор маслаҳатим бор, ёшимни яшадим, белимнинг қуввати кетди. Кўзимнинг нури ўчди. мен ўлсам соҳиби тахт бўладиган киши йўқ. Қизимнинг эри менга ўғил бўлди, мен кўрганим йўқ. Халқ: «Етти иқлимда шундай донишманд, мард, соҳибжамол йигит йўқ» дейди. Олиб келиб тахтимга ўтқазсам, хазиною ҳукуматимни берсам, нима дейсизлар?— дебди подшо.

Вазир қуллуқ қилиб: «Яхши маслаҳат бердингиз» деб куёвни чақириб, бошига тож қўйиб, муҳрни қўлига бериб, Парсистон шаҳрига подшо қилибди. Бунинг дастидан деу пари қочиб қутула олмабди.

Эри кунлардан бир кун, ётиб туш кўрибди. Ўзини ҳаммомда кўрибди. Ҳаммомда учраган подшозоданинг қўлида қилич: «Нимага ҳаялладинг» деб газаб қилиб турибди. Чўчиб уйғонибди, бир оқ тортибди. Малика уйғоқ экан, сўрабди:

— Емакдан, киймакдан камлигингиз йўқ, бир жойга бораман десангиз деу парилар кўтариб, кўз юмиб-очгунча Ямандан Ясанга етказди, нимага оқ тортасиз?— дебди.

— Мен сенинг отанга ўхшаган бир катта подшонинг ўғлиман. Ота-онамни соғиндим,— дебди.

— Ўзингиз айтиб эдингиз: «Сенга ўхшаган етмишта хотиним бор, деб, мабодо олиб бориб, хор қилсангиз мен шарманда бўлиб қоламан. Хўп десангиз, сиз келгунча мен сизнинг номингизда ўтираман, йўқ десангиз бораман. Кўпчиликнинг ичида хор қилсангиз ҳам ўзингиз биласиз, қилмасангиз ҳам ўзингиз биласиз,— дебди малика.

Подшозода дам урмабди. Бу ишга малика хафа бўлиб, отасига йиғлабди: «Мен узоқ юриб келмасам, лашкар тортиб бориб, менинг мазоримни топиб, тупроғимдан оласиз, дийдор қиёматга қолди»,— деб, илгариги ўтган гапларни баён қилибди.

Отаси:

— Эй қизим, подшо деган сиёсат қилади, қўрқма! Сени ўлдирмайди,— дебди. Бир қанча насиҳат қилиб, қирқ минг лашкар, тўрт юз хачир зару жавоҳир билан уч кунлик жойга кузатиб борибди. Илгариги чорбоққа келиб кўрса, ҳам-

момдаги «йигит» қўлидаги узугини тахтнинг тепасига қўйиб ўзи кетибди. Подшовачча узукни қўлига солганда... Маликанинг кўзи узукка тушибди.

— Менинг олдимга кирганингизда, шу узук қўлингизда эди, бир икки кундан кейин кўрмадим. Нечук бу узук тахтнинг тепасида пайдо бўлибди?

Подшозода:

— Мен подшо бўлсам, сен паризод бўлсанг, аскарларимиз деуу пари бўлса, қудратим етмайдами, Ажамни Боғи Эрамга етказсам?— деб қаҳрланибди.

Малика ичида «Бу ишнинг тагида бир иш бўлса керак, сен аҳмоқнинг қўлингдан ҳеч иш келмайди, деб дам урмабди. Подшозода отасига хат ёзибди: «Уч кундан кейин шаҳарга бораман, отам менга итоат қилиб, йўлимга чиқмас, мамлакатини ер билан яксон қиламан» деб жўнатибди. Ажам подшоси бу хабарни эшитиб «Ўғлим келади, менга хат келган эди, агар олдига чиқмасан, ёшлик қилиб ҳар иш қилса қилади» деб, уч кунлик йўлни аскар билан тўлдириб, ҳаммаси қиличини бўйнига тақиб турибди.

Подшозода етиб келибди. Отаси кўрса, тилла тахт устида ўтирибди, бошида тож, белида камар, тўрт дев тахтни кўтарган. Девларнинг кифти минордай, бўйи чинордай, оғзи-бурни кўҳна қопдай. Кўрган одамнинг баданига ларза киради. Подшозода отасининг ёнида хотинининг отасини кўриб айтибди:

— Эй ота, мен хат қилиб эдим: «Хотинимни авлоди билан қир» деб. Шаҳрингга кирмайман. Аввал ўрдага саксон газ дор қил, сочи юлиқ хотинимни дорга осиб қўй: мен қўлимга ёй олиб менга гап айтганнинг оғзига бир урай, қолганини ўзинг бил, ҳеч ким бу жаҳонда эрига бундай зулм қилмасин!

Камбағалнинг қизи «Эрим менга нима олиб келар экан» деб йиғиннинг ичида турган экан, подшонинг хизматкорлари қизининг қўлини боғлаб бўйнига арқон солиб судраган вақтда, арз қилибди:

— Менинг уч оғиз арзим бор, қабул қилинг, кейин ўлдирсангиз розиман,— дебди.

Подшо рухсат берибди. Қиз баланд чорпоёга чиқиб дебди:

— Умид билан бир ёстиққа бош қўйдим. Ўзи-тиб мулла қилдим. Ароқхўр, бўзахўр қилмадим. Боғи Эрамдан келсалар киярлар деб умид билан тикиб қўйган бир гул дўппим бор, берай, ўлсам армоним йўқ.

Подшо айтибди:

— Ташла!

Бўхчани ечиб, жувозхонадаги телпагини ташлабди:

— Битта тикиб қўйган босма чакмоним бор, берай, ўлсам армоним йўқ,— деб уни ҳам ташлабди.

Подшозода ўз қўлини ўзи тишлаб, бир бўғинини узиб олибди.

— Умид билан тикиб қўйган битта этигим бор,— деб чоригини ҳам ташлабди. Чармига, пошнасига ҳўкизнинг тезаги ёпишган экан.

— Нима қилсанг, қил!— дебди.

Подшозода:

— Эй ота, мен чучварани хом санабман. Ҳукуматни камбағал қайнатамга бермасанг, шаҳрингга кирмайман,— дебди. Подшо ҳайрон бўлиб:

— Эй ўғлим, жиннимисан, соғмисан?— дебди.

Подшозода:

— Эй хотин, ўзинг ўша баланд шотига чиқиб, бошдан ўтган саргузаштни баён қил,— дебди.

Камбағал қиз тилга пириб, бир-бир баён қилибди, тўрт юз лак халойиқ эшитибди. Оқбилак пари тахтдан тушиб, қизнинг оёғига бош қўйиб: «Менинг гуноҳимни ўтасиз. Оламда бир қиз боланинг қўлидан шу иш келса, то ўлгунча сизга қўл қовуштириб хизмат қилиш учун хизматкорлик камарини белимга боғладим» дебди.

Йиғилган халойиқ камбағал қизнинг ишларига қойил бўлибди. Камбағал қиз мурод-мақсадига етибди.



## Ҳасан билан Ҳурилиқо

Бурун замонда, Шарқ мамлакатларининг бирида Аҳмадjon деган савдогар бўлган экан. Унинг Ҳасан деган ўғли ва Ҳурилиқо деган қизи бор экан.

Ойлар, йиллар ўтибди. Ота-онаси ўлиб, Ҳасан билан Ҳурилиқо етим қолибди. Ҳасан бир бойнинг эшигида хизмат қилиб юрибди. Бир қанча вақт ўтгач, Ҳасаннинг хизмати бойга ёқибди. Бой ўзининг Зулайҳо номли қизини унга берибди. Зулайҳо Ҳасаннинг синглиси Ҳурилиқо билан бир ҳовлида тура бошлабди. Ҳасан бойнинг хизматини бажариб юра берибди.

Зулайҳо Ҳурилиқони жуда ёмон кўриб қолибди. Қандай бўлмасин уни кўз олдидан йўқотиш пайига тушибди. Бир куни Ҳасан ишга кетганида уйдаги бутун асбобларни ҳовлига олиб чиқиб, устидан ёғ қуйиб ўт ёқибди. Ҳасан ишдан келганида Зулайҳо йиғлаб-йиғлаб:

— Синглингиз менга ўчакишиб, ҳамма нарсага ўт қўйди. Менинг талоқ хатимни беринг, мен бу уйда бундай аҳволда яшолмайман,— дебди.

Ҳасаннинг аччиғи келиб, Ҳурилиқони қамчи билан уриб, қаттиқ қийнабди. Ҳурилиқо ёлвориб:

— Жон ака, мени бегуноҳ урманг. Мен бу ишларни қилганим йўқ. Келинойимнинг ўзи қилган,— дебди.

Ҳасан Ҳурилиқонинг сўзига қулоқ солмабди, уни уриб дабдала қилибди.

Орадан бир йил ўтгач, Зулайҳо бир ўғил туғибди. Зулайҳо болага қарамабди, уни Ҳурилиқо парвариш қилибди. Ўғил олти ёшга тўлганда жуда ҳам ширин бўлибди.

Ҳасан ўғлини жуда ҳам яхши кўрар экан. Кунлардан бир кун Ҳасан билан бой овга чиқиб кетишибди. Зулайҳонинг фикри бузилиб, кечаси Ҳурилиқо ухлаб ётган вақтда ўз боласини ўткир пичоқ билан сўйиб, пичоқни Ҳурилиқонинг кўрпасига тиқиб қўйибди. Ярим кечада Ҳасан овдан келибди. Зулайҳо ўрнидан туриб Ҳасанни қучоқлаб йиғлабди.

Ҳасан:

— Нимага йиғлайсан?— деб сўрабди. Унгача Ҳурилиқо ҳам уйғониб ўрнидан турибди. Зулайҳо боласини қўлига олиб:

— Кўрдингизми, кечаси мен ухлаб қолган вақтимда Ҳурилиқо боламни ўлдирибди,— дебди. Ҳасан жуда хафа бўлиб, Ҳурилиқога:

— Нимага ўлдирдинг, бола сенга нима гуноҳ қилди. Падарингга минг лаънат,— деб сўкибди. Ҳурилиқо:

— Акажон, нима учун мени бекордан-бекор сўкаси. Мен нимага укамни ўлдираман. Бундай виждонсизлик менинг қўлимдан келмайди. Бу менга тухмат,— деб йиғлабди.

Зулайҳо Ҳуриликонинг кўрпасини очиб, ундан ўзи қўйган пичоқни олиб:

— Ёлғон бўлса бу нима? Пичоқни кўрпангиз орасига яшириб қўйибсиз-ку,— дебди.

Ҳурилиқо кўнгли бузилиб:

— Вой, товба-е, киши шундай тухматларга учрар экан. Тухмат қилганингиздан кўра, мени ўлдиртириб юборсангиз минг марта яхши бўлар эди,— дебди.

Ҳасан жаҳл устида:

— Сен менинг биттагина боламни ўлдирдинг, сендай сингилнинг кераги йўқ,— дебди, ғазабига чидолмай шартта сингилсининг икки қўлини кесиб, уйдан ҳайдаб чиқарибди.

Бечора Ҳурилиқо уйдан чиқиб, неча кунлар йўл юриб, оч-наҳор қийналиб, бир подшонинг боғига етиб келибди. Боғ ёнида қовун-тарвуз пишиб ётган экан. Ҳурилиқо кундузлари боғда яшириниб ухларкан, кечалари эса туриб полиздаги қовунларни еярган.

Бир куни Султонхон подшо ўғилларига:

— Болаларим, қовун-тарвузларимизни бир нарса ғажиб кетаётибди. Полизни пойлаш керак,— дебди. Шунда подшонинг катта ўғли қўлига яроғ олиб:

— Мен бориб пойлайман,— дебди. Ярим кечагача пойлаб ўтирибди, ҳеч нарса кўринмабди. Кейин ухлаб қолибди. Эртасига ўрнидан туриб, отаси олдига бориб:

— Ота, ҳеч нарса кўрмадим,— дебди.

Подшо эртаси қовун полизга ўртанча ўғлини юборибди. У ҳам кечаси ухлаб қолибди.

Эрталаб даладан қайтиб келиб, отасига:

— Қовун полизда мен ҳам ҳеч нарса кўрганим йўқ,— дебди.

Подшонинг кенжа ўғли шаҳзода Анвар:

— Ота, энди мени юборинг,— деб ёлворибди.

Отаси:

— Ўғлим, акаларингнинг қўлидан ҳеч нарса келмади, сенинг қўлингдан нима келар эди, қўй, борма,— дебди.

Шаҳзода Анвар акаларига қараганда доно ҳам ақлли йигит экан. Отасига:

— Ота, акаларим бажара олмаган ишларни балки мен бажарарман,— деб туриб олибди. Подшо Анварнинг сўзини қайтармай:

— Майли, болам, борсанг бора қол!— деб жавоб берибди.

Анвар жуда хурсанд бўлиб, бир оз туз, милтиқ олиб уйдагилар билан хайрлашиб жўнаб кетибди.

Кечқурун далага етиб бориб, қапа ичига кириб қорувул бўлиб ўтирибди. Ярим кеча бўлганда Анварнинг уйқуси кела бошлабди. Анвар ухлаб қолишдан қўрқиб ёнидан пичоқ олиб, бармоғидан бир оз кесиб, туз сепибди.

Бармоғининг оғриганига чидай олмай уйқуси қочиб кетибди. Бир оз вақт ўтгач, Ҳурилиқо секин келиб қовунни ея бошлабди. Анвар қизни кўриб, югуриб борибди ва уни тутиб қапага олиб келибди. Ҳурилиқонинг чиройи Анварни ўзига тортибди, у ҳайрон бўлиб Ҳурилиқодан:

— Сиз ким бўласиз, далада нима қилиб юрибсиз?— деб сўрабди.

Ҳурилиқо ўксиб-ўксиб йиғлаб, бошидан ўтган саргузаштини Анварга бирма-бир сўзлаб берибди. Анварнинг Ҳурилиқога жуда раҳми келибди.

Тонг ўтибди. Анвар Ҳурилиқо билан отасининг олдига бориб, кўрган-билган воқеасини унга айтиб берибди. Подшонинг қизга раҳми келиб, хизматчиларига:

— Бу қизни яхши кийинтиринглар, бизнинг уйда юра берсин,— дебди. Подшонинг хизматчилари Ҳурилиқони ичкарига олиб кириб, ювинтириб, кийинтириб парвариш қилибдилар.

Орадан бир неча вақт ўтгач, Анвар подшо ёнига келиб:

— Э ота, сизга айтадиган бир сўзим бор, бир қошиқ қонимдан кечсангиз айтар эдим,— дебди. Подшо:

— Айт, болам, кечдим,— дебди. Анвар:

— Отажон, далада пойлоқчилик қилганимда Ҳурилиқо менга ёқиб қолган эди. Шуни менга тўй-томоша қилиб олиб берсангиз,— дебди. Подшо:

— Уғлим, сен уйланадиган бўлсанг сенга подшоларнинг чиройли қизларидан олиб бераман. У қизнинг икки қўли йўқ, чўлоқ-ку, нима қиласан?— дебди. Анвар:

— Менга подшо қизи керак эмас. Чўлоқ бўлса ҳам майли. Шуни олиб бермасангиз мен дунёдан уйланмай ўтаман,— дебди. Подшо ўғлини жуда яхши кўрар экан, унинг бу сўзларидан кейин, агар айтганини қилмасам, бола жинни бўлиб қолмасин, деб ўйлабди.

— Ҳа майли, болам, олиб бера қолай,— дебди.

Анвар жуда хурсанд бўлибди. Анвар билан Ҳурилиқонинг тўйи бўлибди. Тўй-томоша бир неча кун давом этибди.

Орадан бир-икки йил ўтгандан кейин подшо катта



ўғилларини ўзига қарашли бошқа шаҳарларга ҳоким қилиб юборибди.

Бу воқеадан бир неча кун ўтгач, подшо Анварни чақириб, унга узоқ бир юртдан келган хатни кўрсатибди. Унда:

Бир мамлакатнинг подшоҳси ўлар олдида фуқароларини йиғиб: «Мен ўлсам, ўрнимга Султон подшонинг ўғли Анварни подшо қилинглар, у жуда ақлли, ҳам доно йигит» деб васият қилиб вафот этган экан. Фуқаролар маслаҳатлашиб, Анварни подшоликка кўтармоқчи бўлиб Султонхондан Анварни сўраган эканлар.

Подшо ўғлига:

— Ўғлим, подшо бўлиб борасанми?— дебди. Анвар:

— Борсам, борай, лекин хотиним Ҳуриликко ҳомиладор. Агар ўғил туғса менга карнай-сурнайлар билан хабар беринг. Агар қиз туғса хат ёзинг,— дебди.

Отаси:

— Маъқул ўғлим,— дебди.

Эртаси Анвар ёнига бир неча аскар олиб, ота-онаси ва хотини билан хайрлашиб йўлга чиқибди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, тайинланган шаҳарга етибди. Халқлар билан танишиб тахтга миниб, подшолик даврини сура бошлабди.

Энди икки оғиз сўзни Ҳуриликқодан эшитинг:

Ҳуриликко тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат деганда олтин кокилли бир ўғил, кумуш кокилли бир қиз туғибди. Подшо севинибди. Хат ҳам ёзибди, қарнай-сурнай ҳам чалдириб, Анварга хушxabар юборибди. Хушxabар олиб борадиган навкарлар Ҳуриликко туғилиб ўсган шаҳардан ўтар экан. Навкарлар шу шаҳардан карнай-сурнай чалиб ўтаётганида Ҳуриликқонинг келинойиси Зулайҳо кўчага чиқиб турган экан. Буни кўриб Зулайҳо ажабланибди. Уларнинг ёнига бориб:

— Қаердан келиб, қаерга борасизлар, қандай хушxabар олиб кетаётирсизлар?— деб бир навкардан сўрабди. Навкар:

— Султон подшонинг ўғли Анвар бошқа шаҳарда подшо эди. Унинг қўли йўқ, чўлоқ Ҳуриликко деган хотини бор. Шу бир ўғил, бир қиз туғди. Биз Анварга хабар олиб кетаётимиз,— дебди. Зулайҳонинг фикри бузилиб, Ҳасаннинг шаҳарда йўқлигидан фойдаланиб навкарлар олдига тушибди.

— Бари бир, бугун Анвар турган шаҳарга етолмайсиз. Бугун менинг уйимда меҳмон бўлиб қолинглар, эртага

жўнарсиз,— дебди. Бу гап навкарларга ёқибди. Отларини ташқарига боғлаб, Зулайҳонинг уйига киришибди. Зулайҳо уларни яхшилаб меҳмон қилибди, ароқ-шароб қуйиб бериб, маст қилибди. Навкарлар ухлаб қолганларида Зулайҳо уларнинг чўнтақларини кавлабди. Бир навкарнинг чўнтагидан Султонхоннинг Анварга ёзган хатини топиб ўқибди, уни йиртиб ташлаб бошқа хат ёзиб, унда: «Хотининг Ҳуриликко кучук билан мушук туғди. Нима қиламиз?»— деб ёзиб, хатни навкарнинг чўнтагига солиб қўйибди. Эртасига тонг отгандан кейин навкарлар нонушта қилиб, хатни очиб кўрмай йўлга равона бўлибди. Кечқурун Анвар подшонинг шаҳрига етиб боришибди. Подшога хатни беришибди. Анвар хатни ўқиб ажабланибди. Отасига шундай хат ёзибди: «Эй азиз отажоним, Ҳуриликко иг билан мушук туғса ҳам боргунимча яхши кутиб туринглар. Яқинда бораман. Ит билан мушук туғдинг, деб асло кўнглини ранжитманглар».

Анвар хатни навкарларга бериб юборибди. Хатни олиб навкарлар Ҳуриликко ўсиб-улғайган шаҳарга етганда Зулайҳо яна уларнинг олдидан чиқибди:

— Бугун тагин бизнинг уйда меҳмон бўлинглар,— деб навкарларни уйига олиб кирибди.

Навкарлар зиёфатдан мамнун бўлиб, маст-аласт ухлаб қолишибди. Зулайҳо яна навкарларнинг чўнтагини кавлабди. Бирининг чўнтагидан хатни топиб олибди, ўқиб, йиртиб ташлабди.

Анвар номидан Султон подшо номига шундай хат ёзибди: «Эй қимматли отажоним, Ҳуриликко менга керак эмас. Олтин кокилли ўғил, кумуш кокилли қиз туққан бўлса ҳам менинг кўзимга кўринмасин. Мана шу хатимни олиш билан бирга Ҳуриликқонинг икки кўкрагини кесиб, болаларини хуржунга солиб, елкасига ортиб, ҳайдаб юборинг. Агар мен борганимда Ҳуриликқони болалари билан уйда кўрсам иккимизнинг орамиз бузилади, мен сиздай отамдан кечаман». Зулайҳо хатни буклаб навкарнинг чўнтагига солиб қўйибди. Тонг отгач навкарлар йўлга тушибдилар. Бир кечаю бир кундуз йўл юриб Султон шоҳнинг пойтахтига етибдилар. Ўрдага бориб хатни подшога топширибдилар. Подшо хатни ўқиб, жуда хафа бўлибди. «Бу нима гап, Ҳуриликко олтиндек ўғил билан қиз туғса-ю, унинг кўкрагини кесиб ташла, уйдан ҳайдаб юбор, эмиш. Бу қандай зулм, бедодлик» деб ўйлабди. Ҳеч кимга айтмай беш-олти кун жуда хафа бўлиб, нима қиларини билмай юрибди.

Ҳуриликко жуда зийрак экан. Подшонинг бундай хафалигидан Анварнинг кўнгил қоладиган хат ёзганини сезиб олибди ва подшо ҳузурига кирибди-да:

— Отажон, нима бўлди сизга. Беш-олти кундан бери жуда хафа кўринасиз?— деб сўрабди. Подшо гапира олмай йиглаб юборибди. Ҳуриликкога Анварнинг хатини узатибди. Хатни ўқиб, Ҳуриликко ҳам йиглаб юборибди.

— Отажон, ўглингизнинг буйруғи шундай бўлгандан кейин бажармай иложингиз йўқ. Майли, мен розиман, ўглингизнинг айтганини қилинг,— дебди. Султон подшо ўйланиб туриб:

— Қизим, сенинг кўкрагингни кесиб ташламай. Лекин икки қора кўз болангни хуржунга солиб берай. Сен бу шаҳардан кет!— дебди.

Ҳуриликко рози бўлибди. Икки болани хуржуннинг икки кўзига солиб Ҳуриликқонинг елкасига қўйибди. Ҳуриликко хайрлашиб, йиғлай-йиғлай йўлга тушибди.

Бир-икки кун йўл босибди. Учинчи кун бир анҳордан ўтаётганда олтин кокилли ўғил хуржундан сувга тушиб оқиб кетибди. Ҳуриликко зор-зор йиглаб бир булоқнинг ёнида ётиб, боласини эмизиб ухлаб қолибди. Шу пайт Хизр бобо Ҳуриликқонинг олтин кокилли ўглини ва акаси кесиб ташлаган икки қўлини олиб келиб, уни уйғотиб:

— Тур қизим, қимматли нарсаларингни ол!— дебди.

Ҳуриликко чўчиб уйғонса, ёнида ўглини ва кесиб ташланган қўлини кўтариб бир чол турган эмиш. Ҳуриликко севиниб кетибди, ўрнидан туриб чолга салом берибди.

— Ваалайкум ассалом, қизим, бу ўғил сеникми?— деб сўрабди Хизр бобо. Ҳуриликко:

— Меники, отажон,— деб шошилиб жавоб берибди.— Келаётиб, катта сувдан ўтаётганда қўлимдан тушиб, оқиб кетган эди.

— Бу қўл кимники? Танийсанми?— дебди чол.

— Ҳа, отажон, менинг илгари худди шундай қўлим бор эди. Келинойим менга тухмат қилганида акам қўлимни кесиб, мени уйдан ҳайдаб юборган эди,— дебди ва бошидан кечирган саргузаштини айтиб йиглабди.

Хизр бобо Ҳуриликқонинг қўлларини тупуклаб, дам солиб ёпиштириб қўйибди. Ҳуриликқонинг қўллари аввалгидай соппа-соғ бўлибди. Ҳуриликко раҳмат айтибди. Хизр Ҳуриликқонинг бир қўлига етти дона тош, бир қўлига қирқ бир дона тош берибди:

— Қизим, яна бир кун йўл юрсанг, фалон ерда катта

дарё бор, ўша дарёга етганда етти дона тошни ташласанг, етти ариққа бўлинади. Шу сувдан ўтиб, яна бир кун йўл юрсанг, бир чўл-биёбон келади. Қирқ бир тошни ташласанг яхши уй пайдо бўлади, давлатга эга бўласан. Болаларинг билан ўша ерда бемалол ўйнаб-кулиб яшайверасан,— деб, кўздан ғойиб бўлибди. Ҳурилиқо болаларини эмизиб, тўйдириб, хуржунга солиб, тошларни олиб, йўлга равона бўлибди.

Бир кун йўл юриб, дарё лабига келиб, етти дона тошни ташлабди. Дарё етти ариққа бўлинибди.

Сувдан соғ-саломат ўтибди. Юриб-юриб бир жойга бориб дам олибди, болаларини эмизиб яна жўнабди. Бир кун йўл босиб бир чўлга етибди.

Чўлга қирқ бир тошни ташлаган экан, оламда йўқ иморатлар, боғлар тайёр бўлибди. Дарров бешта хотин югуриб чиқиб:

— Биз сизни кутиб ўтирган эдик, хуш келдингиз,— дебди. Ҳурилиқонинг қўлидан болаларини олиб, уйга олиб киришибди, уни беш-олти қават кўрпача устига ўтқазишибди. Олдига неча турли ноз-неъматларни қўйиб, меҳмон қилишибди.

Ҳурилиқо эрининг уйида киймаган энг яхши кийимларни кийибди. Уйлар чиройли безатилган эмиш, бир қанча хотинлар, эрлар унинг хизматида тайёр турган эмишлар. Ҳурилиқо жуда ҳайрон бўлибди.

Боғларда турли мевалар пишиб, тагига тушиб ётган эмиш. Мевалар оғзига тушса болдек эриб кетар эмиш.

Ҳурилиқо бу ширин-шарбат, ноз-неъмат ичида яшай берсин, энди икки оғиз сўзни Анвардан эшитинг:

Анвар подшолик қилиб турган шаҳрида вазир-вузароларини чақириб:

— Мен ўз шаҳримга бориб, ўн беш кунда қайтиб келаман,— дебди ва улар билан хўшлашиб, ўз шаҳрига жўнабди. Бир неча кун йўл босиб, ўз шаҳрига келиб уйига кирса Ҳурилиқо йўқ, ота-онаси хафа бўлиб, ғам-ғусса чекиб ўтирган эмиш. Анвар дарров отасидан:

— Ҳурилиқо қани?— деб сўрабди.

Подшо:

— Ие, тагин сўрайсан-а, ўғлим, ўзинг хатингда: «Ҳурилиқо менга керак эмас, Ҳурилиқонинг кўкрагини кесиб, туққан болаларини хуржунга солиб уйдан ҳайдаб юборинг, агар мен борганимда Ҳурилиқони болалари билан уйда кўрсам, иккимизнинг орамиз бузилади. Мен сиздай отам-

дан кечаман» деб ёзибсан-ку. Мен ноилож Ҳурилиқонинг болаларини хуржунга солиб, елкасига қўйиб чиқариб юбордим. Қай томонга кетганини билмайман,— дебди.

Анвар:

— Э ота, ўзингиз хатингизда Ҳурилиқо бир кучук, бир мушук туғди,— дегансиз. Мен: «Нима туққан бўлса ҳам боргунимча яхши кутиб туринглар» деб хат ёзган эдим,— дебди.

Отаси бу гапдан ҳайрон бўлиб орага душман тушганини билибди:

Анвар ҳам воқеага тушунгач:

— Менга подшолик керак эмас, ҳамма нарсадан кечдим. Ҳурилиқонни топсам бас,— деб уйдан чиқиб кетибди. Чўл-биебонларни кезиб юрибди. Ҳурилиқо юрган йўлдан кетаверибди.

Анвар чўлларда бора берсин, икки оғиз сўзни Ҳурилиқонинг акаси Ҳасандан эшитинг. Ҳасан хотини Зулайҳонинг туҳматчи эканини тушуниб қолибди. Қариндош-уруғи бўлмаганидан жуда қайғурибди. Синглиси учун ғам-ғусса чекибди. Кўнглини очиш учун шаҳарда кўчама-кўча юриб томоша қилибди. Лекин кўнгли ҳеч очилмабди. Ухласа тушига ҳамма вақт Ҳурилиқо кирар экан. Ҳурилиқо дунёда бормикин, йўқмикин деб ўйлаб хафа бўлар экан. Бир куни хотини билан уришиб қолиб:

— Бор, керак эмассан, сенингдек касофатнинг дастидан синглимдан ҳам ажралдим,— дебди-да, уйдан аччиғланиб чиқиб кетибди. Синглиси Ҳурилиқонни излаб, чўлма-чўл юриб Анварга йўлиқиб қолибди. Анвар:

— Ҳа, ака, сиз ҳам менга ўхшаб бу чўл-биебонда нима қилиб юрибсиз?— дебди. Ҳасан:

— Оҳ иним, менинг бир синглим йўқолган эди. Шунни қидириб юрибман. Сиз нима қилиб юрибсиз?— дебди.

Анвар:

— Менинг хотиним йўқолди. Шу хотинимни қидириб юрибман,— дебди. Ҳасан:

— Хотинингизнинг исми нима?— деб сўрабди. Анвар:

— Ҳурилиқо,— дебди.

— Менинг ҳам синглимнинг исми Ҳурилиқо эди. Бироқ икки қўли йўқ эди,— дебди Ҳасан. Анвар кўзига ёш олиб:

— Менинг хотинимнинг ҳам икки қўли йўқ эди, бечора кўп азобларни тортган экан. Менинг раҳмим келиб унга уйланган эдим,— дебди-да, Ҳурилиқонинг бошидан ўтган

саргузаштини Ҳасанга сўзлаб берибди. Ҳасан ўзини тутолмай йиғлаб юборибди. Анвар Ҳасаннинг йиғлаганига ҳайрон бўлиб:

— Нега йиғлаяпсиз?— дебди. Ҳасан пешонасига бир уриб:

— Ана шу Ҳурилиқо менинг синглим бўлади. Хотинимнинг синглимга қилган туҳматини тушунмай унинг икки қўлини кесиб, ҳайдаб юборган эдим,— деб яна ҳўнграб йиғлабди.

Анвар:

— Қўйинг ака, йиғламанг, икковимиз бир киши эканмиз. Бахтимиз бўлса Ҳурилиқони топиб олармиз,— дебди.

Иккиси бошқатдан қучоқлашиб кўришибди, бир-бирини ҳурмат қилиб, йўлга равона бўлишибди. Неча кун йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, Ҳурилиқонинг турган жойига келишибди.

Ҳурилиқо ўша вақтда деразадан қараб турган экан. Узоқдан акаси билан эрини кўриб, таниб қолибди. У дарров икки боласини чақириб:

— Уғлим, сен бориб «дада» деб, ўнг томондаги кишининг қўлини ушла, қизим, сен чопиб бориб «тоға» деб, чап томондаги кишининг қўлини ушлаб, иккинги уларни уйга олиб киринглар,— дебди.

Уғли билан қизи уйдан чопиб чиқишиб, келаётган кишиларга қараб югуришибди. Уғил бола Анварни «дада» деб, қиз бола Ҳасанни «тоға» деб, қучоқлаб олибди. Уларни болалар уйга судрабди. Анвар билан Ҳасан ҳайрон бўлиб, бир-бирларига қараб болаларни қўлга олиб уйга кирибдилар. Ҳурилиқо улар билан бирма-бир кўришибди. Лекин улар ҳайрон бўлиб, «юзидан Ҳурилиқога ўхшайди, лекин қўли борлигидан Ҳурилиқо эмас-ку» деб ўйлармишлар.

Ҳурилиқо туриб эшикка чиқиб кетибди. Ҳасан Анварга:

— Худди менинг синглим Ҳурилиқога ўхшайди, лекин қўли бор,— дебди. Анвар ҳам худди шундай сўзни айтиб, ажабланибди.

Ҳурилиқо акаси билан эри олдига турли таомлар келтириб, уларни заёфат қилибди.

Ҳасан:

— Менинг сенга ўхшаган бир синглим бор эди. Уни йўқотган эдим. Мен ўша синглимни излаб юрибман. Шу

томонларга келган бўлса сен кўргандирсан. Аммо унинг икки қўли йўқ эди,—дебди.

Ҳурилиқо:

— Бу ерларга сиз айтган одам келмади, кўрганим йўқ,—дебди. Ҳасан билан Анвар овқатларини еб-ичиб жўнамоқчи бўлишибди. Ҳурилиқо:

— Шу жойда ётиб қолинглар. Борадиган жойингизга ортага борарсизлар,—дебди. Анвар:

— Майли, бугунча шу жойда ётсак ётайлик,—дебди. Улар қолишибди. Ҳурилиқо Ҳасан билан Анварни боққа олиб кириб, томоша қилдирибди. Кечқурун яна зиёфат бериб, атлас-шоҳи кўрпалар, кўрпачалар солиб ётқизибди. Акаси билан эри ётиб ухлабди. Ҳурилиқо кечаси ўрнидан туриб тоза дур-марваридлар ва бир гавҳар кўзли болдоқни акасининг чўнтагига солиб қўйибди. Тонг отибди. Ҳасан билан Анвар ўринларидан туриб, турли мевалар билан нонушта қилиб, хайрлашиб йўлга равона бўлибдилар. Улар кетгандан кейин бир оз вақт ўтгач, Ҳурилиқо икки хизматкорини чақириб:

— Ҳалиги кетган одамларни қайтариб олиб келинглар!—дебди.

Хизматкорлар Ҳасан билан Анварнинг орқасидан етиб бориб:

— Сизларни Ҳурилиқо чақиряпти,—дебдилар. Ҳасан билан Анвар ҳайрон бўлиб қайтиб келишибди. Ҳурилиқо аччиғланган бўлиб уларга:

— Сизлар қандай уятсиз одамларсиз? Мен сизни ҳурмат қилиб зиёфат қилсаму, сизлар менинг олтин болдоғим билан марваридларимни ўғирлаб олиб кетибсизлар. Бу қандай гап?—дебди.

Ҳасан билан Анвар:

— Биз олган эмасмиз,—деб қасам ичибдилар.

Ҳурилиқо:

— Сизнинг «олмадим» деганларингизга ишонмайман, чўнтақларингизни қарайман,—дебди. Улар рози бўлишибди. Ҳурилиқо аввал Анварнинг чўнтагини қарабди. Ҳеч нарса тополмабди, кейин акаси Ҳасаннинг чўнтагини қарабди. Чўнтақдан марварид билан болдоқни олиб:

— Бу нима, нимага олмадим деб, қасам ичдингиз?—деб сўрабди.

Ҳасан:

— Азбаройи худо, мен олганим йўқ. Аммо бирор ки-

ши душманлик қилиб солиб қўйган бўлса керак,—деб йиглаб юборибди.

Ҳасаннинг йиғлаганига чидай олмай Ҳурилиқо ҳам йиглаб юборибди:

— Ҳасан ака! Мен сизнинг синглингиз Ҳурилиқоман. Кўрдингизми, сиз шу марварид билан болдоғимни ўзингиз олганингиз йўқ, албатта. Мен ўзим жўрттага чўнтагингизга солиб қўйдим. Шунга ўхшаш, Зулайҳо келин-ойим ўз боласини ўзи ўлдириб, кўрпам тагига пичоқни яшириб қўйиб, менга туҳмат қилган эди.

Сиз ўшанда менга зулм қилиб, зор-зор йиғлатиб, қўлларимни кесиб, уйдан ҳайдаб чиқарган эдингиз,—дебди.

Ҳасан ўзини тутолмай йиглаб:

— Ҳигарим, синглим Ҳурилиқо, сенмисан,—дебди. Ҳурилиқо акаси билан бошқатдан кўришиб:

— Менман, мана бу подшо менинг қаллиғим. Мана шу икки бола шу кишининг фарзанди,—дебди. Ҳасан билан Анвар жуда хурсанд бўлибди. Ҳар учови топишганига хурсанд бўлиб бир неча кун бирга яшабди. Ҳурилиқонинг хизматкорлари уйдаги ҳамма буюмларни бир қанча туяларга юклаб, Султон подшо шаҳрига жўнашибди.

Йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб, шаҳарга етиб келибдилар. Ҳурилиқо қайната ва қайнаnasi билан кўришиб, бошидан ўтган воқеаларни бирма-бир сўзлаб берибди.


Подшо хурсанд бўлиб, бошқатдан қирқ кечаю қирқ кундуз тўй-томоша қилиб берибди.

Ҳасан хотини Зулайҳодан кечиб, синглиси билан бир шаҳарда туришга аҳд қилибди. Анвар хотин-бола-чақаси ва Ҳасан билан ўзининг подшо бўлиб турган шаҳрига борибди. У ерда Ҳасанни ўзига вазир қилиб олибди.

Анвар навкарларни чақириб, Зулайҳо туҳмат қилиб ёзган хатни топдирибди. Шу ишлари учун Зулайҳони ўлим жазосига ҳукм этибди.

Анвар — подшо, Ҳасан — вазир, Ҳурилиқо эса подшонинг доно хотини бўлиб умр кечириб, мурод-мақсадларига етибдилар.





## Хотам

Ўтган замонда, Шарқ мамлакатларидан бирида бир камбағал одам яшаган экан. Унинг ўн тўрт ёшли Хотам деган ўғли бор экан. Камбағал ўз тирикчилигини ўтказа олмай Хотамни бозорга олиб бориб, Жалол деган бойга сотибди. Жалолбой Хотамни уйига олиб бориб ишлатиб юра берибди. Орадан икки-уч йил ўтибди.

Жалолбой қирқ туяга мол ортиб карвонларга қўшилиб, узоқ бир шаҳарга жўнаб кетибди. Хотам Жалолбойнинг хизматини қилиб борибди.

Карвон кеча-кундуз йўл юриб чўлу биёбонда кетаётган экан, қоронғи тушибди. Чўлда бир вайрона қўрғон бор экан, Жалолбой карвонларга: «Шу қўрғонда тунайлик» дебди. Савдогарлар:

— Бу чўлу биёбон бўлса, ўғрилар келиб тагин бизга зиён-заҳмат етказмасин,— деб қўрқишиб, йўлга равона бўлишибди.

Жалолбой ўз хизматкорлари билан шу қўрғонга, қўнибди. Овқат еб бўлгач, бой хизматкорлари билан бир ҳужрага кириб ётибди. Хотам эса, отлар ва моллар ёнида қўлига ханжар ушлаб, пойлоқчилик қилибди. Ярим кечада бир катта Қора дев қўрғонга кириб келибди. Бой ётган ҳужрага қараб юра бошлабди. Хотам девни кўриб турган экан. Секин орқасидан бориб ханжар билан девнинг калласини узиб ташлабди.

Девнинг калласини даст кўтариб қўрғондан олиб чиқибди ва хандаққа ташлабди. Хотам яна отлар ва туялар ёнига келиб турибди. У ўзича ўйлабди:

— Мен-ку бунни ўлдирдим, лекин бу дев ёлғиз бўлмаса керак. Шериклари кетидан қидириб келишлари ва

бизга зиён етказишлари мумкин. Мен бунинг олдини олишим керак, албатта.

Хотам бу сирни ҳеч кимга билдирмасдан қўргондан ташқарига чиқибди. У ёқ-бу ёққа қарабди. Дев шу томондан келган бўлса керак, деган хаёл билан қаршисидаги тоққа қараб жўнабди. Етиб бориб қараса, тоғнинг бағрида бир ғор бор экан. Шу ғорнинг ичида бир сир йўқмикан, деб ғорнинг ичига кирибди. Бир томондан ёруғлик кўринибди. Ўзини чеккага олиб қулоқ солибди. Ичкаридан: «Бизнинг шеригимиз шу вақтгача келмади, нима бўлди экан, ҳаммамиз бориб ундан хабар олишимиз керак», деган товуш эшитилибди.

Хотам ханжарини яланғочлаб маҳкам ушлагани ҳолда, ғорнинг оғзида ўзини панага олиб турибди. Девлар бирин-бирин ғордан чиқа бошлабдилар. Хотам ғордан чиққан биринчи девнинг калласини узиб ташлабди. Қолган девларни ҳам бирма-бир калласини олиб ташлай берибди.

Хотам девларни саранжомлаб бўлгач, ғорнинг ичкарисига кирибди. У ёқ-бу ёққа қараса, бир эшик кўринибди. Эшикни очиб ичкарига кирса, бир чиройли боғ, унда гуллар экилган, қушлар сайраган, шоҳона супалар яса тиглиқ, бир супада қип-қизил чўғдай гиламлар, кўрпачалар устида тўрт чиройли қиз ухлаб ётибди. Хотам секин супанинг бир четига бориб ўтирибди. Бир оз вақт ўтгач, қизлардан бири чўчиб уйғонибди. Хотамни кўриб, ҳайрон бўлибди:

— Эй одамзод, бу жой қирқ девнинг макони, қандай қилиб келиб қолдинг. Ҳозир девлар келади, улар кўрса ўн жонингдан бир жонинг ҳам қолмайди. Бу ердан тезроқ кет!—дебди.

Хотам қизга:

— Қирқ девнинг ажали менинг қўлимда эди. Бугун ҳаммасини ўлдирдим. Сизлар ким бўласизлар, бу ерда нима қилиб юрибсизлар?—дебди.

Буларнинг сўзидан ухлаб ётган қизлар ҳам уйғониб, ўринларидан туриб ўтиришибди. Қизлардан бири: «Биз тўрт подшонинг қизимиз. Бизларни девлар бирма-бир шу ерга олиб қочиб келган. Биримизнинг келганимизга бир йил, иккинчимизга икки йил, учинчимизга бир ярим йил, тўртинчимизга тўрт йил бўлган,—дебди. Қизлар Хотамга ўз аҳволларини ҳикоя қилиб беришибди. Хотам уларни ташқарига олиб чиқиб, ўлдирилган девларнинг жасада-

рини кўрсатибди. Қизлар Хотамнинг ботирлигига қойил қолиб, миннатдорлик билдиришибди.

— Бизни ҳам ўзингиз билан бирга олиб кетинг,— деб ялинишибди қизлар. Хотам:

— Мен сизларни ҳозир олиб кета олмайман. Сизлар ҳозирча шу жойда яшаб туринглар. Мен ишимни битириб қайтгач, сизларни бу ғордан олиб чиқиб, ўз уйларингизга олиб бориб қўяман,— деб жавоб берибди.

Қизлар хурсанд бўлишибди. Хотам ғордан чиқиб, ғорнинг оғзини катта тош билан беркитиб қўйибди ва кўрғонга қайтиб келибди. Бир оздан сўнг тонг отибди. Кўрғондагилар тургунча чой қайнатиб, тайёр қилибди. Жалолбой ва унинг хизматкорлари эрта билан нонушта қилиб йўлга тушибдилар. Хотам кечаси бўлиб ўтган сирни ҳеч кимга сўзламабди. Карвон бир неча кун йўл юриб бир шаҳарга етибди-да, саройга тушибди.

Эртаси бой молларини бозорга олиб чиқибди, одамлар қараса, ҳеч кимнинг мол билан иши йўқ. Жалолбой ҳайрон бўлиб бир одамдан:

— Бу шаҳарда нима воқеа бўлган, одамлар хафа, бири бири билан сўзлашмайди?—деб сўрабди.

— Шаҳримиз подшосининг Малика деган қизи бор эди, бундан бир йил илгари, уни девлар олиб қочиб кетишган. Юртнинг одамлари қизни шу вақтгача ҳеч қаердан тополмайди,— деб жавоб беришибди.

Жалолбой бозордан саройга қайтиб келиб, эшитган гапларини Хотамга сўзлаб берибди:

— Бу шаҳарда савдомиз юришмади, энди бошқа шаҳарга жўнаймиз,—дебди.

Шу куннинг эртасигаёқ тонг отиши билан молларини туяларга ортиб, бошқа шаҳарга жўнашибди. Карвон бир неча кун йўл юргандан кейин бошқа бир шаҳарга етиб борибди-да, карвон саройга тушиб дам олибди. Иккинчи кун Жалолбой бозорга чиқибди. У шаҳар халқини қовоғи солиғ, қайғурган ҳолда кўрибди. Бу ерда ҳам савдонинг мазаси бўлмабди.

Жалолбой одамлардан бу ҳолнинг сабабини суриштириб кўрса, шаҳар подшосининг Хуриниса деган қизи бор экан, уни ҳам девлар бундан икки йил илгари олиб қочиб кетган экан. Хафа бўлган подшо савдо-сотик ишларни тўхтатиб қўйган экан. Бой савдонинг юришмаганидан хафа бўлиб, саройга қайтиб келибди. Шаҳардаги воқеани

Хотамга айтиб берибди. Бой иккинчи кунни молларини туяга ортиб, бу шаҳардан ҳам жўнаб қолибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Чўл-биёбонлар кезиб карвон бир шаҳарга етиб, саройга тушибди.

Бу сафар Жалолбой бозорга бормай, саройбондан шаҳарнинг аҳволини сўрабди. Саройбон:

— Подшомизнинг Пошшахон деган бир қизи бор эди, девлар Пошшахонни олиб кетганига бир ярим йил бўлди. Шаҳар халқи қизни қидириш билан овора. Шу сабабли дўконлар берк, савдо ишлари тўхтаб қолган,— дебди. Бой буни эшитиб, жуда хафа бўлибди. Бозорга чиқмай, шу куннинг ўзидаёқ бошқа шаҳарга жўнабди.

Кўп кунлар, ойлар йўл юрибди. Бир шаҳарга бир кунлик йўл қолганда, юкларини тушириб от ва туяларни ўтга қўйибди. Хизматкорларига тайинлаб, ўзи шаҳарнинг аҳволини билиб келиш учун Хотам билан бирга от миниб йўлга чиқибди. Шаҳарга боргунча, кеч кирибди. Иккиси шаҳар дарвозасидан кирмай четдаги бир камбағал кампирнинг уйига келиб, бир кеча ётиб кетиш учун жой сўрабди. Кампир рози бўлибди.

Бой кампирнинг уйига кириб ўтирибди. Хотам эса, отлар ёнида қолибди. Жалолбой кампирдан шаҳарнинг аҳволини сўраган экан. Кампир:

— Эй болам, шаҳарнинг аҳволини сўраб нима қиласиз? Подшомизнинг жуда чиройли, ой деса оғзи бор, кун деса кўзи бор, келишган бир қизи бор эди. Унинг оти Дилором эди. Дилоромни девлар олиб қочиб кетган, уни егти ёшдан етмиш ёшгача бўлган одамлар кечаю кундуз қидиради, ҳеч қаердан тополмайди. Подшо, ҳатто шаҳарга келган йўловчиларни ҳам тўхтатиб ўз қизини топиб келиш учун буюради. Бунинг учун қанча ясавуллар тайинлаб қўйилган. Шаҳарнинг аҳволи ана шунақа, ўғлим,— дебди. Шундай дебди-ю, Дилоромнинг суратини Жалолбойга кўрсатибди. Жалолбой суратни кўриши биланоқ қизга ошиқу беқарар бўлиб, ҳушидан кетибди.

Хотам уйга кирса Жалолбой йиқилиб беҳуш бўлиб ётган эмиш. Кампир бўлган воқеани унга сўзлаб, Дилоромнинг суратини унга ҳам кўрсатибди. Хотам суратни қўлига олиб, ғордаги қизлардан бири Дилором эканлигини билибди. Хотам Жалолбойга сув сепиб уни ҳушига келтириб, ҳол-аҳвол сўрабди. Бой:

— Мен шу подшонинг қизига ошиқ бўлиб қолдим.

Нима бўлса ҳам уни қидириб топишим керак.— дебди.

— Буни топиш осон, сиз аввал подшонинг саройига боринг. Агар қизни топсак сизга берадими, йўқми? Шуни билинг. Агар қизини сизга бермайдиган бўлса, уни мен топаман-да, тўғри ўз шаҳримизга олиб кетамиз,—дебди Хотам.

Жалолбой Хотамнинг бу сўзидан хурсанд бўлибди. Эртасига ўрнидан туриб подшонинг ўрдасига борибди. Унинг ҳузурига кириб, ҳол-аҳвол сўрашиб, ўзининг ким эканлигини айтиб берибди. Подшо бой билан сўзлашиб ўтириб суҳбат орасида қизи Дилоромни топиб келган кишига бермоқчи эканлигини айтибди. Бой қизни топиб келиш учун муҳлат олиб кампирнинг уйига қайтиб келибди. Подшо билан ораларида ўтган сўзни Хотамга айтиб берибди.

Хотам билан Жалолбой йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб подшо қизлари яшаётган ғорга келишибди, отларни боғлаб, ғорнинг ичидаги гулзорга киришибди.

Жалолбой қизлар орасида турган Дилоромни таниб, яна ҳушидан кетибди. Хотам унга сув сепиб ўзига келтирибди. Хотам Дилоромга қараб:

— Синглим, энди сизни бу ердан олиб кетгани келдим. Ўз уйингизга, ота-онангизнинг ёнига борасиз. Тайёрланинг!—дебди. Дилором ҳушвақт бўлиб, кетишга ҳозирланибди.

Хотам бошқа қизларга:

— Мен Дилоромни ота-онасига олиб бориб топшираман. Сизлар шу ерда яшаб туринглар. Кейин сизларни ҳам олиб кетаман,—дебди Хотам, бой ва Дилором бирга йўлга чиқибдилар. Бир қанча йўл юриб шаҳарга яқинлашганларида Хотам улардан илгари от чопиб шаҳарга кирибди.

Подшо саройига бориб Дилоромнинг келганидан хабар берибди. Подшо қизининг соғ-саломат келганига хурсанд бўлиб, кутиб олибди. Бир неча кун тўй-томоша қилиб берибди.

Кунлардан бир кун подшо Дилоромни ёнига чақириб:

— Қизим, мен кимки қизимни топиб келса, ўшани куёв қиламан,—деб аҳд қилган эдим. Бу аҳдимни бутун халқ билади. Сени Жалолбой деган одам топиб келди. Энди мен Жалолбойни ўзимга куёв қиламан, нима дейсан?—дебди.

— Эй ота,—дебди Дилором.—Мени топган, девнинг қўлидан қутқарган одамга берсангиз розиман. Лекин мени Жалолбой қутқарган эмас. Мени девдан қутқариб олиб келган одам Хотамдир. Сизнинг аҳдингизга мувофиқ, мен Хотамга тегишим керак.

Подшо бу сўзни эшитиб ҳайрон бўлибди. Жалолбой билан Хотамнинг олдига чиқиб, Дилоромнинг сўзини айтибди. Хотам ўрнидан туриб подшога:

— Тақсир, мен ҳали ёшман, ҳозир уйланадиган вақтим эмас. Ўзингизнинг ваъдангизга мувофиқ, қизингизни Жалолбойга беришингиз зарур,—дебди.

Подшога бу сўз маъқул тушибди, қирқ кечаю қирқ кундуз тўй-томоша қилиб қизини Жалолбойга берибди. Подшо ўз вазир-вузароларини чақириб, уларга:

— Мен энди қариб қолдим, подшолигимни Жалолбойга бердим,—дебди ва куёвини подшо этиб тайинлабди.

Хотам подшога:

— Энди менга рухсат берсангиз, мен кетай,—дебди

— Сиз кетманг, менга яхшилик қилдингиз. Мен ҳам сизни уйлантириб қўяй,—дебди Жалолбой.

Хотам бу шаҳардан кетиш учун подшодан яна жавоб сўрабди. Охири Жалол подшо ҳам рози бўлибди. Хотам шаҳардан чиқиб қизлар яшаган ғорга йўл олибди. Ғорга бир кунлик йўл қолганда, сувнинг бўйида усти-бошлари йиртилган, оёқлари қабарган уч ёш йигитнинг ухлаб ётганини кўрибди. Хотам мен бу йигитларнинг ҳол-аҳволини билмай, агар қўлимдан келса ёрдам қилай, деб ўйлабди, ухлаб ётган йигитларнинг ёнига келибди.

Бир оздан кейин йигитлар уйғонишибди. Урнилари-дан туриб, Хотам билан кўришишибди.

Хотам улардан:

— Сиз ким бўласиз? Бу чўли биёбонларда нима қилиб юрибсиз?—деб сўрабди.

Йигитлардан бири:

— Биз Канъон подшосининг ўғиллари бўламиз. Отамиз уч подшонинг уч қизини бизга фотиҳа қилиб унаштириб қўйган эди. Бундан бир йил бурун бир қизнинг отасидан, бир ярим йил бурун иккинчи қизнинг отасидан, тўрт йил бурун учинчи қизнинг отасидан отамизга қизимни девлар олиб кетди, келин керак бўлса, ўғлингиз қидириб топиб олсин,—деган мазмунда хат келди. Биз ўша хабарни эшитгандан бери уч қизни қидириб юрибмиз. Бугун сув бўйида ётганимизга ҳам икки кун бўлди.

Қизлардан хабар тополмай, сарсоч-саргардонмиз,— дебди. Йигитлар ўз бошларидан ўтган воқеаларни сўзлаб берибдилар. Хотам йигитларга қараб:

— Ҳар бирингиз ўз қайлигингизнинг отасидан қизни топиб девлардан қутқарсангиз, қизимни сизга бераман деган хат олиб келингиз. Сиз келгунингизча мен шу ерда тўраман. Келганингиздан кейин қизларни топишга ўзим ёрдам бераман,— дебди. Йигитлар хўп деб, ҳар бири ўз қайлигининг юртига жўнабди. Бир қанча кун ўтгандан кейин йигитларнинг ҳар бири уч подшодан розилик хатини олиб келишибди ва Хотамга кўрсатибди. Хотам уч йигитни бошлаб қизлар яшаб турган ғорга олиб борибди. Ғорга кириб йигитларга қизларни кўрсатибди. Йигитлар уларни кўриб хурсанд бўлибдилар. Хотам қизларга қараб:

— Ана, сингилларим, сизларни ҳам ўз юртингиз, ота-оналарингиз олдига бориш вақти етди. Қани, тайёрланинглар,— дебди.

Қизлар севинишиб Хотамга миннатдорлик билдириб, керакли нарсаларини олиб йигитлар билан ғордан чиқибдилар. Улар етти киши бўлиб Маликанинг шаҳрига боришибди. Хотам Маликани отаси подшога топшириб уни девлардан қандай қилиб қутқарганини бирма-бир сўзлаб берибди.

Подшо Хотамнинг ботирлиги, чидамлигига қойил қолиб инъомлар берибди.

Подшо қизи Маликани ўз ваъдасига биноан Канъон подшосининг ўғлига қирқ кечаю қирқ кундуз тўй-томоша қилиб берибди. Шаҳзодани ўз ўрнига подшо қилиб тайинлабди. Хотам Ҳуриниса, Пошшахонларни ҳам ўз юртарига олиб бориб, ота-оналарига топширибди. Улар Хотамга миннатдорчилик билдириб, иззат-ҳурмат қилибдилар. Уларнинг ваъдаларига мувофиқ тўй-томошалар қилиб қизларини Канъон подшосининг икки ўғлига бериб, ўз подшоликларини ҳам топширибдилар. Шундай қилиб, Дилором, Малика, Ҳуриниса, Пошшахон ўз қўшганлари билан мурод-мақсадларига етибдилар.

Орадан бир неча кун ўтгач, уч шаҳзода йиғилишиб Хотам билан маслаҳатлашибдилар. Катта шаҳзода Хотамга айтибди:

— Энди биз Канъонга бориб ота-оналаримизни кўриб келсак, нима маслаҳат берасиз?

Хотам ажабланиб:

— Сиз кечагина подшо бўлдингиз, бугун эса отаонамизни кўриб келамиз деб ўтирибсиз, бу яхши эмас,— дебди.

Сизлар хат ёзиб юборинглар, мен уларга олиб бориб сизнинг соғлигингизни, мурод-мақсадга етганингизни айтман. Шаҳзодалар хат ёзиб Хотамни икки кунлик йўлга кузатиб қўйбдилар. Хотам бир неча кун йўл юриб, бир тоғнинг бағрида отдан тушиб, булоқ ёнида дам олибди. Шу пайт булоқ ёнидаги чинорнинг шохига икки каптар келиб қўнибди. Каптарлар ўзаро сўзлашибдилар.

Бир:

— Мана шу тоғнинг орқасидаги бир уйда бир шаҳзода неча ойдан бери беҳуш бўлиб ётибди. У парилар подшосининг қизига ошиқ бўлган экан. Шу сабабли парилар уни жинни қилиб қўйган,— дебди.

Иккинчиси айтибди:

— Э бунинг давоси жуда осон. Мана шу чинордан юз қадам нарида бир булоқ бор. Булоқнинг ёнида иккита чинор бор. Чинорнинг баргини қайнатиб ичирилса, бола шу замон ўзига келади,— дебди.

Каптарлар учиб кетишибди. Хотам ўтирган еридан юз қадам олға қараб юрибди, булоқ бўйидаги икки катта чинорнинг баргларида териб олиб хуржунга солибди, отни миниб, каптар айтган тоғнинг орқасига борибди. Тоғ бағрида бир уй кўрибди. Уйнинг ёнига бориб отдан тушибди, уйга кириб қараса, ўн саккиз ёшларда бўлган қадди-қомати келишган бир йигит ухлагандай беҳуш бўлиб ётган эмиш. Уйда бошқа ҳеч ким йўқ экан. Уйдан чиқиб у ёқ-бу ёққа қарабди. Ҳовлида бошқа бир уй бор экан. Ундан икки хотин югуриб ҳовлига чиқибди ва Хотамнинг олдига келиб салом берибди.

Хотам хотинлардан:

— Бу бола нима учун беҳуш бўлиб ётибди?— деб сўрабди. Хотинлардан бири:

— Бу беш ойдан бери беҳуш бўлиб ётибди, лекин сабабини билмаймиз, биз шу болани ҳолидан хабар олиб тураемиз,— дебди.

Хотам хотинлардан бир чойдиш олиб, унга чинордан олиб келган баргларни солиб қайнатибди. Сўнгра уни боланинг оғзига томизибди. Бир оздан кейин беҳуш бўлиб ётган бола ўзига келибди, кўзини очиб, ўрнидан турибди.



Бола яна чинор баргининг сувидан ичибди. Хотам билан кўришиб, ўз бошидан ўтган сирларни айтиб берибди:

— Мен Иброҳим деган шаҳзодаман. Кунлардан бир кун сайр қилиб парилар подшосининг боғига бориб қолдим. Боғда парилар подшосининг қизини кўриб беҳуш бўлиб йиқилибман. Шундан бошқа ҳеч нарса билмайман,—дебди.

Хотам Шаҳзодага:

— Энди мен сени отанг олдига олиб бориб қўяман. Ўзим бир иш билан Канъон шаҳрига кетаётибман, ишни битириб, қайтиб келиб сенга парилар подшосининг қизини топишга ёрдам қиламан,—дебди.

Хотам Шаҳзодани олиб бориб Ота-онасига топширибди, ўзи Канъон шаҳрига қараб жўнабди.

Бир неча кун йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, Канъон шаҳрига етибди. Подшо саройига бориб, Шаҳзодаларнинг хатини шоҳга топширибди. Хатда: «Ота, биз соғ-саломатмиз. Қизларни тополмай, неча вақт сарсон бўлиб юрдик. Чўли биёбонда азоб-уқубатлар чекиб юрганимизда, шу хатни сизга олиб борувчи Хотам деган йигит бизга учраб қолди. Бизларни мурод-мақсадимизга етказди. Сиз Хотамни ёнингизда олиб қолсангиз жуда яхши иш бўлар эди», деб ёзилган экан. Подшо хатни ўқиб бўлгач, Хотам билан бошқатдан қучоқлашиб кўришибди. Уни иззат-ҳурмат қилибди. Орадан бир-икки кун ўтгач, Хотам подшодан кетишга ижозат сўрабди:

— Мен сизга ижозат бермайман,—дебди подшо. Сизни ҳам ўз болаларимдай кўриб, ёнимда олиб қоламан. Уйлантириб қўяман. Ўзим энди қариб қолдим. Сизни ўрнимга подшо қиламан, кетманг, болам!

— Йўқ,—деб жавоб берибди Хотам,—ҳозир менинг уйланадиган вақтим эмас. Бир қанча ишларим бор, шу ишларни битирганимдан кейин, уйланиш тўғрисида маслаҳат қилиш мумкин. Энди менга жавоб беринг!

Подшо Хотамни ёнида олиб қолиш учун кўп уринибди. Лекин Хотам кўнмай йўлга чиқибди. Бир неча кун йўл юриб, чўли биёбонларни кезиб, шаҳзода Иброҳимнинг шаҳрига келибди. Подшо Хотамнинг келганини эшитиб, ёнига чақириб зиёфат қилибди. Бир қанча вақт суҳбат қилишиб ўтирганларидан сўнг Хотам подшога:

— Энди Иброҳим билан менга жавоб беринг, ваъда-

га мувофиқ шаҳзодани мурод-мақсадига етказай,— дебди.

Хотам билан шаҳзода Иброҳим подшодан жавоб олиб, йўлга равона бўлибди. Бир неча кун йўл босиб париларнинг боғига етишибди. Хотам отдан тушиб шаҳзодага айтибди:

— Сиз шу жойда туринг, мен бир боғдан хабар олиб чиқай.

Шаҳзода отларни ушлаб қолибди.

Хотам боққа кириб гулзорни айланиб юрибди. Юриб юриб бир ҳовуз ёнига келибди. Ҳовуз ёнида катта бир минора бор экан. Миноранинг ёнида яшириниб ўтирибди. Бир неча вақтдан кейин қўлига челақ ушлаган бир кампир ҳовуздан сув олиб Хотамни кўрмай яна ичкарига кириб кетибди. Хотам секин эшик ёнига бориб қулоқ солибди. Уйнинг ичида икки аёлнинг сўзлашгани эшитилибди. Бир кампир иккинчисига айтибди:

— Эсингда борми, бундан уч-тўрт ой илгари мен жоду қилган шаҳзода, ўша тузалиб бугун яна боғнинг эшигига келиб турган экан. Ҳозир чиқиб жоду қилиб келдим. Энди тузалиши маҳол. Лекин дунёда бир дори бор, ўша билан тузалиши мумкин, у ҳам бўлса, Ҳирот подшосининг хазинасида. Уни подшо ҳеч кимга бермайди.

Иккинчи кампир:

— Ҳирот шаҳрида бир аждаҳо пайдо бўлибди. У кунига бир одам билан бир қора молни ейди. Яқинда навбат подшонинг ўз қизига келади. Аждаҳодан подшо қизини ким қутқарса, дорини ўша кишига бериши мумкин. Лекин аждаҳони ҳеч ким ўлдира олмайди,—дебди. Биринчи кампир айтибди:

— Аждарҳонинг ўлдириш йўли жуда сон. Ҳирот шаҳрининг бир четида заҳарланган икки чинор бор. Уша чинорни ғўла-ғўла қилиб кесиб, майдалаб талқон қилиб бир ҳўкизнинг терисига солиб аждаҳонинг келадиган йўлига қўяди. Аждарҳо сувдан чиқиб ҳўкизни дамига тортади. Шундан аждаҳо заҳарланиб ўлади,—дебди.

Икки кампир овқатланишга ўтирибди. Хотам секин боғдан чиқиб шаҳзода ёнига борса, у оғздан кўпик сочиб, беҳуш бўлиб ётган эмиш. Аҳволи аввалгидан оғир эмиш. Хотам шаҳзодани отга ўнгариб илгари ётган жойга олиб борибди. Йигитни ётқизибди. Ташқарига чиқиб бир чўпонни кўриб, уни олдига чақирибди:

— Ога,— дебди чўпонга Хотам,— бир йилга қанчадан ишлаб юрибсиз?

— Бир йилга беш тилладан ишлаб юрибман,— дебди чўпон.

Хотам айтибди:

— Мен сизга ойига беш тилла бераман. Бир ойлик хизматим бор. Уйда бир йигит ётибди, шунга қараб турасиз.

Чўпон рози бўлибди. Хотам чўпонга беш тилла бериб, ўзи Ҳиротга қараб жўнабди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, Ҳирот шаҳрига етибди. Хотам Ҳирот подшонинг ҳузурига кириб, саломдан сўнг:

— Бир шаҳзода беҳуш бўлиб ётибди. Сизнинг хазирангизда жодуни қайтарадиган дори бор экан. Шу доридан берсангиз, олиб бориб шаҳзодани ҳушига келтирсам катта ёрдам қилган бўлар эдингиз,— дебди.

— Мен доримни ҳеч кимга бермайман,— дебди подшо,— кимдаки менинг қизимни аждаҳодан қутқарса, ўшанга дорини ҳам, қизимни ҳам бераман.

Хотам:

— Қизингизни аждаҳодан мен қутқараман,— дебди. Подшо:

— Қанча-қанча полвонлар келиб, аждаҳони енга олмаган, сен бир ёш бола бўлсанг, қандай қилиб аждаҳони енга оласан? Сенга раҳмим келади, қўй, балога гирифтор бўлиб юрма, доридан берай, олиб кетавер,— дебди Хотам:

— Мен бу фалокатни эшитиб туриб, сизларни аждаҳодан қутқармай, бу шаҳардан кетмайман. Менга ижозат беринг. Аждаҳони ўлдирганимдан кейин дорини олиб кетаман,— дебди.

Подшо Хотамнинг ботирлигига ҳайрон қолибди:

— Майли, ижозат бердим,— дебди подшо.

— Подшоҳим!— дебди Хотам,— менга бешта одам беринг, улар шаҳрингизни бир четидаги икки катта чинорни гўла-гўла қилиб кесиб, майдалаб талқон қилиб берсинлар. Яна ўнта мол сўйдириб уларнинг териларини бутун ҳолида беринг!— дебди.

Подшо рози бўлибди. Шу ондаёқ бешта хизматчисини чақириб:

— Сизлар Хотамнинг айтганларини бажаринглар,— дебди. Яна бир неча хизматкорларини чақириб:— Сизлар ўнта мол сўйиб териларини бутун ҳолда, Хотамга олиб

бориб беринглар!—дебди. Хотам бешта одамни олиб, тўғри шаҳар четидаги икки чинорнинг тагига борибди. Чинорларни кесдириб, ғўла-ғўла қилиб, майдалаб талқон ҳолида молларнинг терисига тиқиб ҳўкиз шаклига келтирибди. Уларни аждаҳонинг сувдан чиқадиган жойига олиб бориб қўйибди, Хотам билан подшонинг қизи тепаликда томоша қилиб турибди. Бир оздан кейин аждаҳо дарёдан чиқиб, молларни ютибди, шу ондаёқ заҳарланиб ўлибди. Хотам билан қиз севинишиб, подшонинг олдига боришибди. Подшо ишонмай, аждаҳо томонига вазирларини юборибди. Вазирлар бориб ҳақиқатан, аждаҳонинг ўлганини кўриб, подшога хабар беришибди. Подшо Хотамнинг қилган ишига қойил қолиб:

— Эй, ботир, энди мен сенга қизимни бераман, сени бу шаҳардан ҳеч қаерга юбормайман,— дебди. Хотам:

— Эй подшоҳи олам, мен ҳали ёшман, уйланмайман, дорини берсангиз келган изимга қайтаман,—дебди. Подшо кўнмасдан: «Сени ҳеч қаерга юбормайман» деб туриб олибди.

— Бўлмаса, менга дорини беринг, мен олиб бориб ўртоғимни ҳушига келтириб, мурод-мақсадига етказиб, кейин қайтиб келаман, қизингизга уйланаман,—дебди Хотам.

Подшо бу сўзни маъқул топиб одамни ҳушига келтирадиган ва беҳуш қиладиган дориларини Хотамга берибди. Хотам бир неча кун юриб шаҳзоданинг ётган жойига келибди. Унга дорини ҳидлатиб ҳушига келтирибди. Шаҳзодага турли овқатлар бериб, уни дармонга киргизибди. Бир-икки кун дам олгандан кейин Хотам шаҳзодани парилар боғига олиб борибди. Боғнинг бир четида отдан тушиб:

— Шаҳзода, сиз шу ерда отларга қараб туринг! Мен боққа кириб чиқай,— дебди.

Хотам боққа кириб айланиб, кампирлар яшайдиган уйнинг эшиги ёнида яшириниб қулоқ солибди. Ҳеч қандай товуш эшитилмагач, эшикни очиб ичкарига кирибди. Икки кампир ухлаб ётган экан. Секин кампирларнинг ёнига бориб, беҳуш қиладиган дорини искатибди. Уларнинг оёқ-қўлларини боғлабди. Кампирларнинг бирини ҳушига келтирибди:

— Сиз кимсиз, бу ерда нима қилиб юрибсиз?—дебди оёқ-қўли боғланган кампир.—Сиз мени бўшатинг, айганингизни бажо келтираман.

— Йўқ,—дебди Хотам,—оёқ-қўлларингни ечмайман, аввал кимлигингни айтасан, бўлмаса каллангни оламан.

Кампир ялинибди, ёлворибди. Хотам бўш келмабди. Ахири кампир айтишга мажбур бўлибди:

— Бу боғ парилар боғи. Парилар подшосининг тўрт қизи ва унинг қирқ канизаги бу ерга йилда бир марта келиб ўйнаб-кулиб кетишади. Биз уларга овқат тайёрлаб берадиган хизматкорлари бўламиз.

Хотам:

— Бу ерга келган одамларни қандай қилиб ўлдира-сизлар?—деб сўрабди.

— Жоду қилиб ўлдирамыз,—деб жавоб берибди кампир. Хотам чўнтагидан беҳуш қиладиган дорини олиб, кампирга искатиб уни беҳуш қилибди. Энди иккинчи кампирни ҳушига келтирибди:

— Сен айт, парилар подшоси қандай қилиб, қачон, қай вақтда келади?—деб сўрабди Хотам. Кампир:

— Парилар подшосини ва тўртта қизи, қирқта канизагини бир қанча девлар тахтда кўтариб келадилар. Хотам девларнинг келиш вақтини билиб олгандан кейин, яна кампирни беҳуш қилиб қўйибди. Уларнинг уст кийимларини ечиб олиб уйдан чиқибди, боғдаги иккинчи бир ҳужрага кирса, учта ёш йигит илик қоқиб ўтирган эмиш. Хотам улардан:

— Сиз ким бўласиз, бу жойда нима қилиб ўтириб-сиз?—деб сўрабди. Йигитлардан бири:

— Эй ака, сиз бу жойга қандай қилиб келиб қолдингиз? Тездан чиқиб кетинг! Бу ерда иккита жодугар кампир бор. Сизни ҳам жоду қилиб ўлдиради,—дебди. Хотам:

— Қўрқманг, кампирларни беҳуш қилиб қўйдим,—дебди. Йигитлар севиниб Хотамга ўз бошидан кечирган воқеаларни сўзлаб берибдилар. Улардан бири:

— Мен бир подшонинг ўғлиман, булар вазирларнинг ўғиллари. Биз томоша қилиб юриб шу боққа кириб қолдик. Мен парилар подшосининг катта қизига ошиқман, булар эса, икки ўртанча қизига ошиқ. Жоду қилиб бизни хизматкор қилиб қўйди. Биз ҳар куни илик қоқиб икки шум кампирга палов қилиб берамиз,—дебди.

Хотам уларга:

— Хафа бўлманглар, мен сизларни ҳам мурод-мақсадингизга етказаман,—дебди. Хотам ташқарига чиқиб шаҳзода Иброҳимни ҳам илик қоқиб ўтирган ёш йигит-

лар олдига олиб кирибди ва улар билан таништирибди. Хотам ва йигитлар биргалашиб ичкаридаги бошқа бир ҳужрага киришибди. У ерда парилар подшоси қизларининг қирқта канизак билан тушган суратларини кўрибдилар. Шаҳзода Иброҳим севган қизининг суратини кўриб, беҳуш бўлиб йиқилибди. Хотам уни ҳушига келтирибди. Улар боғнинг ичкарисига боришибди. Гулзорлар орасидаги бир шоҳона супада кўрпачалар солиғлиқ, дастурхонлар турли мевалар, хилма-хил овқатлар билан тўла экан. Илик қоқиб ўтирган шаҳзода Хотамга айтибди:

— Парилар подшосининг қизлари қирқ канизаги билан шу супада ўтириб овқатландилар, сўнгра ўйин-кулги қилиб қайтиб кетадилар.

— Қани бўлмаса,—дебди Хотам,—ҳаммамиз дастурхондаги овқатлардан еб, қоринларимизни тўйгазиб, парилар келишини кутамиз. Йигитлар ўтириб овқатланишибди. Хотам икки вазирнинг ўғлига:

— Сиз иккингиш жодугар кампирларнинг кийимини кийинг, кампирларга ўхшаб, парилар хизматини қилишга тайёрланинг,—дебди.

Иккала вазирвачча кампир суратига кирибди, икки шаҳзода эса, овқат пишириб тайёрлабди. Хотамнинг ўзи эшик орқасига яшириниб, қиличини яланғочлаб турибди. Парилар кела бошлабди. Кампирлар суратидаги йигитлар пешвоз чиқиб:

— Келинлар, келинлар, ҳамма ёқ тинчлик, кичик эшикдан кира беринлар,—дебдилар.

Парилар подшосининг буйруғига мувофиқ, ҳамиша аввал девлар кирар экан, кейин подшо билан қизлари, канизаклари кирар экан.

Девлар кичкина эшикдан бирма-бир кира бошлабди. Хотам эшикдан кирган девнинг бошини кесиб ташлай берибди. Шундай қилиб, Хотам ҳамма девни ўлдирибди. Пешвоз чиққан йигитлардан бири парилар подшосига:

— Подшоҳим, сиз бу дарвозадан кининг!—дебди.

Подшо қизлари ва қирқ канизаги билан бошқа эшикдан кирибди. Овқат тайёрлаган шаҳзодалар овқатни сузиб, подшонинг олдига олиб келаётганларида, яхши кўрган қизларини кўриб қолиб ҳушларидан кетибдилар. Буни кўрган подшо: «Бу ерга четдан одам кириб қолган эканда,—деб қаҳри келибди:—Жаллод!—деб қичқирибди.

Хотам қиличини яланғочлаб подшонинг олдига келибди:

— Ҳа, мана мен жаллод, сизнинг жаллодларингизни қириб ташладим,—дебди.

Подшо ҳайрон бўлиб:

— Бу нима деганинг, қани, қаерда ўлдирдинг?—дебди. Хотам:

— Кўришни истасангиз, юринг,—деб подшони бошлаб, олиб бориб, ўлиб ётган девларни кўрсатибди.

Подшо Хотамнинг ботирлигига ажабланибди. Биргалашиб қизларнинг олдига борибди. Хотам подшога йигитларни кўрсатиб:

— Мана бу шаҳзодалар сизнинг тўрттала қизингизга ошиқи беқарор бўлиб қолишибди. Қизларингизни шу шаҳзодаларга берасизми, йўқми?—дебди.

Подшо Хотамдан қўрққанидан катта қизини шаҳзода Қосимга, икки ўртанча қизини икки вазирнинг ўғлига, кенжа қизини эса шаҳзода Иброҳимга никоҳлаб берибди.

Хотам икки шаҳзода ва икки вазирнинг ўғлини қайлиқлари билан ўз юртларига жўнатибди. Узи эса, Ҳирот шаҳрига кетибди. Ҳирот подшоси Хотамни севиниб кутиб олибди. Эртасига тўйни бошламоқчи бўлганида Хотам:

— Подшоҳим, мен уйланишдан аввал ўзимнинг отаонамни топиб келай, рухсат этинг,—дебди.

Подшо рози бўлиб, Хотамни кузатиб қолибди.

Хотам Ҳирот шаҳридан чиқиб, тўғри Жалолбой подшо турган шаҳарга борибди. Жалолбой подшо уни иззатикром билан кутиб олибди. Бир неча кундан кейин Хотам ундан:

— Менинг ота-онам ким эди, улар қаерда?—деб сўрабди.

— Мен Сизнинг отангизни танимайман,—деб жавоб берибди Жалолбой подшо,—шаҳримизда Додабой деган чол бор эди. Сизни ўша кишидан сотиб олган эдим.

Хотам ўз шаҳрига қараб жўнабди. Бир неча кун йўл юриб ўз шаҳрига етиб келибди. Эртасига бозорга бориб, бир косиб чолдан сўрабди:

— Эй ота, биласизми, шу шаҳарда Додабой деган чол борми?

Косиб ўйлаб туриб:

— Ҳа ўғлим, бор,—дебди.

Хотам:

— Отажон, агар сизга малоллик келмаса, Додабой

отанинг уйига бориб, чақириб келсангиз,— дебди. Косибнинг хизмат ҳақига беш тилла берибди. Косиб тиллани кўриб хурсанд бўлиб, дўконини Хотамга қолдириб ўзи тез бориб Додабой отани олиб келибди. Хотам чолни саройга олиб бориб меҳмон қилибди. Сўзлашиб ўтириб:

— Ота, сиз бундан бир неча йил илгари Хотам деган болани шу шаҳарлик Жалолбойга сотган экансиз. Хотам сизга кўпдан-кўп салом айтди, ҳам бир оз совға бериб юборди,—деб ёнидан ўн тилла чиқариб берибди-да, кейин шу Хотамнинг ота-оналари қаерда?— дебди.

Додабой севинганидан йиғлаб юборибди:

— Уғлим, мен унинг отасини танимамайман. Лекин онасини биламан. Онаси ўғлини боқа олмаганидан менга берган эди. У шаҳардан унча узоқ бўлмаган бир қишлоқда, бойнинг қўлида хизмат қилади,—деб эшитган эдим.

Зиёфатдан кейин Додабой уйига қайтибди. Хотам эртасига онаси яшаган қишлоқни ахтариб кетибди: йўлда сўраб-сўраб қишлоқни топиб бойнинг уйига борибди. Бой Хотамни кўриб, бу катта савдогар бўлса керак, деб отини боғлаб, меҳмонхонага олиб кирибди. Хотам бойга:

— Сизнинг қўлингизда Адолатхон деган бир кампир оқсоч бўлиб ишлар экан, ўғли бир оз совға бериб юборган эди, шуни берай деб, келган эдим,— дебди.

Бой кампирни чақирибди. Адолатхон югуриб меҳмонхонага кирибди. Хотам ўрнидан туриб:

— Она, мен сизнинг ўғлингиз Хотамнинг олдидан келдим. Сизга бир оз совға бериб юборган эди,—деб ёнидан йигирма тилла чиқариб берибди. Она Хотамга тикилиб:

— Болам, сиз Хотамнинг ўзи эмасмисиз? Сизнинг кўзқошингиз, қарашларингиз Хотамникига ўхшайди,—деб йиғлаб юборибди.

Хотам ҳам ўзини тута олмай йиғлаб, онасини қучоқлаб:

— Она, мен ўғлингиз Хотам бўламан,—дебди

Бой ҳайрон бўлиб турган жойда қотиб қолибди. Хотамни меҳмон қилибди. Она-бола ўша кечаси гаплашиб чиқишибди. Эртаси улар шаҳарга қараб йўл олишибди.

Хотам шаҳардан бир ҳовли олиб, онаси билан яшай бошлабди. Бир-икки кун ўтгач, онасидан сўрабди:

— Она, менинг отам ким эди. Ҳозир қаерда?

Онаси йиғлаб юборибди:

— Эй болам, сенинг отанг бир камбағал Нишонбой



деган полвон эди. Бир кун отанг сайилда Миср подшосининг Темирбек деган полвони билан курашиб уни енгган эди. Подшо ўз полвонини бир камбағалдан енгилганидан ғазабланиб, отангни дорга осиб ўлдирган,— дебди.

Хотам буни эшитиб жуда хафа бўлибди:

— Она,— дебди Хотам,— отам гуноҳсиз ўлган экан. мен боласи бўла туриб унинг ўчини олмасам, бу дунёда тинч яшай олмайман.

— Жон болам,— дебди онаси,— ўлганнинг орқасидан ўлиб бўлмайди. Подшодан ўч оламан, деб сен ҳам бир ба-лога дучор бўлма, неча йиллар сенинг дардингда қон йиғ-лаб, сенга интизор бўлиб зўрға етишганимда яна ташлаб кетасанми, қўй болам,— деб ёлворибди. Хотам:

— Йиғламанг, онажон! Сиз мени дуо қилиб ижозат беринг!— деб ялинибди.

Онаси рози бўлибди. Хотам бир неча кун йўл юриб Миср шаҳрига кириб борибди. Шаҳарнинг четроғидаги бир эшикни тақиллатибди. Ҳовлидан бир кампир чиқибди. Хо-там кампирдан бир кеча қўниб кетишини сўрабди. Кампир:

— Болам, биз жуда камбағалмиз, отингизга чўп солиш-га ҳам қурбимиз келмайди,— дебди. Хотам:

— Она, ундан ғам еманг, бир кеча қўнишга рухсат эт-сангиз бўлгани,— дебди.

Кампир рухсат берибди. Хотам ҳовлига отини боғлаб, уйга кирибди. Кампир чойга олов ёқибди. Кейин Хотам-нинг берган пулига озиқ-овқат олиб келибди. Кечқурун овқат еб ўтиришганда, кампир бирдан йиғлаб юборибди.

— Эй она, нима учун йиғлайсиз?— деб сўрабди Хо-там:

— Эй болам,— дебди кампир,— менинг ҳам сенга ўхша-ган Раҳимжон деган ўғлим бор. Ҳозир зиндонда ётибди. Икки кундан кейин подшо уни дорга осмоқчи.

— Нима учун дорга осадил?— деб сўрабди Хотам. Кам-пир:

— Нимасини айтасан, болам. Подшо улоқ чоптиргани-да менинг ҳам ўғлим от миниб бориб, улоқ чопган эди. Нима бўлибди-ю, фалокат босиб подшонинг бир улоқчиси Раҳимжоннинг оти остида қолиб ўлибди. Шунга подшо-нинг қаҳр-ғазаби келиб зиндонга солибди. Энди уни ўл-дирмоқчи,— деб ўқсиб йиғлабди. Хотам:

— Хафа бўлманг, онажон, бахти бўлса қутулиб кетар,— деб кампирни юпатибди. Кеча ўтибди. Эрталаб нонушта қилиб ўтиришганида:

— Онажон,— дебди Хотам,— мен сизга бир сўз айтаман, ҳозирча ҳеч кимга билдирманг.

— Айт болам, кўчага чой ташлайдиган одам эмасман,— дебди кампир. Хотам:

— Мен сизнинг ўғлингизни зиндондан қутқаришга ҳаракат қиламан. Сиз бозорга бориб менга қаландарлар жандаси ҳам сапойил сотиб олиб келиб беринг!— дебди-да, пул берибди.

Кампир паранжисини ёпиниб бозордан Хотам айтган нарсаларни келтириб берибди.

Хотам қаландарлар жандасини кийиб, сапойилни қўлга олиб, кўчаларда маддоҳлик қилиб юрибди. Одамлардан йиғилган пулларни камбағал гадойларга улашибди. Хотамнинг айтиб юрган байтлари адолат, ҳақиқат тўғрисида экан. Бу гаплар подшо қулоғига етибди. Подшо «қаландарни» олиб келиб зиндонга солибди. Хотам зиндонда Раҳимжон билан топишиб, дўстлашибди. Иккиси маслаҳатлашиб зиндондан лаҳим ковлай бошлабдилар. Бир неча кундан кейин ер юзига туйнук очилибди. Хотам билан Раҳимжон ва бошқалар зиндондан озод бўлишибдилар. Ҳаммаси маслаҳатлашиб, қуролланиб кечаси подшо саройига ҳужум қилишибди. Подшони тахтдан ағдариб ўлдиршибди. Раҳимжонни подшо қилиб кўтаришибди.

Хотам Раҳимжонни онасининг олдига олиб келиб, бўлган воқеани айтиб берибди. Кампир севиниб, Хотамни қучоқлаб:

— Болам, умрингдан барака топ, муродингга ет!— дебди. Ўз ўғли Раҳимжонни кўриб қувонибди. Хотам бу жойдан кетмоқчи бўлганини Раҳимжонга айтибди.

Раҳимжон Хотамга:

— Дўстим, агар сиз кетсангиз мен ҳам кетаман, менга подшолик керак эмас,— дебди.

— Йўқ,— дебди Хотам,— Сиз подшоликдан кетманг, мен келгунимча уйингиз ёнидан бир иморат солдиринг. Мен онамни кўчириб олиб келаман ва шу шаҳарда яшайман.

Раҳимжон жуда хурсанд бўлибди. Шу куннинг ўзидаёқ бир қанча усталарни чақириб иморатни бошлаб юборибди.


Хотам йўлга чиқибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Охири Ҳирот шаҳрига яқинлашиб қолибди.

Йўлда рўпарасидан келаётган бир йўловчидан шаҳардаги аҳволни сўрабди. Йўловчи:

— Шаҳарда катта уруш бўлаётир. Подшо қизига бир подшодан совчи келган экан. Подшо қизимни унаштириб қўйганман деб совчиларни қайтарган экан. Совчи қўйган подшо лашкар тўлаб келиб жанг қилаётибди,— дебди.

Хотам бу сўзни эшитиб, бостириб келган подшонинг аскарларига қўшилибди, улар орасига кириб икки-уч кун ичида яхши иш кўрсатибди. Беш-олти кундан кейин аскарлар орасидан ўзига ишончли бир қанча одамларни тўлабди. Тўғри подшонинг вазирлар билан ўтирган жойига бостириб кириб, подшони вазир-вузаролари билан қириб ташлабди. Шу ондаёқ урушни тўхтатиб, бир камбағални подшо қилиб кўтарибди. Ўзи Ҳирот шаҳрига келибди. Подшо уни хурсанд бўлиб кутиб олибди. Қирқ кечаю қирқ кундуз тўй қилиб, қизини Хотамга қўшибди.

Хотам қизнинг шаҳрида бир ой тургандан кейин хотини билан онаси яшаган шаҳарга борибди. У ерда уч-тўрт кун тургач, онаси ва хотини билан Мисрга кўчиб келишибди. Раҳимжон Хотамни шод-хуррамлик билан кутиб олибди ва янги иморатга жойлаштирибди. Хотам ўз онаси ва хотини билан мурод-мақсадига етибди.



### Луқмон ҳаким

Бор экан, йўқ экан, оч экан, тўқ экан, бир замонда Искандар Зулқарнайн деган подшо ўтган экан.

Искандар Ямандан Ясаргача (кун чиқишдан кун ботишгача) жойни сўраган экан. Подшонинг гапдон бир вазири бор экан. Подшо бир кун вазирлари билан ўтирганда:

— Бир сўзим бор, сизларга айтаман. Айтган сўзимни урдасидан чиқасизларми?— дебди. Шунда вазирлар:

— Гапиринг, гапиринг, биз эшнтайлик,— деб таъзим қилиб туришибди.

Подшо:

— Мен ер юзини сўрайман, бу сизларга маълум, энди сизлар менинг вазим бўлсаларинг, осмоннинг устида ернинг остида одамзод бўлар эмиш, деган гаплар бор. Осмоннинг устидаги одамларни ерга тушириш, ер тагидаги одамларни юқорига чиқариб, шуларнинг ҳам ихтиёрларини менга қаратишларингизни сўрайман. Уларнинг сўзларини менга олиб берсаларингиз. Агарда менинг топширган топширигимни бажарсаларингиз чин вазирлик ўринларингизда қолдираман,— дебди. Вазирлар:

— Жонимиз сизга тасаддуқ бўлсин. Бу гапни энди гапирдингиз бизга, энди сизга гапимиз, қиладиган нафимиз шу, топширган вазифангизга биздан жавоб эшитинг. Бу гап, йўқ гап — осмон узоқ, ер қаттиқ, иложимиз йўқ, сизга берадиган хирожимиз йўқ. Ҳар қандай топшириқ топширган вақтингизда биз бажарган эдик. Лекин бу топшириқни бажара олмаймиз,— дейишибди.

Подшо вазирларининг жавобига нима дейишини билмай турганда, вазирлари ичидан гапга уста Тойиржон деган вазир чиқиб шундай дебди:

— Тақсир, сиз бу топшириқни топшириш билан қандай фикрни ўйладингиз? Лекин мен сизнинг топширган вазифангизни бажариш учун бир мисол айтаман. Подшо:

— Қани айт-чи, эшитай!— дебди.

Тойиржон:

— Дарёларнинг ичида каттакон дарё бор, уни шўр дарё дейишади. Шўр дарё бўлса ҳам жуда каттакон зўр дарё! Мен бул дарёнинг тагида, сув ичида одами оби, одами лоби, одами соби деган одамлар бор деб эшитганман. Энди шу дарёнинг тагида одам борлигини билайлик. уларни қўлга олишнинг иложини қилайлик,— дебди. Подшо:

— Қандай қилиб иложини топсаларинг, қилинглари!— дебди. Вазир Тойиржон:

— Бир шишадан уй ясаймиз, неча ботмон темирдан занжир ясаймиз, шишага занжирни боғлаймиз. Зиндондан бир одамни олиб чиқиб шишалик уйга нафаси қайтмайдиган қилиб жойлаб сувга тош ташлагандай ташлаймиз. Зиндондан олиб чиқилган одамга айтамызки, шу дарёнинг тагига тушасан, дарё тагида одам борлигини билиб чиқасан, билиб чиқсанг, ҳар қандай жиноят қилган бўлсанг ҳам сени зиндондан озод қиламиз, деймиз,— дебди.

Бу сўзлар подшога маъқул тушибди. Подшо вазирга:

— Бу сўзларинг маъқул, баракалла. Ҳар қандай йўл

билан бўлса-да, билишимиз керак,— деб шишадан бир уй ясатибди-да, занжир тайёр қилиб, зиндонда умрбод ётадиган одамни олиб чиқиб:— Шу дарёга тушиб одам бор-йўқлигини билиб чиқ. Кейин сени бўшатаман,— дебди.

Шундай қилиб зиндондан олиб чиқилган одамни шиша уйга солиб, занжир билан боғлаб, тош ташлагандай қилиб дарёга ташлаб юборибдилар. Дарёга ташланган одам дарёнинг энг тагига етганда, дарё тубидаги одами оби, одами лоби, одами собилар шишанинг ичидаги одамни кўриб, дарғазаб бўлиб:

— Сендай махлуқ бизнинг ичимизда йўқ. Сен ўзингни бизга маълум қил, бизга ким эканлигингни айт, айтмасанг ҳар нарса қилишга кучимиз етади,— дейишибди.

Шиша ичидаги одам уларга:

— Мен сизларга юқоридан тушган элчман, юқоридаги подшо мени сизларга элчилик мақсадида туширди. Шу дарёнинг тагида одамлар яшармикин, ёки яшамасмикин? Агарда одамлар яшасалар подшолари бўлмаса, арзларини менга айтсалар, деган мақсадда мени туширдилар. Сизлар нима дейсизлар?— дебди.

Шунда дарёнинг тагидаги одамлар бу хабарни эшитиб:

— Юқоридаги, ер юзидаги подшо, ер юзини сўраётган эсалар наҳот бизларни ҳам ўзларига қаратмоқ мақсадида бўладилар,— деб ҳайрон бўлишиб, шишадаги одамга:

— Майли бўлмаса, сиз элчи экансиз. Сизга биз шу нарсани берамиз, подшоҳингизга олиб чиқиб беринг. Шу косадаги унни нон қилиб ўзлари есин, сўнг косанинг ичига танга ёки тиллани тўлғизсин, агар ер юзида шу косани танга ёки тиллага тўлдирса, биз бу ерда биламиз, сўнгра арзимизни айтамыз, агар тўлдира олмаса овора бўлмасин, биз арзга бормаймиз,— деб сўзларини тамом қилишибди.

Бу сўзларни эшитиб ҳалиги одам бир коса унни олиб дарё тагидан чиқибди.

— Қани, нима хабар топиб чиқдинг?— дейишганда, мана шу нишона, мана шу коса, мана шу гап. Мана шу коса ичидаги унни олиб нон қилиб ёпдириб ер экансиз, сўнгра косани тангага ёки тиллага тўлғазар экансиз. Агар, косани тангага ёки тиллага тўлғазсангиз, сизга арз-қолга чиқар эканлар, бўлмаса сиз бу ерда, улар у ерда қола берар эканлар,— дебди дарё тагига туширилган киши.

Подшо бу косани кўриб, дарёнинг тагида танга, тилла йўқ экан-да, деб кўнглига келтириб: «Бир ҳовуч танга солса, тўлади-ю», деб ўйлабди. Унда Тойиржон вазири:

— Дарёнинг тагида танга ва тилла йўқ эмасдир, бордир, аммо бу косанинг бир ҳикмати бордир,— дебди.  
Подшо:

— Қандай ҳикмати бўлар экан?— деб сўрабди.

Тойиржон:

— Унни олсак, бир тўппи тангани олиб косага солсак, нима ҳикмати борлигини биламиз-қўямиз,— дебди.

Подшо:— Бўлмаса шундай қилиб кўрайлик,— деб косани ўртага қўйишиб, ғазначини чақириб бир этак танга олиб кел, менга,— дебди.

Ғазначи тангани олиб, этагига солиб келиб:

— Нима қилай?— дебди.

— Косага бир ҳовуч тилла сол!— дебди. Улар бир этак тангани косага солиб тамомлашибди. Косанинг ичидаги танга кўринмай қолибди. Подшо:— Мен, бас, демагунча олиб чиқиб тангани косага сола берингла!— дебди. Подшо бас демабди, ғазначи этак-этак танга олиб чиқиб косага солаберибди. Косада танга кўринмай қола берибди. Подшонинг жаҳли чиқиб, фолчи ва қурандозларини чақиртирибди.

Қурандозлар таъзим билан:

— Чақиртирган экансиз, хизматингизга келдик,— дебдилар.

Подшо:— Утирингла, мен сизларни чақиртирганимнинг боиси шуки, шўр дарёнинг тагига бир элчи туширган эдим. Шуларни ҳам сўрасам деган эдим. Туширган элчининг қўлига бир коса беришибди. Шул косани танга ёки тиллага тўлғазсалар, бизни сўрасалар майли, ўзимиз чиқиб арзимизни айтамыз. Агар косани тўлдирмас эканлар, биз арзимизни чиқиб айтмаймиз, дейишибди. Биз косага кўп танга солдик, косани тўлдирмадик. Шунинг маъносига нима, билиб берингла!— дебди.

Фолчи ва қурандозлар:

... учириб юрдилар. Вазиридан

— Биз шашқал ташлаймиз. Ташлаб меъёрига қараб гапирамыз,— дейди, бу бола Луқмон ҳаким-

— Ишқилиб нима маъносиди. Подшо:  
бас,— дебди.

...ийимим билан ўғлимнинг кийган  
Фолчилар ва қурандозларига кийгизиб, менинг юз-хотиримни таъзим қилиб, бул коса унга жазо тайин қиламан,— дебди.  
Яъни ер юзини сўраман деган бўлсалар.

тўлмаса, бошқа намасин,— деган маъ— тўқувчи.

косага солинган тупроқда танга кўриниб қолса, кўриниб қолган тангани ғазналарига солсалар, ул киши у ёқда қолсалар, биз бу ёқда қолсак. Биз билан ишлари бўлмаса деган экан,— деб подшога бул гапни баён қилибдилар.

Подшо шу қурандозларнинг сўзи билан косага тупроқ солган вақтда танга косанинг атрофида кўриниб қолибди. Подшо тангани олиб, ғазнага солиб индамасдан қолибди, шунда ўйлаб-ўйлаб бу косадан кўрган иш бу бўлди, энди ундан нима чиқар экан деб, унни олиб хотинига бериб нон қилиб ёпиб беришни буюрибди. Подшонинг хотини хамир қилиб тандирга ёпаман деса, ҳадеб оқиб кета берибди. Подшонинг хотини ҳайрон бўлиб, бошқа ундан хамир қилиб нон ёпиб чиқариб берибди.

Подшо нонни еб «ҳеч асорат, фойдали нарса йўқ»,— дебди. Энди подшо у ёқда қола берсин, гапни бошқа томондан эшитинг.

Шул вақт подшонинг эшигига бир девона тиланиб келибди. Подшонинг хотини ҳалиги тандирнинг тепасида ёпилмай қолган нонни хайр қилиб бериб юборибди. Девона нонни олиб, хуржунга солиб, кетиб қолиб, бир ариқнинг ёнидаги толнинг салқинига етиб қолиб, нонни ариқдаги сувга ивитиб еб ўтирганда, тол эгилиб:

— Эй девона, мандан гап сўраб кет!— дебди. Девона ҳайрон бўлиб бу толдан нечук овоз чиқди деб:

— Гапир, нима гапинг бор?— дебди.

Тол айтибдики:

— Мен шундайманки, кимки сил касалига йўлиққан бўлса, менинг салқинимда ўтирса, шунинг дардини кеткизишга қувватим келади.

Девона «Ҳа, ҳа», деб кета туриб йўлда тут дарахтини биз артибди. Тут:

Бу сўзларнинг ойна, бир сўзим бор...— дебди. дарё тагидан чиқиб ўзинг бор?— дебди девона.

— Қани, нима хабарлар ичида менинг давойим беқадр. мана шу нишона, мана шу коҳ шилиб олиб қозонга солиб, са ичидаги унни олиб нон қилиб ўга яра чиқартирмайман.— ра косани тангага ёки тиллага ту. косани тангага ёки тиллага тўлғазсанг қолибди. чиқар эканлар, бўлмаса сиз бу ерда, уҳриқ ўт учрабди. рар эканлар,— дебди дарё тагига тушиг ажриқ.

Подшо бу косани кўриб, дарёнинг тагига йўқ экан-да, деб кўнглига келтириб: «Вифтобда қуришиб солса, тўлади-ю», деб ўйлабди. Унда Тойирд иллатини йўқо-

тишга қувватим келәди,— дебди. Хуллас бутун ер юзидаги гиёлар ўзларининг нимага даво эканликларини бу кишига бирма-бир баён қилиб айтган эканлар. Кўкарган гиёларнинг сўзи билан бу киши ҳар қайсисидан озгина-озгина йиғиб олиб девоналикни ташлаб, табибчилик қилган экан.

Бу кишининг табибчилик ҳунаридан кўп одамлар шифо топиб келганликлари учун унга, «Луқмон-демона», «Луқмон ҳаким» деб ном қўйишган экан. Лекин у одам девоналик қилиб юрган вақтларида бопандалик<sup>1</sup> иш ҳам қилган экан. У йилдан бу йилга шу подшо Искандар Зулқарнайнинг киядиган кийимларини тўқиб беришнинг кафилини олган экан. Ҳеч бир бопанда иш тўқиб у кишидек подшога маъқул қила олмаган экан. Шундай бўлса-да, подшонинг берган инъоми бу кишини таъминламагандан, девоналик ҳам қилиб юрар экан.

Бир кун подшо Луқмон ҳакимга: «Мана бу инъомни олинг, жўнаб қолинг, эндиги келишингизда ўғлимга ва менга етарли кийимлик тўқиб келинг!»— деб топшириқ берибди. Луқмон ҳаким, «хўп», деб чиқиб кетибди.

Луқмон ҳакимнинг ҳам подшо ўғлидек ўғли бор экан.

Луқмон ҳаким ўйлаб «подшонинг ўғли кияди-ю, менинг ўғлим киймайдими?» деб ҳавас қилиб уч кийимлик тўқиб ўғлига лойиқ қилиб олиб қолиб, подшонинг ўзига ва ўғлига етарли кийимлик олиб бориб берибди. Подшо ҳар вақтлардагидек Луқмон ҳакимга инъом бериб жўнатиб юборибди.

Подшо бир куни вазирларини чақириб:

— Овга чиқиб бирор нарса овлаб келайлик,— деб овга чиқибди. Подшо овини овлаб, довини довлаб қайтиб Луқмон ҳакимнинг маҳалласидан ўтиб кетаётганда Луқмон ҳакимнинг ўғлини кўриб қолибди. Луқмон ҳакимнинг ўғли подшонинг ўғли каби кийиниб, кўчада варрак учириб юрган экан. Подшо уни ўз ўғли деб ўйлабди. Вазирларидан сўраса, улар:

— У сизнинг ўғлингиз эмас, бу бола Луқмон ҳакимнинг ўғиллари,— дейишибди. Подшо:

— Менинг кийган кийимим билан ўғлимнинг кийган кийими нусхасидан ўғлига кийгизиб, менинг юз-хотиримни қиламагани учун мен унга жазо тайин қиламан,— дебди.

Вазирлар:

---

<sup>1</sup> Бопанда — тўқувчи.



— Нима десангиз ўзингиз биласиз,— дебдилар.  
Подшо:

— Бунга бериладиган жазо шуки, ўғли билан ўзининг қўл-оёғини боғлаб, Оқтепа деган чўлга ташлайсизлар. Чўл ўртасига терак бўйи чуқур кавлаб, ота-болани тириклайин шу чуқурга ташлайсизлар! Устини ёғоч ва тупроқ билан тўлдирасизлар. Сўнгра бир ой пойлаб, икки ойгача тупроқ жойлаб, тупроқ устини лойлаб, сўнгра олдимга борасизлар,— деб уйига кетибди.

Вазирлар Луқмон ҳаким билан ўғлини олишиб, Оқтепа чўлига кетган эканлар. Шу билан Луқмон ҳакимни кеткизиб, Оқтепа биёбон чўлига етказиб, терак бўйи кавлашиб, икки арава теракни келтиришиб, Луқмон ҳаким билан ўғлини чуқурга ташлашиб, ҳунарларини хушлашиб, устини бекитиб, тупроқ тўкишиб, вазирлар хаёл суришиб турганларида, бир одам хўтик билан ўтин териб юрганини кўришибди. Уни чақириб олиб, гапга солиб:

— Шу ерга икки ойгача тупроқ тўкиш керак. Шунга хизматинг учун қанча сўрайсан?— дейишибди.

Гаплашиб бўлишгандан кейин икки ойгача тупроқ тўкдириб, атрофини жойлашиб, устини лойлашиб, бир ой пойлашиб, подшонинг олдига боришиб:

— Буюрилган топшириқни ўрнига қўйиб келдик,— деб таъзим қилиб туришибди. Подшо:

— Баракалла!— дебди.

Орадан ўн-ўн беш йил ўтган. Искандар подшо ўлган. Подшони кўмишган. Подшонинг ўғлини халқ подшо қилиб кўтарган.

Шундан сўнг халқнинг хоҳиши билан подшонинг ўғли уйланган. Бир йилдан сўнг бир ўғил кўрган. Ўғли етти ёшга тўлган. Бир кун подшо овқат еб турганда, бир суяк унинг ҳалқумига тиқилиб дастурхонга йиқилган, ўғли билан хотини ташқарига чиқиб:

— Подшо овқат еб туриб, томоқларига суяк тиқилиб, йиқилиб қолдилар,— деб хабар бериб,— табиб келтиринглар!— деган.

Ташқаридагилар дарров беш-олтита табибни олиб келишиб подшонинг олдига етказишибди. Подшонинг бу ҳолини кўриб, табиблар:

— Биз бу касалнинг иложини қила олмаймиз,— дейишибди. Вазирлардан бири:— Луқмон ҳакимнинг қадрлари ўтдику,— деганда, подшо:

— Луқмон ҳакимнинг маънисини нима?— деб сўрабди.

Вазир туриб:— Отангизнинг даврида ўтган бир ҳақим эди. Унинг ўлган одамни ҳам тирилтириб олишликка қуввати етар эди. Отангиз бир зулм билан Оқтепа чўлига кўмдириб юборган,— дебди.

Вазирлардан бири айтибди:— Агар чиндан ҳам Луқмон ҳақим бўлсалар, тирикдурлар. Биз бориб қарайлик,— деб неча киши биёбон чўлга бориб қарасалар, бу кишининг тепасига тўкилган тупроқни шамол учуриб ҳар тарафга тўзғитиб юборган экан. Излашиб тополмай, ҳайрон қолишибди. Вазирлардан бири туриб:

— Луқмон ҳақимнинг устига Абдурайим ўтинчи эшаги билан икки ой тупроқ ташиган. Шунинг учун биз Абдурайим ўтинчини топайлик. Эшагини сўраб оламиз-да, устига бир қоп тупроқ ортамыз, қаерга бориб тўхташа ўша жойни кавлаймиз ва Луқмон ҳақимни топамиз,— деб эшакни излашга киришибдилар. Абдурайим ўтинчини топиб эшагини сўраб олишибди. Биёбон чўлга етказишиб, озгина тупроқ олиб, қопга солиб, эшакнинг устига ортишиб, эшакни ҳайдаб бораверишибди. Эшак бир жойга бориб таққа тўхтабди, етакласалар ҳам юрмабди. Эшак тўхтаган еридан уч-тўрт кетмон кавлашса, бир ердан тешик очилибди. Ичкаридан овоз чиқибди:

— Кимсан? Менга шабада киргизма! Сувнинг кўпигидек илвиллаб ётибман. Менга зарар етказма!

Булар:

— Сизга бизни подшо юборди. Подшонинг кўкрагига суяк тиқилиб қолди. Шунинг дориси нима?— деб сўрашибди.

— Бу касалга мен ўзим бормасам бўлмайди,— деган овоз чиқибди. Улар:

— Ўзингиз бораман дейсиз, сувнинг кўпигидек илвиллаб қолганман дейсиз, ундай бўлса қандай борасиз?— дейишибди.

Луқмон ҳақим:

— Агар мени олиб бориш учун кучларингиз етса, бу тешикни бекитиб кетинглар. Қирқ қадоқ ёғ, қирқ қадоқ гўшт, қирқ қадоқ пиёз, қирқ қадоқ туз, қирқ поғонали шоти ва қирқта қиз олиб келасизлар. Олиб келган поғонали шотини қўлим етарли жойга туширасизлар, олиб келган қизларни ҳар поғонага ўтқазиб қўясиз, шунда мен у қизларга қўл теккизганимда, улардан баҳра олиб кучга кириб кетаман, юқорига чиқаман. Овқат елмайман. Пиёздоғиси димоғимга кирса, овқат еган ҳисобда ўтаман, подшо олдига

етаман,— дебди. Булар бу гапларни хаёл ўтмай, подшога етказиб, топдик, шундай-шундай деди, деб бутун гапларни айтиб беришибди. Бу гапларни эшитган подшо буйруқ берибди. Уста шотини тайёр қилгунча, кўчама-кўча, гузар-ма-гузар, маҳаллама-маҳалла юриб бўйи етган қизларни тўплашибди. Шу билан шоти ҳам, қирқ қиз ҳам, бошқа айтган нарсалари ҳам тайёр бўлибди. Буларнинг ҳаммасини аравага жойлаб, Луқмон ҳаким ётган жойга етказишибди. Шотини тушириб ҳар поғонага биттадан қизни ўтказиб қўйишибди. Сўнгра Луқмон ҳаким қизларнинг қўларини ушлаб қувват топиб, қизлар беқувват бўлиб, сап-сариқ заъфарондай бўлиб, поғонадан йиқилиб тушаберибдилар. Чуқурдан Луқмон ҳаким чиқибди. Лекин ўғли чуқурда қолибди. Пийёздоғни қовуриб турганда иси Луқмон ҳакимнинг димоғига уриб, шундан баҳра олиб, подшонинг олди-га етибди.

Луқмон ҳаким подшодан ҳол сўраб:

— Ўғлим, нима дардингиз бор? Айтинг!— дебди.

Подшо:

— Шошилиб овқат еб турганимда кўкрагимга суюк тикилди. Шунинг иложи қандай?— дебди. Луқмон ҳаким:

— Бунинг иложи, ўғлингизни сўйиб қонини ичказаман, шу дори бўлади. Бошқа дори ҳеч тузата олмайди,— дебди. Подшо бу гапга унамабди. Ўлсам ўзим ўлай, лекин ўғлимнинг сўйилишига норозиман,— дебди. Шунда Луқмон ҳаким вазирларига гап ўргатиб:

— Бир ўғилнинг баҳридан ўтинг, тагин бошқа ўғил кўрасиз, деб подшоғи кўндириглар!— дебди.

Вазирлар шу сўзлар билан подшоғи кўндирибдилар. Сўнгра боланинг уст-бошини ечириб, отасининг олдида ётқизиб бўғизлашга тайёрлаб қўйганлар. Кейин болани подшо олдидан олиб чиқиб унга кўрсатмай нарироққа ётқизиб, унинг ўрнига бир эчкининг боласини келтириб, унинг томоғига пичоқ тортибдилар, шунда эчки «ба-ба» дейиши билан подшо «Вой болам, вой болам», деб қичқириб юборибди. Шу маҳал унинг кўкрагида тикилиб қолган суюк оғзидан отилиб чиқиб кетибди.

Подшо «Вой болам, вой болам», деб эсини йўқотиб турган вақтида, боласи ўйнаб юрганини кўриб қолибди. Подшо Луқмон ҳакимга дўқ қилиб:

— Нега мени шунча қийнадинг?!— деса, Луқмон ҳаким:

— Бошқа иложи йўқ эди. Мана энди боланг ва ўзинг

ҳам омон бўлгин, менинг табиблигим, шу,— дебди. Подшо:

— Мурод ва мақсадимга етдим. Тиланг, тилагингизни берай,— дебди. Луқмон ҳақим:

— Гапни гапга уриштириб, сўзни сўзга солиштириб, ҳақни ёки ноҳақни текшириб иш қилсанг, менга бўлди. Бошқа тилагим йўқ,— дебди. Подшо:

— Отам сиз билан ўғлингизни шундай ёмон жазога буюрган эканлар. Ўғлингиз қани?— деб сўрабди. Луқмон ҳақим:

— Баракалла, бу гапинг маъқул гап бўлди. Бир деворнинг қавагида каптар бола очган экан. Ўғлим ёшлиқ қилиб шу каптарнинг боласини оламан деса, қўли етмабди, шунда тўпписини кавакка тиқиб, шотига кетган экан. Келгунча каптарнинг боласи ўлиб қолибди. Шунинг жабрига қолди,— деб подшонинг сўровига жавоб бериб уйига кетган экан, ўғли билан қирқ қизни олиб, даволаб муродига етган экан.

Луқмон ҳақим уйига келганини, бутун ошна-оғайни, қавм-қариндошлари эшитиб кўргани келиб, ўртага олишиб гапиртириб ўтиришибди. Келган ошна-оғайнилардан бири:

— Луқмон ҳақим, бир кўрган-кечирганларингизни гапириб берсангиз,— дебди. Луқмон ҳақим «хўп» деб сўз бошлабди:

— Ҳасратим дафтарга сиғмас битолмайман, ука.  
Оғзимдаги бор нарсани чайнаб ютолмайман, ука.  
Кўрганимда кўз ёшимни тўхтатолмайман, ука,  
Кўрмайин босдим тиканни тортиб келдим дардини,  
Кўрсам эдим, босмас эдим, тортмас эдим дардини.  
Ҳори-зорлик торта-торта танда тоқат қолмади,

Келдим кулбам аро, кўрдим сизларни, юракда армон қолмади. Шу билан Луқмон ҳақим ўз табиблигини давом қилдириб, кўп вақтлар яшаб юрган чоқларида, ўзларидан ўзлари нотоб, бетоб бўлиб ётиб қолган эканлар. Ошна-оғайнилар, қавми-қариндошлар ва бу кишидан даволанганлар Луқмон ҳақимнинг бетоб бўлиб қолганини эшитиб кўргани келибдилар.


Улар Луқмон ҳақимдан:

— Сиз бизга ҳайрон қоларли фойдаланадиган сўзлардан гапириб берсангиз,— деб сўрашибди. Луқмон ҳақим:

— Қиш чилласида оқиб турган совуқ сувга чўмилган кишининг ариқ лабида ўлиб қолмаганига ҳайрон қолдим. Иссиқ сув билан ўлган ўликни ювган вақтда тирилиб кет-

маганига ҳайрон қолдим. Тоби йўқ одам ҳаммомга тушиб, ҳаммомдан чиққан вақтида учиб кетмаганига ҳайрон қолдим. Ҳар қандай одам, ялпизнинг томирини ковлаб олиб, сувга солиб ювиб, офтобда қуритиб, сутга солиб, шуни қайнатиб ичса одамнинг ичида тоши бўлса шул тошни эритиб юборади. Иккинчи ҳалил ойи занги деган гиё бўлади, уни олиб, қувачага солиб, туйиб, талқон қилиб, кап отиб юрса ҳар қандай одамни қувватлик, кучлик қиладди. Ҳар қандай одам йўтал бўлса, шундай дардга беҳи олса, беҳининг ичидаги уруғини олиб, уруғ ўрнига думба ёғ солса, сўнг пишириб еса, йўтал бўлган одам тузалади, яна ҳар қандай одам ҳар ҳафтада ҳаммомга тушиб турса, соғлом-бақувват бўлиб юради,— деб,— сизларга гапим, қилган нафим шу,— деб сўзини тамом қилган.

Келган ошна-оғайнилар, қавм-қариндошлар бу сўзларни эшитиб, ўз уйларига кетган эканлар. Луқмон ҳаким бир-икки кундан сўнг ўз касали билан ўлган экан.



## Ота васияти

Бир одамнинг уч ўғли бор экан, ўладиган вақтида катта ўғлини чақириб:

— Ўғлим, мен ўлсам уч кун гўримни пойлайсанми?— дебди. Ўғли:

— Йўқ, мен пойламайман,— дебди. Отаси ўртанча ўғлини чақириб:

— Ўғлим, мен ўлсам сен гўримни уч кун пойлайсанми?— дебди. Ўртанча ўғли:

— Йўқ, мен пойламайман,— дебди. Кичик ўғлини чақириб:

— Ўғлим, мен ўлсам уч кун гўримни пойлайсанми?— деб сўрабди. Кичик ўғли:

— Ота, уч кун эмас, юз кун пойлагин десангиз ҳам

пойлайман,— дебди. Васият тамом бўлгандан сўнг, ҳалиги одам ўлибди. Кичик ўғли отаси ўлгандан кейин гўрени пойлаб ётибди. Ярим кеча бўлганда бир оқ от осмондан яроғ-аслаҳа, кийим-кечак билан тушиб гўрни уч марта айланибди. Шу пайт бола уйғониб отни ушлабди. Бола отдан:

— Нима учун сен гўрни уч марта айландинг?— деб сўрабди. Оқ от:

— Мен отангнинг тириклигида унинг амрида юрардим, ҳозир бир отангнинг гўрени зиёрат қилиб чиқиб кетаман,— дебди-да, кетаётганида ёлидан бир тола юлиб боланинг қўлига бериб:

— Қачон бошингга бир мушкул иш тушса, шу мўйни тутатиб йўқласанг, ҳозир бўламан,— дебди.

Бола эртасига кечаси яна бориб пойлаб ётибди. Яна ярим кечада осмонда бир қора от парвоз этиб ерга тушибди-да, гўр атрофидан уч марта айланибди. Бола ўрнидан туриб қора отни ушлабди ва:

— Нима учун сен келиб гўрни уч марта айландинг?— деб сўрабди. Шунда от:

— Мен отангнинг оти эдим, қачон мингиси келса йўқлаб олар эди. Ҳозирда ўлган экан, шунинг гўрени зиёрат қилиб кетиш учун осмондан тушдим, энди мендан сенга бир нишона қолсин,— деб бир тола ёлидан юлиб боланинг қўлига берибди.— Қачон бошингга бирор мушкул иш тушса, мана шу мўйни тутатсанг мен ҳозир бўламан,— деб учиб кетибди. Учинчи куни бола яна бориб гўрни пойлабди. Ярим кеча бўлганда яна бир саман от осмондан тушиб гўрни уч марта айланибди. Бу ҳам ясатиғлиқ экан. Бола саман отдан сўрабди:

— Нима учун отамнинг гўрени уч марта айландинг? От айтибди:

— Мен отангнинг оти эдим, қайси вақтда зарур бўлиб қолсам, келиб хизматини бажо келтириб кетар эдим. Отанг ўлибди, унинг гўрени зиёрат қилиб кетиш учун тушдим,— дебди-да, у ҳам мўйидан бир тола юлиб, боланинг қўлига берибди.

Шу билан уч кунлик васият тамом бўлибди. Тўртинчи куни бола яна бориб гўрни пойлаган экан, ҳеч ким келмабди, шу билан гўрни пойлаш ҳам тамом бўлибди. Отадан қолган мол-дунёни уч ўғил бўлашиб олишибди. Бу мол-дунёни сарф этиб, тамомлаб энди улар уч оғайни юртнинг молини — подасини боқадиган бўлишибди. Шу билан ти-

рикчилик ўтказиб юришибди. Лекин акалари шунда ҳам тўғри юрмасдан юртнинг сигири, бузоғини сотиб еб, сўйиб еб, халқни тинчитмай қўйишибди. Шунда эл катталари кўплашиб буларнинг учовини ҳам шаҳардан ҳайдаб юборишибди. Булар учови бошқа шаҳарга жўнашибди. У шаҳарда ҳам молларни йиғиб подачилик қилиб юришибди. Кичкина укаси мол боқиб юрганда, ҳалиги икки акаси шаҳарга томоша қилгани тушиб кетишибди. Шаҳарда улар бир ғавғага дучор бўлибдилар. Подшо бир равоққа қирқ поғоналик шоти қўйдирибди. У шотининг тепасига қизининг равоғини қурдирибди ва ҳалойиққа жар солиб:

— Ҳар ким ҳо от билан, ҳо эшак билан, ҳо туя билан чиқиб қизимнинг қўлидан бир коса сув олиб ичса, унинг қўлидан нишонлиқ узукни олиб тушса, қирқ кун тўйини қилиб, ўттиз кун ўйинини ўтказиб никоҳ қилиб бераман,— дебди. Бу хабар юрга машҳур бўлибди. От минган ҳам жўнабди, эшак минган ҳам жўнабди, туя минган ҳам подшонинг эшиги тагига қараб жўнабди. Ҳалойиқ кўрсаки, от, эшак, туя минганлар қирқ поғоналик шотига чиқа олмай ерга қулаб тушаверибди. Бу ҳодисани кўрган иккала ака-ука подачи укаларининг олдига қайтиб келибдилар ва укаларига:

— Эй ука, шаҳарда шундай томоша кўрдик, жуда ажойиб,— дебдилар. Шунда укаси:

— Қандай томоша экан?— деб сўрабди. Акаси:

— Подшо қирқ поғоналик шоти қўйиб, ҳар ким от ўйнатиб чиқиб, қизининг қўлидан бир пиёла сув ичса, узугини олиб қайтиб тушса, шу одамга қизимни қирқ кечаю қирқ кундуз тўй-томоша қилиб бераман деб ваъда берибди. От минган ҳам, эшак минган ҳам, туя минган ҳам «чуҳ», деб шотига чиқиш учун ҳаракат қилди, ҳеч қайсиси чиқолмади — йиқилди, майиб бўлиб қайтиб кетди. Шундай томошаларни бизлар кўрдик ука!— дебди. Бу хабарни эшитган укаси:

— Эртага молни сизлар боқинглар, мен ҳам шаҳарга тушиб томоша кўриб келайин,— деса, акалари:

— Йўқ, сен кетсанг биз оч қоламиз,— деб унга жавоб беришмабди. Эртасига акалари яна ўша томошани кўргани кетишибди. Укаси кечгача молларни боқиб тўйғазиб, бир толнинг тагига тўплаб ётқизиб қўйибди. Оқ отнинг тутатқисини тутатибди. Осмондан ўша оқ от яроғ-аслаҳа, кийим-кечаги, сарпоси билан учиб тушибди. Подачи бола сарпони кийиб, яроғ-аслаҳани белига тақиб, отни миниб, подшонинг

ўрдасига кириб борибди. Бориб, шотига отини тўғри қилиб «чуҳ!» деган экан, от ўйнаб иккам қирқ поғонага чиқибди, отнинг бошини тортиб қайтиб тушибди. Пастда турган оломон «Эй бола, яна «чуҳ» дегин, «чуҳ» деса чиб кетар эди» деб қола беришибди. Бола қайтиб келиб молини ҳайдаб, боқиб юриверибди. Кечқурун акалари келиб болага:

— Бугун бир бўз отлиқ одам келиб шотига отни рўпара қилиб «чуҳ» деди. От иккам қирқ поғонага чиқди. Отнинг бошини қайтариб тушиб кетди,— деб укасига айтишибди. Укаси:

— Бугун менга жавоб берсаларинг, молни сизлар боқиб турсаларинг, мен ҳам томошани бир кўриб келсам,— деган экан, акаси:

— Эй ука, сен кетсанг, биз нима еймиз?— деб укасига жавоб бермабди. У кеча ўтибди, тонг отибди, акалари яна томоша учун шаҳарга кетибдилар. Бола молларни боқиб, тўйғизиб, толнинг тагига ётқизиб қўйибди. Бола саман отнинг тутатқисини олиб тутатибди. Шунда саман от яроғ-аслаҳалари, сарпоси билан осмондан тушибди. Бола сарпони кийибди, яроғ-аслаҳаларни белига тақибди. Отни миниб подшонинг ўрдасига кириб келибди. Одамлар кўрдик, бу от кечаги келган отдан қирқ чандон юқори. Бола шотига отни рўпара қилиб «чуҳ!» дебди. Бир кам қирқ поғонага от ўйнатиб чиқибди. Отнинг бошини тортиб кетига қайтарибди. От шотидан тушиб кетибди. Одамлар: «Номард экан, баччагар, «чуҳ» деса чиб кетар эди-я» дейишибди. Кун кеч бўлибди, халойиқ томоша тамом бўлди, деб уйига қайтиб кетибди. Акалари қайтиб бориб, укасига:

— Кечаги от бугунги келган отнинг ярим баробарича ҳам эмас, ўзи саман, «чуҳ» дейиши билан бир кам қирқ поғонага ўйнаб чиқди, агар яна бир «чуҳ» деса қирқ зинага бемалол чиқиб кетар эди, отнинг бошини тортиб, қайтиб тушиб кетди,— дейишибди. Шунда укаси:

— Бугун сизлар молни боқиб турсаларинг, мен ҳам бориб шу томошани бир кўриб келсам,— дебди. Шунда акалари:

— Сен кетсанг биз нима еймиз?— деб укасига жавоб беришмабди. У кеча бориб ётибдилар, тонг отибди. Акалари яна томошага қараб кетибди. Укаси молни боқиб тўйғизиб, тўплаб олиб келиб бир толнинг тагига ётқизибди. Учинчи кун қора отнинг тутатқисини тутатибди. Қора от осмондан яроғ-аслаҳалари, кийим-сарпоси билан тушиб келибди. Бола сарпони кийибди, яроғ-аслаҳаларни белига



тақибди. Отни миниб, подшонинг ўрдасига кириб келибди. Маъраканинг ичига кириб отини айлангириб ўйнатибди. Сўнгра отнинг бошини шотига рўпара қилиб «чуҳ!» дебди. От ўйнаб қирқ поғонага чиқиб, қизнинг тахтига етибди. Ўйигит отдан тушиб қизнинг қўлидан бир коса сув ичиб, унинг қўлидаги узугини олиб қайтиб тушибди. Бола ўз жойига қайтиб, отни қўйиб юбориб, ўз подасини боқиб юра берибди. Акалари қайтиб келиб подшонинг уйида тўй-томоша бўлгани, қанча от, эшак, туя, одам ўлгани ҳақида укасига бирма-бир баён этибдилар.

— Биринчи от иккинчисига қараганда ҳеч от эмас, аммо бугун учинчи бир от кириб келди. Ўрдада ўйин қилиб қирқ поғоналик шотига чиқди. Баҳодир ўйигит ҳам отдан тушиб, подшонинг қизи қўлидан бир коса сув ичиб, қўлидан узукни олиб тушиб кетди.

Укаси:

— Сизлар шунча яхши томошани кўрдинглар, менга ҳам бир кун жавоб берсаларинг мен ҳам шундай томошани бир кўриб келсам,— деганда, акалари тўй тамом бўлганини айтибдилар.

Уч ака-ука аввалгича молларни боқиб юраверибдилар. Кунларнинг бирида подшо юртга:

— Кимда-ким қизимнинг қўлидан сув ичган, узугини олган бўлса ўрдага келиб ўзини танитсин, тўйни бошлаймиз,— деб хабар берибди:

Подшо бир одамнинг қўлига обдаста ва чилопчин<sup>1</sup> бериб:— Ҳар ким қўлини ювса, қизимнинг қўлидан олган узукни кўрсангиз, менга маълумот берасиз,— дебди. Ҳар кун эл-юртни чақириб ош-нон тортиб, ўттиз кунгача ош бериб, одамларнинг қўлларига сув берибди. Ҳеч кимдан бу нишона узук чиқмабди. Подшо:

— Ҳеч одам қолмадими?— деб сўрабди. Вазир:

— Агарда қолган бўлса, қишлоқда мол боқиб юрган подачи қолгандир,— деб жавоб берибди. Подшо уларни ҳам айтириб келишга буюрибди. Бир вазир бориб уларни олиб келибди. Қўлига сув қуйиб қарасалар, ҳалиги подшонинг қизи қўлидаги узук шу боланинг қўлидан чиқибди. У ҳолда икки акаси:

— Қандай қилиб бизнинг укамизга бу узук тегиб қолибди,— деб ҳайрон бўлибдилар.

Бола отасининг гўртини уч кун пойлаганда бўлган сир-

<sup>1</sup> Чилопчин — ювинди сув турадиган идиш.

асрорни айтибди. Шунда акалари биз отамизнинг васиятини қулоғимизга олмадик, деб пушаймонлар қилиб, укасининг тўйини томоша қилибдилар.

Қирқ кун тўй-томоша қилиб, подшо қизни унга никоҳлаб берибди.

Орадан бир ой ўтибди. Подшо ўлибди. Унинг ўрнига куёвини юрт подшоҳи қилиб кўтарибдилар. Акалари укасининг бу давлатга эга бўлганини кўриб:

— Ҳар ким ота васиятини қулоғига олмаса ана шундай расвойи олам бўлиб, кўчада қолар экан,— деб афсусланибдилар. Кенжа ўғил мақсадига етибди.



## Сухроб билан Мизроб

Бор экан, йўқ экан, оч экан, тўқ экан, ўтган замонда Самарқанд шаҳарида Абдурахмон деган балиқчи яшаган экан. Унинг қиладиган касби ва тирикчилиги Зарафшон дарёсидан балиқ овлаб, Регистонга олиб келиб қовуриб сотиш экан.

Шаҳар ва атрофдан келган одамлар Абдурахмон балиқчи пиширган балиқдан бир марта еб, унга мижоз бўлиб қолишар ва ҳар вақт келиб, унинг балиғидан олиб еб, махтаб-махтаб, яна уйларига ҳам олиб жетар эканлар. Рамазон, катта ҳайит ва қурбон ҳайит кунлари одамлар унинг балиғига қатор туришиб навбат кутишар эканлар. Шаҳар катталари эса бир кун илгари ваъдалашиб қўйиб, одам юбориб қовурилган балиқдан олдириб кетар эканлар. «Нима учун Абдурахмон балиқчининг бозори чаққон экан?»—деб сўрасангиз, унинг сабаби шундай экан: Зарафшон дарёсидан «зогора», «лаққа» ва «ширмоҳи» каби балиқ турларини тугар, буларнинг гўшти ниҳоятда ширин бўлар экан. Балиқчи балиғини кунжут ёғига аста-секин якшилаб қовураар экан. Шундан сўнг, у қовурилган балиқлар ниҳоятда ширин бўлиб, харидорларни ўзига тортар экан.

Абдурахмон балиқчининг беш-олти боласи бўлиб, энг катта ўглининг номи Мизроб экан. У эски мактабда ўқиб эндигина Хўжа Ҳофиз китобини битириб Мирзо Бедил китобига ўтиш олдида турган экан. Бир кун Мизроб отасидан Мирзо Бедил китобини сотиб олиш ва қоида бўйича домласига сарпо ва бошқа харажатлар учун пул сўрабди.

Абдурахмон балиқчи эса, кунда топганини рўзгорига харжлаб, пул орттира олмай, эрта-индин деб, ўглининг ўқиш кунларини бекорга ўтказиб юборибди. Кунлардан бир куни балиқчи ўғлига:

— Бугун жума, вақтлироқ ётгин, ўғлим, эртага саҳарда уйғотаман, бирга балиқ овига борамиз. Бахтинга, тўрга нима илинса, ўша сеники бўлсин,— дебди. Мизроб кечқурун эртароқ ухлаш ҳаракатига тушибди. У ўрнига ётса, турли, ўй-хаёллар унга уйқу бермабди. Унинг хаёлида ота-бола ўн, йигирма, юз пудлик лаққабалиқларни тутиб дарёдан тортиб ололмаётгандай, балиқ тўрни йиртиб қочиб кетаётгандай туюлибди. «Юз пудлик лаққабалиқ тўрга тушиб қолса, уни қандай қилиб ушлаб олиб қолиш керак?— деган хаёллар унинг бошидан ўтаверибди. Мизробнинг уйқуси қочиб, ётиб-ётиб ухлаб қолибди.

Мизроб тушида кенг, хушманзара кўкаламзорда саёҳат қилиб юрган эмиш. У жойнинг бир томони тоғ, бир томони боғ кенг адир жойлар эмиш. Шу хушманзара жойларнинг ўртасидан катта дарё оқиб ўтган эмиш. Дарёнинг суви оппоқ нуқрадек тўлқинланиб, гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиб, оқиб турган эмиш. Баҳор ойлари, эрталаб осмон кўм-кўк, ҳаво соф, баланд тоғ орқасидан офтоб ўз нурларини сочиб кўринармиш. Тоғдаги ўтларнинг баргида марваридга ўхшаб шудринг томчилари ялтираб турар эмиш. Офтобнинг заррин нурлари бутун водийга ёйилган сари, чўлнинг баҳорий гўзал бир манзарага эга бўлибди. Кўки сариққа, қизили оққа ранг-баранг тус олиб Зарафшон дарёси мана мен, деб тўлқинланиб оқиб турган эмиш.

Дарёнинг чап томонида катта ва чиройли бир шаҳар кўринибди. У шаҳарнинг баланд кўк гумбазли мадрасалари, баланд миноралари, икки-уч қабатли иморатлари бор эмиш. Шаҳар кўчаларида оқтерак, мирзатерак, чинни қайрағочлар, мевали дарахтлар кўриниб турган эмиш. Шаҳар атрофи баланд девор билан ўралган эмиш. Орадан кўп вақт ўтмай Мизробнинг кўзи шаҳар дарвозасига тушибди. Ҳашаматли шаҳар дарвозаси очилибди. Унинг ичидан қирқ-эллик чамаси отлиқ қизлар чиқибди. Қизларнинг ёши ўн

етти-ўн саккиз ораларида, шоҳона кийим кийган, сочларини бошларига тугиб олиб, оқ рўмол ўраб юзларини бекитиб олганмишлар. Оқ рўмол устидан ҳаммалари оқ шоҳи рўмолчани дурра қилиб бошларини боғлаб олганмишлар. Ҳаммаларининг қўлида камонча, унга яраша ўқ, найза ва қалқон ушлагани ҳолда тўртта-тўртта бўлиб отларини чоптириб дарё бўйлаб саёҳат қилиб юрганмишлар.

Қизларнинг олдиларида оқ булутдек ёли, думи қалин, бошини баланд кўтариб ҳар томонга қараб кишнаб бораётган отда ўн саккиз ёшлардаги бир қиз ўтирган эмиш. У қизнинг оти қимматбаҳо тошлар билан безатилганмиш, ажойиб гўзал эгар-жабдуқлар отга мос тушганмиш. Қиз ўрта бўйли, тўладан келган, бугдой ранг, кўзлари қора, қора қош, бурни қалам билан тортгандек, лаблари қизил ҳақиқдек, тишлари дурдек, ўзи табассум қилиб тургандек эмиш. Лаби устида, бурни ёнида мошдек, каттароқ қора холи унинг ҳуснига ҳусн қўшар эмиш. Бу қиз шаҳарнинг маликаси, бутун жаҳонга Қўзижон бекам деган ном билан машҳур экан. Ўзи соҳибжамол, ақли, илми мамлакат аҳлига маълум экан. Қизлар шошмасдан от ўйнатиб дарё бўйида кўринган атрофи баланд девор билан ўралган «хон чарвоққа» қараб юрибдилар...

Дарёнинг нарёғида, адирлар устида Мизробга ўн саккиз ёшлар чамасида бир йигит кўринибди. У йигитнинг тагида қора тўриқ чиройли от ўйноқлаб олға қараб юрармиш. Йигит эса, отнинг жиловини маҳкам ушлаб якка қадам ташлашга мажбур қилармиш.

У йигит сипоҳиларча кийинган, эғнида совут-қалқонлар, бошида дубулға, қўлида ов яроқлари, эгар қошида арқон белида қилич ва бошқа анжомлари бор экан. У бораётган чўлнинг чап томонидан бир кийик пайдо бўлиб қолибди. Йигит унинг орқасидан қувиб кетибди. Бу ҳолдан хабар топган дарё бўйидаги қизлар чувиллашиб етиб келибдилар. Қизлар дарёнинг нариги бўйида турнадек бўлиб тизилиб, йигитнинг овчилик ҳунарини томоша қилибдилар. Йигит кийикни қочиргандан сўнг овни ўнг томонига ўтиб олиб кийикни қува кетибди. Кийик айёрлик қилиб гоҳо ўнг томонга, гоҳо чап томонга қочиб ўтар, баъзан орқада қолар, адирдан адирга ирғиб ўтармиш. Йигит кийикни кўздан узоқлаштирмасдан бир ўқ билан олдинги ўнг оёғига урибди, иккинчи ўқ билан чап оёғига урибди ва кейин найза билан санчиб кийикни ўлдириб, бошига кўтариб, қизлар олдига олиб келиб ташлабди. Маликага бир таъзим қилиб,

кейин отига миниб тоққа кетибди. Қиз йигитга ҳеч нарса дея олмабди. Бу воқеаларни ўз кўзи билан кўриб, кузатиб турган Мизроб мен ҳам дунёга келиб шундай ботир йигит бўлсам экан, деб орзу қилибди. Шу пайт отаси бирдан:

— Уғлим, Мизроб, тур! Тонг отди, кечга қолмай жўнайлик!— деб қичқарибди.

Мизроб уйғониб, туши эканига ишонгач, тургиси келмай, яна кўзини юмибди, чиройли манзарани, йигит ва қизларни кўрмоқчи бўлибди. Энди улар Мизробга кўринмабди. Шу пайт отаси:

— Мизроб!— деб яна бақарибди.

Мизроб ўрнидан турибди. Кийимларини кийиб отасининг хизматига тайёр бўлибди. Улар тўр, бир дона қоп, учтўрт газ чилвир, икки дона зоғора нонни рўмолчага ўраб, дарё бўйига етиб келибдилар. Бу ерда бир туп катта мажнунтол дарё сувига соя солиб турар экан. Шу жойда чуқур бир гирдоб бор экан. Ота-бола бу ерда, албатта катта-катта балиқлар бўлса керак, деб ўйлабдилар.

Тажрибакор балиқчи кўзи билан мўлжаллаб, тўрни ёйиб «Мана, бу ўғлим Мизробнинг бахти учун!» деб ташлабди. Мизроб ҳам отасига ёрдам қилиб турибди. Бироқ юраги дук-дук уриб, қанақа балиқ тушар экан, деб ҳовлиқиб кутар экан. Бир неча марта тўр солиб олибдилар. Ҳар сафар тўр бўш чиқармиш. Мизробнинг хафсаласи пир бўлибди: «Наҳотки, бугун менинг бахтимга бирорта балиқ тушмаса-я»,— деб кўнгли бузилиб, тарвузи қўлтигидан тушибди. Шунда отаси:

— Хафа бўлма, ўғлим, ҳимматингни баланд, феълингни кенг тут! Ҳали кўп балиқ ушлаймиз,— деб ўғлининг кўнглини кўтарибди. Балиқчи ўзини бепарво тутишга уринса-да, ич-ичидан хафа бўлиб, бугун овимизнинг барори бўлмаса, ишимиз чатоқ бўлади-ку,— деб ўйлар экан.

Ота-бола камарга охириги марта тўр ташлабдилар. Бу сафар тўр анча оғир кўчганга ўхшабди.

Ота тўрни торта бошлабди. Мизроб ҳам ёрдам қилибди. Балиқчи ўғлига маҳкам ушлаб туришни буюрибди. Тўрда бўйи икки газ келадиган, йўғон лаққабалиқ кўринибди. У тўрдан чиқиб кетаман, деб ўзини у ёққа-бу ёққа урар экан. Балиқчилар балиқни тўрга ўраб, устига миниб олишибди, отаси ўғлига қараб:

— Мен умримда бирор марта бундай катта балиқ овлаган эмас эдим. Мен қишлоққа бориб, битта болта топиб келай, балиқни майдалаб қопга солиб олиб кетамиз, эҳтиёт

бўлиб ўтиргин, ўғлим, тагин қочириб юборма,— деб таъкидлабди.

Отаси кетгандан кейин Мизроб балиқнинг кўзига қараб туриб, икки кўзининг ўртасида шохи борлигини кўрибди. Мизроб диққат қилиб назар солса, балиқнинг шохига:

«Хар нарса топсанг дарёга ташла, тангри хазинасидан яна сенга бераверади», деб ёзилган экан. Мизроб ана шу хатга амал қилиб: Энди мен буни қўйиб юборай, сўнгра менга яна бундан каттаси тушар, деб ўйлабди-да: «Эй жонивор, бор, сени озод қилдим,» деб балиқни дарёга қўйиб юборибди.

Бир оздан сўнг отаси югурганича болта кўтариб келибди, қараса балиқ йўқ. У:

— Қани, балиқ? — деб қичқирибди.

Мизроб бўлган воқеани отасига айтиб берибди. Сўзини тамоm қилмасданоқ, отасининг жаҳли чиқиб:

— Энди балиқнинг ўрнига сенинг ўзингни қовириб Регистонга олиб бориб сотмасам, номимни бошқа қўяман,— деб болтани кўтариб Мизробни қушлаб кетибди. Мизроб кўрқиб қочиб кетаверибди. Отаси қушлаб бораверибди. Ниҳоят балиқчи қувишдан чарчабди, кун ҳам кеч бўлибди.

— Хайр, ахир уйга бориб қоларсан-ку, шошмай тур! — деб отаси изига қайтибди. Мизроб бўлса, кўрққанидан ранги оқариб, жон ваҳимаси билан дарёнинг оқишига қараб кетаверибди. Йўлда ёввойи чўчқа, бўри, шақал ва бошқа йиртқич ҳайвонларнинг изи кўплаб учрабди. Кун ботишига яқин бола дарё бўйлаб кетаётган экан, олдидан «Ҳо, ҳо, ҳо!» деган овоз эшитилибди. Қараса, дарёнинг ўртасида бир йигит турган эмиш. У Мизробга:

— Жойингда туратур!— дебди.

Бола: Бу ким экан, яқин атрофда қишлоқ бўлмаса, бу одам қаердан келди экан, деб ҳайрон бўлиб тураверибди. Бола сувга бир шўнғиб чиқиб, Мизробнинг олдига келибди.

— Кимсан, қаёқдан келяпсан ва қаёққа боряпсан?— деб сўрабди йигитча.

Шунда Мизроб бошидан ўтган воқеаларнинг ҳаммасини унга бирма-бир айтиб берибди. У ҳозирча Самарқандга қайтмаслигини тушунтирибди. Бола:

— Ёшинг нечада?— деб сўрабди. Мизроб:

— Ун етти ёшдаман,— дебди. Йигитча:

— Менинг отим Сухроб, ёшим ўн саккизда. Мен сендан ниҳоят бир ёш катта эканман. Сен менга ука бўласан, ман ака бўламан. Мен ҳам сенга ўхшаб отам билан уришиб уйга

ҳозирча боқмайдеган бўлиб келганман. Агар хўп десанг, икковимиз ака-ука бўламиз. Шу бугундан бошлаб икковимиз топганимизни бирга баҳам кўрамиз. Меники-сеники дсмаймиз. Баб-баравар иш қиламиз. Сен менинг сўзимдан чиқмайсан, айтганимни қиласан, хўпми? Мана менинг шартим шу, маъқулами?— дебди Сухроб.

— Сенинг айтган шартларингни қабул қиламан, қўлимдан келганча, кучим етганича бажараман,— деб рози бўлибди Мизроб.

Иккала йигитча қучоқлашиб кўришибди-да, биродарларча бир-бирларининг қўлларини сиқишибди.

Сухроб билан Мизроб қўл ушлашиб дарёнинг оқишига қараб йўл олибдилар. Улар йўлда қишлоқ ва овулларда тўхтаб, икки-уч кундан ишлаб, кунларини ўтказа бошлабдилар. Бири ток кўмса, иккинчиси кетмон чопибди, шунинг эвазига ош-нон еб, қоринларини тўйгазиб яшай берибдилар, йўлларини яна давом қилдираверибдилар.

Бир куни Мизроб Сухробдан:

— Ака, биз қаяёққа кетаётормиз?— деб сўрабди. Акаси:

— Ё шаҳри азимга, ё Қўҳи баландга, қайси бири тўғри келса ўшанга борамиз,— деб жавоб берибди.

Шу юрганларича йигитлар бир ой йўл юрибдилар. Гоҳ юриб, гоҳ ишлаб, бир катта шаҳарга яқинлашибдилар. Дарёнинг ўн томонида хушманзарали кенг саҳро, кўм-кўк адирлар, унинг орқасидан баланд тоғлар одамнинг кўзига ниҳоятда чиройли кўриниб, кишининг баҳри-дилини очар ва кайфини чоғ қилар экан. Шундай поёни йўқ кенг ва текис саҳрода дарё суви барқ уриб кумушдек оқиб турса-да, у сувлардан ҳеч ким деҳқончилик ишида фойдалана олмас экан. Дарёнинг чап томонида Кўк гумбоз деган шаҳар бор экан. Дарё бўйидаги хон чарвоқни Мизроб тушида кўрган эди. Саҳро, дарёлар ҳам ўша тушида кўринганнинг худди ўзи эмиш. Улар кечки пайт шаҳар дарвозасидан кириб, энди бу кеча қаерда ётамиз деб, маслаҳатлашиб турганларида бир чол учрабди. Йигитлар у кишига салом берибдилар. Чол алик олиб:

— Болаларим, сизлар мусофирга ўхшайсизлар, қаерга кетяпсизлар?— деб сўрабди. Шунда Сухроб:

— Ҳа, биз мусофирмиз, иш қидириб келганмиз, ётоқ жой истаб юрибмиз,— дебди.

Чол болаларни ўз уйига таклиф қилибди. Улар чол кетидан уйига борибдилар. Чолнинг бир кампири бор экан. Чол кампирга:

— Кампир, кампир, мен сенга иккита неварра-меҳмон олиб келдим, кутиб ол, тездан чой қўй, нон ёп, болалар узоқ йўлдан келаётир,— деб ўзи ўтин ёриш пайига тушибди. Кампир бўлса, хурсанд бўлиб, болаларни уйга таклиф қилибди. Кампир уларни қоронғи уйга бошлаб кирибди. Бир йиртиқ кигиз тўшаб уларни ўтқизибди. Ўзи эса уй бурчагидаги ўчоққа қозон осиб икки дона қатирма пиширибди. Қоп-қора қумғонда чой қайнатибди. Кампир пахтадан пилта қилиб, қора чироққа зиғир ёғдан озгина қуйиб, ёқиб қўйибди. Шу чироқнинг ёруғида чой ичиб, нон еб, у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтиришибди.

Сухроб чолдан:

— Эй бобо, нима учун шаҳрингиз жимжит, одамлар мотам тутгандек кўринади? Халқ бошига қандай оғир мусибат тушган?— деб сўрабди. Шунда чол жавоб берибди:

— Подшоҳимизнинг биргина Қўзихон бекам исми соҳибжамол ақлли бир қизи бор эди. Шу қизни бундан уч кун илгари девлар олиб қочиб кетганлар. Подшо уч кундан бери бутун шаҳар, қишлоқларга жарчи қўйиб:

— Кимда-ким девларни ўлдириб қизимни қутқарса, ўшанга қизимни бераман ва ўрнимга подшо қиламан, деган. Бу хабарни эшитиб ҳеч ким, шу ишни мен бажараман,— деб чиқмади.

Сухроб шу ишни биз бажармаймизми дегандек Мизробга қараб қўйибди. Мизробнинг юраги шиг этиб кетибди. У ўз кўнглида ҳали акам шу вазифани ўз бўйнига олса керак, дебди. Шу кунни йигитлар чол-кампирнинг уйида ётиб қолибдилар. Эрта билан туриб, икки дона қатирма нон билан чой ичиб бўлганларидан сўнг, чол болаларга:

— Болаларим, сизлар мусофир экансизлар, бу бегона шаҳарда ўзларингизни қийнамасдан, ишларингиз битгунча, ҳеч тортинмай, ўз уйларингиздек келиб ётиб юринглар,— деб меҳрибончилик кўрсатибди.

Сухроб билан Мизроб чолнинг бу марҳаматидан ниҳоятда хурсанд бўлиб, раҳматлар айтиб:

— Шаҳарда ишласак келиб ётиб турармиз. Узоқроқ жойга кетиб қолиб келолмай қолсак, хавотир олманглар. Биз сизлардек меҳрибон, шафқатли ота-онамизни сира эрдан чиқармаймиз,— деб хайрлашиб чиқиб кетибдилар.

Сухроб укасини тўғри подшонинг аркига бошлаб борибди. Дарвозада турган амалдорларга учраб:

— Бизни подшонинг ҳузурига олиб кириб, арзимиз бор,— деб қўл қовуштириб тураверибди. Дарвозабон йи-



гитларни шоҳнинг ҳузурига бошлаб кирибди. Мизроб эса: «Акамнинг подшода нима иши бор экан, подшо ғамгин бўлса, тагин ғазаб билан иккимизни дорга буюрса-я»,— деб юраги така-пука бўлиб турибди. Сухроб аввал подшога қўл қовуштириб салом берибди. Подшонинг номи Хуррамшоҳ экан. Подшо олтин тахтада, заррин кийимлар кийиб, бошида тож, хушсурат бўлиб ўтирган экан. Унинг ранглари ғамгин, чеҳраси сўлуқ кўринар экан. Подшо:

— Келинг, йигитлар, хизмат?— деб сўрабди.

— Сиз жарчи қўйиб, халққа эълон қилган хизматингизни бизлар бажаргани келдик,— дебди Сухроб.

Подшо ўз амалдорларига қараб шундай дебди:

— Эй, давлатимнинг эгалари, ишонган саркардаларим тўрт кундан бери хонадонимизнинг гули, кўзимнинг оқу қораси, яккаю ягона қизим Қўзихон бекани девлар ўғирлаб кетишган. Хонадонимиз мотамхонага айланган. Мамлакатимиздан қизимни қутқариш учун битта ҳам мард топилмади. Мана бу олдимизда турган икки йигит Шоҳимардон камарини белларига боғлаб, шу хизматни бажариш учун отланиб турибдилар. Мен бу вазифани лашкарбоши паҳлавон Арслонбекдан кутган эдим, чунки отаси отамнинг, ўзи менинг туз-намагимни еган эди,— деб подшо паҳлавон Арслонбекка гапни тегизиб ўтибди. Подшо хазиначига:— Мана бу икки йигитга хазинадан хоҳлаганича кийим-кечак, қилич-қалқон беринглар ва ўзлари яхши отлардан танлаб олишсин! Паҳлавон Арслонбек икки юз лашкари билан буларни девлар мамлакатига кузатиб қўйсин!— дебди.

Арслонбек Сухроб билан Мизробга кўзини олайтириб қўйибди ва подшога қараб:

— Тақсир, шаҳар нотинч, мен бормасам ҳам бўлар эди,— деб ҳийла ишлатмоқчи бўлибди. Подшо унинг сўзини қабул қилмабди, боришга мажбур этибди. Подшо йигитларни икки юз лашкар билан ўзи шаҳардан чиқариб: «Оқ йўл бўлсин», деб кузатиб қолибди. Сухроб ўзига ярашадиган ҳарбий кийимни танлаб кийиб, белига тилла ғилофли қилични тақиб, саҳрода от ўйнатиб кетаётса, Мизроб орқасидан қараб, худди тушида кўрган, кийик овлаган йигитга ўхшатибди.

Мизробнинг ўзига ҳам ҳарбий кийим ниҳоятда ярашибди. Сухроб билан Мизроб лашкарнинг олдига тушиб чўлларни кезиб, адирлар ошиб, баланд тоғлар сари кетаверибдилар. Улар қирқ кечаю қирқ кундуз йўл юрибдилар. Арслонбек умрида лашкарлар билан бунчалик узоқ сафарни

кезмаган экан, ниҳоятда чарчабди, девлар маконига яқинлашганликларини билиб, қўрқиб, Қинғир тоғ тагида ётиб олибди ва йигитларга:

— Сизлар бориб девларни қаерда эканлигини аниқлаб келинглар, ундан кейин ҳаммамиз борамиз,— деб Сухроб билан Мизробни девлар макони сари юборибди.

Улар девлар маконига бостириб кирибдилар ва девлар билан қаттиқ жанг қилиб, девларни енгиб, Қўзихон бекани озод қилиб, олиб келибдилар. Арслонбек ҳам ўз лашкарлари билан шаҳарга қайтиб келибди. Қўзихон бекани беҳуш ҳолда подшога олиб келиб топқурибдилар. Шаҳар мотамдан шодлик тантанасига айланибди. Мадрасаларнинг пештоқларида, минораларнинг тепасида, аркнинг томида карнай-сурнай, ноғора, дўмбира овозлари янграбди. Аҳоли ўртасида катта хурсандчилик бўлибди. Подшо қирқ кеча, қирқ кундуз тўй эълон қилибди. Бутун халқни подшолик овқат ҳам ичимликлар билан таъмин қилибди. Бозор жойларда, кўчаларда чодирлар тикилиб, гузар ва маҳаллаларга қозонлар қурилибди. Ошхона, новвойхона, чойхоналарга одамлар лиқ тўлибди. Уйинчилар ўйнаган, созандалар музика чалган, ашулачи, масхарабозлар йиғинни қизитган, полвонлар курашган, чавандозлар улоқ чопган ва бошқа шунга ўхшаган маросимлар бошланиб кетибди. Кечалари машъала ёқилган, гулханлар ёнган, хуллас, базм, ўйин-томошалар давом этаверибди.

Малика эса ҳамон беҳуш экан, қизнинг атрофини ойиси, бувиси ҳам қирқ канизаклари ўраб олибдилар. Малика баъзан кўзини очса ҳам ҳеч гапирмас экан. Хуррамшоҳ мамлакатда бўлган бутун табиб, фолбин ва мулла-азайимхонларни саройига йиғиб, дори-дармон қилишни, қизнинг ҳушига келтиришни топширибди. Ҳеч бир одам журъат қилиб, бир нарсани қатъий айтолмас эмиш. «Қизига бирор шикаст бўлиб қолса, подшонинг газабига учраб қолмайлик, деб улар ўзларидан қўрқиб мулоҳаза қилар эканлар».

Подшо ўз саройига вазир, тўқсоба ва ҳамма амалдорларни чақиртириб келтирибди. Ўзи тилла тахт устида ўтирибди, паҳлавон Арслонбек лашкарбоши ҳам унинг ёнида ўтирибди. Арслонбекнинг гавдаси катта бўлгани учун тўрт кишининг жойини эгаллабди.

Подшо йиғилган амалдорларига қараб:

— Азиз дўстларим, қадрдонимиз, паҳлавон Арслонбек қаҳрамонлик кўрсатди. У девларни ер билан яксон қилиб, фарзандим Қўзихонни душман қўлидан қутқариб келди.

Мана шу қаҳрамонлик шарафига қадаҳ кўтаришларингизни сўрайман,— дебди. Ҳамма амалдорлар ўрнидан туриб: «Лашкарбошимиз омон бўлсин!» «Подшоҳимиз бахтига паҳлавонимиз минг йил умр кўрсин!» «Шерларнинг шери паҳлавонимиз Арслонбек узоқ умр кўрсинлар!» деб, зиёфатда бўлган амалдорларнинг ҳаммалари бир-бир ўринларидан туриб таъзим қилиб, Арслонбекни кўкларга кўтариб мақтаб, қадаҳ кўтарибдилар.

Бу хушомадгўйлик ва мақтанишни эшитган Арслонбек терисига сиймай, семириб, керилиб ўтирар экан. Шунда йиғилган халойиқ:

— Арслонбек девлар билан қандай уришганликлари ҳақида сўзлаб берсалар,— деб айтиб қолибди.

Подшо Арслонбекка сўзла деб, ишора қилибди.

— Мен,— деб сўз бошлабди Арслонбек,— икки юз нафар лашкар билан қирқ кечаю қирқ кундуз йўл босиб, чўллар, адирлар, баланд тоғлардан ошиб, жанубда энг баланд ҳисобланган Қинғир тоғ тагига етиб бордик. Уша кеча тоғ бағрида дам олдик, саҳар вақтида девларнинг гўлдир-гўлдир овозлари эшитилиб турар эди. Девларнинг маконига йўл топиш учун ўн нафар қўрқмас ботир йигитларимдан юбордим. Уша куни оқшомда кўп шовқин-суронлар, ваҳимали овозлар «Хо, хо, хоо», «хе, хе, хее» деб, уч юзга яқин дев мен юборган одамларни қувиб келдилар. Мен йигитларни отлантирдим ва девларга қарши ҳужум бошладим. Қиличбозлик қилиб уларни енгдим. Улар яёв эди, бизларга сакраб-сакраб тош отар эдилар. Мен ҳар қилич солганимда икки-учтасининг калласини узиб ташлар эдим. Йигитларим ҳам ўзимга ўхшаб, арслондек қиличбозлик қилиб уришар эди. Шундай қилиб, саҳар вақтигача уришиб девларга қирғин солдик. Девлардан қирқ-элликтаси тирик қолганда қоча бошлади. Биз уларнинг орқасидан қувлаб кетдик. Йўллари жуда ҳавfli экан. Девлар пастбаланд, қинғир-қийшиқ йўллардан сакраб ўтиб кетаверар эдилар. Бизлар бўлсак қийналиб, йиқилиб, юмалаб борар эдик. Шу алфозда девлар қўрғонига етдик. Тошқўрғон устида девлар қатор туриб олиб «Хо, хо, хоо» деб, қичқириб, бизга қараб тош отар эдилар. Мен бўлсам йигитларимдан юзтасини девларга қарши ўқ отишга қўйдим, қолган юзтаси билан дарвозага ҳужум қилдик. Қўрғон дарвозасини оёғим билан бир тепиб очиб юбордим. Қўрғоннинг ичида қаттиқ қонли жанг бўлди. Бир кеча-кундузда девларнинг ҳаммасини қириб юбордим.

Зиёфатда ўтирганлар: «Офарин, раҳмат бегим, қойил-миз!» дебдилар. Арслонбек сўзини давом эттирибди:

— Қўрғонда қирқта ҳужра бор экан, ҳар қайсисида тўрт-беш нафардан одам, эрлар, хотинлар, ёшлар, қарилар аралаш қамоқда экан. Мен уйларни очиб Қўзихон бекамни қидирдим. Уйдаги одамлар: «Мен ориқ, бу семиз» деб қичқирар эдилар. Уларнинг ҳаммасини озод қилиб юбордим. Қирқ биринчи уйни очиб кирдим. Уйнинг ўртасидаги устунга Қўзихон бека боғлаб қўйилган экан. Бориб қарасам, у ҳушидан кетган экан,— деб лашкарбоши сўзини тугатибди. Меҳмонлардан бири Арслонбекка:

— Сизга қўшилиб кетган икки ёш мусофир йигитнинг ҳоли нима бўлди? — дебди. Лашкарбоши ўзини мастликка солиб:

— У болаларми? Улар учунчи куни йўқолиб қолдилар,— дебди. Бу жавобдан айрим кишилар шубҳаланибдилар. Кўпчилиги:

— Офарин! Энди тўй муборак бўлсин?!— деб табрик-лабдилар. Подшо ҳам: «Бу тантанани Арслонбекнинг никоҳ тўйи деб хабар қилинсин», дебди:

Зиёфатдан сўнг Ҳуррамшоҳ қизи Қўзихон беканинг соғлигини билиш учун саройга борибди. Қиз ҳали ўзига келмаган, қуръачилар:

— Деволар қизни қўрқитиб юрагини қинидан чиқариб юборган экан,— дебдилар. Муллалар, азайимхонлар: «Қизнинг юрагини жойига киргизамиз»,— деб дуо ўқиб, куф суф қилиб, дам солиб ўтирибдилар. Жодугар лўлилар эса, ўзича:

— Бу қизга парилар асар қилган,—деб эски занг босган темир парчаси, синган игна олиб, қизнинг сочидан озгина қўшиб, оқ латтага ўраб, қора ип билан боғлаб «Париларнинг таъсирини шунга қўшиб бойладик» деб, тугунчани олиб бориб, боғнинг бир бурчагига кўмибдилар. Фолбинлар ҳам ўзича: «Бу қизга жин таъсир қилган», деб бир эчкини сўйиб, шўрвасини ичириб, бир уйнинг бурчагига парда тутиб, чилдирма чалиб, бир неча кампирларни қичқиртиб, оғизларидан кўпик сочиб, алланималарни ўқиб, париларни чақириб, жин ва ажиналарни қочирган бўлибдилар.

Бу билан ҳам Қўзихон бека тузалмабди. Бу ҳолни тугунган подшо саройидан ўн нафар чопарни Хоразмга, ўша замоннинг машҳур ҳақимларидан бўлган бир олимни тезда олиб келиш учун юборибди. Хоразмдан келган табиб

дори-дармон қилиб, Маликани тузатибди. У овқат еб, ётиб-турадиган бўлибди. Қўзихон бека карнай-сурнай овозини эшитиб, онасидан сабабини сўраган экан. У:

— Қизим, сени қутқариб келишгани учун отанг халққа тўй беряпти,— дебди. Қиз:

— Мани ким қутқарган экан?— дебди. Онаси:

— Сени девлар қўлидан қутқариб олган лашкарбоши, паҳлавон Арслонбек,— дебди.

— Йўқ,— дебди Қўзихон бека,— Арслонбек эмас, отамни чақиринг — дебди-да, қиз ҳушидан кетибди. Ҳақим ўша ерда экан, тезда етиб келиб тиббий ёрдам кўрсатибди. Подшо келиб унинг бош томонига ўтирганида, Қўзихон бека кўзини очиб отасига:

— Отажон, мени девнинг қўлидан Арслонбек қутқаргани йўқ, мени икки ёш йигит қутқарган. Уларнинг меҳнатини куйдириб ҳақиға жабр қилманг. Яхшилаб аниқланг, ота!— дебди. Подшо:

— Йўқ, қизим, биз бунга аниқлаймиз. Бу ҳақда бизлар Арслонбек оғзидан эшитдик. Унинг сўзига биз ишондик. Сени озод қилганларида беҳуш бўлгансан. Шунинг учун яхши билмайсан. Ҳозир сен касалсан, унча-мунча ишларга ақлинг ўтмайди. Тузалганидан сўнг, ўзинг ҳамма ишларга тушуниб қоларсан,— деб қизини тинчитибди.

Қўзихон бека:— Ота, сиз алданманг, одил подшосиз, ҳақни ноҳақ қилманг! У ёш йигит девнинг қўлидан мени қутқарган вақтида ақли-ҳушим жойида эди. Улар девларни ўлдирганларида қўрқиб кетиб ҳушимни йўқотибман. Шу сабабли ўша йигитларни топиб рози қилиш керак,— дебди. Подшо:

— Уларни ким билади, қаердан топса бўлади,— дебди.

— Уларни мен биламан, танийман,— дебди қизи.

— Сиз шаҳарга жарчи қўйинг, етти яшардан етмиш яшаргача арк олдидан ўтсин, мен болохонада ўтириб, одамларни назаримдан ўтказаман. Уша йигитлар ўтса, олма билан уриб маълум қиламан,— дебди.

Подшо рози бўлиб қизининг айтганини қилибди. Уч кундан сўнг шаҳар халқи арк дарвозаси олдидан ўта бошлабди. Бутун шаҳар халқи яхши кийимлар кийган ҳолда ўтаверишибди. Ҳар ким ҳам ўз ҳолича подшонинг қизига маъқул бўлишни орзу қилибди. Халқ ўтиб томом бўлибди. Қиз истаган йигитлар кўринмабди. Подшо:

— Қизим у ёш йигитлар сенинг қутулишинга аралашган эмаслар. Арслонбекдан бошқа одам шу оғир ишнинг

уддасидан чиқолмайди. Сен унга рози бўлишинг керак, — дебди.

— Йўқ, отажон ўша йигитларни топаман, Арслонбекка асло рози бўлмайман. Ўзимни ўзим ҳалок этаман, — дебди ва қора кўзларига жиққа ёш олибди. Подшо қизининг кўз ёшларига чидолмай:

— Бўлмаса нима қилиш керак? — дебди.

— Иккинчи марта жарчи чақиринг, ҳамма эркаклар, мусофир, меҳмон бўлсалар ҳам ўтсин денг! Кимда ким ўтмаса дорга осилади, моли-мулки подшоликка бўлади денг, — дебди қиз.

Энди икки калима сўзни Сухроб билан Мизробдан эшитинг: Аслида Арслонбекнинг подшо саройида махтаниб айтган сўзларини Сухроб билан Мизроб бажарган экан. Улар келиб Арслонбекка айтган эканлар. Ёш йигитлар Қўзихон бекамни қутқариб олиб келганда, қиз беҳуш экан. Арслонбек уларни кутиб олиб, қоринларини тўйғизибди, воқеаларни сўраб билиб олибди. Ўша кеча Қинғир тоғ бағрида йигитлар хотиржам ухлаб ётганларида фурсатдан фойдаланиб, ярим кечада Арслонбек ўрнидан туриб, Сухроб билан Мизробнинг қўл-оёқларини арқон билан боғлатиб лашкарлари билан қизни олиб қочган экан. Арслонбек:

— Бу баланд тоғ ва узоқ чўлларда нон, сув йўқ, булар очликдан ҳалок бўлиб, ўликларини зоғлар еб кетар, — деб ўйлаган экан.

Лашкарлар ичида Раҳимжон, Каримжон деган яхши одамлар бор экан. Улар: «Бу ёш йигитларга жабр бўлмасин, хизматга туҳматку, лашкарбоши Арслонбек ёмон одам», деб уларнинг қўл-оёқларини ечиб, нон, сув қўйиб, бизлар кетгандан сўнг, сизлар ҳам йўлга тушиб боравринглар; — деб жўнабдилар. Сухроб билан Мизроб бир неча кун тоғ ва чўлларда йўл юриб, ҳар хил гиёҳлардан овқатланиб зўрға шаҳарга етиб келибдилар. Улар тўғри отахонимиз, деб Зайниддин арабнинг ҳовлисиغا тушибдилар. Чол билан кампир уйда экан. Болаларни кўриб хурсанд бўлиб қарши олибдилар. Уларнинг олдига чой, нон қўйиб у ёқдан, бу ёқдан сўрашиб ўтиришибди. Йигитлар:

— Узоқ қишлоқларга бориб мардикорчилик қилиб келдик. Сизларни соғиндик, бир кўрайлик деб келдик. Шукур, соғ-саломат экансизлар, ниҳоятда хурсанд бўлдик, — дебдилар. Чол билан кампир шод бўлиб:

— Йўқлаб келганликларингиз учун раҳмат. Бир кўр-

ган таниш, икки кўрган қариндош, дебдилар. Бизларни ҳеч кимимиз йўқ. Сизлар болаларимиз бўп қоласизлар!— деб миннатдорчилик билдирибдилар.

Сухроб:

— Ота, аввал шаҳрингизга келганимизда ҳамма мотамда эди. Унинг сабабини сўраб билган эдик. Бугун эса, ҳамма ёқ тўй-томоша, бунинг сабаби нима?— дебди.

Шунда чол:

— Уша йўқолган подшонинг қизини Арслонбек лашкарбоши девларнинг қўлидан қутқазиб олиб келибди. Подшо шаҳарга қирқ кун тўй-томоша бераяпти, — дебди чол.

Сухроб Мизробга бир қараб қўйибди. Чол давом этибди: — Эртага халқнинг ҳаммаси арк олдидан ўтиши керак. Бизлар ҳам бориб ўтиб келишимиз керак, — дебди. Йигитлар на ҳа, на йўқ демабдилар.

Мизроб кўнглида: «Меҳнатни биз қилдик-ку, роҳатни кимсалар кўрар экан-да «сув келтирган хору зор, кўза синдирган азиз», деб шуни айтар эканлар-да», деб қўйибди. Йигитлар: — Ота, чарчаганмиз, ётайлик, эртага нима бўлишини худо билади, — дебдилар.

Эрта билан чол йигитларни уйғотибди. Кампир чой тайёрлабди.

— Тезроқ нонушта қилиб, подшо аркидан ўтиб келайлик, — дебди чол.

— Ўзингиз бориб ўтиб кела қолинг, ота! Бизлар бўлсак мусофир меҳмонмиз, бизлар бормасак ҳам бўлаверади, — дебди Сухроб.

— Йўқ, болаларим, бормасаларингиз бўлмайди. Мусофирми-мужобирми — барибир, ҳамманинг ўтиши шарт, бўлмаса дорга осиб ўлдиради ва бисотимизда бўлган бор-йўғимизни подшо олиб қўяди, — деб ота хафа бўлибди.

Шаҳар кўчаларига одам сигмас, ҳамма арк дарвозаси томон борар экан. Дарвозанинг икки томонидан подшо саркардалари, амалдорлари заррин бахмал, шоҳи тўнларда, белларида тилла, кумуш камарлар боғлаган, қиличлар тақилган, бошларига катта оқ салла ўралган ҳолда саф тортиб, интизом билан туришар экан. Арк дарвозаси устида Қўзихон бека ўз канизаклари билан юзларига парда тутиб ўтириб ёш йигитларни диққат билан кўздан ўтказар экан. Унинг олдида бир сават олма бор экан. Одамлар узоқдан аркни кўришлари билан маликанинг ҳуснини томоша қилиш учун икки кўзларини ундан узмас эканлар. Зайниддин араб

бобо олдин, унинг орқасидан икки мусофир йигит бирин-кетин юриб дарвозага яқин келибдилар. Шу вақт бехосдан бир олма келиб Сухробнинг елкасига тегибди. Орадан бир фурсат ўтмасдан, иккинчи олма Мизробнинг елкасига келиб тегибди. Бирдан шовқин-сурон билан карнай-сурнай, ногораларнинг овози оламни босибди. Шу пайт подшо амалдорларидан тўрт зўравони халқни ёриб ўтибдилар-да, тўғри келиб Сухроб билан Мизробни елкаларига кўтариб, қўлма-қўл аркка олиб чиқиб кетибдилар.

Одамлар эса, бир-бировига: «У йигитлар ким экан? Нима иш қилган эканлар? Улар бу ернинг одамларига ўхшамайдилар-ку», дер эмишлар. Шулар қаторида араб бобо ҳам шошиб қолибди. «Менинг болаларим, нима гуноҳ қилган эканлар?» деб, югурганича уйига келибди. У:

— Кампир, кампир, — дебди ҳовлиқиб, — болаларни кўтар-кўтар қилиб аркка олиб кетишди. Буларнинг бир балони бошлаб келганга ўхшайди. Борди-ю, уларнинг бизникига келиб-кешиб юрганини подшо билган бўлса, бизларни худо урди деявер, — дебди. Чол қўрққанидан дағдағ титраб, бир коса сувни тикка туриб, дам олмасдан ичиб юборибди. Кампир бўлса:

— Вой шўрим қурсин, шу юрганимизни ҳам худо кўп кўрибди-да, — деб тахта бўп қотиб қолибди.

Энди икки калима сўзни аркдан эшитинг:

Кўзихон беканинг фармонига мувофиқ, Сухроб билан Мизробни ҳаммомга олиб бориб ювинтирибдилар. Хазинадан шоҳона кийимлар олиб кийинтирибдилар. Ундан кейин бир ясатилган уйга олиб кирибдилар. Бу уйда подшо вазирлари ва амалдорлари билан ўтиришган экан. Булар орасида Арслонбек ҳам бор экан. Парда орқасида малика ўз канизаклари билан бирга ўтирган экан. Подшо йигитлардан воқеанинг тафсиллини сўрабди. Шунда Сухроб ўрнидан туриб сўз бошлабди:

— Шаҳардан чиқиб қирқ кунда Қинғир тоққа етиб бордик. У ерга девлар қалъаси яқин экан. Лашкарбоши бек акам ўз лашкарлари билан тоғда қолдилар. Биз иккимизни, «сизлар бориб хабар олиб келинглар» деб юбордилар. Йўли жуда оғир экан. Девлар уч юздан ортиқ экан. Иккимиз улар билан жанг қилиб барини қириб ташладик. Ҳужралардаги маҳбусларни озод қилдик. Бир эшикни очсам, уйнинг ўртасида бир қиз ўтирибди. Кўп йиғлаганидан кўзлари қизарган, қовоқлари шишган эди. Қиз менга кет, деб ишора қилди. Шунда мен: Мен Сух-



роб бўламан, сизни қутқаргани келдим. Қўрқманг!, — деб қизга яқин бордим. Қарасам, унинг ёнида бошини катта тошга қўйиб девларнинг саркардаси «Қахратон» номли дев маст уйқуда ётган экан. Бу бадбахт уришишдан қўрқиб бу ерга келиб, яшириниб ётган экан, деб ўйладим. Биз қидириб юрган малика Қўзихон бека шу киши бўлсалар керак, деб уни етаклаб, эшик олдига келтириб қўйдим-да, қўрқмасдан шу ерда тураверинг дедим. Бека менга:

— Девни ўлдирадиган бўлсангиз, ухлаган вақтида ўлдиринг? У уйғониб қолса, сизларни омон қўймайди, — деди. Ундан сўнг нима бўлганини ўзлари айтиб берсинлар,— деб қўл қовуштириб қараб тураверибди.

Қўзихон бека парда орқасида туриб, булбулигўёга ўхшаб, гапира кетибди:

— Йигит қиличининг учи билан девнинг оёғини қитиқлади. Дев ирғиб ўрнидан туриб, боши тагидаги тошни бунга отди. Бу йигит қиличини тошга тутди. Қилич сувни кесгандек тошни икки бўлиб ташлади. Тошдан чиққан ўт чақмоқ бериб девга тегди, «оҳ!» деб наъра тортиб, йиқилди. Уй ичи момақалди роқдек гулдуради. Ҳамма ёқни ваҳима босди. Дев жон талвасасида иккинчи марта ҳамла қилди. Бу йигит унинг қўлидан ушлаб бир тортган эди, унинг қўли таг-туғи билан узилиб чиқди. Бу йигит девнинг қўли билан калласига урган эди, дев, «воҳ» деб ерга йиқилди. У чопиб бориб қиличи билан девнинг бошини танасидан жудо қилди. Калла юмалаб-юмалаб «Ҳап саними, ҳап саними?» деб бир ғорга кириб кетди... Ундан кейин мен ҳушимдан кетиб қолибман. Нима бўлганини билмайман,— деб малика сўзини тугатибди. Шунда Мизроб:

— Мен бу қизни қаерда кўрган эканман, — деб тикилиб қарабди, қизнинг бурни ёнидаги холидан танибди. Мизроб тушида кўрган қиз шу подшонинг қизи — Қўзихон бека экан. «Бу қизни акам ўзига хотин қилиб олсалар керак. Еки менга берармиканлар?» деб кўнглидан ўтказибди. Энди Сухроб сўзини давом эттирибди:

— Қарасам, бекам ҳушидан кетган экан. Биз Мизроб билан иккимиз бекамни кўтариб Қинғир тоғнинг этагига келдик. Арслонбек бизларни яхши қарши олди. Қорни-мизни яхшилаб тўйғазди. Биз икки кунгача овқат емай, оч қолган эдик. Кейин бек бизлардан гап сўради. Биз бошимиздан ўтказган воқеаларни айтиб бердик. Кун кеч

бўлган эди. «Чарчагансизлар, ухланглар, эртага эрта билан йўлга чиқамиз» деб бек бизни ишонтирди.

Кечаси ётган жойимизда иккимизнинг оёқ-қўлимизни боғлаб кетибдилар. Лашкарлар орасида Раҳимжон билан Каримжон деган раҳмдил одамлар бор экан. Улар бошқаларнинг кўзини шамғалат қилиб туриб оёқ-қўлимизни бўшатиб кетишди. Шундай қилиб, биз ҳам ит ҳасратда етиб келдик. Сомон бозорда бир отахонимиз бор. Отлари Зайниддин араб. Уларнинг уйида ётиб юрардик. Шу бобо бизларни қўймасдан арк олдига олиб келди, мана бизнинг билганларимиз шу,— деб сўзини тамом қилибди ва подшога қараб таъзим қилиб, ўрнига бориб ўтирибди.

Қўзихон беканинг илтимосига кўра, Ҳуррамшоҳ подшоликни алдаб, Сухроб билан Мизробларни қилган хизматларига ҳиснат қилгани учун Арслонбекни икки юз лашкари билан қуролсизлантириб ўзини дорга осилсин!— деб фармон берибди.

Сухроб билан Мизробни вақтинча Қўзихон беканинг боғларида сақлабдилар.

Зайниддин араб билан кампирига подшоликдан бош-оёқ сарполар берилибди. Саройга йиғилган кишилар Сухроб билан Мизробнинг баҳодирларча қилган хизматларига офаринлар айтиб, қойил қолишибди, шунингдек, Қўзихон бекамнинг ҳам ақли-ҳуши, идрокига таҳсин, офаринлар айтиб подшонинг бу ҳақда чиқарган фармонига хурсанд бўлиб тарқалибдилар.

Ҳуррамшоҳ:

— Энди Қўзихон бекани кимга никоҳ қиламиз, — дебди. Шунда Мизроб:

— Бу вазифани ҳалол бажарган акам Сухроб номига никоҳ қилиш керак, — дебди.

Бу маслаҳат ҳаммага маъқул тушибди.

Бироқ Сухроб:

— Йўқ, менинг укам Мизробни бу вазифани бажаришда хизмати катта, лекин у ўзини хоксор қилиб кўрсатяпти. Бу йигитчанинг олижаноблигини ҳеч ким билмайди. Менинг Мизробдан катта қарзим бор, — дебди. Бу эшитган Мизроб ўзича: «Акамнинг менадан қандай қарзи бор экан? Девлар билан курашда ҳам ўзи иш кўрсатди-ку!» деб ўйлабди.— Шу сабабли никоҳни укам Мизроб номига бўлишини талаб қиламан, — дебди.

Малика ҳам ўзича: «Сухроб ботир йигит, қаҳрамон

девларни қаҳр-ғазаб билан ўлдирганида ундан қўрққан эдим. Сухробдан кўра Мизроб ҳам дуруст. Ўзи оддийгина, содда йигит, лекин қадди-қомати келишган, ниқоҳни шунинг номига қилсалар яхши бўлар эди» деб қўйибди.

Мизроб қизнинг саройига кириб чиқиб, хотин-қизлар билан аралашиб, гаплашиб юраверибди. Сухроб саройнинг ташқари ҳовлисида бир ўзи юраверибди. Бир кун Сухроб Мизробни чақириб:

— Мен сенга русхат бермагунимча, қиз билан гаплашма, яқинига йўлама, хўпми?— дебди ғазаб билан.

Мизроб:

— Хўп ака, — дебди. «Бунда бир гап бўлса керак» деб ўзича ўйлабди.

Орадан бир неча кун ўтгач, бир қоронғи тунда шаҳарнинг жануб томонидан қаттиқ бир бўрон турибди. Тошни тошга уриб, дарахтларни йиқитиб, қўрқинчли, ваҳимали товуш билан бир аждаҳо саройнинг баланд девори устига чиқиб олиб: «Сухроб!» деб қичқирибди. Унинг товушини бутун шаҳар халқи эшитибди. Ҳамма қўрқиб ҳаяжонга тушибди.

Сухроб эса, шамол кўтарилиши билан «ана келди!» деб қиличини қўлига ушлаб айвонга чиқибди, аждаҳо девор устида пайдо бўлиши билан душманни писанд қилмай: «Сухроб, мен бўламан, — деб баланд овоз билан бир наъра тортиб, қиличини орқасига тутиб, сакраб ҳовли ўртасига тушибди.

— Сен ким бўласан?— дебди Сухроб. Аждаҳо шу пайт оғзидан бир парча ўтни «пүф» этиб ташлабди. Ўт тушган жойда, босиб қўйилган бедалар куя бошлабди. Шамол ёнгинни кучайтириб юборибди. Ҳамма ўтни ўчириш учун отланибди. Сухроб аждаҳога қараб: «Сен ким бўласан, ҳар қанча ҳунаринг бўлса, менга кўрсатавер, лекин халқни овора қилма! Бир парча ўт ташлаганинг билан мени қўрқита олмайсан,— деб дўқ урибди. Аждаҳо эса:

— Мен Жайхун бўламан. Қахратон девларнинг шаҳзодаси ҳам саркардаси эди. Мен унинг синглиси бўламан, мен Кўҳиқофга кетган эдим. Сен менинг йўқлигимдан фойдаланиб қалъамизни вайрон қилиб акамни ҳийла-найранг билан ўлдирибсан. Энди мен сенинг минг жонингдан бир жонингни ҳам омон қўймайман. Қўзихон бека туфайли акамни ўлдириб, қалъамизни, элимизни қу-

ритибсан. Энди мен ҳам сени қуритиб, шаҳар халқи билан ёндириб, кулларингни кўкка сувураман, — дебди.

— Кўп вайсама, девордан ерга туш, ҳунар кўрсат!— дебди Сухроб. Аждаҳо ўзи чинордек, калласи минордек, кўзлари чақмоқдек ёниб, оғзини гордек очиб ерга тушибди-ю, Сухробни ютмоқчи бўлиб дамига тортибди.

Сухроб чаққонлик билан югурганича қиличини қўлига олиб кўндаланг тутиб Аждаҳо оғзидан кириб, икки бўлак қилиб думидан чиқибди. Жайҳун ўлиши билан, шамол, тўполон бўрон ҳам тинчиб ўт ҳам ўз-ўзидан ўчиб қолибди.

Шаҳарда хотиржамлик рўй берибди. Тўнг отиши билан тўй хурсандликлари давом эттирилибди. Ҳамма амалдорлар подшо саройидан хабар олиш учун келибдилар. Аждарнинг ўлигини кўриб ҳайрон қолибдилар. Подшо Сухробни қучоқлаб ўпибди. Халқ унга раҳматлар айтибди.

Тўйнинг охирги куни Арслонбекни зиндондан олиб чиқиб Регистонда дорга осибдилар. Шу маросимда ҳамма ништирок этибди, ноғоралар чалиб туришибди. Шу дағдаға билан фармон ижро этилибди. Арслонбекнинг ўлиги уч кун осифлиқ турибди.

Сухроб билан Мизроб подшодан кетишга рухсат сўрашибди. Подшо уларга:

— Менинг битта қизимдан бошқа болам йўқ. Сизлар қолинглар, битталаринг подшо, битталарнинг вазир бўлинглар, мамлакатни идора қилинглар,— дебди. Сухроб билан Мизроб:

— Мамлакатингиз, халқингиз девлар ва аждарлар зулмидан қутулиб энди тинчиди. Энди бизларга рухсат берсангиз. Бизлар ўз мамлакатимизга борайлик. Ота-онамизни кўриб, уларни ҳам хурсанд қилайлик. Керак бўлсак, яна хизматингизга тайёрмиз,— деб Сухроб туриб олибди.

Подшо ноилож кетишга рухсат берибди. «Қўзихон бека ҳамма мол-мулки, канизак ва хизматчилари билан йўлга тайёрлансин» деб фармон берибди подшо. Ўзидан ҳам икки юз туя, икки юз от, ўн минг қўй ва қора моллар карвон қилиб йўлга чиқсин,— деб буюрибди.

Уч кун тайёргарликдан сўнг, карвон йўлга чиқибди. Сухроб билан Мизроб Раҳимжон ва Каримжонларни ўзига йигит қилиб олган экан. Қўзихон бека ўз канизаклари билан капалак араваларга олди ва кетидан парда тutilган

ҳолда йўлга тушибди. Булар орасида Зайниддин араб билан кампир ҳам бор экан. Шаҳар халқи Хуррамшоҳ бутун саркардалари билан уларни шаҳар дарвозасидан чиқариб анча йўлгача кузатиб қўйибдилар.

Тилла, кумуш ва бошқа қимматбаҳо молларни икки юз туя ва икки юз отга ортиб борибди. Карвон саҳрода дарё бўйи юқорига қараб, кечалари машъал ёқиб, чўлда шовқин-сурон, тўполон билан кетаверибди.

Карвон ўттиз кунча йўл юриб Мизроб билан Сухроб учрашган жойга етиб борибди. Сухроб айтибди:

— Шу жойда биз бир-биримизни учратган эдик. Иккимиз шу жойда аҳди-паймон қилганмиз. Кел, ука шу ерда тўхтаб карвонга дам берайлик. Қўй сўйиб ўзимизча бир тўй қилайлик, — дебди Сухроб. Дарё бўйидагн тўқайзорда катта гулханлар ёқиб хурсандчилик қилибдилар.

Тунда Мизроб ўзича:

— Самарқандга ҳам яқинлашдик. Отам билан шаҳар оқсоқолига хабар юборсам, бизларга бир кенгроқ жой тайёрласа, ўзлари ҳам чиқиб обрў билан кутиб олсалар яхши бўлар эди. Шаҳарда бир оз дам олиб, кейин етти кун халққа тўй берсам,— деб ухлаб қолибди.

Иккинчи куни Сухроб ҳаммани бир жойга жамлабди:

— Биродарлар,— дебди у.— Биз ана шу жойда бир-биримиз билан топишганмиз. Бундан кейин ишлаб топганимизни баробар бўлиб оламиз деб, аҳд-паймон қилганмиз, шундайми ука?— дебди Мизроб.

— Ҳа, тўғри, — деб жавоб берибди Мизроб.

— Тўғри бўлса ўртада бўлган ҳамма нарсани тақсим қилайлик, — дебди Сухроб.

Бор нарсаларни ўртада тақсим қилишга киришибдилар.

— Юз туя сенга, юз туя менга, юзга от сенга, юзтаси менга, беш минг қўй менга, беш минг қўй сенга.

Мол-мулк шундай қилиб баб-баравар иккига бўлинибди. Аскарлар хизматчилар ва канизаклар ҳам тақсимдан қолмабди. Ўртада Қўзихон бека якка бўлиб қолибди.

Сухроб:

— Қизни ҳам иккига бўламиз! — дебди. Ҳамма ҳайрон бўлибди, ўртада жимжитлик ҳукм сурибди. Бир оздан сўнг Мизроб:

— Ака, бекамни ўзингиз билан бирга олиб кетинг!  
Мен мингдан-минг розиман,— дебди.

Сухроб:

— Йўқ, бўлмайди. Сен билан мен аҳду паймон қилганман, бузмагин,— дебди. — Бир майизни иккига бўлиб еймиз деганмиз. Шу сабабли бекамни иккига бўламиз. Яرمىсини сен оласан, ярмисини мен оламан,— дебди.

Ҳамма ҳайрон бўлиб қолибди. Сухробдан ҳамма қўриқиб турган экан, у Каримжон билан Раҳимжонга:

— Ёғочдан тўртта қозиқ қилинглар,— деб буюрибди.

Қозиқларни тайёрлаб ерга қоқибдилар. Бекамни фақатгина бир кўйлақда қолдирибдилар.

Қизнинг қўл-оёқларини чилвир билан бойлаб, қозиқларга маҳкам тортиб боғлабдилар. Ҳамма одамлар бу ҳолни кўриб, қизнинг ҳолига раҳми келиб, зор-зор йиғлашибди. Сухробга эса уларнинг оҳу воҳи кор қилмас эмиш. Қиз бўлса, рангидан қони қочиб, мурда бўлиб қолибди. Сухроб қиличини яланғочлаб қизнинг бош томонига ўтиб олиб унинг устига қилич солмоқчи бўлиб сиёсат қилибди. Ҳамма «вой» деб қичқириб юборибди. Қиз эса: «Оҳ» деб товуш чиқарибди. Шу пайт қизнинг оғзидан бир парча ўт тушибди. Сухроб югурганича бориб ўтти оёғи билан эзиб ташлабди. Мизробни чақириб:

— Қизнинг қўл оёғини ешинглар, чодирга ётқизиб овқат беринглар!— дебди Сухроб.

Сўнгра Мизробга қараб:

— Қиз билан гаплашмагин деганимнинг сабаби шу эди. Қаҳратон девдан қизнинг қорнида бола пайдо бўлган эди. У сени заҳарлаши мумкин эди. Энди қиз тоза бўлди. Эру хотин бўлиб, қўшақаринглар. Энди Мизробжон мендан рози бўлгин. Менга берган молу мулкиннинг ҳаммаси сенга насиб қилсин. Мен ўша сен яхшилик қилиб тўрдан озод қилган балиқ бўламан,— деб, шўлп этиб ўзини дарёга ташлаб, кўздан ғойиб бўлибди.

Мизроб Самарқандга келиб, шаҳар халқига тўй қилиб берибди. Бева-бечораларга, хайр-эҳсон қилиб, Зайниддин араб бобоси билан кампир онасини бир ҳовлига жойлаб, уларни хурсанд қилиб, доимо ҳолидан хабар олиб турибди.

Қўзихон бекани қайтадан никоҳ қилиб тўй-томоша билан хушвақт бўлиб, мурод-мақсадларига етибдилар.



## Сув қизи

Бор экан, йўқ экан, оч экан, тўқ экан, қарға қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан. Бурун замонда Бўстон шаҳрида Қаҳҳор деган бир подшо бор экан. Унинг Турсунбек деган ёлғиз ўғли бор экан. Қаҳҳор подшо ҳар сафар овга чиққанида бир дарёнинг бўйидан ўтар экан. Подшо бир куни шу дарёнинг бўйидан келаётса, чиройли бир қиз сувдан чиқиб, бир неча газ сочини ёйиб дарё сувидан ювиб ўтирганмиш. Подшо қизни кўриб яқинроқ келибди. Қиз подшони кўриб қочибди. Сувга тушиб ғойиб бўлибди. Қаҳҳор подшо қизни бир кўришидаёқ ошиқи-беқарор бўлиб қолибди. Лекин сувга тушининг иложи йўқ, дарди ичда, хафа бўлиб қайтиб кетибди. Уйдагиларга сездирмай бир неча йил шу қизнинг дардида куйиб юрибди.

Бир куни подшонинг ўғли Турсунбек отасидан:

— Отажон, мен энди катта бўлиб қолдим, сиз мени ҳалигача ҳеч қаёққа чиқармасдан уйда сақладингиз. Бугун сиз менга рухсат берсангиз, доно вазиригизнинг ўғли Ғайрат билан ов овлаб келсак,— дебди.

Қаҳҳор подшо ўғлининг гапини ерга ташламай:

— Майли, болам, Ғайрат билан икковингиз ов овлаб ўйнаб келинглар. Лекин узоқ жойларга кетманглар,— дебди.

Турсунбек билан Ғайрат жуда хурсанд бўлиб, яхши отларга миниб, милтиқларини олиб ов овлашга далаларга, ўрмонларга кетишибди. Булар кўп жойларни айланиб юриб отаси қизни кўрган дарёга яқинлашиб қолибдилар. Буларнинг келишига сув қизи олтин бешик билан чиқиб бешикни юланиб, йигитлар томонга қараб ўтирибди. Турсунбек билан Ғайрат қизнинг ёнига етиб келишга ўн қадам қолганда,

сув қизи олтин бешикни кўтариб, Турсунбекка қараб илжайиб қўйибди-да, ўзини сувга ташлаб ойиб бўлибди. Турсунбек бу қизни кўриб, қизга хуштор бўлибди ва нима қиларини билмай йиғлашга бошлабди. Вазирнинг ўғли жуда зийрак ҳам ақлли экан. Турсунбекнинг сув қизига ошиқ бўлганини сезиб унга:

— Шаҳзодам, йиғлашнинг фойдаси йўқ, бир илож қилиб шу қизни сув тагидан топиш керак,— дебди.

Турсунбекнинг гаплари жуда қўпол экан. У Ғайратга:

— Катта гапирма. Мен сув тагига тушиб ўлайми. Сенинг менда қасдинг борми?— дебди. Ғайрат:

— Дўстим, ундай фикрлар менда йўқ. Сиз хафа бўлиб йиғлаганингизга раҳмим келиб айтган эдим. Агар кўнглингизга оғир келадиган бўлса, майли юринг уйга кетайлик,— деб отланибди. Турсун отига минишни истамабди. Ғайратга қараб:

— Сен менга қараганда доно ҳам ақллисан. Энди менга бир йўл кўрсат, бўлмаса мен ўз-ўзимни ўлдираман,— дебди. Ғайрат:

— Мен сизга йўл-йўриқ кўрсатай десам, жаҳлингиз чиқадн,— дебди. Турсунбек:

— Хўп ўртоқ, у гапимни қайтариб олдим, энди нима қиламан, айт,— дебди.

Ғайрат отидан тушиб:

— Отларимизни бир ерга яшириб қўямиз, ундан кейин иккаламиз қўлларимизни маҳкам ушлаб ўзимизни сувга ташлаймиз. Бахтимиз бўлса сув қизини сув тагида топиб олармиз,— дебди. Турсунбек рози бўлибди. Иккови у ёқ-бу ёқларга юриб, дарё четидаги бир кампирнинг уйига бориб, отларини кампирга топшириб қўйиб, ўзлари дарё бўйига келишибди. Иккови қўлларини маҳкам ушлашиб ўзларини дарёга ташлабдилар. Иккаласи сувда оқиб-оқиб бир ерга бориб, сувнинг тагига тушиб кетишибди. Қарасалар сувнинг тагида бир уй бор экан. Булар секин бориб эшикни тақиллатишибди. Эшикдан бир кампир чиқиб:

— Нима гап, кимсизлар?— дебди.

— Бувижон, бизлар ёруғ дунёнинг одамлари эдик. Сувга тушиб ўйнаймиз деб, шу жойга келиб қолдик. Биз мусофирларни бир кеча уйингизда қўндирсангиз. Эртага йўлимизни топиб кетар эдик,— дебди.

Кампир:

— Ҳа майли, киринглар,— дебди.



Турсун билан Ғайрат кампирнинг уйига киришибди. Кампир буларга чой қайнатиб берибди. Кечаси ётиш учун жой солиб бериб:

— Бодаларим, кечалари эшикка чиқманглар. Бу ерларда жуда ёмон итлар бор. Бегона одамларни кўриб қолсалар талаб ўлдиради,— дебди. Турсун билан Ғайрат «хўп» деб, ётиб қолишибди. Кампир билан Турсун жуда қаттиқ ухлаб қолибди. Ғайрат булар ухлагандан кейин, секин ўрнидан туриб, ханжарни олиб уйдан кўчага чиқиб, айланиб юрибди. Кўчада ит деган нарса кўринмабди. Нарироқ борса бир тахт устида етти қават парданинг ичида бир одам ётгандек бўлибди. Ғайрат «қиз шу ерда ётган бўлса керак» деб ўйлаб, секин уйга қайтибди. Кампир Ғайратнинг кўчаларни қидириб келганини сезмай қолибди. Тонг отиб ўринларидан туришибди. Кампир сандал устига дастурхон ёзиб буларга чой берибди. Ғайрат чой ичиб ўтириб кампирдан:

— Кеча бизларга «ҳовлига чиқманглар, итлар бор» деган эдингиз, мен ярим кечада ҳамма ёқни айланиб келдим, ит деган нарса кўринмади. Нарироқ борсам етти қават парда ичида бир одам ётгандек кўринди, у ким,— дебди. Кампир:

— У мамлакатимиз подшосининг қизи бўлади. Шу қизнинг ҳусни-чиройлигига кўп одамлар девона бўлибди. Ана шу қиз тонг отмасдан бурун чиқиб бир пардасини кўтариб қўйса, тонг отиб, ҳамма ўз ишлари билан машғул бўлади,— дебди. Ғайрат:

— Сиз шу қизни танийсизми?— дебди. Кампир:

— Албатта танийман, мен у қизнинг дояси бўламан,— дебди. Ғайрат:

— Бугун сиз шу томонга борасизми?— дебди. Кампир:

— Бораман, нима ишингиз бор эди?— дебди. Ғайрат:

— Ҳеч ишимиз йўқ. Агарда борсангиз, шу қизга «кечагилар ўлмай қаердан келди экан» деб айтинг,— дебди. Кампир «хўп» деб, чойларини ичиб бўлиб, уйларини йиғиштириб, қизнинг ёнига кетибди. Бориб қиз билан кўришиб:

— Кечагилар ўлмай қаердан келди экан,— дебди. Қиз:

— Кечагилар келдими? Келса ажаб бўлибди,— деб кулибди. Кампирни меҳмон қилибди. Кампир уйига кетмоқчи бўлганда қиз кампирнинг қўлига битта пахта, битта кўмир бериб:

— Кечагиларга беринг,— дебди.

Кампир берган нарсаларни олиб йўлда кетаётиб «ўла-қолсин, менга ҳеч нарса гапирмасдан: «Мана шуларни кечагиларга беринг» деди. Мен аҳмоқ бўлиб, буни уларга олиб бориб берармидим», деб ерга ташлаб кетибди. Анча йўл юргандан кейин «Мен бу нарсаларни бекор ташладим, қайтиб олиб борайин, бунинг бир хосияти бордир» деб орқасига қайтиб пахта билан кўмирни ташлаган жойидан олиб уйига борибди. Пахта билан кўмирни Ғайратга бериб, ўзи «бозорга бориб келай-чи»— деб чиқиб кетибди. Ғайрат Турсунбекка:

— Бу пахта билан кўмирнинг хосиятини билдингизми?— дебди. Турсунбек:

— Қайдан билай, пахта пахтада, кўмир кўмирда,— дебди. Ғайрат:

— Пахта билан кўмирни биласан, аммо қиз нима учун пахта билан кўмирни бизга юборганини тушунмайсан. Сен эшит, мен айтиб берай: Мана бу пахтани юборгани кундузи ҳеч кимга кўринмангиз дегани, мана бу кўмир бўлса, кечаси менинг олдимга келингиз дегани,— деб Турсунбекка тушунтирибди. Турсунбек:

— Кечаси борганимизни кампир билиб қолса нима қиламиз,— дебди. Ғайрат:

— Ана шунинг учун кампирни ўлдириб юборишимиз керак,— дебди.

Иккови маслаҳатлашиб кампир ухлаб ётган вақтда кампирни ўлдириб, сандалнинг тагини чуқур қилиб кавлаб, шу жойга кампирни кўмиб қўйишибди. Ўзлари уйдан чиқиб, қиз ёнига кетишибди. Етти қават парда ёнига келганда Ғайрат Турсунбекни уйга киргизиб юбориб, ўзи сиртдан қоровул бўлиб турибди. Турсунбек қиз билан танишиб, қиз ёнида ўтириб қолибди. Тонг отганда Ғайрат Турсунбекни чақириб олиб кетибди. Шундай қилиб, Ғайрат бешолти кун Турсунбекни пойлаб юраверибди. Бир куни Ғайрат Турсунбекка:

— Уртоқ, энди қиз билан келишиб, шаҳримизга қайтиш керак. Бизнинг ота-оналаримиз ҳозир нима аҳволларда юрган экан. Бугун бартараф қилиш керак. Мен ҳам ҳар куни қоровул бўлиб уйқусизликдан чарчаб жуда озиб қолдим,— дебди. Турсунбек Ғайратдан бу сўзни эшитиб:

— Қоровул бўлганингни миннат қилма, бормаёй қўявер. Ўзимнинг оёғим бор, бориб келавераман,— деб Ғайратга қўпол муомала қилибди. Ғайрат:

— Хўп, жуда яхши, борақол,— деб Турсунбекни жў-

натиб, ўзи уйга кириб ҳузур қилиб ухлабди. Эртаси эрта билан туриб қараса, Турсунбек келмаган. Соат ўнгача кутибди қелмабди. Ғайрат: «Бугун тутилиб қолган бўлса керақ, бир бозорга чиқиб хангамаларни эшитиб келай»,— деб ўрнидан туриб, кампирлар кийимини кийиб, бозорга борибди. Бозордагиларнинг оғзидан: «Бугун подшоҳимизнинг қизи бир йигит билан тутилиб қолибди», деган сўзларни эшитибди. У хафа бўлиб уйга қайтибди. Ўзининг кийимларини ичидан кампирнинг кийимларини сиртдан кийиб, қўлига патнис ясаб кўтариб зиндон олдига борибди. Қоровуллар: «Кимсиз?» деб киргизмабдилар. Ғайрат кампир бўлиб:

— Вой, сизларга нима бўлди, мени танимай турибсизларми, мен подшо қизининг дояси бўламан,— дегандан кейин қоровуллар кампирни зиндонга киргизиб юборишибди. Ғайрат зиндонга кириб қараса, Турсунбек билан қиз бўйинларини қисиб, хафа бўлиб ўтиришибди. Ғайрат кириб, улар билан кўришиб, гаплашиб ўтирибди. Маслаҳат бўйича қизга кампирнинг кийимларини кийгизиб, паранжини ёпинтириб, қизни чиқариб юбориб, қиз ўрнига Ғайрат ўзи қолибди. Орадан бир-икки кун ўтгандан кейин подшо зиндондан қизи билан йигитни олиб келишга буйруқ берибди. Қоровуллар келиб қарасалар, қиз йўқ, икки йигит ўтирибди. Буларни чиқариб подшонинг олдига борибдилар. Подшо:

— Қиз қаерда?— дебди. Ғайрат: Подшоҳим бизнинг орамизда ҳеч қандай қиз йўқ. Биз ёруғ дунёнинг одамлари эдик. Ов овлаб чиқиб сувга тушиб кетдик. Қаерга боришимизни билмай парда четида ётиб қолган эдик, бизларни олиб бориб зиндонга қамаб қўйишди,— дебди. Подшо жаллодларни чақириб:

— Менинг қизимга ноҳақ тўхмат қилгани учун Ҳақим вазир билан Яҳё полвонни дорга осинглар,— деб буюрибди. Жаллодлар шу замон бу иккаласини дорга осиб ўлдирибдилар. Подшо Ғайрат билан Турсунбекнинг қўлига нома ёзиб бериб:

— Зериккунларингча бизнинг шаҳарда ўйнангиз, кулингиз. Қачон зерикканингизда менга айтинглар. Мен сизларни ўз шаҳарларингизга жўнатиб қўяман,— дебди.

Ғайрат билан Турсунбек ўлимдан қутулганларига минг шукур қилиб уйларига келишибди. Бир оз ухлаб дам олиб, жойларидан туриб ўтиришибди. Ғайрат:

— Турсун, ўртоқ, энди кечқурун борганинга қизга «кечаси биргалашиб қочайлик» деб айтгин дебди.

Турсун хўп дебди. Чойларини ичгандан кейин, кечаси Турсунбек билан Ғайрат яна қиз томонига кетишибди. Турсун қиз ёнига кириб, кечаси биргалашиб қочишни таклиф қилибди. Қиз ҳам рози бўлибди. Шу куни кечаси ўғирлиқча қочиб, кампирнинг уйига бориб дам олишибди. Сув устига чиқишибди, кейин отларига миниб ўз шаҳарларига қараб жўнашибди.

Энди гапни Турсунбек билан Ғайратнинг оталаридан эшитинг. Подшо болаларининг қаерга кетганини билмай, хафа бўлиб, кўп одамларни йиғиб, ҳар томонга қидиртириб юборибди. Юборган одамларига:

— Агар болаларимни топмасангиз, ҳаммангизни хотин-болаларингиз билан дорга остираман,— дебди.

Одамлар қўрққанларидан турли шаҳарларга, чўлу биёбонларга қидириб кетишибди. Одамлардан учтаси Ғайрат билан Турсунбекка учраб қолиб, уларни қидириб юрганликларини айтиб берибди.

Турсунбек:

— Сиз биздан олдин отамга бориб: «Ғайрат билан Турсунбек сув қизини олиб келаётибди» деб, хабар қилинглар,— дебди. Бу учови от чопиб, подшо олдига келишибди. Ўғли сув қизини олганлигини маълум қилибди.

Подшо сиртидан суюнган бўлиб қўйса ҳам, ичидан қандай бўлмасин ўғлини ўлдириб, қизни ўзи олишни ўйлаб қўйибди. Ҳеч кимга билдирмасдан бир уйни алоҳида ясаиб қўйибди. Ғайратнинг отаси бўлса суюнганидан ичига сизмай кетибди.

Йигитлар шаҳарга яқин келаётганда бир дарахт устида қарға уч мартаба «қағ, қағ, қағ» дебди. Қиз бу қарғанинг овозини эшитиб Турунбекка:

— Шу қарға нима деяпти, айтиб берсангиз шаҳрингизга бораман, айтмасангиз ўз шаҳримга қайтиб кетаман,— деб ерга тушиб ўтириб олибди. Турсунбек:

— Э-э, сиз қизиқ экансиз, қарға нима дер эди, қор ёғсин деб қор тилаб турибди-да,— дебди. Қиз:

— Йўқ, қор демайди, сизга керакли насиҳат қияпти,— дебди.

Турсунбек:

— У бир қуш-ку, одамзодга қандай насиҳат қилсин,— дебди.

Ғайрат жойидан туриб қизга:

— Турсун учун жавоб айтишга рухсат беринг,— дебди. Қиз:

— Айтинг,— дебди. Ғайрат:

— Қарғанинг биринчи «қағ» дегани: «Отаннинг фикри бузилди. Сени ўлдирмоқчи, бир уйга жиҳозлар қўйиб яса-тиб қўйибди» деяпти, иккинчи «қағ» дегани: «Сизга алоҳида гўштлиқ ош келтириб беради, у ошга заҳар солинган, вҳтиёт бўлинг! Ётганда безатилмаган ҳужрага кириб ётинг. Лекин унда ҳам бир аждаҳо бор, эҳтиёт бўлинг», деяпти. Учинчи қағиллаганида: «Отангиз сиз ўлгандан кейин қизни ўзи олмоқчи», деяпти,— дебди. Қиз:

— Тўғри,— дебди.

Турсунбек индамабди. Шу билан отларига миниб яна кетаверишибди. Шаҳарга яқинлашганларида подшо аскарлари билан кутиб олиб, ўғлини ясатилган, жиҳозланган уйга таклиф қилибди. Турсунбек эшикдан қадам босиб кирмоқчи бўлганда, Ғайрат Турсуннинг қўлидан тортиб: «Кирма!» деб ишора қилибди. Турсун:

— Ота, кейин кирарман,— деб уйга кирмабди. Бошқа ҳужрага кириб ўтиришибди. Икки идишда овқат келтириб, бирини Турсунбекка қўйибди. Турсунбек енгларини шимариб ошни емоқчи бўлган экан, Ғайрат яна қўлини тортиб қўйибди. Турсунбекнинг аччиғи келибди. Ғайрат ҳовлида юрган кучукни чақириб, Турсунбекнинг ошидан пича солиб берибди. Кучук ошни еб, шу замон ўлиб қолибди. Ғайрат:

— Кўрдингми, агарда еган бўлсанг сен ҳам шундай ўлиб қолар эдинг,— дебди.

Турсун ҳайрон бўлиб ошни емасдан: «Мен ҳам сизлар билан бирга ейман» деб Ғайрат билан бирга ей бошлабди. Овқатни еб бўлгандан кейин, кечгача ўйин-томоша қилиб ўтирибди. Ётар вақти етибди. Подшо ўғлини чақириб:

— Ўғлим, сен бугун мана бу уйда ётгин, хотининг онангнинг олдида ётсин. Эртага тўй-томоша бошлаб, сизларни никоҳлаймиз,— деб алоҳида бир уйга таклиф қилибди. Турсунбек:

— Мен хотиним билан маслаҳатлашай, рози бўлса шу уйда ётарман,— деб отасининг сўзини Ғайрат билан хотинига айтибди. Ғайратнинг аччиғи келиб:

— Қандай одамсан, ҳамма ишга тушуниб туриб қилман дейсан. Мумкин эмас. Учовимиз бирга аждаҳо бор уйда ётамиз,— дебди. Турсун отасига бориб:

— Хотиним унамайди. Биз мана шу ҳужрада ётамиз,— деб аждаҳо бор уйни кўрсатибди.

Отаси:

— Майли; ихтиёр сизда,— дебди.

Турсунбек билан қиз ухлаб қолибди. Ғайрат ухламасдан қиличини яланғочлаб аждаҳонинг чиқишини пойлаб ўтирибди. Ярим кечада сандиқдан катта бир аждаҳо чиқиб Турсунни ютмоқчи бўлиб борибди. Ғайрат шу заҳоти қиличи билан аждаҳони бурдалаб ташлабди. Аждаҳонинг қони сув қизининг юзига сачрабди. Ғайрат сачраган қон заҳри қизга зарар қилиб қўймасин, деб, қиз ёнига бориб қизнинг юзидаги қонни тили билан секин сўриб олиб турганида бирдан Турсунбек уйғониб қолиб:

— Ҳа, сен менинг хотинимни яхши кўрар экансан,— дебди. Ғайрат аждаҳо чиққанини, уни ўлдириб қони қизнинг юзига сачраганини айтса ҳам, Турсунбек Ғайратнинг гапига ишонмай хафа қилибди.

Ғайрат:

— Мен сенга қанча яхшилик қилдим, билмадинг. Менга туҳмат қилдинг. Сендек ўртоқдан кечдим, тош бўлиб қолай,— дебди. Шу замон Ғайрат тош бўлиб қолибди.

Сув қизи:

— Сиз яхшиликни билмас экансиз, қандай бўлса ҳам ўзига келтириш керак,— деб Турсунбекни жуда қаттиқ койибди. Турсунбек нима қиларини билмай:

— Мен бундай бўлишини билмадим, менга хиёнат қилади,— деб ўйлардим, сиз менга йўл кўрсатинг,— дебди. Сув қизи:

— Шу тошни қирқ кун чўл биёбонларда кўтариб юринг. Қирқинчи куни ўз аслига келади,— дебди. Турсунбек:

— Сиз қандай қиласиз, ёлғиз қоласиз,— дебди. Сув қизи:

— Мен шу уйда онангиз билан ўтираман, менинг учун ғам еманг,— дебди. Турсунбек сув қизи билан хайрлашиб тошни елкасига кўтариб қирқ кун дашт-биёбонларда кўтариб юрибди. Қирқинчи куни кечқурун бир чашма бўйида ўтирган экан. Хизр бобо келиб қолибди. Турсунбек жойидан туриб, салом берибди. Хизр саломига алик олиб:

— Ҳа болам, бу чўлу биёбонларда нима қилиб юрибсан?— дебди.


Турсунбек бўлган воқеанинг ҳаммасини гапириб берибди. Хизр:

— Қани, ўғлим, кўрай-чи,— дебди.

Турсунбек тошни кўрсатибди. Хизр ҳассаси билан тошни туртиб:

— Ҳай, ўғлим, тур, нима қилиб ётибсан,— дебди.

Шу замон Ғайрат бошини кўтариб, салом берибди. Хизр Ғайратнинг саломини олиб, ғойиб бўлибди. Турсунбек билан Ғайрат кучоқлашиб кўришиб бирга шаҳарга қайтиб келишибди. Эртаси подшонинг ёмон ниятларини халққа фош қилиб, отаси ўрнига ўзи подшо бўлибди. Ғайрат вазир бўлибди. Қирқ кеча, қирқ кундуз тўй-томоша қилиб сув қизини қайтадан никоҳлаб олиб, мурод-мақсадига етибди. Улар яхши турмуш қуриб қолибди, мен бўлсам болаларим йиғлаб қолмасин, деб тезда шаҳримга қайтиб келдим.



## Илмхон

Хоразм вилоятида Одилхон деган бир подшо бўлган экан. Унинг на ўғли, на қизи бўлмаган экан. Одилхон олти-миш ёшга кириб, фарзанди йўқлиги учун кўп оқу фиғонлар тортиб, худога нола қилар экан, авлиёларга бориб сажда қиларкан. Унинг кўп тонглари Шопир ва Полвон ота ҳужраларида ўтибди. Лекин бу авлиёлардан ҳам бир мадад топмабди. Йиғлай-йиғлай кўзлари ожиз бўлиб қолибди.

Кунларнинг бирида у бир авлиёнинг қабри ёнида тунабди. Шу кунни туш кўрибди. Тушида хотини Гулчиноройим қўлида олтин соққа ўйнаб турган эмиш. Подшо уйқусидан уйғониб, шу ерда ўтирган мужавилдан тушининг таъбирини сўрабди. Шунда у Одилхонга:

— Хотининг кучли, қувватли, молу мулкки, бахтли, саодатли бир ўғил туғиб беради,— дебди.

Подшо мужавилга олтинлар бериб, унинг дуосини олибди-да, хотини Гулчиноройим билан бирга бўлибди. Гапнинг қисқаси, подшонинг хотини Гулчиноройимнинг шу оқшом бўйида бўлиб, шоҳ кунларни шод-хуррамлик билан ўтказиберибди. Хотинларнинг бўйида бўлганини бошқоронғи бўлганидан билишар эканлар, лекин Гулчиноройим нимага

бошқоронғи бўлганини эрига айтишга уялибди. Подшо эса, хотинининг бўйида борини билмас ҳам экан. Кунлардан бирида Одилхон подшо Гулчиноройимдан:

— Мен кексайдим. Бефарзанд дунёдан ўтиб кетавераманми?— дебди.

Гулчиноройим кулиб, жавоб берибди:

— Улуғ шоҳ, ёстиқдошим, албатта фарзандли бўламыз, кўп ташвишланманг, худо берса кексаликда шод бўлармыз.

— Ундай бўлса мен эртага ҳалойиққа тўй берайин, ҳамма дўстлар шод бўлсин, душманлар куйиб ўлсин,— деб подшо уч кеча-кундуз тўй берибди. Тўйга йиғилган халойиқ подшога фарзанд тилаб, ҳаммалари дуо қилибдилар. Халқнинг дуосини олиб, Одилхон: «Кўпнинг тилаги келар, бирнинг тилаги бўлиб қолар», деб одиллик билан яна тахтда ўз ҳукмронлигини қилаверибди.

Эндиги гапни Гулчиноройимдан эшитинг:

Гулчиноройим ҳомиладор бўлганидан бери касал экан. У ўз дардини кимсага айтмай, зах ерга бағрини бериб ётаверар, нимага бошқоронғи бўлганини бирорта кишига ҳам айтмай, ҳаммадан сир тутар экан. Кунларнинг бирида бу хабар подшога етибди. У ҳам хотини билан бирга дард тортибди. Хотинидан:

— Нима учун сен менга ҳеч нима демайсан?— дебди.

— Нимасини айтай? Менинг аждар этига бошим қоронғи бўлган,— дебди хотини.

— Мени куч-қуввати йўқ, деб ўйладингми? Аждар эти керак бўлса, мана мен йўлга тушаман. Сенга албатта, топиб келиб бераман,— дебди Одилхон хотинига.

Гулчиноройим эрининг бу мардлигига офаринлар айтиб, шод бўлиб, озгина соғайибди ҳам. Шундай қилиб, подшо хотинига аждар этидан олиб келиб бериш учун йўлга чиқибди.

У бир неча кунгача Питнак қирини, Балиқчи чўлини Дарғон даштини, Дулдул ўтлаган тоғларни кезиб, аждар излабди. Ҳеч қаерда унга аждар учрамабди. Одилхон подшо Қорақум ва Қизилқум чўлларини кезибди. Кунлардан бир куни Қизилқумнинг ўрталарида бир нарсанинг пишқириб ётганини кўриб қолибди. Қараб томоша қилса, олти бошли аждар эмиш. Одилхон қўлига ханжарини олиб, аждарга яқин борибди. Аждар ҳам сезиб қолиб, ўзини Одилхонга отибди. Лекин Одилхон чап бериб қолибди. Шунда аждар иши ўнгидан келмаганини билиб, қоча бошлабди. Одилхон ҳам унинг изи билан бораверибди. Аждар бориб



Зимакон ғорига кириб кетибди, Одилхон ҳам унинг изидан ғорга кирибди. У кириши биланоқ аждар унга қараб ўзини отибди, Одилхон яна чап берибди. Шунда аждарнинг боши Зимакон ғорининг тошларига урилибди. Шундан фойдаланиб Одилхон подшо дарров аждарга ташланибди. У билан кўп олишибди, лекин ҳеч бири иккинчисини енга олмабди. Одилхон фарзанд доғига куйиб, хотинининг касали кўз олдига келиб, аждарга яна бир ҳамла қилган экан, аждарнинг бир бошини узибди. Иккинчи кун ҳам, учинчи кун ҳам шундай ўтаверибди. Лекин, қўйингки, бир ҳафта шундай уйқусиз жанг қилишибди. Аждарнинг олти бошини узганини ҳам хаёлига келтирмай, охири Одилхон подшо ҳушидан кетиб йиқилибди. Шу ётганича яна етти кун ётиб қолибди. Етти кундан кейин уйқусизлик тарқалибди ва ҳушига келиб у ёқ-бу ёқларига қараса, аждарнинг гавдалари билан бошлари бир-бирларидан узоқ-узоқда ётганмиш. Одилхон подшо севиниб катта бир тасмасини олиб келиб, ўзи хотинига қовуриб берибди. Гулчиноройим қувватланибди, шу билан қолган ой-кунларини яхши ўтказа берибди. Орадан тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат ўтибди. Гулчиноройим туғибди, лекин бир нарса туғибдики, у на одамга, на ҳайвонга ўхшармиш. Гулчиноройимнинг бу нарсадан ўзи ҳам қўрқиб, сесканиб кетибди. Доя хотин ерга тушган нарсани оёғи билан босиб ўлдирмоқчи бўлибди экан, Гулчиноройим ирғиб ўрнидан туриб, дояни итариб ташлабди-да, дарров ҳалиги нарсани олиб, бағрига босибди. Гулчиноройим бундай қараса, туғилган нарса олти бошли эмиш. Бу хабар подшога бориб етибди. Подшо элдан номус этиб, «энди менга тахт ҳам, бахт ҳам керак эмас»,—деб, элу юртни ташлаб кетиб қолибди. Одилхон юртдан чиқиб кетиб, бир кўлнинг канорасида шийпон қуриб, балиқчилик қилиб кун ўтказиб ётаверсин, гапни Гулчиноройим билан туғилган олти бошли аждардан эшитамиз.

Олти бошли аждар қиёфасидаги бола кунда бир қарич ўсаверибди. Гулчиноройим парвариш қила берибди. Кунлардан бир куни бола онасига:

— Онажон, мендан қўрқманг, мен ҳам сизларга ўхшаган хушсурат бир одам бўламан. Албатта, бахтли бўласиз,—дебди. Бу сирни онаси ҳам ҳеч кимсага билдирмай, боласининг одам қиёфасига киришини кўзлари зор бўлиб кутаверибди. Гулчиноройимнинг бир дарди шу эканки, эри келиб яна ҳукмронлик қилса, шу боласининг охирини кўрса. Шунинг учун ҳам егани ичига тушмай, ўйласа уйқуси

келмай, неча тонгни бедор ўтказиб, охири Одилхон подшони излаб, болани белига тасма қилиб боғлаб, йўлга тушибди.

Гулчиноройим йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Бир Азим дарё лабига борибди. Азим дарёнинг сувидан ўзи ичиб, боласига ҳам ичирган экан, бола шу замониёқ илон қиёфасидан бир хушсурат болага айланибдики, кўрганнинг ақли қочар эмиш. Она-бола шу ерда бир-бирларини қайта қучоқлаб, йиғлаб, шу куни кечаси билан бирга она-бола дарё бўйида қолишибдилар. Тонг отиб, қуёш чиқибди. Бола онасидан:

— Отам қани?— деб сўрабди.

— Отанг сен туғилган кунинг кетиб қолган, қаерга кетганини ҳеч ким билмайди. Мана биз ҳам отангни излаб йўлга чиққанмиз,— дебди Гулчиноройим болага.

Она-бола яна йўл юрибдилар, йўл юрсалар ҳам мўл юрибдилар, алқисса, бир кўлнинг канорасига етибдилар. Бу кўлнинг нариги канорасида Одилхон подшо балиқ тутиб ўтирган экан, подшо ўзининг хотинини узоқдан таниб, унинг билан бўй баробар йигит келаётганини кўриб, «ким экан бу йигит», деб қараб турибди. Шунда улар яқин келибдилар. Гулчиноройим подшога салом берган экан, подшо алик олиб, боланинг кимлигини сўрабди. Шунда бола отасига қараб:

Золимидинг, хон ота,  
Олимидинг, хон ота,  
На гуноҳ қилдим, мани,  
Ташлаб кетдинг, хон ота?— дебди.

Одилхон подшо нима дейишини билмай, анграйиб қолибди.

— Бу сизнинг бир ойлик ўғлингиз,— дебди Гулчиноройим Одилхонга.— Бир ойлик бола шунчалик бўлади-ми?— дебди подшо.

— Ўзидан сўранг, нима дер экан,— дебди Гулчиноройим.

Бола тилга кириб энди сўзламоқчи бўлган экан, унинг тили шу замониёқ боғланиб қолибди. Аста-секин бўйи ҳам, эни ҳам кичрая бериб, бир ойлик чақалоқ шаклига кирибди. Шунда Одилхон подшо ёқасини ушлаб: «Ё худо, қудратингми? Бу гуноҳимни кечир», деб хотини билан боласини бағрига босибди. Шу вақт ҳар тарафдан кимлардир кела бошлабдилар. Бу келганлар Сулаймон пайгамбар, Хў-

жайи Хизр, Бахт, Иқбол, Давлат, Қувват, Азроиллар экан. Лекин буларни боладан бошқа ҳеч ким билмас экан, Одилхон подшо уларни балиқчилар деб билиб, чартакка бошлаб борибди. Шу ерда тутган балиқларини уларга қовуриб бериб, меҳмон қилибди.

Болани эса аввал Сулаймон пайғамбар қўлига олиб:  
— Сеҳрли бўл, дўсти-ёрларга меҳрли бўл!— дебди. Сулаймон пайғамбар болани Хизр бувага берибди. У:

— Золим бўлма, олим бўл!— деб дуо қилибди.

Болани Бахт қўлига олибди:

— Бахтли бўл!— дебди.

Болани Иқбол қўлига олибди ва:— Ҳамма ерда ҳурмат топ!— дебди.

Болани Давлат қўлига олибди:

— Давлатли бўл!— дебди.

Болани Қувват қўлига олибди:

— Қувватли бўл!— дебди.

Болани Азроил қўлига олмоқчи бўлган экан, Сулаймон пайғамбар Азроилга қараб:

— Тақсир, сизга навбатни кейинроқ берармиз,— дебди.

Шунда Азроил ҳам:

— Мен орадан қолмайин,— деб болага:— Умринг узоқ бўлсин!— деб дуо қилибди.

Сулаймон пайғамбар айтибди:

— Тилинг уч ёшингда чиқсин, агар уч ёшинггача сўзласанг кўз тегиб қоласан,— деб, боланинг тилига муҳр босибди. Зиёфатларини еб, гурунгларни тугаллаб, кетиш олдида боланинг белига бири сеҳрли камар, бири сеҳрли қилич боғлабди. Айтибдилар:

— Агар дўстингга жабр этсанг, ёлғон сўзласанг, етимни ранжитсанг, душманингни аясанг давлатинг кетиб, камар белингдан тушиб, қилич қўлингдан учиб, бахтинг сендан юз ўгириб, ҳурматинг элда қолмайди ва Азроил шу куни жонингни олади,— дебдилар болага қараб.

Бу сирларни фақат бола билиб, боланинг отаси билан онаси сезмабдилар. Шу ерда Сулаймон пайғамбар болага Илмхон деб ном берибди. Ота-она ҳам бу номни қабул қилибдилар ва шод бўлиб уйларига қайтибдилар. Подшони ва унинг хотини, боласини Хоразм эли яхши кутиб олибди. Подшо уч кеча-кундуз халойиққа тўй берибди.

Алқисса, бола бир ёшида мардона кулибди, икки ёшида мардона юрибди, уч ёшида ширинсухан бўлибди, тўрт ёшида китоб-дафтар очиб кўрибди, беш ёшида қазма чакмон

кийибди, олти ёшида бир тугмадан илибди, етти ёшида суннат тўйи кўрибди, саккиз ёшида мулло бўлибди, тўққиз ёшида охун бўлибди, ўн ёшида кўп жўра топибди, ўн бирида ўқимаган китоби қолмабди, ўн икки ёшида дўстларига илм берибди. Бола ўн уч ёшида шикор этиб, ов овлабди, ўн тўрт ёшида бир туш кўриб, тушида бир подшонинг қизига ошиқ бўлибди. Шундай қилиб, бола ўн тўрт ёшида ошиқлик дарди билан бағрини ерга бериб ётаверибди. Шу ётганича ўттиз тўққиз кун ош-нонсиз ётибди. Қирқинчи куни боланинг отаси келиб хабар топса, ўғли ҳушсиз ётганмиш. Шунда Одилхон подшо ўғлидан ҳол сўрабди:

— Нима гап, ўғлим?

— Агар яна бир кун ётганимда қизнинг ўзи келар эди, ота. Энди уни ўзим излаб боришим керак,— дебди отасига Илмхон. Отаси боласининг олдига келганига пушаймон бўлиб:— бу ошиқлик ёмон нарса, ҳамманинг бошидан ўтар экан, менинг ҳам бошимдан ўтган,— деб боласидан узр сўрабди.

— Ота,— дебди Илмхон,— энди мен шу қизни излаб кетишим керак.

Одилхон подшо айтибди:

— Менга тожу тахт керак эмас. Мен ҳам сен билан бораман. Сен билан бу ишни бирга битказиб, кейин қайтиб келаман.

Бола рози бўлибди. Ота-бола йўлга тушибдилар. Булар кетаверсин. Гапни ўзга юрт подшосининг қизидан тингланг:

Подшонинг қизи бор экан. Унинг исми Қурвонжон экан. Қурвонжоннинг отаси жуда золим экан. Қурвонжоннинг ҳам икки опаси бор экан, бирининг исми Дармонжон, иккинчисининг исми Оймонжон экан. Подшонинг золимлигини билганлар подшонинг қизларига совчи бўлиб келмас эканлар ҳам, келадиган топилса ҳам бир балага учраб кетар экан. Қизлар эса: «Қачон бизларни отамиз эрга берар экан», деб юришар эканлар. Лекин ҳеч ердан одам чиқмагани учун учаласи ҳам доимо бошини ердан кўтармай, хафа юришар эканлар. Кунлардан бир куни Қурвонжон ухлаб туш кўрибди. Тушида бир йигитга учрабди. Йигит жуда хушсурат бўлиб, гоҳ йигит, гоҳ аждар қиёфасига кириб кетармиш. Қиз эса гоҳ қўрқармиш, гоҳ йигитнинг ҳуснидан кўзларини ололмай маҳлиё бўлармиш. Шунда бир оқсоқол учраб қизга айтибди:

— Қўрқма, бу йигит жуда ақлли, бахтли, илмли, қув-

ватли, давлатли ва шундай сеҳрли ҳам. Бу йигит сенинг бир куни бўлажак эринг бўлади,— деб қизни севинтирибди. Қиз йигитга савол берибди:

— Қачон кўришамиз?— деб. Йигит айтибди:

— Ё қирқ кунда, ё қирқ ойда, иккисидан бириси.

Қиз қирқ кун кутибди, дарақ бўлмабди. Энди қирқ ой кутар эканман,— деб ўттиз туққиз ой кутибди. Қирқинчи ойда подшонинг эшигини бир оқсоқол бува супуриб кетибди. Иккинчи кун яна супурибди, яна супураверибди, лекин бир куни подшо бу оқсоқолни тутиб, аввал икки қўлини кесиб юборибди. Шундай бўлса ҳам оқсоқол келиб оёғи билан супурибди. Подшонинг жаҳли чиқиб, энди бошини танидан олинг, деб фармон берибди. Бу оқсоқол Илмхоннинг отаси Одилхон подшо экан. Лекин Илмхоннинг бу гаплардан хабари йўқ экан. Одилхонни тутиб бошини кесиш учун подшонинг одамлари келгунча Илмхон отасини олиб кетиб, бирдан аждар суратига кирибди ва отасини ютиб қайтадан чиқарибди. Отасининг икки қўли ҳам соппа-соғ бўлибди. Илмхон энди отасига подшонинг олдига боришга ўзи рухсат берибди. Отаси яна борибди. Подшонинг бир доно вазири бор экан, подшога қараб:

— Улуғ шоҳ, бу оқсоқолнинг кеча икки қўлини кестирган эдингиз, қаранг-чи, икки қўли соппа-соғ, яна келиб эшикни супурмоқда, агар бир сири-сеҳри бўлмаса, ғазабингиздан кўрқар эди,— дебди.

Подшо Одилхонни олдига чақиртирибди.

— Мақсадингни айт,— дебди подшо ғзаб билан.

— Мақсадим ўғлимга қизингни олиб бериш,— дебди Одилхон.

— Қалинига кучинг етса олавер,— дебди подшо.

— Оғзингга сиғганини айтавер,— дебди Одилхон.

Шунда золим подшо қалин айтибди:

— Қирқ минг от эгари билан, қирқ минг туя ўтини билан, қирқ минг қўй-қўзиси билан, қирқ минг сигири ўжаги билан, қирқ минг қиз уст-боши билан, қирқ минг товуқ жўжаси билан...

Бу қалинни эшитиб Одилхон подшонинг оғзи очилиб қолибди ва ўз ичидан айтибди:

— Мен ҳам подшо бўлган эканман-ов, бундай беҳаёни умримда бир кўрдим, иккинчи кўрмагайман,— деб индамай чиқиб кетибди ва Илмхоннинг олдига келиб, подшонинг қалинларини ўғлига айтибди.

— Оз экан-ку,— дебди Илмхон.

Одилхон ўғлидан «оз экан» деган сўзни эшитиб, бунга ҳам ҳайрон бўлибди. Илмхон:

— Агар подшо шу билан рози бўлса, бу қалинни топиб келаман,— деб отини суриб кетибди. Бир майдонга бориб у ерда олти бошли илон — аждар қиёфасига кириб, бир тоғнинг ғорига йўл олибди. Илмхон шу ғорнинг ичида уч кун илм ўқиб, уч кун деганда сеҳрлар калитини очиб, подшонинг айтган ҳамма нарсаларини топиб, отаси тунаётган жойга келибди-да:

— Ота, қалин тэйёр, олиб бориб топширинг,— дебди.

Отаси ҳайрон бўлибди. Илмхон ҳам аждар суратига кириб, қалиннинг бошида ўтириб, отасининг ёнидаги от устида бораверибди. Буни кўрган подшонинг эси бошидан учибди. Юртимизни илон босди, деб ҳар томонга одамлар тумтарақай қочибди. Бу аждардан фақат Қурвонжонбика қочмай, қайта бора севинибди. Қурвонжонбиканинг опалари эса қўрқиб, илонни кўрмаймиз, деб уйларига кириб кетишибди. Бир вақт Илмхон қараса ҳамма ерни лашкар босиб, аждарга қарши келаётган эмиш. Илмхон лашкарларни ўлдиришга раҳми келиб, шу ондаёқ бир хушсурат йигит бўлибди. Қурвонжонбиканинг кўзи яна Илмхонга тушибди. Худди тушидаги воқеалар эмиш. Қурвонжонбика Илмхоннинг олдига пешвоз чиқиб, унинг бўйнига қўл солибди. Подшо тахт устидан тушмай, ташқари чиқишга қўрқиб, ичкаридан буйруқ бериб ётаверибди. Илмхон эса ҳамма аскарларни ўзига сеҳрлаб, ҳамма ерларни чаманзорга айлантириб, катта тўй бошлаб юборибди. Подшо бўлса, «менинг лашкарларим урушиб юргандир», деб хотиржам эмиш. Бир вақтлар подшо:— Ташқарида нима гап?— деб қараса, ҳамма томон лолазор, катта тўй бошланган эмиш. Буни кўрган подшо:

— Илон қаерга кетди?— деб сўрабди.

— Илонни куёвингиз ўлдирди,— дебди халойиқ:

Подшо куёвидан шод бўлибди. Подшо ҳали куёвини кўрмаган экан, куёв кўришга борибдилар. Подшо куёвнинг хушсуратлигини кўриб: «Бир эмас, уч қизимни ҳам берардим», дебди ўзича. Илмхон подшонинг келганини билиб, ўрнидан туриб таъзим этибди. Қурвонбиканинг опалари йигитни кўриб эс-хушлари бошидан учиб, қани энди бизларнинг ҳам шундай эримиз бўлса экан,— деб кўнглидан ўтказибдилар.

Шу ерда Қурвонжон қиз билан Илмхонга никоҳ ўқиб,

оқ фотиҳа берибдилар. Лекин катта қизлар жанжал кўтарибдилар. Улар отаси олдига бориб:

— Бизлар турганда кичик қизнинг эрга чиқишга нима ҳаққи бор? Бизларни никоҳлаб бериб, ундан кейин уни эрга бериш керак,— дебдилар.

Бу гап-сўзлардан Илмхон ҳам хабар топибди. Шунда Илмхон подшонинг олдига кириб, подшога маслаҳат берибди:

— Агар икки катта қизингиз эрга чиқмаса, бизларга ҳам тинчлик бермайди. Шунинг учун яна қирқ кун тўй бошлаб, икки кўшк устида икки қизингизни қўйиб, элга жар солдинг. Улар кимни ёқтирса шуларга беринг,— дебди. Подшо бу маслаҳатни жону дили билан қабул этиб, яна қирқ кун тўй бошлабди. Икки кўшк солдириб, ҳар қизини бир кўшкка миндирибди. Қизларнинг қўлларига олма берибдилар. Қизлар энди ўзларига куёв танлашга киришибдилар. Катта қизлар кичик сингилнинг куёви Илмхонни кўрганидан кейин, уларга ҳеч бир йигит ёқмабди. Улар Илмхонни икки мартаба олма билан урибдилар. Қурвонжонбика бўлса опаларининг ишларига кулибди. Катта қизлар яна отаси олдига бориб:

— Бизларга юртингнинг йигитлари ёқмайди, бизни Илмхонга берасан,— дебдилар. Илмхон айтибди:

— Мен бир қиз деб келганман, сизлар энди бошқа йигитга тегишларингиз керак,— дебди. Шунда қизлар:

— Сиз бизни кимга берсангиз, биз шу йигитга тега-миз,— дебдилар.

Илмхон ноилож элатга чиқиб, катта қизларга эр излабди. Шунда бир камбағални топибди, уни сеҳрлаб илм ўргатибди ва хушсурат бир йигитга айлантирибди. Катта опасини кўшкка чиқариб, йигитни кўшк остидан ўтказатган экан, катта — Дармонжонбика олма билан шу йигитни уриб, унга тегибди. Кейин иккинчи опасига куёв излаб, яна бир ғариб йигитни топибди. Уни ҳам сеҳрлаб илмла, ҳунарли қилибди. Бу йигит ҳам дунёда гўзал йигитлардан бири бўлибди. Кўшк тагидан ўтаётган экан, Оймонжонбика олма билан бу йигитни урибди. Бунинг ҳам тўйи бошланиб, уч опа-сингиллар куёвлик бўлибдилар. Шундай қилиб, Илмхон Қурвонжонбикани тўй-томоша билан ўз юртига олиб келибди ва эл-юртга яна тўй берибди. Одилхон подшо билан Гулчиноройим ўғлидан беҳад шод бўлиб, Одилхон подшо тахтини ўғли Илмхонга бериб, ҳам-малари мурод-мақсадларига етибдилар.



## Ғуломбачча

Бор эканда йўқ экан, қадим замонларда бир мамлакат бор экан. У мамлакатнинг қоидаси бўйича камбағаллар ўз болаларини сотар экан. Шу шаҳарда бир камбағал кампирнинг бир ўғли бор экан. Бу кампирнинг тирикчилиги танг бўлиб, шу бир болани боқишга ҳам ожиз экан. Ахири шу боласини бозорга олиб чиқишга мажбур бўлибди.

Подшоҳнинг ҳам бир қизи бор экан. У ҳам етти-саккиз ёшларига етганда, бир куни отасига:

— Эй отажон, менга бозордан бир қул сотиб олиб берсангиз, менга югурдаклик қилса,—дебди. Подшо хизматкорларини чақириб:

— Бозорга чиқиб бир яхши, ҳушсурат, боақл боладан топиб, сотиб олиб келинглар,—дебди. Хизматкорлар бозорга бориб айланиб юриб шу кампирнинг боласига кўзлари тушиб, бир-бирлари билан маслаҳатлашиб «подшо айтган бола шундан ортиқ бўлмас, шу болани савдо қилмайлик» дейишиб, болага харидор бўлибдилар. Кампирдан:

— Она, болангизнинг баҳосини айтинг?— дейишибди. Кампир боласига қараб ачиниб, хўрланиб, йиғламсираб:

— Минг тилла,—дебди, уларга кампирнинг ўғлини ночор сотаётгани таъсир қилиб, уч ҳисса пул беришибди. Кампирнинг қўлидан болани олиб, подшо ўрдасига қараб кетишибди. Кампир бечора шу турган жойида гуёки аэроил жонини олаётгандай бўлиб, беллари мункайиб, ёш ўрнига қонлар тўкиб, фалакнинг гардишига шикоятлар қилиб, ўтирганича бир неча соатлар ўтириб қолибди. Ахири ўзини устивор тутиб уйига келибди. Кампир бола-



сини йўқотган қўйдек юриш-туришларини билмасдан кунини ўтказиб юраверибди.

Кампир бу ерда тура берсин, икки калима сўзни подшо ўрдасидан эшитинг:

Ғуломбаччани подшо ўрдасига олиб боргандан кейин, подшо болани кўриб, хушнуд бўлибди. Қизи ҳам кўриб, ўзи истаганидек бола бўлганига суюнибди. Сўнгра подшо Ғуломбачча билан қизнинг икковини мактабга берибди. Бир неча йиллар мактабда ўқиб, уйда бир-бирларига хизмат қилиб, катта бўлган сари бир-бирларига муҳаббатлари орта бошлабди.

Подшонинг бир маслаҳатдон вазири бор экан. Унинг ҳам бир ўғли бор экан. Подшонинг маслаҳатларини шу вазир ҳал қилар экан. Вазир вақтни ғанимат топиб, подшонинг қизи билан ўз ўғли тўғрисида гап очиб, «қизингиз менинг ўғлимга лозим» деб қўяр экан. Хусусан подшонинг қизи билан Ғуломбаччанинг балоғатга етишиб, ҳуснларининг бир-биридан ортиқ бўлиб кетаётганини кўриб, «Ё дариг, аввалги ваъда подшонинг ёдидан чиқиб кетаётганга ўхшайди» деб қўяр экан. Бир қанча вақтлардан кейин, вазир ҳар куни ва ҳар соатда қиз билан Ғуломбаччанинг бирга юрганини кўриб, юраги эзилар экан. Бир куни вазир подшони уйига чақириб, зиёфат бериб шаробхўрлик қилишибди.

Вазир подшога:

— Сизнинг қизингиз билан менинг ўғлим бир йилда, бир ойда туғилган. Энди катта бўлиб қолишди. Икковимиз қуда бўлсак, менинг гапимни рад қилмасдан икковини топиштирсак,—дебди. Подшо ўйланиб гуриб бир вақтдан кейин бошини кўтариб вазирга қараб:

— Эй вазири доно, менинг ҳам ёшим кексайган вақтда кўрган биттагина қизим бор, уни ҳали ўқитаётибман, Лекин айтган гапингни қизим билан маслаҳатлашиб кўрамиз. Агар қизимнинг кўнглига тўғри келиб ўз ихтиёрича рози бўлса, у вақтда мен ҳеч нима дея олмайман,—дебди. Бир неча кунлар ўтгандан кейин подшо хотини олдига кириб, вазирнинг гапини айтибди:

— Вазир шундай маслаҳат қилаётибди. Мен гапирсам қизинг уялади. Сен гапиргин, қани нима дер экан,—дебди. Хотини қизнинг олдига кириб бўлган воқеани бир-бир баён қилибди. Қиз бирпас ўйланиб туриб:

— Эй онажон, биринчидан мен ҳали ёшман, иккинчидан ўқишда бўлсам, илм ўргана олмасдан фикрим бузи-

либ, ўрганган илларимни ҳам эсимдан чиқариб қўяман. Неча йиллар ўрганган илларим сувга оқиб кетади. Шунинг учун бир неча йил ўз ихтиёримга қўйсанглар,— дебди. Онаси подшо ёнига чиқиб қизининг гапларини бирма-бир айтиб берибди. Подшо ҳам қизининг фикрига қўшилиб, қизга раҳматлар айтибди. Вазирга ҳам қизининг ихтиёри ўзида эканлигини айтибди. Вазир дам урмасдан кетибди-ю, лекин бу гапни вақти-вақти билан подшонинг ёдига солиб турар экан. Кунлардан бир кун подшо билан вазирнинг гаплари Ғуломбаччанинг қулоғига чалинибди. Ғуломбачча мактабдаги болалардан эпчил, зийрак, фаросатли экан, шунинг учун ҳамма офаринлар айтар экан. Баъзилар:

«Подшо бир қулбаччани ўқитиб одам қилди» деса, баъзилари «подшо қизини ўшанга берадиганга ўхшайди» дер экан. Ғуломбачча ҳалиги гапларни эшитиб қиз билан маслаҳатлашибди. Қиз Ғуломбаччага:

— Эй дўстим — меҳрибоним, мен сени ёшлигимда сотиб олдим ва ўқитдим, ўзимдан зиёда тарбиялатдим, ҳар хил ҳунарлар ўргаттирдим. Ҳаттоки уруш асбобларини ҳам баъзи подшолар лашкаридан зиёдроқ ўргандинг. Мен сенинг билан бирга бўламан, ваъдамдан айнинаман,—деб тасалли берибди.

Бир неча кунлардан кейин вазир ҳалиги гапни подшога айтибди. Подшо қизининг олдига келиб:

— Эй қизим, вазир шу хусусда кўп гапиряпти. Яна нима дейсан?—дебди. Қиз:

— Эй ота, менга ким талаб бўлса, шу мамлакатдан чиқиб кетиб, сафардан қайтишда обрўманд, дунёдор бўлиб қайтиб келсин. Ўшандан кейин ихтиёримни ўша одамга бераман,—дебди. Бир куни вазир яна шу ҳақда гапирибди. Подшо қизининг гапини вазирга айтибди. Вазир ўйланиб, уйига қайтиб ўғли билан маслаҳат қилибди. Бу гаплар аркони давлатга эшитилибди. Лашкарбошининг ўғли ҳам бу қиздан умид қилар экан. Вазир билан лашкарбоши маслаҳатлашиб: «Қиз тўғри айтибди, бўлмаса мен совчи қўйсам сен хафа бўлар эдинг, сен совчи юборсанг мен хафа бўлар эдим, энди болаларнинг бахти. Подшо қизининг ақли расо экан дейишибди. Уйларига бориб, ўғилларини яхши кийинтириб, бир от, бир тарақн хуржун, хуржунга ҳар хил жавоҳирлардан тўлдириб беришиб, подшо ҳузурига олиб келишибди. Подшо буларни кўриб қизига хабар берибди. Қиз ҳам Ғуломбаччани ўша

йигитлардек кийинтириб, қўлига отасининг шамширини, ҳам бир узук берибди. Узук билан шамширни бир-бирига уриштириб «Ҳамма вақт мен сеники, сен меники. Бу ваъдадан сен ҳам чиқма, мен ҳам чиқмайман» деб қиз узукни ўзига олиб қолибди. Оқ фотиҳа бериб йигитни ташқарига чиқариб юборибди. Подшо учовини ҳам йўлга рост қилиб: «Эй ўғилларим, бу ажойиб бир бахт синашдир, бахтларинг очилсин» деб дуо қилиб йигитларни йўлга солибди. Учови «Ҳайё хув» деб йўлга равона бўлибдилар. Қанча кўлларни, қанча дарёларни, бир қанча тоғларни саёҳат қилиб, уч кундан кейин, уч йўлнинг бошига етишибдилар. Қайси бирига боришларини билмай, тўхтаб турганларида бир тошга ёзиб қўйилган хатни кўришибди. Хатда «биринчи йўл борса келар, иккинчиси борса келар ёки келмас, учинчиси борса келмас» деб ёзилган экан. Хатни ўқиганларидан кейин Ғулумбачча йигитларга:

— Эй биродарлар, шу борса келмас йўлга кетишга рухсат беринглар,—дебди. Икки йигит бир-бирига «эй оғайни, кўнгилдагидай бўлди-ку» деб Ғулумбаччага рухсат берибдилар. Ғулумбачча булар билан хайрлашиб, борса келмас йўлга кирибди. Шу кетганича йўл юриб, кечаси ҳам бошқа бир томонга тушмасдан кета берибди. Ахири оти чарчаб юришга ҳолати ҳам қолмабди. Отидан тушиб, отини етаклаб бир қанча йўл юргандан кейин бир хароба қишлоққа бориб қолибди. Қайси уйга бориб қараса ҳам, ҳеч жон зоти кўринмасмиш. Бир жойга борса, катта сув шалдираб оқиб турганмиш. Сувнинг ёнида тегирмон, пастлигида бир катта ҳовуз бормиш. Ғулумбачча тегирмонга кирибди. Қараса, тегирмоннинг ичида тегирмон тоши билан ғалладони турганмиш. Тегирмон тошига отини боғлаб, ўзи ғалладоннинг ичига кириб ётибди. Бир оздан кейин ҳалиги ҳовузнинг гирдига ҳар хил ваҳший ҳайвонлар йиғилишиб бир-бирлари билан олишиб, баъзилари бир-бирларини ейишиб, кейин яна ҳар томонга тарқалиб кетишибди. Ғулумбачча ғалладон ичида ётиб туш кўрибди. Тушида бир одам: «Эй йигит, шу қишлоқнинг нариги чеккасида бир тепалик бор. Шу тепаликда аждарнинг макони бор. Бу аждар кундузи ухлайди, кечаси чиқиб ҳамма қишлоқларни айланиб, нима тўғри келса тутиб ейди. Бу қишлоқнинг хароб бўлишига шу аждар сабабчи. Сен эртага ўрмонга бориб, бир қанча ёғочларни йиғиб, шу жар устига олиб чиқ. Худди шу аждар уясининг усти-

га кўмма қилиб ички томонини бир-бирига маташтириб қўй. Ёғочларнинг ҳар қайси учини ип билан боғла, ўртасига тош қўй. Илон чиқадиган вақтда ҳалиги ипларни бирданига кесиб юбор. Ёғочлар тегиб аждарнинг боши ярадор бўлади, ўлса ҳам ажаб эмас»,— дебди. Ғуломбачча уйғониб атрофига қараса олдида ҳеч ким йўқ, тонг отиб қолибди. Ғуломбачча жойидан туриб, отланиб оҳиста-оҳиста ҳалиги ўрмон томонга жўнабди, бориб етгандан кейин ўрмонга кирмасдан отининг оёғини боғлаб ўтлаш учун қўйиб юбориб, ўзи ётиб бирпас ухлабди. Урнидан туриб қараса жуда ваҳимали баланд кўкаламзор ўрмон, бир томонидан шамол чиққандай бўлибди. Шипириндилар, дарахт барглари худди ажинанинг гирвотидек бир ғордан чиқиб, яна бир ғор ичига кириб кетармиш. Яқинроқ бориб қараса, аждарҳонинг бурнидан чиққан нафаси экан. Шамол ҳатто ўзини ҳам олиб кетгудаймиш. Ғуломбачча шамолдан учиб кетмаслик учун ерга ётиб, дарахтларни ушлай-ушлай ўз йўлига қайтибди. Отининг ҳамма ёғини тиканли дарахтлар билан бекитибди. Ўзи бир дарахт устига чиқибди. Ундан иккинчи дарахтга сакраб, дарахтма-дарахт юриб ҳалиги ғорнинг орқасига ўтибди. Кундузи кўп дарахтларни кесиб тепанинг устига олиб чиқиб кўмма қилиб қўйибди. Дарахтларнинг учига ип боғлабди. Ўртасига тош қўйибди. Бир неча кун шу ишни қилгандан кейин тепанинг устига чиқиб аждарнинг чиқишини пойлаб ўтирибди. Қош қорайгач аждар пишқира-пишқира ўрмонни ларзага келтириб қичқириб чиқа бошлабди. Ғуломбачча ўқ-ёғини тайёрлаб туриб, аждарҳонинг кўзини кўзлаб чунон ўқ узибдики, аждарнинг кўзи кўр бўлиб, оғриғига чидамай тепага қараб ҳамла қилибди. Ғуломбачча вақтни ғанимат топиб ҳалиги ипларни дарҳол кесиб юборибди. Уртага қўйган тошлар бирин-кетин аждарнинг устига тушиб калласига, баданига урилиб, гўёки тепа йиқилгандай бўлиб босиб қолибди. Ғуломбачча аждарҳо устига йиқилган дарахтларга ўт қўйиб юборибди, Кўзи кўр, яраланган аждарҳо тўлғана-тўлғана оловда омихта бўлиб, ўз ёғи билан ўзи қовурилиб кетибди. Ғуломбачча ўз ишидан хурсанд бўлиб, бир жойга бориб ётиб ухлаб қолибди. Эрталаб туриб қарасаки, аждарнинг ярми куйиб, кул бўлиб кетибди. Бир чеккада калласи қолибди. Қариялардан «аждарҳонинг калла мағизи билан кўҳна касалларни даволаса, шифо топади» деган гапни эшитган экан. Шу гап кўнглига келиб, тезда шам-

ширини суғуриб олиб аждарҳонинг бошини ёриб калла мағзини бир шишага тўлдириб олибди. Аждарҳонинг уясига қараса беҳисоб дунё, мол турибди. Ғуломбачча «керак бўлиб қолар» деб горнинг оғзини маҳкамлаб беки-тиб қўйиб, қилган ишларидан кўнгли тўлиб, отига ми-ниб, «бир одамли жой топармиканман?» деб жўнаб ке-тибди. Бир қанча йўл юрганидан кейин бир баланд қир жойга етибди. Отини тўхтатиб атрофга қараб, узоқдан бир дарахтзорни кўрибди. Шу дарахтзорни кўзлаб бор-са, у ердаги одамлар Ғуломбаччани кутиб олиб, ҳол-аҳ-вол сўрашиб: «Эй, йигит, қайдан келасан, қаерга бора-сан? Одамзодмисан, ё паримисан? Бу тоғлардан одамзод ҳеч чиққан эмас. Сен қандай қилиб келдинг?» дейишиб-ди, Ғуломбачча бошидан ўтган воқеаларни айтибди. Ҳа-лиги кишилар подшонинг хабарчилари экан. Ғуломбачча-ни иззат-икромлар билан подшо олдига олиб борибдилар. Подшога ҳам бўлган воқеани айтиб беришибди; под-шо «Эй нодон бола, ўзинг кичкинагина бўлсанг ҳам бун-дай уйдирма гапларга уста экансан-да, ёлғон ҳам эви би-лан бўлади. Мен у жойга уч мартаба лашкар юборган эдим, қайтиб келмади. Сен бир ўзинг қандай ўтдинг?» дебди. Подшо ўз навкарларини чақириб:

— Бу бола шу ерда турсин, сизлар бир гуруҳ лашкар бўлиб шу жойга бориб ҳақиқий аҳволни билиб келинг-лар. Агар шу боланинг гапи ҳақ бўлса, кўнглимга келган ишни қиламан, агар ёлғон бўлса, бошини кесиб дорга тортаман. Ёлғончиларга ибрат бўлсин,—дебди. Лашкар-боши ўрнидан туриб, бир қанча лашкар тўплаб даҳияга қараб кетишибди. Даҳияга етгандан кейин оҳиста-оҳиста юриб бориб, аждар жасади ёнига боришибди. Аждарнинг куйгандан қолган ярим жасадини кўриб қайтиб келишиб-ди. Подшога аждар ўлганлиги рост эканлигидан хабар беришибди. Подшо Ғуломбаччадан хурсанд бўлиб қучоқ-лаб, «баракалла, сени ўстирган ота-онангга раҳмат» дебди. Ғуломбаччани шаҳар ўртасига олиб чиқиб устидан тилла, жавоҳирлар сочибди, шундан кейин ҳар бир шаҳар подшо-лари келиб, у подшонинг аждар кулфатидан қутулганли-гини муборақлабди. Бир куни муборақбодга келган бир подшо ўғлининг олти йилдан бери оғир касалга йўлиқиб қолганини гапириб ўтирганда, бу гапни Ғуломбачча эши-тиб: «Ўғлингизнинг касали қандай?» дебди. Подшо ўғли-нинг касалини баён қилиб берибди, Ғуломбачча:

— Агар отамиз, подшо ижозат берсалар, мен ўзим

бориб болани даволайман. Менинг ҳам табиблик ҳуна-  
рим бор,—дебди. Подшо боладан бу гапни эшитиб:

— Э подшоҳим, шу ўғлингизни менга қўшиб юборса-  
нгиз, кейин ўзим келтириб қўяман. Шояд шу боланинг қў-  
лидан шифо топиб яхши бўлса, ажаб эмас,— дебди.

Подшо Ғуломбаччага жавоб берибди. Меҳмон бўлиб  
келган подшо шаҳарига Ғуломбаччани олиб кетиб, ўз ўр-  
дасида иззат-икромлар билан бир неча кун зиёфат қилиб-  
ди. Кейин ўрдасига олиб кириб ўғлини кўрсатибди. Таш-  
қарига чиққандан кейин Ғуломбачча:

— Бугундан бошлаб ҳаммом қизитилсин. Эртага ўғ-  
лингизни ҳаммомга соламан. Иссиқ хонасига ётқизиб қўйиб  
ўткир дорилар билан даволайман. Агар яхши бўлса  
бахтингиз, ёмон бўлса мenden хафа бўлмайсиз,—дебди.  
Подшо рози бўлиб ҳаммомчиларга ҳаммомни қизитиш-  
га буюрибди. Эртаси йигитлари подшонинг ўғлини ҳам-  
момга олиб кириб иссиқ тошнинг устига чўзилтириб ёт-  
қизиб қўйишибди. Ҳаммом шунчалик иссиқ бўлибдики,  
шаҳзоданинг йигитлари чидай олмасдан қочиб чиқиб «Ғу-  
ломбачча табибмисан ёки одамкушмисан. Бу иссиққа  
одамзод дош бера олмайди. Шаҳзода ўлишга яқинлашди»  
дейишибди. Ғуломбачча ҳалиги аждарҳонинг миясини  
шаҳзоданинг баданларига суртиб, хизматкорларига уқал-  
латтирибди, «чалқараман, тўнкараман, ётқизиб олиш»  
қилдирибди. Шаҳзода тез орада ҳушига келиб, ўрнидан  
турибди. Уни ҳаммомдан бошқа уйга олиб чиқишибди.  
Подшо ўғлининг шифо топганидан хурсанд бўлиб, шаҳар  
ўртасига олиб бориб устидан тилла соча берибди. Ҳамма  
халқ Ғуломбаччанинг шаҳзодани даволаганига хурсанд  
бўлибди. Подшо ўғлининг яхши бўлганлигига тўю томо-  
шалар берибди. Ғуломбаччани ўз ўғлидек кўриб:

— Э ўғлим, нима муродинг бўлса тила, ҳеч уялма.  
Агар ўзимда бўлмаса сенинг учун гадолик қилурман, ис-  
тасанг, ўз ўрнимни ҳам берурман,—дебди.

Ғуломбачча ўрнидан туриб, таъзим-тавозе билан:

— Эй подшоим, подшолигингиз ўзингизга ва шаҳзода  
биродаримга насиб бўлсин. Менга оқ йўл берсангиз, шу  
кифоя. Лекин менга бир оз муҳлат билан ўз пулимга ўн  
минг туя, ўн минг қорамол ва бирқанча бева-бечора фу-  
қаронгиздан берсангиз,—дебди. Подшо:

— Эй, камҳиммат ўғлим, бу нарсалар сал нарсадир.  
Бу нарсалар учун оғзингни ҳам булғама. Бундан зиёдроқ  
нарса сўра,—дебди. Ғуломбачча:

— Мен бундан зиёд нарса тиламайман, берсангиз шу, бермасангиз оқ йўл сўрайман, кетаман,—дебди.

— Эй жоним, қачон десанг сенинг айтганингни берман,—деб Гуломбаччага ижозат берибди подшо. Гуломбачча подшодан ижозат олиб илгариги подшо олдига борибди. У подшодан ҳам ўз шаҳарига кетишга рухсат сўрабди. Подшо:

— Эй ўғлим, мендек отанг бўлса-ю, тагин қаерга борасан. Агар зериккан бўлсанг, шаҳарларни айланиб томоша қил,—дебди. Гуломбачча кўнмасдан:

— Ёр-дўстларимни соғиндим,—дебди. Подшо:

— Бўлмаса тила, тилагингни, ҳар ким тилаган нарсалардан бўлмасин,—дебди. Гуломбачча ўрнидан туриб, қўл қовуштириб:

— Агар ижозат бўлса, шу аждарҳони ўлдирган даҳия томондаги ўрмонлар, хароба қишлоқлар ҳамда ўша тепалик, жазирама чўл-биёбонларни менинг ихтиёримга берсангиз. Мен шу вайроналарни тиклаб, ўша ерлардан аждарҳо зулмидан қочиб кетган халқларни ўз жойларига қайтарсам, илгари қишлоқ бўлган жойларни обод шаҳарга айлантирсам,—дебди. Подшо:

— Эй ҳиммати паст ўғлим, дунёга келиб шу арзимаган нарса учун оғиз очдингми. Мен сенга подшолигимни берсам деб умид қилган эдим. Хайр майли, сенинг хоҳлаганинг бўлсин,—деб Гуломбачча номига шу жойларни ўтказиш учун аҳднома ёзиб муҳр босибди. Гуломбачча подшодан ижозат олиб бир неча кундан кейин касалдан тuzалган шаҳзоданинг отаси подшо олдига келиб, илгари ваъда қилган нарсаларни талаб қилибди. Подшо ўз одамларини кўчаларга чиқариб «кимки фалон даҳиядан қочган бўлса, камбағал, бибисот одамлар бўлса Гуломбачча билан борсин» деб жар чақиртирибди.

Гуломбачча камбағал-бечораларни йиғиб, туя ва қорамолларни олиб, подшонинг ижозати билан шу даҳияга жўнабди. Гуломбачча даҳияга боргандан кейин, аввал тепаликнинг гирдини подшо ўрдасидек баланд девор қилдирибди. Тартиби билан катта иморатлар қурдирибди. Камбағал-бечораларга тилла-жавоҳирлар, ейишларига овқат берибди. Яхши уйларга қўйибди. Халқ Гуломбаччани жуда севаркан, қарилар ўз фарзандидек, ёшлар эса ака-укаларидек кўрар экан. Шаҳарнинг ободончилиги кундан-кунга орта борибди. Бошқа шаҳарлардан наққошларни йиғиб келиб ҳар хил саройлар, боғлар, мактаблар,

ҳаммомлар барпо қилибдилар. Ҳар шаҳарлардан подшо-  
зодалар келиб шаҳарни томоша қилар эканлар.

Кунлардан бир куни икки киши Ғуломбачча олдига келиб иш талаб қилишибди. Ғуломбачча танигандай бў-  
либ разм солиб қараб турса, ҳалиги ўзи билан бирга йўл-  
га чиққан вазир ўғли билан лашкарбошининг ўғлига  
ўхшабди. Ғуломбачча ўзининг одамларини чақириб йигит-  
ларни ҳаммомга олиб бориб, яхши кийимлар кийгизиб кеч-  
қурун меҳмонхонага олиб бориб базм қилишга буюрибди.  
Ҳамма ишни Ғуломбачча айтганича қилишибди. Базм  
қизиган вақтда Ғуломбачча келибди. Бир оз ўтиргандан  
кейин йигитлардан:

— Эй дўстларим, сизлар қаердан бўласизлар?—дебди.  
Йигитлар ўзларининг уч киши бўлиб йўлга чиққанликларини,  
уч йўл учраб учови уч йўлга кетганликларини, булар  
яна иккови учрашиб қиморбозлик қилиб молу дунёдан  
айрилиб шаҳарма-шаҳар юриб, ахири шу шаҳарнинг  
ҳукмдори меҳрибон, халқпарвар деб эшитиб келганликла-  
рини бирма-бир гапириб беришибди. Ғуломбачча булар-  
нинг ўзи билан бирга йўлга чиққан йигитлар эканини  
аниқ билиб олибди, эртаси куни ўзини танитмасдан улар-  
ни яхши ишларга жойлаштириб, ўзи амалдорлардек юра  
берибди. Ғуломбачча уларни зиёфат қилиб турар экан.  
Бир куни базм вақтида Ғуломбачча йигитлардан:

— Сизларни уйлантириб қўйсам нима дейсизлар?—  
дебди. Йигитлар ўйланиб туриб, бир фурсатдан кейин бири  
ўрнидан туриб:

— Эй биродар, бунчалик меҳр-шафқат қилиб бизлар-  
дай мусофирнинг кўнглини олсангиз, албатта биз ҳам  
хурсанд бўламиз. Биз ҳозир ўз кийим-бошимизни ўзимиз  
ювиб, баъзи бир рўзгор ишларини ҳам ўзимиз қиламиз.  
Агар уйлантириб қўйсангиз бу қилган яхшилигингизни  
унутмаймиз,—дебди.

Ғуломбачча шу шаҳардаги қизлардан ўзлари хоҳлага-  
нини тўй-томоша қилиб олиб берибди. Булар шу шаҳарда  
бир неча йил яшаб иккитадан фарзанд кўрибдилар.

Бир куни булар бир жойда шаробхўрлик қилиб ўтир-  
ганда иккови бир-бири билан гаплашиб «бизнинг под-  
шоҳимиз кўп сахий киши, нимаики сўрасак беради. Бир  
неча туя билан бир қанча дунё берсангиз. Биз аслида  
савдогармиз, савдогарчиликни пухта биламиз. Шаҳарма-  
шаҳар юриб берган нарсаларингизни зиёдроқ қилиб ке-  
лармиз. Ҳам ўша шаҳарлардаги ҳунарманд, камбағал ки-



шиларни олдириб келамиз десак, унинг берган молларини олиб, хотин бола-чақаларимизни ташлаб ота ватанимизга қайтиб кетсак, бизларни қаердан топади, гардимизни ҳам топа олмайди», дейишиб маслаҳатлашишибди.

Бир куни иккови Ғуломбачча олдига келиб маслаҳатлашган нарсаларини сўрабди. Ғуломбачча:

— Бу фикрларинг жуда яхши, хоҳлаганларингча молдунё бераман, лекин менинг бир шартим бор. Бўйниларингга олсанглар. Шартим шундан иборатки, думбаларингга муҳр босаман. Сиз шунга рози бўлсангиз мен ҳам розиман,—дебди. Йигитлар бир-бирларига қарашиб, ўйланиб туриб ўзаро «Бизнинг шаҳримиз жуда узоқ сафарлик йўл. Қанча дарёлар, жазирама тоғлар, ўтиб бориш керак. Шунча узоқ жойга қандай топиб боради» дейишиб рози бўлишибди. Ғуломбачча муҳрни оловга қизитиб икковининг ҳам думбасига босибди. Эртаси буларга бир қанча туяларда зари-зевар, истаганларича тилла-танга берибди. Ғуломбачча билан хайрлашиб кетишибди. Улар ўз шаҳарларига етибдилар. Ойдан ой ўтиб, кундан кун ўтиб бир кечаси Ғуломбачча тушида подшонинг қизини кўрибди. Қиз Ғуломбаччага қараб:

«Оташинлик вақтида алваъдаин деган гаплар бор. Ваъдага вафо қилмадинг-ку» деб ғойиб бўлибди. Ғуломбачча чўчиб уйғониб қараса, ёнида ҳеч ким йўқ, азон вақти бўлибди. Жойидан туриб, халқларни йиғиб:

— Менинг ота-онам, эли-хешларим бор эди. Шуларни бориб кўриб, саёҳат қилиб қайтсам, нима дейсизлар?—деб маслаҳат қилибди. Шаҳар халқи рози бўлишибди. Ғуломбачча шаҳар халқига:

— Булғордан бир баланд қўрғон ясанглар. Бир жойдан бир жойга кўчиб юрганда йиғиб олиб кетадиган бўлсин. Ҳовузлари раста-руста боғлар, бозорлар, ҳаммомлар ҳаммаси булғордан бўлсин. Қачонки бир жойга бориб тушиб кўндирсак, бир шаҳри азим бўлсин,—деб амр қилибди. Усталар худди айтганидек ва ундан ҳам зиёдроқ қилиб тайёр қилишибди. Ғуломбачча шаҳар халқининг ярмини ўзи билан олиб, қўрғонни ҳам молу дунёни туяларга юклаб, шаҳарда қолган одамлар билан хайрлашиб жўнабди. Йўл юрибдилар, йўл юрсалар ҳам мўл юришибдилар, сувсиз чўл юрибдилар. Қиссани кўтоҳ қилайлик, бир куни кечаси текислик жойни мўлжаллаб тушиб қарасалар, ўз шаҳрига яқин келиб қолишибди. Ғуломбачча хизматкорларига:

— Эй биродарлар, шу кечаси тонг отгунча қўрғонни ва раста-русталарни, ҳовуз, ҳаммомларни, рост кўча ва паст кўчаларни барпо қилинглари. Кўрган одамлар ҳайрон қолсин. Гўёки осмондан тушган деб билсинлар,—дебди. Хизматкорлар то эрта билангача айтганларидек шаҳарни тахт қилиб қўйишибди. Эрта билан шу шаҳар подшоси туриб атрофига қараса, икки томондан кун чиққандай бўлиб турибди. Уз-ўзича: «Во ажабо, бу нима сир экан. Тушимми-ўнгимми. Бир томондан чиққан ўзимизнинг кун, бу иккинчи томондагиси қандай шуъла экан», деб хизматкорларини чақириб, улар билан маслаҳатлашибди:

— Шу ишнинг ҳақиқатини билиб келинглари,—дебди. Хизматкорлар аста-секин бориб Булғор шаҳрига яқинлашиб қарасалар, бир шаҳри азим, растаю бозорлар, рост кўчаю паст кўчалар, қанча ҳовузлар сувга тўлиб турибди, бозорларда одамлар савдо-сотиклар қилиб юрибди. Булар ҳам қизиқиб, шаҳарга кириб, рост кўчаю паст кўчаларни томоша қилиб юриб, бир жойга бориб шоҳона иморатлар, баланд-баланд кўшкларни кўриб томоша қилишибди. Буларга ёш йигитлар учраб бир катта иморатга олиб кириб, олдиларига таомлар қўйиб зиёфат қилибдилар. Бир томонда созандалар, бир томонда ҳофизлар ҳофизлик қилиб турибди. Буларга инъом-эҳсонлар бериб, хўшлашиб, кузатиб қўйибдилар. Хизматкорлар подшо ҳузурига қайтиб, кўрган воқеаларини бир ҳиссага юз ҳисса қўшиб ҳикоя қилишибди. Подшо бу гапларни эшитгандан кейин қалам-сиёҳ олиб: «Эй подшо қаердан ва нима учун рухсат сўрамай келдинг? Шу нома боргандан кейин, бу ерга келганингнинг сабабини ва дўстмисен, душманмисен ҳаммасини аён-баён қилиб, уч кун ичида жавобини бер. Агар уч кун ичида жавобини бериб, келган йўлингга қайтмасанг уруш бошлайман, ўлган одамларнинг хунига зомин бўласан. Мақсадингни билдириб нома ёз» деб нома ёзиб муҳр босибди. Хатни бир вазирига бериб, аҳли донишманд ақибдорларни ҳамроҳ қилиб Булғор шаҳрига жўнатибди. Булар йўлда бора берсин, энди гапни Ғулумбаччадан эшитинг:

Ғулумбачча кўнглида «Подшонинг юборган хизматчиларини шаҳримни томоша қилдириб, зиёфат қилиб юбордим. Бизнинг шаҳримизда бўлган нарсалар унинг шаҳрида йўқ эди. Бу ердаги ажойиб ҳашаматли бинолар, боғлар, ҳовузларни хизматкорлар подшога бориб гапирганларидан кейин подшо албатта рашк қилиб бир шултур-

ни<sup>1</sup> бошласа ҳам ажаб эмас» деб йўлга бир қанча пойлоқчиларни қўйибди. Хизматчиларига:

— Подшо томонидан бир қанча аҳли сулуклар<sup>2</sup>, донишмандлар келиб қолса йўлларига пояндоз солиб, устларидан тилла-тангалар сочиб, иззату обрўлар билан шаҳарга олиб кириб зиёфат қилинглари. Бу ёғини ўзим тўғрилайман. Агар подшо томонидан довул қоқилиб лашкарлари уруш учун келса, у вақтда етти ёшдан етмиш яшаргача тигжаворларингни кўтариб улардан илгари шаҳардан чиқиб саф тўғрилаб тахт бўлиб туринглари,—дебди. Хизматкор ҳам лашкарлар йўлга чиқиб нима воқеа бўлар экан, деб турсалар, шаҳар дарвозасидан аҳли сулук ақобирлар бирин-кетин, аста-аста кела бошлабдилар. Гуломбачча уларни кўриб пояндозлар солдириб бир қанча қарияларни чақирибди. Қарилар, ёшлар қўл қовуштириб турибди. Улар яқинлашганда Гуломбачча рўпараларига чиқиб, отидан тушиб, одоб билан саломлашиб шаҳарга таклиф қилиб, саройга олиб борибди. Саройдаги кашта билан ясатилган сарой деворларини, кўм-кўк сувларнинг булғор ҳовузларга тушиб турганини кўриб, ақобирларнинг ҳуши бошидан учгандай бўлиб, бир-бировларига: «Бу ерлар дашт-биебон эди, бир шаҳри азимга айланибди. Бу қандай сир экан. Бу шаҳар подшоси сеҳргарми ё жодугарми. Ҳар қандай бўлса ҳам ўз оёғимиз билан келиб ўз бўйнимиз билан тузоққа илиндик. Агар сеҳргар ёки жодугар бўлса шу билан умримизнинг охири бўлади» дейишибди. Гуломбачча уларни ҳушёрлик ва сезгирлик билан жой-жойга ўтқазиб:

«Биздек бир камбағал камина фарзандларини азиз подшонинг шундай ақобирлари йўқлаб келгани учун хуш кўрдик» деб зиёфат бошлабди. Хушсурат йигитлар ҳар хил таом, мевалар олиб келиб, меҳмонхона ўртасига келтириб дастурхонни тўлдириб ташлабди. Бир оз овқат еганларидан сўнг меҳмонлардан бири Гуломбаччага қараб:

— Э ўғлим, бизларни шунчалик иззат-эъзоз қилдингиз. Энди бизга ижозат берсангиз. Сизга бир озгина сўзимиз бор эди. У ҳам бўлса подшоҳимиз бир кичкина нома юборган эди, шуни ўқиб жавобини айтсалар,—дебди. Гуломбачча ўрnidан туриб одоб билан номани

<sup>1</sup> Ш у л т у р — ғалва, тўполок.

<sup>2</sup> А ҳ л и с у л у к — дуоғўйлар.

қўлига олиб, жавоб хати ёзибди: «Эй подшоҳи олижаноб, сизнинг ёзган номангизни олиб ўқидим. Мен йўлда ўткинчи бир бахт қидирувчиман. Бахт қушимни қўлимдан учириб саргардон бўлиб кечаю кундуз беорому беқарор бўлиб юрган бир камина қулман. Рухсат берсалар бир неча кун шу ерда туриб қайтиб кетсам, агар рухсат бермасалар, биз бир ўткинчи одаммиз, ўз йўлимизга кетамиз. Мақсадлари хусумат қилиш бўлса, у вақтда бир илож қилармиз» деб муҳрини босиб номани икки буклаб қўлларига берибди, ҳам подшони таклиф қилибди. Зиёфат тамом бўлгандан сўнг меҳмонларга товоқларда тилла жавоҳирлар сузилибди. Подшо ақобирлари ижозат олиб, ўз подшолари олдига қайтибди. Подшога бўлган воқеани гапириб, ўзини таклиф қилганини айтиб, номани қўлига берибдилар. Подшо номани ўқибди. Сўнгра ўзига хос кишиларни олиб, қирқ киши бўлиб Булғор шаҳрига кетишибди, Ғуломбачча подшони пояндозлар солиб кутиб олибди, устидан тилла сочиб шаҳарга олиб кирибди. Подшо умрида кўчма шаҳарни кўргани ҳам, эшитгани ҳам йўқ экан. Подшо гўёки жаннатга киргандай бўлиб ўзига-ўзи «ҳай дариг, шундай йигитга қизимнинг тақдир кетган бўлса эди» деб қўйибди. Ғуломбачча билан бирга кетган иккита йигит шу зиёфатга подшо амалдори, вазирлари билан бирга келган экан. Вазирлар подшога: «Бизнинг ўғилларимиз бадавлат бўлиб келди. Энди қачон тўй қиламиз» деб қистар эканлар. Подшонинг қизи «Қачон шу кетган уч йигит бир жойга йиғилса, кимга тегишим ўшанда аниқ бўлади, ҳозир ҳеч кимга тегмайман», дебди. Бу гапни эшитган амалдор вазир-вузаролар:

— Бу учовининг кетганига етти йил бўлди. Ўз ваъдаларига биноан ўғилларимиз дунёдор-бадавлат бўлиб келди. У йигит балким ўлиб кетгандир, агар тирик бўлса келар эди. Агар қизини берса шу вазирзодадан зиёдроқ киши бу шаҳарларда бўлмайди. Подшо ҳам аҳмоқ, қизи ҳам аҳмоқ,—деб гапирар эканлар, Ғуломбаччанинг саройида катта зиёфат бошланиб, созандалар соз чала, ҳофизлар ҳофизлик қила бошлабди. Ғуломбачча ўрнидан туриб, таъзим билан подшога:

— Эй подшоҳи олам, султони бокарам, кўнглимга бир гап келди, ижозат берсангиз гапирсам, лекин шу ерда ўтирган ақобирлар, вазирларингиз хафа бўлмаса,—дебди. Подшо:

— Нима гапингиз бўлса гапиринг,—деб ижозат берибди. Ғуломбачча:

— Менинг «иккита хизматкорим бор эди. Улар мендан олти ойда қайтиб келамиз, деб қанча олтин-жавоҳирлар олиб кетиб, муддатлари ўтганда ҳам қайтиб келмаган эдилар. Ҳозир шу иккита хизматкоримни шу зиёфатда кўрдим»—деб иккита ўзи билан бирга кетган вазирбаччаларни кўрсатибди. Йигитларнинг оталари бу гапни эшитиб ўринларидан туриб гўёки туклари кийимларини тешиб чиққандай бўлиб жаҳл билан: «Сендай шаҳзода зиёфатга қақриб, охири оқибат шу бўлдим, бизни шарманда қилишни истайсанми» дейишибди. Шаҳзода:

— Мен хафачилик бўлмасин,—деб айтиб қўйган эдим,—дебди.

Подшонинг ақлли кишиларидан бири туриб:

— Ҳа, биродарлар бир ҳақиқат бордир. Агар шаҳзодадининг гапи тўғри бўлса, бир нишонлари бордир, бўлмаса ўзлари шарманда бўладилар,—дебди. Подшо:


— Эй шаҳзода, бунинг учун бирор нишона ёки гувоҳингиз борми?—дебди. Ғуломбачча:

— Эй подшоҳи олам, албатта нишонам ҳам, далилларим ҳам бор. Шуларни асос қилиб гапирдим. Шу икки йигитни ўзим уйлантирдим, жойлантирдим. Буларнинг хотин-болалари бор. Уларни бирга олиб юрибман. Агар ишонмасангиз хотин-болаларига рўпара қиламиз. Агар унга бўйин эгмасалар, бошқача нишонам бор. Шу икки йигитнинг ўзларидан сўранглар,—дебди. Икки йигит бир-бирига қараб: «Эй жўра, қофия танг келди-ку, зиёфатга келмай ўлайлик, еганларимиз бурнимиздан чиқди. Яхшиси ҳақиқат гапни айттайлик. Агар айтмасак ҳалиги муҳрни кўрсатишни буюрса, шарманда бўламиз» дейишиб, шаҳзода олдига бориб кўришиб «ҳақиқатан биз хизматкорингиз» деб бўйин эгиб туришибди. Вазир билан қушбегининг еган зиёфатлари заҳарга айланиб, пушаймон қилишибди.

Ғуломбачча зиёфатдан кейин бошидан ўтганларини гапириб, ўзини ошкора қилибди. Подшо Ғуломбаччанинг қилган ишларидан хурсанд бўлиб, ўз одамлари билан жўнашибди. Эртаси Ғуломбачча подшога совчи юборибди. Подшо катта-кичиклар билан маслаҳатлашиб, «қўша қарисинлар» деб дуо қилиб, нон ушатибдилар. Ғуломбачча ўзи аждарҳодан қутултирган шаҳар подшоси билан ўғлини табиблик қилиб соғайтирган подшони тўйга так-

лиф қилибди. Улар ҳам кўп совғалар олиб келибди. Подшо катта тўй-томошалар қилиб, қизини Гуломбаччага берибди. Икки ошиқ бир-бировининг висолларига етибди. Гуломбачча подшо ўрнига подшо бўлибди. Бир неча фарзанд кўрибди. Гоҳ кунлари онаси бўйнига ип солиб сотиб юрганлари эсига тушиб, бағри эзилиб, баданлари с...либ кетар экан.

Гуломбачча умрининг охиригача бахтли бўлиб, муродмақсадига етибди. Бизлар ҳам етайлик муродга, сизлар ҳам етинг муродга, ўқиб, эшитганлар ҳам етсин муродга, душманлар қолсин уятга.



## Маликан Гулизор

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда бир бойнинг Маликан Гулизор исмли яккаю ёлғиз қизи бор экан. «Қизимга кўз тегмасин» деб, уни бой ҳовлидан ташқарига чиқармас экан. Гулизор жуда хушсурат экан, лекин ўз ҳуснини ўзидан бошқа кўриб қувонмаган экан. Қиз ўн етти ёшига кирибди. Лекин остона ҳатлаб ташқарига чиқмабди. Отаси ҳовли ичида қизи учун бир ойна қуриб берган экан, қиз фақат ана шу деразадан қараб ўтган-кетганни томоша қилар экан. Кунлардан бир куни бой ўзининг иши билан кетганида, қизи ойнадан қараб ўтирса, дераза тагидан бир хушсурат йигит ўтаверибди. Шунда қиз:

— Ҳой йигит, кел, мен билан ўйна,—дебди зерикканидан.

кечагидан ҳам хушсурат бир йигит дераза тагидан ўтаётган экан. Қиз деразадан қичқирибди:

— Ҳой йигит, кел, мен билан ўйна. Йигит бир қарабди-ю, ақли-ҳушидан бегона бўлиб қолибди. «Бу йигит ҳам мени ёқтирмади» деб ўйлабди қиз. Лекин йигит кун ботгунча деразага қараб турибди, қиз эса қайтиб кўринмабди.

Учинчи кунни бой ишига кетганда қиз яна дераза элдига келиб ўтирса, бир йигит ўтаётган эмишки, бу йигит аввалги икки йигитдан ҳам хушсурат эмиш. Қиз зерикиб ўтирган эмасми, дарров бу йигитни ҳам чақирибди:

— Ҳой йигит, кел, мен билан ўйна.

Бу йигит ҳам бир қарабди-ю, шу замони ақли-ҳушидан бегона бўлиб йиқилибди. Қиз эса: «Бу йигит ҳам мени ёқтирмади.— На бало, мени ҳеч ким ёқтирмаса керак?»— деб ўйлаб, яна деразадан кетиб роса йиғлабди. Йигит бўлса то кечгача дераза олдидан кетолмай, Гулизорнинг ишқиди куйиб-ёниб ўтираверибди. Дам-бадам деразага қарабди, лекин қиз ҳеч кўриниш бермабди. Йигитлар учта бўлибди, қиз битта.

Кунлардан бир кунни қиз деразадан қараб ўтирса уч йигит дераза олдида айланиб юрганмиш. Маликаи Гулизор нима қиларини билмай, уч йигитни ҳам чақирибди.

— Менинг отам бир золим, сизларни бу ерда кўриб қолса мени ҳам ўлдирди, сизларни ҳам. Яхшиси мен билан ўйнамай кетаверинглар,—дебди қиз. Бироқ йигитлар бир қадам ҳам қиздан нари кетмабдилар. Буси «менга тег», яна бири: «Менга тег» деб уч йигит ҳар қайсиси бир гап айтаверибди. Қиз эса қайси бирига нима дейишини билмай боши қотиб қолибди.

— Учингиз ҳам яхши йигитсиз, лекин мен уч йигитнинг эмас, бир йигитнинг хотини бўлишим мумкин. Шунинг учун талашманглар-да, менга ўйлашга вақт беринглар,—дебди Гулизор. Йигитлар эса ҳеч бири олдин кетгуси келмай, бир-бирларининг кетишини кутишибди. Лекин ҳеч бири ўрнидан жилмаганини қиз кўриб:

— Нима учун талашасиз, мен ҳозир ҳеч қайсингизга бир сўз дея билмайман, ҳаммаларингиз эртага келинглар, қилган ишларидан бераман,—дебди қиз. Йигитлар кетишибди. Эртаси Ғуломбачча полатиши билан қизнинг ди. Подшо катта-кичиклар йигитларнинг олдига чиқибди-да: «Қарисинлар» деб дуо қилиб муҳлат, олти ой ичида менингча ўзи аждарҳодан қулоқни олиб келасиз, учингиз ўғлини табиблик қилиб

ҳам бир кунда, бир соатда келасиз, шунда, қайси бирингизнинг олиб келган нарсангиз ёқса шунга тегаман, қолган иккингизга эса, сингил бўламан,—дебди Гулизор.

Қизнинг белгиланган кунини ҳаммаси кўнглига тугиб, уч йигит ҳам шаҳардан чиқиб жўнабди. Қиз эса уч йигитни узатиб, қайси бири яхши эканини айира билмай, учовидан қайси бирини севарини билмай, олти ой муҳлатнинг ўтишини кутиб қолаверибди.

Қиз қолаверсин. Гапни йигитлардан эшитамиз.

Йигитлар катта бир шаҳарга етиб борибдилар. Бу шаҳарга етиб боргунча икки ой пою пиёда йўл босибдилар. Бечора ошиқлар борганларича чўнтагидаги ҳамма пулларини еб-ичиб, шаҳарга кирганларида бир чақаси ҳам қолмабди.

Уч йигит бир ерга йиғилишиб маслаҳат қилишибдилар. Бири айтибди:

— Дўстлар, ҳеч қайсимизда бир пул йўқ, шунинг учун ҳар қайсимиз бир иш қилиб, пул тўплайлик, икки ойлик йўл экан, демак, икки ой ишлаб пул топсак, икки ойда етиб борсак, олти ой ўтади.

Икки йигит қабул қилибди. Ҳар қайсиси ўз бошига кетишибдилар. Биринчи йигит бир балиқчининг қозонига ўт ёқадиган бўлибди. Иккинчи йигит бир бойнинг ерига дон сочиб, экин экибди, учинчи йигит бир боғбонга шогирд бўлибди. Шундай қилиб, уч йигит тўрт ой роса ишлашиб, ҳар қайсиси юз тангадан пул тўплабди.

Тўрт ойдан кейин булар бир ерга тўпланишибди, лекин қандай қилиб олти ой ўтиб кетганини билмабдилар. Қизнинг шарти ва муддати етиб қолганини ҳам энди билбдилар. Қизнинг муддати бозор кунига тўғри келибди. «Энди қандай қилиб борамиз, ҳали ҳеч нима олганимиз ҳам йўқ» деб қайғурибдилар. Шундай бўлса ҳам, йигитлар бозорга кириб, ҳар қайсиси қиз учун бир нима олмоқчи бўлибдилар.

Бозорга кириб бориб, у ёқ-бу ёқни қараб юрсалар, бир киши кўзгу сотаётибди. Йигитлар кўзгуга қараб қолишибдилар. Биринчи йигит ўзича: «Бу кўзгудан бирини олиб борсам», деб ўйлабди. Шу вақт бир савдогар қўлида иккита гилам олиб келиб қолибди. Гилам ҳам жуда чиройли экан, иккинчи йигит ўзича: «Бу гилам севгилимга ажойиб совға бўлар», деб ўйлабди. Учинчи йигит бозорда юриб, бир боғбоннинг олмаси олдига келиб тўхтабди.



Биринчи йигит кўзгу сотувчи ёнига бориб:

— Кўзгуларингизнинг баҳосини айтинг,—дебди.

— Мана бу кўзгу бир танга, мана буниси эса юз танга,—деб, кўзгуларни кўрсатибди кўзгу сотувчи.

— Сабаб нима?—деб сўрабди йигит.

— Сабаби шуки, бу кўзгуда фақат ўзингни кўрасан, шунинг учун бир танга, мана бу кўзгуда эса икки ойлик узоқдаги севгилингни кўришинг мумкин, шунинг учун юз танга,—дебди сотувчи.

— Менга юз тангалик кўзгунгизни беринг,—дебди йигит ва сеҳрли кўзгуни олибди. Йигит кўзгуни олиб, ҳеч нарса кўрмагандек, кўзгуни чўнтагига солиб юраверибди.

Иккинчи йигит гиламчидан гиламчаларнинг баҳосини сўраган экан, гиламчи ҳам:

— Бирининг баҳоси бир танга, бирининг баҳоси юз танга,—деб айтибди. Йигит сабабини сўраган экан, гиламчи айтибди:

— Бу гиламда фақат ўтириб маза қиласиз. Бу гиламда эса, икки ойлик йўлни икки соатда босиб борасиз,—деб сотувчи гиламларни кўрсатибди.

Йигит сеҳрли гиламни олиб, бу гиламнинг сеҳрли эканлигини ҳеч бирига айтмай, кўзгу олган дўстининг ёнига келибди. Энди икки дўст учинчи дўстларини излабдилар. Бориб қарасалар, бу йигит олма сотаётган боғбон олдида савдо қилаётган экан. Боғбон икки хил олма сотаётди. Олмалардан бирининг баҳоси бир танга, яна бирининг баҳоси юз танга. Йигит сабабини сўрабди. Шунда боғбон айтибди:

— Бир тангалик олмани есанг еб қўяверасан. Юз тангалик олмани ўликка искатсанг жон киради, едирсанг аввалги аслига келиб қолади,—дебди боғбон.

Йигит юз тангага сеҳрли олмани олибди.

Шунда уч йигит бир ерга чиқишиб:

— Энди нима қилдик, қани нималарни олдик, бир кўрайлик,—дебдилар.

Аввал кўзгуни синовдан ўтказмоқчи бўлиб, кўзгуга:

— Қани, Маликаи Гулизорни кўрсат!—дебдилар.. Кўзгу шу ондаёқ Маликаи Гулизорни кўрсатибди. Қарасалар, Маликаи Гулизор ўлиб ётганмиш. Қариндошлари эса фарёд уриб йиғлаётган эмишлар.

— Нима қилдик?—дебди йигитлар бир-бирларига. Гиламли йигит айтибди:

— Икки ойлик йўлни икки соатда босиб ўтадиган гилам олганман. Мининг устига, ҳозир етиб борамиз,— дебди. Учаласи гиламга ўтириб:

— Уч гиламим, етказ Маликаи Гулизорга,—дебдилар.

Шу ондаёқ гилам осмону фалакка учиб, икки соат ўтар-ўтмас Маликаи Гулизорнинг ҳовлисига етказибди. Борсалар, Маликаи Гулизорни энди ювмоқчи бўлиб турган эканлар. Уч йигит қизнинг қариндош-дўғонларини нари-бери итариб, ҳеч қайсисига қулоқ солмай, тўғри қизнинг олдига боришибди. Шу вақт олма олган йигит қизнинг бурнига олмани искатиб юборган экан, қиз бир аксириб кўзини очибди. Йигит олмани қизга едирган экан, қиз аввалгидек сапчиб ўрнидан туриб, бутунлай соғайиб кетибди. Қараса, ҳовли тўла одам. Уч йигит ҳам бор.

— Нима бало, бир нарса бўлдимиз?—дебди қиз.

Ҳаммаларни ҳайрон бўлиб, қизнинг юзи-кўзидан ўпиб, йигитларнинг бошидан танга-тиллалар сочибдилар. Мотамхона ҳовли тўйга айланибди.

— Мана, айтган кунингиз етиб келди, биз ҳам етиб келдик,—дебди йигитлар.

Биринчи йигит кўзгуни қизга берибди:

— Агар бу кўзгу бўлмаса, биз кўрмаган бўлардик, сиз эса алақачон мазорда ётган бўлардингиз. Менинг сизга энг яхши совғам шу,—дебди.

Қиз кўзгуни олиб йигитга таъзим қилибди.

Иккинчи йигит қизга гиламни бериб:

— Агар бу гилам бўлмаганида икки ойлик йўлдан ким кела олар эди, албатта, кўзгу ҳам фойдасиз бўларди,—дебди.

Қиз бу йигитга ҳам таъзим қилибди.

Учинчи йигит индамай тураверибди. Шунда қиз:

— Хўш, сиз нима билан мени шод қиласиз?—дебди.

— Нима ҳам дейман? Берадиган нарсам йўқ,—дебди йигит, кейин сўзида давом этиб.—Бир олма олиб келган эдим, уни сиз еб қўйдингиз.

Қиз:

— Демак, сизнинг олмангиз билан мен тирилган эканман-да,—дебди.

— Шундай,—дебди йигит.

Бу гап-сўзларни ҳамма эшитиб турган экан, қиз халойиққа ҳукм чиқаришни айтибди:

— Мен мана шу уч йигитнинг бирисига хотин бўлишим керак. Бирини кўзгу билан менинг ўлганимни билибди,

иккинчиси икки ойлик йўлдан дўстларини бирга олиб етиб келибди, учинчиси эса менга жон киритибди, қайси бири-сига маъқул дейсизлар?

— Кўзгу,—дебди бириси,—нақд нарса экан, олади-ю, насия бўлмайди, гилам ҳам мана, берасизу қутуласиз, лекин сизга жон киритган олмани қайдан олиб бера olasиз, сиз ана шу олмани олиб келган йигитга хотин бўласиз.


Бу гап ҳаммаларига маъқул бўлибди. Маликаи Гулизор:

— Кўзгу бўлмаса кўрмаган бўлардингизлар, гилам бўлмаса кела олмас экансизлар, лекин олма бўлмаса на кўзгу, на гилам мени ажал қўлидан олиб қолмас экан, энди ҳаммангиз шу йигитнинг муносиб ёри бўлишга рухсат берсангизлар,—деб икки йигитга юзланибди.

Йигитлар ҳам ўйланиб, оқ кўнгиллик билан рози бўлишибдилар ва Маликаи Гулизорни ўзларига сингил тутиниб, олма олиб келиб едирган йигитга тўй қилиб беришибдилар. Бу ишга қизнинг қариндошлари, отаси ҳам рози бўлишибди.

Маликаи Гулизор ҳам муносиб ёр топиб, йигит ҳам севганига етиб, ҳаммалари шод бўлиб, мурод-мақсадларига етибдилар.

Эшитганлар ҳам яхши ниятларига етсинлар.



## Эркенжа

Бир подшонинг уч ўғли бор экан. Кунлардан бир куни подшо ўғилларига:

— Учовларингизни ҳам уйлантирмоқчиман, нима дейсизлар?— дебди.

Ўғиллари:

— Эй ота, учовимизга ҳам бир одамнинг қизлари бўл-

син. Каттамиз каттасини, ўртанчамиз ўртанчасини, кичигимиз кичкинасини оламин, бўлмаса уйланмаймиз,—дейишибди. Лекин, подшо учовига бир одамнинг қизини топа олмабди. Подшонинг бир қуши билан қушбони бор экан. Қушнинг оёғида тилладан қўнғироғи бор экан. Кунлардан бир куни шу қушини олиб, қушбони билан овга чиқибди. Қушбони тилла қўнғироқли қушни бир қушга солибди. Тилла қўнғироқли қуш қувлаб учиб, араз тортиб йўқ бўлиб кетибди.

Подшо қушбонга:

— Шу қушни қандай бўлса ҳам топасан, топмасанг, молинг талонда, бошинг ўлимда. Бошингдан хамир айлан-тириб, зиғир мойини қиздириб қуйиб, дунёдан бадарга қилиб жўнатаман,—дебди. Қушбон қушни топиб беришга подшодан қирқ кун муҳлат олиб, хафа бўлиб уйига борибди. Қушбоннинг ўн бир ёшли бир қизи бор экан. Отасининг хафа бўлиб келганини кўриб:

— Ота, бугун нимага хафа бўлиб келдингиз?—дебди.

Қушбон:

— Нимага хафа бўлмайин болам, подшонинг қушини йўқотиб қўйиб, қайғу-кулфатга қолдим. Подшо шу қушни топсанг топасан, топмасанг ўласан деб қирқ кун муҳлат берди. Қизим, қани менга бир йўл кўрсат?—дебди.

Қизи:

— Ота, подшо халқининг олди тор бўлади, орқаси кенг бўлади. Хуржунга кўп тилла солиб, саман отнинг белига миниб, чўлу биёбонга чиқинг, балки топилиб қолар,—дебди.

Қушбон қизининг гапи билан хуржунга тилла тўлдириб, саман отига миниб, чўлу биёбонга жўнаб кетибди. Қушбоннинг оти шундай йўрға эканки, олти ойлик йўлни уч кунда босар экан. Қушбон йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, сувсиз чўл юриб, олти ойлик йўлни уч кечакундузда босибди. Жуда чанқаб қолибди. Отини қантариб, хуржунни бошига қўйиб, кўкрагини захга бериб, ҳолдан кетиб ухлаб қолибди. Эртаси чоштгоҳ вақтида оппоқ соқолли бир мўйсафид мол боқиб келиб қолибди. Қараса, бир от қантарилганча турганмиш. Бир йигит зах ерга бағрини қўйиб, ухлаб ётганмиш. Чол: «Бу одам ўликмикан, тирикмикан, бир хабар олай» деб йигитнинг қошига келиб қараса, ухлаб ётган экан. Чол:

— Ҳе ўғлим, ухлаб қолдингми, қайдан бўласан?—дебди. Қушбон жойидан туриб чолга салом берибди.

— Бобо, мен подшонинг қушбониман. Подшонинг қушини йўқотиб шундай кунларга тушдим, сувсадим, оч қолдим,—дебди.

Чол:

— Бўламаса менинг уйимга боргин, ўғлим, яхши йигит экансан,—дебди.

Қушбон:

— Бобо, уйингиз яқинми?—дебди.

— Болам, уйим узоқ эмас,—дебди чол.

Чол қушбонни бир меҳмонхонага олиб кирибди. Меҳмонхонанинг олтишта деразаси бор экан. Тоза кўрпачалар, гиламлар солинган. Деразадан қараса, ҳовлисида беш юзта қозиқ қоқилган, унинг ҳар қайсисига нўхта боғланган, банатдан қилинган беш юз тўрва осилган. Қушбон «бизнинг подшоҳимизда ҳам бундай уйлар, бундай бойликлар йўқ, бу уй бирор подшоникимикан ёки бирор бойникимикан?» деб ўйлабди. Чол чой-нон, ҳар хил таомлар келтириб, қушбонни меҳмон қилибди.

— Ўғлим, сўрамоқнинг айби йўқ, сенга йўл бўлсин, нимани йўқлаб юрибсан?—дебди чол.

Шунда қушбон:

— Эй бобо, подшонинг бир қуши бор эди, бир оёғида тилладан қўнғироғи бор эди. Бугун тўрт кун бўлди, шу қуш аразлаб йўқ бўлиб кетди. Подшодан қирқ кунга муҳлат олиб, қидириб юрганга бугун тўрт кун бўлди. Бобо, бу ерлардаги халқдан бир сўраб кўринг, кўрган бормикан, билган бормикан,—дебди. Чол:

— Ҳа, болам, йўғинг топилсин,—дебди. Қушбон ичкаридаги ҳовлига қараса, учта тилла ўтов: бири каттароқ, иккинчиси ундан кичикроқ, учинчиси ундан ҳам кичикроқ тикувли турибди. Шу ўтовнинг биридан уч қиз чиқибди. Бири баланд бўйли, иккинчиси пастроқ, учинчиси ундан ҳам пастроқ. Бир ўтовдан иккинчи ўтовга, иккинчи ўтовдан учинчисига чопишиб ўйнаб юришибди.

Қушбон:

— Эй бобо, бу уч ўтов кимники?—дебди.

Чол:

— Ўғлим, бу ўтовлар бизники,—дебди.

Қушбон:

— Шу ўтовларнинг биридан иккинчисига чопиб юрган қизлар кимнинг қизлари?—дебди.

Чол:

— Ўғлим, учови ҳам бизнинг қизлар,—дебди.

Қушбон:

— Шу учови уч энадан бўлганми, бир энадан бўлганми?—дебди.

Чол:

— Ўғлим, учови ҳам бир ота, бир энадан бўлган,—дебди.

Қушбон:

— Қизларингизнинг учови ҳам бўйми?<sup>1</sup> Ҳеч кимга унашганингиз йўқми?—дебди.

Чол:

— Ҳа, бўй, ҳеч кимга унашганим йўқ,—дебди.

Қушбон:

— Бобо, отингиз нима?—дебди.

Чол:

— Оғимни болам, Нодир элбеги дейдилар,—дебди.

Қушбон:

— Шу жойлар подшолик жойими ё беглик жойими—дебди.

Чол:

— Бу Нодир бобонгизнинг жойи. Беш юз отга ем бераман, беш юз муллаваччага нон бераман. Бобонгизнинг жойи шундай жой бўлади,—дебди.

Қушбон:

— Бобо, энди кетсак бўладими?—дебди.

Чол:

— Эртага кетасиз-да, ўғлим! Мана бугун тўрт кун бўлди. Тилладан қўнғироғи бор бир қуш ўртадаги тилла ўтовнинг тепасига ҳар куни келиб туради. Шу бўлса, эҳтимол бор,—дебди.

Қушбон:

— Бобо, у қуш қай вақтда келади?—дебди.

Чол:

— Одамлар ухлагандан кейин, ярим кечада келиб шу ўтовнинг бошига қўнади, тонг вақтида, одамлар уйғонмасдан кетади,—деб жавоб берибди.

Қушбон:

— Бобо, қуш келганда менга қандай қилиб хабар қиласиз?—дебди.

— Болам, сиз дамингизни олиб ёта беринг, келадиган вақтида ўзим уйғотаман,—дебди.

---

<sup>1</sup> Бўйми — боши очқими?

Шу билан қушбон ётиб ухлаб қолибди. Ярим кеча бўлганда жингир-жингир қилиб қуш ўтовнинг бошига келиб қўнибди.

Чол келиб:

— Эй ўғлим, кўзингизни очиб қаранг, қуш келди,— дебди. Қушбон жойидан туриб, ўртадаги ўтовнинг тепасига қараса, шу ўзининг йўқотиб юрган қуши экан. «Эй жонивор озода қушим, сенинг дастингдан уйи-жойим, хотин бола-чақамдан айрилиб, сени ахтариб келдим. «Буё-буё келинг, қўлимга қўнинг», дебди. Қуш дарров қушбоннинг қўлига келиб қўнибди. Қушни эркалаб меҳмонхонага олиб келиб, қўндириб қўйибди. Шу кеча ётибди, эртаси тонг отибди, жойидан туриб:

— Эй бобожон, шу қуш меники экан. Топиб, муродимга етдим, бизга жавоб беринг. Сиз ота бўлсангиз, биз бола бўлсак. Биз ҳам элимизга кетсак,—дебди.

— Ўғлим, бир неча кун меҳмон бўлинг, кейин кетарсиз,—дебди чол. Шу билан қушбон бобосининг уйида ўн беш кеча-кундуз меҳмон бўлибди. Чол қушбонга бош-оёқ сарпо, тилла абзалли бир от бериб, одам қўшиб бир кунлик жойга чиқариб қўйибди. Қушбон кеча-кундуз йўл юриб, бир кам қирқ кун деганда ярим кечаси уйига келибди. Қизи кутиб олиб:

— Ота, қушни топдингизми?—дебди.

Шунда қушбон:

— Топдим, қизим! Мана, эртага подшога топшириб, ўлимдан қутуламан,—дебди. Эртаси туриб оти ва қушини олиб бориб подшога топширибди. Подшо қушбонга беклик вазифасини берибди. Қушбон подшога:

— Эй подшоҳим, менинг сизга бир гапим бор, бир қошиқ қонимдан кечсангиз айтаман,—дебди.

Подшо:

— Айт,—дебди.

— Бир чолни кўриб қолдим. Унинг даргоҳи, бойлиги сизнинг подшолигингизда йўқ. Тилладан ясалган уч ўтов бор, учта ўтовда учта қизи бор: бири баланд, иккинчиси паст, учинчиси ундан паст. Учови ҳам бир ота, бир онадан экан. Шу учовини уч ўғлингизга олиб берсак,—дебди.

Подшо:

— Биз билан тенг келармикан?—дебди.

— У сиздан ҳам бой экан!—деб жавоб берибди қушбон.

— Бўлмаса, ўзинг совчиликка борасанми?— дебди шоҳ.

Қушбон:

— Катта қушбегингизни, уламоларингиздан тўққиз кишини беринг, саккизта от беринг, ҳаммамиз ўнта бўлиб борамиз,— дебди. Қушбон билан одамлар жўнашибди. Йўл юришиб, йўл юришса ҳам мўл юришиб, Нодир бобонинг уйига келиб, отларини боғлашибди. Нодир бобо қушбонни таниб, тўққизта меҳмонни танимаса ҳам меҳмонхонага олиб кириб, иззат билан меҳмон қилибди. Нодир бобо:

— Болам, сўрамоқнинг айби йўқ, қаердан бўласизлар? Илгари келишингиз йўқчи эди, энди келишингиз элчига ўхшайди?— дебди.

Қушбон таъзим қилиб:

— Бобо, шундай, элчи бўлиб келдик. Бизнинг шоҳимизнинг уч ўғли бор эди, сизда учта чўричоқ бор экан. Шу учовини подшонинг уч ўғлига берсангиз. Қуда бўлиб юрсак, деб келган эдик,— дебди.

Чол айтибди:

— Келганларинг жуда яхши. Лекин бизда ҳам ака бор, ука бор, қавм-қариндош бор; ўшалар билан бир маслаҳат қилиб кўрайлик, «кенгашли тўй тарқамас», берар-бермаслигимизни сўнг айтармиз,— дебди.

Чол қавм-қариндош, таниш-билишларини йиғиб:

— Подшо уч ўғлига уч қизимни сўраб совчи юборибди. Шунга нима маслаҳат берасиз?— дебди. Оға-ини, қавм-қариндош, таниш-билишлар чолдан койиб.

— Бизларда ҳам йигитлар бор, подшога бермаймиз,— дейишибди.

Чол:

— У подшо бўлса, ғазаб қилса, биз унга тенг кела олмаймиз. Бермаймиз дегандан кўра, «бермас қизнинг қалини кўп» бўлади. Дунёда йўқ нарсаларни қалин қилиб рўйхат қилайлик,— дебди. Улар ҳам чолнинг сўзини маъқуллаб, уч кеча-уч кундуз рўйхат қилиб, уни бир қоп, бир хуржунга солиб, совчиларга олиб келиб берибди. Қушбонга бош-оёқ сарпо; ҳаммасига биттадан от бериб, ўн кишини қўшиб, икки кунлик йўлга чиқариб кузатибди. Булар кеча-кундуз йўл юришиб, подшо олдига келишибди. Подшо қушбонни кўриб:

— Бўримни, тулкимни?— дебди.

Қушбон:



— Тақсир, бўри,— дебди.

Подшо:

— Бўри бўлса, нима гап айтдинг?— дебди.

Қушбон:

— Бобо қалинни катта қилди, бир қоп бир хуржун рўйхат бериб юборди,— дебди. Подшо катта-катта уламо-ларини, вазирларини йиғдириб, бир қоп бир хуржун рўйхатни ўқиб чиқишга берибди. Уламолар рўйхатни уч кеча-уч кундузда ўқиб чиқишибди.

Подшо бунга эшитиб:

— Бунга менинг дунём етмайди, бунча молни беролмайман,— дебди.

Шунда Қушбон:

— Подшо бир гапни айтмас, айтганидан қайтмас. Менга уч кунлик подшолигингизни ва муҳрингизни беринг. Молни мен ўзим топаман,— дебди. Подшо Қушбонга муҳрини ва уч кунлик подшолигини берибди. Қушбон ўзига қарашли бекларга, элларга, бешдан бир хирожни йиғирма кун ичида подшо даргоҳига олиб келинсин, деб буюрибди. Йиғирма кун деганда подшога олиб келган мол, еру кўкни босиб кетибди.

Қушбон:

— Эй подшо, мана мол,— дебди. Подшо бир қанча одамларни йиғиб, молу дунёни олиб йўлга тайёрланибди. Ўғилларига қараб:

— Ўғилларим, юринглар, келинларни олиб келамиз,— дебди.

Энг кичик ўғли Эркинжа туриб:

— Ота, иккита акамни олиб, сизлар кетаверинглар. Менинг хотинимни мана шу ханжаримга бағишланглар. Қўрғон эгасиз қолмасин, мен ўрнингизда қолай. Лекин, сизга уч насиҳатим бор. Биринчи куни келинларни олиб келаётганда йўлда жуда қаттиқ иссиқ бўлиб, одамларингиз сувсаб қолиб, икки юзта одамингиз ўлади. Шунда одамлар: «Подшо, изингга қайт, халқни қирасан» дейишади. Орқага қайтманг. Иккинчи куни қаттиқ бўрон бўлади, унда ҳам икки юз одам ўлади, «Изингга қайт» дейишади. Кетингизга қарамай кетаверинг, учинчи куни одам бўйи қор ёғади. Яна икки юзта одам ўлади «Изингга қайт» деса ҳам, қайтмай кетаверинг,— деб отаси ва акаларини жўнатиб, ўзи қолибди. Подшо одамлари билан йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, сувсиз чўл юриб чолнинг маконига бориб етибди. Чол кутиб олиб отларини тилла қозиқ-

қа боғлаб, ұзларини меҳмонхонага олиб кириб, меҳмон қилибди. Подшо:

— Бобо, қизларингизга айтган қалинни олиб келдик,— дебди.

Чол подшонинг олиб келган қалинларини қабул қилиб, катта ўғлига катта қизини, ўртанча ўғлига ўртанча қизини, кичкина ўғли Эркинжанинг ханжарига кичик қизини бағишлабди. Тўй-томоша қилибди. Подшо келинларни олиб йўлга тушибди. Биринчи куни жуда қаттиқ иссиқ бўлибди. Одамлар чанқаб қолиб, икки юзта одам ўлибди. Одамлар «Э подшо, халқни қирдинг, изингга қайт», дейишибди. Подшо орқасига қарамасдан кетаверибди. Иккинчи куни жуда қаттиқ бўрон бўлибди, халқ. «Эй подшо, изингга қайт, халқ ҳалок бўлаётир!» дебди. Подшо яна индамай кетаверибди. Унда ҳам икки юзта одам ўлибди. Учинчи куни одам бўйи қор ёғиб, жуда совуқ бўлибди. Яна икки юзта одам ўлибди. Қолган одамлар «Уйинг куйгур подшо, одамлар қирилди-ку, қайт!» деб бақаришибди, Подшо орқасига қараса, кўп одамлари қирилиб кетаётибди. Кун кеч бўлиб қолибди. Подшо ўзи ҳам чидамай орқага қайтибди, бир қўрғонга кириб ётишибди. Тонг отгандан кейин подшо ўрнидан туриб қараса, бутун атрофи пўлатдан қилинган девор бўлиб қамалиб қолибди. Ҳамма қандай қутулишини билмай, ҳайрон бўлиб турганда пўлатдан қилинган дарвоза кўринибди. Дарвоза тагида бир дев ётганмиш. Бўйи саксон газ, калласи қападай, танаси тепадай, ҳар қўли паншаҳадай, оёғи душаҳадай, бурни паккининг қинидай, кўкрагида ўсган жуни ўттиз серканинг қилидай, кўзи зиғирнинг гулидаймиш.

Подшо:

— Эй дев, бизга йўл бер, чиқайлик,— дебди.

— Менга қўрғонингда қолган Эркинжа деган ўғлингни берсанг чиқараман, бўлмаса дарвозани очмайман,— дебди дев.

Подшо:

— Сен мендан бир ўғил тилайсанми, оч дарвозани, юз ўғил бўлса ҳам бераман,— дебди. Дев жойидан туриб дарвозани очибди. Подшо одамлари билан дарвозадан чиқиб йўлга равона бўлибди. Бу сир Эркинжага маъқул бўлибдида, оёғига чориқ тортиб, қўлига ҳасса ушлаб, эгнига жанда кийиб, девнинг маконига қараб йўл олибди. Йўл юриб, сувсиз чўл юриб, келинларни олиб келаётган отасига рўпара келиб қолибди.

Подшо:

— Эй болам, нимага келасан, нимага бундай аҳволга тушиб қолдинг? Ханжарингга бағишланган қаллиғингни олиб келаётибман,— дебди.

Эркенжа:

— Ота, қўрғондан чиқиб кетаётганингизда уч нарсани тайинлаган эдим. Қайтиб келаётиб иккитасини бажардингиз, учинчисида насиҳатимни олмасдан орқангизга қайтдингиз, дев мени сўраганда беришга рози бўлдингиз. Подшо бир гапни айтмас, айтгандан қайтмас, энди биздан рози бўлинг, девнинг ихтиёрига бораман,— дебди.

Подшо:

— Уғлим, қаллиғингни нима қиламан?— дебди.

Эркенжа:

— Юзини очинг, умид тортиб келаётган қаллиғимнинг бетидан икки искай: ноумид бўлмасин,— дебди-да, қаллиғининг юзини очиб иккигина муччи олиб, «Кўргунча хайр, етти йилдан кейин келаман», деб девникига қараб йўл олибди. Подшо йиғлаб-йиғлаб ўғил, келинлари ва одамлари билан ўз қўрғонига қайтибди. Эркенжа этагини бар уриб, пиёда бўлиб, ғамга тўлиб, саккиз кеча-кундуз йўл тортиб, девнинг маконига етибди. Дев ухлаб ётган экан, уйғота олмай, уч кун ётибди, тўртинчи куни дев уйғониб қараса, ўнг ёнида Эркенжа ўтирибди. Эркенжа девга:

— Эй дев, мени отамдан тилаган экансан, нима хизматинг бор, қилай?— дебди.

Дев:

— Фалон мамлакатда Совун шоҳ деган подшонинг бир қизи бор. Оти Хонойим. Ушанга ошиқ бўлиб қолдим. Бир куни кечаси туш кўрдим. Тушимда бир одам «Подшонинг ўғли Эркенжа келиб, шу қизни сенга олиб беради» деди. Шунинг учун сени отангдан тиладим. Ана от, ана тилла, ана қўрғон. қўю қўрхона, ана мол. Ҳаммасини ола бер. Фақат шу Хонойимни олиб келиб бер,— дебди. Эркенжа девнинг талабини бажармоқчи бўлибди. Девнинг хазинасини олиб, Хонойим яшаган мамлакатни ахтарибди. Олти кеча-олти кундуз йўл тортиб, йўлда бир қўш ҳайдаётган деҳқонни кўриб:

— Ҳорманг, ота,— дебди.

Деҳқон:

— Бор бўлинг,— дебди.

Эркенжа:

— Нима эсмоқчисиз?— дебди.

Деҳқон:

— Эй жўра, шу ерни етти йилдан бери ҳайдайман, ҳеч нарса кўкармайди,— дебди.

Эркенжа:

— Ерни ҳайдаганда уруғ сепиб ҳайдайсизми?— дебди

Деҳқон:

— Уруғ сепмай ҳайдайман, бўлмаса ўшанга кўкармас экан-да. Эй ошна, мен бу ишни қўяй, бир нонга тўйдирсанг, сенга йўлдош бўлай,— деб, ҳўкизини ҳайдаб юборибди. Иккови уч кеча-уч кундуз йўл юриб, бир жойда қўй боқаетган бир чўпонни учратибди. У қўйини сўйиб, қозонга солиб қовуриб, ердан қум олиб устига сепаётган экан.

Бу аҳволни кўрган Эркенжа:

— Эй аҳмоқ чўпон, гўштинг-ку жуда яхши, устига сепаётганинг нима?— дебди.

Чўпон:

— Сепаётганим туз,— дебди.

Эркенжа:

— Туз бундай бўлмайди,— дебди.

Чўпон:

— Туз қандай бўлади?— дебди.

Эркенжа:

— Оқ, катта-катта, думалоқ бўлади,— дебди.

Чўпон:

— Эй ошна, ундай бўлса бир тузга тўйдир, сенга йўлдош бўлай,— деб молларини ҳайдаб юборибди. Учови кеча-кундуз пиёда йўл юрибди. Учови келаётса, бир мушук каламушни қувлаб келаётган экан, иккови ҳам чарчаб қолибди. Эркенжа «Шу жониворни озод қилай!» деб ханжарини олиб мушукка урибди. Мушук икки бўлиниб кетибди. Каламуш озод бўлгандан кейин:— Эй Эркенжа, тила, тилагингни берайин,— дебди.

Эркенжа:

— Сен бир каламуш бўлсанг, сендан нима тилайман,— дебди.

Каламуш:

— Мен жами каламушларнинг подшосиман. Бир йилдан бери мана шу мушук тинчлик бермасди. Мени мушукдан қутқардинг. Мен сенга ёрдам қилишим керак. Бошингга бирор мушкул иш тушганда керак бўларман,— деб жунидан озгина юлиб берибди.

Эркенжа каламушнинг жунини бир қутичага солиб қўйибди. Учови яна йўл тортибди. Бир жойга боришса,

гинг-гинг деб товуш чиқаверибди. Бориб қарасалар, ўргимчак уясига бир чивин илиниб қолган экан. Ўргимчак чивинни олиб ейман деса, ўргимчак ини ёнида турган чигиртка чивинни олдирмай қўриб турганмиш. Жонивор чивин шундай қилиб ўртада ҳалок бўлай деётганмиш. Эркинжа буни кўриб:

— Эй жонивор, сени ҳам озод қилайин,— деб ўргимчакни ўлдирибди. Чивинни авайлаб қўлига олибди.

Шунда чивин:

— Эй Эркинжа, шу балодан мени озод қилганинг учун бир ёрдам қилишим керак. Тила тилагингни,— дебди.

Эркинжа:

— Сен бир кичкина чивин бўлсанг. Мен сендан нима тилай,— дебди.

Чивин:

— Мана шу тузоққа илинганимга бир йил бўлди. Мен жами чивинларнинг подшосиман. Мана, бошингга бирор мушкул иш тушган вақтда шуни куйдирсанг ҳозир бўлурман,— деб қанотининг учидан гартдак қирқиб берибди. Эркинжа уни ҳам бир қутичага солибди. Чигиртка ҳам озод бўлибди. У ҳам «тила тилагингни» дебди.

Эркинжа:

— Ўзинг бир кичкина чигиртка бўлсанг, мен сендан нима тилай,— дебди.

Чигиртка:

— Мен жами чигирткаларнинг подшосиман. Шу чивинни ўргимчакка олдирмай, бир йилдан бери қўриб турибман. Сен мени озод қилдинг. Агар бошингга бирор мушкул иш тушса, мана шу сихимни тутатсанг ҳозир бўлурман,— деб тукидан юлиб берибди. Эркинжа уни ҳам қутичага солиб, кетаверибди.

Учови йўл юриб, бир дарё ёнига келишибди. Қарашса, бир қумурсқа дарёни ёқалаб ўта олмай овора бўлиб юрганмиш. Эркинжа уни кўриб, «жонивор дарёдан ўтолмай юрибди, шуни ҳам ўтказиб қўяй» деб қумурсқани қўлига солиб дарёдан ўтказиб қўйибди. Қумурсқа:

— Эй Эркинжа, шу дарёдан ўта олмаганимга етти йил бўлди. Сен мени ўтказиб қўйдинг. Мен қумурсқаларнинг подшоси бўламан. Бошингга бирор мушкул иш тушиб қолса, мана бу тутатқини ол, уни тутатсанг ҳозир бўламан — деб сихидан озгина юлиб берибди. Эркинжа уни ҳам қутига солиб, жўнабди. Йўл юриб бир катта тўқайга боришса бир нарсанинг овози чиқяпганмиш.

Эркенжа жўраларига:

— Сизлар шу ерда туринглар, мен бир хабар олиб келай,— деб овоз келган томонга кетибди. Бориб қараса, бир йўлбарс, қамишнинг шийдаси оёғининг остидан кириб, бетидан чиқиб ётганмиш. Йўлбарс оёғининг оғриғига чидай олмай азобланиб ётган экан.

Эркенжа:

— Эй жонивор, сени шу азобдан қутқарай,— дебди.

Йўлбарс:

— Қандай қутқарасан?— дебди.

Эркенжа:

— Оёғинг тагидан ерни ковлаб кираман, қамишнинг тагидан қирқиб, шийдани суғуриб оламан,— дебди.

Йўлбарс:

— Қандай қилсанг ҳам ол, жон ширин,— дебди. Эркенжа ерни ковлаб кириб, оёғи тагидан шийдани суғуриб олибди. Йўлбарс оёғининг оғриғига чидай олмай, оҳ урибди. Шу он тўқайда учта йўлбарс боласи етиб келибди.

Йўлбарс Эркенжага:

— Мен жамики йўлбарсларнинг подшосиман. Етти йил тортган азобимдан сен мени қутқардинг. Тила тилагингни, мен берай,— дебди.

Эркенжа:

— Менга шу кичкина шербаччангни бер,— дебди. Йўлбарс кичик боласини берибди. Эркенжа йўлбарс боласини олиб иккита йўлдоши билан жўнабди. Учови пиёда уч ой йўл тортиб. Туркистон мамлакатига етибди. Шаҳарга бориб, бир кампирдан унинг уйида бир кеча ётишни сўрабди. Кампир жой берибди. Эркенжа эрта билан туриб қараса, одамлар бир ўликни кўтариб кетаётибди. Уйига кириб, кампирдан:— Бу қандай жаноза?— дебди.

Кампир:

— Эй ўғлим, бунга сўраманг ҳам, куйманг ҳам, подшохимизнинг бир чиройли қизи бор. Подшо шарт қўйган, ким шу шартни бажарса ўшанга қизини беради. Унинг шартлари шундай, номозшомдан эрта азонгача юз ботмон нонни ейиш, юз ботмон тузни ялаш, юз тулум қатиқни ичиш, уч юз ботмон тариқ ва буғдой билан арпани аралаштириб сепаб, буғдойини буғдойга, арпасини арпага, таригини тариққа ажратиш, юз ботмон келадиган ердаги йўнғичқани ейиш, бир чешкалик ердан лахим қазиб қўрғонга кириш йўлини тўсиб ётган якчашмани ўлдириш. Мана ўғлим, под-

шонинг шу шартларини бажара олмай қанча-қанча йигитлар ўлиб кетяпти... Ҳар куни азонда шу йигитларнинг жанозаси бўлади,— дебди.

Эркенжа:

— Момо, шу шартларни биз бажарамиз, подшога хабар беринг,— дебди. Кампир подшога бориб хабар берибди. Подшо бу шартларни бажариш учун оқшомдан азонгача муҳлат берибди.

Момо келиб:

— Эй ўғлим, ғайрат қил, ҳамма нарса тайёр,— дебди. Эркенжа йўлдошлари билан кетмон олиб бориб лахим ковлай бошлабди. Анча вақtgача ковлаб қарасалар, озгина ерни ковлашибди. Шу вақт каламуш эсига келиб, қутичадан каламушнинг жунини олиб, тутатибди. Шу заҳоти ер тегидаги каламушларнинг ҳаммаси йиғилиб келибди.

Эркенжа:

— Эй каламушлар, азонгача шу ердан подшонинг қўрғонигача лахим қазинглар,— дебди. Чивиннинг қанотини тутатибди. Шу замон жами ернинг чивини йиғилиб келибди. Эркенжа уларга «юз тулум қатиқ сизники, азонгача шуни ичиб тамом қиласизлар!»— дебди. Яна қутичадан чигиртканинг сихини олиб кўйдирибди. Жами чигирткалар йиғилиб келибди. Эркенжа: «Юз ботмон ердаги йўнғичқани азонгача еб тамом қилинглар!»— дебди. Яна бир қутичадан қумурсқанинг сихини олиб тутатибди. Жамики ер юзидаги қумурсқалар йиғилиб келибди. Эркенжа уларга ҳам «Юз ботмон тариқ, юз ботмон арпа, юз ботмон буғдойнинг ҳаммаси қўшилган. Эрта азонгача буғдойини буғдойга, тариғини тариққа, арпасини арпага ажратасизлар!»— дебди.

Эркенжа бир йўлдошига:

— Мени бир нонга тўйдир!— деган эдингиз, мана шу юз ботмон нон сизники, азонгача еб тамом қилингл!— дебди. Чўпонга «Сен тузга тўйдир» деган эдинг. Мана шу юз ботмон туз сеники. Азонгача еб тамом қиласан» дебди. Шерни чақириб: «Эй жонивор, сен азонгача якчашманинг иложини қиласан» дебди. Девнинг иложини эса мен қиламан» дебди. Эрта тонг отибди, каламушлар лахим ковабди, чивинлар юз ботмон қатиқни ичибди, чигирткалар бедани ебди. Қумурсқалар уч юз ботмон буғдой, арпа ва тариқни ажратибди. Деҳқон юз ботмон нонни ебди, чўпон юз ботмон тузни ялабди. Шер якчашманинг иложини қилибди. Эркенжа уларнинг ҳаммасига жавоб бериб юборибди. Эрта тонг отибди. Туркистон шаҳрининг халқи

қараса, подшонинг ҳамма шарти бажарилибди. Хонойим ҳам бу шартларнинг бажарилганлигини кўриб «Шу йигитни бир кўрай» деб момонинг олдига келибди.

Момо:

— Эй қизим, шу ишларни бажарган йигит мана шу,— деб Эркенжани кўрсатибди.


Хонойим:

— Эй, Эркенжа, дев сени тушида кўриб, отангдан сўраб олган. Шартларимни бажариб, мени девга олиб кетяпсан. Дев ҳам муродига етди, мен ҳам муродимга етдим, сен ҳам муродингга ет. Мен девники. Мана бу отамнинг мамлакати сеники бўлсин,— дебди.

Эркенжа шу мамлакатга деҳқонни подшо, чўпонни бек қилибди. Шербаччага «Эй жонивор, онангнинг олдига бор!» деб жавоб бериб юборибди.

Хонойим бир тилсим дуосини ўқиши билан бир сандиқ тайёр бўлибди. Хонойим Эркенжани сандиққа солиб сандиқни қўлтиғига олиб парвоз қилиб, девнинг маконига борибди. Қараса, дев бир қулоғини ёпинчиқ, бир қулоғини тўшанчиқ қилиб ётган эмиш. Хонойим Эркенжани сандиқдан чиқариб олибди. Девга қараб:

— Эй дев,— дебди. Дев Хонойимнинг товушини эшитиши билан хурсанд бўлибди. Дев Эркенжага кўп молу дунё бериб жўнатибди. Эркенжа неча кунлар йўл тортиб, етти йил тўлганда отасининг қўрғонига борибди. Эркенжа отаси-онаси ва қаллиғи билан сўрашибди, қайтадан тўй-томошалар қилиб мурод-мақсадига етибди.



## Қирон ака

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир подшонинг биргина ўғли бор экан. У бир куни тушида бир пари қизни кўрибди. Уйғонса туши эмиш. Шундан кейин у гапирмабди ҳам,



кулмабди ҳам. Подшо ўғлининг аҳволига ачиниб йиғлабди. Орадан бир неча кун ўтгач, подшо вазир-вузароларини чақириб:

— Кимки менинг ўғлимни гапиртирса, ёки кулдирса, истаганини бераман,— дебди.

Бу сўз халойиқ орасига ёйилибди. «Подшонинг ўғлини мен кулдираман» деб, ҳар томондан одамлар кела берибди. Шаҳзодачи кулдириш у ёқда турсин, ҳатто ҳеч ким гапиртира олмабди ҳам.

Подшо жуда хафа бўлиб: «Мен шундай катта подшо бўлсам, кексайган чоғимда бир ўғил кўрган бўлсаму, уни ҳам гапиртира олмасам, мен подшо бўлиб нима қилдим», деб ўйлаб яқин одамларини чақириб: «Юртимизда келмаган бирор одам қолдими», дебди.

Бир вазири туриб:

— Эй тақсир, келиб ўғлингизни кўрмаган бир кампир қолди, у фалон тегирмончининг онаси, ўтирса тура олмайди, турса юра олмайди,— дебди.

Подшо кампирга дарров навкарларини юбориб, уни тилла замбилда келтирибди. Кампир шаҳзодачи кўриб, унга қараб:

— Ҳа, болам, тушингда пари кўрибсан-да,— дебди.

Шаҳзода бирдан кулиб юборибди, ўрнидан туриб югуриб кампирнинг ёнига келиб:

— Энажон, сиз менга айтиб беринг. Қандай қилсам у парига етишаман,— дебди.

Кампир:

— Шаҳримиздан етти кунлик наридаги тоғнинг бошида менинг иним Қирон яшайди. Қироннинг ёнига борсанг, у сенга топиб беради,— дебди.

Подшо ўғлига қирқ хачир тилла бериб, қирқ хизматкорни ҳамроҳ қилиб сафарга жўнатибди. Улар етти кеча-етти кундуз йўл юриб, бир тоғнинг тагига етишибди, унда тунашибди. Ярим кечада шаҳзода уйғониб қараса, тоғнинг устида бир нарса йилт-йилт қилар эмиш. У ҳайрон бўлиб, хизматкорларга:

— Сизлар шу ерда туринглар. Мен ёлғиз ўзим бориб кўриб, билиб келаман,— деб тоққа чиқиб қараса, юзта полвон Қиронни арқонга боғлаб турган эмиш. Қирон эса, қимирламай ётганмиш. Қирон ухлаб ётган экан. У бир кечаю бир кундуз ухлар экан. Шаҳзода атрофдаги кишиларга:

— Нега бунинг қўл-оёғини боғлаётисизлар? Тағин ўзларинг ўлиб кетманглар,— дебди.

Улар айтибди:

— Агар Қирон акани боғлаб олиб келмасак, подшоимиз бизни ўлдиради. У, юзтангнинг бошингни баравар узаман, деган.

Шунда шаҳзода:

— Эй, подшоҳнинг бекор айтибди. Бу тоғнинг тагида қирқ хизматкор билан қирқ хачир тиллам бор. Ушани олиб кета беринглар,— дебди. Полвонлар шаҳзоданинг айтганини қилиб, тоғдан пастга тушиб кетибдилар. Шаҳзода Қироннинг қўл-оёғини ечиб, унинг уйғонишини кутибди. Бир оз вақт ўтгач, Қирон уйғонибди. Қирон ёнида ўтирган болани кўриб, ундан:

— Бу ерда нима қилиб ўтирибсан, ким бўласан?— деб сўрабди. Шаҳзода бўлган воқеаларни айтиб берибди.

Қирон:

— Юр бўлмаса, мен ўтин қилиб берай. Сен ёқиб ўтир, оловнинг ёруғи билан пари қизни сенга олиб келиб бераман,— дебди. Қирон кўп ўтин йиғибди. Шаҳзода оловни гуриллатиб ёқиб ўтирибди. Қирон йўлга равона бўлибди. Шаҳзода қирқ кеча-қирқ кундуз олов ёқиб ўтирибди. Қирқ бир кун деганда шаҳзоданинг уйқуси келибди, бир боғ ўтинга бошини қўйиб ухлаб қолибди. Бир кеча-кундуз ухлаб уйғонса, олов ўчиб қолган эмиш, ҳар томонга кул сочилиб кетган эмиш. Ҳайрон бўлиб, энди қандай қилиб олов ёқаман, деб ўртада қолган кулни ковласа муштумдай чўғ қолган экан. Чўғни олиб дўпписига солса, чўғ осмонга отилиб, тўпписига тушар эмиш. Шаҳзода қўрқиб кетибди: нима қиларини билмай, шошилиб қолибди. Бола орқасига қараса, Қирон келиб, кулиб қараб турган экан. Жуда уялиб кетибди. Шунда Қирон болага бир қути бериб:

— Сенинг истаганинг шу қутининг ичида, тагин йўлда оча кўрма, очсанг қочиб кетади, кейин пушаймон бўлиб юрма!— дебди. Бола қутини олиб йўлга тушибди. Юриб-юриб чарчабди, бир ерда дам олибди. Шаҳзода «Мен Қиронга ишониб қутини олиб келаётибман. Қути жуда енгил, ҳам кичкина-ку, ичида пари борми, йўқми бир очиб кўрайин-чи», дебди. У қутини очиб кўрса, ичида пари ўтирган эмиш. Пари шаҳзоданинг юзига ҳам қарамабди, ўз тиззасига бошини қўйиб ўтирибди. «Шаҳзода унга «тур, отга мин, кетамиз» деса ҳам индамабди. Шаҳзода парига ялиниб-ёлворибди. Охирида пари:

— Сиз менга номаҳрамсиз, аввал мени никоҳ қилиб олинг, сўнгра сўзлашамиз,— дебди.

Шаҳзода ҳайрон бўлиб:

— Сени бу ерга ёлғиз қўйиб, таниш бўлмаган жойда қаердан домла топаман. Балки, мен қайтиб келгунча қочиб кетарсан,— дебди.

Пари:

— Йўқ, қочмайман, сиз домла топиб келгунингизча, мен шу ерда ўтираман,— дебди.

Шаҳзода:

— Хайр бўлмаса,— деб отини миниб, домла қидириб кетибди. Юриб-юриб, бир темир қўрғонга етибди. Эшикни тақиллатса, бир дев чиқибди. Шаҳзодани дарров ушлаб зиндонга ташлабди, отини сўйиб ебди. Пари шаҳзода кетган замониёқ қочиб кетган экан.

Кунлар, ойлар ўтибди. Бир кун Қирон туш кўрибди. Тушида бола девнинг зиндонида ётган эмиш. Қирон тонгда уйғонибди, уйғонибди-ю, бир яхши отга миниб йўлга чиқибди: бир қанча вақт йўл босиб, девнинг қўрғонига бориб, дарвозасини урибди. Дев чиқибди. Қиронга таъзим қилибди.

Қирон:

— Шу ерга отлиқ одам келдими?— деб сўрабди.

Дев:

— Ҳа, келди, отини едим, ўзини зиндонга ташладим. Отига от бераман, ўзи ўликми, тирикми билмайман. Буни толеингиздан кўрасиз,— дебди.

Қирон зиндоннинг ичига арқон ташлаган экан. Шаҳзода арқонга тирмашиб зўрға чиқибди. Дев Қирондан қўрққанидан шаҳзодага бир отини эгарлаб берибди. Шаҳзода Қирон билан йўлга чиқибди. Улар йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб, Қироннинг уйига етибдилар. Бир икки кун ўтгач, шаҳзода Қирондан парини яна олиб келиб беришини сўраб ялинибди. Қирон унга бир кам қирқ ҳужранинг калитини бериб: «Мана бу калитларни ол, мен келгунча ҳужраларни очиб, ичини томоша қилиб тургин, мен парини олиб келаман» дебди. Қирон кетиб етти кеча-етти кундуз деганда парини олиб келиб, Шаҳзодага никоҳлаб қўйибди.

Қирон ҳар куни овга чиқиб юрар экан, у овга кетганда шаҳзодага бир кам қирқ ҳужранинг калитини берар экан, аммо бир ҳужранинг калитини бермас экан. Кунлардан бир кун Қирон овга чиқиб кетаётганида Шаҳзода:

— Қирқинчи ҳужранинг калитини берсангиз, бошқа ҳужраларнинг калитини бермасангиз ҳам майли,— дебди

Қирон аввалига калитни бермабди. Шаҳзода сира қўймагандан кейин Қирон қирқинчи ҳужранинг калитини ҳам беришга мажбур бўлибди. Шаҳзода билан қиз ҳужрани очиб қараса, иккита қора от турган эмиш. Ҳар бири бир гиштининг устида етти хил ўйин кўрсатиб турар эмиш. Пари Шаҳзодага:

— Юринг, отларни миниб, суғориб келамиз,— дебди:

Шаҳзода:

— Қўй, тагин қочиб кетмасин. Қочса қандай қилиб ушлаймиз,— дебди.

— Э, юринг, нима қиларди, бу отлар қочиб кета олмайди,— дебди пари. Иккиси отни ечиб, тизгинидан ушлаб суғоришга олиб борибди. Қироннинг боғида бир ҳовуз бор экан. Отлар шу ҳовуздаги сувнинг ҳаммасини ичиб қўйибдилар. Шаҳзода ҳайрон бўлиб: «Энди отларни жойига олиб кириб боғлаймиз» деб турганида, икки от бир думалаб иккита каклик бўлибди. Шаҳзоданинг эса хотини бир думалаб каптар бўлибди, учови қўшилиб учиб кетибди. Шаҳзода йиғлабди. Бир оздан кейин Қирон келибди. Шаҳзода яна Қиронга ялинибди, йиғлаб: «Энди сира гапингиздан чиқмайман» дебди. Қирон Шаҳзодани тилагига етказиш учун яна йўлга равона бўлибди. Юриб-юриб бир тоққа борса унда бир эшик кўринибди, эшикни тақиллатиб:

— Оч эшикни, кампир!— дебди. Уйнинг ичидан бир кампир, «Қирон жувармарг келгандир» деб эшик томон йўналибди. Бу ёқда Қирон ташқаридан туриб:

— Қирон келди, олов келди, икки уканг қани, қаерда турибди, тезроқ айт,— дебди.

Кампир:

— Анови эшикдан кирсанг, мендан кичик синглим ўтирибди, ўша биледи,— дебди. Унинг ёнига борса, у ҳам: «Анови синглимдан сўра»,— дебди.

Уша тоғнинг тагида етти эгачи-сингил бор экан. Қирон уларнинг ҳаммасидан пари билан каклик суратига кириб қочган девларни сўраб чиқибди. Ҳаммаси билмайман деб жавоб берибди. Энг кичкинаси ҳам: «Мен билмайман» деган экан, Қирон:

— Қироннинг кучини билганинг йўқми ҳали?— деб қиличини кўтарибди.

— Йўқ, йўқ, ўлдирма мени, мен айтсам, унинг эшиги менинг эшигимнинг ёнидаги эшик,— дебди.

Қирон унинг кўрсатган эшигига кирса, бир катта боғ: боғнинг ўртасида бир устун. Устунга бир қафас осиглиқ

экан. Қафасда эса пари ўтирган эмиш. Дев келиб парига салом бериб кетар экан. Бирпасдан кейин шамол-тўполон билан ака-ука дев келибди, келибди-ю, думалаб каклик бўлибди. Халиги тилла қафасга ўзини уриб, тап этиб ерга тушибди. Қирон секин бориб, икковини икки қўлига қисиб, тилла қафасни бошига қўйиб, уйига қайтибди.

Қирон парини Шаҳзодага қайтадан никоҳлаб берибди. Икки девни эса ҳужрага қамаб, эшигини қулфлаб қўйибди. Иккиси ҳам бояғидай от бўлиб охурдан бедани еб тура берибди.

Қирон Шаҳзодани бир болали бўлгунча ўз ёнида олиб турибди. Шаҳзода болали бўлгач, «отанг, онанг соғингандир» деб уйига жўнатибди.

Подшо йиғлаб-йиғлаб кўзи кўр бўлиб қолган экан. Уғлининг пари хотини билан қайтганини эшитиб севинибди. Пари подшонинг кўзига бир най билан пуфласа кўзи очилибди. Подшо боласи, келини ва неварасини кўриб, димоғи чоғ бўлибди. Шаҳзода отасининг тахтига ўтириб, давридавронлар суриб, мурод-мақсадига етибди.



## Эржалолжон

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир одам бор экан. Унинг уч ўгли бор экан. Кенжатоининг оти Эржалолжон экан. Бир кун чол уларга:

— Ўз бахтингизни ўзингиз топинг,— деб қўлларига ёй берибди, учови йўлга тушибди. Бир ерга борса, уч кўча келибди. Уч кўчанинг оғзига: бирига «борса келар», бирига «борса келар-келмаси гумон», бирига «борса келмас» деб ёзилган эмиш. Каттаси «борса келар» кўчасига кетибди, ўртанчаси «борса келар-келмаси гумон» кўчасига кетибди, кенжаси «борса келмас» кўчасига кетибди.

Энди гапни Эржалолжондан эшитинг. Эржалолжон «борса келмас» кўчадан кетаверибди. Кетаётса йўлда бир

оқ дарвоза кўринибди. Тақ-тақ урган экан, бир оппоқ сочли кампир чиқибди.

— Ҳа, болам, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган бу элларда нима қилиб юрибсан?— дебди.

Эржалолжон дебди:

— Ейдиган овқатингиз борми? Қорним оч.

Кампир уйга олиб кирибди. Катта қозонда ош пишиб турган экан.

— Озгина ича қол,— дебди кампир.

Эржалолжон қозонни кўтариб бир ҳўплаган экан, ошнинг ҳаммасини ичиб қўйибди. Кампир қўрқиб кетиб дебди:

— Бу оқ девнинг уйи эди, энди нима қиламиз, ошининг ҳаммасини ичиб қўйдинг, келса сени ҳам, мени ҳам ўлдиради.

— Дев қайси кўчадан келади?— деб сўрабди Эржалолжон.

— Ҳув, ана у осмакўприк бор кўчадан келади,— дебди кампир.

Эржалолжон осмакўприкнинг тагига бориб ётибди. Бир замон узоқдан оқ от, оқ ит, оқ бўрон билан оқ дев кўринибди. Кўприкнинг олдига келиб от ҳам, ит ҳам ўтмабди. Шунда оқ дев:— Талпинма, отим, талпинма, итим. Бу ерда Эржалолжон тугур ойисининг арвоҳи ҳам йўқ,— дебди. У Эржалолжонни билар экан.

— Бу амакингми?— деб Эржалолжон осмакўприкнинг тегида чиқибди ва «отишми, тутушми?» дебди.

— Отиш,— дебди дев. Қирқ кун деганда Эржалолжон кўтариб туриб девни бир урибди, қулоғидан ерга киритиб юборибди. Қалласини олиб, осма кўприкка осиб, отни ҳам итни ҳам бойлаб, ўзи йўлга тушибди. Кетаверибди, кетаверибди, бир вақт бир сариқ дарвозанинг олдидан чиқиб қолибди. Эшикни тақиллатса бир сап-сариқ кампир чиқибди.

— Кел, болам, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган жойда нима қилиб юрибсан?— дебди.

— Қорним оч, овқат-повқатингиз борми?— дебди Эржалолжон:

Кампир уйга олиб кирибди. Бир қозонда ош пишиб турган экан.

— Озгина ича қол,— дебди.

Эржалолжон бир кўтаришда ошнинг ҳаммасини ичиб қўйибди.

— Вой бўй, бу уй сариқ девнинг уйи эди, ошнинг

ҳаммасини ичиб қўйдинг, келиб қолса сениям, мениям ейди. Қочиб қол, ўғлим,— дебди кампир.

— Сарик дев қайси йўлдан келади?— деб сўрабди Эржалолжон.

Кампир:

— Ҳув ана у осмакўприкдан ўтиб келади,— дебди.

Эржалолжон осмакўприкнинг тагига бориб ётибди. Узоқдан сарик от, сарик ит, сарик бўрон билан сарик дев келаётган эмиш. Кўприкнинг тепасига келса оти ҳам, ити ҳам ўтмабди.

— Талпинма, отим, талпинма, итим, бу жойда Эржалолжон тугур отасининг арвоҳи ҳам йўқ,— деган экан дев.

— Бу отангнинг арвоҳими,— деб Эржалолжон осмакўприкдан чиқибди-да.— Отишми тутишми?— дебди.

— Отиш,— дебди. Сарик дев оқ девдан кучлироқ экан, қирқ кун олишибди. Кўтариб туриб бир урган экан девни, сочидан ерга кириб кетибди. Калласини узиб, осмакўприкка осиб, от билан итни боғлаб равона бўлибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, бир юртга борса қоп-қора дарвоза кўринибди. Дарвозани тақиллатибди. Қоп-қора кампир дарвозани очибди.

— Кел, болам,— дебди.

— Ош-пошингиз борми?— деб сўрабди Эржалолжон. Кампир уни уйга олиб кирибди. Бир катта қозонда ош пишиб турган экан, кампир шундан «озгина ича қол» дебди. Эржалолжон бир ҳўплашда ҳаммасини ичиб қўйибди.

— Вой шўрим,— дебди кампир,— нима қилиб қўйдинг, қора дев келиб қолса сени ҳам, мени ҳам аспаласопинга жўнатади: қочиб қол, ўғлим, мен нима бўлсам бўлдим,— дебди.

— Қора дев қайси йўлдан келади?— деб сўрабди Эржалолжон кампирдан.

— Ҳув, осмакўприк бор томондан,— деб кўрсатибди кампир.

Эржалолжон осмакўприкнинг тагига тушиб ётибди. Узоқдан қора от, қора ит, қора бўрон билан қора дев келаётган экан. Кўприкнинг устига келиб от ҳам, ит ҳам ўтмабди. Дев:

— Талпинма, отим, талпинма, итим, бу ерда Эржалолжон тугур унинг арвоҳи ҳам йўқ,— деб бақирибди. Қора дев девлар ичида жуда кучлиси экан. Эржалолжон секин осмакўприк тагидан чиқиб:

— Бу Эржалол бўлмай ойингнинг эрими? Отиш қила-  
мизми, тутиш?— деб олиша кетибди.

Қирқ кун деганда қора девни ҳам кўтариб бир урибди.  
Калласини шартта олиб, қора отга миниб кампирни олди-  
га борибди.

— Эй буви, девни ўлдирдим, қаердан келган бўлсангиз  
кетаверинг. Девнинг нималари бор?— дебди. Кампир бо-  
лага қирқ ҳужранинг калитини берибди. Эржалолжон бир  
ҳужрага кирса нуқул тилла экан. Бир хуржунни тўлатибди.  
Бир ҳужрани очса, чиройли бир қиз ўтирган экан, уни  
ўзига олибди. Қора отга миниб, қизни орқасига мингашти-  
риб орқасига қайтибди. Сарик дарвозани қоқибди. Сарик  
кампир чиқибди.

— Буви, қаердан келган бўлсангиз кетаверинг, сарик  
девни ўлдирдим, девнинг нималари бор?— дебди.

Кампир қирқ ҳужранинг калитини берибди. Бола бири-  
ни очса, нуқул тилла экан. Бир хуржун тўлатиб олибди.  
Бир ҳужрани очса, бир қиз ўтирган экан. Уни кичкина  
акамга деб, хуржунни сарик отга уриб, қизни миндирибди.  
Шундан кейин ўзи қора отга миниб, сарик отни етаклаб  
оқ девнинг уйига қараб йўлга тушибди. Оқ дарвозани тақ-  
тақ урибди. Оқ кампир чиқибди.

— Буви,— дебди Эржалол,— мен девни ўлдирдим,  
энди сиз қаердан келган бўлсангиз кетаверинг. Менга ҳуж-  
раларнинг калитини беринг?— дебди. Кампир оқ дев ҳуж-  
раларнинг калитини берибди. Бола бир эшикни очса, кумуш  
тўла экан. Бир хуржунни тўлдириб олибди. Бир эшик-  
ни очса, бир қиз бор экан. Уни «катта акамга» деб оқ отга  
миндириб ўзи қора отга миниб, икки отни етаклаб, йўлга  
тушибди. Қайтиб келиб, борса келар-келмаси гумон кўчага  
кирибди. Йўлда кетаётса қорни очибди, бир ошпазнинг дў-  
конига кирибди. Тўрт порси ош чақирибди. Қараса кичик  
акаси шу ошпазнинг қўлида ишлаб юрган экан, кўзи тушиб  
қолибди. Ундан кейин акасини чақирибди. Акаси бўлса  
шу ошпазнинг ишини қилиб, оловини ёқиб, ошнинг қирмо-  
чини еб, кун кўриб юрган экан. Эржалолжон ошни еб бўл-  
гандан кейин:

— Ошпаз ака, хизматкорингизни юборинг, ошни пули-  
ни олиб кетсин,— дебди. Хизматкор келибди.

— Ака, мени танияпсизми? Укангиз Эржалол бўла-  
ман,— дебди.

Ака-ука қучоқлашиб кетибди. Кейин Эржалол ошпаз-  
ни чақирибди:



— Бу одамнинг сиздан қанча қарзи бор, шуни айтсангиз,— дебди.

Ошпаз унинг қарзларини санаб кўрсатибди. Кейин Эржалол ҳаммасини тўлаб, акасини қутқазиб олибди. Сариқ отга миндириб, сариқ отда келган қизни ҳам унга бериб, орқасига мингаштириб йўлга тушибди. «Борса келар» кўчанинг оғзига келиб, ўша томонга кириб кетишибди. Йўлда қоринлари очиб, бир сомсапазнинг дўконига тушишибди. Сомса чақиришибди. Сомсани сомсапазнинг хизматкори— жулдур-жулдур кийим кийган бир одам олиб келиб қўйибди. Қарасаалар ўз акалари экан. Ўзларини таништиришибди, қучоқлашиб кўришишибди. Сомсапазни чақириб қарзларини тўлашибди. Ундан кейин кийим-кечак кийгизиб, оқ отга миндириб, қизни ҳам орқасига мингаштириб уйларига қараб ҳайё ҳув деб, йўлга тушишибди. Йўлда кетаётганда акаларининг кўнгли бузилибди. Улар «укамиз шундай-шундай ишларни қилиб, отамизга буларни ошпазнинг, сомсапазнинг дўконидан топиб олиб келдим деса, ким деган одам бўламиз» деб укасини ўлдириш пайига тушибдилар. Йўлда бир қудуқ кўринибди. Шу жойда тўхтабдилар. Сувпув ичиб, отларни суғориб олайлик, дебдилар. Қудуқдан сув олишга арқонлари йўқ экан, отларнинг тизгинию юганларини улаб қудуқдан сув олмоқчи бўлибдилар. Эржалолжон қудуқдан энгашиб сув олмоқчи бўлганда акалари уни қудуққа итариб юборишибди. Кейин кетмоқчи бўлиб туришганларида, унга хотин бўлган қиз билдирмай қудуққа бориб, бекитиб қўйган сомсаларини унга ташлаб, битта милтиқ ҳам ташлабди. Қиз ўзича: «Қутулиб чиқса ов-пов қилиб, соғ-саломат уйга етиб олар», деб ўйлабди. Шундан кейин акалари отларни миниб, қизларни олиб кетибдилар. Бир вақт Эржалолжон ҳуши ўзига келиб қараса, қудуқда ётибди. Ўрнидан туриб у ёқ-бу ёққа қараса ёнида қоғозга ўралган сомса, бир милтиқ ётибди. Сомсани еб, милтиқни олиб, қудуқнинг икки четига оёғини қўйиб юқорига чиқибди. Суюнганидан чопиб кетаётган экан, оёғи жаз этиб кетибди. Қараса оёғини қилич кесиб кетибди. Акалари «қутулиб чиққудай бўлса шу қиличга тегиб майиб бўлсин» деб қудуқнинг олдига бир қилични кўндаланг қилиб кетган экан. Эржалолжон бир оёғи узилиб кетиб, нима қилишини билмай ўтирса, узоқдан бир нарса кўришибди. Қараса, бир чўлоқ бир кўрга опичиб олиб бир қуённи қувлаб кетяпти. Милтиғини қўлга ола солиб қуённи ўлмайдиган қилиб отибди. Кўо, чўлоқ билан танишиб ўр-

тоқ бўлиб олибди. Қуённи миниб олиб, улар билан бир макон топиб кун кўрайлик, деб йўлга тушишибди. Кетаётсалар бир қиз мушуги билан томда копток ўйнаётган экан. Эржалолжон уни бир юртга борсак чой-пой қўйиб берар, деб олиб қочиб келибди. Кейин бир жой топиб, ўша ерда кўр. чўлоқ, қиз яшашибди. Булар ҳар куни овга кетишар экан, қиз чой, ош қилиб турар экан. Ҳар куни улар овга кетишса. Эржалолжоннинг чўнтагидан битта майиз тушиб қолар экан, қиз мушуги билан уни доимо бўлиб ер экан. Бир куни мушуги «қани, опам менга майизнинг ярмини олиб қўярмикин» деб бекинибди. Қиз мушугини чақирибди. чақирибди, келмабди. Кейин қиз майизнинг ҳаммасини еб қўйибди. Бир вақт мушуги келиб: «Қани менинг майизим» — деб ҳархаша қилибди.

— Чақирдим, келмадинг. Кейин ўзим еб қўйдим. Эртага сен ҳаммасини ейсан, — дебди қиз мушугига. Мушук кўнмабди.

— Топиб берасан, бўлмаса оловингни ўчираман, — дебди-да, оловни титиб ўчириб қўйибди. Ош пиширишга олов қолмабди. Қиз бечора томга чиқиб қараса узоқдан йилт-йилт этган учқун кўринибди. Хокандозни кўтариб олов кўринган томонга қараб кетибди. Қиз борса бир кампир катта қозонда гўшт қовириб ўтирган экан.

— Кел, болам, — дебди ялмоғиз кампир.

— Келдим, буви. Озгина оловингиздан беринг? — дебди қиз.

— Бир айланиб битта гўштан олиб есанг бераман, — дебди кампир.

— Олдин ўзингиз кўрсатинг, — дебди қиз. Кампир қозонни бир айланиб, битта гўшт олиб ей деб турган экан, қиз уни қозонга итариб юбориб, оловни ола қочибди. Кампир ўнгланиб олиб кўчага чиқиб қараса, кўчада кул тўкилиб ётганини кўрибди. Кул тўкилган йўл билан бораверибди. Қараса бир уйнинг олдидан чиқибди, кирса ўша қиз ўтирганмиш.

— Жон болам, жуда бошим битлаб кетибди, боқиб қўй, — дебди кампир. Қиз кампирнинг бошини боқиб, қўйибди. Шундай қилиб, кампир ҳар куни келадиган бўлибди. Эржалолжон бир куни қараса қизнинг кундан кунга ранги кетаётган эмиш.

— Нима бўлди? — деб сўраса, қиз:

— Ҳар куни ялмоғиз кампир келиб, бош боқтиради, тиззамга бош қўйиб, ҳамма қонимни сўриб олади, — дебди.

— Бўлмаса, мен ҳовлидаги тутнинг устига чиқиб оламан, мушугинга айт, кампир келганда сен ҳовлида унинг бошини боқ, мушугинг сочини ўйнаб менга, тутнинг устига олиб чиқиб берсин,— дебди Эржалол ва ўзи тутга чиқиб олибди. Кўр билан чўлоқни бўйранинг тагига яшириб қўйибди. Бир вақт кампир келибди ва:

— Бошимни боқиб қўй, қизим,— дебди. Қиз кампирнинг бошини боқаётган экан, мушуги келиб кампирнинг сочини ўйнайверибди.

— Мушугинг нима қиляпти?— деб сўрабди кампир.

— Сизнинг сочингизни яхши кўриб, ўйнаяпти. У узун сочни яхши кўради,— дебди қиз.

Мушук кампирнинг сочини ўйнаб-ўйнаб лип этиб Эржалолга олиб чиқиб берибди. Эржалол кампирнинг сочидан тортиб тутга осиб қўйибди. Кейин:— Қизни нима қилдинг? Ют уни,— дебди. Кампир қизни ютибди.

— Ташла!— дебди Эржалол.

Кампир қизни ташлабди. Қиз жуда семириб тушибди. Кейин Эржалол бўйранинг тагида ётган чўлоқни ют, дебди. Кампир уни ютибди. «Ташла» дебди, ташлабди. Чўлоқ ҳам бутун бўлиб тушибди. Кейин кўрни ютдириб, уни асл ҳолига келтирибди. Кейин йигит ўйлаб-ўйлаб:— Ют ўзимни,— дебди. Кампир уни ютибди.

— Ташла,— дебди қиз, бошқалар ҳам айтибди. Кампир уни ташламабди. Ундан кейин осилиб ётган кампирни «ташла!» деб уришибди. Жуда жонидан ўтгандан кейин кампир ташлабди. Эржалол ҳам бут-бутун бўлиб тушибди. Шундан кейин Эржалол қизни уйига олиб бориб қўйиб, ўртоқлари билан хайрлашиб, уйига қараб йўл олибди. Йўлда қаландар кийимини кийиб кетаётган экан, уйига, отасига хабар беришиб:— Уғлинг қуп-қуруқ келяпти, келса отхонадан жой бер,— дейишибди.

Эржалол уйга келибди. Келса отаси ҳам у билан кўришмай отхонага жой қилиб берибди. Кейин келинлар чиқиб қараса Эржалолжон экан. Улар чуввос солиб у билан кўришиб кетишибди, отасига:

— Бизларни қутқазган шу эди,— дебдилар. Отаси катта акаларининг алдаганини кейин билибди.

Эржалолжон ўз хотини билан қучоқлашиб, отаси билан кўришиб, бўлган гапларнинг ҳаммасини айтиб берибди. Шундан сўнг тўй-томоша қилиб тинч-тотув яшай беришибди. Мурод-мақсадига етибди. Эржалолжон ҳам қариб, соқоли оёғига етибди.



## Беш қиз

Бор экан, йўқ экан, оч экан, тўқ экан, қарға қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан. Бурун замонда, Шарқ мамлакатларининг бирида, Калла бозор маҳалласида, жуда ҳам келишган, тоза ипакли кийимлар кийган, ўн беш ёшларида Кароматхон номли бир қиз яшар экан. У қиз бир кун қўлига яхши саватни кўтариб чиқиб, бозорга бориб, уйга керакли гўшт-ёғ, гуруч, савзи-пиёз ва шунга ўхшаган майдачуйда нарсаларни олибди. Олган нарсаларини кўтариб олиб бориш учун бозордан бир ҳаммол ёллаб, уйга жўнабди. Ҳаммол қўлидаги нарсаларни кўтариб қизнинг ҳовлисига келибди. У умрида бундай ҳовлини кўрмаган экан, ҳайрон бўлиб оғзи очилиб қолибди. Ҳовлининг ичи жуда чиройли экан. Катта ҳовли, уйлари остин-устун, ҳовлида ҳар турли мевали дарахтлар, меваларни оғзингга олсанг асалдан ҳам ширин. Ҳовлининг ўртасида катта ҳовуз. Ҳовузнинг атрофида бир-биридан чиройли тўртта супа бор экан. Супаларнинг устига анордай қизил гиламлар ёзилиб, атлас, шоҳи кўрпачалар солинган экан. Супаларнинг атрофларида турли-туман, хуш исли гуллар очилиб турган эмиш. Унинг зинасида икки ит олтин занжирда бойланган ҳолда ётар экан. Ҳаммол бу зийнатланган тоза ҳовлига кириб томоша қилиб турибди. Кароматхон уйга кириб, бир тилла олиб чиқиб ҳаммолга берибди. Ҳаммол қўлига тиллани олиб, бир тиллага, бир Кароматхонга қарабди. Бу аҳволни кўрган Мўътабархон: «Кароматхон, ҳаммолга яна бир тилла олиб чиқиб бер, оз кўрмасин!»— дебди. Кароматхон уйга кириб яна бир тилла олиб чиқиб берибди. Ҳаммол бу тиллани олиб ҳайрон бўлибди. Мўътабархон ҳаммолга:

— Нега ҳайрон бўлиб турибсиз, тилла озми?— дебди. Ҳаммол:

— Мен бу икки тиллани зўрға топар эдим. Сизлар-

нинг озгина нарсангизни кўтариб олиб келганимга икки тилла берганингизга ҳайронман. Менга ҳазилашиб бердингизми ёки ростданми?— деб сўрабди. Мўътабархон:

— Сиз билан нега ҳазиллашамиз, албатта, ростдан бердик,— дебди. Ҳаммол севиниб, хурсанд бўлиб тиллаларни чўнтагига солибди. Шу вақтда кўча дарвозасини биров тақиллатибди. Кароматхон югуриб чиқибди. Кўчада учта кўр йигит турган экан. Улар:

— Биз бир мусофир йигитлармиз. Агар мумкин бўлса бугун сизларнинг ҳовлингизда қўнсақ, эртага борадиган ерларимизга кетар эдик,— дебдилар. Кароматхон:

— Мен опамдан сўрай,— деб уйга кириб бу сўзларни Мўътабархонга айтибди. Мўътабархон:— Мусофирлар бўлса айт, кирсинлар!— дебди.

Кароматхон чиқиб кўрларни бошлаб кирибди. Кўрлар кириб Мўътабархонларга салом берибдилар. Мўътабархон уларнинг саломини қабул қилиб, безатилган супаларнинг бирига таклиф қилибди. Кўрлар чиқиб ўтирибдилар. Мўътабархон меҳмонлар олдига дастурхон ёзиб катта патнисга турли мевалар ва ширин нарсаларни қўйибди. Кароматхон самоварни келтирибди. Мўътабархон аччиқ памил чой дамлаб, пиёлага қўйиб меҳмонларга узатибди. Мўътабархон Мукаррамхонга:

— Сизлар овқатга ҳаракат қилинг!— дебди.

Мукаррамхон гўшт, савзи-пиёзни тўғраб, овқатга ҳаракат қилибди. Паловни дамлаб қўйибди. Мусофирлар чойларни ичиб бўлибдилар. Мўътабархон дастурхонларни йиғиштириб олиб:

— Мукаррамхон, уйдан дуторларни олиб чиқ, келган меҳмонларга бир соз чалиб берайлик!— дебди.

Мукаррамхон уйга кириб, дутор, ганбур ғижжак олиб чиқибди. Мўътабархон ғижжакни олибди, Мукаррамхон қўлига ганбур олибди, Кароматхон дутор чалиб, опасингиллар ашула бошлабдилар. Булар ўйин-томоша қилиб турсин. Эндиги сўзни бошқа ёқдан эшитинг.

Шу шаҳарнинг одил подшоси шу куни ўзининг доно вазири билан маслаҳатлашибди.

— Кечалари халқимиз нима ишлар билан машғул бўлар экан, бир синайлик,— дебди.

Вазир бу сўзни маъқул кўрибди. Иккаласи савдогар кийимларини кийиб, иккита отни миниб шаҳарни айланиб юриб, Мўътабархонларнинг маҳалласига келиб қолибди. Мўътабархонларнинг соз чалиб айтган ашулалари подшо-

нинг қулоғига эшитилибди. Подшо бу мунгли овозларни эшитиб ҳаваси келибди. Бир оз эшитиб туриб, подшо ва-зирнга:

— Шу ҳовлига кириб кўрайлик,— дебди.

Вазир: «хўп» дебди. Дарҳол отдан тушиб кўча дарво-засини тақиллатибдилар. Кароматхон бу овозни эшитиб дуторини қўйиб, югуриб чиқибди. Подшо:

— Биз мусофир савдогарлар эдик, кечаси келиб қай жойга боришимизни билмай, шу жойга келиб қолдик. Сиз-лар ҳали ётмаган экансизлар, сизлардан илтимос қилиб сўраймиз. Шу бугун бир кеча бизга ҳовлингиздан жой берсангиз, ётиб эртага борадиган жойларимизни топиб кет-сак,— дебди.

Кароматхон бу аҳволни Мўътабархонга гапирибди. Мўътабархон:

— Мусофирлар бўлса кирсин!—дебди.

Кароматхон чиқиб мусофирларни олиб кирибди. Подшо салом бериб ҳаммалари билан кўришибди. Мўътабархон бу меҳмонларга ҳам кўрлар қаторидан жой берибди. Янгит-дан дастурхон тортибди. Чойлар ичилиб бўлгандан кейин, Мўътабархон келган меҳмонлар олдига бир шарт қўйибди:

— Сизлар мусофирлар. Энди бизлар нима ҳаракат қилсак, ажабланиб савол берманглар. Агарда ҳаракатимиз устидан савол берсангиз қаттиқ жазо берамиз,— дебди.

Келган мусофирлар бунга рози бўлишибди. Мўътабар-хон ўрнидан туриб бир олтин лаганга палов сузиб подшо билан вазир олдига қўйибди. Иккинчи лагандагисини кўр-ларнинг олдига қўйибди. Учинчи лагандагини эса ҳаммол-га, тўртинчи лагандаги паловни ўзларининг олдиларига қўйишибди. Овқатдан кейин чой ичилибди. Ундан кейин дастурхонлар йиғиштирилиб яна ашула, соз, ўйин бошла-нибди. Ярим соат ўтгандан кейин, созларни уйга олиб ки-риб қўйибдилар. Мўътабархон Мукаррамхонга:

— Иккита кучукни келтир!— дебди.

Кароматхон қозондаги ошни иккита олтин товоққа сузиб келтирибди. Мўътабархон қамчи билан кучукни хол-дан кетгунча савалабди. Кучуклар худди одамдек йиғлар эмишлар. Мўътабархон ура-ура чарчабди. Қўлидаги қамчи-ни ташлаб, кучукларнинг бошларини силаб, юзларидан ўпиб, олтин товоқдаги ошни берибди. Кучуклар еб тўйган-дан кейин уларни яна ўз жойига боғлабди. Бу аҳволни кўрган мусофирлар ҳайрон қолибди. Айниқса, подшо ажабланиб тоқат қилолмасдан сўрашга мажбур бўлибди:

— Нима учун кучукларни урдингиз ва нима учун бошкўзларини силаб, ўпиб, олтин товоқда ош бердингиз?!— дебди.

Мўътабархоннинг аччиғи келиб:

— Мен сизларга айтган эдим-ку! Нимага савол бердингиз! Энди мендан хафа бўлманг, ўз гуноҳларингиз ўз бўйнингизда,— дебди-да, ўрнидан туриб уй ёнига бориб, бир тугмачани босган экан, шу заҳоти ўн полвон чиқиб:

— Нима хизмат, тақсир!— дебдилар. Мўътабархон:

— Мана бу икки савдогар билан учта кўрнинг оёқ-қўлларини бойланг,— деб буйруқ берибди. Полвонлар шу заҳоти буларнинг оёқ-қўлларини боғлабдилар. Мўътабархон полвонларга:

— Энди сизга рухсат, жойларингизга кириңг!— дебди.

Полвонлар тугмача босилган уйга кириб кетибдилар. Мўътабархон мусофирларга:

— Хўш, энди сизлар дунёда қандай ҳузур-ҳаловатлар кўрдингиз ва қандай азоб-уқубатлар чекдингиз, шуларни бирма-бир менга айтиб берингиз. Мен шу сизларнинг торган роҳат ва азобларингизга қараб жазо бераман,— дебди.

Оёқ-қўллари боғланган бечоралар бунга рози бўлибдилар.

### Биринчи мусофирнинг ҳикояси

— Мен Доғистон шаҳар подшосининг ўғли Шоҳанбор шаҳзода бўламан. Ун тўрт ёшда эдим. Бир куни отам доно вазири билан мени овга олиб чиқди. Мен отам билан ов овлаб, у ёқ-бу ёқни айланиб юрдим. Овни овлаб бўлганимиздан кейин отам билан вазир иккаласи дам олиб ўтирдим. Мен ҳам ўтирдим. Бир вақтда милтиқни қўлимга олиб қарасам, ўқ турадиган жойи қирилиб қолибди. Ичида ўқи борлигини билмасдан отиладиган жойини босиб юборибман. Ўқ отилиб вазирнинг кўзига тегди. Унинг бир кўзи кўр бўлиб қолди. Отам мени сўқди. Мен:

— Ота, милтиқ ичида ўқ йўқ деб, босган эдим. Қачон ўқ солганимни ўзим ҳам билмайман, деб, қўрқиб йиғладим. Вазирнинг жуда аччиғи келди. Лекин отамдан қўрққанидан ҳеч нарса қилолмади. Шунинг билан овлаган нарсаларимизни олиб шаҳарга кетдик. Орадан уч-тўрт ой ўтгандан кейин отам менга:

— Ўғлим, энди сен амакингнинг олдига бориб, шу ерла ўқигин. Вазирнинг кўзи кўр бўлганидан бери авзойи бош-

қача бўлиб қолди. Мен кўрқаман, яна мен йўқ вақтимда бир нарса қилиб қўймасин!— деди.

Мен отамнинг гапига кўндим. Отам мени бир қанча аскар билан эртасига Бўстон шаҳрига узатди. Биз кемага тушиб бир неча кун юриб Бўстон шаҳрига келдик. Амаким Бўстон шаҳрининг подшоси эди. Отам менинг кетганимни амакимга хабар қилган экан. Амаким бир қанча аскарлар билан келиб мени қарши олди. Уйларига бориб бир-икки ой меҳмон бўлганимдан кейин, амакимнинг ўғли билан қизи ўқийдиган мактабга кириб ўқиб юрдим. Амакимнинг ўғли мендан тўрт ёш катта эди. Икки йил ўқиганимиздан кейин амакимнинг ўғли шаҳзода Турсун синглиси Тўлғонойга хуштор бўлиб қолган экан. Тўлғоной ҳам акасига хуштор бўлибди. Мен бу аҳволни кўриб ҳайрон бўлдим, лекин амакимга бу аҳволни айтмадим. Кунларнинг бирида амаким бу гапни эшитиб қолибди. Аччиғи келиб қизи Тўлғонойга алоҳида бир сарой солдирди, мактабдан чиқариб шу саройга қўйди. Қирқта канизак қизлари бўлса ҳам подшо ишонмасдан бир қанча ясовуларни қоровул қилиб қўйди.

— Агар ўғлим шу жойга келадиган бўлса тутиб дарҳол менинг ҳузуримга келтиринг,— деб буйруқ берди.

Орадан бир йил ўтгандан кейин амакимнинг ўғли мени чақириб олиб:

— Укам, бизнинг аҳволимиз жуда оғир. Шу оғирликларни кўраман десанг, бугун мен сени бир жойга олиб бораман,— деди. Мен ажабланиб:

— Майли, борсам бора қолай,— дедим.

Амакимнинг ўғли худди намозгарда кетамиз,— деди.

Хўп дедим. Уқишни ўқиб, қайтиб уйга келдик. Овқатларни еб чиқиб кетдик. Бозор айланиб юриб кунни кеч қилдик. Намозгарда айтган жойига мени олиб борди. У вақтда қоронғи тушган эди. Мени кўчада қолдириб ўзи бир ҳовлига кириб кетди. Бир оздан кейин бир қопни елкасига қўйиб кўтариб чиқди.

— Юр!— деди. Мен ҳам юравердим, шаҳарнинг четига чиқиб қопнинг оғзини ешди. Қарасам, қопнинг ичидан синглиси Тўлғоной чиқди. Мен жуда ҳайрон бўлдим. Амакимнинг ўғли ўн қадам олға бориб қумни тортган эди эшик чиқди. Эшикни очиб синглисини киргизиб юбордида, менга қўлини бериб:

— Хайр, укам энди сен биздан рози бўл, қиёматда кўришармиз. Бизларнинг охириги аҳволимиз маца шу



бўлди. Бу кўрган сиригни ҳеч кимга айтмагин. Кетар вақтингда қумларни эшикка тортиб боягидай қилиб кет!— деди.

Ичкари кириб эшикни ёпди. Мен айтганидай қилиб эшикни қумга кўмиб кетдим. Уйга борсам амаким:

— Турсунни кўрдингми?— деди. Мен:

— Эрталабдан бери бирга эдик, бир жойга бораман деб кетгандан бери кўрмадим,— дедим.

Уғил-қизни роса ахтаришди. Орадан икки ой ўтди. Мен ўқишимни тамом қилиб ўз ота шаҳримга жўнамоқчи бўлдим. Қарасам, амаким ўғил-қизини ахтаравериб жуда оғир аҳволга тушиб қолди. Буларнинг аҳволларини кўриб раҳмим келди. Бўлган воқеани амакимга сўйлаб бердим. Амаким:

— Мени ўша жойга бошлаб боргин,— деди.

Мен амакимни бошлаб бориб ҳалиги эшикни очдим. Ичкари кирсак, булар ер остига бир уй солдирган эканлар. Иккаласи биргалашиб қучоқлашиб ётган жойда, жони чиқиб қоп-қора кўмир бўлиб, куйиб кетишибди. Амаким бу аҳволни кўриб:

— Сенларнинг тортадиган азобларинг шу эди: Мен сенларга бу азобни беришга худодан кўрққан эдим. Аммо сенларнинг қилган ярамас ишларингга худои таолонинг қаҳри келиб, менинг кўнглимдагидай жазони берибди,— деб уйдан чиқди.

Мен ҳам бирга чиқиб эшикни ёпиб, боягидай қилиб устига қум тортидим. Амаким иккаламиз уйга қайтдик. Орадан бир ҳафта ўтгандан сўнг мен амакимдан шаҳаримга кетишга ижозат сўрадим. Амаким:

— Кетма, менга ўғил бўл!— деди. Мен:

— Отам ёнига бориб кўриб, ундан кейин келай!— дедим.

Амаким рози бўлиб бир қанча совға-саломлар бериб, бир қанча аскарлар билан жўнатди. Отамнинг номига, ўғлинг кетди, деб хат бериб юборди. Биз кемага тушиб жўнадик. Бир неча кун йўл юриб, шаҳримизнинг четига соҳилга тушдик. Овқат қилиб еб, янги кийимларимни кийиб турсам, бир тўп аскарлар кўринди. Мен:

«Отамнинг аскарлари мени қарши олиш учун келаётибди», деб қараб турсам, аскарлар кела солиб қўл-оёғимни бойладилар. Аскарларимни қириб, мени олиб кетишди. Зиндонга ташладилар. Зиндонда икки кун оч ётдим. Учинчи кунни подшо олдига олиб чиқишди. Қарасам, отам ўлиб,

отамнинг ўрнига кўр вазир подшо бўлган экан. Мендан ўч олмоқ учун бу ишларни қилган экан. Подшо бўлган вазир газаб билан ёнимга келиб:

— Эсингда борми, менинг кўзимни кўр қилгансан? — деб қўлини кўзимга тиқиб шу замон бир кўзимни кўр қилди. Бу азобни оз кўриб дарҳол жаллод чақирди-да:

— Бу бадбахтни чопинг! — деб буюрди.

Жаллодлар мени чопишга олиб кетдилар. Мен жаллодларга ялиндим, йиғладим, ўзимни уларга танитдим. Бу жаллодлар отамнинг жаллодлари эди. Менга раҳмилари келиб, бўлмасам бу шаҳардан қочиб, бошқа шаҳарга кет, кетмасанг подшо билиб қолса сени ҳам, бизни ҳам калла-мизни олади, дейишди. Кетишга қасам ичдим. Жаллодлар мени қўйиб юборишди. Мен уларга минг-минг раҳматлар айтиб қолдим. Жаллодлар кетдилар. Мен ўн кун йўл юриб, қанча азоблар чекиб шаҳрингизга келдим. Чойхонага кириб чой ичиб ўтирган эдим, бу икки ўртоқ, шу ерга кирдилар. Булар билан танишиб, ҳузурингизга қадам босган эдик, — деб сўзини тўхтатди.

Муътабархон:

— Кароматхон, бу акангнинг оёқ-қўлларини ечиб юбор ўзининг тортган азоблари ҳам оз эмас экан, — дебди.

Кароматхон дарҳол унинг оёқ-қўлларини ечиб юборибди, Муътабархон иккинчи кўрга:

— Қани, йигит, энди сизга навбат, — дебди.

### Иккинчи мусофирнинг ҳикояси

— Мен Канъон шаҳар подшосининг ўғли шаҳзода Ғулом бўламан. Мени отам ўқитди. Яхши илмни бўлдим. Жуда чиройли хат ёзар эдим. Хатимни кўрганлар ҳавас қилишарди. Менинг шунчали ҳушхатлигимни Ҳирот шаҳрининг подшоси эшитиб: «Шу ўғлингни менга юбор. Ўзимга котиб қиламан деб отамга хат юборибди. Отам менга айтди. Мен рози бўлмадим. Отам айтдиларки:

— Ўғлим, ўзингга маълум, ул катта подшо. Мен унга тобеман. Сен бормасанг, менга ўчакишади, — деди.

Отамнинг бу сўзини эшитиб:

— Майли, борсам борай, — дедим.

Эртасига отам мени беш юз аскар билан Ҳиротга жўнатди. Биз бир неча кун йўл юриб, Ҳирот шаҳрининг бир четига бориб тушдик. Шу ерда овқатландик. Бир маҳал

ҳаммамиз милтиқларни бир жойга тўплаб қўйиб дам олиб ётдик. Орадан бир оз вақт ўтгач, эшикка чиқдим. Таҳорат қилаётсам тапур-тупур отларнинг оёқ товуши келди. Мен, Ҳирот подшоси менинг олдимга аскар юборибди деб ўйладим-да, кириб аскарларимга гапириб турган эдим, ҳалиги отлиқ аскарлар келиб бизларга ҳужум қилдилар. Аскарларимни отганини отди, чопганини чопди. Мен қўрққанымдан ўликлар орасига кириб, ўлган бўлиб ётиб олдим. Битта ҳам аскарларим қолмади. Ҳаммасини ўлдириб, молларимизни олиб чиқиб кетдилар. Кейин билсам, булар босмачилар экан. Эртасига ўликлар орасидан чиқиб шаҳарга жўнадим. Шу аҳволим билан подшо олдига боришга номус қилдим. Айланиб юриб бир мошиначилик дўконига кўзим тушиб қолди. Кириб салом бердим. У мошиначи саломимни қабул қилиб, менга жой кўрсатди. Утирдим. Ул киши:

— Сиз ким бўласиз, қаердан келдингиз?— деб сўради. Мен бошимдан ўтган ишларни гапирдим, ҳам:

— Подшо олдига келаётиб, босмачиларга учраб шу фалокатларга учрадим. Подшо олдига боришга номус қилман, агарда имконият бўлса сизнинг олдингизда бир неча вақт ишлаб, ўзимни тузатиб, кейин подшо олдига борсам,— деб илтимос қилдим. Мошиначи:

— Болам, мен бу гаплардан хабардорман. Подшо олдига бормай менинг олдимга келиб яхши қилибсан. Бахтингга кўрадиган умринг бор экан,— деди. Мен:

— Бу нима деганингиз, мен тушуна олмадим?— дедим. Мошиначи сўзни бошлаб подшоҳимиз сенинг отангга ўч. Қандай бўлмасин бу ерга олиб келиб, отангни подшодликдан махрум қилмоқчи,— деди. Мен:

— Сиз бу ишларни қайдан биласиз?— дедим. Мошиначи:

— Мен подшонинг кийимларини тикадиган мошиначиман. Бир вақт вазир билан подшо сенинг тўғрингда маслаҳатлашиб ўтирганида эшитдим.

Мен подшонинг бузиқ ниятини эшитиб хафа бўлдим. Мошиначи бечора яхши одам экан, хафа бўлма, ўғлим, эртага мен сени ўтинчиларга қўшиб қўяй, бир оз вақт ўтин сотиб юриб, кийимларингни тузатиб олиб, бу шаҳардан қайтиб кетарсан, деди.

Мен бунга рози бўлдим. Шу куни мошиначининг уйида меҳмон бўлиб ётдим. Эртасига ўтинчилар билан танишдим. Қўлимга болта, арқон олиб ўтинчилик қила бошладим. Бир

куни бошқалардан бурунроқ туриб, арқон, болтани олиб ўтинга кетдим. Тоғларни оралаб юрсам, бир жойда бир туп қуруқ дарахт турибди. Мен шу дарахтни йиқитсам анчагина ўтинли бўлиб қоламан, деб ўйладим. Дарахтнинг тагини болта билан чопдим, бўлмади. Кейин белидан арқон солиб тортган эдим, илдиз-пилдизи билан қўпорилиб чиқди. Кўзимга дарахт илдизи тагида бир гор кўринди. Бу қандай гор экан деб, ичкари кириб битта эшик кўрдим. Эшикни очсам бир қиз ўтирибди. Ой деса оғзи бор, кун деса кўзи бор. Шундай келишган чиройли қизни ҳеч учратмаган эдим. Қиз:

— Вой ўлай, одомзодмисиз? — деди. Мен: «Албатта», дедим. Қиз югуриб келиб:

— Одамзодни ҳам кўрар эканман, — деб кўришиб, йиғлайверди. Менга атлас кўрпачалар солиб ўтиришга таклиф қилди. Мен ўтирдим. Ўрнидан туриб, енгларини шимариб овқат қилиб, менинг олдимга қўйди. Мен овқат еб ўтириб:

— Сиз ким бўласиз, бу ерда нима қилиб юрибсиз? — дедим.

Қиз сўз бошлаб:

— Мен Парси шаҳар подшосининг қизи Кумушхон бўламан, ўн беш ёшимда менга бир дев хуштор бўлиб қолиб, бир кечада ўғирлаб келган. Мени шу ерда боқиб юради, — деди. Мен:

— Қачон олиб қочган? — дедим. Кумушхон:

— Икки йил бўлди, — деди бу горнинг ичида юрганча қочиб кетсангиз бўлмайдимиз? — дедим. Қиз:

— Ҳеч қочишнинг иложи йўқ, — деди. Мен:

— Дев қаерда ва қачон келади? — дедим. Кумушхон:

— Ҳозир Кўҳиқофда қирқ кунда бир келиб кетади, — деди. Агарда уйда бир нарсадан қўрқсангиз девни қандай чақирасиз? — деб сўрадим. Кумушхон:

— Менга керак бўлса, мана бу тугмачани боссам шу замон дев келади, — деди. Қиз у ёқ-бу ёққа қараганда мен ўйнаб ҳалиги тугмачани босиб қўйдим. Шу замон ҳаво булутланиб бўрон турди. Кумушхон:

— Вой энди ўлмай қачон ўламан? Сиз девни чақириб қўйибсиз, келаётибди, қочинг, — деб йўл кўрсатди. Мен қочиб кетдим. Шу уйга бориб қўрққанымдан қимирламай ётавердим. Дев келиб қиздан:

— Нима гап, нима сўз? — деб сўрабди. Қиз:

— Ҳеч гап йўқ. яхши овқат пиширган эдим, биргалашиб ейлик деб чақирдим, — дебди. Дев индамай овқатни еб, кўчадаги арқон, болтани олиб одам суратида тўғри мошиначининг ёнига келиб:

— Бу болта билан арқон кимники? — дебди. Мошиначи билмайман, ўтинчилардан сўранг, ҳали битта ўтинчи қайтиб келган эди. Шуникимикин, — дебди.

Девнинг менинг ёнимга одам суратида келгандан хабарим йўқ. У:

— Арқон билан болта сизникими? — деб сўради.

Мен тўғриси айтдим, ҳа меники, дедим. Дев мени қўлтиғига қисиб ҳавога кўтарилди. У тўғри Кумушхоннинг олдига олиб кириб, қўлимга бир қилич берди, қизни чоп! — деди. Мен:

— Бекордан бекорга нимага чопаман, — деб унамадим. Мендан қиличини тортиб олиб Кумушхонга борди: — Йигитни чоп! — деди. Қиз ҳам:

— Мен бекорга нега чопаман, гуноҳи бўлмаса, — деди.

Дев жаҳл билан қиличини тортиб олиб, қизни бурдабурда қилиб ташлади. Қизни чопиб бўлиб: — Энди сени қандай қилиб ўлдирай? — деди. Мен:

— Ихтиёр ўзингизда, — дедим.

Бир нарса уни ўқиб менга пуфлаган эди, мен шу замон маймун бўлиб қолдим. Дев мени кўтариб осмонга учди. Юриб-юриб кейин бир дашти-биёбонга ташлаб юборди. Мен маймун бўлиб дарахтма-дарахт сакраб беш-олти кун юрдим. Маймун суратида бўлганим билан ақлим бор. Фақат тилим йўқ эди. Бир ҳафтадан кейин дарахтга чиқиб ўтирсам бир кема келаётир. Дарров дарё бўйлаб кеманинг орқасидан борсам у соҳилга келиб тўхтади. Мен четга қараб турдим. Одамлар тушдилар. Яна одамлар чиқишди. Кемада қўнғироқ чалинганда мен кемага сакраб чиқиб олдим. Утирган одамлар. «Бу кема ҳайдовчининг маймуни бўлса керак», деб йўл бўшатдилар. Мен тўғри кема бошлиғи ёнига кириб кўришгани қўлимни узатдим. Кема бошлиғи кулиб қўл берди. Унинг ёрдамчиси бор экан, у ҳайрон бўлиб қолди. Кема бошлиғи: «Бу бировларнинг боққан маймуни бўлса керак, адашиб бизга келибди», деди. Унинг гапига тушуниб ўтирдим. Бир неча кун йўл юрдик. Кунлардан бир куни бошлиқ ёрдамчиси билан шахмат ўйнадилар. Мен уларнинг ўйнаганига қараб ўтирдим. Бошлиқ икки мартаба мот қилди. Шундан кейин ўйинни тўхтатдилар. Мен бошлиқ билан ўйнамоқчи бўлиб, унга ишорат

қилдим. Бошлиқ менинг бу сўзимга тушуниб, рози бўлди. Шахмат ўйнадик. Мен бошлиқни мот қилдим. Бошлиқ билан ёрдамчиси бунга ҳайрон бўлишди. Уйинни тамом қилдик. У куни тонг отгандан кейин Қуддус шаҳрига келиб тўхтадик. Бир вақт қарасам кема ичидаги одамлар ариза ёзиб ҳар бирлари уни алоҳида конвертга солдилар. Мен бошлиқдан ишорат билан қалам-қоғоз сўрадим. Бошлиқ сўзимга тушуниб, менга қалам-қоғоз берди. Мен ўтириб ариза ёздим. Бошлиқ менинг хатимга қараб ажабланди. Ёзиб бўлиб, конвертга солиб бошлиққа бердим. Бошлиқ ҳамма одамларнинг аризаларини йиғиб, шу шаҳарнинг подшога олиб кетди. Ариза ёзишимизнинг сабаби, подшога чиройли хат ёзадиган котиб керак бўлган экан. Бошлиқ аризаларни подшога берибди. Подшо хатларни очиб кўриб, менинг ёзган хатимни ёқтириб қолибди:

— Шу одамни менга келтиринг!— дебди. Бошлиқ, подшога қараб кулиб:

— Подшоҳим, буни ёзган одамзод эмас, маймун,— дебди.

Подшо ажабланибди.

— У кимнинг маймуни?— дебди. Бошлиқ:

— Адашиб кемага тушиб қолган. Биз ҳам бирга олиб келавердик,— дебди. Подшо:

— Майли, келтиринг!— дебди. Бошлиқ мени олиб подшо олдига олиб келди. Подшо менинг қўлимга қоғоз берди. Мен бу сафар ошиқмасдан илгаригидан ҳам чиройлироқ қилиб ариза ёздим. Подшо:

— Маймуннинг хат ёзганини энди кўрдим,— деб кулди ва мени ўзига котибликка олиб қолди.

Бошлиқ кетди. Эртасига, подшо мени хотини олдига олиб кирди. Хотини менга овқатлар берди. Подшонинг ўқиб илмдон бўлган ўн саккиз ёшларда бир қизи бор экан. Уни келтириш учун хизматкорлардан бирини юборди. Хизматчи бориб қизни олиб келди. Қиз эшикни очиб орқасига қайтди. Подшо:

— Кир, қизим! Бу ерда мен, бувинг, маймундан бошқа ҳеч ким йўқ, — деди. Қиз:

— Кирмайман, у маймун эмас, одам,— деди. Подшо:

— Мен сени кўрсин деб, чақирган эдим, киравер,— деди.

Қиз кирди, менга қараб, подшога:

— Ота, бу одамзод, маймун эмас,— деди. Подшо:

— Қандай билдинг,— деди. Қиз:

— Алабатта, биламан. Бу одам жоду қилинган, — деди.

— Аслига келтириш мумкин бўладими? — деди подшо. Қиз:

— Бўлади, лекин жуда қийин, — деди. Подшо:

— Қизим, агарда одам шаклига келтиришнинг иложи бўлса, сен ўқиб қайтар. Мен буни ўзимга котиб қилиб оламан, — деди.

Қиз отасининг сўзини қайтара олмай, хўп, деди. Шу кун кечаси билан ўқиб тонг отганда, мени одам суратига киргизди. Подшо билан хотини мен билан қайтадан кўришди. Бир оздан кейин подшонинг боғига чиқиб ўтирган эдик. Шу орада осмонда бир каптар пайдо бўлди. Қиз ўрнидан туриб:

— Сени жоду қилган дев мен билан курашишга келди, — деди.

Ўзи ўқиб катта бир қора қуш бўлиб, учиб каптар билан олишди. Каптар ерга тушиб бир юмаланиб ит бўлди. Қиз бир юмалаб шер бўлди-да, яна олишди. Улар роса олишиб бир-бирларини енгиша олмади. Қизнинг аччиги келди. Бир катта ўт бўлиб девни куйдирди. Шу вақтда бир кўзимга сачраб кўзим кўр бўлди. Қиз девни куйдириб ўзи ҳам ўлди. Буни кўриб қизнинг онасининг юраги ёрилиб ўлди. Подшонинг ғазаби келиб:

— Йўқол, ҳароми, менинг шаҳримда турма! Мен сенга яхшилик қиламан деб, хотинимдан, боламдан ажралдим, — деб мени ҳайдаб юборди. Улдирмай ҳайдаб юборганига минг бор шукурлар қилиб яп-яланғоч, азоблар чекиб, неча кун йўл юриб, шу шаҳарга келдим. Чойхонага кириб, бу ўртоқлар билан танишдим, чойхонадан чиқиб сизнинг уйингизга келдик, деб сўзни тамом қилибди иккинчи мусофир. Мўътабархон:

— Кароматхон, бу акангнинг ҳам оёқ-қўлларини ешиб юбор, ўзининг тортган азоблари ҳам етар экан, — дебди.

Кароматхон шу заҳоти унинг оёқ-қўлларини ечибди. Мўътабархон учинчи кўр мусофирга:

— Қани йигит, сизга навбат! — дебди.

У ҳам бошидан ўтганларини ҳикоя қила бошлабди.

### Учинчи мусофирнинг ҳикояси

— Мен ҳам Миср подшосининг ўғли шаҳзода Баҳром бўламан. Мен ҳар йили бир мартаба ўртоқларим билан

кемага тушиб Қуддус шаҳрига бориб, томоша қилиб қайтар эдим. Кунларнинг бирида ўртоқларим билан кемага тушиб Қуддус шаҳрига йўл олдим. Қаттиқ бўрон бўлди, дарё тўқинланиб, тошиб кетди. Олти-етти кун бўлди ҳамки, манзилга етолмадик. Бўрон тўхтади. Мен кема бошлиғи олдига кириб:

— Бугун етти кун бўлди. Нима учун шу вақтгача манзилга етолмаймиз, — деб сўрадим. Бошлиқ хафа бўлиб:

— Шаҳзодам, бўрон-тўқинларида йўлдан адашибмиз. Энди жонингизни қутқаришни ўйланг. Мана бу кўринган ёнар тоғнинг магнети бизларни ўзига тортиб боради, — деб йиғлаб юборди.

Мен қўрққанимдан шу замон ўзимни дарёга ташладим. Кема ёнар тоққа урилиб ҳалок бўлди. Мен дарёда икки кеча-кундуз оқиб-оқиб бир оролга келдим. Қарасам, ҳамма ёқ сув. Ичимда энди ўларканман, дедим. Сувда оқиб жуда ҳолсизланган эканман, шу ерда таваккал қилиб дам олдим. Ётиб ухладим. Бир маҳал туш кўрдим. Тушимда Хизр бувам:

— Ўғлим, хафа бўлма. Урнингдан туриб ўн беш қадам олдинга қараб юр. Шу жойда бир эски уй бор. Қўрқмасдан, бисмилло, деб эшикни очиб ичкари кир. Унг тарафдаги томда ҳазрат Алидан қолган бир милтиқ ўқи билан осиглиқ турибди. Қўлингга олиб йигирма қадам ўнг қўлга қараб юрсанг, бир тепада мисдан ясалган бир от бор. Отнинг устида қалқон ушлаб ўтирган бир одам бор, кўзига кўринмасдан яшириниб туриб ҳалиги одамни кўзлаб отсанг ул одам дарёга юмалаб тушади-да, сенга бир кема билан келади, сен гапирмасдан, оят ўқимасдан кемага тушгин, сени дарёдан бир четга чиқариб қўяди. У одам сув эгаси бўлади, — деди. Урнимдан сакраб турдим, тушимда кўрган нарсаларни қилиб кўрай деб, ўн беш қадам олдинга юрдим. Бир эски уй учради. Бисмилло, деб эшикни очиб уйга кирсам, битта милтиқ ўнг тарафдаги деволга осиглиқ турибди. Қўлимга олиб қарасам ўқи бор экан. Олиб чиқиб йигирма қадам ўнг қўл тарафга қараб юрдим. Қарасам бир тепаликда мисдан ясалган от устида қалқон тутган одам ўтирибди, кўзига кўринмай йироқдан отган эдим, ул одамга ўқ тегиб дарёга қулаб тушди. Кўп ўтмай бир кема пайдо бўлди. Мен индамасдан кемага тушдим. Кема йўлга тушди. Дарё четига яқин қолганда бекордан бекорга мени қўрқув босди. Шунда ё олдо, деб



юборибман, шу заҳоти кема ғойиб бўлди. Суза-суза ўлар ҳолатда зўрға қирғоққа чиқдим. Қулоғимга бўриларнинг овози келди. Қўрққанамдан бир катта дарахтнинг устига чирмашиб чиқиб олдим. Бир оздан кейин дарёда кема пайдо бўлди. У қирғоққа келиб тўхтади. Кемадан уч киши тушиб, юз қадамча юришди-да, уюлиб ётган тиконни олиб ташлаб остига кириб кетишди. Мен ҳайрон бўлдим. Бир вақт қарасам, ер остига кириб кетган одамларнинг бири қолиб иккитаси чиқди-да, кемага ўтириб жўнаб кетди. Улар кетгандан кейин дарахтдан тушиб ҳалиги жойга бордим. Чангални олиб ташласам, бир эшик пайдо бўлди, очиб кирсам, ер остида узун кетган йўл бор экан. Ҳалиги йўл билан боравердим. Яна бир эшикни очдим, қарасам, остин-устун уй, ҳайрон бўлиб турсам, бир ёш йигит уйдан чиқиб қолди. У жон ҳолатда:

— Жон Баҳром, мени ўлдирманг! — деб оёғимга йиқилиб йиғлади. Мен бу болани ҳеч танимасдим. Унинг исми мени билганига ажабландим.

— Сиз менинг исми мени қаердан билдингиз, — деб сўрадим. Йигит:

— Мен Канъон шаҳридаги Жалолбойнинг ўғли Иброҳим бўламан, отам бир куни бир катта мунажжимга менинг бахтим учун фол очирган экан. У киши ўглингизнинг ўлими Шаҳзода Баҳромнинг қўлида, қирқ кунда Мисрдан келиб ўлдиради, деган экан. Отам қўрқиб шу жойга иморат қилиб, мени сиздан қочириб келтирди. Мана бугун қирқинчи кун, — деди. Мен унга:

— Ёлғон. Мен сени бекордан бекорга нега ўлдираман? Менга ҳеч зарар қилган эмассан, мана энди мен сен билан танишдим. Бошимга оғир кунлар тушиб шу жойларга келиб қолдим. Энди сен менга ини бўл, мен ака бўлай, — дедим. Йигит жуда суюниб ўрнидан туриб пасдаги уйга бошлаб кирди. Уйлари жуда ясатилган экан, ҳавасим келди. Йигитнинг ҳар турли пиширилган тайёр овқатлари бор экан, олдимга қўйди, мен неча кунлардан бери оч эдим. Ёб тўйдим. Бир вақт Иброҳим:

— Юқоридаги уйда тарвуз бор, олиб чиқай, — деди. Мен:

— Сиз ўтиринг, мен олиб чиқай, — дедим. Зинага чиқаётсам, Иброҳим:

— Баҳром, ака, пичоқни ҳам олачиқинг! — деди. Хўп дедим, тарвуз жуда катта экан, пичоқни олиб тарвузга санчиб зинадан тушиб келаётган эдим, қоқилиб кетдим.

Қўлимдан тарвуз тушиб кетиб, боланинг юрагига пичоқ санчилиб ўлиб қолди. Жуда хафа бўлиб йиғладим. Тарвуз емай ўлай дедим. Урнимдан туриб нима қиларимни билмай қайтиб ҳалиги дарахт устига чиқиб бир кечани ўтказдим. Эртасига дарёда яна кема кўринди. У Иброҳимни олиб келган кема экан. Ундан беш киши тушиб, Иброҳим ётган жойга кириб кетди. Бир оздан кейин йиғлаб Иброҳимни кўтариб чиқишди-да, кемага солиб жўнаб кетишди. Улар кетгандан кейин дарахт устидан тушдим. Иброҳим турган уйга кириб, қолган нонларни еб бир неча кун турдим. Бир куни дарёга чиқсам, дарёнинг суви ўзидан ўзи қуриб кетибди. Мен суюниб дарёнинг ул тарафига ўтдим. Қибла томонга қараб бир кун юрганимдан кейин бир шаҳар келди. Шаҳарда масжидга кирсам қаландарлар зикр қилиб, йиғлаб ўтиришибди. Олдига бордим, ҳеч йиғлашдан тўхтамадилар. Мен улардан нима учун йиғлайсиз?— деб сўрашга қўрқдим. Шу вақтда бир қаландар таҳоратга чиқиб қолди. Мен орқасидан чиқиб:

— Ҳой ака, нима учун йиғлайсизлар? — дедим. У одам:

— Агарда бу сирни билмоқ истасанг бозорга бориб катта қўйни олиб кел. Сўйиб гўштини бизларга берсанг, ўзинг терисига кириб турсанг шундан кейин биз сенга бу сирларни айтамыз, — деди.

Шундан кейин мен ўйлаб, майли, нима бўлсам бўлай. Шу қаландарларнинг сирларини билай дедим-да, бозорга бориб бир катта қўй олиб келиб, сўйиб гўштини уларга бериб ўзим терисига кириб ётдим. Бир вақтда бир катта семурғ қуш учиб тушиб, мени кўтариб олиб кетди. Бир чўл-биёбонга борганда ерга тушиб, мени емоқчи бўлди, мен тери ичидан чиққан эдим, семурғ қуш мендан қўрқиб учиб кетди. Мен яна чўл-биёбонда қолдим. Атрофимга қарасам яқин ўртада шаҳар кўринмайди. Таваккал, деб бир тарафга қараб бир неча кун юрдим, бир боғ кўринди. Яқин борсам атрофлари девор билан ўралган қўрғон экан. Бориб эшигини тақиллатдим. Бир қиз югуриб чиқди. Мен у қизга ўзимнинг аҳволларимни баён қилдим. Қиз:

— Бу жой парилар подшосининг қизининг жойи. Мен кириб сўрай, рухсат берса чиқиб айтаман, — деб кириб кетди. Бир оздан кейин бир неча қизлар чиқиб мени бошлаб, парилар подшосининг қизи олдига олиб кирдилар-да, ўзлари чиқиб кетдилар. Мен шу жойда ўтириб, бошимдан

ўтган ишларни қизга айтиб бердим. Ҳам қиздан сўрадим!

— Нима сабабдан ўз шаҳрингизда турмай бу чўл-биёбонга келиб иморат солиб, боғ-бўстон қилиб ўтирасиз, — дедим. Қиз:

— Менинг отам париларнинг подшоси. Менга девлар хуштор бўлиб қолишди, отам девлардан қочриб, мени чўл-биёбонга иморат қилиб, олиб келиб қўйди. Ҳар уч ойда отамни кўриб келамаң. Менинг исмимни Моҳипари дейдилар, — деб бошидан ўтганларини менга айтиб берди. Шу жойда бир-биримизга ишқи-муҳаббатимиз тушиб қолди. Моҳипари менга тегишга рози бўлиб айтдики:

— Мен уч кундан кейин ота-онамнинг олдига бориб, улардан рухсат олиб келамаң, ундан кейин тўй-томоша қилиб, турмуш қурамыз, — деди.

Моҳипарига икки кун меҳмон бўлдим. Учинчи куни Моҳипари менга бир неча калитларни бериб айтдики:

— Бу қирқта калитни олиб, боғларни очиб, мен келгунча томоша қилинг, лекин қирқинчи боққа кирманг. Мен ўзим келганда сизни олиб кираман, — деди.

Қиз қирқта канизаклари билан бирга бир-бирдан юмалашиб қирқ бир каптар бўлишиб учиб кетдилар. Мен шу жойда ўзим ёлғиз қолдим. Бу боғлар бир-биридан гўзал экан. Энди Моҳипари очма деган қирқинчи боққа келдим. Бунда нима бор экан, деб ҳавас қилиб, эшикни очиб кирдим. Боққа кирсам, бу боғ ўттиз тўққиз боғдан ҳам ажойиб экан. Турли гуллар очилган, турли-туман мевалар пишган, булбуллар сайраган. Бу боққа кириб ҳеч чиққим келмай қолди. Боғни айланиб юриб ўртасига борсам, бир катта ҳовуз бор экан. У олтин-кумушлардан ясалган экан, ҳовузнинг суви худди замзам сувидек. Тиниқлигидан ҳовузнинг таги кўринар эди. Ҳовуз бўйида бир келишган от бойловли турган экан, устида олтин эгар, тўқум, отнинг бошида олтин юган, эгарнинг қошида бир олтин соплик қамчи, бутун асбоблари билан от суратдек қотиб турарди. Мен отни кўриб, ажабландим, ёнига бориб у ёқ-бу ёқларини кўриб, отнинг устига миндим бир қамчи урган эдим. От шу замон мени осмонга кўтариб учиб бир чўл-биёбонга обориб ташлади. Қуйруғи билан кўзимга бир урди, шу вақтда мана шу кўзим оқиб, кўр бўлиб қолдим. От бўлса ғойиб бўлиб кетди. Мен яна чўл-биёбонларда ёлғиз қолиб, бир неча кунлар йўл юриб, қанча азоблар чекиб, мана шу сизнинг шаҳрингизга келдим, чойхоҳага кириб чой ичиб ўтириб, бу икки ўртоқ билан танишиб, бошимиздан ўтган

ишларни бир-биримизга ҳасрат қилиб ўтириб, чойхонадан чиқиб, биргалашиб шу сизнинг уйингизга қадам қўйган эдик, дебди. Мўътабархон Кароматхонга:

— Бу акангни ҳам оёқ-қўлларини ечиб юбор, ўзининг тортган азоби ҳам етарли экан, — дебди.

Кароматхон учинчи мусофир — кўрнинг ҳам оёқ-қўлларини ечиб юборибди.

Мўътабархон:

— Энди сизга навбат, гапиринг, — деди «иккита савдагор»нинг бирига. Вазир:

— Биз савдогар эмасмиз. Мен шу шаҳар подшосининг вазириман, мана бу менинг ёнимдаги подшонинг ўзи, — дебди.

Бу гапни эшитиб Мўътабархон дарров бориб буларнинг оёқ-қўлларини ечаверибди. Подшо билан вазир ўринларидан туриб отларини миниб уйларига кетибдилар. Қолган меҳмонлар ётиб қолибдилар.

Эртасига подшо тахтга чиқиб ўтириб, бир ясовулни чақириб, Калла бозор маҳаллада турувчи уч қизни уйдаги меҳмонлари билан тезда менинг олдимга олиб кел! — деб буйруқ берибди.

Ясовул келиб Мўътабархонни иккита сингиси ва уйдаги меҳмонлари билан бирга подшо олдига олиб келибди. Подшо буларга ўрин кўрсатибди, ўтирибдилар. Подшо Мўътабархонга:

— Кеча уйларингизда бўлган ишларни бизга айтиб беринг. Нима учун итларни урдингиз ва нима учун яна қучоқлаб ўпиб, уларга олтин товоқда ош бердингиз? — дебди.

Мўътабархон бошидан ўтганларини ҳикоя қилибди:

— Бизлар шу ўзингиз кўрган маҳаллалик Шоҳ Салим деган бойнинг қизлари бўламиз. Бизлар бир ота бир онадан беш қиз эдик. Ота-онамиз вафот этиб, ундан кўп мол-дунё қолди. Биз беш опа-сингил маслаҳатлашиб, ўла ўлгунча эрга тегмасликка, ота-онамиздан қолган мол-дунёни еб ётаверишга қарор қилдик. Шунга ҳаммамиз рози бўлдик. Кунлардан бир куни мендан кичик иккита синглим Адолатхон билан Саломатхон эрга тегмоқчи бўлиб қолишибди. Улар менга маслаҳат солдилар. Мен уларга эрга тегманглар, деб кўп насиҳатлар қилдим, лекин улар менинг насиҳатларимни қулоққа олмадилар, шундан кейин мен отамдан қолган мол-дунёни бешга бўлиб икки бўлагини икки синглимга бердим. Улар шу молларни олиб эр-

га тегиб, уйдан чиқиб кетдилар. Биз иккита синглим билан бурунгидай айшимизни суриб юравердик. Орадан беш-олти ой ўтди. Бир кун бизнинг дарвозамизни биров келиб тақиллатди. Чиқиб қа асам Адолатхон мени кўра солиб йиғлаб юборди. «Опажон, мен сизнинг сўзингизга кирмай бекор қилган эканман. Мени эрим бор буди-шудимни еб, уриб, уйдан ҳайдаб чиқарди», деди. Жигарим бўлгани учун ҳеч нарса дея олмадим. Бир қориндан тушгандан кейин раҳминг келар экан. Орадан яна беш-олти кун ўтгандан кейин яна дарвоза тақиллаб қолди. Кароматхон чиқса, Саломатхон экан. У ҳам кириб йиғлаб юборди. Саломат Адолатдан ҳам ёмон аҳволда қолибди. Уни ҳам мол-мулкини еб, эри уриб ҳайдаб юборибди. Шундай қилиб, бу иккита синглимнинг гуноҳини кечиб, ўз орамизга қўшиб айшимизни суриб юравердик. Орадан яна бирикки ой ўтгандан кейин Адолатхон билан Саломатхон иккаласи яна эрга тегмоқчи бўлиб менга маслаҳат солдилар. Мен унамадим. Булар менга бўйсунмадилар. Мен агарда эрга тегадиган бўлсангиз яна қайтиб келмангиз. Энди бурунги аҳволда келадиган бўлсангиз уйингиз киргизмайман, — дедим. Сингилларим:

— Энди ундай ишларни қилмаймиз, — дедилар.

Ҳеч нарса деёлмадим. Яна қанча мол-дунёларимдан бўлиб бердим. Булар эрга тегиб кетдилар. Яна уч қиз қолдик. Уйин-томошамизни қилиб юравердик. Кунларнинг бирида Адолат билан Саломатнинг эрлари дунёларини еб яна ҳайдаб юборибди. Кўз ёшларини оқизиб зор-зор йиғлаб келдилар. Яна раҳмимиз келиб уларни орамизга қўшдик. Бир қанча вақт ўз уйинларимизни ўйнаб, томоша қилиб юрдик. Қарасам, отамдан қолган дунёлар озайиб бораётир. Бир кунни ўтириб:

— Сингилларим, энди биз бекор ётмайлик, икки-учта-миз шаҳарма-шаҳар юриб савдо қилайлик, томошамизни ҳам қилармиз. Ким менинг билан савдога боради, — дедим.

Адолат билан Саломатхон бизлар борамиз, деди. Хўп дедим. Эртасига учаламиз эркакча, кийимларни кийиб, ярим молларимизни олиб, кемага ўтириб кетдик. Бир неча кун йўл юриб, эрта билан борадиган шаҳримизга бориб тушдик. Қарасак, шаҳар одамларининг ҳаммаси тош бўлиб ётибди. Молларни денгиз бўйига қўйиб шаҳар айландик. Одамлар дўконларини очиб қўйганича, отлиқлар отларига минганича қотиб қолган. Ҳеч бир жонли, қимирлаб турган

одамзод йўқ. Бу аҳволларга ажабланиб кечгача шаҳарларни айланиб юрдик, кечқурун йироқда бир чироқ кўринди. Учаламиз нима гаплигини билайлик, деб шу чироқли уйга кирдик, бир ёш келишган йигит китоб ўқиб ўтирган экан. Бизларни кўрпачаларга таклиф қилди. Бизлар ўтирдик. Мен сўз бошлаб:

— Ака, шаҳар одамларининг бу аҳволга тушиб қолганининг сабаби нима? — деб сўрадим. У йигит айтдики:

— Бу шаҳарнинг одамлари, маишат ва ичкиликлар билан машғул бўлганлари учун, шу аҳволга гирифтор бўлдилар.

Йигитнинг мулойимлиги ва юмшоқ сўзлиги менга ёқди. Шу жойда ўтириб уни ўзимга муносиб кўрдим. Йигит менинг қиз эканимни билиб:

— Бўлмаса иккаламиз бир умрлик турмуш қурайлик,— деди.

Мен рози бўлдим. Лекин шарт қилдим. Бизнинг шаҳарга борасиз, тўй-томоша қилиб никоҳлаб тегаман, дедим. Йигит рози бўлди. Эртасига биргалашиб, олиб келган молларимизни сотолмасдан қайтадан кемага ўтириб ўз шаҳримизга жўнадик. Шаҳримизга бир кунлик йўл қолганида кечаси ҳаммамиз ётиб ухладик. Биз ухлаганда Адолат билан Саломат ўринларидан туриб, масалаҳатлашибди-да, йигитни қопга солиб, дарёга ташлаб юборишибди. Эртасига тонг отганда, қарасам, ҳалиги йигит кўринмайди. Сингилларимдан сўрадим. Биз кўрганимиз йўқ, деди. Югуриб кириб кема бошлиғидан сўрадим. У:

— Кечаси иккита синглинг йигитни ухлаб ётганида қопга солиб, дарёга ташлаб юборишди,— деди.

Шу жойда ўтириб хўп йиғладим. Сингилларимни чиқиб қаргадим. Шаҳримизга келиб кемадан тушиб, сингилларимга мен қанча яхшиликлар қилдим. Сизлар менга душманлик қилдинглар, энди мен сизлардан ҳам, дунёмолдан ҳам кечдим, деб уларни қолдириб, чўл-биёбонларга қараб кетдим. Икки кун йўл юрдим. Бир ерда кетаётсам оқ илон олди тарафдан югуриб қелаётир. Мен йўлдан чиқиб ўзимни четга тортидим. Илон ўтиб кетди. Яна йўлга тушиб кетаётсам қора илон югуриб келаётир. Ўзимни четга тортиб бир катта тошни олиб турдим. Илон яқин келганида тошни отиб илоннинг бошини янчиб ўлдирдим. Яна олдимга қараб юриб чарчаб, бир ерда ётиб ухлаб қолибман. Бир вақт ўрнимдан турсам, жуда ҳам келишган бир чиройли қиз ёнимда ўтирибди. Қиз мен билан

кўришди ва: «қайдан келасиз, қаёққа борасиз,» деб сўради. Мен бошимдан ўтган ишларнинг ҳаммасини айтдим.

Қиз:

— Қўйинг, опа, хафа бўлманг, уйингизга қайтинг!— деди. Мен бормайман дедим. Қиз:

— Сиз менга катта ёрдам қилдингиз. Мени ўлимдан қутқардингиз, мен ҳам сизга ёрдам қилдим,— деди. Мен ҳайрон бўлиб:

— Сизга нима ёрдам қилдим. Сизни шу бугун кўриб турибман,— дедим. Қиз:

— Мен парилар подшосининг қизи эдим. Менга бир дев хуштор бўлиб мени олмоқ бўлиб келганида мен қочиб, оқ илон бўлиб кетаётган эдим. Сиз йўлда келаётган экансиз. Менга йўл бўшатиб бердингиз. Мен ўтиб кетдим. Менинг орқамдан қора илон бўлиб келаётган душманим, дев эди. Сиз уни ўлдирдингиз, агарда сиз ўлдирмаган бўлсангиз, у мени ўлдирар эди. Сизнинг яхшилигингизга биноан сизни ранжитган иккита синглингизни кучук қилиб ҳовлингизга бойлаб келдим, энди сиз уйингизга бориб ўйин-томошангизни қилиб юраверинг, ҳеч нарсадан қўрқманг, бошингизга ёмон кун тушса, мана бу сочимни куйдирсангиз мен келиб ёрдам бераман,— деб сочидан уч дона юлиб бериб, кўздан ғойиб бўлди. Мен бу гапларни эшитиб уйимга қайтиб келдим. Қарасам, ҳақиқатан ҳам иккита синглимни иккита кучук қилиб бойлаб кетибди. Шунинг билан яна биз уч опа-сингил ўйинимизни ўйнаб юравердик. Кучукларга овқат берар олдида урганим ҳалиги яхши кўрган йигитимни дарёга ташлаб юборганига хафа бўлман, ўпканим, қучоқлаганим ит бўлса ҳам жигарим деб раҳмим келади,— дебди. Подшо:

— Ҳалиги ўнта полвон қандай кишилар,— дебди.

— У полвонларга дунё бериб сақлаганман, бошимга оғир кун тушса ёрдамчим бўлади,— деб сўзини тамом қилибди қиз. Подшо Мўътабархонга:

— Шу иккита кучукни одам қилиш мумкинми?— дебди. Мўътабархон:

— Билмадим, одам қилса шу қизнинг ўзи қилар,— дебди. Подшо:

— Бўлмаса шу қизнинг сочини куйдиринг, келсин,— дебди. Мўътабархон ҳовлига чиқиб қизнинг сочини куйдирибди, қиз шу заҳоти, хизмат, деб келибди. Мўътабархон қизни подшо олдига олиб кирибди. Подшо пари қиздан:

— Икки кучукни ўз аслига келтириш мумкинми?— деб сўрабди. Пари қиз:

— Агарда Мўътабархон опам рози бўлсалар, мен аслига келтираман,— дебди.

Кучукларни олдириб келибди. Пари қиз ўқиб уларни ўзининг аввалги қиз ҳолига келтирибди. Подшо кўрдиким бу қизлар ҳам бир биридан чиройли. Подшо яна парч қиздан сўрабди. Мана бу учта кўрнинг кўзларини тузатиш мумкинми?— дебди. Пари қиз уларни кўриб:

— Иккаласининг кўзи жодудан бўлса, буларни тузатиш мумкин, биттасини тузатиб бўлмайди. Нега десангиз бу жоду эмас, одамдан бўлган,— дебди. Подшо:


— Майли бўлмаса, иккаласининг кўзини тузатинг,— дебди.

Пари қиз ўқиб икки кўрнинг кўзини соппа-соғ, аввалгидай қилибди. Пари қиз:

— Энди рухсат этсангиз кетсам!— дебди. Подшо рухсат берибди. Пари қиз хайр-хўш, деб кўздан ғойиб бўлибди. Подшо ўзининг доно вазири билан маслаҳатлашиб ўтириб Мўътабархонни ўзига муносиб кўрибди. Ҳаммадан кичик Кароматхонни ўғлига муносиб кўрибди. Қолган учта қизни учта кўр номини олган шаҳзодаларга олиб бермоқчи бўлибди. Бу маслаҳатни қизларга, йигитларга айтибди. Булар ҳам рози бўлибдилар. Подшо иккита отаси бор шаҳзодаларнинг оталарига нома ёзибди. Сизнинг йўқолган ўғилларингизга шаҳримдан хотин олиб бермоқчиман, тўйга келишингизни сўрайман деб. Номаларни подшоларга юборибди. Бу болаларни йўқотган подшолар номани ўқиб хурсанд бўлибдилар. Кўп мукофотларни олиб неча кунлар йўл юриб етиб келибдилар. Болаларини кўриб подшога олиб келган совғаларини бериб, қирқ кеча-кундуз тўй-томошалар қилиб, тўйдан кейин иккита подшо ўғил ва келинларини олиб ўз шаҳарларига кетибдилар. Отаси ўлган шаҳзода Шоҳ Акбарни подшо ўзи олиб қолиб вазир қилибди.

Шунинг билан тортган азоблар эсдан чиқиб, ҳаммалари роҳатда давр сурибдилар.





## Мислабу

Бир бор экан, бир йўқ экан. Одамларнинг айтишига кўра, Балх шаҳрида бир золим подшо бўлган экан. Унинг золимлиги бошқа подшолардан ҳам ўтиб кетган экан. Уз ўйидан қолмас, бировга қулоқ солмас экан. Унинг биридан бири чиройли қирқта хотини бор экану, лекин битта ҳам фарзанди йўқ экан. Фарзанд учун кўп қайғулар экан. Ҳеч иложини топа олмай халққа зулминини орттирар экан.

Подшонинг жуда чиройли саройи бор экан. Ҳовлисида ҳар хил гуллар очилиб, булбул гулга маст бўлиб эртаю кеч тинмай сайрар экан. Подшонинг хизматкорларидан бир чол шу боғда ишлар экан. У бўш вақтларида тоққа бориб, ўтин териб бозорда сотиб кунини ўтказар экан. Кунлардан бир кун ўтин теришга тоққа борса, бир дарахт шохчасида кўзлари энди очилаётган, қанотлари энди ўсиб келаётган бир кичкина тўтиқуш ўтирганини кўриб қолибди. Чолнинг раҳми келиб уйига олиб келибди. Уни яхши парвариш қилиб, гапга ўргатибди. Қуш катта бўлганда анча гап ўрганиб олибди. Чол кундан кун қариб, кучи кетиб, бели букчайиб, сочи оқариб, тишлари тушиб, куч-қувватдан кетиб, ўтин ҳам теролмайдиган бўлиб қолибди. Чол кунини қандай ўтказишини билмай ўтириб ўйлаб, бир қарорга келибди: «Шу қушимни подшога олиб борсам, у шундай нарсаларни яхши кўради. Зора менга раҳми келиб бирор нарса берса, ахир қуруқ қўймас-ку», деб қушни кўтариб подшо ҳузурига борибди. Подшонинг қушга ҳаваси келиб: «Бу чол нимани билади, унга озгина пул бериб, алдаб қушни олай» деб ўйлабди-да, унга:

— Бу қушни нимага кўтариб юрибсан, уни қаердан топдинг? — дебди.

Чол икки букилиб салом бериб сўз бошлабди:

— Мен бу қушни ўтин териб юрганимда топиб олиб келган эдим. Яхши парвариш қилиб гапга ўргатдим. Энди ўзим қариб, куч-қувватдан кетиб, ўтин теришга ҳолим қолмай, бир оз чойчақа берарсиз, деб ўйлаб шу қушни сизга олиб келган эдим,— дебди. Золим шоҳнинг чолга раҳми келмай:

— Ҳали куч-қувватинг кўп, ишламасанг сенга ошиқча ош-нон йўқ. Мана қушинг учун,— деб озгина пул бериб жўнатибди. Чол бечора пулни олиб ноилож уйига келибди.

Подшо усталарга қуш учун тилла қафас яшашни буюрибди. Тўтиқуш қафас деган сўзни эшитиши билан: «Бу ерда олтин қафасда яшаганимдан кўра, чолнинг зах, қоронғи уйида турганим яхши эди» деб афсусланибди. Тез вақт ичида уста қафасни тайёр қилибди. Подшо тўтиқушни қафасга солиб, тахтнинг тепасига осиб қўйибди. Ҳар куни тўти билан гаплашиб ўтирадиган бўлибди. Подшо тўтиқушга «Қаерга борсам мен сени олиб бораман», деб ваъда қилибди. Кунлардан бир куни подшо зерикиб амалдорлари билан овга чиқибди. Лекин тўтиқушни эсидан чиқарибди. Подшо кетгандан кейин унинг қирқинчи хотини яхши кийимлар кийиб, ясаниб тахт устига чиқиб ўтириб, тўтиқушдан гап сўрабди:

— Тўтижон, тўтижон, қани менга айтиб бер-чи, дунёда мен чиройлими ёки мендан ҳам чиройли бирор жонон борми?— дебди. Тўтиқуш бир оз ўйлаб туриб:

— Бибишим, мен сизнинг кўнглингизга қараб айтайми, кўрганимни айтайми?— дебди. Малика қаҳ-қаҳлаб кулиб:

— Эй тўтижон, жуда ажойиб экансан-ку? Кўнглимга қараб нима қиласан, кўрганингни айт,— дебди. Тўтиқуш:

— Бибишим, мен сизнинг кўнглингиздагини билдим. Бўлмаса, жуда узоқда. Нил дарёси бўйида тилла қўрғонда ўзи ҳур, тишлари дур, хушмуомала, сочи сунбул бир Мислабу деган қиз бор. Сиз унинг ковшининг патагича ҳам йўқсиз,— дебди. Малика қаҳр-ғазабга тўлиб, хизматкор қизни чақирибди-да, унга:

— Ол бу қушни, сўйиб менга пишириб бер,— дебди.

Хизматкор қиз бечора подшодан қўрқса ҳам нима қиларини билмай, маликанинг сўзини қайтара олмай, қафасдаги қушни олиб ошхонага борибди. Учоққа ўт қўйиб ёғни доғ қилибди. Тўтиқушни энди сўймоқчи бўлганда, тўтиқуш шифтга қараб бўғот остида ўтирган мусичани кўриб қизга ялинибди:

— Эй қиз, сен мени пиширма, подшо келганда мен сенга кўп яхшилик қиламан. Сен ана шу бўғот остида ётган мусичани пишириб маликага бер. Унинг патини юлганингдан кейин ким билади,— дебди. Аввалдан тўтига раҳми келиб турган қизга унинг гапи маъқул тушибди. Тўтини қўйиб, мусичани ушлаб, патини тозалаб, пишириб маликага берибди. Малика тўтиқуш деб мусичани ебди. Қиз энди қафас билан қушни қай ерга яширишни билмай турганда, қуш:

— Эй қиз, тоққа олиб бориб қафасни осиб кел,— дебди. Қиз тилла қафасни тоққа олиб бориб бир дарахтга осиб келибди. Подшо овга бориб чошгоҳгача тузоқларини қўйиб ўтира берибди. Лекин на бир қуш, на бир кийик тузоққа тушмабди. Подшо бу ишга ғазаби келиб ўтирганда, бирдан ўзининг тўтиқуши эсига тушиб қолибди. Дарров от-анжомини ҳозирлаб йўлга тушибди. Отни терлатиб чоптириб, уйига келибди. Қараса, тахт тепасида на қафас бор, на қуш бор. Қони қайнаб, жаҳли чиқиб шаҳар кишиларига жарчи қўйдирибди. Жарчилар шаҳарма-шаҳар, кўчама-кўча, уйма-уй юриб «Одамлар, эшитмадим деманглар, эшитганлар келманглар, кеча чошгоҳда подшоҳимизнинг тўтиқуши йўқолибди. Кўрган-билган бўлса, эрта билан кун чиқмай подшо ҳузурига ҳозир бўлсин. Подшо бошидан оёғигача тилла бериб, амалдор қилади!» деб жар чақирибди. Тонг пайтида подшо ҳузурига халқ йиғилибди. Подшо қушни топиш учун халққа уч кун муҳлат берибди.

Шу кунларда подшога тўтини олиб келган чолни очлик жуда қийнабди. Эгилиб-букилиб халтасини елкасига осиб, қўлига ҳасса ушлаб бир оз ўтин териш учун тоққа чиқиб кетибди. Куннинг иссиғи унинг тинкасини қуритиб, чанқаб, тоқат қила олмай бир дарахт соясига келиб ўтирибди. Дарахт شوҳида осилган қафас ичидаги тўтиқуш чолни кўриб «Ҳой чол, сен мени подшо олдига олиб борсанг, подшо сенга бошингдан оёғингача тилла беради»,— дебди. Чол бунни эшитиб қўрқибди, куннинг иссиғи, ҳолсизланишига қарамай ўтин теришга бошлабди. Тўтиқуш яна чолни чақириб ялинибди. Чол: «майли, бу ўзимнинг тўти қушим-ку, мен уни ҳар вақт тўғри сўзлашга ўргатганман. Олиб борсам борақолай»,— деб яна қушни қафаси билан олиб терган ўтинини ҳам орқалаб, подшо олдига келибди. Подшога сўзини ҳам гапира олмай қушни узатибди. Подшо чолни кўриб дарров уч юз миршаб билан жаллодини чақирибди: «Олиб бординг, бошини таңасидан жудо қилинг бу шум чол»

нинг. Биринчи мартаба бу қушни олиб келиб қанча пулимни олиб кетган, яна «бели оғрмаганнинг нон ейишини қара» дегандек, текин пулнинг мазасини билиб, қушни ўзи ўғирлаб кетиб яна олиб келибди» — дебди. Жаллодлар унга қору ёмғирдек калтак уриб, чолни дорга олиб кетаётганларида тўтиқуш:

— Жаллодлар, урманглар чолни, — дебди. Жаллодлар чолни уришдан тўхтабди. Тўтиқуш: — Эй ваъдасиз подшо, сен менга «сени ўзим билан олиб кетаман» деб, қанча ваъда қилган эдинг, қани сен мени олиб кетганинг, қайтар жаллодларни. Чолга бошидан оёқ тилла бер, ана шу чўри қизга ҳам бошидан оёқ тилла бер. Мен сенга бўлган воқеани кейин айтаман, — дебди. Подшо жаллодларини қайтариб юбориб, хазиначини чақирибди. Хазиначиларга:

— Икки эгарланган яхши отга хуржун қўйиб, хуржуннинг икки кўзини олтинга тўлдириб, олиб келинг! — деб буюрибди. Хазиначилар шу заҳоти тайёр қилибди. Подшо халқ олдида чол билан қизга икки отни бериб жўнатибди. Чол уйига келиб, бир неча тиллани харжлаб яхши иморат қилибди. Яна бир қанча тиллани сарф қилиб, дўст-оғайнисини, камбағалларни йиғиб зиёфат қилиб берибди. Шу билан чолнинг қорни тўйиб яхши кун кечира бошлабди. Подшо тўтиқушдан бўлган воқеани сўрабди. Тўтиқуш:

— Эй подшо, сен овга кетгандан кейин кичик хотининг Малика яхши либослар кийиб тахтингга чиқиб ўтириб мендан: «Эй тўтиқуш, бутун дунёда мен чиройлими ёки мендан ҳам чиройли борми?» деди. Мен айтдим: «Жуда узоқда. Нил дарёси бўйида, тилла қўрғонда Мислабу деган бир қиз бор. Сиз ўша қизнинг ковушининг патагича ҳам йўқсиз» дедим. У чўри қизга «тўтиқушни олиб чиқиб, менга пишириб бер!» деб буюрди. Қиз мени энди пиширмақчи бўлиб турганида, мен бўғот остида ётган мусичани пишириб бер, деб ялиндим. У ҳам менинг сўзимга қулоқ солиб, мусичани пишириб Маликага берди. Малика уни мен деб ўйлаб еди. Қиз мени тоғдаги бир дарахтга осиб келди. Чол дарахт тагида дам олиб ўтирган экан, мен уни кўриб: «Подшога мени олиб бор, подшо сенга бошингдан оёғинггача тилла беради», деб ялиндим. Чол мени сенга олиб келди. Сен бўлсанг уни дорга остирмоқчи бўлдинг, дебди. Подшо қушнинг гапини эшитиб Мислабуга ғойибона ошиқу беқарор бўлибди. Тўтиқушга:

— Эй тўтиқушим, сен мени шу қиз олдига олиб борсанми? — дебди. Тўтиқуш ўйлаб туриб:

— Олиб боришга олиб бораман, лекин йўл ниҳоятда узоқ — қирқ йил йўл юришинг керак. Сен ҳозир ўттиз ёшда бўлсанг, боргунингча етмиш ёшга кирасан,— дебди. Подшо шундай бўлса ҳам рози бўлибди. Тўтиқуш подшога:

— Отнинг яхшисини мин, икки қоп тилла ол. Мен ҳа-вода парвоз қиламан, сен ерда мендан кўзингни узмай ку-затиб бор. Агар мендан кўзингни узсанг адашиб қоласан,— дебди.

Подшо эртасига, тонг отиши билан маликанинг ўнг кў-зини ўнг чўнтайга, чап кўзини олиб чап чўнтайга солиб, ўзини зиндонга ташлатибди. Тахтни ўзининг содиқ вази-рига топшириб, амалдорларидан оқ фотиҳа олиб, йўлга равона бўлибди. Биринчи куни ям-яшил боғлардан ўтибди, иккинчи куни катта-катта шаҳар ва қишлоқлардан ўтибди, учинчи куни дарёлардан, катта-катта тоғлардан ўтиб ке-тибди. Шундай қилиб, ойлар, йиллар ўтиб, орадан ўн йил ҳам ўтибди.

Энди гапни маликадан эшитинг. Подшо кетганда мали-канинг гумонаси бор экан. Вақти-соати етиб зиндонда бир ўғил туғибди. Малика ўғлини ботир бўлсин, катта бўлиб отасидан ўчини олсин деб, отини Баҳодир қўйибди. Баҳодир ўн ёшга тўлибди. Лекин шу вақтгача уни ҳеч ким бил-мабди.

Кунларнинг бирида подшо ўз ўрнига қўйиб кетган вазир зиндон олдидан ўтиб кетаётса, зиндондан бола товуши эши-тилибди. Зиндонни очтириб кирибди. Болани онасининг ёнидан тортиб олиб чиқибди. «Подшоҳимизнинг ўринбоса-ри бўлди», деб, болани муллага бериб ўқитибди. Баҳодир оқ-қорани, яхши-ёмонни ажратадиган зеҳли, ақлли бола бўлибди. Ун ёшга етганда йигирма ёшдаги йигитлардек бақувват, серғайрат бўлибди. Уни отасининг ўрнига тахтга ўтқозишибди. Баҳодир онасини зиндондан чиқармоқчи бўлса ҳам, онаси: «Отанг келмай чиқмайман» деб зиндон-да ётаверибди.

Подшонинг қирқта уйи бор экан. Ота-боболари «ўттиз тўққизта уйга кир, қирқинчи уйга кирма», деб насиҳат қилиб ўтган экан. Шу сабабли подшо қирқинчи уйга кирмас экан. Подшо кетганда қирқта уйнинг калитини вазирга бе-риб кетган экан. Вазир шу калитларни Баҳодирга берибди. Бир куни Баҳодир шу уйларни томоша қилмоқчи бўлиб, биринчи уйга кирибди. Уйнинг ичида ранг-баранг гуллар очилган, булбуллар сайраб турган эмиш. Иккинчи уйга

кирса ҳар хил қушлар — тўти, майна, зағизгон, чумчуқ, мусича, каклик ва бошқа қушлар сайраб турган эмиш, учинчи уйда турли-туман ҳайвонлар, тўртинчи уйда деворга ҳар хил жонли қилиб ишланган расмлар эмиш. Шундай қилиб, ўттиз тўққизта уйни томоша қилиб чиқиб, қирқинчи уйга кирибди. Қараса, уйнинг ичида ҳеч нарса йўқ, уйнинг ўртасида бўйра ёзилган. Баҳодир ҳайрон бўлиб ўзига ўзи: «Ота-боболаримиз отамга ҳамма уйга кирсанг ҳам қирқинчи уйга кирма» деган эканлар. Бунда шу қуруқ бўйрадан бошқа нарса йўқ». Шу бўйрани айланиб қарабди. Сўнг ўйлаб туриб «Қани шу бўйрани бир кўтариб кўрай-чи, нима бор экан» деб кўтариб қараши билан ерга йиқилибди. Шу билан бир қанча вақт ўзига келмай ётибди. Вазирлар подшо-ни ҳамма ердан қидириб топа олмадилар. Вазирлардан бири: «Бу ёш нарса, балки уйларни томоша қилаётгандир, бориб кўриш керак», дебди. Вазирлар ўттиз тўққиз уйни ҳам кўришибди, ҳаммаси берк. Қирқинчи уйнинг эшиги очиқ. Кириб қарасалар Баҳодир ҳушидан кетиб йиқилиб ётибди. Вазирлар Баҳодирни кўтариб олиб уйга олиб келиб зўрға ҳушига келтиришибди. Баҳодир бўйра тагидаги Мислабунинг расмини кўриб ҳушидан кетган экан. Шу кундан бошлаб Мислабуга ошиқ бўлибди. Кундан кунга сарғайибди. Вазирлари ҳол-аҳволини сўраса ҳам айтмай ич-ичидан куйиб юраверибди. Гапни энди отасидан эшитинг:

Подшо кўп юриб, ўзи билан олган тиллалари ҳам тугаб қолибди. У чўлу саҳролардан овқат топа олмай, ўтлар, ил-дизлар еб кун кечирибди. Отининг гўшти суягига ёпишиб юришга ҳоли қолмабди. Подшо саҳрода иссиқда томоғлари қирилиб ичишга сув топа олмай сарсон бўлиб юрганда, олдидан бир катта дарё чиқиб қолибди. Дарёдан сув ичиб бир оз ўзини ўнглаб олиб, энди ўтмоқчи бўлиб қараса, ҳеч кўприк топа олмабди. Дарё бўйида ётган иккита ёғочни олиб бир-бирига боғлаб дарёга ташлабди-да, тахтага ёпишиб сувда оқиб кетаверибди. Тўтиқуш бўлса ҳавода орқасига қарамай учиб кетаверибди. Подшо кўп овора бўлиб дарёнинг у томонига чиқибди. Тўтиқушдан ажралиб қай ерга боришини билмай, охири олдинга томон юраверибди. Оти дарёнинг нарёғида қолгани учун пиёда, қумнинг иссиғидан оёқлари куйиб юра олмай қолибди. Секин-секин юриб, олдига қараса, узоқдан бир нарса — гоҳ одамга ўхшайди, гоҳ ҳайвонга ўхшайди, бир қора нуқта гивирлаб келаётган эмиш. Подшо таваккал қилиб шу қора томонга юрибди. Борса бир одам:

— Ассалому алайкум,— дебди. Ҳалиги одам:

— Ваалайкум ассалом, бу ерда қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куяди. Нима қилиб юрибсан?— дебди. Подшо:

— Мен Балх шаҳрининг подшоси бўламан. Менинг қирқта хотиним бор. Лекин болам йўқ. Бир тўтиқушим бор эди. Шу тўтиқуш Нил дарёси бўйида, тилла қўрғонда бир Мислабу деган қиз бор, деган эди. Мен шу Мислабуга ғойибона ошиқ бўлиб, йўлга чиқдим. Мана ўттиз тўққиз йил бўлди, ҳали ҳам шу қизни излаб юрибман,— дебди. Бобо:

— Эй аҳмоқ, шундай тахтинг-бахтинг, қирқта хотининг бор экан. Ўзинг қари чол бўлибсан. Мислабу жуда ёш қиз бўлса сени хоҳлармиди. У қиз учун қанча-қанча паҳлавон йигитлар аскарлари билан келиб ҳалок бўлиб кетишди. Сенга йўл бўлсин. Агар хоҳласанг мана, мен ер танобини тортаман, қизни кўрсатаман,— дебди. Подшо:

— Кўрсат, қандай бўлса ҳам бораман,— дебди. Бобо ер танобини тортиб қизнинг расмини кўрсатибди. Подшо қизнинг расмини кўриши билан ҳушидан кетибди, бир оздан кейин ҳушига келиб «қайси йўл билан бораман», деб сўрамоқчи бўлиб кўзини очса, бобо йўқ бўлибди. Жойидан туриб сойдан ўтиб, юриб-юриб бир чарх йигириб ўтирган жодугар кампирга учрабди. Кампирга салом бериб, ҳолаҳвол сўрабди. Кампир:

— Сен қаердан келяпсан, бу ерда одам яшамайди,— дебди. Подшо бўлган воқеани айтибди. Кампирнинг подшога раҳми келиб:

— Эй подшо, менинг сенга раҳим келди. Мен ҳеч кимга бу сирни айтганим йўқ эди. Фақат сенга айтаман. Сен мана шу йўл билан кетсанг, Мислабунинг қўрғонига кирасан. У ухласа қирқ кун ухлайди, қирқ кун уйғоқ туради.

Подшо кампир кўрсатган йўл билан бориб қўрғонни топибди. Қўрғоннинг атрофини айланиб ҳеч эшик топа олмабди. Девор устига қараса кўзи қамашибди. Нима қилишини билмай қайтиб кампирнинг олдига келибди, кампир бир тилсим ўқиб подшони каптар қилиб учирибди. Каптар учиб боғиб деворга қўнибди. Мислабуни кўришга қанча уринса ҳам кўра олмай яна кампир олдига қайтибди.

— Бўлмаса, сен девор тагидан лаҳим кавла. Лаҳим Мислабунинг ҳовлисидаги бир туп қизил олма дарахти тагидан чиқсин, у олманинг тагида бир олтин қозиқ бор, шу қозиққа Мислабунинг оти боғланган. От сенинг борганинг-

ни билмасин, билса кишнаб юборади. Мислабу ўрнидан туриб келган душманни ўлдиради. Шунинг учун мана шу тўрвадаги кишмишни шу отга бер, егандан кейин кишнамайди,— дебди.

Подшо бориб девор тагидан лаҳим кавлаб олтин қозик ёнидан чиқибди. Бошини секин кўтариб қараши билан от кишнаб юборибди. Мислабу отнинг кишнашини эшитиб ўрнидан туриб келиб, отга миниб учиб кетибди. Юқоридан қараб ҳеч кимни кўрмай, яна қайтиб тушиб ухлабди. Подшо яна бошини кўтариб қараса, от яна кишнабди. Мислабу ўрнидан туриб келиб отига миниб учибди. Яна ҳеч кимни кўрмай қайтиб келиб отига бир қамчи уриб уйига кириб кетибди. От ёш боладек кўзидан ёшини тўкиб қолибди. Шунда подшо бошини кўтариб от оғзига кишмиш солибди-да, уйга кирибди, қараса Мислабу юзига қирқта парда тутиб, барқ уриб ухлаб ётибди. Подшо секин-аста қирқ қозик қоқиб қизнинг қирқта кокилини қозикқа боғлабди ҳам қўл-оёқларини боғлабди. Ёнига ўтириб қўлига Мислабунинг дуторини олиб оғзига келган ашулани айтаверибди. Мислабунинг қирқ кунлик уйқуси қониб уйғониб турай деса, кокили тортишиб тура олмабди. Мислабу:

— Бу ишни ким қилди, бу ерда ким бор, одаммисан, паримисан, сочларимни ешиб қўй,— дебди. Подшо:

— Мен қилдим. «Жонони калон жонидан», десанг кокилингни ешаман,— дебди. Мислабу:

— Ким сенга бу гапларни ўргатди. Агар мен бу гапни айтсам парилик қанотим қирқилиб, осмонда уча олмай қоламан. Шунинг учун айтмайман,— дебди. Подшо қизнинг кокилини бир неча кунгача ечмабди. Мислабу кўп азоб тортиб, охири «Жонони калон жонидан» дейишга мажбур бўлибди. Мислабу подшони отга миндириб Нил дарёсига олиб бориб туширибди. Подшо сувдан йигирма ёшлик йигит бўлиб чиқибди. Иккови подшонинг шаҳрига жўнамоқчи бўлибди. Мислабу энг катта қора девни чақириб:

— Мана шу қўрғонни устингга қўйиб Балх шаҳрига қанча вақтда олиб борасан?— дебди. Дев:

— Бир соатда олиб бораман,— дебди. Мислабу девни кафтига қўйиб «пуф» деб учириб юборибди. Яна қизил девни чақириб:

— Шу қўрғонни Балх шаҳрига қанча вақтда олиб борасан?— дебди. Қизил дев:

— Ярим соатда олиб бораман,— дебди. Мислабу уни ҳам учириб юбориб, оқ девни чақириб:



— Сен қанчада олиб борасан?— дебди. Оқ дев:

— Кўзингни очиб юмгунча олиб бораман,— дебди.

Дев темир қўрғонни устига қўйиб, кўз очиб юмгунча Балх шаҳрининг ёнига тушибди. Бу хабар шаҳар халқига тарқалибди. Халқ Мислабунинг ҳуснини томоша қилиш учун келибди. Подшо Мислабунинг ёнида ўтириб юзидан битта-битта ниқобини кўтариб турибди. Энг охири пардаси қолганда париларнинг бошлиғи Юнуспари Мислабуни қидириб келибди. Мислабу подшога:

— Эй подшоҳ, эҳтиёт бўл. Париларнинг бошлиғи кел-япти. У келиб сени урушга чақиради. Сен менинг айтганимни қил, бўлмаса енгиласан,— дебди.

Юнуспари яқинлашиб келиб, подшони урушга чақирибди. Подшо Мислабунинг айтганларини қилиб Юнуспарининг аскарлари билан урушиб, енгибди. Юнуспари осмонга чиқиб кетибди. Бу воқеа ўғли Баҳодирга етибди. Баҳодир отаси Мислабуни олиб келганини билиб, зиёфат тайёрлаб эшик олдига поядозлар солдирибди. Икки чопарини юбориб подшони зиёфатга таклиф қилибди. Мислабу билан подшо саройга яқинлашиб келибди. Йўлга подшонинг ўттиз тўққиз хотини чиқиб турган экан. Мислабу ҳаммаси билан кўришиб, подшога:


— Эй подшо, қирқинчи хотининг қаерда?— дебди.

Подшо:

— Зиндонда,— дебди. Мислабу:

— Маликани зиндондан олиб чиқинглар,— дебди. Маликани зиндондан олиб чиқибдилар. Мислабу:

— Кўзи қани, топ!— дебди. Подшо чўнтагидан маликанин кўзини олиб ўз жойига қўйибди. Кўзи равшан бўлиб очилиб кетибди. Шунда малика Мислабуни кўриб унинг гўзаллигига тан берибди. Мислабу Малика билан сўрашиб, меҳмонхонага кирибди. Мислабу ҳам Баҳодирни кўриб севиб қолибди. Зиёфат тамом бўлгандан кейин подшо Мислабуни қўрғонга олиб келибди. Подшо бу ишдан ғазабланиб ўғлини урушга чақирибди. Баҳодир отасини енгибди. Қирқ кеча-кундуз тўй-томоша қилиб Баҳодир Мислабуни олибди. Баҳодир, Мислабу ҳам онаси Малика мурод-мақсадларига етибди.



## Шерзод ва Гулшод

Ўтган замонда, бир шаҳарда Намишод деган подшо ўтган экан. Унта хотин олган экану, ҳеч фарзанд кўрмаган экан. Намишод фарзанд кўриш мақсадида яна бир мартаба уйланишни орзу қилибди. Шаҳар уламоларини чақириб шу тўғрида маслаҳат қилибди. Уламолар ҳам подшонинг сўзини мақуллаб фотиҳа беришибди. Қирқ кечаю қирқ кундуз тўй-томоша қилиб уйланибди: Икки ойдан кейин оқсоч подшо олдига келиб, хотини хомиладор бўлганлигини айтибди. Намишод хурсанд бўлганидан оқсочга бир қисм тилла бериб жўнатибди. Намишод подшо вазирилари ва сарой аҳллариини чақириб бўлажак фарзанди шарафига уч кечаю уч кундуз тўй-томоша қилиб улоқ берибди.

Кунлардан бир куни лашкарларини олиб овга кетибди. Ов қилиб юрганида тўқайдан бир шер чиқибди. Намишод шерни кўриб лашкарларига:

— Бахтимизга овимиз бароридан келди. Ҳаммамиз камон ташлаб шу шерни тириклайин тутамиз. Кимда ким шу шерни ушлай олмай олдидан ўтқазиб, қочириб юборса жавобгор қиламан,— дебди. Подшо ўзи ҳам лашкарлари қаторида туриб камоннинг бир учини ушлабди. Лашкарлари шерни ўртага олибдилар. Бечора шер ўртада нима қилишини билмай жон талвасида югуриб юриб тўғри камоннинг бир учини ушлаб турган Намишод подшони бир уриб ағдариб қочиб кетибди. Аскарларига «қочирсангиз жавобгар бўласиз», деган Намишод подшо нима дейишини билмай, газаб билан отига миниб шерни қувлаб кетибди. Лашкарлари бир қанча вақт кутиб, подшо қайтиб келмаганидан кейин орқасидан қидириб кетибди. Йўл юриб бир тоғлиқ жойда тўхташиб, горнинг оғзида бир нарсанинг қимирлаганини кўришибди. От чоптириб гор оғзига борсалар, Намишод подшо билан бир шер олишиб ётган эмиш. Шер

лашкарларнинг келаётганини кўриб, гор ичига кириб қетибди. Лашкарлари подшо ёнига келиб қарасалар, баданлари тирналган, ўзи ҳолдан кетиб ётибди. Лашкарлари Намишодни шаҳарга олиб келишибди. Подшонинг ҳоли оғирлашибди.

Вазир уламоларини чақириб:

— Мен дунёдан ўтаётиман. Қариган чоғимда худо менга фарзанд берган эди. Фалокат менинг ҳаётимни барбод қилиб, шу фарзандимнинг дийдорини кўра олмай кетяпман. Эй дўстларим, фарзандим дунёга келгандан кейин, яхши тарбия қилинглар. Балоғатга етгандан кейин ўғил бўлса ўрнимга шоҳ қилинглар, қиз бўлса малика қилинглар. Хотинимни ўқситманглар,— деб васият қилиб ўлибди.

Кунлар, ойлар ўтиб, Намишоднинг хотинининг туғиш вақти яқинлашиб қолибди. Тожи-тахтга эга бўлган Нодирбекнинг кўнглига қора ният тушибди. Унга ҳозир сураётган кайф-сафолар, тожи-тахт қўлидан кетаётгандек бўлиб кўринибди.

Вазирни чақириб:

— Эй вазир, марҳум Намишоднинг хотинининг ой-куни яқинлашиб қолди. Туғилган бола балоғатга етгандан кейин, албатта, бу тахт-бахтлар сен билан менинг қўлимиздан кетади. Қандай бўлса ҳам бир иложини қилиб, хотинни йўқотиш лозим,— дебди. Нодирбекнинг қора мақсадларига вазир ҳам қўшилиб, Намишод подшонинг ҳомиладор хотинини йўқотиш чорасини излабдилар. Вазир зиндонга бориб маҳбусларга:

— Икки кундан кейин ўрмонзорга борасиз. Унда бир хотинни олиб келишади. Шу хотинни ўлдирсангиз зиндондан озод бўласиз,— дебди.

Маҳбуслар рози бўлишибди. Икки кундан кейин маҳбусларни зиндондан олиб чиқиб қўлларига пичоқ бериб, ўрмонга юборишибди.

Маккор вазир хотиннинг олдига келиб ҳол-аҳвол сўрагандан сўнг:

— Бугун сизни бир саёҳат қилдириб келмоқчимиз. Марҳум шохимиз сизни тез-тез саёҳат қилдириб туришимизни васият қилган эди. Агар қаршилиқ қилмасангиз бир томоша қилдирсам,— дебди.

Хотин жуда хурсанд бўлиб аравага чиқиб ўтирибди. Вазир хотинни ўрмонзорликка олиб бориб: «Шу ерда бир оз дамингни олиб тур, мен бир ов қилиб келай» деб хотин-

ни ёлғиз қолдириб кетибди. Шу вақт бир қанча зиндонилар келиб, баъзилар хотинни ўлдиришга ачиниб, четлашадди, бир нечаси вазирдан қўрқиб келиб хотинни пичоқлабди. Хотиннинг дод-войига қарамай қорнини ёрибди. Вазир келиб хотиннинг ўлганига хурсанд бўлиб зиндониларнинг ҳаммасини озод қилибди. Маҳбуслардан бири дарахт орқасига бекиниб қолибди. Ҳамма кетганидан кейин қип-қизил қонга беланиб ётган хотин олдига келиб қараса, хотиннинг ёнида бир бола йиғлаб ётибди. Маҳбус болани кўтариб онасини эмизибди. Бола йиғидан тўхтаб онаси бағрида ухлаб қолибди. Маҳбус Нодирбекнинг зулмини кўриб хотинга қаттиқ ачинибди. Бўлган воқеани тасвишлаб бир қоғозга ёзибди, бир латтага ўраб боланинг бўйнига тақиб кетибди. Маҳбус кетиши билан ўрмондан бир шер чиқиб келибди. Қонга беланиб ётган хотин ёнига келибди-да, болани тумшуги билан итариб юбориб, хотинни ей бошлабди. Яна орқасидан бир шер чиқиб келиб қараса хотиннинг ёнида бир бола ётибди. Бу она шер: «Хотинни еяётган шер болани ҳам еб қўямасин», деб, болани кўтариб ўз болалари ёнига олиб борибди. Урғочи шер ўз болаларини қандай боққан бўлса, бу болани ҳам шундай яхши тарбиялабди. Бола катта бўлиб юра бошлабди. Шернинг устига миниб юришни ўрганибди. Бир куни шер болани елкасига миндириб юрганида бир тўда карвонлар учрабди. Карвонлар шер устидаги инсон боласини кўриб ҳайрон қолиб, шерни тутмоқчи бўлибдилар. Карвонлар камон ташлаб шерни ўртага олиб, болани олмоқчи бўлишибди. Бола қўрқиб шерга чирмашибди. Шер ҳам болани беришни истамай олишибди. Охири карвонлар шерни боғлаб ажратиб олишибди. Болани ўз бошлиқлари Саид Карвонга олиб келиб беришибди, Саид Карвон боланинг бўйнидаги хатни ўқиб, бўлган воқеани англабди. Бу сирни ҳеч кимга айтмабди.

— Шу бугундан бошлаб бу боланинг отини Шерзод деб қўямиз,— деб Саид болани ўзига фарзанд қилиб, шаҳарга олиб кетибди. Шерзод Саид Карвоннинг оиласида яхши тарбияланиб етти ёшга тўлибди. Тўрт йил ўқиб оққорани танийдиган бўлибди. Севиб ўйнайдиган ўйини қиличбозлик ўйини бўлибди. Отаси Карвон ўғлининг бу ўйинидан завқланиб пулини аямай уруш, жанг қилиш ҳунарини ўргатибди. Шерзод катта бўлгандан кейин шу шаҳарнинг номи чиққан қаҳрамонлари қаторига кирибди. Ҳатто ўргатган устозлари ҳам Шерзоднинг ҳунарини кўриб қойил қолишибди. Бир куни шу шаҳар подшоси Саид Карвон би-

лан Шерзодни ўз саройига чақирибди. Подшо уларни яхши қабул қилиб, ўғли Шерзодни ўзига лашкарбоши қилмоқчи бўлганини айтибди. Бу таклифни Шерзод ҳам қабул қилибди. Шу билан Шерзод лашкарбоши бўлиб, яхши хизмат қила бошлабди. Кунлардан бир кун Шерзод ўз лашкарлари билан овга чиқибди. Ов қилиб юрганида бир шер чиқиб булар томонга кела бошлабди. Шерзод шер билан ёлғиз ўзи олишмоқчи бўлиб, қиличини яланғочлаб шер томонга юрибди. Шер ҳам писанд қилмай яқинлашиб келаверибди. Иккови бир-бирига яқин келиб олиша бошлабди. Шерзод қиличи билан шерни иккига бўлиб гашлабди. Қараса яна олдиндан бир шер ерга суркалиб, бошини тебратиб келаверибди. Шерзод буни кўриб ҳайрон бўлибди. Урғочи шер ҳеч қандай ҳужум қилмасдан кўзидан ёшини тўкиб, ерга яна ҳам суркала-суркала келаверибди. Шерзод ҳам қўлидаги қилични қинига солиб қўйиб, ёлғиз ўзи шернинг олдига борибди. Шер ҳам Шерзод ёнига келиб кифтини оёғига суркай бошлабди. Шерзод ўзининг ёшлигида шер устида юргани эсига тушиб, шернинг нима демоқчи бўлганини фаҳмлаб, шернинг устига чиқиб олибди. Шер хурсанд бўлиб майдонни бир айланиб чиқибди. Шерзод ҳам овидан хурсанд бўлиб, шерни ўзи билан бирга шаҳарга олиб кетибди. Саид Карвон ўғлининг бу ишини кўриб жуда хурсанд бўлибди. Саид Карвон ҳамма лашкарларини ўз олдига чақирибди. Шерзод ҳам келибди. Саид Карвон ҳамманинг олдида Шерзоднинг саргузаштларини гапириб берибди. Сўзининг охирида Шерзодга: «Мана шу шер сени боқиб ўстирган онанг бўлади. Биз сени шу шердан олиб келган эдик. Шунинг учун сени Шерзод деб атадик» деб, бола вақтида бўйнига осилиб қўйилган хатни чўнтагидан олиб Шерзоднинг қўлига берибди. Шерзод хатни ўқигандан кейин, ўрнидан туриб боқиб ўстирган онаси шерни қучоқлаб йиғлабди, кейин отаси Саид Карвонни қучоқлаб раҳмат айтибди. Шер ҳам Шерзодга келиб юзларини юзига суркаб эркаланибди. Шернинг бундай қилиши «нега онангни ўлдирганлардан ўчингни олмайсан» дегандек бўлибди.

Шерзод кечаси туш кўрибди. Тушида ўзи туққан онаси Шерзодга қараб: «Болам берган сутимга рози эмасман», дебди. Шерзод чўчиб уйғонибди. Ирғиб ўрнидан туриб подшонинг розилиги билан аскарларини тўплабди. Аскарларига ўзи бош бўлиб отаси Намишод ўрнига қолган Нодирбекка қарши юриш қилибди. Бир неча кун йўл босиб шаҳарга келибди. Нодиршоҳ Шерзодга нима мақ-

садда келганини сўраб элчи юборибди. Шерзод келган элчига:

— Нодиршоҳ яхшилик билан тожу тахтини топширсин, бўлмаса жанг қилиб юртимни оламан,— дебди.

Элчи Нодиршоҳга Шерзоднинг мақсадини айтибди. Нодиршоҳ аскарларини тўплаб жанг бошлабди. Жуда қаттиқ жанг бўлиб, гоҳ Нодиршоҳ томони, гоҳ Шерзод енгибди. Охири Нодиршоҳ енгилибди, Шерзод уни асир олибди. Шерзод Нодиршоҳнинг олдига келиб:

— Умрингда гуноҳ қилганмисан?— дебди. Нодиршоҳ Шерзоднинг гапига ҳайрон бўлибди.

Шерзод яна:

— Менинг онамни ким ўлдиртирган?— дебди. Нодиршоҳ индамабди. Шунда Шерзод чўнтагидан хатни олиб отаси Саид Карвонга бериб:

— Шу хатни халқ олдида ўқиб беринг,— дебди. Саид Карвон хатни ўқиб бергандан кейин халқ Нодиршоҳга қарши ташланибди. Нодиршоҳ Шерзоднинг оёғига йиқилиб йиғлаб, гуноҳини кечиришни сўрабди.

Шерзод:

— Мен бугун онамни рози қилмоқчиман, сендан ўчимни оламан,— деб Нодиршони жаллодга буюрибди. Отаси Саид Карвонни шу шаҳарга подшо қилиб қўйибди. Ўзи Саид Карвоннинг шаҳрига онаси шер олдига кетибди.

Шерзоднинг ғайрати, ботирлиги бошқа мамлакатларга ҳам ёйилибди. Ҳатто бошқа шаҳар подшолари Шерзодни ўзларига куёв қилмоқчи бўлиб элчи юборибди. Кунлардан бир куни Шерзоднинг энг яқин ўртоғи Баттолғози деган бир шоҳнинг Гулшод деган қизини мақтабди. Шерзод буни эшитиши билан ғойибона ошиқ бўлибди. Қизини сўраб элчи юбориш тўғрисида подшо билан маслаҳатлашибди.


Подшо:

— Баттолғози жуда кучли подшо. Сенинг севгинг орқасида бошимизга кўп мусибатлар келиши мумкин, ҳатто кўп шаҳарлардан элчилар келганда, уларнинг бошини кесиш, жанг қилиш билан жавоб берган. Унинг билан баробар келиш қийин,— дебди.

Шерзод подшога ялиниб, жанг бўлган вақтда ҳам ўзининг ғолиб келишлагига ишонтирибди. Шоҳ ноилож рози бўлибди. Гулшодни сўраб Баттолғозига элчи юборибди. Баттолғози келган элчиларнинг ҳаммасини ўлдирибди. Бу ишга Шоҳ билан Шерзоднинг газаби келиб, Баттолшоҳга. «Яхшилик билан қизинг Гулшодни Шерзодга бер,

агар бермасанг жанг қилиб оламиз», деб хат юборибдилар. Баттолғози хатни олиб, қарши хат ёзибди. Хатда: «Менинг ҳайвон тарбиясини олган одамга берадиган қизим йўқ. Жанг қилишга тайёрман», дебди. Шерзод лашкарларини тўплаб, онаси шерни ўзи билан бирга олиб Баттолғозининг жанг майдонига борибди. Шерзод шерни ҳам лашкарларини ҳам қолдириб, ўзи отга миниб қалъа яқинига келибди. Девор ёқалаб бораётганда, қалъа ичидаги баланд аркга кўзи тушибди. Арк жуда чиройли безатилган, атрофида гуллар. Гулшод ҳам Шерзоднинг тарифини эшитибди. Отасининг золимлигидан ноҳақ нобуд бўлиб кетган йигитларга, шу қаторда Шерзоднинг нобуд бўлиб кетишига ачинибди. Қандай бўлса ҳам Шерзодни кўришни орзу қилиб, кечаси билан ухламай ўтирган экан. Секин жойидан туриб, соч толаларини орқасига ташлаб арkning саноксия зиналаридан тушаётиб, девор ёнида от устида турган Шерзодни кўрибди. Шерзод ҳам Гулшодни кўриб нима дейишини билмай унга қараб кулибди. Гулшод паст тушиб девор ёнига келибди, бир чиройли гулни узиб Шерзодга ташлабди. Шерзод ҳам девор ёнига келиб, ўзининг унга ошиқ бўлиб келганлигини, ҳам ўзининг Шерзод эканлигини айтибди. Гулшод жангда Шерзодга ёрдам беришга ваъда қилибди. Шерзод оти устидан девор ошиб боққа тушиб, қизни бир қучоқлаб ўпиб, яна девордан отига сакраб тушиб жўнабди.

Эртаси тонг ёришиши билан жанг бошланибди. Бир қанча вақт урушгандан кейин Шерзод аскарлари енгилар бошлабди. Шерзод бирдан шерни қўйиб юборибди. Шер орқасидан бир қанча аскарлари билан Шерзод ўзи майдонга кирибди. Шерзод от устида туриб тўрт томондан келганни чопиб ташлайверибди. Шер эса наъра тортиб дуч келганни бўғиб ташлабди. Шу пайт Шерзод аркдан томоша қилиб турган Гулшодни кўриб қўлини кўтарибди, Гулшод бир пиёла шароб олиб тушиб, Шерзодга берибди. Шерзод шаробни ичиши билан ғайратига ғайрат қўшилиб, душманга омон бермай ҳайдабди. Охири Баттолғози таслим бўлибди. Халқ Шерзодни подшо қилиб кўтарибди. Шерзоднинг енгганини Саид Карвон эшитиб келибди. Бир неча кун тўй-томоша қилиб Шерзод Гулшодга уйланибди. Шу билан мурод-мақсадларига етишибди.



## Вазирвачча

Бор экан, йўқ экан, оч экан, тўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, қирғовул қизил экан, думлари узун экан, тошдан тошга сакраган экан, оёқлари синган экан.

Аввал замонда бир подшонинг уч вазири бўлган экан: Вазирларнинг бири Чўхбой, иккинчиси Сўхбой, учинчиси Доно вазир деб аталар экан.

Чўхбой билан Сўхбой дангаса бўлганлари учун, подшо уларни қора нон, суюқ ош билан боқар экан. Доно вазир подшонинг ҳар қандай ишини қилгани учун, уни оқ нон ва палов билан боқар экан. Кунларнинг бирида Чўхбой билан Сўхбой далада юриб, маслаҳатни бир жойга қўйиб, шундай дебдилар: қачонгача Доно вазир оқ нон билан палов ейди, биз уни йўқотишимиз керак. Шундан кейингина биз ҳам палов билан оқ нон еймиз. Уни йўқотиш учун подшога бориб:

— Эй подшо, ҳовузингизда олтин балиқ бўлса қандай яхши бўларди?— десак ва олтин балиқни келтиришни подшонинг доно вазирага юклаттирсак, Доно вазир олтин балиқни келтира олмай йўқолиб, биз ҳам қора нон ва суюқ ошдан қутулиб қоламиз,— дейишибди.

Иккала вазир подшонинг олдига келиб:

— Подшоҳи олам агар бир қошиқ қонимиздан кечсангиз, бир узуримиз бор, айтсак,— дейишибди.

Подшо:

— Кечдим, айтинглар! — дебди.

Сўхбой:

— Шунча давлат, обрўга эгасизу, ҳовузингизда оддий балиқлар юрибди. Бунинг ўрнига бир донагина олтин балиқ бўлганида жуда жойида бўларди. Шу билан мартабангиз ҳам ортарди,— дебди.



Подшо:

— Олтин балиқни менга ким олиб келиб беради?— дебди.

Чўхбой билан Сўхбой:

— Оқ нон билан палов егувчи Доно вазирингиз олиб келиб беради-да, тақсир,— деб жавоб қилибдилар.

Подшо ҳам аҳмоқ экан, буларнинг гапига лаққа учибди. Доно вазирни чақиртирибди ва қирқ кун муҳлат бериб, бир олтин балиқ ушлаб келишни буюрибди. Агар қирқ кунда олиб келмаса, ўлдиражагини айтибди.

Доно вазир уйига келиб, хотинидан қирқта кулча ёптириб отасидан қолган тўрни олиб, балиқ ушлашга кетибди. Кетаётганида хотини иккиқат бўлиб туғишига бир ой қолган экан. Доно вазир хотинига: «Қиз туғсанг отини ўзинг билиб қўярсан, ўғил туғсанг, отини Вазирвачча қўйгин», деб йўлига равона бўлибди.

Доно вазир дарёнинг қирғоғида тўрни сувга ташлаб эрта-кеч намоз ўқиб, ўттиз тўққиз кунни ўтказибди. Тўрга кўп балиқ илинса ҳам, олтин балиқ илинмабди. Қирқинчи кун Доно вазир овқат ҳам емасдан ётган жойида чўзилганича ўлиб қолибди.

Энди буни қўйиб, икки шингилгина гапни уйдан эшитинг: Уйда вазирнинг хотини ўғил туғибди. Кўп хурсанд бўлибди. Отини Вазирвачча қўйибди. Вазирвачча бир кун ўтса, бир яшарли, икки кун ўтса, икки яшарли, шундай қилиб, Вазирвачча бир йилга қолмай жуда кучли — ҳар қандай одамни бир урганда икки думалатиб ташлайдиган бўлиб қолибди. У отасини сўраганида, онаси:

— Отанг кечаси келиб, азонда кетади, у келганда, сен ухлаб ётасан,— деб алдаб юраркан.

Отасини кўриш орзусида бўлиб, онасидан отасини топиб беришни талаб қилибди.

Онаси:

— Отанг олтин балиқ овлагани кетганича ҳали дараги йўқ,— деб жавоб қилибди.

Вазирвачча ўша замоннинг ўзидаёқ:

— Менга қирқ дона кулча ёпиб бер, отамни кўриб келаман.— дебди.

Онаси:

— Отангдан айрилдим, энди сендан ҳам айриламани, ўғлим?— дейишига кўнмабди.

Онаси қирқ дона кулчани ёпиб берибди. Вазирвачча кулча билан онасининг фотиҳасини олиб, отасини ахтариб

кетибди. Келиб отасини топиб қараса, отасининг суяги оқариб рўмоли чуриб қолган, кулчаси қотиб, тўри эса, дарёга ташланганича ётганмиш. Вазирвачча дарров отасининг суяқларини кўмиб, тўрни бошқа жойга ташлабди. Орадан бир неча кун ўтгандан кейин, тўрга бир ёш боладай олтин балиқ илинибди. Вазирвачча балиқни қўлтиқлаб онасининг олдига югурибди. Онаси олтин балиқни подшога элтишни айтибди. Вазирвачча балиқни подшога олиб борган экан. Подшо уни танитай:

— Келинг, Доно вазир, шу вақтгача қаёқларда эдингиз?— дебди. Вазирвачча:

— Сиз айтган доно вазир олтин балиқ ушлайман, деб қирқинчи куннинг ўзидаёқ ўлиб қолган. Мен унинг ўғли Вазирвачча бўламан,— деб олтин балиқни ҳовузга қўйиб юборибди.

Вазирвачча келгандан кейин Чўҳбой билан Сўҳбой тагин қора нон билан суюқ ошга тушиб қолибдилар.

— Ўзидан қутулсак ҳали боласи ҳам бор экан-да,— дейишибди.

Иккови ўтиришибди ва маслаҳатни бир жойга қўйишиб подшога:

— Олтин балиқнинг боши ҳовуздан лойқаланиб чиқаётир. Ҳовуз ҳам олтин бўлса, балиқ ҳовузнинг бир бошидан кириб, иккинчи бошидан чиқиб жаранглаб юрса, қандай яхши бўлар эди,— дейишибди.

Подшо:

— Олтин ҳовузни ким олиб келиб беради?— дебди.

Сўҳбой:

— Оқ нонингиз билан палов ошингизни еяётган, олтин балиқни олиб келган Вазирваччангиз олиб келади-да?— дебди. Аҳмоқ подшо Вазирваччани чақиртириб қирқ кун муҳлат бериб, олтин балиққа олтин ҳовуз олиб келишни буюрибди.

Вазирвачча онасининг олдига келиб воқеани баён қилиб, фотиҳа сўрабди.

Онаси:

— Отангдан айрилдим, энди сендан ҳам айриламаним? Қўй болам, бормагин,— дебди.

Вазирвачча:

— Агар ўлсам ўлигим жаннатда бўлишига дуо қилиб, менга оқ йўл тилаб қолинг. Мен ҳозир йўлга чиқмасам, қирқ кундан кейин подшо меми барибир ўлдиради,— дебди.

Онаси ўз ўғлига қирқ дона кулча ёпиб бериб ўғлининг

сафарига ноилож рози бўлиб, унга оқ йўл тилаб қолибди. Вазирвачча йўлга равона бўлибди. Вазирвачча кўп юрибди, чўлларда кўп юрса ҳам, мўл юриб жуда узоқ жойларга борибди. Чориғи йиртилиб, оёқлари ёрилиб, юзлари тимдаланиб қизил қон оқибди. Вазирвачча бир жойда дам олгани ўтирган экан, чарчаганлигидан ухлаб қолибди. Вазирвачча бир вақт кўзини очиб қараса, бошида оппоқ соқолли бир чол пешонасини силаб турганмиш. Баданида ҳеч қандай огриқнинг асари ҳам қолмабди. Ўзи бир қошиқ сув билан ютиб юборадиган чиройли йигит бўлиб қолибди. Чол:

— Эй болам, сен бу ерда нима қилиб юрибсан? Бу ерда қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куяди,— дебди.

Вазирвачча подшонинг амри билан олтин ҳовуз ахтариб юрганини баён қилибди. Чол:

— Сен узоқ йўлга кириб қолибсан, ҳали ҳам бўлса орқангга қайтгин!— дебди.

Вазирвачча:

— Йўқ, мен борадиган йўлимдан қайтмайдиган одамман,— дебди. Чол:

— Ундай бўлса, мен сенга бир йўл ўргатайин. Кўриниб турган тоғни ошсанг, бир булоқ бор, шу булоққа олтита каптар учиб келиб ерга қўнади ва бир думалаб одам сифатига кириб булоққа чўмилгани тушадилар. Буларнинг ҳаммаси пари қизлар бўлади. Шуларнинг орасида қизил кўйлакиси парилар подшосининг қизи бўлади. Унинг кўйлагини бошқа пари қизлар ўзлариники билан ўрайдилар, сен пари қизлар чўмилаётганида шу қизил кўйлакни олиб, ўзинг яширин. Пари қизи сендан кўйлакни сўраганда берма, дўқ урганда қўрқма, уларда ҳеч қандай қурол йўқ. Пари қизи:

— Тилагинг нима?— деганида, мени парилар боғига олиб бор!— дегин. Парилар боғига борган замон сен ҳушингдан кетасан, қўрқма, бу боғда дунёдаги ҳамма таом бор, шуларнинг ўртасида нақшин бир мева бўлади. Ҳушингга келганингдан кейин ҳамма таомларни есанг ҳам ўртадаги турган нақшин мевани емагин,— дебди.

Вазирвачча чолнинг айтганидай тоғни ошиб бир булоқ кўрибди. Булоқдан нарироқда бир чуқур бор экан, шунга кириб яширинибди. Ўша куни париларнинг чўмиладиган куни экан. Олтин каптар учиб келиб булоқ бўйига тушибди-да, бир юмалаб одам шаклига кирибди. Ечиниб, чўмилиш учун булоққа шўнғиб кетибдилар. Вазирвачча атрофи

бошқа кўйлақлар билан ўралган қизил кўйлақни олиб, тагин ўз жойига келиб яшириниб ётибди. Пари қизлар чўмилиб бўлиб, кийина бошлабдилар, кўйлақлар ўртасида ётган подшо қизининг кўйлаги топилмабди. Пари қизи ҳавони ҳидлаб кўриб:

— Пуф, о, одам иси келиб кетди,— дебди.

Пари қизлар ахтариб Вазирваччани топибдилар. Парилар подшосининг қизи дўқ уриб Вазирваччадан кўйлагини талаб қилибди. Вазирвачча:

— Мен ҳеч қандай кўйлақ олганим йўқ,— дебди. Ахир бўлмагандан кейин пари қизи:

— Нима тилагинг бўлса айт, ҳаммасини қилиб бераман,— дебди. Вазирвачча:

— Мени парилар боғига олиб боргин,— дебди.

Пари қизи рози бўлгач, Вазирвачча кўйлақни берибди. Булоқ бўйида бир юмалаб Вазирвачча ҳам капгар бўлиб, парилар билан бирга учиб кетибди. Чол айтганидай парилар турадиган жой гулзор экан. Вазирвачча келиб тушган замон ҳушидан кетибди, пари қизлари ҳар томон тарқалишибдилар. Бир замон Вазирвачча кўзини очиб қараса гулзорнинг ичи дунёда бўлган ҳар хил таомлар билан лиқ тўлган эмиш. Ўртасида нақшин мева турган эмиш. Вазирвачча ҳамма таомдан тотиб кўриб, нақшиннинг ҳам мазасини кўрмоқчи бўлиб еган экан, ўша онда ўлиб қолибди. Пари қизи дарров келиб бир ўтни ҳидлатиб Вазирваччани тирилтирибди. Шундан кейин Вазирвачча бир неча кун ўша боғда қолибди. Подшони берган муҳлатини тугашига бир кун қолганда, Вазирвачча пари қизни чақириб:

— Мени подшо олтин ҳовуз топиб келиш учун юборган эди. Эртага берган муҳлати тугайди,— дебди.

Пари қиз дарров девларни чақирган экан, сон-саноксиз девлар тегирмон тошини ўйнатиб келибди. Буни кўрган Вазирваччанинг сочи тикка туриб кетибди. Пари қиз девларга фалон жойдаги қирқ қаватли уй билан бир олтин ҳовузни фалон жойга олиб бориб кўйиб келарсиз,— деб фармон берибди. Вазирвачча:

— Энди сен билан қандай қилиб кўришаман?— деган экан, пари қиз сочининг бир толасини узиб бериб:

— Мени кўргинг келганида, шуни куйдирсанг, мен ёнингга бориб етаман,— дебди.

Вазирвачча қирқ қаватли иморатнинг энг юқорисидигига миниб ётиб кўзини бир юмиб очган экан, ўзини под-

шонинг ҳовлисида кўрибди. Ерга тушиб олтин ҳовузни ўрнатиб тагин энг юқоридаги хонага чиқиб ётибди.

Қирқинчи кун азонда подшо намоз ўқигани туриб эцикка чиқса, ҳовузи олтиндан, ҳовлисининг ўртасида қирқ қаватли ажойиб бир иморат пайдо бўлганини кўрибди. Ҳайрон бўлиб янги иморатни хонасидан хонасига чиқиб энг юқоридагисига чиқса, Вазирвачча хуррак отиб ухлаб ётганмиш.

Булардан хабардор бўлган Чўҳбой билан Сўҳбой, Вазирваччани йўқолмаганини кўриб ғазаблари кўзиб, тагин иккови маслаҳатни бир жойга қўйиб, подшонинг олдига келишибди.

— Бир подшонинг Кумуш номли дунёда яккаю ягона қизи бор, олтин ҳовузга, олтин балиққа, қирқ қаватли олтин иморатга, шунча обрў-ҳурматга эга бўлган одам, шу қизни ҳам ўзига олиши керак,— дейишибди. Подшо:

— Уни менга ким олиб беради?— деб сўраган экан. Чўҳбой:

— Шунча ишни удда қилиб келган баҳодирингизга бу қизни олиб келиш ҳеч гап эмас,— дебди. Шундай қилиб, Вазирваччани йўқотмоқчи бўлибдилар.

Подшо Вазирваччани чақириб Кумуш қизни топиб келишига қирқ кун муҳлат берибди. Вазирвачча пари қизининг толасини куйдирибди. Пари қиз тўрт томонида қирқтадан дев билан ўралиб, девлар тегирмон тошларни ўйнатиб йўл бўйи тўполон, чанг-бўрон кўтариб келибди. Буни кўрган подшо билан Чўҳбой ва Сўҳбойларнинг кайфи учиб кетибди. Вазирвачча парилар подшосининг қизига:

— Подшо менга Кумуш қизни топиб келтиришни буюрди,— деган экан, пари қизи:

— Бундай қиз дунёда йўқ, уни ахтариб сен овора бўлмагин,— дебди.

Вазирвачча пари қизнинг толасидан олиб қолиб, ўзини девлари билан жўнатибди. Бориб онасидан фотиҳани олиб йўлга равона бўлибди. Онаси дуо қилиб, ўглига оқ йўл тилаб қолибди. Вазирвачча кўп юриб бир неча кунлардан кейин бир тоққа чиқибди. Тоғ полвон оёғини бир тоққа бошини иккинчи тоққа қўйиб ётган эмиш. Вазирвачча:

— Нима қилиб ётибсан?— деган экан, Тоғ полвон:

— Вазирвачча келмоқчи эди, ўшанинг хизматини қилмоқчи бўлиб ёғибман,— дебди. Вазирвачча унга:

— Вазирвачча ўзим бўламан ўрнингдан тур!— дебди.

Тоғ полвон ўрнидан турган экан боши осмонга тегиб-

ди. Булар иккови йўлга равона бўлибдилар, йўлда кийикларни иккинчи тоққа чиқиб кетмасин деб, ёнбошлаб ётган Кийик полвонни кўрибдилар. Вазирвачча унинг нима қилиб ётганини сўрабди. Кийик полвон:

— Вазирваччанинг хизматини кутиб ётибман,— дебди. Вазирвачча:

— Вазирвачча мен бўламан, ўрнингдан тур,— дебди. Кийик полвон ўрнидан туриб беш-ўнта кийикни ушлабди. Ҳаммалари ўтириб пишириб еб, тагин йўлга равона бўлибдилар, тагин узоқ йўл юрибдилар. Кўп йўлни босибдилар. Нариги қиргоғи кўринмайдиган бир дарёнинг бўйига келибдилар. Дарё полвон оёғини нариги қиргоққа, бошини бериги қиргоққа қўйиб кўприк бўлиб ётган эмиш. Вазирвачча:

— Нима қилиб ётибсан?— деган экан.

Дарё полвон:

— Вазирваччанинг хизматини кутиб ётибман,— дебди.

— Вазирвачча мен бўламан, ўрнингдан тур!— деб буюрибди.

Дарё полвон туриб дарёнинг ўртасига тушган экан, сув белдан келибди. Дарё полвон балиқ ушлаб қиргоққа ташлабди, ҳаммалари ўтириб овқатланибдилар. Дарё полвон тагин кўприк бўлиб ётибди, бошқалар унинг устидан юриб, нариги қиргоққа ўтиб олибдилар. Дарё полвон ҳам ўрнидан туриб ҳаммаси тўртта бўлиб йўлга тушибдилар.

Кеч бўлиб қолибди, тўрт полвон бир тоғда тунаб қолибдилар. Азонда тоғ полвон икки жўр қушнинг чувурлаганига уйғониб кетибди. Жўр қуш:

— Кумуш қиз туғилган ондаёқ, ота-онасининг кўзидан ғойиб бўлган. У фалон жойдаги катта тошнинг тагида ётади. Қизни олиш учун тошни бир четга олиб қўйиш керак. Ундан кейин йўлак келади, йўлакка кириб бир қанча юргандан кейин ғор келади. Ғорнинг ичида бир эшик бор, шу эшикни очса, бир уйга кирилади, шу уйда кумуш қиз ухлаб ётибди. Қиз қирқ кунча ётган эди. Агар эртадан қолса, қиз одамзотликдан чиқади. Ота-оналари қизни қаерда эканлигини билишмайди. Подшо қизни олиш учун бир йигит юборган, қиз подшога эмас, йигитнинг ўзига насиб бўлган. Йигит қизнинг уйига кирганида, қиз қўрқиб, белидаги қиличига қўл югуртириши мумкин, аммо ундан ҳеч қўрқиб керак эмас,— дебди.

Тоғ полвон дарров ҳаммани уйғотиб воқеани баён қилибди. Ҳаммалари ўринларидан туриб, тоғ ёнига бориб-

дилар. Тоғ полвон катта тошни кўтариб бир четга олиб кўйибди. Тош тагидан бир йўлак чиқибди. Вазирвачча йўлакка тушибди. Фордаги эшикни очиб, ичкари кириб қараса, ичкарида паридан ҳам зиёдароқ бир қиз ухлаб ётганмиш. Қиз чўчиб уйғониб қолиб, Вазирваччани ўлдирмоқчи бўлиб қиличига қўл югуртирибди. Аммо олдида одам турганини аниқ кўргандан кейин қиличини тагин қинига солиб кўйибди:

— Сен одамзод экансан, билмабман — дебди ва — Агар мени олмоқчи бўлсанг, отамни розилигини олгин. Улар фалон жойда яшайдилар. Мени бу ерда эканимни билмайдилар. Мана бу соч толамни ол, керак бўлиб қолар, деб соч толасидан узиб берибди.

Вазирвачча қизнинг отаси ёнига борган экан:

— Қизимни олмоқчи бўлсанг, уч шартим бор, биринчиси: икки ўрани олтинга тўлғазасан, иккинчиси: чўпон билан бирга йўлга чиқиб ундан аввал дарёдан сув келтирасан, учинчиси: зиндонга солиб ўт ёқдираман. Агар шунга чидаш берсанг, қизимни бераман. Аммо шуни айтиб қўйайки, менинг қизимни олмоқчи бўлган минглаб одам шартимга дош беролмай ўлган, — дебди.

Вазирвачча шартларнинг ҳаммасига кўнибди. Биринчи шартни, қизнинг берган соч толасини икки учини икки ўрага солиб ёндирган экан, икки ўра ҳам олтинга тўлибди. Иккинчи шартни бажариш учун чўпон билан сув олиб келишга Кийик полвон борибди. Дарёдан қайтишда чўпон Кийик полвондан анчагина олдинда келар экан, Кийик полвон чўпонни бир уриб дарёнинг нариги қирғоғига ўтқазиб юборибди. Шундай қилиб, иккинчи шартни ҳам бажарибди. Учинчи шартда Дарё полвон дарёнинг ярим сувини шимириб олиб, Вазирвачча билан бирга зиндонга кирибди. Зиндон қизий бошлаганда Дарё полвон ичидаги сувдан пуфлаб зиндонни эрталабгача совитиб турибди. Шундай қилиб, учинчи шарт ҳам бажарилибди. Қизнинг отаси:

— Қизимнинг қаерда эканлигини ҳозир билмайман, топилганида бераман, — дебди.

Вазирвачча:

— Сен қизингни менга беришга фотиҳангни берсанг бўлади. Қизни ўзим топиб оламан, — дебди.

Ота қизини Вазирвачча олишига розилик фотиҳасини берибди. Вазирвачча қизни фордан чиқариб олиб, отасига кўрсатибди. Қизнинг отаси қимматбаҳо молларни қирқ

туяга ортиб, қизига қўшиб берибди. Вазирвачча Кумуш қиз билан кечаси келиб, қирқ қаватли иморатнинг энг юқорисига чиқиб ётибди. Азонда турган подшо ҳовли юзи тўла юк юртилган туяларни кўриб, ҳайрон бўлибди. Югурганича иморатнинг қабатларига ва ундан қирқинчи қабатга чиқибди. У ерда Кумуш қизни кўриб қолиб:

— Оҳ, жоним, сени ҳам кўрар кун бор экан,— деб қучоқ очиб қизнинг ёнига келган экан, қиз уйғониб қолиб подшога:

— Ҳовлига қаранг, туяларни биров етаклаб кетяпти,— дебди.

Подшо шошилганича ойнадан қараган экан, қиз қилич билан подшонинг бошини узиб ташлабди. Кумуш қиз билан подшонинг қовушганини кўришга шошилган Чўҳбой билан Сўҳбой ҳам қирқинчи қабатга кириб келибдилар. Кумуш қиз:


— Подшони кўргани келдингизми? Келинглар, мана бу ердан яхши кўриб бўлади,— деб уларни ҳам ойнадан қаратиб қўйиб, бошларини олибди. Вазирвачча:

— Жуда яхши қилибсан,— дебди. Кумуш қиз:

— Сиз мендан аввал пари қизга уйланган эдингиз. Биламан, сиз уни чақиртирингиз ва у билан турмуш кечиринг. Мен сизга чўри бўлайин.— дебди.

Вазирвачча пари қизнинг соч толасини ёндирган экан, пари қиз ўша онда учиб келибди. Пари қиз хабарни эшитиб:

— Йўқ, сиз иккинги турмуш кўрингиз. Мен сизга чўри бўлайин,— деб ўзи икковининг қирқ кунлик тўйини қилиб, тўйни ўзи бошқара бошлабди. Вазирвачча билан Кумуш қиз мурод-мақсадларига етибдилар.



Камбағал-қашшоқ

Ўтган замонда саксон яшар бир камбағал-қашшоқ чол бор экан. Даладан бир кўтарим ўтин териб келиб, уни сотиб, хотини билан тирикчилик ўтказар экан. Бир куни



Ўтинини сота олмасдан бозорга ташлаб қайтиб келибди. Чол эшикдан кириши билан, хотини:

— Нима олиб келдингиз? Кечадан бери ҳеч нарса еганим йўқ,— дебди.

— Ўтинимни сотолмай, қуруқ қайтдим,— дебди чол.

— Ҳа, тўғри, қачон ўтин сота олсангиз овқат олиб келасиз-да, бўлмаса йўқ. Мана шундай вақтда уйда бирор нарса бўлса, пишириб-куйдириб ердик. Энди эртага икки қўшнини ҳашарга айтсангиз, улар икки кўтарим ўтин олиб келса уни ёқармиз, сиз олиб келган ўтинни сотсангиз овқат бўлар,— дебди.

Камбағал хотинининг сўзини маъқуллаб, косибларни ҳашарга чақирибди. Улар ҳам рози бўлишибди. Эрта билан икки косиб чолнинг эшигига келиб чақирибди. Учови учта арқон олиб, ўтин теришга чиқиб кетишибдилар. Даладан ўтин териб, учови уч кўтарим ўтинни орқалаётганда шамол туриб, ўтинларини учириб кетибди. Чол: «Эр-хотин кеча оч ётган эдик, энди бугун ҳам оч қоламизми?» деб йиғлабди.

Косиблар чолни юпатиб:

— Эй ота, йиғламанг, бугун эр-хотин икковингизга овқат топиб берармиз. Эртага шамол тингандан кейин яна келиб ўтин териб кетамиз,— дебди. Улар қайтиб келаётганларида бир чинорнинг тагида чуқур кўришибди. Қарашса, улар терган ўтинларни шамол келиб шу чуқурга ташлаган экан. Косиблар:

— Ота, мана бизнинг терган ўтинимиз. Сиз тушиб олиб бериб туринг, биз олиб тахлаймиз,— дейишибди. Чол уч кўтарим ўтинни олиб бергандан кейин оёғининг тагига қараса, уч хум олтин турган эмиш. Чол бу олтинларни шерикларидан яширмай, чуқурдан олиб чиқиб уч боғ ўтиннинг орасига бир хумдан боғлабди.

Чол косибларга:

— Ўзингиз кўтарган хумдаги олтинлар ўзингизга, аммо ўтинни уйимга олиб борасизлар,— дебди. Икки косиб бир-бирига имо-ишора қилиб, чолни ўлдириб унинг ҳам олтинини олмоқчи бўлишибди.

Косиблардан бири:

— Сен чолнинг ўтинини боғла, мен қўлини боғлайман, сўнг чоҳнинг бўйига олиб бориб сўйиб ташлаймиз-да, устига тегирмон тошини бостириб кетамиз. Аммо ўтинни уйига элтиб берамиз,— дебди. Иккови чолни судрай бошлаганда, чол улардан:

— Нимага мени азоблайсизлар?— деб сўрабди. Биринчи туриб:

— Сизни ўлдириб олтиннинг ҳаммасини ўзимиз олмоқчимиз,— деб жавоб берибди.

Чол:

— Болаларим, мени ўлдирманглар, менинг оёғимни гўр тортиб қолган қари чолман, бунинг устига хотинимнинг етти ойлик гумонаси бор. Қизми, ўғилми шуни бир кўрсам, ундан кейин ўлсам армоним йўқ,— дебди. Улар чолга қулоқ солмай:

— Йўқ, ўлдирамиз,— дейишибди. Чол ялиниб:

— Мен бу воқеани ҳеч кимга айтмайман, ишонинг. Фақат ўтинимни уйга олиб бориб берсангиз бўлгани,— дебди. Улар:

— Йўқ, сўямиз,— дейишибди. Чол туриб:

— Бўлмаса, хотинимга бир васиятим бор. Шуни бориб айтишлар: «Чол йўлда ўтин кўтариб кела туриб, уч жойда шамолдан йиқилиб тушганига аччиғланиб, бошини олиб бошқа бир шаҳарга кетди. Агар хотиним ўғил туғса, отини Дод қўйсин, қиз туғса, ўзи билиб от қўйсин, деб айтди», денг.

Улар чолнинг бошини шартта кесиб, ўлигини чоғга ташлаб, тегирмон тошини бостириб қўйишибди. Уч кўтарим ўтинни олтин билан кўтариб уйларига қараб кетишибди. Ҳалиги уч кўтарим ўтинни камбағалнинг уйига келтириб, чолнинг хотинига:

— Эрингизнинг феъли қурсин, бизни ҳам хафа қилди, ўзи ҳам уч жойда йиқилиб тушиб, аччиғидан бошқа бир шаҳарга бошини олиб кетди. Кета туриб: «Хотинимга айтишлар: бўйда гумонаси бор эди. Агар ўғил туғса, отини Дод қўйсин, қиз туғса ўзи билиб от қўйсин» деди,— дебдилар.

Хотини йиғлай-йиғлай ўтинни олиб кириб кетибди. Косиблар ярим хумдан олтинни сарф қилиб, нақшин сарой солишибди. Улар ҳар шаҳардан гумашта ортдириб, катта бой бўлиб, етти қирон подшоҳларга эътиборли бўлиб кетибдилар. Адрас кийимлар кийиб, пўта белбоғлар боғлашиб, кумушдан ҳасса ушлаб юрадиган бўлишибди.

Энди бир калима сўзни камбағалнинг хотинидан эшитинг. Вақти-соати етиб хотин бир ўғил туғибди, отини Дод қўйибди. Дод кунда бир яшаб, ойда бир яшаб етига қадам қўйибди. Онаси Додни кўчага чиқармай, эшикка

қулф солиб қўйиб, ўзи чарх йигириб кун ўтказар экан. Бир кун Дод кўчада ўз тенгқурларининг овозини эшитиб йиғлаб, онасига:

— Э она, мен ҳам чиқиб болалар билан ўйнаб келай,— дебди. Онаси:

— Менинг гапимга кирсанг чиқараман: бетингга ниқоб тортиб қўяман, шу ниқобинг билан ўйнайсан. Болалар ниқобингни оч деса «очмайман» дегин,— дебди. Дод юзига ниқоб тортиб чиқиб, кечгача болалар билан ўйнабди. Сўнгра қорни очиб уйга кирибди:

— Она, нон беринг,— дебди. Онаси:

— Э болам, сенинг ташвишингни тортиб ўтирган эдим, уйда бир бурда нон йўқ. Энди отангни ҳунарини қилмасанг бўлмайди. Отанг ўтинчи эди. Энди иккимиз далага бориб икки кўтарим ўтин олиб келсак биримизники овқат бўлса, биримизники қўр бўлади,— дебди.

Она-бола маслаҳатлашиб, иккови арқон олиб далага боришибди. Ўтин териб юриб онасининг бели оғриб қолибди. Онаси:

— Мен бирпас ётиб дам олай, сен ўйнаб тур,— деб бир дарахт тагида ётиб ухлаб қолибди. Уйқусидан уйғониб қараса, боласи йўқ. Боласини қидириб «Дод» деб тўқайга кириб кетибди. Тўқайдан чиқиб «Дод» деб тоғ орасига қараб излаб кетибди. Тоғ орасидан чиқиб «Дод» деб дарё ёқалаб кетибди. Ундан чўлга қараб қидириб «Дод» деб кетибди. Ўғлини топа олмай боласининг доғида чўлда зор-зор йиғлаб кетаётган экан, олдидан саккиз юз аскар билан кийик овига чиққан бир подшо чиқиб қолибди. Подшо хотиннинг додини эшитиб иккита ясовулга: «У хотинни чиён чаққанми ё илон заҳар солганми ўзидан-ўзи «дод» деб йиғлаб юрибди, уни олиб келинглар!» деб буюрибди. Ясовуллар хотинни подшонинг олдига олиб келишибди. Подшо хотиндан:

— Нима учун дод деб йиғлайсан, илон чақдим, чиён чақдим?— деб сўрабди. Хотин:

— Боламни йўқотдим, оти «Дод» эди. Отини айтиб йиғлаб кетаётиб эдим,— дебди. Подшо:

— Бошқа от қуриб кетдим, шу отни қўясанми,— дебди. Хотин эрининг икки қўшниси билан ўтин олиб келишга кетганда бўлган воқеани ва эрининг васиятини айтибди:— Сўнгра болам билан ўтин теришга чиққан эдим. Белим қотиб бирпас ётдим, ухлаб қолибман. Урнимдан туриб қарасам, болам йўқ,— дебди.

Подшо:

— Эринг билан ўтин териш учун ҳашарга чиққан қўш-ниларинг ҳозир борми?— деб сўрабди.

Хотин:

— Бор, улар бой бўлиб кетган. Бозор чорсида нақшли саройда турадиган, кумуш курсида ўтирадиган икки бой ўша қўшниларимиздир.

Подшо: «Чолни ўша қўшнилари ўлдирган бўлса керак» деб ўйлаб, учта ясовулни чақириб:

— Учовинг «Дод» деб шаҳарга уч томондан киринглар. Шаҳар ичида қайси бола «Ха» деса, тутиб отга миндириб олиб келинглари,— дебди. Учта ясовул «Дод» деб шаҳарга киришибди. Шаҳарда кабобпазнинг дўконида кабоб еб ўтирган бир бола «Ха» дебди. Ясовул боладан: «Отиги нима?» деб сўрабди. Бола:

— Дод,— дебди. Ясовул:

— Дод бўлмай ўл. Чўлларда онанг Дод деб йиғлаб юрибди,— дебди-да, Додни отга миндириб подшонинг олдига олиб келишибди. Подшо ниқобдор болани кўриши биланоқ:

— Бетингдаги ниқобингни оч,— дебди. Бола:

— Эй подшоҳи олам, бетимдаги пардани очдириб нима қиласиз. Қандай гапингиз бўлса, айта беринг,— дебди.

Подшо:

— Агар отанг билан ўтинга чиққан кишиларни чақириб отангнинг ўлигини топдириб берсам, ниқобингни очсанми?— дебди.

— Ниқобимни очиш ихтиёри менда эмас, онамда,— дебди бола. Подшо онасини чақириб:

— Болангнинг ниқобини очиш ихтиёри сенда экан, ниқобини очсин!— дебди. Онаси подшога:

— Бу ёш бола бўлса, бунинг юзини кўриб нима қиласиз?— дебди.

Подшо икки ясовулига бойларни олиб келишни буюрибди. Ясовуллар бойлар олдига борибди, уларга сиёсат қилиб «подшо сизни чақирди» деб икки бойнинг қўлларини орқасига боғлаб, отга миндириб подшонинг олдига олиб келибди. Подшо уларнинг оёқ-қўлларини ечдириб ерга тушуртирибди. Подшо икки бойдан:

— Шу боланинг отасини қаерда ўлдирдинглар? Ростини айтсангиз сизга зулм йўқ,— дебди. Бойлар:

«Бизга зулм йўқ экан», деб чолни ўлдирганларига иқроп бўлишибди:

— Чинор тагида ўлдирдик, чоҳга ташладик,— дейишибди. Подшо:

— Нима сабабдан ўлдирдинглар?— деб сўрабди. Бойлардан бири бўлган воқеани бирма-бир айтиб, чуқурда тўпилган олтиннинг ҳаммасини олмоқчи бўлиб, чолни ўлдирмоқчи бўлганларини, охирида чолнинг: «Мени ўлдирадиган бўлсаларинг, бир васиятим бор, бориб хотинимга шундай деб айтинглар. Эрингизнинг феъли қурсин, бизни ҳам хафа қилди. Узини ҳам хафа қилди. Уч жойда шамолдан йиқилиб тушди. Аччиғидан бошини олиб бошқа шаҳарга кетди. Кета туриб, агар хотиним ўғил туғса, отини «Дод» қўйсин, қиз туғса отини ўзи билиб қўйсин» деди. Биз «васиятинг шуми» деб бошини шартта кесиб, чинор тагидаги чоҳга кўмиб, устига тегирмон тоши бостириб кетдик. Олтинни уйимизга олиб бориб, бир ярим хумдан бўлиб олдик. Чолнинг хотинига ўтинни олиб бориб бериб, чолнинг васиятини айтдик. Шу билан биз бойиб кетдик!— дебди. Иккинчи бой:

— Эй подшоҳи олам, султони бокарам, дунё ширин экан. Шу ишларни қилдик. Нима зулм қилсангиз мана олдингизда турибмиз,— дебди. Подшо:

— Икки хум олтин турибдими?— дебди. «Турибди» дейишибди, бойлар. Подшо:

— Икки хум тиллани олиб келинглар,— деб икки ясовулга буюрибди. Ясовуллар икки хум олтинни олиб келишибди. Подшо Додни чақириб:

— Мана бу бир хум олтин отангнинг ўлдирилгани учун, мана бу бир хум олтин отангнинг ўз ҳақи, ол, розимсан?— дебди. Дод:

— Мен отамнинг хунидан кечдим. Отамнинг ўз ҳақи — бир хум олтинни беринг, бошқаси керак эмас,— дебди. Дод бир хум олтинни кўтариб онасининг олдига олиб борибди. Подшо бир хум олтинни бойларнинг ўзига бўлиб берибди.

Подшо Додни чақиртириб:

— Отангнинг ўлиғини топиб бердим. Энди юзингдан пардангни оч, кўрай!— дебди. Дод:

— Қандай подшосиз, мен етти яшар бола бўлсам, юзимки кўриб нима қиласиз?— дебди. Подшо «Ниқобингни очмайсанми?— деб қиличини суғириб, Додга ҳамла қилибди. Бола қиличдан қўрқиб юзини очиб юборибди. Подшо боланинг юзини кўриб отнинг тагига йиқилибди. Бола саркардаларни чақириб:

— Улуғларинг беҳуш бўлиб йиқилди. Дарё бўйига олиб бориб ҳушига келтиринглар,— дебди. Саркардалар келиб, подшони елиб ҳушига келтиришибди. Подшо «Дод қаерда?» деб сўрабди. Додни келтиришибди. Подшо:

— Эй болам, қайси боғнинг гулисан, девмисан, паризодмисан, қандай гавҳар донадан пайдо бўлдинг?— дебди.

Дод:

— Мана шу кампирдан бино бўлганман,— дебди.

Подшо:

— Етти иқлим подшоси бўлиб, сендек ҳусндорни Кўҳиқофдан ҳам топмадим. Менинг ўғлим ҳам йўқ, қизим ҳам йўқ. Сен менга ўғил бўл, олиб кетай. Овғон боғларимда, салтанат тахтларимда ўтир, сени подшо қилай,— дебди. Дод туриб:

— Мен етти яшар боламан, эна сутим оғзимдан кетгани йўқ, ўрдага лойиқ эмасман, одамнинг сарасини ажрата олмайман. Менга шу чўлларнинг ихтиёрини берсангиз, мен ариқ чиқартириб, иморат солдириб бева-бечораларга берсам, минг таноб ерни боғ қилиб, етти йилда обод қилсам. Ўн тўрт ёшга кирганимдан кейин келиб олиб кетарсиз,— дебди. Подшо Додга бир саноч олтин бериб «энди ота-бола бўлдик» деб аскарларини, вазир-саркардаларини, ясовул-юзбошиларини олиб тоққа кийик овига кетибди. Дод энасига қараб:

— Эй онаи меҳрибоним, сизга шу ерга бир тол ёғочдан қапа қилиб берай, сиз шу ерда истиқомат қилиб турунг. Мен бир-икки минг мардикор олиб келай,— дебди. Эртаси бир қанча мардикор олиб келиб Қўқон вилоятидан ариқ чиқартирибди: иморат қилдириб бева-бечораларга берибди. Етти йилда минг таноб ерга боғ қилдирибди. Бу боғ Доднинг боғи деб машҳур бўлибди.

Боғни тайёр қилиб ўтирганда, подшоҳ қирқта саркардасини юбориб Додни тилла қафасга, энасини кажава саватга солиб олдириб келибди. Доднинг онасига қирқта зинаси санги-марварид тошдан ясалган равоқ берибди. Энага хотин, қирқта каниз, қирқта чўри, қирқта қул унинг хизматини қилибди. Ҳар кун Доднинг энасига қирқта қўйнинг илигидан ош қилиб берибди.

Подшо Додга:

— Энди қўлимга тушдинг, ота-бола бўлдик, бетингдаги ниқобингни олиб, тахтимга ўтир!— дебди.

Дод:

— Менга онамдан жавоб олиб келишга рухсат беринг, ундан кейин ниқобимни очай,— дебди. Подшо рухсат берибди.

Дод онаснининг ёнига югуриб бориб:

— Э онаи меҳрибоним, подшо «юзингни оч» деди. Унда донолар, вазирлар, қирқтэ сандалнишинлар<sup>1</sup> ясовулар, понсодлар<sup>2</sup>, юзбоши-саркардалар ўтирибди. Улар олдида юзимни очсам, подшоҳнинг яна ҳуши кетиб қолса, бирор душман чиқиб подшони ўлдириб кетса, мен жавобгар бўлиб қолмай тагин,— дебди.

Шунда онаси:

— Эй Дод болам, оғзингни оч бўлмаса,— дебди, Дод оғзини очибди: энаси бир туфлабди.— Бор болам, энди бориб ниқобингни очиб ўтира бер,— дебди. Дод подшонинг салтанат тахтига чиқиб подшонинг ўнг томонига бориб, ниқобини юзидан олиб ўтирибди. Шунда одамлар Доднинг ҳусн-жамолини кўриб таҳсин-офарин қилиб подшога: «Уғлингиз қутлуғ бўлсин» дейишибди. Подшо булар устидан дур сочибди. Дод Овғон боғига ов қилиш учун кирибди. Доднинг ҳуснини ўрдаклар, чуррақлар томоша қилиб, кетидан юришибди. Ўрдак, чуррақдан қочиб туяхонага кирибди, унда ҳам карвонлар унинг ҳуснини томоша қилишибди. Ундан чиқиб ичкари ўрдага кирибди, ундаги қизлар Доднинг ҳуснини кўриб, уни қувлаб юрибди. У ердан кўча дарвозасига чиққан экан, эшикдаги қирқта шотир унинг ҳуснини томоша қилиб қува берибди. Ундан подшонинг чиллахонасига кириб қутулибди. Чиллахонада бағрини захга бериб ётиб ухлаб қолибди. Тушида Кўҳиқофдан бир паризод бир қўлида кабоб, бир қўлида шароб ушлаб, учиб келиб шаробни ичириб, кабобни едириб, кетибди. Подшозода чўчиб уйғониб ўнг томонига, сўл томонига қараса ёнида паризод йўқ эмиш. Дод шикасталик билан ўрnidан туриб қушхонага кириб, подшонинг қушини қўлига қўндирибди. Чакасни белига қистириб камон, ўқ-ёйларни белига тақибди, подшонинг отхонасига кирибди. Тулпор отни етаклаб чиқибди. Унга миниб, ёр ишқида тоғ ичига кириб кетибди. Тоғма-тоғ, чўлма-чўл, кўлма-кўл юриб бир тилсимли тоққа кириб қолибди. Унда уч кеча-ю уч кундуз юрибди. Охирида тоғ орасидан бир кийик чиқиб чўлга қочибди. Дод кийик орқасидан қувлаб, у ҳам чўлга чиқиб

<sup>1</sup> С а н д а л н и ш и н л а р—курсда ўтирувчилар, яъни вазирлар,  
<sup>2</sup> П о н с о д л а р—бешюз бошилар, амалдорлар,

қолибди, кийикни топа олмай йўл юрибди. Ёлғиз ўзи чўлма-чўл, кўлма-кўл, етти кеча-ю етти кундуз йўл юриб, бир дарёнинг бўйига етибди. Белидаги чакасни ерга сўқиб, қушни қўндирибди. Дарё бўйида дам олиб ўтирса, рўпарасида салласининг печи елкасига, соқоли кўксига тушган, қўлида ҳасса ушлаган малла тўнаи, бетидан нур ёғилиб турган бир мўйсафид чол пайдо бўлибди. Дод мўйсафидга салом берибди. Мўйсафид:

— Ўғлим Дод, бу тилсим дарёси олдида турма, бунда девлар бор. Сен ошиқликнинг ишқида келган экансан. Севган қизинг парилардан. Лекин буни олиб чиқишнинг иложи йўқ,— дебди. Дод чолга қараб йиғлаб байт ўқибди. Чолнинг раҳми келиб:

— Мен топиб берай. Кўзингни юм, етти дамдан кейин оч,— дебди. Дод кўзини юмиб, етти дамдан кейин очиб қараса, ўзини дарёнинг нариги томонида кўрибди. Чол:

— Ўғлим, ҳов ўша кўринган танаси зумраддан, шоҳи лаъли-ёқутдан, барги забаржаддан бўлган дарахт ёнидаги қўрғоннинг ичига кирсанг унда жами девлар-парилар ухлаб ётганини кўрасан. Оёғинг тагида гавҳар шамчиروқлар бўлади, унга назар кўзингни солмай ундан ўтганидан кейин, қирқ бир ҳужра бор, унда ҳам гавҳар шамчиروқлар бор, бунга ҳам қарама. Охирги ҳужрага кирсанг, токчада учта қовоқ турибди. Ўртадаги қовоқни менга олиб келиб бер,— дебди.

Дод чолнинг айтганидай бориб охирги ҳужрага кирибди, ўртадаги қовоқни олиб келиб чолга берибди. Чол:

— Эй болам, сенинг тушингда кўрган ёринг шу. Энди кўзингни юм,— дебди. Бир оздан кейин «кўзингни оч!» дебди. Дод кўзини очиб қараса, ўзини оти олдида кўрибди. Чол яна: «Сен ўн тўрт кунлик йўлни босиб келдинг, энди мен сенга бир дуо ўргатай, тез етасан» деб унга дуо ўргатибди. Дод қовоқни қўлтиғига қисиб отига минибди. Чол: «ўғлим олгин — олдирма, тўлгин — тўкилма, йўлда ҳаргиз қовоққа ҳазил қилма, яна ўз бошингга жабру жафони ордирма», дебди. Дод йўлда чол ўргатган дуони ўқибди, бир қанча йўл босгач, отининг бошини тўхтатиб: «Мен тушимда паризодни кўрган эдим. Жодугарга учрабман. Қуруқ қовоқни нима қиламан» деб ерга ташламоқчи бўлиб ушлаганда, қовоқнинг ичидан «Вой нозик баданим» деган товуш эшитилибди. Дод дарров тилла қиличини суғириб олиб қовоқнинг бандидан очибди. Қараса: ой деса оғзи бор, кун деса кўзи бор, шириндан-шакар сўзи бор, ўнг бетидан



чапараста холи бор, неча алвонлар кийган, қирқ кокилига дури жавоҳирлар тақилган бир паризод қиз ўтирибди. Йигит парини кўриб, ҳушидан кетиб йиқилибди. Паризод уни елиб ҳушига келтирибди. Дод:

— Бўйингдан айланиб кетай гавҳарим, топилмас қимматбаҳо дурри ғалтоним<sup>1</sup>. Қайси боғнинг гулисан, қайси чаманнинг булбулисан, девмисан, паримисан, инс-жинсмисан, қайси гавҳар донадан пайдо бўлгансан?— деб сўрабди. Паризод:

— Чолнинг сўзини қулоғингизга олмай ўзингизга жабр-жафо ортдирдингиз. Энди мени уч хил йўл билан уйингизга олиб борасиз,— дебди. Дод:

— Зарварақ тўнимни ёпиб, заррин рўмолни парда қилиб, отга миндириб олиб кетаман,—дебди. Қиз:

— Мен отга минишга муносиб эмасман, соябон аравага муносибман,— дебди. Йигит:

— Бўйингдан айланай, гавҳарим. Шаҳар яқин қолди. Шаҳарга етганда сизни бир томга чиқариб қўйиб, отам саройидан қирқта қиз-жувонларни аравага солиб келиб, карнай чалдириб олиб кетаман. Саксон зинали равоққа қўяман. Равоқнинг зиналари мрамар тошдан, тепаси қизил маржондан, кунгуралари лаъли-ёқутдан,— дебди. Малика рөзи бўлиб, отнинг орқасига мингашиб шаҳарга жўнашибди. Шаҳарга яқин қолганда бир томга қизни қўйиб, ўзи шаҳарга арава олиб келишга кетибди. Паризод бетидаги пардасини очиб атрофга табассум билан қарабди. Бу жойнинг рўпарасидаги уйда бир кампир турар экан. У жодугар экан. Бир еганда қирқта қўйнинг гўштини еб, ҳар сув ичганда бир меш сув ичар, нафасига бир жувоз айланар экан. Шу кампирнинг уйига бир ёруғ шуъла тушибди. Кампир, «бу қандай шуъла экан, билай-чи», деб сув оладиган кўзасини кўтариб, кўчага чиқибди. Жодугар кампирнинг кўзи паризодга тушибди. Қиз кампирга салом берибди. Кампир:

— Ҳа, онанг айлансин, пастга тушиб шу кўзада ариқдан сув олиб бер,—дебди. Қизнинг аччиғи келиб:

— Мен сизнинг чўрингиз эмасман,— дебди. Кампир:

— Сен менга сув олиб бергани булоқ бошига борсанг шуъланг сувга уриб қолса, мен шу шуъланг ёруғида чарх йингириб, овқат қиларман деган эдим,—дебди. Паризод кампирга:

<sup>1</sup> Ғалтон — юмалоқ, катта дур.

— Мен паризодман, бир думалайман илон бўламан, бир думалайман каптар бўламан, бир думалайман кампир бўламан,— дебди.

Кампир:

— Бунчалик ҳунаринг бўлса, қани каптар бўл-чи,— дебди. Паризод бир юмалаб оёғи қизил маржондан, қаноти лаъли-ёқутдан, тумшуғи забаржаддан бир каптар бўлибди, яна юмалаб қадимги асл ҳолига келиб паризод бўлибди.

— Мени Дод қанча машаққатлар билан топиб олиб келди. Сиз менга сув олиб бер, дейсиз,— дебди.

Кампир: «Қўй, олиб бермасанг ўзим оламан», деб зарда билан кўзасини кўтариб булоқ бошига кетибди. Маликанинг кампирга раҳми келиб:

— Тўхтанг она, мен ўзим олиб берай,— деб кампирнинг орқасидан борибди. Кампирнинг қўлидан кўзасини олиб, булоқдан сув олаётганда, кампир келиб қизнинг орқасидан бир тепибди. Қиз сувга тушиб, ғойиб бўлибди. Кампир кўзасини ерга уриб синдириб томга чиқибди. Қизнинг заррин рўмолини юзига парда қилиб ўтирибди. Бир оздан кейин Дод беш юз саркарда, қирқ қиз-жувон билан ҳар хил ўйинлар қилиб келиб қолибди. Келиб қараса, қизнинг ўрнида кўзи чакса гуруч дамлайдиган қозондай бир кампир ўн тўрт кишилик жойни эгаллаб ўтирган эмиш. Йигит юзини очиб қарабди, қўрққанидан ўзини пастга ташлаб юборибди. Саркардалар Доднинг юзига сув пуркаб ҳушига келтиришибди. «Эй подшоҳ-зода, сизга нима бўлди?» деб сўрашибди. Дод уларга кампирнинг таърифини айтишга номус қилиб ўрнидан ирғиб туриб кампир олдига бориб:

— Сен ўша паризодмисан, ё ўзгамисан?—дебди.

Кампир:

— Мен ўша сиз олиб келган паризодман,— дебди.

— Бўлмаса, яна юзингни кўрай,— дебди. Кампир:

— Мен сизга ҳозир юзимни кўрсатмайман, қачон мени никоҳингизга оласиз, мендан бир ўғил кўрасиз, шу ўғил етти ёшга кирганда отангиз тўй қилиб беради, шу куни юзимни кўрсатаман. Унгача юзимни кўрсатмасликка қасам ичганман. Менда ҳали ҳунар кўп:— бир юмалайман каптар бўламан, бир юмалайман илон бўламан, бир юмалайман кампир бўламан, бир юмалайман тағин паризод бўламан, мана ҳозир бир юмалаб кампир бўлдим,— дебди. Дод:

— Бир юмалаб илгариги паризод бўлинг, мен сизни подшо саройига олиб бораман,— дебди. Кампир:

— Хоҳласангиз шу, хоҳламасангиз кўк каптар бўлиб Кўҳиқофга учиб кетаман,— дебди. Дод ўйлаб туриб:

— Етти йил кутиш йигит кишига нима гап, аравага тушинг!— дебди. Кампир:

— Аравага ўзингиз кўтариб солинг!— дебди. У кампирни кўтараман деб етти юмалаб ағдарилиб тушибди. Энага хотинлар кўплашиб шоҳзодани кўтариб олишибди. Кампир шоҳзодага:— Отни ўзингиз миниб олинг,— дебди. Дод отга миниб «чув» деб бир қамчи уриши билан, қудуқнинг ичидан бир қора от чиқиб, унинг олдига келиб гир-гир айлана берибди. Шу ердаги одамлар отни кўриб офарин қилибди. Дод ўзи минган отдан тушиб, қудуқдан чиққан отнинг бўйнидан қучоқлаб ўпа берибди. Кампир бунни кўриб:

— Бу отни чиқариб қудуқдан чиққан қора отни аравага кўшинг!— дебди. Энагалар қора отга тилла юганлар кийгизиб, аравага кўшибди. Подшоҳзода отга миниб, бир қамчи уриб ўрдага кетибди. Ҳар қирқ одимни бир одим қилиб ўрдага етибди. Подшо буларга дурри жавҳарлар сочибди. Қиз-жувонлар ўлан айтишиб келишиб, келини равоқнинг тепасига олиб чиқиб кетишибди. Кампир заррин рўмолни юзига парда қилиб, чимилдиқнинг ичида юзини кўрсатмай ўтирибди. Дод қудуқнинг ичидан чиққан отни якка қозиққа бойлаб қўйибди. От сувлиғини чайнаб турибди. Подшозода от олдидан кета олмай отнинг бетидан, от Доднинг бетидан ярим кечача ўпишиб, ўйнашиб чиқибди. Кампир канизакларга айтиб шоҳзодани чақиртирибди. Дод кампирнинг олдига салом бериб кирибди. Кампир туриб:

— Эй шоҳзода, ё ўша қора отни денг, ё мени денг. Бўлмаса кўк каптар бўлиб учиб кетаман, мени десангиз вақт-лироқ никоҳингизга олинг, фарзанд кўришнинг орзусини қилинг,— дебди.

Шоҳзода кампирдан бу сўзни эшитиб, қўлига заррин рўмолча олиб зор-зор йиғлаб, отасининг салтанат тахтига чиқибди. Подшо ўглининг ҳолини кўриб:

— Сизга ким зулм, алам етказди. Зулм ўтказганларни олиб келиб қалласини олиб, қаллани минорга урам,— дебди. Шоҳзода:

— Э подшо, мен Кўҳиқофдан бир қовоқ олиб келаятиб, йўлда очдим. Ичидан бир қиз чиқди. Шаҳарга кир-

ганда уни бир томга қўйиб ўзим ўрдадан соябон арава олиб келгунимча, қизнинг ўрнига бир кампир пайдо бўлиб қолибди. Келиб юзини очиб қарасам, кўзи чакса гуруч кетадиган қозондек ўн тўрт кишилик жойни эгаллаб ўтирибди; бу кампир: бир юмалайман кампир бўламан, бир юмалайман, илон бўламан, бир юмалайман, кўк каптар бўлиб ўн саккиз минг оламни айланиб келаман, бир юмалайман паризод бўламан дейди. Мен кампирга: «яна паризод бўлинг, дўст-душманнинг олдида мен сизни қандай қилиб шу ҳолингизда ўрдага олиб бораман» дедим. Кампир: «Мен ҳуснимни кўрсатмасликка қасам-ёд қилганман, мени шу ҳолимча никоҳингизга оласиз, ўғлингиз етти яшар бўлиб, отангиз тўй қилиб берган кунни асли ҳуснимни кўрсатаман. Хоҳламасангиз бир юмалаб кўк каптар бўлиб, Кўҳиқофга учиб кетаман» дейди. Энди мен йиғламай ким йиғласин. Уни асли паризодлигида яхши кўриб қолган эдим. Йўлда бир қудуқдан қора от чиқиб гир-гир айланиб турди. Отдан тушиб қора отни қучоқлаб ўпа бердим. Жами одамлар отни кўриб таҳсин қилишди. Шунда кампир илгариги отни аравадан чиқариб қудуқдан чиққан отни аравага қўштирди. От қирқ одимни бир одим қилиб ўрдага етказди. Келгандан кейин ҳам от билан ўйнаб турсам, кампир чақириб «Тезда никоҳингизга олинг» деди. Мен қандай қилиб бу кампирни никоҳимга оламан, ҳар ким севганини оладида,—дебди. Подшо айтибди:

— Кўп хафа бўлманг, бир иложини қилармиз. Расми паризодлар дуо ўқиб ҳар турга кира беради, ўғлим. Бир илож қилиб ўғил кўришга ҳаракат қилинг!—дебди. Подшо қирқ кеча-ю қирқ кундуз тўй-томоша қилиб никоҳ ўқитибди.

Подшозодани маст қилиб кампирнинг олдига киргишибди. Подшозода эртасига яна қора от ёнига чиқиб бўйнидан қучоқлаб ўпа берибди. Бир охурга шарват, бир охурга шакар тўкиб берибди. Ойлардан ой ўтиб кампирнинг ҳалиги қора отга боши қоронғи бўлиб қолибди. Подшозодани чақириб:

— Қассобни олиб келиб, шу қора отни сўйдириб бер. Гўштини кабоб қилиб ейман,—дебди. Подшозода ноилож қассобни чақиртириб келиб:

— Шу отни сўйиб беринглар,—дейиши билан қассобнинг қўлидан пичоғи билан болтаси тушиб кетибди. Қассобнинг кўзига от паризод бўлиб кўринибди.

— Тақсири олам, бу от эмас, паризодку. Мен бу отни сўя олмайман, мен ўз жонимдан қўрқаман,—деб қассоб қайтиб кетибди. Хизматчилар яна бошқа қассобни олиб келишибди. Подшоҳзода қассобга:

— Шу отни сўйиб беринг!—дебди. Отни кўриши билан бу қассобнинг ҳам қўлидаги пичоғи билан болтаси тушиб кетибди, ўзи беҳуш бўлиб йиқилибди. Қассоб ўрнидан туриб:

— Ўрдангизда шундай бир паризод юрса, шуни сўйдирмоқчисиз, жинни бўлдингизми?—дебди. Подшоҳзода: «Бу нима гап, менинг олдимга жинни қассоблар келади. Иккови ҳам бу отни паризод деб сўймади» деб қассобга қараб:

— Шу отни қандай қилиб бўлса ҳам сўясиз!—дебди. Қассоб подшоҳзодадан қўрқиб:

— Мен отни сўйсам, бошимга келган балоларга балогардон бўласизми?—дебди. Подшоҳзода:

— Албатта балогардондирман,—дебди. Қассоб «қандай қилай ҳукми подшо вожиб экан», деб отнинг оёғига арқон солиши билан от ўзи беозор йиқилибди. Қассоб отнинг бўйнига пичоқ тортибди. Отнинг бўйнидан уч жойга уч томчи қон сачрабди. Шу уч томчи қон ўрнидан уч туп терак кўкариб чиқиб, ҳар бири беш қулочдан бўлибди.

Кампирнинг олдида бир каниз чиқиб:

— Отнинг жигаридан берар экансиз,—дебди. Қассоб жигарини олиб берибди. Қассоб бир ён нимтақини теридан ажратаётганда яна бир каниз чиқиб:

— Отнинг бир сонини берар экансиз,—дебди. Шундай қилиб кампир отнинг гўштини еб тамом қилибди.

Подшоҳзода отидан ажралганига хафа бўлиб, йиғлаб тахтига чиқибди. Ойлардан ой ўтиб, тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқадан кейин бир ўғил туғилибди. Болани бешикка белайдиган бўлишибди. Кампир подшоҳзодани чақириб:

— Болангизни бешикка белашади. Шу теракларни кесиб мана бу равоқнинг тўрт тарафидан тўрт эшик ва бир бешик қилиб беринг,—дебди. Подшоҳзода дарахтни кестириб эшик ҳам, бешик ҳам қилдирмоқчи бўлиб уста чақирибди. Уста келиб, дарахтларни кўриши билан арра, тешаси қўлидан тушиб кетибди.

— Эй подшоҳзода, булар паризод-ку, ўрдангизда шу уч паризод яшаса нима қилади?—дебди. Подшоҳзода:

— Кессангиз ҳам кесасиз, кесмасангиз ҳам кесасиз!—  
дебди. Уста туриб:

— Бошимга тушган балоларга гирифтор бўлсанг кесай,—дебди. Подшозода қабул қилибди. Шунда олтита арракаш уч теракка арра қўйибди. Тераклар беозор ўзлари йиқила берибди. Дарахтлардан тахта тилибди; бешик ясайдиган бешик ясабди, дурадгорлар эшик ясабди, эшикни кампирнинг равоғига олиб чиқиб қуриб берибди. Дурадгорларга бир дона гавҳар берибди, улар чиқиб кетибди. Бешикни олиб келиб, болани йўргаклаб бешикка солиб устидан дурлар сочибди. Болани бешик сиқиб ўлдирибди. Кампир дод деб йиғлаб, қочиб чиқмоқчи бўлганда, эшик кампирни сиқиб қолибди. Дод келиб кампирни ажратиб олибди. Дод бешикдан болани кўтариб чиқиб келаётганда энагалар унга:

— Эй подшозода, ҳали ёшсиз, кўп бола кўрасиз, ўликни кўтарганингиз билан тириладими? Қора кигизни ювган билан оқарадими?—деб болани қўлидан тортиб олишибди.

Дод кўз ёшини оқизиб, ташқарига чиқиб, кетибди. Эшикдан чиқса, бир қаландар турган эмиш. У қаландарга чўнтагидан бир дона дур олиб узатибди. Қаландар дурни олмай айтибди:

— Эй подшоҳи аъзам, шу тараша, шох-шаббаларни менга берсангиз, мен уни ёқиб, ҳақингизга дуо қилсам,—дебди. Дод:

— Ол, ёқавер,—деб қаландарга беш арава шох-шабба, тарашаларни инъом қилибди. Қаландар уларни йиғиш-тирмоқчи бўлиб турганда шох-шабба, тарашалар осмонга кўтарилиб учиб кетибди. Подшозода билан қаландар ҳайрон бўлиб қолибди. Қаландар ўз йўлига кетибди. Уйига келса ўзининг чордевори ўрнида қирқ зинали катта сарой пайдо бўлиб қолибди. Қаландар саройни кўриб, ҳушидан кетибди, яна ҳушига келиб ўз уйини аниқлаш учун қўшнилариликка кирибди. Қўшнисининг уйда беш киши ўтирган экан. Қўшниси қаландарни кўриб:

— Уйинг бошингни есин. Уйингни дев-парилар босиб кетди, жонимизни ҳовучлаб ўтирибмиз,—дебди. Қаландар уйда хабар олай деб ичкарига оёқ учи билан кирибди. Қараса, равоқнинг тепасидан бир паризод икки дев билан тушиб келибди. Паризод уйнинг эгаси қўрқиб кира олмай турганини кўриб, девларга жавоб бериб юборибди. Паризод қаландарни уйга таклиф қилиб:

— Эй меҳрибон ота, кираверинг, шу жой, шу давлатлар сизники, энди шунга лойиқ уст-бош кийинг,— деб бир бўҳча заррин кийимлар бериб кийинтирибди. Қаландар давлатли бўлибди.

Кунлардан бир кун қиз қаландарга:

— Э ота, ичкари кириб сандиқни очинг, ундаги дурри-гавҳарлардан олиб сарф қилиб мамлакатга ош беринг. Подшоларни ҳам чақиринг, подшозода Додни ҳам чақиринг. Ҳар қайсисига зарварақ тўнлар кийгизиб юборамиз,—дебди.

Қаландар қирқ кунлик ҳаражатини уч кунда тайёр қилибди. Қирқта дошқозон қурибди. Овғон боғда қирқ кеча-ю қирқ кундуз туйнугидан тутун чиқармайдиган камбағалгача ош берибди. Подшо «гадойникига бораманми?» деб келмай, қирқта сарқардаси билан подшоҳзода Додни юборибди. Подшозода зар-салтант билан келибди. Қаландар қиз олдига кириб:

— Қизим, подшонинг ўзи келмади, шаҳзода қирқта сарқардаси билан келди,— дебди.

Қиз:

— Подшо келмаса ҳам майли. Зиёфатни катта қилинг. Меҳмонларга етти иқлимга арзийдиган кийимлар кийгизинг. Подшозодага шоҳона либос кийгизинг, чиқиб кетиш олдида иморатларни томоша қилдириг, кейин подшозодани менинг равоғимга олиб чиқинг,—дебди.

Қаландар подшозодага иморатларни томоша қилдирибди. Қизнинг равоғига олиб чиқибди. Паризод неча алвон кийимлар кийиб, ўзига оро бериб ўтирган экан.

Подшозода билан паризод бир-бирларига салом бериб, иккиси ҳам ҳушларидан кетиб қолибди. Подшозода ҳушига келиб паризодга қараб уни севиб, саҳроларда кезиб юрганларини, юраги зардобга тўлганини айтиб байт ўқибди.

Паризод:

— Ҳа, подшозода, калла деб қовоқни кийиб олган экансиз-да. Битта жодугар кампирнинг сўзига кириб бола қилганингизга раҳмат. Қудуқнинг ичидан чиққан қора от мен бўламан, билмай аравага қўшдингиз. Қирқ одимни бир одим қилдим. Қора отни жодугарга сўйиб берганингизда уч терак бўлиб кўкариб чиқдим. Бешик билан эшик қилдирдингиз, бешикдаги болани қисиб ўлдирдим, эшикда кампирни сиққанамда ажратиб олдингиз — билмадингиз, уялганимдан қўйиб юбордим. Боланинг доғини


тортиб, кўздан ёш оқизиб ташқарига чиқдингиз. Қаландар келди, шох-шаббани унга инъом қилдингиз. Шох-шабба ўзича йиғиштирилиб осмонга чиқиб кетиб, қаландарнинг ҳовлисига тушди,—деганда подшозода:

— Тўхтанг маликам, бундан ортиқ менга гап йўқ, деб ўқдай отилиб пастга тушибди. Отига миниб ўрдага келибди. Кампирнинг олдига кириб:

— Ҳа, жодугар, қани ҳунарингни кўрсат, каптар бўлиб кўр-чи,—дебди. Кампир:

— Мен ҳали ҳунаримни кўрсатмайман. Ҳали тағни ўғил кўраман, шунинг тўйида кўрсатаман,—дебди. Подшозода кампирнинг бош ювиб ўтирган жойидан сочидан бураб пастга олиб тушибди. Жаллодларни келтириб кампирни бир энликдан қирқиб ташлатибди. Подшозода отаси олдига чиқиб:

— Э отан меҳрибоним, суюнчи беринг, ёримни топдим,—дебди. Подшо дарҳол карнай-сурнай қўйдирибди. Дод қирқта соябон аравага қиз-жувонларни солиб ўйинкулгилар билан ёрини олиб келибди. Қирқ кеча-кундуз тўй қилиб, Дод паризодга уйланибди. Подшо Додни ўз ўрнига подшо қилибди. Мурод-мақсадга етибди.



### Қуёш ерининг паҳлавони

Қадимги замонда бир чол бор экан, унинг ўн яшар ўғлидан бошқа ҳеч кими йўқ экан. Чол ниҳоятда қашшоқ, еярга овқати, киярга кийими йўқ экан. У кунлардан бир куни қўшниси Салимбойнинг олдига келиб:

— Бой ота, бизга ёрдам қилинг, ўғлим Рустамжон билан бирга қўлимдан келган хизматни аямайман. Раҳм қилинг,— деб йиғлаб юборибди.

Салимбой чол билан болани кўздан кечириб:

— Менинг кўчага ташлаб қўйган овқатим йўқ. Олдин бўйнингдаги қарзингни уз, эрта-индин ўлиб кетсанг, менинг



ҳақим куйиб кетадими? Уғлингни ҳеч ким бир тийинга олмайдди,— дебди.

Чол ҳайрон бўлиб, қалтираб:

— Бой ота, менинг сиздан қандай қарзим бор? Менга ҳеч нарса берганингиз йўқ эди-ку,— дебди.

Салимбойнинг кўзи олайиб:

— Гапирма, имонсиз чол! Ҳали сен тонмоқчимисан,— деб қўлида ўйнаб турган қамчиси билан чолни ура кетибди. Чол қамчи зарбига чидаёлмай ерга йиқилиб, кўзларидан тирқираб ёш оқа бошлабди. Кичкина Рустам воқеага тушунмай қўрқиб, чолни қучоқлаб йиғлабди. Чол ўзини бир оз тетиклаб олиб, ялинибди:

— Менга тушунтиринг, ёдимдан кўтарилган бўлса эслатинг. Сиздан қай вақтда нима олган эдим? Қандай қарзим бор?

Салимбой чолнинг кўкрагига ёпишиб ётган Рустамнинг бўйнидан ушлаб бир томонга отиб юборибди-да, чолнинг ёқасидан бўғиб:

— Менга қара, имонсиз чол! Хотининг ўлганда ювгучига пулни ким берди? Қабристонга домлаларни кимнинг отаравасида олиб бординг? Пайшанба кунидаги юз одамга қилинган худойи ош-чи? Ахир, ўзинг ҳам ўғлинг билан кириб ош единг-ку?— дебди.

Чол қурумсоқ бойнинг сурбетлик билан қилган туҳматларидан ғазабланибди.

Нима қилсин, турарга дармони йўқ, очлик, қарилик чолни енгибди. Ноилож ялина бошлабди:

— Бой ота, ахир ўзингиз «Ман худойи қиляпман, ўғлинг билан кириб ош еб чиқ», деб айтдингиз-ку. Менга раҳм қилинг. Уғлим Рустамжонга азоб берманг,— деб турганда, эшикдан домла-имом кириб келибди. Салимбой домлани кўриб:

— Мана, тақсирим айтсинлар,— дебди.

Домла:

— Хўш, нима гап экан? Менда бой отамнинг қандай сўзлари бор экан,— деб ҳурмат билан тикилиб турибди, Салимбой домлага:

— Тақсир, бултур шак кунида бизнинг уйда ўтказилган худойининг савобини шу чолнинг хотинига бағишлаган эдингизми?— дебди. Домла воқеани англаб, айтибди:

— Албатта, чолнинг марҳума хотинига бағишлаган эдим.

Салимбой чолга қараб:

— Мана эшитдингми? Сенга раҳм қилиб, қўшним деб, пул сарф қилиб, сенга яхшилик қилсам, сен имонсиз тониб ўтирибсан,— дебди.

Домла:

— Ҳай, ҳай, бундай номуносиб ишни қилма, бой отамга раҳмат айт! Маърака учун бўлган харажатларни бўйнингга ол,— дебди.

Чол йиғлаб:

— Менга яна бундай кулфатлар бормиди! Ота-бола еярга бир бурда нон топа олмай, очлик балосидан қутула олмай юрганда, шунча пулларни мен қаердан топиб бераман,— дебди ва Рустамни бағрига босиб:

— Шўрлик болам, мен қаридим, ёшимни яшадим, сен энди, қандай аҳволга тушасан,— деб йиғлабди.

Домла чолга қараб айтибди:

— Ҳой аҳмоқ, нодон, нега йиғлайсан? Бой ота ҳозир бер деб зўрлаётганлари йўқ-ку? Топганинда берасан-да. Тонмасанг бас. Мана ўғлинг катта бўлиб қолди. Бир кун қўлидан иш келганда ишлаб топиб беради-да.

Чол бундай узоқ муддат берилганига ҳайрон бўлиб, нима дейишини билмасдан «хўп» дейишдан бошқа илож топа олмабди.

Домла чолга қараб:

— «Хўп» дейиш билан иш битмайди. Бой отамдан қанча қарзинг борлигини ўз қулоғинг билан эшитиб ол,— дебди.

Чол нима дейишини билмай охирини кутиб сукут қилибди.

Домла қўлига қалам, қоғоз олиб ёза бошлабди.

Домла:

— Бой ота, чолда қанча ҳақингиз бор?— деб сўрабди.

Салимбой «Ун беш тилла» дебди. Чол ҳаётида бир тиллани ҳам кўрмагани учун «ўн беш тилла» деган сўз уни гангитиб қўйибди. Домла ёзиб бўлиб, чолга бармоқ босишни таклиф қилибди. «Хўп» деб сўз берган чол қоғознинг четига бармоқ босибди. Домла қўшимча қилиб, Рустамнинг бармоғини ҳам босдириб олибди:

— Ана энди кета беринглар. Ўғлинг катта бўлганда ишлаб топиб берар,— дебди. Бир бурда нон тилаб келган ота-бола Салимбой эшигидан ўн беш тилла қарздор бўлиб чиқиб кетибдилар.

Чол уйига борар экан, эшик олдида қўшниси Сиддиқ ямоқчини кўриб, бўлган воқеани сўзлаб берибди ва «ким-

дан ёрдам олайн?» деб сўрабди. Сиддиқ ямоқчи воқеадан хабардор бўлиб, ғазаб бўлган:

— Тузоққа тушибсан, энди фойдаси йўқ. Шаҳар ҳокими лаънат бадбахт Салимбойнинг куёви бўлади. Энди тақдирга тан беришдан бошқа чора йўқ,— дебди.

Чол ўғли Рустамни бағрига босиб, очлик билан қайғуриб, бошини ёстиққа қўйибди. Хаёл уни ҳар томонга олиб кетар. Рустамнинг ёир бурда нонга зор бўлиб йиғлаши чолни яна ҳаяжонга солар экан.

Ярим кеча, ҳамма ширин уйқуда, аммо чол ҳамон оҳ тортар, бағри эзилар экан. Шу пайт уч киши эшикдан кириб, чолнинг тепасига келибди. Бири чолни тегиб: «Тур, имонсиз!»— дебди. Чол «кутилмаган меҳмон»лардан бундай муомалани кўриб, ҳайрон қолибди.

— Мендан нима истайсизлар?— деб сўрабди.

Улардан бири:

— Уйни бўшат! Бу ердан ҳозир чиқиб кет!—дебди.

Чол эсини йўқотиб: «Сизлар янглишган бўлсаларинг керак, бу уй менинг ўзимники»,— деган экан, «меҳмонлар»дан иккинчиси:

— Бизларни алдай олмайсан. Бизлар шаҳар ҳокимининг одамларимиз. Сен имонсиз бундан бир йил илгари бу уйни Салимбойга ўн беш тиллага сотиб, пулини нақд олгансан. Бой ана шу вақтга қадар «инсоф» қилиб келсалар, сен тонмоқчи бўлгансан,— дебди.

Чол хуноб бўлиб:

— Сотган эмасман, сотмайман,— деса учинчиси қўлидаги қоғозни кўрсатиб:

— Сотган эмасман дейсанми? Мана тилхатинг. Ота-бола бармоқ босгансанлар. Ҳокимнинг жаҳдилари чиқиб, «Тўғрилиқча чиқса-чиқсин, қайсарлик қилса, уйдан судраб чиқиб, ота-болани зиндонга ташланглар» деб буйруқ бердилар,— дебди.

Чол бу ҳукми эшитиб, эс-ҳушидан ажралиб Рустамни бағрига босиб, ўзи ўсиб катта бўлган, яшаган бошпанасидан чиқиб кетар экан, чолнинг оҳ-зори ва ноласига Сиддиқ ямоқчи оиласи билан уйғониб кетибди. Чолнинг ҳузурига чиқиб, аҳволини кўриб, ачиниб хайрлашар экан, ямоқчининг хотини «қаерга борсангиз ҳамроҳингиз бўлсин» деб, бир дона зоғора нон берибди. Чол бечора Рустамни опичиб тоғ томонга йўл олибди.

Чол қир ошибди, сой кечибди, узоқ йўл юрибди... Ҳамма ёқ жимжит, ҳар замонда Рустамнинг «қаерга кетаётир-

миз» деган саволи жимликни бузар экан. Лекин чол бу саволга ҳеч қандай жавоб қайтармас экан. Қайси томонга кетаётганини ўзи ҳам билмас экан. Чол ҳориб-толиб бир арчазорга етибди. Пастаккина бир арча ёнида ўтириб, унга суяниб кўзини юмибди. Чол юқорига қараса, ёш боласини олдинги икки оёғи орасига олиб, чолга ҳужум қилмоқчидай тайёрланиб турган катта айиқни кўрибди. Бечора чол шошиб қолибди. Қочай деса дармони йўқ, қутулишнинг имкони йўқ эмиш. Рустамни бағрига босиб, «умримиз тугаган экан» деб кўз ёши тўкибди. Рустам ўзи томон келаётган ҳайвонни биринчи марта кўргани учун қўрққанидан қичқириб юборибди. Чол кўзлари юмилган ҳолда Рустамнинг йиғисини эшитиб, «ҳа, боламдан ажралдим» деб беҳуш бўлибди. Айиқ аста-секин келиб, чолнинг бағридан Рустамни ажратиб олиб, боласига етаклатибди-да, ўзи чолни кўтариб, горга кириб кетибди.

Қуёш чиқибди. Чол ҳушига келиб кўзини очса, бағрида боласи йўқ эмиш, жон ҳолатида атрофга қарабди. Юқори томонда Рустамнинг айиқ боласи билан асал еб турганини кўрибди. Чол ҳайрон бўлиб, кўзларига ишонмабди: чол, тушимми, ўнгимми деб Рустамни чақирибди. Рустам анчадан бери сўзсиз ётган отасининг овозини эшитиб, унинг ёнига чопиб келибдида:

— Ота, туринг, асал енг,— дебди.

Чол Рустамдан:

— Ким у?— деб сўрабди.

— Бу менинг ўртоғим. Онаси сизни кўтариб келиб, бу ерга ётқизиб қўйди: «Отанг уйғонгунча халақит берма, ухласин. Менинг болам сенинг ўртоғинг бўлади. Сизлар асал еб туринглар, мен қайтиб келаман» деди,— дебди Рустам.

Чол Рустамдан эшитган сўзларига гоҳ ишониб, гоҳ ишонмасдан, ҳайрон бўлиб турганида айиқ эшикдан бир даста нон, бир қовоқ идишда сут олиб кирибди. Чол айиқни кўриши биланоқ ўрнидан туриб таъзим қилибди. Айиқ қўлидаги нарсаларини ерга қўйиб, чолга: «Ўтиринг, ўзингизни койитманг. Мен сизга нон, сут келтирдим. Олдин овқатланиб олинг, сўнгра суҳбатлашамиз»,— дебди.

Чол бундай ҳурматга ҳайрон бўлиб айиққа қарабди. Айиқ:

— Отажон, сиз кўп ажабланманг. Менинг бу ерларда чўпон дўстларим бор. Бойларнинг, ҳокимларнинг қўйларини боқадилар. Нон, сутни ўшаларниқидан келтирдим,— деб овқатга таклиф қилибди. Чол хўрсиниб, бошидан кечирган-

ларини ҳикоя қилиб берибди. Айиқ чолнинг сўзларини эшитиб:

— Отажон, сиз мени ҳам «болам» деб қабул қилинг. Бу икки гўдак дўст бўлсин. Бизлар ҳам шу ерда эркин умр кечирайлик,— дебди.

Улар кўп вақт бирга яшабдилар. Чол тоғдан ўтин йиғар экан. Айиқ ўтинни кечаси шаҳарга яқин жойга келтириб берар, чол уни сотар, шу тахлит тирикчилик қилишар экан. Рустам айиқнинг боласи билан ўйнашиб ўса бошлабди. Бир кун чўпонлар Рустамнинг айиқ боласи билан курашаётганини кўриб, унга қойил қолишибди. Беш-олти йил ичида Рустамнинг ҳамма ёққа донғи кетибди. У билан бел ушлашадиган одам бўлмабди. Чўпонлар орасида Айиқполвон деган ном билан шуҳрат топибди.

Кунлардан бир кун Рустам отаси билан шаҳардан ўтин сотиб қайтиб келаётганида, чол унга йўлда ола от минган, мовут тўн кийган, қўлида қамчи ўйнатиб турган бир бойни кўрсатиб:

— Мана, бизнинг уйимизни тортиб олиб, ҳайдаб юборган Салимбой шу бўлади,— дебди. Рустам қараса одамлар тўпланиб, ниманидир қизиқиб томоша қилар эканлар. Салимбой завқланиб, мўйловини бураб кимларгадир жилмайиб гердаяр экан.

Рустамнинг қулоғига қандайдир инграган таниш овоз эшитилибди. Рустам югуриб бориб, ўзини тўдага урибди, қараса дўстининг укасини овчилар ушлаб, туянинг устига ортиб келаётган эканлар. Кишиларнинг айтишларига қараганда, Салимбой овчилар билан овга чиққанида шу айиқ боласини ушлабди. Уни ҳокимнинг куёвига совға қилар эмиш. Рустам ғазабланиб, бир ҳужумда айиқ боласи боғланган арқонларни узиб ташлабди-да, айиқчани қучоқлаб олибди. Овчилар бирдан Рустамга ҳужум қилибдилар. Рустам ўзига яқинлашган ҳар бир овчини белидан ушлаб ҳар томонга отиб юбораберибди. Қўлига тушган одам Рустамнинг қаршисига яна қайтиб келолмабди. Рустам Салимбойга ташланган экан, Салимбойнинг оти чаққонлик қилиб, уни қутқариб қолибди. Рустам айиқ боласини кўтариб, арчазор томон йўл олибди. Бу воқеани кўрган халойиқ Рустамнинг ғайратига, шижоатига, куч-қувватига қойил қолиб, офарич айтибди. Бу воқеа бутун шаҳарга тарқалибди. Салимбой хавфланибди.

Кечалари ўз уйида ҳам хавотирликда ётибди. Ҳоким дарғазаб бўлиб «Айиқ боласини овчилар қўлидан қутқаз-

ган паҳлавонни ушлаб келинсин» деган фармон чиқарибди. Боришга ҳеч кимда юрак йўқ эмиш, борганлар: «топа олмадик» деган баҳоналар тўқишар экан. Шаҳар халқи орасида ўтинчи полвон ундай қилибди, фалон жойда бундай қилибди, деган сўзлар авж олибди.

Шаҳарда оч-яланғоч қийналиб, кун кўра олмаган бечоралар тоққа бориб ўтинчилик қилиб, тинч ҳаёт кечири бошлабдилар. Бир куни Салимбой кимдандир Рустам ўша чолнинг ўғли эканлигини, тоғда яшаб, шаҳардан қочиб чиққанларга атрофидан жой бериб, уларга ёрдам қилаётганини эшитиб нафаси оғзига тиқилиб, шаҳарга бориб воқеани айтиб берибди. Бу хабарни эшитган шаҳар ҳокимининг баданига титроқ кириб, юз отлиқ йигитга ўзи бош бўлиб арчазорга йўл олибди. Йўлда йигитларига:

— Кимда-ким Рустамни тирик ушласа, қизимни бериб, ўзимга юзбоши қилиб оламан,— дебди.

Улар йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, арчазор олдидаги бир саройга етибдилар. Шаҳар ҳокими йигитларига:

— Шу ерда дам олиб, Рустамни кечаси уйқуда ётганида бориб ушланг, бизнинг шарпамизни билса, у тоққа қочиб кетади,— дебди.

Чол ўз дўстлари билан шаҳарга ўтин олиб кетган, кечаси Рустам айиқ боласи билан тепада ухлаб ётган экан. Тоғ шамоллари гир-гир эсиб Рустамнинг баданларини ўпиб сийшар, айиқ боласининг юнглари хилпираб роҳатга яна роҳат кўшар экан. Шу пайтда тепа устида бир шарпа пайдо бўлибди. Рустамни кўтариб, баланддан пастга қараб сакрабди, Рустам чўчиб уйғонибди. Кўтарувчига қараб:

— Нима бўлди, меҳрибоним?— дебди. У она айиқ экан. Айиқ: «Сенга ҳужум қилмоқчилар. Шаҳар ҳокими юз отлиқ йигит билан шу тарафга келаётир» дебди.

Рустам она айиққа:

— Энди нима қилмоқчисиз?— дебди.

— Мен сени қутқармоқчиман,— дебди она айиқ.

Рустам она айиққа:

— Қачонгача биз улардан қочиб умр кечирамиз? Биз ҳам қаршисига чиқамиз,— дебди.

Она айиқ:

— Улар кўп, ҳаммасининг тагида от. Бизнинг дўстларимиз шаҳарга ўтин олиб кетган. Юр, вақтни қўлдан бермайлик,— дебди.

Шу вақт дўмбиллаб чопиб айиқ боласи етиб келибди. Рустам кўриб жуда хурсанд бўлибди.

Она айиқ Рустамни қочишга зўрлабди. Аммо Рустам қочишни истамабди. Рустамнинг бу ҳолини сезган она айиқ:

— Энди нима қилмоқчисан?— деб сўрабди.

Рустам:

— Душман устига ҳужум қилайлик,— дебди. Айиқ боласи бошини силкитиб, тумшугини кўтариб, икки қўли билан Рустамнинг белидан ушлаб:

— Бўш келмаймиз, дўстим,— дебди.

Сойдан тоққа ўрмалаб келаётган отликлар бир-биридан олдин чиқишга ҳаракат қилишибди. Отларнинг пишқиргани, шаҳар ҳокимининг овози эшитилибди. Душманлар отдан туриб, тошлар «расига яшириниб, Рустамга қарши ҳужум бошлабдилар. Уч паҳлавон юқоридан туриб, душманларга қараб, тош ота бошлабди. Жанг қизиб кетибди. Бири «бошим» деб додлармиш, бири отдан ағдарилармиш, бирининг бели синганмиш, хуллас душман қаттиқ талофотга учрабди. Дўстлар хурсанд, душманлар ғамгин бўлибди. Бироқ Рустамнинг йиғган тошлари тугаб қолибди. Қарасалар она айиқ йўқ эмиш. Булар ҳайрон бўлибдилар. Жанг тўхтабди. Шаҳар ҳокими яна ҳужумга ўтибди. Рустам қўлига бир гаврон олиб уларнинг йўлини тўсмоқчи бўлганида, она айиқ йўғон арча дарахтни кўтариб келиб душман устига отибди. Бу зарбадан аввал шаҳар ҳокими қоча бошлабди. Унинг кетидан йигитлар ҳам тумтарақай бўлиб қочибди. Рустам ва айиқлар от, анжомлар ўлжа олиб, ўз ерларида яшайверибдилар. Бу воқеа шу куннинг ўзидаёқ ҳаммага маълум бўлибди. Ҳоким бунинг аламига чидаёлмай, ертўлага туриб ётибди. Рустамни тутиб келган кишига бўйи баравар олтин беришга ваъда қилибди. Бу ваъдани эшитиб, оғзида тиши йўқ, бошида туки йўқ, бир кўзли домланинг онаси шаҳар ҳокими олдига келиб, таъзим қилиб:

— Э ҳоким, оёқяланг Рустамни ушлаб келиш учун менга рухсат беринг,— дебди.

— Тутиб келсанг, нима десанг бажараман,— дебди.

Кампир шаҳар ҳокимига:

— Менга ўзингиз ишонган, юзида бир дона туки йўқ, ўн бешта кўса одамни топиб, ҳар қайсисига бир ойлик овқат ғамдаб берасиз. Оёқялангни ушлаб келганимдан кейин менинг маслаҳатим билан иш қиласиз,— дебди.

Шаҳар ҳокими кампирнинг айтганини бажо келтириб,

эртасига тоғ томонга юборибди. Кампирнинг буйруғи билан ўн беш кўса, хотин-қизлар кийимини кийиб, йўлда бир-бири билан муштлашиб, юзи кўкарган, бурни қонаган, боши ёрилган ҳолда додлашиб, кампир бошчилигида арчазорга кириб боришибди. Дод-фарёдни эшитган Рустам билан ўтинчилар уларнинг олдиларига борибдилар, воқеани сўрабдилар, кампир ўзини Рустам оёғига ташлаб, бошини тошларга уриб, кийимларини йиртиб:

— Дод, золимнинг дастидан, бизларнинг арзимизни эшитувчи, ҳолимиздан хабар олувчи, бизларга меҳру шафқат қилувчи Рустамжон қаерда? Бизлар уни бир кўриб ўлсак армонимиз йўқ,— деб фарёд урибди.

Рустам:

— Хафа бўлманглар, онажонлар. Рустам мен бўламан. Нима бўлди? Менга тушунтиринглар,— дейиши билан ўн беш «хотин» Рустамнинг оёғига ўзини ташлаб йиғлай бошлабди.

Кампир:

— Кўзимизнинг нури Рустамжон, бизларни золимнинг зулмидан қутқар. Сенинг зарбингни еб аламига куйган, хонавайрон бўлғур шаҳар ҳокими бизларни эркакларимиз, болаларимиз билан чақириб, таёқлари билан уриб, ҳамма ёқларимизни ёриб, эркакларимизни зиндонга, болаларимизни қафасга солиб, офтобнинг тигасига осиб қўйди. Уйларимизни тортиб олиб, бизларни саҳрога ҳайдаб юборди. Биз нима қиламиз? Кимдан ёрдам оламиз?— деб нола-ю фиғон қилибди.

Рустам:

— Йиғламанглар, келинлар, сизлар ҳам биз билан бирга бўлинглар. Шу ерда умр кечирамиз,— деб жой тайёрлаб, овқат берибди.

Ҳар ким ўз тирикчилигини қилиб, кечқурун ўзи тайёрлаб қўйган жойига бориб ётар экан. Рустам бир кун супа-чада уйқуси келмай ёлғиз ўтирган экан. (Чунки айиқ боласи онаси билан узоқ йўлга кетган экан.) Шу вақт чўпоннинг чап томонидан Сиддиқ ямоқчи келиб:

— Зериккан кўринасан. Ҳикоя айтиб берайми?— деб Рустамнинг ёнига ўтирибди.

— Жоним билан эшитаман,— дебди Рустам.

Сиддиқ ямоқчи сўз бошлабди:

Бир вақтда бир ямоқчи бор экан. Турмушини зўрға ўтказар экан. Бисотида ишонган, суянган бир қизи бор экан. Ақлли, чиройли қиз экан. Отаси камбағал ямоқчи бўли-



шига қарамай, катта бойлардан, беклардан совчилар келар экан. Ямоқчи уларга бермас экан, чунки қизнинг ёшлигидан бирга ўсиб, бирга ўйнаб юрган қўшнисининг ўғлини севишини сезар экан. Золимларнинг зулмига, амалдорларнинг қийноқларига тоқат қила олмаган қўшниси туғилиб ўсган жойидан айрилиб, шаҳардан чиқиб кетган экан. Ота-бола бирга бир тоғда тирикчилик қила бошлабдилар. Бола ҳам кундан-кунга ўсиб, вояга етиб, ақлли, ҳуснли, ботир бўлиб етишибди; атрофдаги одамлар орасида обрў қозонибди. Эзилган бечораларга шафқат қилибди. Унинг ботирлигига ҳеч ким тенг келолмабди. Ҳатто, уни кўра олмаган душманлар ҳам унинг қаршисига очиқ чиқа олмабди. Йигитнинг шуҳратини эшитган ямоқчи билан қиз ниҳоятда хурсанд бўлиб, унинг кириб келишини тоқатсизлик билан кутибди. Лекин шунча вақт ўтса ҳам йигит бир марта хабар олмабди.

Рустам бутун воқеани эшитиб, тўсатдан: «Йигитнинг иши виждондан эмас», деб қўйибди.

Сиддиқ ямоқчи ҳикоясини давом этдирибди:

— Қизнинг донғи шаҳар ҳокимининг қулоғига бориб етибди. Шаҳар ҳокими ғойибдан ошиқ бўлиб, тўрт ҳатин устига хотинликка сўраб, қанча сарполар билан ямоқчиникига совчи юборибди. Қиз ва унинг отаси совчиларни қайтариб юборибди. Ҳоким ямоқчининг оёқ-қўлини боғлаб, сувга ташлаб, уйига ўт қўйиб, қизни зўрлаб олиб кетибди. Қўшчилар қизнинг отасини ўлимдан қутқариб қолибдилар. Олиб кетилган қиз ҳар қандай азобларга бардош бериб, йигитни кутибди. Йигитдан дарак бўлмабди. Қизнинг отаси қўшчилар қўлида уч-тўрт кун туриб, бир оз тузалгандан кейин бу воқеалардан паҳлавонни хабардор қилгани йўл олибди.

Сиддиқ ямоқчи Рустамдаги ҳолатни сезиб, ҳикоясини давом этдирмоқчи бўлганида яраланган бир «хотин» Рустамнинг олдига келиб:

— Рустамхон, онангиз жон бериш олдидалар. Сизга жуда муштоқ бўлиб ётибдилар. Олдиларига кирсангиз,— деб ялинибди. Рустам сакраб туриб, «касал» ётган жойга борибди. Сиддиқ ямоқчи ҳам ўз жойига кетибди. Кампирга ҳақиқатан фарғара келиб турган экан. Рустам тепасига борганида иккинчи «хотин»:

— Кўп қийналманг, мана азаматингиз қаршингизда турибди,— дебди.

«Оғир» ётган кампир қўллари билан Рустамга имо қи-

либ бир қучоқлаб ўпишни умид қилибди. Рустам ўзини кампир қучоғига ташлаши билан кампир беҳуш қиладиган дорини Рустамнинг бурнига тутибди. Рустам ҳушсиз бўлиб йиқилибди.

Кампир кўсаларга:

— Қани, тезда менинг буйруғимни бажаринглар,— дебди. «Хотин» кийимидаги эркаклар Рустамни арқон билан боғлаб, шаҳар томон йўл олибдилар. Арқон билан қўлоёғи боғланган беҳуш Рустамни қимматбаҳо гиламлар, духоба кўрпачалар солинган ҳашаматли уйга олиб келиб, эшик тагига ташлабдилар. Уй ичида қатор одамлар ўтирганмиш. Ҳар бирининг олдига кимхобдан бош-оёқ сарпо қўйилган эмиш. Шаҳар ҳокими хурсандлик билан одамларга:

— Сизларга ҳозир берган ҳадям арзимаёди. Сизларни яна ҳам хурсанд қиламан,— деб ваъда қилаётганида Салимбой ўрнидан туриб:

— Эртага халқни растага йиғиб дор тикамиз-да, бу муттаҳамни осиб, сизларни ўшалар олдада ҳадялар билан кўмиб юборамиз,— деб кўкрагини кериб, мўйловини бураб қўйибди. Кампир Салимбойга қараб:

— Хато ўйлайсиз, бойваччам. Биринчидан, бу яланг-оёқни халққа маълум қилиш ярамайди. Иккинчидан, кўп сақлаб бўлмайди. Ҳушига келиб қолса, арқонларни узиб, халос бўлиши мумкин. Нима бўлмасин тезда йўқотиш керак,— дебди.

Шаҳар ҳокими:

— Эй она, бу иш сизнинг ихтиёрингизда. Қандай чора кўрсангиз, қабул қиламиз,— дебди.

Кампир:

— Ундай бўлса, Шайтонтепа тоғида «теги йўқ» ғор бор. Шунга ташлаймиз. Унда девлар, аждарлар бор. Уларга ҳам овқат керак,— дебди.

Ҳамма хохолаб кулиб: «Сизнинг ҳийлангиздан шайтон ҳаи кўрқади»,— дебди. Шу қарор билан бечора Рустамни «теги йўқ» ғорга олиб бориб ташлабдилар.

Рустам ҳар куни саҳар турганида, атрофидаги чўпонлардан ўрганган бир куйни найда машқ қиладиган одати бор экан. Уни эшитган ўтинчилар тонг отганини сезиб ертўладан чиқишар ва ўз тирикчиликларига кетар эканлар. Бугун жимжит бўлибди. Ўтинчиларнинг назарида ҳали тонг отмагандай туюлиб, ағдарилиб ётавериш жонларига тегибди. Аммо Рустамнинг отаси кўнглига ғул-ғула тушиб пастки

уйндан чиқиб, Рустам ётадиган супага келибди. Супа устида Рустамнинг дўпписидан бошқа нарсани кўрмабди. Чол бетоқатланиб атрофга қарабди ва «Рустамжон!»— деб чақирибди. Бу чақириқ худди наъра каби ўтинчилар қулоғига бориб етибди. Ўтинчилар олдинма-кетин чопиб келиб, чол атрофига йиғилибдилар. Ҳамма ҳайрон эмиш. Орадан «атрофларни қидирайлик» деган овоз чиқибди. Чол бир нарсани эслагандек, чап томонга югуриб кетибди. Бир оздан кейин оғзига кумуш қопланган, унга ўз эгасининг номи ёзилган носқовоқни кўтариб келиб, «бу хиёнат, макр»,— деб ўтинчиларга хитоб қилибди.

— Дўстларим, биз Рустамдан айрилибмиз, кечаги паноҳ тилаб келганлар, зорланган аёллар эмас, топшириқ билан келган «эркак айёрлар» экан. Бунга далил мана бу носқовоқ, мен буни танийман. Бу носқовоқ Салимбойнинг жияни Бўри кўсаники.

Ўгинчилардан бири носқовоқдаги ҳарфларни тутилиб, зўрға ўқиб, чолнинг шубҳаларини тасдиқлабди.

Рустам «теги йўқ» ғорда бир кечаю кундуз ётиб аста-секин ҳушига келиб қараса, қўл-оёқлари йўғон арқонлар билан боғланган ҳолда зулмат ичида ётган эмиш. Фақат ваҳимали овозлар, узоқлардан оҳ-фарёд, инграган товушлар эшитилиб турган эмиш. Рустам ўзини халос қилиш учун кўп ҳаракат қилибди, лекин фойда бермабди. Охири бир чиранганда кўкрагидан боғланган арқон узилиб кетибди. Рустам ўзини банддан озод қилиб, инграган товушни билиш учун ўша томон йўл олибди. Бир оз юргандан кейин чап томонда бир ғор кўрибди, ғорнинг оғзи тегирмон тоши билан тўсилган эмиш, инграган товуш ўша ғордан келар экан. Рустам ичкари кирибди. Йўлда суякларни кўрибди. Деворларда жоду билан қўриқланаётган эркаклар, кўкракларидан занжир билан осилган ёш аёлларнинг расмлари чизилган эмиш. Тўрда бир катта хона бўлиб, тошдан ясалган супа каби тахта ўрнатилган эмиш. Атрофда қора чироқлар, пиликлар охириги мойларни шимиб липиллаб турган эмиш. Тош супага ёйилган ваҳший ҳайвонлар териси ўз хизматларини адо этиб, чириб кетган экан. Бундай сарой қаршисида зулматхона кўриниб турганмиш. Унда қирқ темир қозиққа қирқ кокил бойланган, катта хумдаги муз сингари совуқ сувга икки оёғи тиззасига қадар тиқилган, икки қўлини қулоч отдириб икки томондаги дорга осилган ўн етти ёшли қиз азобга бардош бера олмай сўнгги нафасини олаётган эмиш. Унинг ҳусни-жамолига шу қоронғи зулмат

чидаш бера олмай, ўзини четга олиб қочар, қизнинг ойдек юзидан ёруғ нурлар шуъла сочиб турмоқда экан. Буни кўрган Рустам ўйлаб, унинг кимлигини ва нима учун бундай аҳволга тушганлигини суриштирмасданоқ ўзини қиз томон отибди. Бир тепиб, хумни ағдарибди. Қозиқларни суғуриб қизни халос қилганида қиз ҳолсизланиб, ерга йиқилибди. Агар кўкраклари секингина паст-баланд чиқиб турмаса, ҳаёт билан видолашгандек кўринар экан. Шу пайт елкаси чиққан, букри, оёқлари қийшиқ, соқоли ўсган, бўйи билан энининг фарқи бўлмаган баҳайбат бир одам билан етмиш ёшларда, қўлидаги ҳассасидан бурни узун, бетида ўн икки дона тукидан бошқа ҳеч нарсаи йўқ чол кириб келибди. Биринчиси шу мамлакатнинг катта қароқчиси бўлса, иккинчиси қароқчига ўлжа топиб келадиган, халқни қароқчи тузоғига илинтириб берадиган домла экан. Қароқчи бу қизни домланинг макру ҳийласи билан ўғирлаб келиб, ўзига хотин қилмоқчи экан. Қиз бунга унамагач, уни азоблаб ўлдирмоқчи бўлганда бундан хабар топган домла макр билан қизни кўндиришни бўйнига олиб бирга келган экан. Беҳосдан Рустамга рўпара келган қароқчи домлага қараб:

— Менинг ғазабхонам меҳр-шафқатхонага айланибди,— деб, хохолаб кулиб юборибди.

Рустам индамай, қараб турибди.

Қароқчи:

— Эй гўдак, кимсан? Яна беному нишон ўлиб кетма. Ўзингни танит,— деб Рустамнинг тепасига борибди. Ўзига қаратмоқчи бўлиб, Рустамнинг қулоғидан тортган экан, Рустам аста ўрнидан туриб, қароқчининг кўкрагига бир мушт туширибди. Қароқчи уч-тўрт думаланиб, орқада қилтиллаб турган домлани босиб қолибди. Қароқчи тўсатдан тушган бу зарбадан ғазабланибди. Ўрнидан турмоқчи бўлса, семизлиги халақит берибди. Унинг ҳаракатларидан домланинг суяклари синиб кетибди. Қароқчи зўрға туриб, белидаги шамширини олиб Рустамга ҳамла қилганда, Рустам сув тўлдирилган хумни кўтариб, қароқчига отибди. Қароқчи ерга йиқилибди. Рустам югуриб бориб қароқчининг қўлидан шамширини тортиб олиб, уни ўлдирибди.

Қиз узун киприкларини аста очиб, қовжираган лабларини тили билан намлаш ниятида тамшанган экан. Рустам бир ҳовуч сув келтириб қизга тутибди. Қиз сувдан бир-икки қултум ютиб, тепасида парвона бўлиб турган йигитга кўзи тушиб ташвишланибди.

— Кимсиз, нима учун бу ерга келдингиз? Мен ўлимга ҳукм этилганман. Сиз қочинг, ўзингизни қутқаринг. Агар да мени қутқармоқчи эканлигингизни билиб қолса, сизни ҳам қийнаб ўлдиради.

Рустам қизга тикилиб:

— Сиз ҳозирдан бошлаб озодсиз,— дебди.

Қиз ҳайрон бўлиб:

— Сиз менга ҳикоя айтиб бераётирсизми? Бу ҳеч мумкин эмас-ку! Неча йиллардан бери унинг чангалига тушган киши қутулиб чиқолмаган. У ўз зулми ва қонхўрлиги орқасида «букри дев» деб ном чиқарган. Бу мамлакатда ундан безмаган ва қўрқмаган одам йўқ. Ҳатто ёш болалар ҳам унинг номини эшитса, йиғидан тўхтайдди. Унинг шамширига ҳукмронларнинг минглаб йиғитлари бардош беролмаган,— дебди.

Қиз ҳаяжон ичида тез-тез нафас олиб, нозик бармоқлари билан Рустамнинг яктаги барини ўйнабди. Рустам ўз сўзларининг жавобини интизорлик билан кутаётган қизга қараб:

— Мана шу шамшир биланми?— деб, қароқчи қўлидан тортиб олган шамширни кўрсатибди.

Қиз ҳайрон бўлиб:

— Сиз буни қаердан олдингиз?— дебди.

Рустам қизнинг қўлидан ушлаб олиб бориб, қароқчи билан домла ётган чуқурни кўрсатибди. Қиз хурсандлигидан икки қўлини кўксига қўйиб, тикилиб турган кўзларини узун киприклари остига олиб:

— Офарин, қуёш ерининг паҳлавонига!— дебди.

Бу сўзни эшитган Рустам ажабланиб:

— Сиз менинг қуёш ерининг одами эканлигимни қаердан билдингиз? Ўзингиз кимсиз?— деб сўрабди.

Қиз:

— Менинг исмим Тонгули. Буни фақат мен эмас, бутун халқ билади, сизни неча вақтлардан бери халқ интизорлик билан кутади. «Букри дев»ни ўлдиришга, халқни қора зулматдан қутқаришга сиз сабабчи бўлдингиз. Сизнинг номингиз Рустам, касбингиз ўтинчилик, буларни менинг бобом ўз ҳикояларида айтиб берардилар. Қани юринг, менинг биринчи хизматим сизни халққа таништиришдан бошлансин,— деб иккови шаҳар томон йўл олибди. Йўлда қиз Рустамни бутун воқеадан хабардор қилибди.

Тонг пайти кенг бир сайҳонликка келишибди. Одамлар йиғилган экан. Ҳаммада ғам-ташвиш, биров беҳуш бўлиб

йиқилар, биров ўз либосини йиртиб, бошини ерга уриб йиғлар, баъзилар беҳушларга сув сепиб, уларни сабр қилишга ундар экан. Узоқдаги тепалик устида ўн тўрт ёшлик ўғил бола бир қўй билан турганмиш. Бола ва қўйнинг кўзлари боғланган эмиш. Йиғин орасидан уч-тўрт одам бола томон ташланса, халқ уларнинг боришларига йўл қўймасмиш. Рустам бунга ҳайрон бўлиб, қиздан сўрабди:

— Эй Тонгули, менга бу сирни айтиб бер.

Тонгули Рустамга қараб, кўзларидан бетўхтов марварид ёшларини оқизиб:

— Кошки энди мен туғилмаган бўлганимда, халқнинг бу қадар оқ-фигонини эшитмаган бўлар эдим. Икки йилдан бери бу халқимизнинг кундалик маросими,— дебди.

Рустам «кундалик маросими» деган сўзларни эшитиб:

— Эй Тонгули, бу сирдан мени тез хабардор қил,— дебди. Тонгули тоқатсизланиб:

— Бундан бир неча йил илгари бизнинг мамлакатда бир аждаҳо пайдо бўлди. Кўп хонадонларни вайрон қилди. Молларни қирди. Шаҳар халқи унга қарши чиқа олмади. Аждаҳо шу тепа орқасида яшайди. Охирида ҳар куни тонг пайтида қорни очиб шаҳарга ҳужум қилмоқчи бўлганида унинг йўлига бола билан қўй қўйиладиган бўлди. Аждаҳо йўл устида учраган бола билан қўйни еб, тўйганидан кейин шаҳар томон юрмасдан изига қайтиб кетади. Шаҳар халқи-га бу солиқ қилиб қўйилган.

Боласи бор киши боласини, фарзандсиз киши навбатманавбат бир қўй олиб беради. Бу ҳол одат тусига кириб қолган.

Бултур шу вақтларда ўн уч ёшли Черрагул синглим қурбон бўлган эди. Бугун ҳам шаҳардаги атоқли одамнинг бир фарзанди қурбон қилинса керак, кўп халқ йиғилибди,— дебди.

Халқ орасида бирдан шовқин-сурон кўтарилибди. Тонгули Рустамга:

— Ана аждаҳо, бола томон чиқяпти,— деб беҳуш бўлиб йиқилибди. Рустам қараса, қоп-қора баҳайбат бир махлуқ бола томон ўрмалаб келаётган эмиш. Аждаҳони сезган қўй тоқатсизланиб қочмоқчи бўлибди. Бола онасини ёрдамга чақиргандек чинқирибди. Бола билан қўй бир арқонга боғлангани сабабли, иккисидан бирининг ҳам қутулиши мумкин эмас экан. Рустам тепа томон югурибди. Аждаҳо бола билан қўйни ейиш учун аврай бошлабди. Қўй типирлашдан

тўхтабди. Бола мудрай бошлабди. Аждаҳо нафасига тортганида олдида бола, кетида «ем» бўлган қўй аждаҳонинг оғзига яқинлашибди. Боланинг икки оёғи аждаҳо оғзига рўпара бўлибди. Қўққисдан тушган кучли зарба аждаҳони гангитибди.

Аждаҳо ўзини ўнглаб олиш учун сой томон бурилмоқчи бўлганида қаҳр билан ташланиб, сиқилган икки оёқ орасидан қутула олмабди. Йигит чаққонлик билан аждаҳога иккинчи зарба туширибди. Аждаҳонинг калласи танидан ажралибди.

Аждаҳо ютмоқчи бўлган бола Рустамнинг бўйнидан маҳкам қучоқлабди. Халқ бугунги маросимни шодлик тўйига айлантириб юборибди. Йигин ичида баланд бўйли, оқ соқолли бир киши Рустамнинг олдига келиб, кўзларидан севинч ёшларини тўкиб:

— Бизларни офатдан қутқазиб, ғам-қайғудан озод қилдинг, кўнглимизга нур берган эй баҳодир, паҳлавон, кимсан?— дебди.

Тонггули ҳушига келиб қараса, ҳамма ёқ шодлик билан тўлган, халқ Рустамни ўраб олиб унга қайта-қайта офаринлар айтаётган эмиш. Рустамдан савол сўраб турган одамнинг кўзи Тонггулига тушиб қолибди.

У:

— Тонггулим, ҳаётмисан? Сени зулматдан ким қутқарди?— деб бағрига босиб йиғлабди.

Тонггули:

— Сизларни офатдан ким қутқарган бўлса, меини ҳам зулматдан ўша қутқарди. «Букри дев»ни, одамхўр аждаҳонни ўлдирган, сизларни офатдан қутқариб бахтли ҳаёт эшигини очган, ўзларингиз дostonлар тўқиб юрган Қуёш ерининг паҳлавони — Рустам ўтинчи шу бўлади,— деб айтибди.

Халқ Рустам билан шаҳар томон йўл олибди, бир неча кун шодлик тўйи қилишибди. Рустам ҳамон дўстларини ва чол отасини ўйлар экан. Кунлардан бир куни Рустам Тонггулининг бобоси олдига келибди. Унга ўзининг дўстлари, бетоб хотинни кўргани боргани ва арқонга боғланиб қора зулматда ётгани тўғрисида бирма-бир сўзлаб берибди. Хозирги вақтда дўстлари қандай аҳволда эканлигини билишга, ер юзига қандай қилиб чиқишга маслаҳат сўрабди. Бобо узоқ ўйлаб, секин Рустамга қарабди. Бу жуда оғир иш деб бошини чайқабди. Рустамнинг юзида бўлган ўзгаришни сезиб:

учун жавоб кутибди. Бир оздан кейин оқсоқол шер бошини кўтарибди ва атрофга қараб баҳайбат овоз билан ўкирибди. Шунда калта, йўғон оёқлари билан юриб келган паст бўйли шер оқсоқолга таъзим қилибди. Оқсоқол ҳалиги шерга:

— Бу йигитни тоғнинг тепасига олиб чиқ ва йўлни кўрсат, қайтишингда соғ-саломат олиб чиққанинг учун бизга нишона келтир,— дебди. Шер оқсоқолга таъзим қилибди ва Рустамнинг олдига келиб турибди. Оқсоқол шер Рустамга қараб:

— Эй паҳлавон, сенинг сафаринг жуда хавфли. Шунинг учун сени олиб борувчи шер нима деса қайсарлик қилмасдан айтганини бажарасан, бўлмаса бирор фалокат рўй бериши мумкин. Иккинчидан, Қуёш ерига қадамнинг тегиши билан бизга ишонарли нишона бериб юборасан. Токи бизларнинг кўнглимиз гинчисин,— дебди.

Рустам бу шартларни қабул қилиб шер устига минибди. Бошқа шерлар ўйин қилиб уларни кузатибдилар. Кузатувчилар горнинг оғзига келиб яна хайрлашиб ўз изларига қайтибдилар. Рустам билан шер гор ичига кириб кетибдилар. Шер гор ичида ўқдек учибди. Ўқтин-ўқтин наъра тортибди. Унинг наърасига атрофдан ҳар хил овозлар эшитилибди. Рустам атрофдан келаётган овозларни билишга қизиқиб:

— Эй ваҳший ҳайвонлар подшоси, бу келаётган овозлар қандай овозлар? Булардан мени хабардор қил,— деса, шер Рустамдан бу саволни эшитиб:

— Паҳлавоним, бундай саволларни берадиган вақт эмас. Сендан сўрайман, жимлик сақлаб бор. Бўлмаса мени ва ўзингни ҳалок қиласан,— дер экан.

Яна йўлда кетар эканлар, гоҳ қушларнинг сайраши, гоҳ мазлумларнинг инграши, гоҳ чақмоқлар чақиб момақалди роқ гулдураши, гоҳ созлар чалиниб базмлар қийқириғи, гоҳ қизларнинг ёқимли ашулалари эшитилибди. Бундай овозларни эшитган Рустам шердан ялиниб сўрабди:

— Мени бу воқеалардан хабардор қил.

Шер Рустамга илтижо қилиб:

— Қуёш еридаги дўстларингизнинг ҳурмати учун жимлик сақланг.— дебди.

Рустам рози бўлибди. Лекин гор ичида қоронғиликдан ҳеч нарса билиб бўлмабди. Агар шернинг бўйнидаги жунларини маҳкам ушламаганда, унинг тез чопишидан Рустам учиб кетиши турган гап эди. Шу пайт шер:

— Эй паҳлавон, кўзингни юм. Қачонки мен «оч» дема-



гунимча очмайсан. Агар ўз ихтиёринг билан бир иш қилиб қўйсанг, ўз дўстларинг ва менинг дўстларим олдида жавобгарсан,— дебди.

Рустам кўзларини юмиб, шернинг бўйнидан маҳкам қучоқлабди. Шер яна тезроқ чолиб шундай бўкирибдики, Рустам бундай овозни биринчи марта эшитибди. Шердан чиққан терга Рустамнинг кийимлари ивиб, сув бўлиб оқа бошлабди. Шер бир оздан кейин тўхтаб, Рустамга «туш!» дебди. Рустам кўзини юмганича шер устидан тушибди. Шер «кўзингни оч!» деб буюрибди. Кўзини очса, Рустам тоғ тепасида турган эмиш. Тоғнинг тепаси ниҳоятда кенг ва сайхонлик бўлиб, гуллар очилган, майсалар кўкарган, булоқлардан тиниқ сувлар оқиб турган экан. Бу ерлар худди бир боғбон парвариш қилгандек кўринар эмиш.

Рустам шердан:

— Бу ерда ким яшайди?— деб сўрабди.

Шер чарчаганиданми жавоб бермасдан булоқ томон юрибди.

Бориб булоқда чўмилибди ва яна ўз ҳолига келибди. Бу муъжизадан Рустам ажабланибди. Шер Рустамга қараб сўзлабди:

— Қулоқ сол, паҳлавоним. Сирлардан сени хабардор қилай. Йўлдаги сайрашлар, инграшлар, базмлар ва бошқа овозлар Қуёш еридаги илсонларга хос эди. Улар бир-бирларига шундай муносабатда бўлиб, баъзиларининг инграшларидан баъзилар завқланиб ишрат қилишар эди. Иккинчи сенга «кўзингни юм!» дедим. У ерда сенинг дўстларингнинг ҳаёти кўринар эди. Мана энди сен уларнинг олдиларига бориб биласан. «Бу тоғдаги боғлар кимники» дединг. Бу тоғ тилсимланган. Бу ерга инсонлардан фақат сенинг қадаминг тегди. Мен ва менинг боболарим шу ерни қўриқловчилардир. Бизнинг авлодда бошқа шерлар бу ерга кела олмайдилар. Вақтида ўз эгаси келади. Буюк сирли тоғлар текис сайхон ва бўстонларга айланади.

Рустам ниҳоятда қизиқиб:

— Эгаси ким ва қачон келади?— деб сўрабди.

— Буни сенга айтиш қийин. Боболаримизнинг ҳикояларига қараганда: «қуёш бу зулмат ерига ўз нурини сочганда келади»,— дейдилар. Қани, қаҳрамон, ўз сафарингни давом этдир.

— Мен сенга нишона беришим керак эди. Нима берай?— деб сўрабди Рустам.

Шер Рустамни етаклаб, тоғнинг бир четига олиб бориб-

ди ва юқоридан қирқ газча осилиб тушган баҳайбат бир дарахт илдизини кўрсатиб:

— Мана шу илдизга осилиб юқори чиқасан. Шу илдиз ёнида кавак бор. Шунга етганимда шу кавакдан тупроқ олиб менга ташлайсан. У тупроқ қуёш ерининг тупроғи ҳисобланади. Мана шу тупроқни нишона қилиб олиб бораман,— Рустам қуёш ерининг тупроғи деган сўзни эшитиб, кўнглида дўстлари билан қучоқлашиб кўришаётгандек ошиқиб хурсанд бўлибди. Лекин илдизга қандай қилиб осилиб чиқишга ҳайрон бўлибди. Чунки илдизнинг пастга осилиб тушган учи Рустам турган ердан ўн газ юқорида тугаган экан. Шер Рустамнинг ҳайронлигини сезиб:

— Устимга мин, охирги марта сени саёҳат қилдирай,— деб устига миндирибди. Шер тоғ атрофидан чопиб келиб илдиз олдига яқинлашганда Рустам бирдан илдизга сакрабди. Рустам илдизни қучоқлаб юқорига ўрмалабди. Шер айтган тупроқдан олиб бир енгига бойлаб шерга ташлабди ва шер билан дўстларча хайрлашиб юқорига йўлабди.

Қуёш ерининг паҳлавони тонг отар пайтида ер юзига чиқибди. Атрофига қараса таниш арчазор кўринибди. У илдиз Рустам отаси билан биринчи марта арчазорга келганда, чол суйанган паст бўйли йўғон арчанинг илдизи экан. Рустам ўзи ётадиган супа устида она айиқ кенжа боласини олдинги оёқлари орасига олиб, қайғу билан бошини қуйи солиб ўтирганини кўрибди. Кўзи бирдан Рустамга тушиб қолган она айиқ овози борича ўкириб юборибди ва Рустамни ўз бағрига босибди. Она айиқ кўзидан ёш тўкиб сўзлабди:

— Сендан айрилганимиздан уч кун ўтгач, ҳоким йигитлари билан келиб, арчазорга ўт қўйиб, бу ердагиларнинг қўл-оёқларини боғлаб олиб кетди. Чўпонларнинг айтишларига қараганда, бугун кечқурун халқни йиғиб, ўтинчиларни дорга осар эмишлар.

Кечки пайт. Айиқ билан Рустам шаҳарга келиб қараса, кенг майдонга одам йиғилган эмиш. Кимдир кўз ёши тўкаётганмиш. Кимдир кўмакка интилиб, ўзини ожиз билиб бетоқат бўлиб умидсизлик билан жовдирармиш. Кимдир кимхоб тўн кийиб от ўйнатиб, дор атрофидан одамларни ҳайдармиш. Кимдир «гуноҳкор»ларнинг дорда типирчилашларини томоша қилмоқчи бўлиб соявон аравада келиб турганмиш. Дорнинг чап томонида темир қафаслар бор эмиш. Бунда ҳокимнинг зулмига қаршилик кўрсатган ёки уй-жой-

ларини ташлаб кетган одамларнинг болалари қамаб қўйилганмиш. Қафасдагиларнинг ҳаммаси ярим яланғоч, мурғак баданлари кўмир сингари қорайиб кетган эмиш. Кўпдан бери очлик ва ташналикка дучор бўлганлари учун суяклари баданини ёриб чиққандек кўринармиш. Мана шу маҳбуслар орасида Сиддиқ ямоқчининг қизи Зухра ҳам бор эмиш.

Бир пайт карнайлар чалиниб, ясовуллар йўл очиб, жаллодлар болта ушлаган ҳолда қўллари орқаларига боғланган, ранглари ўчган Рустамнинг отаси бошлиқ қирқ етти «гуноҳкор»ни дор тагига олиб келибдилар.

Қафасдаги ёш маҳбуслар ўзларининг ота ва оналарини таниб дод-фарёд кўтарибдилар. Баъзи гўдаклар ўзларининг жажжи гавдаларини кўтаришга мадорлари келмай бошларини қафасга тираб, энг сўнгги кучларини йиғиб, «Мени қутқаринг, отажон!» дегандек қўлларини панжара орасидан узатибдилар. Бир-бирлари билан хайрлашиб, дор тагига келаётган маҳбуслар ўз фарзандларини қафасда кўриб, уларнинг нолишларига тоқат қила олмай фарёдга фарёд қўшибдилар. Зухра икки қўли билан қафас темирларини ушлаб, сочлари ёйилган, кийимлари тилка-тилка бўлган, кўзларидан марварид сингари ёшларни оқизиб йиғлабди. Майдонда ҳоким ва унинг атрофида бойлар, юзбоши, мингбоши, дорбоши ва бошқа амалдорлар парвойи палак саррайиб тураверибдилар.

Салимбой саман отда келиб, халққа шаҳар ҳокимининг гуноҳкорларни дорга осиб ўлдириш тўғрисидаги фармонни ўқиб берибди. Карнайлар чалинибди. Жаллодлар дорлардан арқонларни тушириб гуноҳкорлар бўйнига боғлабди. Салимбой завқланиб, кумуш носқовоғидан қўлига нос олиб отмоқчи бўлганида кучли қўл елкасидан ушлаб олиб, от устидан отиб юборибди.

Ясовуллар Салимбойга ҳужум қилган қўлни ушламоқчи бўлганида, у қўл ҳар зарбда икки-уч ясовулни ағдариб турибди. Жаллодлар ҳайрон бўлиб, фармонни бажаришга шошилган эканлар. Тўсатдан бошларига тушган йўғон сўйил уларни ерпарчин қилибди. «Гуноҳкорлар» ўзларини жаллодлар қўлидан озод қилаётган айиқни кўриб шодланибдилар. Шу орада кимдир «Салимбойни отдан отиб юборган Рустам экан» дейиши билан «Рустам тирик, Рустам келди» деган сўзлар халқ орасига тарқалибди. Тўстўполон бўлиб, одамлар ким-кимлигини билмасдан аралашиб кетибди. Бир қанча вақт давом этган ғалаёндан кейин

ўлган ўттиз жаллод, икки юз ясовул, пачоқланган темир қафас ва Салимбойнинг жасаидан бошқа ҳеч ким майдонда қолмабди.

Ҳар ким ўз фарзандини олиб Рустамга офарин айтиб, арчазор томон кетибди. Олдинда бораётган Рустам ёнига Сиддиқ ямоқчи ўз қизи билан бирга бориб, жилмайиб, оҳиста сўз бошлабди:

— Хотирангизда бордир. Бир кун арчазорда ҳикоя айтиб бераётганимда «хотин» киши келиб қолиб ҳикоям чала қолган эди.

Рустам ўйлаб турмасдан:

— Хотиримда умр бўйи сақланган. Қани, йўл устида бўлса ҳам, ҳикоянинг давомини айтинг,— деб илтимос қилибди. Сиддиқ ямоқчи кўз қири билан қизига қарабди. Зухра бир нарса сезгандек уялиб ерга қарабди. Сиддиқ ямоқчи сўзида давом этибди.

— Ана ўша золимнинг зулмига бардош қилиб ўз вафодорини интизорлик билан кутган қиз қаршингизда турган менинг Зухрам эди.

Рустам ялт этиб, Зухрага қарабди. Уялган Зухранинг анор сингари қизарган юзларини кўриб, Рустам ўзида ажойиб бир ҳис сезибди. Бундай ҳисни ҳаётида биринчи марта бошидан кечиргани учун сўз тополмай жим туриб қолибди.

Сиддиқ ямоқчи Рустамдан сўз кутар экан.

Рустам бир нарсани эслагандек:

— Ҳа, айтгандек бу кишининг паҳлавони ким ва қаерда?— деб сўрабди.

Сиддиқ ямоқчи Рустамдан тўрт қадам четроқда бутун воқеадан хабардор бўлиб келаётган Рустамнинг отасига имо қилибди. Улар бир-бирларига қараб жилмайишибди:

— Зухранинг паҳлавони кимлигини билмоқчи бўлсангиз «Бу кишининг паҳлавони ким?» деб сўраётган одамнинг ўзи,— дебди.

Рустам олдинга ташлаган қадамини тўхтатиб отасига қарабди. Чол Рустамнинг берган саволига қайтарилган жавобни табассум билан тасдиқлабди.

Тонг шамоллари ғирллаб арчалар орасида эсар, арча япроқлари эса ўз сояларига келаётган дўстларини олқишлар экан. Бир қанча вақтдан бери жимлик ҳукм сурган арчазор шодликка тўлибди. Зулм кўрганлар, аламдийдалар Қуёш ерининг паҳлавони етакчилигида озод, ҳур, гўзал ҳаёт кечира бошлабдилар.



## Савдогар ўғли

Бор экан, йўқ экан, оч экан, тўқ экан, қадим замонларда бир шаҳарда бир бадавлат савдогар бор экан, бу савдогар тўлиб-тошган, давлати ҳаддан ошган. Бу савдогарнинг бир қизи, бир ўғли бор экан. Савдогар ўғил-қизини ёшлигида мактабга берибди, иккови ҳам ўқиб мулла бўлибди.

Кунлардан бир кун савдогар савдога юришидан, жаҳонни гашт қилишидан оша зерикиб қолибди. Ўғлини мактабдан қолдириб айтибди:

— Боғда очилган гулим, чаманда сайраган булбулим, фарзандим — жону дилим, энди сен йигит бўлиб қолдинг, ўқиб оқ-қорани танидинг, энди ҳар нарсага ақлинг етади, болам, сен жаҳонгашта бўл. Бу мавкун савдога сен бор. Карвонбошига қўшиб юбораман. Сен мени кўзим бўлиб борасан, томоша қилиб келасан,— дебди. Ўғли:

— Ота, нима хизмат буюрсангиз биз тайёр,— дебди.

Шунда савдогар ўғлини карвонларнинг бошлиғи Ҳасанга топширибди.

— Бу сафарингизга ўғлим боради, оқ йўл бўлсин,— деб фотиҳа берибди, ўғли сарполарни кийиб, оқ тулпор отини миниб, карвонга қўшилибди. Савдогарнинг карвони кетишга қўзғалибди. Карвонбоши Ҳасан савдогар ўғлига тўқсон тирковли суруг туяларга зери-забарларини ортиб, йўлга солибди. Ҳасан савдогарни ўғли билан иккови қайтиб келгунча қиёматли ака-ука тутунибди. Шундай қилиб, булар йўл тортиб, сувсиз аро чўл тортиб, бир неча кун юриб бу катта сувсиз чўлдан ўтолмабдилар. Йўлга олиб чиққан сувлари тамом бўлиб қолибди.

Савдогарнинг ўғли карвонбоши Ҳасанга қараб:

— Сувингиз борми?— деб сўрабди.

Қараса йўқ, неча карвонлардан сўрабди, сувимиз тамом бўлди, мазгилга етолмадик дейишибди. Савдогарнинг

ўғли ёмон сувсаб, ҳолсиз бўлиб қолибди. Карвонбоши Ҳасан айтибди:

— Ука, энди чидаш керак, мана кўринаётган тоғ. Шу тоғнинг орқасида дарё бор, насиб бўлса, бориб сув ичамиз,— деб кўнглини кўтариб қўйибди. Шундай қилиб, карвонларга қизилқум, қорақумдан ўтишлик жуда машаққат бўлибди. Савдогарнинг ўғли сувсаб, карвонлардан сув сўраб, карвоннинг орқасидан кетаверибди. Тоғ ҳали узоқ экан. Савдогарнинг ўғли қараса, бошқа томонда қорайиб дарахт кўринибди. Шунда савдогарнинг ўғли айтибди:

— Кел, буларнинг кўзини чалғитиб туриб жўнай, булар йўл билан бораверсин. Мен шу кўринган дарахтнинг олдига бораман. Сув бўлса ичиб олиб, буларга етиб оламан. Отимни тезлатсам, олдидан чиқиб оламан, чунки сув бор жойда дарахт бўлади. У кўринган тоғдан бу дарахт яқин-ку,— деб, жўнаб қолибди. Тонг отганда дарахт олдига етиб келиб, қараса дарахтзор, бир ёғи тўқайзор эмиш. Сув ичаман, деб интиқ бўлибди, келиб кўрса, дарахт қавагининг ичида бир чашмани кўрибди, секин бориб чашмага қараган экан, чашманинг ичидан ғойибона бир овоз келибди: «Эркак бўлса аёл бўлсин, аёл бўлса эркак бўлсин» дебди.

Шунда савдогарнинг ўғли ўзининг тарзига қараса, орқасида сочи тўпланиб турган бир чиройли қиз бўлибди. Ўзига ўзи ҳайрон қолибди, келганига кўп пушаймон қилибди. Энди мен карвонларнинг олдига бу аҳволда қандай бораман деб йиғлаб-йиғлаб, отини минибди, анча йўл юриб, бир тоғнинг дарасига кирибди. Ажойиб бир катта ғорни кўрибди. Кел, дебди ўзига ўзи, шу ажойиб ғорнинг ҳам бир ҳислати бордир. Нима бўлсам шу ғорнинг ичида бўламан деб, қозик қоқиб отини ғорнинг оғзига бойлаб, ғорнинг ичига кириб ётаверсин. Энди сўзни бошқа ёқдан эшитинг.

Бир мамлакатда бир подшо бор экан. Бу подшонинг етти хотини бор экан. Буларнинг биронтасидан ҳам бола кўрмаган экан. Кунлардан бир кун подшо, миришқор овчилари билан, ёв-яроғини олиб овга жўнабди. Булар йўл тортиб бир дарё бўйига келибдилар. Подшо айтибди:

— Дарёдан ўтиб тоғ кийикларини овлаш керак.— Шундай қилиб, отларини дарёга солиб, йўл тортиб бораётган эканлар, тоғнинг дарасига кираётиб оқ тулпор отга кўзлари тушиб қолибди. Подшо ғорга томон отини бурибди. Бариси биргалашиб ғорнинг олдига келиб қарашса бир

тулпор от бойланган, горнинг ичида бир чиройли қиз ўтирибди. Подшо қиздан сўрабди:

— Инсмисан, жинсмисан, паризодмисан, одамзодмисан? Бу горнинг ичида нима қилиб турибсан?

Шунда қиз айтибди:

— Эй тақсиржон, нимасини сўрайсиз, инс ҳам эмасман, жинс ҳам эмасман, одамзодман. Менинг аҳволимдан эшитсангиз, айтайин,— дебди. Шунда қиз сўз бошлабди:

— Мен бир шаҳарда савдогарнинг қизи эдим, отамнинг битта ёлғизи эдим. Отам мени эркакча кийинтириб, оламини бир томоша қилдириб келай,— деб карвонлари билан қўшиб, мени шикорга олиб чиққан эди, мен саёҳатга қизиқиб қолдим, шундай қилиб, бир неча кун йўл юриб, озгина эмас, мўл юриб, қизилқум, қорақум деган чўлга келган эдик, сони саноғи йўқ, сонсиз қароқчилар атрофимизни ўраб олди. Нарсаларни ўлжа қилди, менинг отим қароқчиларга тутқич бермай, олиб қочиб, шу жойга олиб келди. Озроқ нон, туршагим бор эди, у ҳам сиз келмасдан олдин тамом бўлиб қолди. Худо сизни етказди.

Шунда подшо:

— Бир шаҳарнинг подшосиман, агар мен сени олиб борсам, никоҳ қилиб олсам, етти хотиним бор, сени саккизинчиси қилсам қабул қиласанми?—дебди. Қиз айтибди:

— Сиз бир шаҳарнинг подшоси бўлсангиз, мени бу гордан олиб бориб тўй қилиб олсангиз, нега бормас эканман, тегсам ҳам сиздай подшога тегарман, бораман,—дебди.

Шунда подшонинг димоғи бениҳоят чоғ бўлиб, овчи миришкорларига:

— Бизнинг овимиз битди. Сизлар кечгача ов қилиб борарсизлар. Энди биз буни олиб элга қайтамиз,—дебди. Овчи миришкорлар ҳам:

— Бизнинг ҳам овимиз битди, димоғимиз чоғ бўлди. Биз сизсиз ов қилмаймиз, биз ҳам кетамиз,—дебди.

Шундай қилиб, подшо қизни гордан чиқартирибди.

Қиз ўзининг отини минибди. Подшо овчи миришкорлари билан бирликда қизни ияртиб мамлакатига равона бўлибди. Дарёдан ўтиб, шаҳарга етибди, подшо қирқ кеча-кундуз тўй қилиб, қизга уйланибди. Кундан кун ўтиб, ойдан ой ўтиб, қизда ҳомила пайдо бўлибди. Шунда подшо, вазирлари билан маслаҳат қилиб:

— Вазирларим, ўзларингга маълум етти хотин олдим.

Бола кўрмадим. Бу хотинимдан бола кўрадиганга ўхшадим. Эллик етти ёшимда худо қизми, ўғилми берадиганга ўхшайди. Мен ё севиниб ўламан, ёки қўрқиб ўламан. Энди мен тоғ орасига бориб тураман, манзил-макон қиламан. Ким севинчига борса, нима деса оғзидан чиққанини муҳайё қиламан,—дебди.

Подшонинг бу маслаҳати вазирга маъқул тушибди. Подшо бош вазирига подшолигини бериб, ёв-яроғини, от-анжомини олиб кетишга ҳозирланибди. Подшонинг аёр мастони бор экан. Подшо шу айёр мастон кампирни олдига чақириб шундай дебди:

— Мен тоғ орасидаги маконимга бораман, кичик хотинимнинг ихтиёри сенда. Бир гап бўлса сендан кўраман. Агар хотиним туғса, ўзинг хабардор бўласан. Хотинимнинг олдига етти катта хотинларимнинг биронтаси ҳам кирмасин. Қанизларнинг ҳам биронтаси кирмасин. Агар бир гап бўлгудай бўлса, сенинг бошинг ўлимда.

Шундай қилиб, подшо шаҳардан чиқиб жўнабди.

Подшонинг хотини тўққиз ой, тўққиз кун тўлиб, туғиш вақти яқинлашибди. Айёр мастон момолигини қилиб, бир чўри қизни хизматга солиб, бошқа ҳеч кимни киргизмай қарабди. Подшонинг хотини бир ўғил туғибди. Гўдакнинг бир кокили зар, бир кокили тилла. Айёр мастон чақалоқни карпечлаб олибди ва парвариш қилаверибди. Чўри қиз хизматини қилиб юраверибди. Бошқа ҳеч кимни қўрғонга киргизмабди. Ана энди кунлардан бир кун чўри қиз ота-онасини кўриб келишни подшонинг хотинидан сўрабди, подшонинг хотини рухсат берибди. Анча танга пул берибди:

— Бор, ота-онангни кўриб кел, буларни ота-онангга бериб кел, хаёлламай, кечга қолмай кел,—деб жавоб бериб юборибди.

Ана энди чўри қиз ота-онасининг кулбасига бориб, уларга танга-тиллони бериб: «Отажон-онажонлар, сиз мана буларни харжлаб ётаверинглар, менга ишларинг бўлмасин, мени подшонинг хотини «тездан қайтиб кел», деб юборган. Ўтиришга вақтим йўқ. Мен хизматда», дебди. Ота-онаси мунча танга-тиллаларни кўриб, димоғи чоғ бўлиб:

— Болам, бор, сени подшоликда еганинг олдингда, хизматингни қилавер,—деб жавоб бериб юборибди.

Чўри қиз севиниб, салқиниб уйдан чиқиб, шаҳар расталаридан ўтиб келаётганида, қараса, сонсиз туялар



шаҳарга кираётибди. Бир бошдан саройларга тушаётибди, моли-матосини тушураётибди, сарой тўлаётибди, бошқасига кираётибди, неча сарой бўлса бориға бу карвонлар келиб кираётибди, орқаси яна тиркалиб келаётибди, шунда чўри қиз бундай қараса давлати тўлиб тошган, подшоликдан ҳам ошган. Қиз бундай давлатли карвонларни ҳеч қўрмаган экан. Уларни томоша қилиб, қараб кунни кеч қилибди. У подшонинг хотинига келиб:

— Кечга қолганимга уришманг, бекачойим. Мен отонамни кўриб, пулларини бериб, бир пиёла чой ичгунча ҳам турмай, қайтиб шаҳар кўчасидан келаётган эдим, қарасам, бувушим, бирам туячи карвонлар келиб, саройларга тушаётибди. Неча сарой бўлса тўлаётибди, орқаси узилмай яна келаётибди. Томоша қилиб кечга қолдим,— дебди.

Подшонинг хотини чўри қизнинг сўзини такрорлатиб қулоқ солибди. Чўри қизнинг сўзидан бу карвонлар ўша савдогар отаси юборган Ҳасан бошлиқ карвонлар эканлигини билибди. Шунда подшонинг хотини, чўри қизга яна анча танга тиллоларни бир нарсага ўраб берибди.

— Мана буларни ҳам элтиб ота-онангга бер, гаплашиб қолма, тезда уйдан чиқиб карвон тушган саройга бор. Секин биронтасини кўрсанг: Карвонларингизнинг бошлиғи Ҳасан ака ким, деб сўра. «Мен, нима ишинг бор» деса, сен қарамай тезда кел, сиригнни биров билмасин,— деб тайинлаб юборибди.

Ана энди канизак ҳеч кимга билдирмай жўнаб қолибди. Танга-тиллаларни олиб бориб ота-онасига бериб:

— Мени ишим зарур, ўтиришга вақтим йўқ,— деб чиқиб кетиб, шаҳардаги карвон саройларнинг бирига кириб бораётган экан. Қараса, болхона зинасидан бир мўйловли, босма чакман кийган одам тушаётган экан. Чўри қиз ундан аста сўрабди:

— Карвонларингизнинг ичидан Ҳасан ака деган ким?

Шу одамнинг ўзи Ҳасан ака экан.

— Мен, нима ишинг бор,—дебди Ҳасан карвонбоши.

Чўри қиз Ҳасан ака борлигини билиб, орқасига қарамай, саройдан чиқиб, жўнаб қолибди. Орқасидан:

— Шошма, шошма нима ишинг бор?— деб Ҳасан қараб қолибди. Чўри қиз кўринмай кетибди. Ҳасан ҳавотир қилиб, савдогарнинг ўғлини йўқотгани эсига келиб Ҳасан анча ўйлаб қолибди.

Сўзни чўри қиздан эшитинг. Чўри қиз подшонинг хотини олдига келиб:

— Карвонларнинг бошлиғи Ҳасан ака бор экан,— деб хабар қилибди. Шунда подшонинг хотини чўри қизга тайинлабди:

— Энди сен менга бир хизмат қиласан, саройга бор. Уша кўрган Ҳасан акага, аста айтасан, «сизни подшоликка чақиришади. Аёл кийимини кийиб, орқангизга соч қилиб, парнжи-чачвонга ўралиб келар экансиз» деб айт, уни бирга олиб кел, ҳеч ким билмасин,—деб тайинлабди.

Чўри қиз бориб, Ҳасан карвонбошига учрабди-да:

— Сизни подшоликка чақиришаётибди,—дебди.

Ҳасан ака тоза қўрқиб, ранги бўзариб кетибди. Чўри қиз:

— Қўрқманг, бувушим тайинлаб юбордила, ияртиб олиб кел, деб,—дебди.—Аёл кийимини кийиб, орқангизга сочпопук қилиб, паранжи-чачвонга ўралиб борасиз, сизга бувушимнинг икки оғиз сўзлари бор, айтармишлар. Яна қайтиб келасиз,—дебди.

Ҳасан ака тоза хавотирланибди.

— Эй раббим, бу қандай сир бўлди. Аёл либоси билан кел деган. Майли, борсам борайин,—деб Ҳасан карвонбоши аёл либосини кийиб, орқасига пўпак қилиб, паранжи-чачвонга ўралиб, чўри қизга ияриб, подшолик маконига келибди. Шунда бу сирни айёр мастон билибди. Уйга киришликка рухсат бермабди. Шунда подшонинг хотини кампирга айтибди:

— Ташқари чиқиб туринг бу кирсин, бизнинг мамлакатимиздан келган қариндошимиз бўлади,—деб, чўри қизни ҳам бир ишга буюриб, бу аёл либоси кийиб келган киши билан подшонинг хотини суҳбат қуриб турган пайти, ташқаридан айёр мастон хабардор бўлиб, қулоқ солиб турибди. Шунда подшонинг хотини келган кишига қараб айтибди.

— Карвонлар жаҳонгашта бўлади. Бир ҳикоя қилиб беринг.

Ҳасан ака айтибди:

— Бизлар жаҳонгашта бўлганимиз билан савдо ишидан бошқа ҳеч балони билмаймиз, сиз ҳикоя қилинг,—дебди. Подшонинг хотини бўлса:

— Мен ҳикоя қиламан, сиз қулоқ солиб туринг,—деб, подшонинг хотини ҳикоясини бошлабди:—Мен бир шаҳарда бир бадавлат савдогарнинг боласи эдим. Отам

мени мактабга берди, мулло қилди. Кунлардан бир кун отам мени, ўқишимдан қолдириб Ҳасан деган қарвонбошига қўшиб, савдо ишига шикорга чиқарди. Йўл юриб, сувсиз аро чўл юриб, қизилқум қорақум деган чўлдан ошолмай, ҳамманинг суви бирдан қуриб соб бўлиб қолганда мен Ҳасан акадан ҳам сув сўрадим, унинг ҳам суви қолмаганидан менга Ҳасан ака айтди:—Мана, кўринган тоғнинг орқасида сув бор. Мен бўлсам қарвонлар орқасида қолиб, бир дарахтни кўриб тоғдан бу яқин, сув бор жойда дарахт бор, сув ичиб буларга яна етиб оламан, деб қарвонларнинг кўзини шамғалат қилиб, улардан айрилиб, кўринган дарахтга бордим, сувсаб бориб дарахт қавагидаги чуқурга қарасам, ғойибдан бир овоз чиқди: «Эркак бўлса аёл бўлсин, аёл бўлса эркак бўлсин», деган. Мен ўзимнинг тарзимга қарасам орқамда соч, чиройли қиз бўлиб қолибман. Борганимга пушаймон қилиб, отимни миниб йўлга чиқдим. Олдимда гор пайдо бўлди. Нима бўлсам шу горда бўлай, деб горнинг оғзига отимни бойлаб, горнинг ичига кириб, тақдиримга тан бериб, бошга тушган савдога кўниб ётган эдим, бир вақт бир подшо овчи миришкорлари билан овга чиққан экан. Мени устимга бориб қолди

— Инсмисан, жинсмисан, одаммисан,—деб сўради. Мен айтдим:

— Мен инс ҳам, жинс ҳам эмас, одамзодман, бир шарҳардан шикорга чиққан савдогарнинг қизиман, отам мени ўзи билан бирга шикорга олиб чиқди, эркакча кийиниб оқ тулпар отга миндириб қорақум, қизилқумдан ошиб келаётганда бизни қароқчилар талади, нарсаларни ўлжа қилди. Отим мени қароқчилардан қутқариб шу горга олиб келди,— дедим. Подшо: «Сени олиб бориб тўй қилиб олсам тегасанми?»— деди. Мен рози бўлдим. Шундай қилиб, мени подшо гордан олиб келиб қирқ кеча-кундуз тўй берди. Шундай қилиб, ҳомиладор бўлдим. Подшо:

— Қиз туғсанг, севинчига борган кишига бош-оёқ сарпо бераман, ўғил туғсанг катта бўлса ўрнимга подшо қиламан,— деб подшо шикорга кетди. Мен ўғил туғдим. Бир кокили тилла, бир кокили зар. Ўша отам сизга қўшиб юборган укангиз мен бўламан,—дебди.

Ҳасан ака ҳанг-танг бўлиб қолибди. Шунда подшонинг хотини айтибди:

— Энди сизнинг мен билан ишингиз бўлмасин, нима бўлсам бўлдим, ишингиз битиб мамлакатимга қайтсангиз

ота-онамга салом айтинг,—деб келган паранжилик кишини чиқариб жўнатибди. Бу сирдан айёр мастон хабардор бўлибди. Ҳасан карвонбоши бўлса, бундай бўлган бўлса, энди мен ҳам у шаҳарга бормайман, бу қизиқ аҳволни унинг отасига қандай бориб айтаман деб, туялардаги заризебар матоларни сотиб, пулни қопга солиб қирқ туяни ўзи олиб, қолганларини карвонларга бўлиб бериб, Ҳасан ака бошқа шаҳарга ўтиб, ҳаммаси бошпанасини топиб, уйлик, жойлик, рўзгорлик, бола-чақалик бўлиб юраверсинлар.

Энди сўзни айёр мастон кампирдан эшитинг:

Айёр эркак товушини эшитганига, подшо хотинидан хавотир қилиб, феъли айнибди, севинчига ўзим борай,—деб пиёдалаб йўл тортди. Айёрнинг юришига узоқ йўл яқин бўлибди. Дарёдан дуо-жоду билан кўприк қилиб ўтиб, подшонинг турган маконини топиб борибди. Кампирни кўриб подшо ҳовлиқиб қолибди. Севинчига айёрнинг ўзи келди. Шунда айёр мастон нафасини ростлаб, подшога қараб:

— Тақсиржон, бир қошиқ қонимдан ўтсангиз айтаман,—дебди кампир. Подшо:

— Утдим, айт,—дебди.

Шунда айёр айтибди:

— Тақсир подшоҳим, эсон-омон хотининг бир кокили тилло, бир кокили зар ўғил туғди. Етти катта хотининг ҳам, канизларнинг биронтаси ҳам ичкари киргани йўқ. Ҳатто билгани ҳам йўқ. Бир кун хотининг, олдига бир ниқобли меҳмон келди, мен у меҳмонни киргизмаган эдим, хотининг мени ташқарига чиқариб, «бу меҳмон менинг қариндошим бўлади», деб айтди. Аёл либосини кийиб келган ниқобли меҳмон ичкарида хотинингиз билан анча маҳал суҳбат қилишди. Мен ташқаридан пойлаб, қараб турган эдим. Қулоқ солиб эшитдимки, у келган ниқобли меҳмон товуши эркак товушига ўхшади. Хотинингиздан хавотир қилиб, сизни хабардор қилишга етиб келдим,—дебди.

Подшо бу сўзларни тинглаб олиб, бирдан даргазаб бўлибди. Узи олдин, ҳамроҳлари кетин мамлакатга келибди. Қиличини яланғочлаб хотинининг олдига кириб, газаб билан:

— Келган ниқобли меҳмон киминг бўлади? Айт, бўлмаса бошинг ўлимда!—дебди.

Шунда хотини айтибди:

— Бир қошиқ қонимдан ўтсангиз айтаман.

Подшо:

— Утдим,—дебди. Шунда қиз ҳикоясини бошлабди.

«Мен асли бир мамлакатда бир бадавлат савдогарнинг ўғлиман. Отам мени ўқишдан қолдириб, энди сен савдо ишини ўрган деб, Ҳасан ака деган карвонбошига мени қўшиб юборди. Шунда анча йўл тортиб қизилқум, қорақумга етиб келдик. Сувимиз соб бўлди. Мен бир тўп қора дарахт кўриб карвонларга билдирмай «сув бор жойда дарахт бўлади», сув ичай деб, отимни суриб келиб қарасам, дарахтнинг қавагида бир чуқур чашма бор экан. Чашманинг ичидан ғойибдан овоз келди: «Эркак бўлса аёл бўлсин, аёл бўлса эркак бўлсин», деди. Мен ўзимни тарзимга қарасам орқамда соч, чиройли қиз бўлиб қолибман. Кейин ўзимни ҳолимга ўзим ҳайрон бўлдим-да, отимни миниб, тақдиримга тан бериб, бир ғорнинг ичида ётган эдим, худо сизни етказди. Мен қиз эмасман, савдогарнинг ўғлиман, ишонмасангиз мен ҳам битта отни минай, сиз ҳам бир отни мининг. Агар мен қочсам, отинг. Уша тўп дарахтли чашманинг бўйига бораёйлик,—дебди.

Шунда подшо бу сўзни маъқул топибди. Хотини бир отни минибди, подшо ёв-яроғини хуржинига солиб, овга бораётимиз дегандай баҳона қилиб, йўл тортибди. Хотин чашмани кўрсатибди. Подшо қараган экан, ғойибдан овоз келибди: «Эркак бўлса аёл бўлсин, аёл бўлса эркак бўлсин!»

Подшо ўзининг тарзига қараса орқасида сочи, чиройли қиз бўлиб қолибди. Подшо ҳайрон бўлибди. Хотини ҳам чашмани бўйига бориб қараган экан, яна ғойибдан овоз келибди. Шунда подшонинг хотини асли ҳолига келибди. Подшо бу сирдан ёмон уялиб, шубҳаланиб, яна асли ҳолимга келаман,—деб чашманинг бўйига бориб қараган экан, чашмадан товуш чиқмабди. Шунда булар маслаҳатни бир қилиб, бу сирни бировга билдирмасликка аҳд қилишиб, иккови бошига ниқоб тортиб, отини миниб, подшолик маконига келибдилар. Шунда йигит ниқоб ичида, подшонинг ўрнига ўтириб, нима арз бўлса ниқоб орқали билдириб, неча кунлар тўй бериб қизни йигит никоҳ қилиб олибди. Ойдан ой, йилдан йил ўтиб қизнинг бўйида ҳомила пайдо бўлибди. Ойи-куни тўлиб, бу қиз бир ўғил туғибди. Энага бориб бу болани ҳам тарбия қилаверибди. Олдинги қизнинг ўғли бир кокили тилло, бир кокили зар беш ёшга кирган бўлса, иккинчи қиздан бўлган бола уч ёшга кирибди. Болалар ўсаверибди. Бу сирни

эр-хотиндан бошқа ҳеч ким билмабди. Кунлардан бир куни подшонинг хотини подшога айтибди:

— Келинг энди, мен сиздан розиман. Сиз ҳам мендан рози бўлинг. Энди мен хотин бўлиб юришдан зерикдим. Мен сизни нима десангиз рози қилай, хазинадан хоҳлаганингизча тиллалардан олинг. Ўғлингизни ҳам олинг. Менинг ўғлим ўзимга қолсин. Юринг, ҳеч кимга билдирмай яна чашманинг бўйига борайик. Бориб чашмага бир қарай, зора асли ҳолимга келсам. Сиз ҳам ўз юртингизга жўнанг. Ота-онангизни кўриб муродингизга етинг. Мен ҳам асли ҳолимга келиб подшолигимни қилай,— деди.

Бу сўзга подшо рози бўлибди. Ҳеч кимга билдирмай подшолик давлатидан бир хуржун танга-тиллони олиб, бир кокили зар, бир кокили тиллодан бўлган боласини ҳам олиб, умрбод етадиган давлат билан, фарзанди билан оқ тулпор отини минибди.

Подшонинг хотини ҳам ниқоб билан отини миниб:— Овга жўнаётимиз,— деб билдирмай, жўнаб қолибди. Ўзлари кўрган бир туп дарахтли чашма бўйига келибди. Шунда подшонинг хотини асли ҳолимга келаманми, деб отидан тушиб, чашманинг бўйига келиб қараган экан, ғойибдан овоз келибди: «Эркак бўлса аёл бўлсин, аёл бўлса эркак бўлсин». Бир вақт подшонинг хотини асли ҳолига келибди. Аёл эркак бўлибди. Йигитга қараб айтибди, «Сен ҳам бир бор қара,—дебди. Йигит қарабди... Чашмадан бошқа товуш ҳам чиқмабди. Шунда булар хайрлашибди. Подшо ўз мамлакатига бориб, ниқобини олиб подшолигини сураверибди.

Энди сўзни савдогарнинг ўғлидан эшитинг: Тўлиб-тошиб, ўғлини олдига миндириб, ҳаё-ҳу деб, ўз мамлакатига қараб равона бўлибди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб қизилқум, қорақумлардан ўтиб, мамлакатидан чиқиб кетганига етти йил бўлганида юртини излаб топибди. Ота-онасининг қўрғонини дараклаб борибди. Биров савдогарнинг ҳовлисини кўрсатибди. Шунда йигит отдан тушиб, ўғлини тушириб, дарвозасини тақиллатибди. Анча маҳал ўтиб ичкаридан бир кампир чиқибди:

— Ким,—дебди. Ташқаридан йигит онасининг товушини эшитиб:—мен, савдога кетган ўғлингиз бўламан,—дебди. Дарвозани онаси очибди. Йигит қараса онасининг икки кўзи кўр бўлган. Онаси:

— Боламман, сенинг ҳажрингда савдогар отанг ўлиб кетди, синглинг ҳам бир домлага турмушга чиқди. Сени

ажали етиб ўлди деб эшитиб, йиғлай-йиғлай икки кўзим кўр бўлиб қолди,— дебди.

Шунда ичкари кириб этаги билан онасининг кўзини артибди, онасининг кўзи ярқираб очилиб кетибди. Онаси ўгли билан кўришиб:

— Оламда тирикмисан, ўғлим?—деб, бўйларидан айланибди. Онасининг бир Музаффар деган етим ўгли бор экан. Отларни бойлаб, тиллаларни ичкарига олиб ўтириб боласини олдига олиб акаси билан ҳол-аҳвол сўрашибди. Онаси айтибди.

— Болам, болангнинг онасини нимага олиб келмадинг?

Боласи айтибди:

— Онаси келмади, юртида қолди.

Ичкари кириб, ташқари чиқиб боласини онаси қараб бекорчиликдан бир неча кун юриб, зерикиб қолибди. Кунлардан бир кун онаси айтибди:

— Болам, бекорчиликдан зерикиб қолдинг. Энди отангнинг шаҳарда катта бир дўкони бор, базозлик қилиб, ишингни юритавер,— деб калитни қўлига берибди.

Ана энди савдогарнинг ўгли еtimi Музаффар билан бориб, шаҳардаги дўконни очиб, савдони юритаверибди. Шаҳарда қачон катта савдогарнинг дўкони очилса, бошқа дўконларда савдо бўлмас экан. Чунки бу дўкондан одамнинг жонидан бошқа нима деса топилар экан. Уч дона гавҳар шамчиноқ ҳам бор экан. Савдогар ўглининг базозлик дўкониди пардаси бор экан. Бу парда кароматли экан. Қачон дўконга базоз кирса, очилар экан. Очилган вақтда савдоси юришиб кетаверар экан. Шундай қилиб, савдогарваччанинг кундан кунга иши юришиб кетаверибди. Онаси билан ўглини парвариш қилиб юраверибди. Кунлардан бир куни савдогарвачча етим Музаффар билан эрталаб келиб дўкон очибди. Музаффарни эса бозордан гўшт-ёғ, гуруч олиб бериб:

— Бориб бувингга айт, кечқурунга ширин таом тайёрласин. Ўзинг тезда қайтиб кел,— деб уйга жўнатибди. Ўзи дўконининг ичига кириб, пардани очмай бир нонушта қилиб олай, деб турган экан, осмондан учта кўк каптар учиб келибди. Пардани очиб, ичкари кирибди-да, пардани ёпиб ерда бир юмалаб учта чиройли паризод қиз бўлибди.

Буларнинг жамолини савдогарвачча кўриб анграйиб қолибди. Паризодлар базозга қараб, «тўрамсиз-бегим-

сиз» деб қошини қоқиб, кўзини сузиб, баззознинг ақлини олибди.

— Бизлар харидормиз,—деб у-бу нарсани қўли билан кўрсатаверибди, мана бу тўпини олинг, буни олинг, уни олинг, деб, кўтарганича мол олибди. Гавҳари шамчироғини ҳам қўшиб олиб, савдосини қилиб, паризодлар мунча берамиз, пулини уйимиздан бориб олиб келасиз,—деб туришганида Музаффар келиб қолибди. Савдогарвачча унга:

— Бор, ўғлим, сен бориб булар олган нарсаларнинг пулини олиб кел,—деб паризодларга Музаффарни қўшиб юборибди.—Мен боролмайман, ҳозир савдо қиламан, дўконни ташлаб кундузи бирон жойга кетмайман, дарров кел,—деб қолибди. Паризодлар келишда кўк каптар бўлиб келган бўлса, кетишда ниқоб тортиб, болани ияртиб, баззозлик дўконидан чиқиб кетибди. Баззоз бўлса дуойи фотиҳани бетга тортибди. Парда очилибди, дўконнинг олди харидорга тўлиб кетибди. Ҳа, менга ундан беринг, менга бундан беринг бўлибди. Баззознинг ҳам қўли қўлига тегмай қуюқ савдо қилибди. Бошқа дўконларнинг олдида ҳеч ким қолмай, оғзи очилган хайлаводдай бўлиб қолибди. Чақа-чуқ савдони баззоз ака қилаверсин. Энди сўзни паризодлардан эшитинг:

Паризодлар баззознинг етимини ияртиб шаҳардан ташқари олиб чиқиб кетибди. Бир равотли маконга олиб бориб, дарвозасини кўрсатибди.

— Мана шу дарвоза. Чопиб бориб, секингина баззоз акангизга айтинг, ўзлари келсин бирон халта олиб, сиз ёш бола, кўтаролмайсиз,—деб дарвозани кўрсатиб, паризодлар баззознинг етимини қайтариб юборибди. Ана энди Музаффар келиб кун ботарда дўконга кирибди. Баззоз кутиб турган экан. «Нега кеч қолдинг?»—дебди. Музаффар айтибди. «Мени олиб бориб уйларининг дарвозасини кўрсатишди. Бориб баззоз акага айтинг, бир қоп олиб келсинлар, сиз ёш бола, кўтаролмайсиз деди»,—дебди. Шунда баззоз паризодларнинг жамолига қараб ақли кетган экан. Қани бир борай, деб дўконни ёпиб, етими Музаффар билан жўнабди. Музаффар равот дарвозасини кўрсатибди. Шунда баззоз етимни қайтариб юбориб, ўзи паризодлар равотига кирибди. Аста келиб дарвозани тақиллатибди. Ичкаридан очилиб, паризодларнинг биттаси:—Тўрамисиз, бегмисиз?—деб ичкарига бошлаб, дарвозани ёпиб: «Ана ҳозир пулини бераман, санаб олиб кетасиз, киринг ичкари», дебди.



Шунда баззоз қараса, зертанг, забартанг иморатлар, кавзокори айвонлар, орқаси боғ, олмалар пишиб ётибди. Остига тушиб, булбуллар сайраб, гуллар очилиб ётибди. Ичкари кириб қараса уйнинг ичи ойдек ёруғ, ясатилган.

— Мана аввал бир тузинамак бўлинг, пул бор, қўрқманг, сизга пулингизни берамиз, овқатланинг, кўп шошманг, шошган одам шаталоқ ёйди,—деб, турли таомлар исми аъзам билан дастурхонга терилаверибди. Паризоднинг биттаси баззозга қараб: «Тўрамисиз, бегмисиз?»—деб шароб сузибди. Паризод пиёладаги шаробга дам солиб, исми аъзам дуосини ўқибди. Билдирмай: «Ичганидан илон аждар бўлсин», дебди. Бирдан паризоднинг қўлидан пиёлани олиб ичаман деган экан, қўлидан пиёла тушиб кетиб, шароб ерга тўкилибди. Шунда паризод баззозга билдирмай, исми аъзам дуосини ўқиб: «Ичканидан эшак бўлсин!» деб пиёлани шаробга тўлдириб баззозга узатибди. Баззоз пиёлани олиб ичиши билан эшак бўлиб қолибди. Шунда паризод қўлига таёқ олиб, хиҳ, эй харом ўлгур, бу жойда нима қиласан, эшак бўлсанг далада ўтла-да,—деб таёқ билан уриб-уриб дарвозадан чиқариб жўнатибди.

Шунда баззоз эшак бўлиб, уйга кириб бораверибди. Музаффарнинг эшакка кўзи тушиб, ичкари чопиб кириб: — Ойбуви, ойбуви, бир эшак кириб келди.

— Бойлаб қўй, олдига ўт сол,—дебди Ойбувиси.

Музаффар эшакни боғлаб, бўйнидан курмак қилиб, олдига ўт солибди. Эшак ўтни емай бўзрайиб қараб тураверибди. Етим ичкари кириб:

— Айбуви, эшак ўтни емаяпти,—дебди. Ойбувиси:

— Сувсагандир, суғор. Эгаси чиқса бериб юборамиз,—дебди.

Шунда етим бола эшакнинг олдига сув қўйган экан, сув ичиб, ўтни емай турибди.

— Эй, қорни тўқдир-да,—деб, ичкари кириб ётибди Музаффар ҳам. Эшак бир кун, икки кун турибди, ҳеч нажот тополмабди. Ахир билдирмай, бўйнидан ипини тушириб, дарвозадан чиқиб кетибди.

— Кел,—дебди эшак,—энди домлага теккан синглимнинг уйга борай, қани нажот бўлармикан?

Илгари кўрган синглисининг ҳовлисига дарвозадан кириб кетаверибди. Қоровуллар:

— Эгасиз эшак бундай ичкари кираяпти,—деб тепиб ҳайдаса ҳам эшак зўрлик билан ичкари кириб кетаверибди.

Номахрамлар ичкари киролмас экан. «Ҳа шайтон тала-

ган, ажина дўртганлар, баҳона қилиб эшакни ичкарига киргизиб, яна чиқариб юборинг, деганларингиз нимаси. Домланинг ўзлари келиб чиқарадилар»,— деб эшакни чиқармабди домланинг хотини. Эшак туёғи билан:— Мен шундай эдим, шундай бўлдим. Мен қиёматли бир туғишган аканг бўламан,— деб ерга ёзибди. Шуни ҳам синглисиз пайқаб билмабди. Домла намоз жумадан уйига қайтиб келса, бир эшак ҳовлида турганмиш. Хотини ташқаридан қочириб кирибди. Домла эшак ерга ёзган оятни ўқиб кўриб, бу эшак хотинининг акаси — қайнисиз эканлигини билиб, эшак бизга керак, паловни қил деб, ичкари уйни ясатиб кўрпачаларни солиб, эшакни ичкари уйга олиб кириб, тўрдаги кўрпачанинг устидан ўтқазиб хотинига сирни билдирмай, хотини нега бундай қилаётибсиз?— деса, домла:— ишинг бўлмасин, бошқа уйга кириб ёт!— дебди. Шунда домланинг хотини овқатни сузиб келтириб қўйибди. Ўзи бошқа уйга кириб ётибди. Домла бўлса кўча томондаги деразаларни очиб қўйиб, бир товоққа овқат солиб, бир ёғидан эшак оғзи билан еб, иккинчи ёғидан домла еб, йўлдан ўтган бир хил одамларнинг кўзи тушиб:— Эй, домла жинни бўлдимиз, эшак билан қўшилиб овқат қилипти,— деб деразадан қараб, анча кулишибдилар. Домла овқат ейилгандан сўнг эшик деразаларни ёпиб, икки чойнак чой келтириб, ичкари кириб, дастурхонларни йиғиштириб, исми аъзам дуоларни ўқийверибди. Домла саҳаргача ўқибди. Эшак бўлса асли ҳолига келибди. Тонг отибди. Домла мачитга жўнаш олдида хотинини уйғотиб:— Мен келгунча эшикларни очиб қўй, яна у эшакни чиқариб юборма,— деб тайинлаб кетибди, хотини келиб эшикларни очиб ичкари кириб қараса эшак йўқ. Қараса ўзининг акаси ўтирибди, Бирдан ака-сингил кўришиб ҳоли-аҳвол сўрашиб, шундай, эдим, шундай бўлдим деб, синглисизга бирма-бир айтиб берибди. Домла мачитдан намозини ўқиб келиб хотинига:— Ана сенинг аканг, менинг қайним,— деб воқеани сўзлабди ва йигитга:— Энди онангнинг қошига бор, лекин «шундай эдим, шундай бўлдим», деб сирингизни асло билдирма, савдонгизни қилавер деб, чиқариб жўнатибди. Савдогар ўғли баззоз уйига кириб келибди. Онаси сўраб қолибди:

— Икки кундан бери қаерда эдинг. Мен «нега келмади» деб йўлингизга интиқ бўлдим. Бирон жойга кетсанг, билдириб кетсанг бўлмайдингиз?— деб гина қилибди. Шунда ўғли айтибди;

— Эй она, тенгдош ошналарим бор, меҳмон қилиб уйи-

га олиб кетиб қолди, қўлма-қўл меҳмон. Уйдан бир хабар олай деб келдим. Ҳалиям амал-тақал қилиб қутулдим. Бўлмаса бугун ҳам келолмас эдим,— деб онасини алдабди. Ана энди овқатни еб ётаверсин, тонг ҳам отаверсин. Баззоз эрталаб уйғониб етимини ияртиб, дўконни бориб очиб, етимга бир иш буюрибди, пардани очаман деб турганида, бирдан осмондан уч дона кўк каптар келиб пардани очиб ичкари кирибди.

— Ассалому алайкум, хорманг, кушойишкор берсин, бегимсиз, тўрамсиз,— деб, улар чиройли паризод бўлиб, баззознинг ақлини олибди. «Ундан оламан, бундан оламан» деб, анча нарсани, бир гавҳари шамчирогни олиб, савдосини қилиб, «пулини уйдан олиб келасиз», дебди. Баззоз айтибди:— Йўқ, йўқ, бормайман. Насияни ўғрига чиқарган,— деб турибди. Шунда паризод қошини қоқиб, мижжасини учирибди, ишқилиб баззознинг ақлини олиб қўйибди. Баззоз ўз-ўзига: «Мен борай, қани. Ўзимга ҳушёр бўлсам бўлади-да»,— деб савдогарвачча қорама-қора паризоднинг кетидан кетаверибди. Бориб ўзи кўрган дарвозани очиб ичкари кирса аввалги кўрган ҳашаматлардан буниси ўн марта зиёд. Паризод:— Утиринг, овқатланинг, пулингизни олиб кетасиз,— деб дастурхонларга овқатларни исми аъзам билан ҳозир қилиб, дастаси тилладан бўлган идишга шароб сузиб, исми аъзам дуоларини ўқиб, «ичганидан кучук бўлсин» деб, баззознинг ақлини олиб, «тўрамсиз, бегимсиз, бир пиёла ичинг» деб, қўлига берибди. Баззоз ҳам ақли кетиб шаробни ичган экан, кучук бўлиб қолибди. Шунда паризод қўлига таёқ олиб: «Тур, лаҳатга йиқилгур. Тур, йўқол!» деб, уриб-суриб дарвозадан чиқариб, ҳайдаб юборибди. Шунда тўппа-тўғри уйига бориб дарвозадан кираётган экан, етим бола:

— Ойбуви, ойбуви, бир кучук кириб келаётибди,— дебди.

Ойбувиси:

— Таёқ олиб уриб ҳайдаб юбор,— дебди. Ана энди Музаффар қўлига таёқ олиб, уриб-уриб, дарвозадан чиқариб ҳайдабди, дарвозани занжирлаб қўйибди. Ана энди кучук:— Кел, синглимникига борай, зора яна асли ҳолимга келсам,— деб сингисининг ҳовлисига — домланинг уйига борса дарвозалар занжир, сув кирадиган бир тешик бор экан. Шундан ўтиб ҳовлидаги супанинг устида индамай ётибди. Бир вақт домланинг хотини кўриб қолиб:

— Қаранг, бир кучук ҳовлига кириб ётибди,— дебди эрига. Шунда домла:

— Қани?— деб қараса, бир кучук, ўз чўпонининг кучугига ўхшайди. «Майли, олдига нон ташла, эрта боққа кўчамиз, бу кучук бизга даркор», деб қўйибди. Домланинг хотини кучукнинг олдига нон ташлабди. Кучук нонни ебди. Бир кун, икки кун туриб кучук:— Энди билдирай— деб, ҳаракат қилибди. Оёғининг тагидан қон чиқариб, домланинг қоғозидан бир варағини шамол учирган экан, ўшани топиб олиб, қон билан:— Мен шундай эдим, бундай бўлдим,— деб қоғозга ёзибди. Бунга домланинг кўзи тушиб қолибди. Хотинига: «Бор, ўша кучук ёзган қоғозни олиб кел» дебди. Хотини олиб келибди. Домла ўқиб қараса оят ёзилган: «Шундай эдим, шундай бўлдим». Домла қайниси эканини билиб, хотинини чақириб, ош қил, дебди. Ичкарига кўрпачаларни солиб, кўча деразаларини очиб, дастурхон ёзибди. Турли таомлар ҳозир қилдириб кучукни ичкари киргизиб, тўрда ўтқазиб, бир товоқда палов ҳозир қилибди. Хотинига:

— Бор энди сен ёт, бизлар билан ишинг бўлмасин,— деб кучук билан домла бир товоқда овқат ейишибди, домла қўли билан еса, кучук оғзи билан ебди. Битта-яримта кўзи тушган киши:

— Домлани арвоҳ урдими, шайтон васвасга қўйдими, кеча эшак билан хўрак еб, бугун кучук билан ҳамтовоқ бўлаёттибди,— дебдилар.

Ана энди домла эшикларнинг ҳамма жойини ёпиб, овқатланиб бўлгандан кейин икки чойнак чой келтириб, кучук турхини ўқийверибди. Пичирлаб, куфлаб, суфлаб, тонг отгунча исми аъзам дуосини ўқиб, кучукни асли ҳолига келтирибди. Домла:

— Бор энди жўнаб қол, онангга айтма, «эшак бўлдим, кучук бўлдим яна асли ҳолимга келдим» деб оғиздан чиқарма. Агар сен шу ҳовлимга яна бирон нима бўлиб келсанг, мен сенга кейин яхшилик қилмайман. Улдириб, ўзим кўмиб келаман, Бор савдонгни қил,— дебди. Синглисининг олдида эрталаб нонушта қилиб, уйдан чиқиб жўнабди.

Энди баззоз дўконга келмай, тўғри ҳаммомга кириб ювиниб онасининг олдига кириб борибди. Онаси:

— Болам, яна икки кун бедарак кетдинг, қаерга бординг?— дебди. Уғли:

— Эй она, нимасини сўрайсиз, ошнамникида эдим,— дебди. Кечаси ётиб, эрталаб уйғониб, етимини ияртиб.

дўконни очиб, тозалаб, баққолхонадан чой келтириб, пардани очмай чойни қайтариб турган эканки, уч кўк каптар учиб келибди. Уч кўк каптар уч чиройли паризод бўлибди. «Тўрамсиз, бегимсиз, жонимсиз» деб баззоонинг ақлини олибдилар. Баззо ҳам ҳушёрлик қилиб уларга ишонмай турибди. Бундан олинг, ундан олинг, деб кўп нарсани олиб, қошини қоқиб, кўзини қисиб, савдосини қилиб, пулини ўша ўзингиз кўрган дарвозага кириб бориб олиб келасиз, дебди паризодлар. Шунда баззо ҳам сирни билдирмай, борайин энди, ўзимга ҳушёр бўлайин деб, улардан олдин чиқиб кетиб, дўконни ёпиб, қорама-қора кетаверибди. Бориб биринчи дарвозадан кирибди, иккинчи дарвозадан ҳам кирибди. Қараса яна бир дарвоза, ундан ҳам кирса, ана жою мана жой! Аввалги кўрган маконларидан бу юз марта зиёда. Ичкари кириб баззо қараса каштали кавзакорли иморатлар. Кўрпачалар тўшалган, дастурхон ёзилибди, тўққиз хил овқат тайёр бўлибди. Паризод ҳозир бўлиб, жойни бел бувардан солиб, «бегимсиз, тўрамсиз, жонимсиз» деб ақлини олиб, шароб сузиб паризод шаробга қараб исми аъзам дуосини ўқиб, «ичганида кўк каптар бўлиб учиб чиқиб кетсин, деб, шаробни баззога берибди. Баззо ҳам ақли кетиб бирдан шаробни олиб ичиб, кўк каптар бўлиб, парвоз қилиб, паризоднинг қўргонидан чиқиб кетибди.

— Ана энди каптар бўлиб қолдим, бекорга паризодлар билан савдо қилдим, эшак қилди, кучук қилди, поччам — домла. Қанча хизмат қилиб ўз ҳолимга келтирди. Домла поччам: «Яна бирон нима бўлиб келсанг ўзим ўлдираман», деган эди. Энди ишим ёмон бўлиб қолди, кел, яна домла поччамникига борай, яхшилик қилар, ўз ҳолимга келтирар, келтирмаган тақдирда ўлдираман деса, бир парвоз қилман, қуш бўлиб учиб чиқиб кўкда сайр қилиб учиб юраман, деган фикр билан учиб домланинг томи устига келиб қўнибди. Шу вақт домла мачитга кетган экан. Домланинг Шодмон деган ўғли бор экан, онасини чақирди:

— Она, она, томнинг устига бир каптар келиб қўнди. Ушлаб берасан,— деб йиғлайверибди. Онаси:

— Айланай болам, мен қандай қилиб учиб юрган каптарни ушлайман, ерга дон сеп, ўзи келиб қўнади,— дебди.

Шодмон бир ҳовуч донни ҳовлига сепган экан, каптар томдан пастга тушиб, донни териб еяварибди, ушлаб олса ҳам қочмабди. Шунда Шодмон билан онаси каптарга зехн солиб қараб туришган экан, каптар тумшуғи билан бир ва-

рақ қоғоз топиб, қатиқ хурмани олдига қўйиб, тумшуғи билан хат ёзаверибди. Буни домланинг хотини англаб, билибди. Яна шу эшак, кучук бўлиб келган акам бўлмасин деб, бориб ушлаб олиб хатни ўқиб қараса оят айтгангинаси — акаси. Каптарни олиб кириб сандиққа солиб қўйибди. Кўрпачаларни солиб, ошни дамлаб турган экан, домла намозларини ўқиб келиб ичкари кирибди. Дастурхон бошига чиқибди. Хотини ошини сузиб келтирибди. Шунда хотини айтибди:

— Домлажон, менинг томоғимдан сира овқат ўтмайди.

— Нимага?— деди домла.

— Бир қошиқ қонимдан ўтсангиз айтаман.

— Айт,— дебди.

— Менинг акам аввал эшак бўлиб келди, уни ўқиб, исми аъзам билан ўзининг ҳолига келтирдингиз, кучук бўлиб келди, уни ҳам қайтардингиз. Энди нима бўлиб келсанг, ўзим ўлдираман, деб юбордингиз. Яна келди. Улдирманг. Асли ҳолига келтиринг,— деб ялинибди. Домла:

— Нима бўлиб келди? Қани?— дебди.

— Кўк каптар бўлиб келди, сандиққа солиб қўйдим,— дебди хотини. Домла:

— Ол бу ёққа, мен уни ўз ҳолига келтираман. Агар бошқа нарса бўлиб келса эди, ўлдираддим. Ол бу ёққа, уни ўзим бир кўрай,— дебди.

Хотини овқатни сузиб келибди. Ўртада товоқ, бир ёғидан домла, бир ёғидан хотини, бир томондан каптар тумшуғини суқиб ошдан олиб ебдилар. Овқат ейилиб, фотиҳа бетга тортилиб, хотинига айтибди:

— Энди сен бориб ёт, мен буни бу кечаси билан ўқий, деб икки чойнак чой келтириб, исми аъзам дуосини ўқибди. Тонг отгунча ўқибди, каптар дуоси чиқмай, асли ҳолига келтиролмабди. Эрталаб домла ҳамма оятларни ёзиб, тумор қилиб каптарни бўйнига тақибди. Қўлига каптарни олиб ташқари чиқиб айтибди:

— Сени мен аслинга келтиролмадим, эй жонивор, энди сенга бир йўл кўрсатай, Қибла томонни кўзлаб, парвоз қилиб учиб кетаверсанг олдингдан қизилқум, қорақум деган чўллар чиқади. Ундан ҳам ўтиб борсанг бир тўп қора дарахт кўринади, борасан-да, шу қора дарахтнинг қавагида бир чуқур чашма бор. Бирдан ўзингни ўшал чашмага ташла. Уч донишманд ўтирибди, жаҳонда илмнинг энг чўққиси чиқиб. Чашма булоғидай тошиб турган бизларнинг устозимиз бор. Биздан устозларга салом айтасан, бу

хунарни ақлинг камол бўлса, болам, ўша жойдан билиб қайтасан. Душманларингдан ўч оласан, яхши даври-давро-ронлар сурасан. Бор болам, манглайингни ҳақ очсин!— деб, учириб юборибди. Домладан бу сўзларни эшитиб, кўк каптар парвоз қилиб, ўзи кўрган қизилқум, қорақумлардан ўтиб, сувсаб ўзи борган қора тўп дарахт устидан учиб бориб, дарахт қавагидаги чашмага парвоз қилиб ичкарига тушиб:— Ассалом алайкум,— дебди. Уч донишманд каптарни ушлаб, ўлдирмоқчи бўлибди. Каптар тилга кириб: «Ундай эдим, бундай бўлдим, шогирдингиз домланинг олдидан келдим, домладан сизларга салом», дебди.

Донишмандлар сўзини тинглаб бир исми аъзам ўқибди, асли ҳолига келтирибди.

— Бўлмаса, бўтам, сени бизлар ўқитайлик. Уқиш муддати қирқ кун, агар қирқ кунгача ақлинг камол бўлса, ўрганиб чиқасан, деб савдогар ўғлини донишмандлар ўқитаверибди. Оятларни ўргатаверибди. Донишмандлар қирқ кунда бир оят ўрганиб етишган бўлса, бу бир кунга қирқ оят ўрганиб, булардан ҳам ўтакетган донишманд бўлибди. Уч донишманд қараса, қирқ кунда бу бола устозидан ҳам ўтадиган бўлибди. Донишмандлар айтибди:

— Бўлди болам, ана энди сен илмингни оширдинг, душманингдан ўч оласан, қани кўзимизнинг олдида бир кўрсат илмингни.

Шунда савдогар ўғли бир исми аъзам ўқибди. Бир кўк каптар бўлиб учиб чиқиб кетибди. Тўппа-тўғри чўлдан ўтиб, мамлакатига етиб, домланинг ҳовлиси — синглисининг уйига кириб қўнибди. Бир исми аъзам ўқибди, асли ҳолига келибди.

Домла сўрабди:

— Бориб келдингми, иним?

— Бордим,— дебди савдогарвачча.

— Ҳа, яхши ўрганиб келибсан, бор энди сирингни бировга билдирма, агар сенга биров душманлик қилса оятин: ўқи, қайтиб кетади. Бир нарса бўл десанг бўлади, бор энди. Савдонгни қилавер,— деб чиқариб жўнатибди.

Ана энди савдогар ўғли уйига келиб, боласидан, онасидан хабар олибди, онаси анча гина қилибди. Сир бой бермай ётибди. Эрталаб уйғониб Музаффарни олиб, дўконига чиқиб кетибди. Дўкон очиб, рўйкор қилиб, етимга иш буюриб, чой қилиб нонушта қилиб турган экан, осмондан учта каптар парвоз қилиб учиб келиб, пардани очиб ичкари кирибди.

— Тўрамсиз, бегимсиз, хонимсиз, бундан оламиз ундан оламиз,— деб булар кўтарганича хоҳлаган нарсаларни олиб, савдосини қилиб.— Пулини бориб уйдан оласиз,— деб қошини қоқиб, лабини буриб, савдогарвачанинг ақлини олибди. Шунда айтибди. Майли, борсам борайин, энди ўзимга ҳушёр бўлайин, булардан ўчимни олайин деб. Улар олдин, бу кейин, қорама-қора бориб, биринчи дарвозадан кирибди. Паризод қўлидан ушлаб, қўлини бўйнига ташлаб, меҳмон қилибди. Бир пиёла шароб берибди.

— Тўрамсиз, бегимсиз, ичасиз,— дебди.

Шунда савдогарвачча шаробни қўлига олиб қараса, паризод шаробга, «ичганидан эшак бўлсин» деган оятни солибди. Йигит қўлига шаробни олиб ичмай, оятни ичига бир қайтариб, исми аъзам дуо ўқиб: «Бор, бир байтал от бўлсин» деб шаробни устига сепиб юборган экан, паризод бир байтал от бўлибди. Бўйнидан арқон солиб чиқариб, қоziққа бойлабди. Иккинчи дарвозани очиб кирса, паризод жойларни созлаб, йўлини кўзлаб турганмиш. Баззоз ичкари кирганидан «Тўрамсиз, бегимсиз» деб, қучоғлаб, ақлини олиб, бир пиёла шароб берибди. Савдогар ўғли шаробни қўлига олиб, қараса «ичгандан кучук бўлсин» деб дуо суфлаган экан, баззоз бу дуони қайтариб: «Бор, сен бир қанжиқ бўл!» деб устидан сепиб юборибди,

Паризод қанжиқ бўлиб қолибди. Уни ҳам бойлабди. Учинчи дарвозадан кириб учинчи паризодга меҳмон бўлибди. Бу ҳам иззат-икром айлаган, шароб берган, қошини керган, ичганда каптар бўлсин деган экан, савдогарвачча дуони ўқиб, қайтариб: «Бор, сен отга эгар-абзал бўл» деб сепиб юборибди. Паризод отга эгар-абзал бўлибди. Йигит:

— Шошма, ана энди мендан кўргин кўргуликни,— деб эгарни олиб, байталга солиб, қанжиғини етаклаб, отни миниб таёқлаб, ҳе энди, қаерга қочиб қутуласан, мендан қутулмайсан, энди мен сенларнинг бир таъзирингни бериб қўяй деб, байтални таёқлаб, савалаб қанжиқ кучукни уриб, домланинг ҳовлисига — сингисининг уйига кириб борибди. Домланинг кўзи тушиб қолибди, ўша қайниси.— Қани почча, мана буларни нима қилай?— дебди савдогарвачча. Домла:

— Иним маслаҳат уйи бор. Элнинг катталари йиғилиб нима қилинг деса, ўшалар айтади,— дебди.

Бу гап савдогарваччага мақул тушибди. Маслаҳат уйига элнинг катталари, кичиклари йиғилиб, зиёфат қилиб турганида тўрдан тўрт кишилик жой бўш турибди. Бир



вақт савдогарвачча байтални миниб, қанжиғини етаклаб келиб қолибди. «Меҳмон келди, меҳмон келди», бўлиб қолибди. Савдогарнинг ўғли байталдан тушиб, эгарни қўлтиглаб, қанжиқни олдига солиб, байтални етаклаб келиб уйга кириб келаверибди. Тўрға байтал, қанжиқ, эгарни ўтқазибди. Шунда катта-кичиклар: «Эй, бу қандай кўрим, жинними-соғми», деб одамлар тура солиб уйдан чиқиб кетишибдилар.

Биттаси айтибди:

— Домла бир кўрдим эшак билан кучук билан бир товоқдан овқат ейишди.

Савдогар ўғли одамларни тўхтатибди.

— Шошманглар, улар одам, мана қаранглар,— деб, от, эгарга қараб, бир исми аъзам ўқибди, паризодлар ўз ҳолига келибди. Ҳамма ҳайрон қолиб ичкари кирибди. Яна бир исми аъзам ўқибди, бири байтал, бири қанжиқ, бири эгар-абзал бўлибди. Савдогар ўғли айтибди:

— Мана шу байтал бир вақт мени эшак суратига киргизган эди, буни мен ҳозир байтал қилдим. Энди бундан ўчимни оламан. Маслаҳатчилар, ўлдири! дебди. Байтални таёқлаб ўлдирибди, қанжиқни кўрсатиб: Бир вақт мана бу мени кучук суратига киргизган эди, мен бундан қандай ўчимни олай?— дебди. Халқ:— Ўлдилинг!— дебди. Таёқлаб буни ҳам ўлдирибди. Эгар-абзални кўрсатиб айтибди:

— Мана бу мени бир вақтлар кўк каптар қилиб юборган эди, мен каптар бўлиб бориб донишмандлардан илм ўрганиб келиб, булардан ўчимни олдим, мен ҳам буни исми аъзам ўқиб эгар-абзал қилиб миндим, мен бундан яхшилик кўрдим, улардан ёмонлик кўрдим, ўчимни олдим, энди мени ёрим шу бўлсин,— деб бир исми аъзам ўқибди. Ой деса оғзи бор, кун деса кўзи бор, сув ичса томоғидан кўринадиган чиройли ойдек паризод бўлибди. Намоз жумани мачитда ўқишиб келиб домла уларни никоҳлабди. Савдогарвачча тўйни бошлаб юборибди, элу халқни кийинтириб, семиз қўйлардан сўйдириб, қирқ кеча-кундуз тўй бериб, паризодни олиб элу халқни хурсанд қилиб, кўп савдоларни эсидан чиқариб, бир неча йил паризод билан яшаб муроди-мақсадига етибди.

## ФАНТАСТИК ЭРТАКЛАР

(«Сув қизи» китобиға изоҳ)

1. Моҳистара. Тўпловчи: *Собиржон Иброҳимов*, 1941 йил, инв. № 1020. Нашрга тайёрловчи: *М. И. Афзалов*.
2. Воспирохун. Айтувчи: *Ж. Тожибоев*, Тошкент, 1937 йил, инв. № 122. Нашрга тайёрловчи: *М. И. Афзалов*.
3. Камбағал қиз. Айтувчи: *Х. Худойбердиев*, Наманган, 1935 йил, инв. № 489. Езиб олувчи: *Ш. Ражабов*. Нашрга тайёрловчи: *М. И. Афзалов* ва *Ҳ. Расул*.
4. Ҳасан билан Ҳурилик. Айтувчи: *Адолатхон*. Езиб олувчи: *Ш. Ангároва*, Андижон, 1939 йил, инв. № 688. Нашрга тайёрловчи: *М. И. Афзалов*, *Ҳ. Расул* ва *З. Ҳусаиновалар*.
5. Хотам. Айтувчи: *Адолатхон*. Езиб олувчи: *Ш. Ангároва*, Андижон, 1939 й. инв. № 689. Нашрга тайёрловчи: *М. И. Афзалов*, *Ҳ. Расул*, *З. Ҳусаиновалар*.
6. Луқмон Ҳаким. Айтувчи: *Нурали Нурмат ўғли*. Езиб олувчи: *А. Шукuroв*, Тошкент, 1941 йил, инв. № 202. Нашрга тайёрловчи: *М. И. Афзалов*.
7. Ота васияти. Айтувчи: *Мусо Раҳмонов*, Андижон обл. Марҳамат райони, 1935 йил, инв. № 496. Езиб олувчи: *Ш. Ражабов*. Нашрга тайёрловчи: *М. И. Афзалов*.
8. Сухроб ва Мизроб. Айтувчи: *Абдужамил Раҳмонов*. Езиб олиб нашрга тайёрловчи: *М. И. Афзалов*.
9. Сув қизи. Айтувчи: *Адолатхон*. Андижон, 1937 йил, инв. № 693. Езиб олувчи: *Ш. Ангároва*. Нашрга тайёрловчилар: *М. И. Афзалов* ва *З. Ҳусаиновалар*.
10. Илмхон. Айтувчи: *Матназар бахши Жаббор ўғли*. Хоразм область, Ҳазорасп район. Бешта қ/совети, Ленин номи колхоз. 1961 йил. Езиб олиб нашрга тайёрловчи: *Насрулло Сабуров*.
11. Гуломбачча. Айтувчи: *А. Шукuroв*. Қашқадарё область, Китоб райони, 1957 йил, инв. № 1317. Нашрга тайёрловчи: *З. Ҳусаинова*.
12. Маликан Гулизор. Айтувчи: *Моҳфира Собирова*. Хоразм область, Ҳазорасп район, Охунбобоев кўчаси, уй № 45. Езиб олиб нашрга тайёрловчи: *Насрулло Сабуров*.
13. Эркенжа. Айтувчи: *Мардонкул Авлиёқул ўғли*. Сурхондарё обл., Шеробод райони. 1945 йил, инв. № 78. Езиб олувчи: *Т. Р. Рўстамонов*. Нашрга тайёрловчи: *З. Ҳусаинова*.
14. Қирон ака. Айтувчи: *Тиллабиби Дадасардор қизи*. Пискент,

- 1926 йил, инв. № 54. Ёзиб олувчи: *М. Алавия*. Нашрга тайёрловчи: *М. И. Афзалов, Ҳ. Расул* ва *Э. Ҳусаиновлар*.
15. Ёржалолжон. Тўпловчи: *Шоназар Шобабдураҳмонов*. Нашрга тайёрловчилар: *Тиловқул Ашуров* ва *Насрулло Сабуровлар*.
  16. Беш қиз. Айтувчи: *Адолатхон*. Андижон. 1939 йил, инв. № 691. Ёзиб олувчи: *Шамсия Ангарова*. Нашрга тайёрловчи: *М. И. Афзалов*.
  17. Мислабу. Тўпловчи: *Х. Жалилов*. Тошкент, 1956 йил, инв. № 1380. Нашрга тайёрловчи: *Зубайда Ҳусаинова*.
  18. Шерзод билан Гулшод. Айтувчи: *Ҳасан Ёқубов*. Тошкент, 1939 йил, инв. № 722. Нашрга тайёрловчи: *Зубайда Ҳусаинова*.
  19. Вазирвачча. Айтувчи: *Мирзажон Мирхўжасв*. Ёзиб олувчи: *Х. Утешев*, 1938 йил. Нашрга тайёрловчи: *М. И. Афзалов*.
  20. Кәмбағал-қашшоқ. Айтувчи: *Х. Ҳудайбердиев*. Ёзиб олувчи: *Ш. Ражабов*. 1935 йил, инв. № 489. Нашрга тайёрловчи: *Э. Ҳусаинова*.
  21. Қуёш ерининг паҳлавони. Тўпловчи: *Афандихон Исмоилов*, Тошкент, 1955 йил, инв. № 1360. Нашрга тайёрловчилар: *М. И. Афзалов* ва *Ҳ. Расул*.
  22. Савдогар ўғли. Айтувчи: *Э. Қўчқоров*. Шаҳрисабз райони 1958 йил, нашрга тайёрловчилар: *М. И. Афзалов* ва *Насрулло Сабуров*.

## МУНДАРИЖА

Моҳистара : : : . . . . .	5
Воспирохун : 2 : . . . . .	52
Қамбағал қиз . . . . .	75
Ҳасан билан Ҳурилик . . . . .	94
Хотам . . . . .	106
Луқмон ҳаким . . . . .	124
Ота васияти . . . . .	134
Сухроб билан Мизроб . . . . .	139
Сув қизи . . . . .	160
Илмхон . . . . .	168
Ғуломбачча . . . . .	177
Маликаи Гулизор . . . . .	191
Эркенжа . . . . .	196
Қирон ака . . . . .	209
Эржалолжон . . . . .	214
Беш қиз . . . . .	221
Мислабу . . . . .	242
Шерзод ва Гулшод . . . . .	251
Вазирвачча . . . . .	257
Қамбағал-қашшоқ . . . . .	265
Қуёш ерининг паҳлавони . . . . .	281
Савдогар ўғли . . . . .	304

*На узбекском языке*

## НАРОДНОЕ ТВОРЧЕСТВО

### МНОГОТОМНОЕ ИЗДАНИЕ

## ФАНТАСТИЧЕСКИЕ СКАЗКИ, 1 т.

(СУВ ҚИЗИ)

Редактор **Ҳабиб Пулатов**  
Рассом **А. Циглицев, П. Мудрак**  
Расмлар редактори **П. М. Мудрак**  
Технический редактор **Н. И. Курилова**  
Корректор **Ш. Собирова**

Босмахонага берилди 20/IV 1966 й. Босишга  
рухсат этилди 15/VIII-1966 й. Формати 84×  
108/32. Босма л. 10,25. Шартли босма л. 17,22.  
Нашр л. 18,87. Тиражи 60000. «Тошкент» бадий  
адабиёт нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Шартнома № 74/66.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети мат-  
буот Давлат Комитетининг 3-босмахонасида 2-  
қозоғга босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Заказ 397. 1966. Баҳоси 75 т.

Ўз  
Ф24

Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Сув қизи.  
Фантастик эртаклар. Нашрга тайёрловчилар: **М. И. Афзалов,**  
**Э. Ҳусаннова, Н. С. Сабуров** Тузувчи **М. И. Афзалов.**  
Т.. «Тошкент» бадий адабиёт нашриёти, 1966.  
328 бет (ЎзССР ФА. А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт  
институтин.) Тиражи 60000.

Фантастические сказки. Т, №